САМАРҚАНД
ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИНИНГ
90-ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА
БАҒИШЛАНАДИ

COVID-19 ПАНДЕМИЯНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ISBN 978-9943-7799-1-4

COVID-19 ПАНДЕМИЯНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институтининг
90-йиллик юбилейига
бағишланади

COVID-19 ПАНДЕМИЯНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК:51.9
КБК 65.39
П 19

М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроиловлар раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси. COVID-19 Пандемиянинг хизмат кўрсатиш соҳасига таъсири ва уни бартараф қилиш йўналишлари. Монография. – Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021, 516 б.

ISBN 978–9943–7799–1–4

Монографиянинг умумий мазмуни пандемиянинг иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаларига салбий таъсири ва уни бартараф қилиш йўлларига бағишланган. Алоҳида пандемиясидан кейинги даврда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш йўналишлари, хизмат кўрсатиш соҳасининг камбағалликни қисқартириш ўрни, хизмат кўрсатиш соҳасини рақамлаштиришни ривожлантириш масалалари, пандемиянинг туризм соҳасига етказган салбий таъсири ва уни бартараф этиш йўллари, миллий туризмнинг рақобатбардошлигин таъминлаш имкониятлари, пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни ривожлантириш масалалари ва унинг оилавий тадбиркорлик соҳасига салбий таъсирини камайтириш йўллари қараб чиқилган.

Ушбу иш хизмат кўрсатиш соҳасида таълим олаётган талабалар, магистрлар, аспирантлар, профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар ва соҳа мутахассислари учун мўлжалланган.

УЎК:51.9
КБК 65.39

Нашр учун масъул: и.ф.д., профессор – М.Қ.Пардаев

Тақризчилар:

Р.Х.Эргашев – КарМИИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори,

С.Н.Ташназаров – СамИСИда кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Монография СамИСИ институти илмий Кенгашининг 2021 йил 30 июндаги 7-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган

ISBN 978–9943–7799–1–4

© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» 2021.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ТЎСИҚ – УНИ ЕНГИБ ЎТИШ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТ
(Сўзбоши ўрнида)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. ... Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун – шунга эътибор беринг – ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорида зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионта иш ўрни йўқотилган”[1]. Бундай фалокат бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтган эмас. Ўтган йилги пандемия даврида хизматлар ва сервис соҳаси энг кўп жабр кўргани ҳаммага аён. Ана шундай мураккаб шароитда хизмат кўрсатиш соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, ушбу соҳанинг барқарор ривожланиши иқтисодиётимизни юксалтириш учун ҳам, аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун ҳам энг муҳим манба ва омили эканлигидан келиб чиқилмоқда.

Пандемия шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг бир қисми катта талофат кўрган бўлса, бир қисми аҳолининг корига яради. Уйдан туриб энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарларини етказиб беришдек энг зарур хизматларни амалга оширди. Ушбу хизматнинг йўлга қўйилиши нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам йўлга қўйилди. Бу аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бугун бу соҳа анча сезилар даражада юксалди. Ҳозирги кунда илгаригидек, қишлоқдаги ягона сартарошхона ёки телевизор тузатиш устахонаси эмас, балки замонавий алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари, меҳмонхона, ресторан ва бошқа кўплаб хизматлар мажмуи шакллантирилмоқда. Қишлоқларимизга саноат кириб келди ва қишлоқда аграр мавсумий меҳнат ўрнига индустриал соҳада меҳнат қилиниб, унинг характери ҳам ўзгариб бормоқда. Қишлоқдаги меҳнат олдинлари асосда жисмоний меҳнат

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 30.12.2020 10:00.10.3K. https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu.

бўлган бўлса, эндиликда у ақлий меҳнат характерига эга интеллектуал мулкни ҳам шакллантирмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хизмат кўрсатиш соҳасига эътибор туфайли мазкур соҳанинг ривожланиши, пандемия шароитига қарамасдан, шохобчаларининг кўпайишига, рақобатнинг ошишига ва хизмат сифатининг яхшиланишига олиб келмоқда. Тадбиркорлар ҳам хизматлар сифатини мижозлар талаби даражасида бўлишини таъминлашга ҳаракат қилаётир. Шу боис, пандемия шароитида ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги ишлар ҳажмини кўпайтириш билан бирга, ушбу хизматларнинг сифатини яхшилашга ҳам устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2021 йилнинг 21 апрелида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масаласи бўйича видеоселектор йиғилишида мазкур соҳага жами 500 миллион доллар ёки 5,5 триллион сўм йўналтирилиши таъкидланди[2]. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш соҳасини барча ҳудудларда ривожлантириш вазифаси қўйилди. Бу вазифанинг изчил амалга оширилиши янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари юқорида зикр этилган видеоселектор йиғилишида ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларига хизматлар ҳажмини йил якуни билан 2-3 баравар ошириш, бунинг учун ҳафталик назорат ўрнатиш вазифаси қўйилиб, Тошкент шаҳрида хизматлар ҳажмини камида 3 бараварга ошириш, шаҳардаги 524 та маҳалла кесимида хизматларни ривожлантириш дастурини қабул қилиш вазифаси топширилди[3].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2021 йилнинг 21 апрелида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масаласи бўйича видеоселектор йиғилишида бўйича ахборот. // “Халқ сўзи” газетаси. 2021 йил 23 апрель 83-84-сон. – 1 бет.

[3] Ўша жойда. // “Халқ сўзи” газетаси. 2021 йил 23 апрель 83-84-сон. – 1 бет.

ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди”[4]. Чунки, бошқа тармоқлардан фарқли ўлароқ, хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта захиралардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36,3 фоизни, соҳада банд бўлганлар сони эса 50,1 фоизни ташкил этади. Ҳозир республикамизда мазкур соҳада иш ўринлари яратиш бўйича катта имкониятлар борлигини ҳисобга олсак, бу ҳали жуда паст кўрсаткичдир[5].

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бу соҳада янги иш ўринларини яратиш кам харажат талаб қилиши билан бирга қисқа муддатда ташкил этилади. Лекин бугунги кунда мазкур соҳа салоҳиятидан етарли даражада фойдалана олмаяпмиз. Шу туфайли мамлакатимиз раҳбари ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича жорий йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар юзасидан шу йил 22 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Мазкур монография ҳам юқоридаги устувор вазифаларни бажаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, хизмат кўрсатиш соҳасини ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, хизматларни кенгайтириш, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, илғор тажрибалар ва намунавий лойиҳаларни жорий этиш бўйича янги методология яратиш муҳим аҳамиятга эга. Албатта, бундай ишларни амалга оширишда соҳа олимлари ҳам четда тамошабин бўлиб туришга ҳаққи йўқ. Шу туфайли Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчилари Самарқанд вилоятининг барча туманларида мазкур соҳадаги аҳволни ўрганиб, жойларда тегишли тавсияларни бериб келмоқда. Бунда асосий эътибор, биринчи йўналишда жойларда маиший ускуналарни таъмирлаш устахоналари, бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектлари, кимёвий тозалаш шохобчалари, компьютер дизайнерлиги, бухгалтерия ва бошқа шу каби консалтинг хизматлари билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари қай даражада фаолият кўрсатаяпди деган

---

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 30.12.2020 10:00.10.3K. https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu.

[5] Актам Ҳаитов. Хизмат кўрсатиш соҳасида янгича ёндашув. / https://yuz.uz/news/xizmat-korsatish-sohasiga-yangicha-yondoshuv.

саволга жавоб ахтарилаётган бўлса, иккинчи йўналиш маҳаллий ҳокимликлар яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ажратилаётган маблағларни тўғри сарфлаётганлиги бўйича қабул қилинган дастурлар ва уларнинг бажарилиши ҳам ўрганилмоқда.

Шу ўрганишлар натижаси ва уларнинг концептуал асосларини яратиш мақсадида ушбу монография тайёрланди. Бу иш жуда катта ишимизнинг дебочаси. Ўрганишлар давом этмоқда ва мазкур соҳада бир қанча ишлар эълон қилинади.

Монографиянинг биринчи бобида “Пандемиянинг иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаларига салбий таъсири ва уни бартараф этиш йўллари (Б.И.Исроилов)” қараб чиқилган бўлиб, унда иқтисодий инқирозларнинг умумий ва хусусий жиҳатларига атрофлича тўхталган. Шунингдек, Covid-19 пандемиясининг дунё иқтисодиётига таъсири ҳам аниқ фактлар асосида ёритилган. Мазкур бобда ёритилган пандемиянинг дунё авиакомпаниялари фаолиятига таъсири орқали бир қанча соҳаларга, хусусан, пандемиянинг туризм соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсирлари ҳам ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Ишнинг иккинчи боби “Мамлакатимизда коронавирус пандемиясидан кейинги даврда хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш имкониятлари”га (Н.А.Ибрагимов) бағишланган. Мазкур бобда пандемиядан кейинги даврда туризм соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни бевосита пандемиядан кейинги даврда меҳмонхона ва меҳмон уйлари хизматларини ривожлантириш масалалари билан узвий боғлиқликда ёритишга муваффақ бўлинган. Ушбу инқироздан кейинга вақтда умумий овқатланиш хизматларини ривожлантириш, тўй ва тантаналарни ташкил этиш хизматларини диверсификация қилиш ва ривожлантириш масалалари ҳам тадқиқ қилинган бўлиб, тегишли тавсиялар берилган.

Монографиянинг учинчи бобида “Пандемиянинг хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишига таъсири ва келажакда уни оптималлаштириш истиқболлари (М.М.Муҳаммедов)” қараб чиқилган. Монографиянинг ушбу бобида хизматлар соҳасига пандемиянинг кўп томонлама таъсири ва унинг салбий асоратларига катта эътибор қаратилган. Шунингдек, пандемиядан кейинги шароитда хизматлар соҳасининг таркибий тузилишини такомиллаштириш асосида иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантириш истиқболларини тадқиқ этишга бағишланган. Бобда

назарий масалалар билан бирга вазиятдан келиб чиққан ҳолда таъсирчан амалий тавсиялар ҳам берилган.

Мазкур асарнинг тўртинчи бобида “Пандемиядан кейинги даврда хизмат кўрсатиш соҳасининг камбағалликни қисқартириш борасидаги имкониятлари” (М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаев, Обид Пардаев) тадқиқ қилинган. Ушбу бобда бевосита камбағаллик тушунчасининг таърифи ва уни тадқиқ қилишнинг назарий масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Мамлакатимизда камбағаллик даражаси, уни баҳолаш масалалари ва пандемия шароитида камбағалликни камайтириш йўллари ҳам қараб чиқилган. Эътиборли жиҳати, камбағалликни қисқартириш бўйича кўрилаётган чоралар ва уларнинг натижасига ҳам тегишли тарзда ёритилган. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган томорқадан самарали фойдаланиш йўллари ҳам аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг бешинчи бобида “Пандемиядан кейинги даврда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсири” (Ю.П.Ўринбаева) ёритилган. Ушбу бобда аҳолининг турмуш даражасига пандемиянинг таъсири аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилиши билан бирга аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини ошириш учун шундай таҳликали кунларда қайси омилларга алоҳида аҳамият бериш лозимлиги ҳам аниқ мисоллар ёрдамида ёритилган.

Монографиянинг олтинчи бобида “Пандемиянинг туризм соҳасига етказган салбий таъсири ва уни бартараф қилиш йўллари” (М.Қ.Пардаев) қараб чиқилган. Ушбу бобда пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти, хусусан, туризм соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида алоҳида таҳлил ва тавсиялар келтирилган. Шунингдек, бугунги кунда долзарб масалалардан бўлган туризмнинг ривожланишига пандемиянинг таъсири ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилишда Ўзбекистон тажрибасига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Соҳада янги йўналиш бўлган пандемия шароитида рақамли туризмни ривожлантиришнинг айрим масалаларига ҳам эътибор қаратилган. Ўзбекистонда коронавирус пандемиясидан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режани ишлаб чиқишнинг зарурлиги ва ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалалар (И.С.Тухлиев ва С.А.Абдуҳамидов) ҳам ишда ўз аксини топган.

Илмий асардаги муҳим йўналишлардан бири “Пандемиядан кейинги шароитларда миллий туризмнинг рақобатбардошлигини таъминлаш имкониятларига” (Д.К.Усманова) бағишланган. Мазкур

бобда туризм соҳасида рақобатбардошлигининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг пандемия шароитида намоён бўлишининг назарий асослари, мамлакатнинг туризм бозоридаги рақобатбардошлиги муаммосининг тизимлийлиги ва уни ҳал қилиш бўйича ўзига хос ёндашувлар қараб чиқилган. Ҳозирги шароитда ишдаги эътиборли масалалардан бири пандемия таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий туризмнинг рақобатбардошлигини баҳолашнинг айрим ўзига хос жиҳатлари, миллий туризмни тиклаш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш дастурларини амалга оширишдаги алоҳида ёндашувлар ҳам ўрин олган.

Монографиянинг саккизинчи боби “Оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасига пандемиянинг салбий таъсирини камайтириш йўллари”га (Г.М.Шодиева, О.М.Пардаева) бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки барча ҳолатнинг натижаси ўзининг таъсирини оилада намоён қилади. Буларни инобатга олиб муаллифлар инновацион иқтисодиёт шароитида оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасининг бугунги ҳолати ва унга пандемиянинг таъсири, пандемия шароитида оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасига етказилган салбий таъсирлар ва уларнинг оқибатлари ҳам илмий-назарий ҳамда амалий масалаларни бирлаштирган ҳолда ёритишга муваффақ бўлишган. Пандемия шароитида оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасига етказилган салбий таъсирларни бартараф этиш йўллари.

Илмий ишнинг тўққизинчи боби “Пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни ривожлантириш масалалари”га (Н.Б.Яхяханов) бағишланган. Мазкур бобда маркетинг назариясини илмий мактаблар асосида ривожланиши ва рақамли маркетинг эволюциясининг пандемия шароитидаги ҳолатига алоҳида аҳамият берилган. Унда пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ҳам ўрин олган. Шунингдек, мазкур бобда бугунги кунда ўта долзарб бўлган мавзу пандемиядан кейинги шароитда хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига рақамли маркетинг технологияларини жорий қилишнинг истиқболли йўналишлари ҳам кўрсатиб берилган.

Монографиянинг ўнинчи бобида “Пандемиядан кейинги шароитда улгуржи савдони ривожлантиришнинг долзарб масалалари” (Д.Ҳ.Холмаматов) қараб чиқилган. Мазкур бобда пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдонинг функционал хусусиятлари, пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдони ривожланиши

билан боғлиқ маркетинг масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Яна бир муҳим масала, пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдони ривожлантиришда хориж тажрибаси ва ундан мамлакатимиз амалиётида фойдаланиш йўллари ҳам ёритилган.

Монографиянинг ўнбиринчи боби “Пандемиядан кейинги даврда озиқ-овақт хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизматларни такомиллаштиришда синергетик самарадан фойдаланиш имкониятлари”га бағишланган бўлиб, у пандемиядан кейинги даврда ўта долзарб масалалардан бири бўлган озиқ-овақт хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизматларнинг объектив зарурлигини тадқиқ қилишга бағишланган. Шунингдек, “Синергетика”, “Синергетик самара” ва “Синергетик самарадорлик” тушунчаларининг назарий масалалари тадқиқ қилиб, уларнинг таърифлари ҳам ишлаб чиқилган. Мазкур бобда шунингдек, хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликнинг асосий йўналишлари ва улардан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиш имкониятлари, хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликни аниқлаш йўллари ва уларндан ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиш имкониятлари очиб берилган.

Илмий асарнинг ўниккинчи боби “Пандемиядан кейинги даврда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластери ва ундан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари”га бағишланган. Мазкур бобда кластер тушунчасининг назарий масалалари ва ундан хизмат кўрсатиш соҳасида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш хизматларини мувофиқлаштириш кластери ва пандемиядан кейинги шароитда қўлланилиши бўйича тадқиқот натижалари берилган. Яна бир муҳим масалалардан бири бўлган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш кластерида коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг роли ва вазифалари ҳам ўрин олган. Маҳсулотларни сақлаб сотиш билан боғлиқ хизматларни ривожлантиришда рақобат ва ҳамкорлик (кластер) тамойилларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам кўрсатиб берилган.

Монографиянинг ўн учинчи бобида-«Сайёрамизнинг глобал экологик муаммолари ва пандемия»-XXI-асрда инсониятга оғир, ўнгланмас фожиаларни келтириб чиқараётган юқумли касалликлар-дунёнинг танилган олимлари томонидан XX-асрнинг 70-80 йилларида башорат қилинганлиги ва инсоният олдидаги экологик фалокатларнинг олдини олишда БМТнинг дунё мамлакатлари

раҳбарларига тавсиялар берганлиги, Ўзбекистон Республикамизнинг бу йўналишларда экологик сиёсатлар ва халқаро ҳамкорликларда олдинги марраларда ҳаракатлар қилаётганлиги келтирилган. Мамлакатимизда экологик инқирозларнинг олдини олиш, бартараф қилишда аниқ ва муҳим тавсиялар берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон барқарор тараққиёт йўлини танлаган ва шу йўлдан оғишмай кетаётган бир паллада пандемия туфайли катта тўсиққа учради. Бундай воқеалар халқимиз ҳаётида тарихан бўлиб келган, аммо ҳамиша бундай қийинчиликларни енгиб ўтилган. Шу туфайли Президентимиз ўзининг парламентга мурожаатномасида: "**Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб ўтмоқдамиз**"[6]. Демак, бу қийинчилар ҳам халқимиз ҳаётида унутилмас тарих бўлиб қолади. Бунга бир қанча далилларни ҳам юртбошимизнинг мурожаатномасидан келтиришимиз мумкин.: "Жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очиқ ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда"[7].

Бугунги кунда пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, хизматлар соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилмоқда. Жумладан, жуда кўплаб хизмат кўрсатиш соҳаларида (тиббиёт, таълим муассасалари кабиларда) масофавий хизматларни кўпайтириш, ушбу корхоналарда электрон иш юритишга ўтказиш каби бир қанча чоралар кўрилди ва булар бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, пандемия даврида иқтисодиётнинг, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасининг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар ҳам сезиларли ишларни амалга оширдилар. Кўриниб турибдики, барқарор тараққиётимизга тўсатдан тўсиқ бўлган пандемия таъсирини енгиб ўтишга ҳамма имкониятларимиз етарли. Албатта, ушбу қийинчиликларни енгиб ўтамиз, чунки бу халқимизнинг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш учун объектив зарурият.

---

[6] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 30.12.2020 10:00.10.3K. https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu.

[7] Ўша жойда.

1-боб. ПАНДЕМИЯНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

КИРИШ

Инқирозлар жамият яратилиши ва ривожланишининг ажралмас қонуниятларидан бири бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши кишилик жамияти учун хос хусусият ҳисобланади. Улар давлат, жамият ва шахс фаолияти, ҳаёти даврининг турли босқичларида содир бўладиган ижтимоий-иқтисодий ҳодисалардир.

XXI аср биринчи 20 йиллиги дунё иқтисодиёти ва жамияти учун жуда кўп ташвиш ҳамда молиявий зарарлар келтирган инқироз, эпидемия ва пандемия каби ҳодисалар билан характерланмоқда. Унинг келиб чиқиши объектив ва субъектив сабаблари муҳокамаси ҳамда айбдорлар бўйича хулоса масаласи сиёсатшуносларнинг вазифаси ҳисобланади. Олимлар ва амалиётчилар шу каби ҳодисаларнинг мамлакатлар иқтисодий ўсиши, аҳоли турмуши ва мамлакат иқтисодиёт хавфсизлиги даражалари таъсирига баҳо бериши ҳамда улар оқибатини бартараф этиш йўлларини илмий асослаб бериши зарур ҳисобланади.

Кризис – жамиятдаги умумий қадриятлар, ижтимоий-иқтисодий манфаатлар ва мақсадларга зарар етказадиган ҳамда мавжуд ёндашув ва механизмлар асосида бартараф этиб бўлмайдиган воқеликдир. Ҳар бир кризис ҳолатига сабаб бўладиган экзоген ва эндоген омиллари мавжуд бўлиб, уни бартараф этиш учун улар табиати ҳамда хусусиятларини аниқлаш зарур ҳисобланади.

Инқирозлар мазмунига кўра: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик, кўламига кўра: соҳавий, ҳудудий (бир маҳаллий ҳудуд, бир давлат), давлатлараро ва жаҳон инқирозларига бўлинади. Шунингдек инқирозлар даврий, оралиқ, тузилмавий, хусусий, соҳавий каби турларга ҳам тавсифланади.

Маълумки, инқироз оқибатида бир маромда фаолият юритиб келаётган тизим ишлаш тамойиллари бузилиши натижасида хаос (тартибсизлик)юзага келади. Ушбу тартибсизликларни бартараф этиш ва тизим фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган

ҳаракатлар оқибатида муқаддам мавжуд тизимдан фаолроқ, қисман янгиланган ёки бутунлай самарали янги тизим шаклланиши мумкин. Бунинг натижасида инқироз жамият (соҳа) ривожланиши учун туртки вазифасини бажарувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Кишилик жамияти ривожланиши даврларида содир бўлган иқтисодий кризислар ва уларнинг сабаблари ҳар доим олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб келинган. Тадқиқотлар натижасида кризисларнинг содир бўлиши даврлари циклик характерга эга ва улар содир бўлишини прогноз қилиш мумкинлиги таъкидланади. XVIII асрдан буён содир бўлган иқтисодий кризислар иқтисодий-математик таҳлили асосида уларни келиб чиқиши ва содир бўлишида маълум бир умумий қонуниятлар мавжудлиги ҳам аниқланган [1].

Маълумки, давлат иқтисодиёти ривожланиш ҳолатини ифодаловчи ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тизими гуруҳлари таркибидаги иқтисодий ўсиш, бюджет ва аҳоли даромадлари, инфляция даражаси, давлат ташқи қарзи, ишсизлар сони, истеъмол миқдори каби кўрсаткичлар мамлакат иқтисодий хавфсизлиги даражасини ифодаловчи индикаторлар ҳисобланади. Кризислар мамлакат хавфсизлигини таъминловчи ушбу кўрсаткичларга ҳам салбий таъсир ўтказади. Натижада аҳоли турмуш даражаси билан бир қаторда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш даражаси ҳам пасаяди.

COVID-19 пандемияси эпидемия бўлсада, унинг хавфлилик даражаси юқорилиги, инсон организмида тез ривожланиши ва салбий ўта оғир оқибатлар келтириб чиқариши давлатларни тезкорлик билан қатъий карантин чораларини кўришга мажбур қилиши дунё бўйича иқтисодий кризиснинг келиш чиқарди.

Оксфорд университетининг «Инсоният келажаги институти» тадқиқотчилари томонидан COVID-19 пандемиясининг 150 мамлакат, учун ҳам узоқ муддатли башорати эълон қилинди. Башоратда коронавирусга қарши курашиш тадбирлари қуйидаги 4 тоифага бўлинади.

1. Коронавирусга қарши курашишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш.
2. Коронавирус тарқалиши тезлигини 20 фоизга пасайтириш, мўътадил карантин, 35-50 фоиз одам изоляцияда, чегараларни ёпиш, транспорт ҳаракатини чеклаш.

3. Коронавирус тарқалиши тезлигини 50 фоизга пасайтириш, қаттиқ карантин, 65-80 фоиз одам изоляцияда, кўчага фақат зарурат бўлганда чиқиш, оммавий тест, чегараларни ёпиш, транспорт ҳаракатини чеклаш.

4. Коронавирус тарқалиши тезлигини 80 фоизга пасайтириш, ўта қаттиқ карантин, 90-95 фоиз одам изоляцияда, кўчага чиқиш тақиқланади, оммавий тест, транспорт ҳаракати бутунлай чекланади.

COVID-19 пандемияси сабабли ушбу давлатлар мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, ушбу тадбирларни мамлакатда жорий этдилар. Қўлланган тадбирлар пандемия тарқалиши даражасини пасайтириш учун хизмат қилди ва инсониятни фавқулодда вазиятларда қўлланиладиган чоралар тизимини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

Таниқли эксперт Ярослав Биховский коронавируснинг Хитой давлати учун фойдали бўлган қирралари рақамли бошқарувни кучайтириш, оммавий ва тезкорлик билан блоклаш механизмини ишлаб чиқиш, 1,5 миллиард одамнинг никоб тақишини назорат қилиш, мамлакат гигиенага қандай риоя қилишни ўрганиш, ёввойи ҳайвонларни истеъмол қилишни қонун йўли билан тақиқлашга эришиш каби ижобий натижалар келтирганлигини эътироф этади.

Модуль биринчи қисмида иқтисодий инқирозлар келиб чиқиши, уларнинг мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳамда COVID-19 пандемиясининг дунё иқтисодиётига таъсирларига баҳо берилади. Модули иккинчи қисмида туризм соҳасининг мамлакатлар ва дунё иқтисодиётидаги ўрни ҳамда COVID-19 пандемиясининг соҳа субъектлари фаолияти натижаларига таъсири масалалари ёритилади. Ишнинг учинчи қисми COVID-19 пандемиясининг мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигига таъсири Ўзбекистон мисолида баён этилади.

Ушбу модулда ўрганилган масалалар ва улар оқибатларини бартараф этиш тўғрисидаги таклифлар тадқиқот модулнинг хулоса қисмида ўз аксини топади.

1.1. Иқтисодий инқирозлар (кризислар), уларнинг умумий ва хусусий жиҳатлар

Иқтисодий инқирозлар жамият ҳаётига кеча ёки бугун кириб келган ҳодиса эмас. Бизнинг милоддан олдинги давлатлар ҳаётида ҳам иқтисодий кризислар содир бўлган, лекин ўша даврда давлат иқтисодларида глобаллашув жарёнлари мавжуд эмаслиги сабабли улар айрим олинган мамлакатларда кузатилган холос.

Лекин XIX асрда бошланган дунё мамлакатлари иқтисодий алоқалар ривожланиши ва глобалашуви натижасида дунё иқтисодиёти шаклланди. Натижада дунё иқтисодиётига таъсир этувчи мамлакатлар пайдо бўлди. Ушбу давлатлар иқтисодиётидаги ўзгаришлар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади.

Иқтисодий инқирозлар, улар келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларига бағишланган адабиётлар таҳлиллари ушбу ҳодисага ёндашишлар турлича эканлигини кўрсатмоқда. Ж.Сисмонди, К.Родбертуса-Ягецова ва Т.Мальтуслар асарларида иқтисодий кризислар табиатлари ҳамда улар пайдо бўлиш даврларига оид тадқиқотларни кўриш мумкин. Иқтисодий кризислар муаммолари фундаменталь жиҳатдан К.Маркс томонидан ўрганилган. К.Маркс тадқиқотлари натижасида кризислар келиб чиқиш сабаблари, уларнинг қонуниятларини илмий нуқтаи назардан асослайди ва уни ҳал этиш чораларини таклиф қилади [2].

Иқтисодий ривожланишнинг классик назарияси вакиллари А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршаллар бозор иқтисодиёти талаб ва таклифни тартибга солиб бориши сабабли иқтисодий пасайиш ҳолатларидан ҳоли деб ҳисоблашган. Лекин Г.Мальтус ва С.Сисмондилар классик назария тарафдорларидан фарқли равишда кризислар ҳар қандай иқтисодиёт учун хослигини эътироф этади [3].

Америкалик иқтисодчи Ж.Гэлбрейт кризислар келиб чиқиш психологик сабабларини ижобий натижани кутиш, яъни бозорда акциялар, кўчмас мулк ва маҳсулотлар нархлари ўсиш ҳолатларига оптимистик қарашлар натижасида иқтисодиётда пуффак ёрилган каби ҳодиса содир бўлиши билан изоҳлайди [4]. Н.Д.Кондратьев эса ушбу қарашлардан фарқли равишда кризисларни жамиятдаги

инновацион ва технологиялар ривожланиши билан 50-60 йилда такрорланиб турадиган ҳодиса, деб баҳолайди [5].

Кишилик жамияти ҳаётида содир бўлган иқтисодий кризислар, улар сабаблари ва қонуниятлари ҳамда оқибатларини бартараф этиш тўғрисида XX ва XXI асрда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотлар натижалари ва улар содир бўлиш сабаблари таҳлили дунё мамлакатлари иқтисодий ҳамда техник-технологик ривожланиш, инқтисодий интеграция жараёнларининг кучайиш даражаларининг ўсиб бориши эвазига иқтисодий кризислар кўлами, аҳоли ва давлатлар иқтисодий аҳволига салбий таъсири ҳам кенгайиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Кризис тўғрисидаги тушунчани ўрганишда асосан иккита таққослаш ва абстракт-мантиқ усулларидан фойдаланиш мумкин. Таққослаш усули ўрганилаётган предметнинг бири-бирига ўхшаш ва фарқ қиладиган жиҳатларини аҳамиятли ҳамда аҳамиятга эга бўлмаган белгиларини аниқлашга асосланади. Кризиснинг ушбу белгилар асосида аниқланган бири-бирига ўхшаш ва фарқ қиладиган жиҳатлари ўзаро таққосланиб, улар қонуниятларига баҳо берилади.

Абстракт-мантиқ усулида ўрганилаётган предметга боғлиқ ҳолатлардан фикран узоқлашилади. Содир бўлган ҳолат бўлаклар бўлиниб ўрганилади, улар сифат жиҳатларига ва келиб чиқиш қонуниятларига мантиқий қарашлар асосида баҳо берилади. Ҳолатга биринчидан, унинг кучли ва кучсиз жиҳатларига баҳо берилади ҳамда натижалар макродаражали кўринишдаги ҳолатлар асосида мантиқий хулосалар билан умумлаштирилади. Иккинчидан эса, худду шу каби ҳолатларга берилган хулосалар ўрганилади ҳамда ҳолат бўйича аниқланган натижаларни умумлаштириш асосида ягона хулосага келинади.

Макроиқтисодий кризислар сабабларини ўрганиш натижасида А.А. Ступина ва Л.М. Коренюгина кризислар фақат иқтисодий тузилмаларни бузиш билан харктерланмайди, балки улар иқтисодиётни ўзини тиклаш имкониятини оширади, барқарорлигини оширишни таъминлайди ва тизимни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш имкониятларини топишга ҳам хизмат қилади, деган хулосага келган [6].

А.В.Тархова макроиқтисодий кризис иқтисодий субъектни унинг фаолияти ва улар билан боғлиқ ташқи муҳит ҳамда ташкилий механизмлар таъсирида ривожланишини таъминлайди, деб ҳисоблайди [7].

Тадқиқотчиларнинг кризис тўғрисидаги фикрларини ўрганиш уларнинг ёндашувларида кризисларга бир томонлама, яъни кризис биринчи босқичи ўтгандан сўнги жиҳатлари бўйича баҳо берилганлигини кўриш мумкин. Ҳолбуки, кризис фақат иқтисодий муносабатлар тизими бузилишидан эмас, балки Covid-19 пандемияси ёки кучли табиий офатлар сабабли ҳам келиб чиқиши мумкинлиги олимлар назаридан четда қолган.

Шунингдек иқтисодий кризис давлат бюджети маблағларини рухсат этилмаган харажатлари [8], макроиқтисодий кризис ишлаб чиқариш ва савдо ўртасидаги ортиқча ҳажм [9], анъанавий иқтисодий алоқалар бузилиши ва иқтисодий мувозанат таранглашуви оқибати [10] ҳисобланади, деган қарашлар ҳам мавжуд.

Б.А. Райзберг, Л.Ш. Лозовский ва Е.Б. Стародубцевалар фикрича, “Иқтисодий кризис – бу ишлаб чиқаришни кескин пасайиши, иқтисодий алоқалар бузилиши, корхоналар банкротлиги, ишсизлар сонининг ўсиши оқибатида мамлакат иқтисодий ҳолати ёмонлашуви ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва ижтимоий аҳволининг пасайишидир” [11]. А.Б.Борисов [12], Л.В.Воронцова ва П.Н.Малюшкин [13], [14], И.А.Максимцев, Л.П.Кураков, Л.С.Тарасевич [15] каби олимлар ҳам шу таърифни маъқуллайдилар.

Фикримизча, ушбу тадқиқотчиларнинг иқтисодий кризис тўғрисидаги қарашларида асосий эътибор фақат кризисларнинг келиб чиқишига қаратилган. Юқорида иқтисодий кризисларга берилган таърифлардаги кризис босқичларидан кейин иқтисодий ўзгаришларга таъсир этадиган жиҳатлар олимлар назаридан четда қолган.

2020 йилгача содир бўлган кризислар келиб чиқиш сабабларини ўрганишлар асосида уларни содир бўлишида умумий қонуниятлар мавжудлигини кўриш мумкин (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Дунё иқтисодий кризислари сабаб ва оқибатлари таҳлили[8]

Т/р	Йиллар	Кризис сабаблари	Давлатлар қамрови	Оқибатлар
1	1857	Темир йўл копманиялари банкротлиги, акциялар нархи пасайиши	Германия, АҚШ, Англия, Франция	Чугун ишлаб чиқариш АҚШ -20 %, Германияда 25%, Францияда 13 %, 17 %, Пахта истеъмоли АҚШ 27 %, 13 %, Россияда 14 % қисқарган.
2	1873-1878	Кредит ҳажми ўсиши, кўчмас мулк нархи асосиз ўсиши	Австрия, Германия, Лотин Америкаси, АҚШ, Голландия	Экпорт миқдори кескин камайган, давлат бюджети даромадлари пасайган.
3	1914	Акцияларни хорижий компанияларга сотилиши	Франция Германия, АҚШ, Буюк Британия.	Фонд, товар ва молия бозорларида тақчилликни келтириб чиқарган.
4	1920-1922	Урушдан сўнг талаб ва таклиф мувозанати бузилиши	Дания, Италия, Финляндия, Голландия, Норвегия, АҚШ, Буюк Британия.	Валюталар қадрсизланиши ва ишлаб чиқаришни пасайишига олиб келган.
5	1929-1933	Фонд бозоридаги танқислик	Собиқ СССРдан бошқа барча давлатлар	Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш АҚШларида 46 %, Буюк Британияда 24 %, Германияда 41%, Францияда 32%, қисқарган. Ишсизлар сони 30 млн. кишидан ошган.
6	1948-1949	Валюта девальвацияси	АҚШ, Европанинг кўплаб давлатлари, Япония	АҚШларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 83 % пасайган. Ишсизлар сони 139, 5 %га ўсган.
7	1953-1954	Корея уруши	АҚШ, Европанинг кўплаб давлатлари, Япония, Канада	Капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳажми 9 % қискарди ва ишсизлар сони 10 млн. кишидан ортди.

1. Муаллиф томонидан 5-манба маълумотлари асосида тайёрланди.

1.1-жадвалнинг давоми

8	1957-1958	Иқтисодий гегемонликни тўлиқ АҚШ ўтиши	АҚШ, Европанинг кўплаб давлатлари, Япония	Ишлаб чиқариш ҳажми 13% камайди ва ишсизлар сони ўсган.
9	1960-1961	АҚШларидаги экспорт муаммолари	АҚШ, Англия, Япония, Канада	Ишлаб чиқариш ҳажми 7 % камайди
10	1966-1967	Иқтисодиётдаги ортиқча пул массаси	Европа давлатлари, Япония	Ишлаб чиқариш ҳажми 8 % камайди
11	1974-1975	Араб-исроил уруши сабабли нефть нархи кескин ўсиши	АҚШ, Европанинг кўплаб давлатлари, Япония, Канада	Ишлаб чиқариш ҳажми АҚШда 13 %, Японияда 20 %, Германияда 22 % камайди. Банкрот корхоналар сони 1973 йилга нисбатан АҚШда 6%, Японияда 42 %, Германияда 40 %га кўпайган. 1975 йилда ишсизлар сони 15 млн. кишини ташкил этган..
12	1979-1982	Нефт нархи кескин ўсиши	АҚШ, Европанинг кўплаб давлатлари, Япония, Канада	Ишлаб чиқариш ҳажми АҚШда 8,2 %, Евроиттифоқ мамлакатларида 1,2 % камайди.
13	1990-1993	Валюта девальвацияси	АҚШ, Европанинг кўплаб давлатлари, Финландия, Япония	Финландияда ЯИМ 13,0%, хусусий инвестиция 47 %, истеъмол 11 % га камайган. Ишсизлик даражаси 3,5 % дан 13,5 %га етган.
14	1997	Миллий валюталар девальвацияси	Осиё мамлакатлари	Кризис натижасида ЯИМ миқдори 2 трлн.АҚШ долларига каймайган.
15	2007-2009	Кўчмас мулк ва ипотека бозоридаги номувофиқлик	Дунё барча мамлакатлари	Дунё бўйича ялпи ички маҳсулот миқдори пасайди, инвестициялар ҳажми 25 % га, дунёнинг 80 % банкларида капитал танқислик пайдо бўлди.

Дунё ҳамжамияти ривожланишида содир бўлган кўплаб иқтисодий инқирозлар оқибатларини бартараф этишга қаратилган давлат чора-тадбирлари натижасида ҳозирда маълум бир механизмлар вужудга келган. Иқтисодий кризисларни тартибга солиш оқибатини бартараф этиш тажрибалари асосида инқирозлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳозирда **стихияли ва давлат томонидан тартибга солиш** каби механизмлар шаклланган.

Стихияли усулда инқирозларни тартибга солишда инқироз жараёнида давлат иштирок этмайди. Соҳа корхоналари иқтисодий кризисдан чиқиш чора-тадбирлари мустақил равишда амалга оширади. Шу сабабли, иқтисодий кризислар узоқ муддат чўзилиши мумкин.

Давлат томонидан тартибга солиш усулида эса соҳа, компаниялар фаолиятини тиклаш учун давлат томонидан молиявий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар қўлланилади. Давлатнинг иқтисодий инқирозни тартибга солишга оид чора-тадбирларда иштирок этиши кризис муддатини камайтириш ва унинг оқибатларини тез бартараф этиш имкониятини беради.

1.2. COVID-19 пандемиясининг дунё иқтисодиётига таъсири

XXI аср биринчи 20 йиллиги дунё иқтисодиёти ва жамияти учун жуда кўп ташвиш ҳамда молиявий зарарлар келтирган инқироз, эпедимия ва пандемия каби ҳодисалар билан характерланмоқда. Унинг келиб чиқиши объектив ва субъектив сабаблари муҳокамаси ҳамда айбдорлар бўйича хулоса масаласи сиёсатшуносларнинг вазифаси ҳисобланади. Олимлар ва амалиётчилар шу каби ҳодисаларнинг мамлакатлар иқтисодий ўсиши, аҳоли турмуши ва мамлакат иқтисодиёт хавфсизлиги даражаларига таъсирини баҳолаш ҳамда улар оқибатини бартараф этиш йўлларини илмий асослаб бериши зарурлиги сабабли уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан тадқиқ қилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Дунё иқтисодиёти тарихида кризислар кўп содир бўлиб турган, уларнинг айримларигина жаҳон иқтисодиётига таъсир этган. Бир қатор кризислар айрим давлатлар ва ҳудудлар

иқтисодиётига тааллуқли бўлган холос. Ю.И.Енин, А.А.Пилютиклар дунё иқтисодиётига таъсир этган кризислар ва оқибатларини бартараф этишни ўрганган. Тадқиқотлари давомида олимлар 1948-1993 йилларда содир бўлган 8 та иқтисодий кризисларни 5 таси жаҳон, 2 таси ҳудудий ва 1 таси локал характердалигини қайд этади. Лекин кўлами юқори бўлмасада, барча кризислар мамлакат иқтисодий аҳволига катта зарар етказади, деб ҳисоблайди [16].

К.Маркс кризислар тўрт: кризис, депрессия, жонланиш ва юксалиш босқичларидан иборат бўлишини таъкидлайди. Ҳозирда амалиётда эса АҚШ Миллий иқтисодий тадқиқотлар бюроси (NBER) тавсия этилган депрессия, жонланиш, юқорилаш ва рецессия босқичлари кўп қўлланилади. NBER иқтисодий конъюнктурани баҳолаш учун ЯИМ, шахсий даромадлар, ишсизлик даражаси, баҳо, саноат маҳсулоти ҳажми каби кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

АҚШларида содир бўлган ва дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам иқтисодий кризислар келиб чиқишига сабаб бўлган тарихда Буюк депрессия номи билан машҳур 1929-33 йилларда содир бўлган иқтисодий инқироз дунё иқтисодиётининг барча соҳалари ва мамлакатларини (собиқ СССРдан ташқари) қамраб олган.

Ушбу инқироз натижасида дунё бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 46 фоиз, пўлат эритиш 62 фоиз, кўмир қазиб чиқариш 31 фоиз, дунё бўйича товар айланмаси 67 фоиз қисқарган ва ишсизлар сони 26 млн кишига етган. Инқироз салбий таъсири ҳисобига аҳоли реал даромадлари миқдори 58 фоизга пасайиб, АҚШ ялпи миллий маҳсулоти 1,85 мартага қисқарган ва ишсизлар сони 3,2 фоиздан 25 фоизга ўсган. Иқтисодий танглик натижасида банкротга учраган 135000 га яқин фирма ва компаниялар даромадлари 60 фоизга камайган. Натижада бозорнинг капиталлашув даражаси 87 млрд.доллардан 19 млрд.долларга тушиб қолади ва унинг даражаси 46 фоизга пасаяди [17].

Худди шу каби глобал харктерга эга молиявий (1997-1998) ва молиявий-иқтисодий инқирозлар (2008-2009) ҳам дунёнинг қарийб барча давлатлари иқтисодиётига жуда катта зарар етказган кризислардан ҳисобланади.

Жанубий Корея, Индонезия, Тайланд, Япония ва Гонконг давлатлари 1997-1998 йиллардаги молиявий кризис оқибатларини

бартараф этиш учун мавжуд валюта захираларининг 20-80 млрд.доллари миқдордаги маблағларни сарф қилди. Лекин амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан Индонезияда 5 баробар, Таланда 2 баробар, Жанубий Кореяда 30 фоиз ва Японияда 3 фоиз миллий валюталар қадрсизланди [18].

2008-2009 йилардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида 2007 йилга нисбатан ўсиш суръати 2,8 фоизга қисқарган. 2009 йилда ривожланган мамлакатлар ЯИМ ўсиш суръатлари 3,2 фоиз, ўтиш мамлакатлари иқтисодиёти эса 5,5 фоизга камайган. АҚШлари тўлов балансидаги дефицит 2008 йилда - 4,9 фоиз, 2009 йилда - 2,7 фоизни ташкил этган[19].

Хитойнинг Ухан шаҳрида пайдо бўлиб, Covid-19 пандемияси номи билан инсоният бошига ниҳоятда оғир бўлган синовлар келтиришини ҳеч ким кутмаган ва башорат қилмаган эди. Жуда тез суратда ушбу эпидемия дунёнинг деярли барча давлатларига тарқалиб, пандемия даражасига ўтди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти инфекциянинг тарқалиш суръати юқорилиги ҳамда зарарланиш йўллари кўплиги сабабли дунёнинг барча давлатларини уни олдини олиш бўйича кескин чоралар кўришга чақирди.

Шу боис ҳам дунёнинг барча давлатлари Covid-19 пандемияси тарқалишига қарши курашиш мақсадида инсонлар, транспортлар ҳаракатланишига чекловлар киритди ва барча оммавий тадбирларни номаълум муддатга кечиктириш чораларини кўрди. Халқаро қатновлар ва товар айланмаси чекланди, тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳамда давлатлараро визалар бериш вақтинчалик тўхтатилиб, 2020 йилга Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги олимпия ўйинларини 2021 йилнинг ёзига кўчирилди.

Жамиятдаги инсонлар, транспортлар ҳаракатланишига чекловлар киритилиши ва барча оммавий тадбирлар ўтказишни номаълум муддатга кечиктириш тўғрисида чоралар мамлакатлар иқтисодиёти ва аҳоли даромадларига таъсирини ўтказиши барчамизга маълум. Давлатлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар оқибатида йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ҳамда савдо алоқаларининг

издан чиқиши, дунё молия бозорларида хомашё товарлари нархларнинг кескин ўзгариши ва конъюнктуранинг ёмонлашувига сабаб бўлади.

Ижтимоий масофани сақлаш ва ҳаракатларни чеклаш таълим соҳасини ҳам четда қолдирмади. Пандемия сабабли таълим соҳасига қўйилган тақиқлар натижасида 90 фоиз талабалар ва 19 мамлакатдаги 1,5 млрд. мактаб ўқувчилари ўқувни тўхтатишга мажбур бўлдилар [20].

Ҳисоб-китоблар COVID-19 пандемияси дунё иқтисодиётига 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан ҳам кўп зарур етказганлигини кўрсатмоқда. Дунё бўйича пандемиядан касалланганлар сони 2021 йилнинг 12 февраль ҳолатига 108 млн. 298 минг 371 кишини ташкил этган. Инфекция тарқалиш хавфининг юқорилиги ва уни олдини олиш чоралари ноаниқлиги сабабли ходимларни ишдан бўшатиш даражаси кескин ўсди. Биргина АҚШларида 2020 йилнинг февралидан 19 мартгача бўлган даврда ишсизлик даражаси 3,5 фоиздан 20 фоизга чиқди ва натижада 26 миллионга яқин киши ишсизлик нафасига ариза билан мурожаат қилди[21].

Халқаро ташкилотлар ҳисоб-китобларига кўра 2020 йилда норасмий иқтисодий секторда фаолият юритаётган одамлар сони 2 млрддан ортиқ бўлиб, улар улуши дунё бўйича ишлайдиган одамларнинг 62 фоизини ташкил этади. Норасмий секторда ишлаётган одамларнинг 90 фоизи даромади кам давлатлар фуқаролари ҳисобланади [22].

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ҳисоб-китоблари бўйича 2020 йилда дунё иқтисодиёти ЯИМ 4 фоизга ўсиши прогноз қилинган эди. COVID-19 пандемияси муносабати билан давлатларда бошланган чекловлардан сўнг турли рейтенг агентликлари, иқтисодчилар томонидан иқтисодий ўсиш кўрсаткичи дунё бўйича 2020 йил натижаларига кўра 3-6 фоиз пасайишини башорот қилди. Шунингдек айрим давлатларда ушбу миқдор дунё бўйича ўртача миқдордан юқори бўлиши мумкинлиги, жумладан иқтисодий ўсиш суръати Италияда 9,5 фоиз, Буюк Британияда 14 фоиз, АҚШларида 5,9 фоиз пасайиши мумкинлиги қайд этилди [23].

Халқаро иқтисодий форум экспертлари томонидан COVID-19 пандемияси оқибатлари дунё иқтисодиётига 3-5 йил мобайнида ўз

салбий таъсирини ўтказиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Худди шу каби фикр бизнес ва бошқа ижтимоий қатлам вакиллари билан ўтказилган сўровномалар натижаларида ҳам эътироф этилган.

Иқтисодий кризислар мазмуни, уларнинг оқибатлари ва уни бартараф этиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан кризислар келиб чиқишлари сабаблари табиий офат, экологик, эпидемия ёки иқтисодий муносабатлар мутаносиблигидаги бузилишлар бўлишидан қатъи назар мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятларни издан чиқаришга сабаб бўлганлигини кўриш мумкин. Шу боис ҳам кризисларни келиб чиқишини олдини олишга бўлган ҳаракатлар доим иқтисодчилар, бизнес вакиллари ва сиёсатчилар диққат марказида бўлиб келган. Лекин ўтказилган тадқиқотлар хулосалари ва таклифларига қарамасдан иқтисодий кризис вазиятларида унинг салбий оқибатларини камайтириш бўйича ягона ечим мавжуд эмас.

COVID-19 пандемияси сабабли дунёда содир бўлган кризиснинг иқтисодиёт соҳалар фаолияти натижаларига етказган зарарлари, давлатлар бюджетлари тақчиллигини ошиши, ишсизлар сонининг ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси пасайиши ҳамда камбағаллик ҳолатларининг кўпайиши каби салбий оқибатлари ушбу соҳада мавжуд муаммолар ечими юзасидан тадқиқотлар амалга оширилиши муҳимлигини белгилайди.

Халқаро валюта жамғармаси 2020 йил бўйича дунё мамлакатлари иқтисодиётларида кутилаётган иқтисодий ўсиш бўйича ўз ижобий прогнозларини эълон қилган эди. Лекин COVID-19 пандемиясининг дунё мамлакатлари бўйлаб тез суръатларда кенг миқёсда тарқалиши дунё барча агентликларининг прогнозларини қайта кўриб чиқиш заруриятини туғдирди.

Пандемия муносабати билан ўрнатилган чекловлар дунёнинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатлари иқтисодий ўсиш суръатларига таъсири натижасида ялпи ички маҳсулот миқдори Хитойдан бошқа давлатларда салбий ўзгаришларга сабаб бўлди (1.1-расм).



1.1-расм. COVID-19 нинг дунё йирик мамлакатлари иқтисодий ўсиш даражасига таъсири[9].

Халқаро банк таҳлиллари 2020 йилда ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш 7 фоизга, ривожланаётган давлатларда эса 2,5 фоизга пасайиши ҳамда аҳоли даромадлари жон бошига 3,6 фоизга камайиши эвазига миллионлаб кишилар қашшоқлик даражасига тушиши башорат қилинди. COVID-19 пандемияси оқибатида ривожланган давлат иқтисодиёти ўсиш суръатларининг пасайиши АҚШ ва евроҳудудда 3,6 фоиз, Японияда 5,3 фоизни ташкил этган.

Рискларни бошқариш Coface компанияси таҳлиллари натижалари бўйича тарқатилган ахборотларга кўра пандемия сабабли иқтисодий ўсиш даражасининг Италияда 18,5 фоиз, Португалияда 14,1 фоиз, Францияда 13,1 фоиз, Литвада 5,1 фоиз, Латвия 7,5 фоиз, Чехияда 8,4 фоиз пасайиши кузатилган.

Пандемия муносабати билан давлатларда ўрнатилган ички ва ташқи чекловлар иқтисодиётнинг муҳим аҳамиятга эга реал секторининг автомобиль, аэрокосмос, қурилиш, кимё каби саноат соҳалари фаолиятига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди (1.2-расм).

[9] Халқаро валюта фонди маълумотлари асосида тайёрланди.

Пандемия сабабли содир бўлган иқтисодий кризис барча давлатлар иқтисодиёти соҳаларига 2021 йилда ҳам таъсирини ўтказиши ва иқтисодий ўсиш 2024 йилда тўлиқ ўнгланиши прогноз қилинмоқда.

Дунёнинг кучли тўрт аудиторлик фирмаларидан бири ҳисобланадиган "KPMG" компанияси таҳлилчилари пандемиянинг иқтисодиётга таъсири оқибатларини "қисқа муддатли" ва "узоқ муддатли" гуруҳларга бўлишни тавсия этади.



1.2-расм. COVID-19 нинг дунё иқтисодиёти реал секторига таъсири[10].

Пандемиянинг қисқа муддатли оқибатлари:

– тиббий маҳсулотлар ва ҳимояланиш воситаларини экспорти чекланиши;

– логистика муаммолари;

– талабнинг пасайиши;

– бизнес дастлабки стратегияси ўзгариши.

Пандемиянинг узоқ муддатли оқибатлари эса:

[10]Манба: Impact of COVID-19 on Various Industries, May 18, 2020. Lucintel..

– тиббий маҳсулотларга рухсат бериш сиёсатини кучайиши;

– мамлакатларнинг ички бозорда ўз маҳсулотларини харид қилишни рағбатлантришни кучайтириши;

– ишлаб чиқарувчилар ўз таъминотчилари сонини оширишга ҳаракат қилиши ҳамда транспорт ва логистика хавфлари бўйича назоратни кучайиши;

– омборларни тез эгилувчан тизимини танлашга ўтишнинг кучайиши.

COVID-19 пандемияси сабабли энг кўп талофат кўрган соҳалари:

– туризм ва меҳмонхона хўжалиги, умумий овқатланиш;

– ташқи савдо;

– танспорт ва логистика;

– фитнес, спорт, кинотеатр, театр, маиший хизматлар;

– реал сектор.

Ушбу соҳалар фаолияти офлайн хизматга асосланганлиги сабабли пандемия сабабли жорий этилган карантин чоралари улар фаолиятини кўп зарар кўришига сабаб бўлди.

Фаолият турлари офлайн хизмат кўрсатишга боғлиқ бўлмаган қуйидаги соҳалар COVID-19 пандемиясидан зарар кўрмади, аксинча улар фаолиятида ўсиш кузатилди.

– Электрон тижорат;

– Онлайн кўнгил очар хизматлар (YouTube, телешоулар (стриминг) хизматлари;

– Тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

– Масофавий тиббиёт (MedTech);

– Маҳсулот етказиб бериш хизматлари.

COVID-19 пандемияси сабабли дунё иқтисодиётида содир бўлган кризис оқибатларига ҳаққоний баҳо бериш реал иқтисодий секторнинг соҳалари фаолиятини ҳам алоҳида таҳлил қилишни талаб қилади. Чунки юқорида қайд этилганидек, пандемия даврида иқтисодий ўсишга эришган фаолият турлари ҳам мавжуд. Шу сабабли иқтисодиёт реал секторлари фаолиятига пандемиянинг таъсирини ҳам кўриб чиқамиз.

1.3. Пандемиянинг дунё авиакомпаниялари фаолиятига таъсири

Авиакомпаниялар фаолиятининг асосий йўналишлари аҳолига авиақатновларни амалга ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг юкларини ташиш хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. Халқаро ҳаво транспорти ассоцацияси (IATA) маълумотларига кўра дунёнинг 290 та авиакомпаниялари томонидан 82 фоиз авиаташувлар амалга оширилади.

Дунё бўйича 2018 йилда ҳаво транспортлари орқали пассажирларга хизмат кўрсатиш 7,8 фоизга, 2019 йилда эса 4,2 фоизга кўпайган. Ҳаво транспортларининг тўлиқлик ҳолатини таъминлаш бўйича 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 0,7 фоизга кўпайган ва ушбу кўрсаткичнинг энг юқори даража 82,6 фоизга эришилган. Авиаташувларга бўлган талаб миқдори авиакомпанияларнинг имкониятларидан 3,4 фоиз ортиқ бўлган.

Авиакомпаниялар томонидан дунёнинг барча мамлакатлари бўйича пассажир ташув хизматлари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш эвазига хизмат кўрсатиш умумий даражалари ўсишига эришилган.

2019 йил якунларига кўра барча ҳудудларда ташувнинг пассажир-километр кўрсаткичи ўсиши таъминланган. Ушбу кўрсаткичнинг 2018 йилга нисбатан ўсиш даражаси Африкада 4,9 фоизни, Осиё-Тинч океани ҳавзасида 4,8 фоизни, Европа ва Лотиин Америкасида 4,2 фоизни, Яқин Шарқда 2,4 фоизни ва Шимолий Америкада 4,1 фоизни ташкил этган (1.3-расм).

Халқаро йўналишларда пассажирлар ташиш 2018 йилда 7,1 фоизга, 2019 йилда 4,1фоизга ўсган. Ушбу йўналишда ҳаво кемалари тўлиқлик даражаси 0,8 фоизга ўсган ва 82 фоизни ташкил этган.

Пандемия муносабати билан халқаро, ички қатновлар ва давлатлараро визалар бериш вақтинчалик тўхтатилгани биринчи навбатда авиакомпаниялар фаолиятига таъсир ўтказди. Ҳаво транспорти халқаро ассоциация маълумотларига кўра S&P 500 индексига эга дунёнинг 10 та йирик авиакомпаниялари пандемия туфайли 1,4 трлн. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган.



1.3-расм. Дунё ҳудудлари бўйича 2019 йилги пассажир - километр кўрсаткичи даражаси ўсиши (%).

Барча давлатлар томонидан авиакомпанияларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам чора-тадбирлар белгиланган. Лекин давлатлар томонидан авиакомпанияларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 173 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги молиявий кўмак улар банкротликдан қутқариб қолди холос. Авиакомпаниялар пандемия сабабли 2020 йилни 118,5 млрд. доллар миқдордаги зарар билан якунлаган. Авиакомпаниялар фаолиятини ифодаловчи пассажир ташиш, харажатлар ва пассажир поток каби асосий кўрсаткичлари даражаси кескин пасайган.

АҚШларининг 8 та авиакомпаниялари Covid-19 пандемияси оқибатида ўрнатилган чекловлар сабабли фаолияти мажбурий тўхтаб қолиши туфайли юзага келган иқтисодий қийинчилик ва банкротликни олдини олиш мақсадида ҳукуматдан 50 миллиард доллар миқдорда маблағ сўраб мурожаат қилди. Пандемия сабабли мамлакатлар томонидан ўрнатилган чекловлар авиақатновларнинг мажбурий тўхтаб қолиши ва авиакомпаниялар фаолияти кўрсаткичларини кескин пасайиб кетишига олиб келди (1.4-расм).

2020 йилда пассажир поток кўрсаткичи Европа мамлакатларида 70 фоизга, Африкада 72 фоизга, Яқин Шарқда 73 фоизга камайган. Бундан ташқари IATA ташкилоти томонидан эътироф

этилишича, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда авиаташувга бўлган талаб 75,6 фоиз ва ўринлар тўлиши 58,1 фоизга тушиб кетган.

Ҳаво транспорти халқаро ассоциация прогнозлари бўйича 2021 йилда Европа мамлакатлари авиакомпаниялари энг кўп талофат кўрадиган ҳудуд бўлиб қолиши ва йилни 11,9 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги зарар билан якунлаши мумкинлиги башорат қилинган.



	2019	2020	2021**
Airline costs, in billions, USD	759,0	430,0	491,0
Airline revenues, in billions, USD	838,0	328,0	459,0
Passenger flow,%	82,5	65,5	72,5
Number of passengers in billion	3,5	1,8	2,8

1.4- расм. COVID-19 оқибатида авиа пассажирлар ташиш ҳолати ва авиа компаниялар зарарлари[11].

COVID-19 ва молия бозорларидаги ўзгаришлар.

COVID-19 пандемиясининг таъсири энг тез ва яққол кўзга кўринган соҳалардан бири бу дунё фонд биржалари ҳисобланади. 2020 йил бошида америка фонд биржалари ўзининг энг юқори кўрсаткичларига эга бўлган. Фонд биржасининг капиталлашув даражаси ЯИМга нисбатан 156 фоиз, рекорд кўрсаткичга эришган. Пандемиянинг фонд биржаларга салбий таъсиригача дунё бўйича савдо ҳажми 88 трлн.долларни ташкил этиб, унинг ҳажми дунё мамлакатлари жами ЯИМ ҳажмига тенг бўлган.

[11] IATA сайти маълумотлари асосида тайёрланди.
** - IATA сайти маълумотлари бўйича прогноз

Фонд биржаларида 2020 йил 20 февралдан 19 мартгача S&P Dow Jones индекси 20 фоиз ва S&P 500 индекси 28 фоиз, FTSE 250 индекс 41,3 фоиз ва Nikkei индекси 29 фоизга пасайган. Шунинг-дек ушбу даврда фонд биржаларида дунёнинг йирик банклари акциялари нархлари ҳам кескин тушиб кетди.

Хусусан, Citigroup корпорация акцияси нархи 49 фоизга, Жей-Пи Морган Чейз акцияси нархи 38 фоизга, Barclays ацияси нархи 52 фоизга пасайиши кузатилган.

Dow Jones индекси Boeing компанияси акциялари нархи 18,2 фоизга пасайиб кетиши ҳисобига 5,9 фоиз, MSCI All-Country World индекси 1,9 фоизга камайган.

Deloitte консалтинг фирмаси Вице-президент томонидан пандемия сабабли ўн миллиард доллардан ортиқ капиталлашув даражасига эга бўлган 139 компания қиймати коронавирус билан боғлиқ карантин чоралари жорий этилгунга қадар нархларидан 20 фоизга пасайган. S&P500 индексининг фонд биржасидаги P/E (баҳо/фойда) коэффициенти миқдори кризис таъсири сабабли 21дан 12,7 даражага тушиб қолган.

Россия стратегик тадқиқотлар институти эксперти М.Беляев фикрича коронавирусдан энг кўп ва тез зарар кўрган соҳа дунё фонд биржаларидир. Ҳисоб-китобларга кўра фонд биржалари умумий зарарлари миқдори дунё бўйича 7 трлн.долларни ташкил этган.

COVID-19 салбий таъсирини бартараф этиш чоралари.

COVID-19 пандемияси муносабати билан барча давлатлар томонидан мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида кўрилган чора-тадбирларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Монетар соҳадаги чоралар.
2. Фискаль йўналишдаги чоралар.
3. Соғлиқни сақлаш йўналишидаги чоралар.
4. Инсонлар фаолиятини назорт қилиш йўналишидаги чоралар.

Ушбу йўналишларда кўрилаётган чора-тадбирлар ва уларни қўллаш бўйича барча мамлакатларда бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Австралия ҳукумати 2020 йил 12 мартида пандемияси оқибатлари бартараф этиш чора-тадбирлари тасдиқлайди. Қабул қилинган ҳужжатга кўра 213,6 млрд.австралия доллар (ЯИМ 11 %) пандемия оқибатларини бартараф этишга, 320 млрд.австралия доллар миқдоридаги маблағни давлат кафолати учун йўналтиришни режалаштирган. Ишсизликни бартараф этиш мақсадида қичик бизнес субъектлари учун йиллик обороти 50 млн. австралия долларигача бўлган тадбиркорлар учун иш ҳақи тўловларига 20000 дан 100000 австралия доллари миқдорида грант, иш ўрнини сақлаган кичик бизнес субъектлари учун ҳар чоракда бир ходим учун 7000 австралия доллари миқдорида субсидия ажратилиши белгиланди.

Буюк Британия ҳукумати аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 12 млрд. фунт стерлинг ҳамда узоқ муддатли чора-тадбирларни молиялаштиришга 18 млрд. фунт стерлинг ва бош чора-тадбирлар билан бирга 50 млрд.фунт стерлинг (ЯИМ 2,3 %) йўналтириш тўғрисидаги режани тасдиқлади. Бундан ташқари, кризис шароитида кичик ва ўрта бизнес субъектлари қарзларини қўллаб-қувватлаш учун 330 млрд.фунт стерлинг (ЯИМ 15 %)

АҚШлари иқтисодиёт ва аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча 2 трлн. миқдорда маблағ ажратиши натижасида бюджет харажатлари миқдори 1945 йилдан буён кузатилмаган бюджет даромад қисмидан 4 трлн. доллар кўп даражани ташкил этди.

Германия ялпи ички маҳсулот 4,5 фоизига тенг бўлган 156 млрд.евро миқдордаги маблағни пандемия оқибатларини бартараф этишга йўналтирди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2013 йилдан буён биринчи марта қарз жалб этган ва давлат қарзи миқдори фикал қонунчиликда белгиланган меъёрдан ошган. Шу сабабли Германияда пандемия фавқулодда ҳолат деб эътироф этилди. Давлат бюджети, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун йўналтириладиган жами маблағлар миқдори 1,1 трлн. еврони ташкил этмоқда.

Испания пандемия оқибатларини бартараф этиш мақсадлари учун бюджетдан 17 млрд.евро миқдорда маблағ ажратди. Давлат ва хусусий сектор томонидан берилган кафолатлар учун йўналтирилган 200 млрд.евро маблағ билан бир иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар миқдори жами 217 млрд.еврони ташкил этди.

Франция бюджетдан 45 млрд.евро субсидия ажратди ва корхоналарга банкротликни олдини олиш мақсадида 300 млрд.евро банк кредити ажратилишини кафолатлади. Францияда иқтисодий ўсиш даражасининг қисқариши иккинчи жаҳон урушидан кейин биринчи марта 13,1 фоизни ташкил этди.

Жанубий Корея ҳукумати томонидан пандемия харажатлари учун қўшимча ажратилган 10,9 млрд.вон (13 млрд.доллар) маблағ эвазига мамлакатнинг давлат қарзи ЯИМнинг 41,2 фоизига етди ва бюджет харажатларини қоплаш учун 10,3 трлн.вон ғазна облигацияси чиқарилди.

Италия ҳукумати томонидан 2020 йил мартида парламентга фавқулоддаги вазият сабабли бюджет дефицитини 6,3 млрд.евро (ЯИМнинг 2,5 %) миқдорда ва 25 млрд.евро давлат облигациялари чиқариш тўғрисидаги қонун киритилди. Италияда иқтисодий ўсиш даражаси 13,5 фоизга қисқарди.

Австралия пандемия бўйича амалга ошириладиган харажатларни молиялаштириш учун 213,6 млрд. австралия доллари (ЯИМ 11 фоизи) миқдорида марказий бюджетдан маблағ ажратиш ҳамда 320 млрд. австралия доллари (ЯИМ 16,4 фоизи) миқдорида давлат кафолати беришни йўлга қўйди[12].

Недерлания, Дания, Польша, Португалия, Ирландия ва Чехия, Австрия, Греция, Швеция ва Эстония каби давлатлар ЯИМ 2-10 фоизгача миқдорда пандемия оқибатларини бартараф этиш учун маблағ ажратди [24].

Ўзбекистон ҳукумати томонидан пандемия муносабати билан унинг жамият ва давлат иқтисодиётига салбий таъсирларини юмшатиш ҳамда аҳоли, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2020 йил 19 мартда “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” фармонида коронавирус пандемиясини кенг тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида

[12] Economic Security: Threats, Analysis and Conclusions. Isroilov Bokhodir Ibragimovich; Ibragimov Bobursha Bokhodir ogli; Pardaev Shuhrat Kholikovich; Ibragimov Bekjon Jamol ogli. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. http://ijmmu.com. editor@ijmmu.com.ISSN 2364-5369, Volume 7, Issue 8, September, 2020, Pages: 64-76. . http://dx.doi.org/10.18415/ijmmu.v7i8.1806

макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт тармоқлари, соҳалари узлуксиз ишлашини таъминлаш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди [25].

Ушбу фармонда COVID-19 пандемиясининг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатиш, карантин шароитида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида фармонда белгиланган чора-тадбирларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- *аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий механизмлари ;*
- *аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг солиқ механизмлари;*
- *тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг кредит механизмлари.*

Шунингдек фармонга кўра бюджет ва ташқи қарз эвазига 1 млрд.АҚШ доллари миқдордаги маблағ пандемия оқибатларини бартараф этишга йўналтириш белгиланди.

АВТОПандемия муносабати билан ўрнатилган чекловлар дунёнинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатлари иқтисодий ўсиш суръатларига таъсири натижасида ялпи ички маҳсулот миқдори Хитойдан бошқа давлатларда салбий ўзгаришларга сабаб бўлди (1.5-расм).

2020 йил биринчи яримида COVID-19 салбий оқибатлари таъсирида ЯИМ ҳажми Қозоғистонда 1,8 фоиз, Қирғизистонда 5,3 фоиз, Россия Федерациясида 9,5-10 фоиз пасайиш миқдори кузатилди.

COVID-19 сабабли содир бўлган иқтисодий кризиснинг мамлакатлар иқтисодиётларига салбий таъсири инвестиция ҳажмлари миқдори камайишида ҳам ўз аксини топмоқда. Халқаро молия ташкилотлари ҳисоб-китобларига кўра тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми туризм соҳасида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 40 фоизга, 2021 йилда эса 5-10 фоизга камайиши кутилмоқда[13].

[13] UNCTAD, World Investment Report, 2020, pp.6 and 82, available at https://unctad.org/en/pages/PublicationWebflyer.aspx?publicationid=2769



1.5-расм. Иқтисодиёти ривожланган давлат ЯИМ суръатлари.

Ўзбекистонда ҳам COVID-19 пандемияси сабабли содир бўлган иқтисодий кризисининг салбий таъсири кузатилди. Инқирозга қарши кураш жамғармасидан янги иш ўринларини яратиш мақсадида инвестиция лойиҳаларига 360 млн. АҚШдан ортиқ маблағлар қўшимча йўналтирилишига қарамасдан 2019 йилга нисбатан 2020 йил биринчи яримида инвестициялар ҳажми 12,8 фоизга камайган.

Кризислар сабабли бюджетга даромадлар тушуми камайиши ва бюджет дефицити даражасининг ўсиши давлат дастурлари бажарилишига салбий таъсир этиши тадқиқотлардан маълум [26].

2020 йилда пандемия оқибатларини юмшатиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми ўсиши билан бирга асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўртача ўсиш суръати 15,3 фоизни ташкил этган. Хусусан, картошка нархи – **42 фоиз**га, тухум – **38 фоиз**га, ўсимлик ёғи – **27 фоиз**га, шакар – **21 фоиз**га, гўшт маҳсулотлари – **18,1 фоиз**га ва нон маҳсулотлари – **15,2 фоиз**га қимматлашди. Инфляция даражаси аҳоли учун **17-18 фоиз,** тадбиркорлик субъектлари учун **18-19 фоиз** ошган.

COVID-19 шароитида давлат қарзлари ҳолати

Давлат ташқи қарзлари мамлакатдаги иқтисодий иқлимни яхшилаш, ижтимоий ва махсус давлат дастурларини молиялаштириш мақсадида хорижий фондлар, банклар, хусусий инвесторлардан жалб этиладиган маблағ ҳисобланади. Давлатлар ташқи қарзлари қуйидаги тарзда тавсифланади:

- корпоратив ташқи қарз – иқтисодиёт субъектларининг хорижий субъектлардан ўзаро келишув асосида жалб этилган молиявий мажбуриятлари;
- давлат ташқи қарзи – ваколатли давлат органлари томонидан хорижий ташкилотлардан жалб этилган маблағлар бўйича мавжуд жами молиявий мажбуриятлар, шу жумладан хусусий сектор қарзлари учун берилган кафолат мажбуриятлари;
- жорий ташқи қарз – 12 ой муддатда қайтарилиши зарур бўлган молиявий мажбурият;
- давлат умумий қарзи – жорий ва узоқ муддатли давлатнинг ички ҳамда ташқи молиявий мажбуриятлари йиғиндиси.

Давлат ташқи қарзи мамлакат ички истеъмолини ошириш ҳамда ижтимоий дастурларни амалга оширишга хизмат қилиши билан бирга иқтисодиётга қўшимча юк бўлиши билан ҳам характерланади. Жумладан:

- қарздорлар ресурсларидан имтиёзли фойдаланиш учун шарт-шароит яратади;
- юқори фоизда қарзни қайтариш мажбурияти юкланади;
- қарздор ҳуқуқлари паймол қилиниши учун имкониятлар мавжудлиги;
- қарздорлик ўсишини халқаро рейтингларда салбий баҳоланиши.

Дунё амалиётида давлатнинг ташқи қарз ҳолатига қарз миқдорининг ЯИМ маҳсулот ҳажмидаги улушига кўра баҳоланади. Агар қарз миқдори ЯИМнинг 30 фоизи даражасига етса, кўпчилик давлатлар қарз олишни чеклайдилар.

Халқаро валюта банки аҳолиси ўртача даромад миқдоридан паст бўлган давлатлар ташқи қарзи меъёри 34 фоиз миқдордан ошмаслигини тавсия қилади [27]. Давлат ва корпоратив ташқи

қарз миқдорининг ўсиши, импортга боғлиқлик ва экспорт таркибида хомашёнинг улуши юқорилиги мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи ташқи омил ҳисобланади. Натижада ушбу ҳолатлар мамлакат ривожланиш даражасига ўз салбий таъсирини ўтказади.

Халқаро валюта фонди томонидан ривожланган давлатларнинг давлат қарзлари ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 104 фоиздан 124 фоизгача, ривожланаётган давлатларда эса 52 фоиздан, 61 фоизгача ўсганлиги таъкидланди.

1.4. Пандемиянинг туризм фаолиятига таъсирлари

Туризм ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатларнинг асосий ривожланиш манбаи бўлиб ҳисобланиши ва кўп қиррали соҳа бўлганлиги сабабли давлатлар иқтисодиётида:

- ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) асосини шакллантиради;
- аҳоли бандлиги таъминлайди;
- янги иш ўринлар яратади;
- ташқи савдо баланси учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Ушбу иқтисодий омиллар сабабли ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва мамлакат маънавий, маданий мерослари тўғрисида ахборотларни дунё аҳолисига етказиш мақсадида туризм индустриясини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Халқаро туризм ташкилоти (UNWTO) маълумотлари бугун туризм дунё ЯИМда 10 фоиз улушга эга эканлиги, айрим мамлакатларда эса ЯИМнинг 20 фоизни ташкил этишини кўрсатмоқда (1.6-расм).

Туризм соҳаси мамлакатлар экспортида ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Палауда мамлакат экспортининг 90 фоизи, Африкада 10 фоизи туризм маҳсулотлари ҳисобидан шаклланади. Бирлашган миллатлар ташкиотининг 8, 12 ва 14 “Барқарор ривожланиш дастурлари” ижросини таъминлашда туризмнинг ролига алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам соҳанинг дунё иқтисодиётидаги аҳамиятини белгилаб беради.

Туризм соҳасини ривожланиши билан бирга мос равишда мамлакатларда унга боғлиқ бўлган транспорт, меҳмонхона, йўл қурилиши, миллий ҳунармандчилик ҳамда миллий маданият соҳалари ҳам тараққий этади ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.



1.6-расм. ЯИМ таркибида туризм улуши юқори ўнлик мамлакатлар[14].

Жаҳонда туризм мамлакатлар экспорт улушида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жаҳон савдосида соҳанинг улуши 2019 йил натижаларига кўра 7 фоизни ташкил этган. Дунё бўйича ҳозирда 217 туристик йўналишлар мавжуд бўлиб, Халқаро туризм ташкилоти прогнозлари бўйича 2020 йилда 1 млрд. 600 млн. киши ушбу йўналишлар бўйича сайёҳат қилиши ҳамда соҳадан олинадиган даромад миқдори дунё бўйича 2 трлн. АҚШ долларни ташкил этиши кутилган эди.

Туризм ҳам бошқа соҳалар қатори инсоният дуч келган барча турдаги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, экологик ва инфекциялар (Эйбола, Зика)ни ўз бошидан кечирган. 1950-2018 йилларда дунё бўйича халқаро туристлар сони ўзгаришлари тенденциялари таҳлиллари туристлар оқими эпидемия манзилининг масофаси ва манбаси омиллари таъсир этишини кўрсатган (1.7-расм). Эпидемиянинг инсонлар соғлиғига салбий таъсири кўп

[14] https://knoema.com. маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

бўлган ҳолларда туристлар сони камайган, аксинча зарар кам ва масофа узоқ бўлганда, туристлар сони кўп ўзгармаган. Масалан, SARS (2002 г.) и H1N1 (2009 г.) каби эпидемияларнинг туризм фаолиятига салбий таъсири юқори бўлганлигини кўриш мумкин. Натижада туризм соҳаси субъектларининг зараларлари ҳам шу тенденцияларга мос равишда бўлган.



1.7-расм. 1950-2018 йилларда дунё мамлакатларидаги халқаро туризм ҳолати[15].

Тадқиқотлар натижасида 1989-2019 йилларда содир бўлган эпедимиялар натижасида дунё туризм соҳаси 57 миллион туристларни камайганлиги ва ушбу даврда туризм учун қилинган харажатлар 95 млрд. АҚШ долларига камайган ва 2 млрд АҚШ доллари миқдорида зарар кўрганлиги аниқланган [28].

Лекин туризм шу каби кризислар таъсирларига бардош берган соҳа бўлсада, Covid-19 пандемиясининг ўта хатарли ва тез тарқалиш хусусиятлари ҳамда оқибатларига дош бераолмай иқтисодий фалаж ҳолатга тушиб қолди. Чунки юқорида қайд этилганидек туристлар оқимига эпидемиянинг типи ва масофаси таъсир этади. Covid-19 пандемияси туризм индустрияси ва у билан боғлиқ барча соҳалар фаолиятини бутунлай тўхташига сабаб бўлди.

[15]https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0040162520312956?dgcid=raven_sd_recommender_email#bib0026.

Иқтисодиёт бошқа соҳаларидан фарқли равишда пандемия муносабати билан ўрнатилган чекловлардан туризм соҳаси кўп қийинчиликларга дуч келди. Масалан, қишлоқ хўжалик соҳаси чекловлар ўрнатилган даврда ҳам аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги узулишларни олдини олиш мақсадида ўз фаолиятини маълум бир талабларга риоя этган ҳолда давом эттирди.

Худди шундай озиқ-овқат, тиббий маҳсулотлар, дори-дармон, тиббий ҳимоя воситалари ишлаб чиқариш соҳалари ҳам пандемия шароитида ўз фаолиятларини карантин бўйича белгиланган талаблар асосида давом эттириш имкониятига эга бўлдилар. Озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси, электрон тижорат, тиббий маҳсулотлар ва дори-дармон савдолари ҳамда масофавий тиббиёт ва онлайн-телемаҳсулот хизматлари ҳам фаолият олиб боришди ва маълум бир даражада иқтисодий ўсишга ҳам эришди.

Пандемия муносабати билан дунёнинг қарийб барча давлатларида ўрнатилган тўлиқ ва қисман чекловлар ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳалари каби туризм фаолиятини ҳам тўхтаб қолишига сабаб бўлди. 2020 йилда пандемия оқибатида дунё ЯИМда туризм соҳасининг улуши 2,2 трлн. АҚШ доллар ёки 2,8 фоизга камайди. Мамлакатларда жорий этилган чекловлар оқибатида дунё бўйича туризм соҳасида фаолият юритган 120 млн. киши ишсиз бўлиб қолди ҳамда ҳаво, темир йўл ва автотранспорт қатновларини тўхташи сабабли туристлар сони 2020 йилга нисбатан 56 фоизга қисқарди.

UNWTO ташкилоти маълумотларига кўра Covid-19 пандемияси сабабли дунё бўйича мавжуд 217 туристик йўналишлар 93 таси (43 %) халқаро туризм учун тўлиқ ёпилган. Ушбу туризм йўналишларнинг Европада 83 фоизи, Шимолий ва Жанубий Америкада 80 фоизи, Осий-Тинч океани мамлакатларида 70 фоизи, Яқин Шарқда 62 фоизи ва Африкада 57 фоизи бўйича фаолият тўлиқ тақиқланган. Соҳа субъектларининг оладиган даромадлари 2020 йилнинг 5 ойи мобайнида 320 млрд. АҚШ долларига камайди[16]. Ушбу зарар миқдори 2008 йилдаги жаҳон молиявий-

[16] World Tourism Organization (UNWTO), World Tourism Barometer, vol. 18, No. 4, June 2020, Madrid, URL: https://doi.org/10.18111/wtobarometereng.

иқтисодий инқирози оқибатида соҳага етказилган зарардан 3 баробар юқоридир.

Туризм соҳаси дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантиришда йилдан-йилга муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Туристик маҳсулотлар ва хизматлар турлари ҳамда сифатининг ошиши халқаро туризм соҳасининг янада ривожланишига сабаб бўлаётган асосий омиллардан ҳисобланади. COVID-19 пандемияси сабабли ўрнатилган тақиқлар ва чекловлардан Франция, Испания, АҚШ, Хитой, Италия, Туркия, Мексика, Германия, Таиланд ва Буюк Британия давлатлари туризм соҳаси кўп талофат кўрди.

Испания иқтисодиёти туризм соҳасига кўпроқ боғлиқ бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. "Дунё иқтисодий форуми" ташкилоти томонидан аниқланадиган туризм соҳасидаги рақобатбардошлик рейтингида Испания давлати 2015 йилдан буён 1-ўринни эгаллаб келмоқда. Испания давлати иқтисодиётида туризм соҳасининг ривожланиб бориш тенденциялари ижобий натижалари эвазига 2018 йилда ЯИМнинг 12,3 фоизи туризм соҳаси ҳисобига шаклланган. Туризм соҳаси субъектлари даромадлари 2015-2018 йилларда 25,3 фоизга ва соҳанинг ЯИМдаги улуши 11,8 фоизга ўсган. Халқаро туризмни ривожланиши ҳисобига 2016-2019 йилларда мамлакатлар ташриф буюрган хорижий туристлар оқими 11,13 фоизга ўсган. Испанияга ташриф буюрган хорижий туристлар оқимининг 48,28 фоизи Буюк Британия, Германия, Франция давлатлар ҳисобига тўғри келган [29].

Туризм соҳасида меҳмонхона хўжалиги муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланади. 2019 йилда Испанияга ташриф буюрган туристларнинг 65,38 фоизи меҳмонхоналарда ўртача 3, 08 кун яшаган. Пандемия сабабли ўрнатилган чеклов ва тақиқлардан туризм соҳасида зарар кўрган субъектлардан яна бири бу меҳмонхона хўжалиги ҳисобланади.

Cushman & Wakefield компанияси ҳисоб-китобларига кўра мамлакатларга кириш ва чиқишнинг чекланиши ҳамда тақиқланиши ҳисобига 2020 йил 1 –ярмида меҳмонхоналар даромади Санкт-Петербург шаҳрида 79 фоиз, Прагада – 73,6 фоиз, Римда – 73,3 фоизга камайган.

АҚШ, Буюк Британия, Австралия ва Швецария каби ривожланган давлатлар томонидан меҳмонхона хўжаликларини солиқларни камайтириш, иш ҳақига субсидия бериш ва имтиёзли кредитлаш каби чора-тадбирлари жорий этилди. Натижада меҳмонхона менежерлари ходимларни иш ҳақи миқдорларини камайтириш эвазига ишдан бўшатмаслик чораларини қўлладилар.

Event-индустрия дунё иқтисодиёти соҳасида янги йўналиш бўлишига қарамасдан жамият ҳаётида ўз ўрнини топган ва ривожланиб бораётган соҳага айланди. 2018 йил натижаларига кўра индустрия томонидан ташкил этилган тадбирларда 180 та давлатлардан 1.5 млрд дан ортиқ киши иштирок этган. Соҳа корхоналари йиллик оборотлари миқдори 1,07 млрд.доллардан ортиқ бўлиб, дунё бўйича ушбу йўналиш субъектлари 10,3 млн.кишини иш билан таъминлаган ва дунё ЯИМдаги ҳажми 6214 млрд.долларни ташкил этган.

COVID-19 пандемияси сабабли мамлакатларда ўрнатилган ички ва ташқи ҳаракатлар ҳамда ижтимоий масофа чекловлари Event-индустрия соҳаси субъектлари фаолияти кўрсаткичларини пасайишига сабаб бўлди.

2020 йилнинг март-апрель ойларида R&C Ярмарка илмий-тадқиқот маркази томонидан ҳамкорлар иштирокида ўтказган тадқиқотлари натижалари ахборотлари Россия бўйича Event-индустрия соҳасида доимий асосда 17000 ходим, жалб этилганлар билан бирга 25000 ходим фаолият юритишини кўрсатмоқда.

Соҳа субъектларининг 2019 йидаги иш ҳажмлари айланмаси йиллик ҳажми 160 млрд.рублни ташкил этган. Фақат Россия бўйича Event-индустрия соҳаси субъектлари 2020 йилни 110 млрд рубль зарар билан якунлади ва 50 фоиз иш ўринларини қисқартиришга мажбур бўлган[17].

Боб бўйича хулоса

Кишилик жамияти ривожланиш даврларида жуда кўплаб табиий офатлар ва инфекциялар ҳамда иқтисодий кризисларни ўз бошидан кечирган. Ҳар бир салбий ҳолатлар инсоният тарихида ўз

[17] https://expomap.ru/news/russiancb-results-study-effect-coronavirus-development-russian-event-industry маълумотлари асосида тайёрланди.

оқибатларини қолдирган. Инсониятга буюк яратувчи томонидан берилган ақл, идрок ҳар сафар табиий офатлар ва инфекциялардан холос бўлиш ҳамда жамиятни кейинги ривожланиш босқичига ўтиш йўлларини топишига хизмат қилган.

COVID-19 пандемияси сабоқлари дунёнинг ривожланган мамлакатлари сиёсатчилари ва етакчиларига дунёга ягона гегемон бўлиш хоҳишидан воз кечиш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки дунёга ягона гегемон бўлиш истаги давлатларни "ғалаба учун ҳар қандай усулни қўллаш мумкин" деган нотўғри қоидадан фойдаланишга чорлайди.

Коронавирус инфекциясининг келиб чиқишининг аниқ сабаблари ва сирлари яқин йилларда ошкор бўлади. Лекин унинг инсоният бошига солган кулфатларини тарих эсдан чиқармайди. Вирус сабабли дунёдан барвақт вафот этган инсонлар ва жамият ҳаётини яхшилаш бўйича йўқотилган имкониятларни қайтариб бўлмайди. Пандемия сабоқлари бизга дунёга бағрикенглик билан қараш лозимлигини кўрсатмоқда.

COVID-19 пандемияси сабабли содир бўлган иқтисодий кризис оқибатларини бартараф этиш учун барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги талаб этилади. Чунки пандемия сабабли дунё бўйича иқтисодий ривожланиш даражаси 10 йилга секинлашди. Ушбу давр ўрнини қоплаш ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг биринчи зарурияти ҳисобланади.

Дунё мамлакатлари ривожланиши иқтисодий тенденциялари ва амалиёти таҳлиллари натижасида олимлар томонидан асосланган тавсиялар бўйича бюджет маблағларини мақсадли йўналтириш даражаларини мувофиқлаштириш ҳамда маъмурий харажатлар улушини қисқартириш чораларини кўришни талаб этади.

Иқтисодиёт соҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат-фискаль ва монитар сиёсатларида солиқ юкини оптималлаштириш бўйича пандемия даврида қўлланган чора-тадбирларга амал қилиш муддатларини узайтириш зарур бўлади. Ушбу чора-тадбирлар муддатларини узайтириш аҳолининг камбағаллик даражасига тушиб қолишини олдини олиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларни инвестиция имкониятлари ўсишига сабаб бўлади.

Натижада иқтисодиётни ривожлантириш учун қўшимча инвестиция ресурслари шаклланади.

COVID-19 пандемияси кеча ижтимоий-иқтисодий ҳаёт жараёнларини рақамлаштириш масалаларига эҳтиёткорлик билан ёндашаётган давлатларни ҳам фаоллигини оширишга туртки бўлди. Жамият кейинги ҳаётининг ривожланиши унинг рақамлашиш даражаси ҳамда унинг сифатига боғлиқ ҳисобланади. Шу сабабли, давлат ва жамият ҳаётининг барча босқичларини рақамлаштириш жараёнлари давлатлар иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари бўлиши зарурдир.

Соғлиқни сақлаш йўналишида онлайн тиббий хизматлар кўрсатиш ва сунъий ақл тизимини жорий этиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш COVID-19 пандемияси каби фавқулодда ҳолатларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошишини таъминлайди.

Халқаро ташкилотларнинг кам ривожланган давлатларни рақамлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлаш учун гуманитар ёрдам бериш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқишлари ушбу йўналишни кенг кўламда амалга ошириш учун хизмат қилади.

Мамлакатимизда туризм тармоғини жадал ривожлантириш масалаларига иқтисодий хавфсизликни таъминловчи иқтисодий ўсиш, бюджет даромадини шакллантириш, аҳоли бандлиги, хизматлар экспорти бўйича валюта тушумини таъминловчи ижобий омил сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Covid-19 пандемияси каби фавқулоддаги ҳолатларнинг иқтисодиётларга салбий таъсирини олдини олиш мақсадида:

- *фавқулодда ҳолат бўйича қонуний чоралар назоратини таъминлашда сунъий ақлдан фойдаланишни йўлга қўйиш;*
- *масофавий тиббий хизмат ва тиббиётда суньий ақлдан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;*
- *электрон тижорат, электрон фармацевт хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш;*
- *онлайн-таълимни ривожлантириш ва унинг сифатини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш;*
- *меҳмонхона хўжаликлари хизматини ташкил этишда сунъий ақлдан фойдаланиш даражасини ошириш;*

- *туристларни соғлиғини онлайн назорат қилиб бориш бўйича мобил иловалар ишлаб чиқиш;*
- *электрон туризм маҳсулотларини яратиш ва ундан фойдаланиш имкониятларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш* мақсадга мувофиқ.

Боб бўйича адабиётлар рўйхати:

1. Щербаков Г.А. История экономических кризисов: экономико-математическая верификация результатов. Мир новой экономики. 2018;12(2):24-39. Финансовый университет, Москва, Россия https://orcid.org/0000-0002-3298-1638. DOI: 10.26794/2220-6469-2018-12-2-24-39 УДК 338.124.4(045) JEL E31, E32, E37.
2. К.Маркс. Капитал. Критика политической экономии :в 4 т. / К. Маркс – М. : Политиздат, 1978. – Т.3. – 1178 с.
3. В.Е.Россик. Истоки экономического кризиса.\\Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 28 (209).Экономика. Вып. 30. С. 23–26.
4. Ж.К.Гэлбрейт. Великий крах 1929 года / Дж. К. Гэлбрейт ; пер. с англ. С. Э. Борич. Минск; Попурри, 2009.
5. Н.Д. Кондратьев. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения // Кондратьев, Н. Д. Избранные труды. М. : Экономика, 2002.
6. Stupina A.A., Koreniugina L.M. [Creation of economic systems with use of system researches]. ***Sovershenstvovanie podgotovki IT-spetsialistov po napravleniiu "Prikladnaia informatika" dlia innovatsionnoi ekonomiki*** [Proc. Sci. Conf. "Improvement of training of IT specialists on "Application informatics" for innovative economy"]. Moscow, MESI Publ., 2008, pp. 180–182.
7. Tarkhova A.V. ***Modernizatsionnaia komponenta antikrizis-nogo regulirovaniia rossiiskoi ekonomiki*** [Modernization component of anti-crisis regulation of the Russian economy]. Vladikavkaz, 2011, 25 p.
8. Konopatov S.N. Zakupki sputnikov dlia voennogo kosmosa SShA: analiz problem v kontekste tsivilizatsionnogo vyzova [Purchases of satellites for military space of the USA: analysis of problems in a

context of a civilization challenge]. ***Voprosy innovatsionnoi ekonomiki- Issues of innovative economy,*** 2012, no. 4, pp. 78–95.

9. Petukhov D.V. ***Antikrizisnoe upravlenie*** [Crisis management]. Moscow, MUIV Publ., 2010, 134 p.

10.Pogodina V.V. ***Antikrizisnoe upravlenie v promyshlennom komplekse: teoriia, metodologiia i mekhanizmy realizatsii*** [Crisis management in an industrial complex: theory, methodology and realization mechanisms]. St. Petersburg, 2004, 287 p.

11.Raizberg B.A., Lozovskii L.Sh., Starodubtseva E.B. ***Sovremennyi ekonomicheskii slovar*** [Modern economic dictionary]. Moscow, Infra-M Publ., 1997, 496 p.

12. Borisov A.B. ***Bol'shoi ekonomicheskii slovar'***[Grand economic dictionary]. Moscow, Knizhnyi mir Publ. Available at: http://www.bank24.ru. (In Russ.)

13.Vorontsova L.V., Maliushkin P.N. Genezis global'nogo ekonomicheskogo krizisa [Genesis of a global economic crisis]. ***Aktual'nye problemy ekonomiki i prava — Actual problems of economy and law,*** 2009, no. 1, pp. 116–124.

14.Finansoviy slovar' ***[Financial dictionary]. Akademik Publ. Available at:*** http://dic.academic***. ru/dic.nsf/fin_enc/31794. (In Russ.).***

15.***Bol'shoi ekonomicheskiy entsiklopedicheskiy slovar'*** [Grand economic encyclopedic dictionary]. Moscow, IuniVestMedia Publ., 2011, 1200 p.

16. Енин, Ю.И. Мировой кризис и преодоление его негативных последствий для экономики средних и малых стран / Ю.И. Енин, А.А. Пилютик. – Минск : Право и экономика, 2014. – 151 с. – (Серия «Мировая экономика») ISBN 978-985-552-274-5.

17.Большая российская энциклопедия. https://bigenc.ru/world_history/text/1904607

18.**Балацкий Е.В.** Международный финансовый кризис 1997–1999 гг. и российская экономика// «Экономист», №5, 2000. С. 86–96/.

19. Овчинников В.В. Анализ последствий мирового финансового кризиса // Овчинников В.В. // Актуальные проблемы Европы. – 2009. – N 1. – С.12-37.

20.https://en.unesco.org/covid19/educationresponse/globalcoalition.

21. http://www.perspektivy.info/oykumena/ekdom/koronavirus_i_mirovaja_ekonomika_2020-10-29.htm#Globalisation.
22. Манба: Women and Men in the Informal Economy: A Statistical Picture (третье издание, Женева, 2018 г.
23. http://www.perspektivy.info/oykumena/ekdom/koronavirus_i_mirovaja_ekonomika_2020-10-29.htm#Gross%20Domestic.
24. https://www.eg-online.ru/news/419705.
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-5969-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ", 2020 йил 24 март, №11, 119-м.
26. Isroilov Bokhodir Ibragimovich, Ibragimov Bobur shah Bokhodir ogli; Pardaev Shuhrat Kholikovich; Ibragimov Bekjon Jamol ogli. Economic Security: Threats, Analysis and Conclusions. http://dx.doi.org/10.18415/ijmmu.v7i8.1806.
27. Isroilov Bohodir, Mukhammadiev Ramz. Objectives of using of public-private partnership mechanisms to improve the quality of medical services. Journal of Critical Reviews, ISSN-2394-5125 Vol 7, Issue 7, 2020 Pages: 952-958. doi: 10.31838/jcr.07.07.17.? https://doi.org/10.1016/j.techfore.2020.120469/
28. https://doi.org/10.1016/j.techfore.2020.120469.
29. INE. Spanish Tourism Satellite. Statistical Review 2019. Available online: https://www.ine.es (accessed on March 2020.
30. https://kun.uz/53085962.
31. https://gmk.center/news/fitch.
32. https://uzreport.news/economy/ebrr.
33. В.В.Криворотов, А.В.Калина, И.С.Белик. Пороговые значения индикативных показателей для диагностики экономической безопасности российской федерации на современном этапе. // Вестник УрФУ. Серия экономика и управление. 2019. Том 18. № 6. С. 892–910.
34. B.I.Isroilov, U.Kh.Abduganiyev, B.B.Ibragimov. Financial Control of Public Procurement to Prevent Corruption in the Development of Digital Economy.// Advances in Economics, Business and Management Research, volume 138 2nd International Scientific

and Practical Conference “Modern Management Trends and the Digital Economy: from Regional Development to Global Economic Growth” (MTDE 2020). https://www.atlantis-press.com/proceedings/mtde-20/125939770., Б.И.Исроилов. Национальная система оценки рисков в Узбекистане. // Материалы XI Международной научно-практической конференции. 2019 г. Издательство: Национальный исследовательский Нижегородский государственный университет им. Н.И. Лобачевского (Нижний Новгород), B.I.Isroilov, R/Mukhammadiev. Objectives of using of public-private partnership mechanisms to improve the quality of medical services. Journal of Critical Reviews ISSN-2394-5125 Vol 7, Issue 7, 2020, Pages: 952-958., B.I.Isroilov, Sh.H.Pardayev, B.J.Ibrohimov. Problems of ensuring economic security in the context of deepening globalization and digitalization.// - Magazine : International Economic Journal, ISSN:1016-8737, United Kingdom/

35. https://cbu.uz/upload/iblock/fc2/Monetary_Policy_Report_2020.

36. https://www.kommersant.ru/doc/4326132.

37. Как в разных странах идет бюджетная поддержка экономики в условиях пандемии. / Экономика и жизнь. https://www.eg-online.ru/news/419705/.

38. uz.sputniknews.ru › economy › (19.12.2019).

39. http://zarnews.uz/2dv.

40. Л.Г.Чувахина. Долговая политика в условиях глобального кризиса. // Международная экономика. - 2014. - № 3. С. 4-10.

41. Статистика внешнего долга: руководство для составителей и пользователей. [Washington, D.C.]: Международный валютный фонд, 2003. С. 184-185. URL: www.imf.org/extemal. /russian/pubs/ft/eds/guide/guider.pdf (дата обращения. 14.07.2014) .https://telegra.ph.

2-боб. МАМЛАКАТИМИЗДА КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бозор иқтисодиёти қонунлари ҳар қандай шароитда ҳам бир хил ишлайди: талаб таклифни туғдиради, маҳсулотларига талаб кам ёки умуман йўқ бўлган корхоналар, соҳалар аста-секин инқирозга юз тута бошлайди.

Коронавирус пандемияси туфайли киритилган карантин чекловлари натижасида мамлакатлараро чегаралар ёпилди, юртимиз ҳудудида вилоятлараро, туман (шаҳарлар) аро транспорт ва аҳоли ҳаракатлари чекланди, баъзи ҳолларда, тўлиқ тўхтатилди. Коронавирус инфекцияси билан зарарланиш камая борган сари карантин чеклашлари юмшаб бориб, авваламбор, ишлаб чиқариш ва қурилиш ташкилотлари, сўнгра бошқа тадбиркорлик субъектлари ва ижтимоий объектлар фаолиятига инфекция тарқалишини олдини олувчи тадбирларни амалга оширган ҳолда (ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, қўлларни дезинфекция қилиш) фаолият кўрсатишга рухсат берилди.

Коронавирус пандемияси оқибатида энг кўп зарар кўрган хизмат кўрсатиш корхоналари бўлди, озиқ-овқат савдоси ва дорихоналар орқали дори воситалари ва тиббий буюмлар савдоси бундан истисно. Туризм, транспорт, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси, меҳмонхона хизматлари, умумий овқатланиш, тўйхоналар ва кўнгилочар тадбирлар ташкил этиш хизматларига талаб пандемиядан кейин ҳам тўлиғича тикланмади.

Ундан ташқари, кўп мамлакатларда коронавирус инфекцияси тарқалишининг иккинчи ва учинчи тўлқинлари содир бўлмоқда, коронавирсунинг “британия”, “жанубий африка” ва бошқа штамлари аниқланмоқда, карантин чекланишлари турли даражаларда сақланиб қолмоқда, мамлакатлар орасида чегаралар ёпиқлигича қолмоқда.

Мамлакатимизда кўплаб тадбиркорлар бу соҳада бизнес юритишади, минглаб юртдошларимиз бу корхоналарда банд бўлиб, рўзғор тебратишарди. Менинг кузатишларим шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорларимиз пандемиядан олдинги фаолият

даражасига чиқиш устида етарли иш олиб боришмаяпти. Суҳбатларда тадбиркорлар пандемиядан олдинги ҳолат ўзи-ўзидан секин-аста тикланади, фақат сабр билан кутиш керак, каби фикрлар билан фаолиятларини давом эттиришмоқда. Бу ҳолатга уларнинг харажатлари олинаётган фойдадан юқори бўлиб тургани ва пул оқимлари сезиларли ўсмаётгани ҳам таъсир қилмаяпти.

Туман, шаҳар, вилоят даражасида йиллар мобайнида яратилган қувватлар тадбиркорлик, маҳаллий иқтисодиёт ривожига самарали ишламаяпти, тадбиркорлик ривожланиш учун етарли даромад ола олмаяпти, вақтинча ишсиз қолган оилалар иқтисодий ночор ҳолга келиб қолишмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсишга ўтишида туризм тараққиётимиз драйвери сифатида эътироф этилиб, юртимиз иқтисодий тарихида мисли кўрилмаган қўллаб-қувватлаш, ривожланиш учун шароитлар яратилди. Давлат бош ислоҳотчи сифатида мамлакатимиз туристик салоҳиятини дунё бўйлаб кенг тарғибот ишларини ташкил этди, бу жараёнга барча давлат бошқарув органлари, жумладан, хориждаги элчихоналаримиз ҳам жалб этилган.

Ушбу мақолада хизмат кўрсатишнинг ҳар бир йўналиши кесимида пандемиядан кейинги даврда мавжуд хизматлар кўрсатишни тиклаш, янгиларини очиш, олдинги ҳажмларда иш ўринларини тиклаш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича асосли тавсиялар берилган, зеро, уларни фойдаланган ҳолда тадбиркорларимиз қисқа вақт мобайнида ўз бизнесларини тиклашлари, зарур ҳолларда диверсификация қилишлари ва ривожланишга қараб ҳаракатларини кучайтиришлари зарур.

2.1. Пандемиядан кейинги даврда туризм соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш

Кейинги йилларда мамлакатимиз туристик жозибадорлигини оширишда кенг қамровли тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Туризм соҳасини тартибга солувчи норматив асосларнинг такомиллашуви, хорижий сайёҳлар учун виза режимининг эркинлаштирилиши, туристик маршрутлардаги, ҳудудлардаги ободонлаштириш тадбирлари, туризм инфратузилмаси объектларидаги

ижобий ўзгаришлар Ўзбекистонга хорижлик сайёҳлар қизиқишини кучайтириш йўлида хизмат қилди.

Жаҳон туристик ҳамжамияти учун муҳим бўлган бир қатор кўрсатгичлар мамлакатимиз жозибадорлиги ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон "National Geographic Traveler Awards" танловининг «Гастрономик туризм» йўналиши ғолиби сифатида эътироф этилиши, "Lonely Planet" нашриёти томонидан биринчи маротаба Осиёдаги энг яхши йўналишлар рўйхатига киритилиши, 2019 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) томонидан Ўзбекистон туризм саноати энг тез ривожланаётган Топ-20 мамлакатлари рўйхатида 4-ўринга сазовор бўлиши, туристлар учун хавфсиз мамлакатлар рейтингида диёримиз дунёдаги 180 мамлакат орасида 46, МДҲ мамлакатлари орасида эса 1-ўринни эгаллаши фикримизнинг яққол исботи бўла олади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон "Solo Travel Safety Report 2019» рейтингида ёлғиз саёҳат қилувчи туристлар учун хавфсизлиги бўйича 5-ўринни эгаллади. "Research House of Asia Media" нашриёти томонидан Ўзбекистон Осиёдаги энг бой тарих-га эга мамлакат дея тан олинди. Мадриддаги "Grandvoyage Tourism Awards" тақдирлаш маросимида Ўзбекистон «Энг яхши ривожланаётган туризм йўналиши» номинациясида 1-ўринни эгаллади. Британиянинг "Guardian" газетаси Ўзбекистонни 2019 йилда бориш тавсия қилинган энг сара 40 мамлакат рўйхатига қўшди.

Шу билан бирга, "New York Times" Ўзбекистонни 2019 йилда бориш учун энг яхши жойлар рўйхатига қўшди. Тошкент шаҳри "Worldwide Cost of Living"нинг "Economist Intelligence Unit" йиллик ҳисоботида учинчи ўринни олди. "India's Best Awards – 2019» томонидан Ўзбекистон энг яхши маданий-тарихий мерос бўйича энг яхши туризм йўналиши деб тан олинди. "The Guardian" нашриёти Ўзбекистонни дам олиш учун энг яхши йўналиш деб аталди. "Global Muslim Travel Index" ҳалол туризм рейтингига кўра, Ўзбекистон Топ-20 мамлакатлар рўйхатига киритилди ҳамда мамлакатимиз мусулмон аёллар саёҳати учун энг муносиб мамлакатлар рўйхатида 8-ўринда қайд этилди.

“Halal Travel Frontier 2020" ҳисоботида исломий меросни қайта тиклаш орқали мусулмонлар туризми бозорида Ўзбекистон янги трендга асос солган мамлакат сифатида дунёга эълон қилинди. «Жаҳон мусулмон сайёҳлари индекси» (Global Muslim Travel Index) рейтингида мамлакатимиз 32 - ўриндан 22 - ўринга юқорилади ҳамда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида мусулмон сайёҳларни жалб қилаётган «энг жозибадор» ҳамда «хавфсизлик ва бағрикенглик даражаси юқори» бўлган 10 та мамлакат қаторидан ўрин олди.

БМТ нинг Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 2 декабрда Мадрид (Испания) да бўлиб ўтган 24-сессиясида ушбу нуфузли анжуманнинг навбатдаги 25-сессиясини ўтказиш жойи танлов асосида Самарқанд шаҳри номзоди тасдиқлангани мамлакатмизга туризм оқимини ошишига яна бир ижобий асос бўлади.

Самарқанд вилоятида 194 та туроператорлар ўз фаолиятларини хорижий ва маҳаллий сайёҳларга хизмат қилишга қаратишган. Туристларга хизмат қилиш учун 134 та туристик синфга мансуб автобус, 106 та микроавтобуслар ва 30 та электромобиллар замонавий жиҳозланган, сайёҳларнинг сайрларини сермазмун қилишда 300 нафар гид-таржимонлар тайёрланган.

Туризм соҳасида ва унга боғлиқ иқтисодиёт тармоқларида минглаб фуқаролар меҳнат қилиб, оилалари фаровонлигига ва соҳа ривожига хизмат қилиб келишган. Пандемия чекланишлари билан бу қувватлар ҳаракатсиз ҳолга келиб қолишди, хизматлар кўрсатилмай, қўшилган қиймат яратилмай қолди.

Тадбиркорлик бу қувватларни ишчи ҳолатда сақлаш учун зарарга харажат қилишга мажбур бўлиб келишмоқда. Меҳмонхоналар аҳволига назар ташласак, уларни иситиш, тозалаш, улардаги коммуникациялар ишчи ҳолда сақлаб туриш бир қатор харажатларни доимий тарзда ушлаб туришни талаб қилади. Худди шундай транспорт воситалари эса доимий тарзда қаров остида бўлишни, техник хизматни талаб этади. Булар ҳаммаси, фаолият бўлмасада, қилиниши зарур харажатлардир.

Яна бир ҳолат: соҳада малакали кадрларга доимо талаб юқори бўлганлиги сабабли уларни ўз штатларида сақлаб қолиш мақсадида, туристик хизматлар кўрсатилмасада, малакали

кадрларга ҳақ тўлаб бориш ҳоллари туристик компаниялар молиявий харажатларини маълум даражада давом эттиришни тақозо қилиб келмоқда.

Мутахассислар томонидан, хорижий сайёҳларнинг оқимини пандемиядан олдинги даражага чиқариш учун коронавирус инфекцияси тарқалиши тугаб, чегаралар очилгандан сўнг 3-5 йил зарур бўлиши башорат қилинмоқда.

Мамлакатимизда туризм асосли тарзда иқтисодиётимизнинг ўсиш нуқталаридан, драйверларидан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда. Туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш коронавирус пандемияси бўйича киритилган чекланишлар дастлаб кунларидан бошланиб, пандемиядан кейинги даврда ҳам давом эттирилмоқда. Бу йўналишда фаолият олиб борувчи тадбиркорларга пандемия даврида берилган бир қатор имтиёзларнинг амал қилиш муддатлари 2021 йилнинг охиригача узайтирилди.

Ҳудудларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, шаҳар ва туманлар, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, туристик объектларга бориш йўлларидаги таъмирлаш, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлардаги ободонлаштириш тадбирлари, янги жамоат транспорти қатновларини ташкил этиш туристлар оқимини ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимиз Президентининг дунёнинг энг нуфузли ва олий Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан қилган ташаббуслари ва ички сиёсатдаги ижобий ва демократик ўзгаришларнинг барқарорлиги бўйича берган кафолатлари жаҳон ҳамжамиятининг, хорижий мамлакатлар фуқароларининг юртимизга қизиқишини сўзсиз орттирди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан олиб бораётган очиқлик, бағрикенглик ва яқин қўшничилик сиёсати ушбу регионда мамлакатлараро тадбиркорлар ва сайёҳлар оқимини кўпайишига олиб келади.

Шунингдек, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга масъул ташкилотлар, идоралар ва ҳокимликлар юртимиз туристик жозибадорлигини ошириш, туристик салоҳиятимизни тўлақонли фойдаланиш, зиёрат туризмини ривожлантириш, тиббиёт ва бошқа турдаги туризм йўналишларини яратиш, маҳаллий

туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишга киришишган.

Коронавирус пандемияси барча мамлакатларда аҳоли турмуш тарзида кўп ўзгартиришларга олиб келди. Сўзсиз, даромадлари пасайиб кетганлиги сабабли аҳоли биринчи навбатда ўз маблағларини кундалик эҳтиёжлари сарфларига қаратишади. Пандемиядан кейин чегаралар очилиши билан халқаро туризмга талаб қайтадан шаклланиб, пандемиягача бўлган туристлар оқими тиклана боради.

Туризм соҳасидаги пайдо бўлган ҳолат айни Юртбошимиз айтган ”Биз пандемиядан янада кучли ва бақувват бўлиб чиқишимиз керак!” деган ибораларига мос келади. Бугунги кунда ҳам ҳудудлар, ҳам туризм соҳасидаги бизнес ҳамжамият учун маҳаллий туризмни ривожлантириш ўсиш нуқталари бўлиши зарур. Бу қисқа вақт мобайнида, кам сарф-харажат билан ҳар бир ҳудуд иқтисодий тараққиётини таъминлайдиган йўналишдир.

Мамлакат даражасида олиб борилаётган кенг кўламли маданий-маърифий, тарбиявий ҳамда ватанпарварлик ҳисларини кучайтириш доирасида ватанни, унинг тарихини чуқур билиш, ҳудудлар урф-одатларини биринчи навбатда таълим муассалаларида, давлат идораларида, маҳаллаларда тарғиб қилиш жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз. Бу тадбирлар орқали, бир томондан, маҳаллий туризм ривожланишига катта туртки бўлса, иккинчи томондан, ривожланишимизга ўта муҳим бўлган ёшларимизда, фуқароларимизда ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилади. Мамлакатни, унинг тарихини билиш, катта-кичик ўлкаларга сайр қилиш ва улар билан яқиндан танишиш, турли ҳудудлар урф-одатларини ўрганиш муҳимлиги бўйича давомий ва ўсиб, кучайиб борувчи ижтимоий фикр шакллантириш ва уни турли усуллар ва воситалар билан кучайтириб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Япония, Жанубий Корея ва бошқа бир қатор ривожланган мамлакатларда ўз ўлкасини, унинг тарихини яхши билиш ҳар қандай раҳбар, фуқаро учун ғурур даражасигача кўтарилган, ёшу қари ўз суҳбатларида у ёки бу шаҳар, тарихий обида ёки зиёратгоҳга сайри ҳақида суҳбат қилади. Шу мамлакатларда қадамжоларга борсангиз хорижий сайёҳлардан маҳаллий сайёҳлар

кўплигининг гувоҳи бўласиз. Барча музейларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб экспонатлар билан гид ва ўқитувчиси кўмагида танишаётган мактаб ўқувчиларини кўрасиз. Маҳаллий туризм бу мамлакатларда туризмни ривожлантириш устувор йўналиш сифатида йиллар мобайнида фаолият кўрсатиб келмоқда, давлат томонидан, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланилмоқда, ўз она юртини, унинг тарихи ва урф-одатларини, ҳаттоки чекка ҳудудларидаги, ҳаёт тарзини чуқур билиш зарурлиги бўйича ижтимоий фикр шакллантирилган, бу ёндашиш ватанпарварлик, ўз юртига ғурур ҳисси билан мустаҳкамланиб келмоқда.

Ўзбекистонда ички туризмни жадал ривожлантириш мақсадида вилоятлараро сайёҳлар гуруҳлари учун авиапарвозлар, темирйўл транспорти орқали қатновларда чегирмалар, меҳмонхона хизматлари учун компенсациялар киритилди, 2021 йил март ойидан туризм мавсуми очилиши билан барча тарихий обидалар ва музейларга кириш бепул қилиб қўйилган бўлсада, уларда қизиқувчилар сони кўпайгани йўқ. Дастлабки босқичда бу каби сайёҳларни жалб этиш акциялари таълим муассасалари, ёшлар ишларига мутасадди раҳбарлар ва ташкилотлар билан биргаликда тадбирлар билан уйғунлашганда, етарли самара бериши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, қуйида келтирилган таклифлар туризм соҳасини ривожлантириш, уни ҳар бир ҳудуднинг ўсиш нуқтасига айлантириш ва соҳанинг ҳудудлар иқтисодиётидаги салмоғини барқарор ошириб боришига олиб келиши керак.

Биринчидан, мамлакатимизга хорижий туристларни жалб қилиш устуворлигича қолиши зарур. Пандемия чекланишлари юмшая борган сари хорижий сайёҳлар билан ишлаётган туроператорлар ўз хизматларини хориждаги саёҳатга, янги мамлакатларни кўришга интилувчилардан тадбиркорлар ҳамжамиятига, уларни бошқариш идораларига қаратишлари зарур, деб ҳисоблаймиз. Чет элларда ҳозиргача коронавирус пандемияси чекланишлари давом этмоқда, иқтисодиёт тармоқларининг йўқотишлари давом этмоқда, иш ўринлари қисқариб бормоқда.

Чекланишлар юмшатила борган сари, хориж тадбиркорлари ўз фаолиятларини тиклашда, бошқа мамлакатларга ўз

маҳсулотлари ва хизматларини экспорт қилишга, хорижий пандемия шароитида ҳам иқтисодиёти ривожланган Ўзбекистон бозорига киришга интилишлари табиий, деб ҳисоблаймиз. Ундан ташқари, пандемиягача бўлган даврда хориж сайёҳларининг аксарияти кексалар эди, уларнинг пандемиядан кейин бошқа мамлакатларга сайр қилишлари кескин камайишини кутиш зарур, чунки аҳолининг бу қатлами коронавирус инфекциясига чалиниш хавфи юқори бўлиб, ўзларини асраш нуқтаи назаридан ўз уйларида, юртларида қолишни афзал кўришади.

Янги шароитда хориж билан ишлаётган туроператорлар ўз хизматларини тадбиркорлик субъектларига, тадбиркорлар уюшмалари ва жамоат ташкилотларига қаратишлари мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга, улар хориждаги туризм бозорига диверсификацияланган тўпламлар таклиф этишлари зарур, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини, ривожланиш истиқболларини кўрсата билишлари керак. Бунда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Инвестиция ва ташқи савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси сайтлари орқали мамлакатимиз салоҳиятини тарғиб қилишлари, тадбиркорлик учун зарур бўлган шарт-шароитлар, муваффақиятли фаолият юритаётган эркин иқтисодий ва махсус зоналар, ҳудудлараро транспорт инфраструктураси, юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар, ҳаво қатновидаги замонавий самолётлар фойдаланишини тарғиб қилишлари муҳим бўлади.

Бу сегментдаги хорижий сайёҳлар, авваламбор, ўз тадбиркорлик режаларини амалга оширишга, яъни маҳаллий ҳамкорлари билан учрашишга, музокаралар қилишга қаратишади. Шунинг учун, туристик тўпламлар шу жараённи амалга ошириш учун зарур бўладиган инфраструктура объектлари бўлган меҳмонхоналар, овқатланиш ва музокаралар учун шароитлар, хавфсиз туризм элементларини кўрсата билишлари муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан, ички туризм ҳар бир ҳудуднинг ўсиш нуқтаси сифатида қаралиши зарур. Давлатимиз томонидан бу йўналишдаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилмоқда, ҳаво ва темир йўллар учун вилоятлараро янги маршрутлар киритилмоқда, маҳаллий туристларга транспорт қийматидан

чегирмалар ва имтиёзлар бериш белгиланган, миллий байрамларни нишонлаш кунларига дам олиш кунларини қўшиб, қисқа муддатли саёҳатларга қулайликлар яратилган.

Барча ислоҳотларда давлат ҳам ташаббускор, ҳам ислоҳотчи бўлганидек, бу ҳолда вазирлик ва қўмиталар, ҳудудий давлат бошқарув органлари ва ташкилотлари ўз фаолларини ташкилий тарзда туризм марказлари - Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабзга саёҳатга юбориб, туман (шаҳар) ташкилотлари – ўз ҳудудлардаги мавжуд туристик объектлар (тарихий обидалар, музейлар) ва зиёратгоҳларга ўз ходимлари учун саёҳатлар ташкил этиб, таълим муассасалари талабалари ва ўқувчиларининг музейлар ва тарихий обидалар орқали ўлка тарихини ўрганишлари тизимли асосда йўлга қўйилса, маҳаллий туризмни ривожлантиришга ўта муҳим қадам бўлиши мумкин.

Бу қадамлар ички туризмни ҳозирданоқ жонлантиришга, музей ва тарихий обидалар, зиёратгоҳларда сайёҳлар оқими пайдо бўлади, меҳмонхоналар қўшни вилоятлардан келган меҳмонлар билан тўла бошлайди, умумий овқатланиш ва меҳмонларга хизмат қилиш билан шуғулланаётган барча соҳалар ривожлана бошлайди.

Туристик компаниялар, меҳмонхоналар, сайёҳларга хизмат қиладиган транспорт корхоналари ўз фаолиятларини ички туризмга, маҳаллий сайёҳга қулай ва ҳамёнбоп турлар ташкил этишга, уларни мавжуд реклама воситалари, айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғибот қилишлари ўта муҳим ҳисобланади. Муҳими, маҳаллий туристга ҳам хорижий сайёҳларга хизмат қилганидек сифатли ва жозибадор хизмат қилишни таъминлашлари зарур.

Учинчидан, туристик компаниялар ташқи ва ички туризмда зиёрат туризмини алоҳида сегмент сифатида кўриб чиқишлари, шу асосда, ўзларининг тадбиркорлик сиёсатларини қуришлари мақсадга мувофиқдир.

Зиёрат туризми кўнгилочар туризмга нисбатан тез оммавийлашиб, жозибадор бўлиб бормоқда, давлатимиз томонидан зиёрат туризмини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Тўртинчидан, туризм индустрияси корхоналари таклиф талабдан юқори бўлиб турган шароитда туристик компаниялар ва

меҳмонхоналар ўз хизматларини кўрсатишни тарғиб қилишда информацион технологиялардан янада самарали фойдаланишлари, бутун дунёда оммавийлашиб кетаётган ижтимоий тармоқлар (Facebook, Instagram, Twitter) да доимий иштироклари билан, мобил иловалар (Agoda.com, Booking.com, Hotels.com ва бошқалар) орқали турли меҳмонхона ва унинг хизматларига буюртмалар жойлаштиришда халқаро платформалардан фойдаланиш, бевосита 24/7 режимида банд этиш хизматларини таклиф этиш муҳим ҳисобланади.

Ҳар бир корхона, ҳар бир ҳудуд ўзининг туристик брендини ишлаб чиқиши ва босқичма-босқич ижобий ижтимоий фикрни мустаҳкамлаб боришлари зарур. Сайёҳатдан яхши таассуротлар билан қайтган маҳаллий турист кўрган жойларини кўришга яна келиш, кейинги сафарларга ўз ҳамкасблари, дўстлари ёки яқинларини олиб келишни режалаштиради ва уни амалга оширади. Бу муҳим омилни ҳар бир корхона ҳисобга олиши ва шунга қараб ўзининг хизмат кўрсатиш ва маркетинг сиёсатини олиб бориши керак.

Бешинчидан, ҳам ташқи, ҳам ички туризмда хизматлар нархи муҳим ўрин тутади. Пандемиядан кейинги даврда туристик компаниялар учун ўз харажатларини оптималлаштириш, рақобатбардош нархлар таклиф этиш, ўз хизматлари маржасини қайта кўриб чиқиш, ўта муҳим деб ҳисоблаймиз.

Туристик компаниялар ўз туристик тўпламларига киритилган хизматларни кўрсатишга қаратилган меҳмонхона, транспорт, овқатланиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлари билан нархларни оптималлаштириш бўйича музокаралар ўтказиб, бозорга рақобатбардош нархлар таклиф этишлари зарур.

Туристик компанияларнинг ҳамкор соҳалардаги тадбиркорлик субъектлари билан бўладиган музокаралар ўша корхоналарда ҳам харажатларни камайтириш ва нархларни оптималлаштириш йўлидаги ҳаракатларини кучайтиради.

Олтинчидан, пандемиядан кейин туристик хизмат сифатини юқори даражада таъминлаш долзарблиги янада ошади. Ҳар қандай шароитда ҳам туристлар уйларидан узоқда, лекин уйларидагидек, ҳаттоки, ундан ҳам юқори хизматлар сифатини кутиб қолишади.

Уни таъминлаш ҳар бир тадбиркорликнинг даромадлилигининг асосидир.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар, соҳада фаолият қилиб келаётган тадбиркорлик субъектлари янгиланган сиёсатлари ва юқорида келтирилган тавсияларнинг жорий этилиши соҳани пандемиядан кейин қисқа даврда янада кучайиб, туризм хизматлари иқтисодиётнинг ҳақиқий ўсиш нуқталарига, туристик корхоналар эса ҳудудларнинг драйверларига айланадилар.

2.2. Пандемиядан кейинги даврда меҳмонхона ва меҳмон уйлари хизматларини ривожлантириш

Самарқанд вилоятида бугунги кунда умумий қуввати 9173 ўринли 174 та меҳмонхона ва 227 та оилавий меҳмон уйлари мавжуд бўлиб, хорижий ва маҳаллий туристларга хизмат қилишга мўлжалланган. Вилоятда янги туристик марказ ҳудудида 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналар, Самарқанд шаҳри ҳудудида 4 ва 3 юлдузли ўнлаб меҳмонхоналар қурилишлари олиб борилмоқда, туман, шаҳарларда меҳмонхона ва меҳмон уйлари ташкил этилмоқда, бир қатор тадбиркорлар меҳмонхоналар қуриш режаларини шакллантиришмоқда.

Меҳмонхона саноатининг ривожи уларнинг пандемиядан кейинги яқин йиллардаги истиқболларига бевосита боғлиқ. Бу ўринда мавжуд меҳмонхона ва меҳмон уйларида фаолиятнинг жонланиши ва ривожи муҳим ўрин тутади.

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ чекланишлар билан меҳмонхоналар ва меҳмон уйлари тўлиқ ёпилди, уларнинг баъзилари вирус билан зарарланиш кучайган ойларда касалхоналарда ўрин етишмаслиги туфайли зарарланган фуқаролар ва улар билан алоқада бўлганларни вақтинча яккалаш учун фойдаланилди. Бу билан бу меҳмонхоналар пандемия оқибатларини юмшатишга ўз ҳиссалаларини қўшишди.

Коронавирус пандемияси туфайли киритилган чекланишларда энг катта зиён кўрган соҳалардан бири меҳмонхоналар бўлиб ҳисобланади. Меҳмонхоналарда иш билан банд аҳоли

сонини ҳамда уларнинг фаолияти туризмни ривожига жуда катта таъсир кўрсатишини эътиборга олсак, меҳмонхоналарни тўлақонли ишлатиш нақадар катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эгалигига ишонч ҳосил қиламиз.

Меҳмонхона соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорда иккита асосий танлов мавжуд: фаолиятни давом эттириш ва ривожлантириш ҳамда фаолиятни тўхтатиб, бошқа йўналишда тадбиркорлик қилиш.

Агарким, тадбиркорлар бозорнинг меҳмонхона сегментидан чиқишмоқчи, бошқа фаолият тури билан шуғулланиш йўналишларини излаган ҳолларда, меҳмонхонани кам харажат билан кейинги пайтда талаб ошиб бораётган тиббий хизмат кўрсатиш муассасасига айлантириш мумкин.

Бизнинг фикримизча, давлатимиз томонидан ташқи ва ички туризм борасида олиб бораётган сиёсати натижасида туристлар оқими қисқа давр мобайнида тиклана боради. Шунинг учун, меҳмонхона хизматларини кўрсатишни давом эттириш ва бугунги кунда меҳмонхоналар ўз ички ва ташқи сиёсатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсияларни таклиф этамиз.

Биринчидан, меҳмонхоналар ўз тижорат таклифларини ташқи бозорда пандемиядан кейин биринчи навбатда талаб бўлиши кутилаётган мамлакатимиз тадбиркорлари билан ҳамкорлик қилишга интилаётган хорижий бизнес ҳамжамиятига қаратишлари зарур. Хорижий сайёҳларнинг айнан шу гуруҳи учун меҳмонхоналарда барча шароитлар яратилиши ва улар реклама қилиниши керак. Хорижий тадбиркор меҳмонхонадан нафақат яшаш учун, балки шу меҳмонхона доирасида учрашувлар, тақдимотлар қилиш, фақат нонушта эмас, тушлик ва кечки овқатланиш хизматларини ҳам кутиб қолади.

Бугунги тадбиркор Интернетсиз ўз фаолиятини тасаввур эта олмайди. Меҳмонхона жозибадорлиги юқори тезликда, узилишларсиз ишлайдиган Интернет алоқаси, замонавий жиҳозланган бизнес марказ фаолият этишига бевосита боғлиқ.

Иккинчидан, меҳмонхона хизматлари учун нархлар муҳим ҳисобланади. Ҳар бир меҳмонхона ўзининг доимий мижозлари талабларига қараб, нархларини қайта кўриб чиқишлари тавсия этилади.

Кўп меҳмонхоналаримиз бўш турган бўлсада, менежерлар нархларини тушириш устида уйлашишмаяпти, нархлар юқорилигича қолмоқда. Меҳмонхоналаримиз соҳиблари юқори нарх ва тарифлар билан саноқли меҳмонлар билан чегараланиб, ҳамёнбоп нархлар таклифи орқали меҳмонлар оқимини ошириш ва, охири оқибатда, меҳмонхона даромадлигига эришиш мумкинлиги тушуниб етишишмаяпти.

Янги нархларни шакллантирганда биринчи навбатда яқин ойларда жорий харажатларни қоплаш асосий мақсад бўлиши зарур. Меҳмонлар оқими барқарор бўлиб борган сари, хизмат кўрсатиш нархларига фойдани қўшиб бориш ва даромадли хизматлар таркибига қўшиб бориш мумкин.

Учинчидан, ўз хизматларини туристик компанияларга тақдим этиб бориш билан бирга, ўз тижорат таклифлари билан бевосита, воситачисиз бозорга чиқишлари керак. Рақамли технологияларнинг барча мамлакатларда ижтимоий ҳаётга кенг кириб борганлиги туфайли меҳмонхоналар меҳмонхоналарга ўринларни брон қилиш, уларнинг рейтингларини олиб бориш, тақризларни тўплаб бориш каби сервисларни яратган Booking.com, Airbnb.com, Hotels.com, Ostrovok.ru, Trivago.ru каби рақамли иловалар билан ҳамкорлик қилишлари ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

2.3. Пандемиядан кейинги вақтда умумий овқатланиш хизматларини ривожлантириш

Умумий овқатланиш хизматлари кейинги йилларда инвестицион жозибадор йўналишлардан бири бўлиб, кўп тадбиркорлар ресторан, кафе ва ошхоналар фаолиятини йўлга қўйишди, уларнинг сони барча ҳудудларда ошиб кетиб, бугунги кунда вилоятимизда 350 та ресторан ва кафелар фаолият кўрсатмоқда.

Коронавирус пандемияси салбий оқибатлари умумий овқатланиш соҳасига ҳам катта таъсир кўрсатди. Барча корхоналарда хизмат кўрсатишни тўхтатишди, карантин чеклашлари давомий бўлиб, кўп ишчи ва хизматчилар ишсиз қолишди.

Шу билан бирга, пандемия пайтида ўзларининг доимий мижозлари бўлган ошхоналар етказиб бериш хизматини йўлга қўйишди ва ривожлантиришди. Ижтимоий тармоқлар ва бошқа реклама воситалари орқали рекламани кучайтиришди, уларнинг аксарияти бу хизмат турини пандемия туфайли киритилган чеклашлар юмшатилгандан кейин ҳам давом эттиришаяпти.

Бизнинг фикримизча, умумий овқатланиш хизматларига бўлган талаб аста-секин тикланади, аҳоли турмуш даражаси ошиб борган сари бу хизматлардан фойдаланиш ўса боради, бу соҳа ҳозирги шароитда ҳам инвестицион жозибадор бўлиб қолади.

Умумий овқатланиш корхоналари учун ўз фаолиятларини тўлақонли тиклаш ва ривожлантириш учун бир қатор тавсиялар ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, умумий овқатланиш соҳаси тадбиркорлик субъектлари учун иссиқ таомлар, салатлар ва пиширикларни етказиб бериш хизматини янада такомиллаштириш пандемиядан кейинги муҳим ривожланиш йўналишига айланади. Бунда маҳсулотлар мазалилиги ва кўриниши жозибадорлиги билан бирга, таомларни иссиқ ҳолда ва тезкор тарзда етказиб бериш, бежирим, гигиеник талабларга жавоб берадиган бир марталик идишлардан фойдаланиш, идишлар ва пакетларда корхонанинг номи, логотипи ва кейинги буюртмалар учун алоқа рақамлари бўлиши бу йўналиш ривожига хизмат қилади.

Иккинчидан, хизмат қилиш зали кенг (500 ва ундан ортиқ ўринлари бўлган) йирик ресторанлар савдо залини қисқартириб, бўшаган майдонларда умумий овқатланиш бошқа концепция-ларини, масалан, ўзига-ўзи хизмат қилиш, кичик форматдаги хизматлар (кофе ва ширинликлар ва ҳ.), киритиш орқали умумий овқатланиш хизматларини кўрсатишни янги даражага олиб чиқишлари мумкин.

Учинчидан, пандемиядан кейин харидорлар оқими камайган пайтда умумий овқатланиш корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш, уни мижозга қаратилганлик даражасини оши-риб бориш, ўз номини, брендини тарғиб қилиш ва ривожлантириш корхона тараққиётига қаратилган ўта муҳим қадам бўлади.

Тўртинчидан, умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш соҳасида етарли тажриба орттирган корхоналар учун қўшимча

даромад ва фаолият сифатида умумий овқатланиш хизматини кўрсатиш бўйича давлат харидларида иштирок этиш ва ижтимоий соҳа объектларига аутсорсинг хизматларини кўрсатиш танловлари орқали шартномалар имзолаш корхона ва соҳа ривожига хизмат қилиши мумкин.

Бешинчидан, амал қилиб келаятган умумий овқатланиш корхоналари ўз фаолиятлари йўналишларини диверсификация қилишлари ва умумий овқатланиш хизматлари кўрсатишнинг замонавий, тезкор ва арзон концепцияларини киритишлари муҳимдир. Булар ўзига ўзи хизмат қилиш, кичик форматдаги чегараланган менюга ва индивидуаллашган хизмат турлари, ғилдиракли мобил ошхоналар ташкил этиш каби йўналишлар.

Олтинчидан, шаҳарлараро автомагистрал бўйлаб тезкор умумий овқатланиш шохобчалари тармоғини яратиш. Иқтисодиёт ривожланган сари шаҳарлараро транспорт ҳаракати ривожланиб боради, йўлбўйи замонавий хизматлари, жумладан, умумий овқатланиш шохобчалари етмайди, мавжудларида хизмат кўрсатиш сифатида ўта паст.

Йўлбўйида транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчиларга бир жойда умумий овқатланиш, савдо, транспорт воситаларини таъмирлаш каби 10 дан ортиқ хизматларни кўрсатиш тараққий этган мамлакатларда жуда кенг тарқалган. Европа мамлакатлари магистраль йўлларида AutoGrill савдо белгиси билан хизмат кўрсатадиган 40 дан ортиқ йўлбўйи инфраструктураси магистраль йўлларда ҳаракатланувчиларга муваффақиятли хизмат қилиб келмоқда.

Хизмат кўрсатишнинг бу йўналиши доирасида умумий овқатланиш хизматларини йўлга қўйишнинг истиқболлари бор.

Умумий овқатланиш соҳасида тадбиркор қилиб келаётган тадбиркорлар юқоридаги тавсияларни фойдаланган ҳолда ўз тадбиркорликларини пандемиядан кейинги даврда ҳам муваффақиятли давом эттиришга эришишлари мумкин.

2.4. Тўй ва тантаналар ташкил этиш хизматларини диверсификация қилиш ва ривожлантириш

Сўнгги йилларда халқимиз турмуш тарзида янги йўналиш сифатида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни алоҳида жиҳозланган биноларда ўтказиш оммавий тус олиб, шаҳар ва туманларда кўплаб тўйхоналар қурилди. Уларнинг хизматларига талаб ошиб борган сари бу йўналишга инвестициялар ҳам кўпайди, ҳар қадамда катта ва кичик тўйхоналар қад кўтарди.

Тўй ва маросимларни ўтказишни ташкил этиш, бу биноларни безаш, таомларни пишириш ва овқатланишни ташкил этиш, тантаналарни олиб бориш ва тадбирларни видео ва фотосуратларга тушириш каби бир қатор хизматлар пайдо бўлди, уларда минглаб фуқароларимиз банд бўлди.

Коронавирус пандемияси бошлангунга қадар 2019 йил сентябрь ойида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишга чекланишлар киритилган бўлсада, тадбиркорликнинг бу йўналиши ўз жозибадорлигини йўқотмади.

Самарқанд вилоятида 100 дан ортиқ тўйхоналар мавжуд, уларнинг ҳар бири 150 тадан 1000 тагача меҳмонларга бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсата олади. Ҳар бир тўйхона қурилиши ва фаолият қилиш ҳолатига тайёрлаш учун ўрта ҳисобда 2,0 млрд.сўмдан 100,0 млрд сўмгача инвестиция қилинган. Уларнинг аксарияти фуқаролар учун жозибадор жойларда, чорраҳаларда жойлашишган.

Тўйхоналар коронавирус пандемияси туфайли киритилган чеклашларнинг биринчи кунидан бошлаб фаолиятларини тўхтатишганди. Бугунги кунда коронавирус пандемияси оқибатларини пасайтириш бўйича республика махсус комиссияси қарори билан оммавий тадбирлардаги иштирокчилар сони 100 киши билан чекланганлиги сабабли тўйхоналар қисман фаолият қилиб келмоқда.

Республикамизда пандемиядан олдин ҳам тўйларда исрофгарчиликларни олдини олиш, ижтимоий ҳаётдаги кимошарликнинг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида меҳмонлар сонини 150-200 нафар билан чеклаш тартиби киритилган эди.

Пандемия даврида халқимиз ўз турмуш тарзи, жумладан, тўй-томошаларни ўтказишга ҳам бошқача қарашга, уларни кескин камайтиришга томон интилишлари тўйхоналар бундан кейин жуда кам ҳолларда тўлиши мумкинлигига иқрор бўламиз.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, тўйхоналар хизматларига талаб пандемия туфайли чеклашлар тўлиқ олиб ташланган кейин ҳам олдинги ҳолатга келмайди ва бир неча баробар кам бўлади. Ярим банд тўйхоналар залларида онда-сонда тўйлар ўтказилади, тўйхоналарнинг даромад даражаси тушиб кетади. Агар унга боғлиқ тарзда хизмат кўрсатиш сифати тушиб кетса, баъзи тўйхоналар ўз бозорларини тамоман йўқотишади.

Тўйхона хизматларига талаб таклифдан бир неча баробар камайиб кетмоқда.

Бу ҳолатда тўйхоналар хизмати кўрсатувчи корхоналарга қанақа тавсиялар ўринли бўлади?

Биринчидан, ўз жозибадорлиги билан юқори талаб билан фойдаланилаётган тўйхоналарда меҳмонлар залларини оптималлаштириш, кичрайтириш, битта зал ўрнига 2-3 та зал барпо этиш орқали умумий меҳмонлар сонини сақлашга эришиш. Бунда бир вақтнинг ўзида 2 ва ундан ортиқ тадбирни ташкил этиш имконияти пайдо бўлади. Бу каби ўзгаришни режалаштирганда қайта қургандан кейинги меҳмонлар зали безаш нуқтаи назаридан яхлитлиги, меҳмонларнинг кириш-чиқиш имкониятлари, хизмат кўрсатиш барча инфраструктураси сақланишига эътибор бериш зарур. Вилоятимиздаги бир қатор тўйхоналар, жумлада, “Diyora” тўйхонаси меҳмонлар залларини кичрайтириб, барча шароитларни яратган.

Иккинчидан, дислокацияси қулай бўлган тўйхоналарда меҳмонлар залини кичрайтириб, қолган биноларда аҳолига умумий овқатланиш хизматларини ташкил этиш. Бу ҳолда таомлар тайёрлаш қувватлари ҳам тўйхонага, ҳам умумий овқатланиш қисмига ишлаши мумкин бўлади ва хизмат нархларини рақобатбардош даражасида ушлаб туришга шароит яратилади.

Учинчидан, Тўйхонани қисман ёки тўлиқ бошқа фаолиятга мослаштириш. Мамлакатимизда бир қатор хизмат турларига талаб етарлича қондирилмаган, уларга талаб тобора ошиб бормоқда. Таълим соҳасида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, чет

тилларини ўрганиш, турли касбларга ўқитиш хизматлари, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш шулар жумласидандир. Аҳолига қулай жойлашган тўйхоналарни янги хизмат кўрсатиш йўналишларига мослаштириш тадбиркорлар даромадларини олдинги фаолият туридан кўпроқ даромад келтириши, ҳудудда олдингидан кўп аҳоли бу хизматларни кўрсатишда банд бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, тўйхоналарни тўлиғича ишлаб чиқариш тадбиркорлигига мослаштириш. Тўйхоналар залларининг яхлитлиги уларда дори воситалари ишлаб чиқариш, тайёр кийимлар тикиш, компьютер, телевизорлар, уяли телефонлар таъмирлаш каби турли кичик ҳажмдаги электр жиҳозлари йиғишни ташкил этишга имконият бўлиб ҳисобланади.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиш учун яратилган бино, иншоотлар ва бошқа инфратузилмадан самарали фойдаланиш бўйича юқорида берилган тавсияларндан фойдаланиш бу йўналишдаги тадбиркорларга пандемиядан кейинги даврда ўз бизнеслари даромадлилигини оширишга, олдинги иш ўринларини тиклашга ва янгиларини яратишга хизмат қилади.

2.5. Пандемиядан кейинги вақтда савдо хизматларини ривожлантириш

Барча ҳудудларда коронавирус пандемияси пайтида озиқ-овқат савдоси йўналишидаги тадбиркорлик ривожланиб кетди, транспорт ва аҳоли ҳаракати чекланишлари эълон қилинганда кўпчилик саросимага тушиб, одатдагидан бир неча баробар кўп харид қилишди, ҳаттоки баъзи маҳсулотлар танқислиги ва уларнинг нархлари бир неча бор ошиш ҳоллари қайд этилди. Шу билан бирга, ҳомийлар орқали аҳолининг эҳтиёжманд қисмига кўп миқдорларда озиқ-овқат маҳсулотлари етказилиб берилиши билан ҳам савдо айланмалари ошиб кетди, аҳоли учун етказиб бериш хизмати ташкил этилди.

Шу билан бирга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўконлар узоқ муддат фаолият кўрсатмай келди, уларнинг фаолиятларига рухсат берилгандан кейин эса, олдингидек савдо ҳажмларига эриша олишмади. Бир томондан,

оммавий тадбирлар, оилавий ва корпоратив тадбирлар камайиб, улар учун совғалар, турли сарполар хариди камайган бўлса, иккинчи томондан, аҳоли озиқ-овқат маҳсулотлари харидига устуворлик беришга мажбур бўлди.

Пандемиядан кейин ҳам озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж молларига талаб юқорилигича сақланиб қолади, рақобат муҳити янада ривожланади . Бу йўналишда ўз фаолиятлари даражасини сақлаш ва янада ривожланиш учун савдо хизматини кўрсатиш супермаркет каби замонавий турлари билан бирга, кичик форматдаги кенг ассортиментли аҳолига яқин дўконлар хизматларига талаб юқори бўлади.

Албатта, барча савдо хизмат кўрсатувчи корхоналар орасида харидор учун кураш янада кучаяди, рақобат муҳитида даромадлиликка чиқишнинг асосий йўли – харидорга фақат ва фақат сифатли маҳсулотларни таклиф этиш, хизмат кўрсатиш сифатини тинмай ошириб бориш, харидорга қулайлик бўладиган янги усулларни киритиб бориш бўлиб ҳисобланади.

Пандемия пайтида бир қатор савдо корхоналари етказиб бериш хизматини йўлга қўйишди ва ўз савдо айланмалари даражасини оширишга эришишди. Пандемиядан кейин ҳам етказиб бериш хизматига талаб ошиб боради, шунинг учун тадбиркорларимиз ўз фаолиятларини ривожлантиришнинг бу имкониятларини фойдаланишлари зарур.

Боб бўйича хулоса

Коронавирус пандемияси оқибатлари, ҳар қандай инқироз каби, бир томондан, муаммолар туғдирса, иккинчи томондан имкониятлар яратади. Шунинг учун, бу муаммолар билан юзма-юз бўлган хизмат кўрсатиш корхоналари бу инқироздан кучли бўлиб чиқишлари учун юқорида берилган тавсиялардан унумли фойдаланиб, олдингидан ҳам кучли бўлиб, ўз фаолиятларини муваффақиятли давом эттиришлари учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилган.

Бугунги кунда пандемия сабоқларидан бири хизматлар соҳасини рақамлаштириш заруратини туғдирди. Жуда кўплаб

хизмат кўрсатиш соҳалари, жумладан, тиббиёт, таълим муассасалари кабиларда масофавий хизматларни кўрсатиш кўлами кенгаймокда. Жуда кўп хизмат кўрсатиш корхоналарида электрон иш юритишга ўтказиш масаласи бўйича тегишли чоралар кўрилди ва булар бугунги кунда ҳам давом этмокда. Шу туфайли мамлакатимизда коронавирус пандемиясидан кейинги даврда хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш имкониятларини тадқиқ қилиш ҳам ўта долзарб масалага айланди.

Мазкур заруриятдан келиб чиқиб, ушбу бобда пандемиядан кейинги даврда туризм соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уни жадал ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Шунингдек, ушбу соҳа билан боғлиқ меҳмонхона хўжаликлари ва меҳмон уйлари хизматларини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо қилмокда. Ушбу инқироздан кейинги вақтда умумий овқатланиш хизматларини ривожлантириш, тўй ва тантаналарни ташкил этиш хизматларини диверсификация қилиш ва ривожлантириш масалалари ҳам тадқиқ этилган бўлиб, буларни яхшилаш бўйича ҳам тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Буларнинг ҳаммаси пандемиядан кейинги шароитда жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳолига муносиб яшаш шароитини яратиб беришга қаратилган.

Боб бўйича адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5969-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4770761

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелидаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5978-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4780475.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5986-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4800005

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5996-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4815474

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6002-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4831118

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4752-сонли Қарори. https://lex.uz/docs/4857409

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6029-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4903382

8. Тўйлар оилавий тантанлар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини ткомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекситон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаишининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябридаги 2736-III/ҚҚ-592- III рақмали қўшма қарори.

3-боб. ПАНДЕМИЯНИНГ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИГА ТАЪСИРИ ВА КЕЛАЖАКДА УНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал юксалтириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.[18] Бу унинг жамият тараққиётининг муҳим ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал қилишдаги ролининг ошиши билан боғлиқ. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг «...аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш...»[19] каби ўта долзарб вазифаларни ҳал қилишда роли беқиёс.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг натижадорлиги 2020 йилнинг бошларида кутилмаганда бошланиб кетган короновирус пандемияси таъсири остида сезиларли даражаларда сусайди. Агар 2019 йилда Ўзбекистонда ЯИМ ҳажмининг олдинги йилга нисбатан ўсиши 5,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда унинг йиллик ўсиш суръати атиги 1,6 фоизни ташкил қилди (прогноз бўйича 5,6 фоизни ташкил этиши лозим эди).[20] Пандемия таъсири остида мамлакатда юзага келган янги иқтисодий вазият миллий иқтисодиётга, унинг таркибидаги барча соҳа ва тармоқлар иқтисодиётига, жумладан хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётига катта салбий таъсир кўрсатди. Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиёти катта тезликда бутун дунё мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетган пандемия асоратларидан катта талафот кўрди.

Хизматлар соҳасини пандемия натижасида юзага келган асоратлардан холи этиш ва келажакда соҳанинг жадал ривож-

---

[18]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ № 4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.

[19]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. uza.uz.

[20] 2020 йилда Ўзбекистон ЯИМининг ҳажми 1,6 фоизга ошган.https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/26/yaim/

ланишини таъминлаш унинг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли, хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини пандемиянинг салбий таъсири остида юзага келган янги иқтисодий вазиятга мослаштириш асосида оптималлаштириш муаммоларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

3.1. Хизматлар соҳасига пандемиянинг кўп томонлама таъсири ва унинг салбий асоратлари

Ковид-19 пандемияси авж олиши бошланганидан бери бир йилдан зиёдроқ вақт ўтди ва ҳозирги кунларда кўплаб мамлакатлар иқтисодчилари унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларига келтирган зарарини ҳисоблаб кўришга ҳаракат қилмоқда. Шуниси аниқки, пандемия жаҳон бозоридаги конъюнктурани кескин ўзгартирди, йиллар давомида мамлакатлар ўртасида қарор топган мувозанатнинг бузилишига ва интеграцион алоқаларнинг издан чиқишига сабаб бўлди. У дунёнинг барча мамлакатлари иқтисодиётига жиддий шикаст етказди, улардаги иқтисодий ўсиш суръатларини кескин пасайтирди, миллий иқтисодиётларнинг соҳалар ва тармоқлар бўйича таркибий тузилишида беқарорлик ва номутаносибликларни юзага келтирди. Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган мураккаб салбий ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Негаки мамлакатимиз жаҳон хўжалигининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади ва шу сабабли дунё мамлакатлари миллий иқтисодиётида кечаётган жараёнлар унинг иқтисодиётида муайян даражада ўз аксини топиши муқаррар ва табиийдир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг натижадорлиги 2020 йилнинг бошларида кутилмаганда бошланиб кетган коронавирус пандемияси таъсири остида сезиларли даражаларда сусайди. Пандемия таъсири остида мамлакатда юзага келган янги иқтисодий вазият миллий иқтисодиётга, унинг таркибидаги барча

соҳа ва тармоқлар иқтисодиётига, жумладан хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётига катта салбий таъсир кўрсатди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у кенг қамровли соҳа бўлиб, турли йўналишлардаги бир неча тармоқлардан таркиб топган: соғликни сақлаш, илму фан ва таълим, савдо, яшаш ва овқатлиниш, транспорт, алоқа, молия хизматлари ва бошқалар. Ушбу тармоқларининг барчаси ва демак, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиёти бемаҳалда бошланиб кетган ва катта тезликда бутун дунё мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетган пандемия асоратларидан катта талафот кўрди. Карантин чоралари жорий қилингандан бошлабоқ, яъни 2020 йилнинг март ойида соҳада ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми бирданига тушиб кетди (3.1-жадвал)

3.1-жадвал

Ўзбекистонда 2019-2020 йилларда бозор хизматлари ҳажмининг ойлар бўйича улуши ва ўсиш суръатлари

Т/р	Ойлар	2019 йил		2020 йил		
		ҳажми, трлн. сўм	ойнинг йиллик хизматлардаги улуши, %	ҳажми, трлн. сўм	ойнинг йиллик хизматлардаги улуши, %	2019 йилнинг мос ойига нисбатан, %
1.	Январь	13,5	7,0	16,3	7,4	120,7
2.	Февраль	13,4	6,9	17	7,8	126,9
3.	Март	14,5	7,5	17,1	7,8	117,9
4.	Апрель	14,3	7,4	9,7	4,4	67,8
5.	Май	19,1	9,9	20,3	9,3	106,3
6.	Июнь	14,8	7,6	20,3	9,3	137,2
7.	Июль	15,9	8,2	15,9	7,3	100,0
8.	Август	17,7	9,1	18,5	8,4	104,5
9.	Сентябрь	17,9	9,2	22,1	10,1	123,5
10.	Октябрь	18,4	9,5	20,9	9,5	113,6
11.	Ноябрь	18,2	9,4	20,4	9,3	112,1
12.	Декабрь	16,1	8,3	20,5	9,4	127,3
	Жами йил давомида	**193,8**	**100**	**219,0**	**100**	**113,0**

1-жадвал маълумотларига мувофиқ мамлакатда 2020 йилнинг апрель ойида хизматлар соҳасида ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми 9,7 трлн. сўмни ташкил этди. Бу олдинги, яъни 2019 йилнинг апрель ойида соҳада яратилган ЯИМ ҳажмига (2019 йилнинг апрель ойида 14,3 трлн. сўм) нисбатан 32,2 фоизга кам. Агар 2019 йилнинг апрель ойида хизматлар соҳасида яратилган ЯИМ ҳажми йил давомида ушбу соҳада чиқарилган ЯИМ нинг 7,4 фоизини ташкил этган бўлса, 2020 йил апрель ойининг улуши 4.4 фоизгача ёки 3.0 пунктга тушиб кетди. Пандемиянинг кейинги ойларида аҳвол бирмунча ижобий томонга ўзгарган бўлсада, лекин барибир, 2020 йилда пандемиянинг бевосита таъсири остида хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари бироз секинлашганлигини кузатиш мумкин. Агар 2020 йилда хизматлар соҳасида яратилган ЯИМ ҳажмининг йиллик ўсиш суръатлари 13,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 29,5 фоизни ташкил қилган эди. Бу фарқни айнан карантин чораларининг соҳа иқтисодиётига кўрсатган салбий таъсирининг натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

Хизматлар соҳаси ва унинг таркибидаги тармоқлар иқтисодиётидаги йўқотишларнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, карантин чораларининг қўлланилиши натижасида хизмат кўрсатиш соҳаси таркибидаги жуда кўп корхоналар, жумладан ресторан хизматлари, тўйхона, умумий овқатланиш корхоналари, бозорлар, сайлгоҳлар ва бошқа корхоналар фаолиятининг чеклаб қўйилганлиги.

Иккинчидан, таълим соҳаси муассасалари (мактабгача таълим муассалари, мактаблар, колежлар, олий ўқув юртлари ва бошқалар) фаолиятининг ва бутун ўқув жараёнларининг масофавий услубга ўтказилиши.

Учинчидан, мамлакат чегараларининг ёпилиши оқибатида туризм, айниқса ташқи туризм, авиа, автомобиль ва темирйўл қатновларида жиддий муаммоларнинг юзага келиши, аксарият корхоналар фаолиятининг батамом тўхтатилиши ёки кескин қисқариши, уларда банд бўлган ходимлар сонининг камайиши ҳисобидан ишсизлик даражасининг ошиши.

Тўртинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу соҳа тармоқлари таркибида кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ва улар томонидан ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажми улушининг юқорилиги ҳисобланади. Пандемиянинг салбий оқибатларидан айнан иқтисодий мавқеи мустаҳкам бўлмаган, молиявий жиҳатдан ҳали анча заиф, ўзининг иқтисодий аравасини аранг тортаётган хўжалик субъектлари йирик, иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлган йирик бизнес субъектларига нисбатан кўпроқ талафот кўрдилар.

Бешинчидан, аҳоли пул даромадлари шаклланишида устувор мавқега эга тармоқлар: саноат, туризм, ресторан хизматлари, қурилиш, алоқа, транспорт, чакана савдо корхоналарининг катта қисми ўз ходимларини навбатдан ташқари ва узоқ муддатли таътилга чиқариб юбориши ва бунинг оқибатида аҳоли реал даромадларининг кескин камайиши ва унга мос тарзда хизматларга истеъмолчи талабларининг қисқариши.

Олтинчидан, меҳнат муҳожирлари томонидан жўнатиладиган пул ўтказмаларининг қисқариши натижасида мамлакатимиз оилаларида харид қобилиятининг пасайиши ва бунинг оқибатида хизматларга аҳоли талабининг қисқариши.

Еттинчидан, истеъмол товарларига, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларига нархларнинг ошиши натижасида аҳоли пул даромадларининг қадрсизланиши ва харид қобилиятининг пасайиши. Одатда, товар ва хизматларга нарх-навонинг кўтарилиши ва пулнинг қадрсизланиши натижасида аҳоли харид қобилиятининг пасайиши айнан хизматларга бўлган талабнинг қисқаришида ўзининг аксини топади. Маслоу пирамидасининг биринчи поғонасидан мустаҳкам ўрин олган физиологик эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган моддий ноз-неъматларга, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳажми эса нисбатан барқарорлигича қолади.

Юқорида қайд этилган омилларнинг хизматлар соҳаси ривожланишига нечоғлик кучли таъсир этганига доир хулосани 2020 йилда, яъни пандемия шароитида, хизматлар соҳасида яратилган ЯИМ ҳажмини моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатларига қиёслаш орқали баҳо бериш мумкин (3.1-расм).



3.1-расм. Ўзбекистонда 2018-2020 йилларда ЯИМнинг товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш бўйича таркибий тузилиши динамикаси.

3.1-расм маълумотлари хизмат кўрсатиш соҳаси пандемия шароитида соф солиқлар улушининг камайиши ҳисобидан ўзининг ЯИМ яратишдаги мавқеини бироз бўлсада, мустаҳкамлашга эришди. Агар 2019 йилда ушбу соҳанинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 32,90 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда у 0,40 пунктга ошди ва 33,40 фоизни ташкил қилди. Бунинг асосий сабаби, тадқиқот натижаларининг гувоҳлик беришича, биринчидан, айнан хизмат кўрсатиш соҳасида ва унинг етакчи тармоқларида йил давомида янгидан ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан тезроқ суръатлар билан ўсганлиги бўлса, иккинчидан эса, давлатнинг кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва хизматлар соҳасини устувор соҳа сифатида тан олиш сиёсати ҳисобланади.

Таҳлил натижалари карантин чоралари натижасида юзага келган оғир иқтисодий вазият хизматлар соҳасида яратилган ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатларига кўрсатган салбий таъсири билан бир қаторда, унинг тармоқлар бўйича таркибий тузилишига ҳам жуда кучли ва негатив таъсир этганлигини кўрсатди (3.2-жадвал).

3.2.-жадвал

Ўзбекистонда 2019-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилиши

№	Хизматлар тури	Йиллар						
		2019			2020			
		Хизматлар ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, %да	Жами хизматлар даги улуши, %	Хизматлар ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, % да	Жами хизматлар даги улуши, %	2019 йилга нисбатан ўзгариши,%
1.	Алоқа ва ахборотлаштириш	10891,7	108,3	5,623	12886	115,3	5,887957	118,3
2.	Молиявий хизматлар	34036,6	147	17,572	45817,3	125,6	20,93515	134,6
3.	Транспорт хизматлари	54473,5	106,7	28,123	53772,5	91,6	24,57009	98,7
4.	шу жумладан: автотранспорт хизматлари	25653,4	105,1		29196,6	103,5		113,8
5.	Яшаш ва овкатланиш хизматлари	5933,6	107,3	3,0633	5878,5	86,5	2,686043	99,1
6.	Савдо хизматлари	48748,2	107,4	25,167	56553,9	101,7	25,84098	116
7.	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	5950,7	104,7	3,0722	6089,7	91,1	2,782546	102,3
8.	Таълим соҳасидаги хизматлар	7164,9	109,5	3,699	9073	107,4	4,145696	126,6
9.	Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	3104,3	114,7	1,6027	3209,4	89,9	1,46646	103,4
10.	Ижара хизматлари	3733,5	98,3	1,9275	4172,1	98,9	1,906344	111,7
11.	Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	3200,1	107,1	1,6521	3407,4	96,1	1,556932	106,5
12.	Шахсий хизматлар	4660,1	105,4	2,4059	4983,3	92,1	2,277003	106,9
13.	Меъморчилик, муҳандислик изланишлари,техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	4543,1	115,5	2,3455	4925,7	93,7	2,250684	108,4
14.	Бошқа хизматлар	7257,5	116,3	3,7468	8084,7	98,3	3,694115	111,4
	Жами	**193697,8**	**113,2**	**100,0**	**218853,5**	**102,3**	**100,0**	**113,0**

3.2-жадвал маълумотлари 2020 йилда транспорт хизматлари, жумладан автотранспорт хизматлари, яшаш ва овқатланиш хизматлари, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар, шахсий хизматларнинг жами хизматлардаги улуши кескин пасайиб кетганлигини кўрсатди. Агар 2019 йилда автотранспорт хизматларининг жами хизматлардаги улуши 28,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб у 24,8 фоизга тушиб кетди, яъни 3,3 пунктга пасайди. Бу ҳолат албатта республикада эълон қилинган карантин чоралари натижасида вужудга келди.

Шу билан бирга, айнан шу даврда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, молиявий хизматлар ва савдо хизматларининг жами хизматлардаги улуши ошган. Агар 2019 йилда молиявий хизматларнинг жами хизматлардаги улуши 17,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда у қарийб 21 фоизга етди, яъни 3,3 пунктга кўпайган. Карантин даврида вазият тақозоси билан масофавий банк хизматлари, кредит карталари орқали тўловлар, Интернет-савдо каби замонавий хизмат турларининг ривожланиши юз берди. Худди шундай савдо хизматлари соҳасида ҳам макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши электрон савдо ва Интернет хизматларининг кенгайиб бориши ҳисобига амалга ошди.

Пандемиянинг таъсири остида аҳолининг соғлиғини тиклаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса калорияси юқори ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаби кескин ошди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги натижасида маҳсулот таннархининг юқорилиги шароитида мамлакатимиз оилалари ўз даромадларининг катта қисмини озиқ-овқат товарларини сотиб олишга, овқатланишга сарфлади. 2019 йил маълумотларига кўра, мамлакат аҳолиси ялпи истеъмол харажатларининг салмоқли қисми – 45,8 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга, унинг фақат 21,0 фоизи хизматларга, қолган 33,2 фоизи ноозиқ-овқат товарларини сотиб олишга сарфланган.[21] Ваҳоланки, бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларнинг кўрсаткичидан сезиларли даражада паст. Масалан, аҳоли ялпи истеъмоли таркибида

[21] Ўзбекистон рақамларда.Ўзбекистон Республикаси давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган. Тошкент, 2020 йил, 82- бет.

хизматларнинг улуши АҚШ да 70,2 фоизни, Германияда 62,9 фоизни, Россияда 45,3 фоизни ташкил этади (3.3-жадвал).

3.3-жадвал

Дунё мамлакатларида 2016 йилда аҳоли истеъмолида хизматларнинг улуши[22]

Истеъмолда хизматлар улуши			
АҚШ	**Германия**	**Россия**	**Ўзбекистон**
70,2	**62,9**	**45,3**	**21,0**

Уч секторли иқтисодиёт назариясининг асосчиларидан бири Ж.Фурастьенинг фикрига кўра, хизматларнинг аҳоли истеъмолидаги улуши салмоқли бўлиши учун иқтисодиётда банд аҳолининг 70 фоизи шу соҳада банд бўлмоғи лозим. Ушбу кўрсаткични ривожланган мамлакатлар ўртача кўрсаткичи даражасига етказиш учун унинг ўсиш суръатларини кескин ошириш лозим. Чунки мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида хизматлар соҳасининг улушини ошириш келажакда ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишга интилаётган Ўзбекистон учун ўта муҳим ҳисобланади.

Хизматлар соҳаси илмий асосланган ҳолда ташкил этилган тақдирда, улар иқтисодий ўсишни таъминлашга, моддий бойликларнинг кўпайишига хизмат қилиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини кескин ошишига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. Масалан, фермер хўжаликларининг аксарияти агрохизматлардан фойдаланмаслиги натижасида экин майдонларининг бирлиги ҳисобига олинадиган даромад миқдори йилдан йилга пасайиб бормоқда. Ҳозирги кунда республика фермерлари тасарруфида 3,5 миллион гектар экин майдонлари мавжуд, деҳқон хўжаликларида эса ярим миллион гектардан кўпроқ. Шунга қарамасдан, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида якка тартибдаги хўжаликларнинг улуши устунликка эга. Агар пахта ва

[22] Россия и страны мира 2016. Статистический сборник Федеральной службы Государственной статистики. М.: 2016. С. 116-117. https://www.gks.ru

ғалла етиштиришда ихтисослашган фермер хўжалиги бир гектар ердан бир йилда кўпи билан 15 миллион сўм даромад топса, томорқа эгаси шу даромадни 5-10 сотиқ ердан топади. Боз устига, фермер хўжалиги нафақат имтиёзли кредитлар ва моддий таъминотдан фойдаланиш, балки етиштирилган маҳсулотни ҳеч қандай қийинчиликларсиз сотиши ҳам мумкин. Деҳқон хўжаликлари фаолияти эса асосан қўл меҳнатига асосланган ва етиштирилган маҳсулотни сотишда ҳам таваккалчилик катта. Бундай феномен чуқур илмий тадқиқотларни талаб қилсада, олдиндан айтиш мумкинки, аграр соҳада яққол кўзга ташланадиган муаммолар жуда кўп ва улар ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ниҳоятда паст бўлган фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатиш соҳаси тўғри йўлга қўйилмаганлигидан келиб чиқиши муқаррардир. Фермер хўжаликларининг аксарияти етарли даражада тегишли техника билан таъминланмаганлиги сабабли хизмат кўрсатувчи корхоналар бундан фойдаланиб олиш иштиёқида бўладилар. Минерал ўғитлар, кимёвий ҳимоялаш воситалари, ёқилғи етказиб берадиган корхоналар ҳам ўзларининг монопол мавқеидан фойдаланиб олишга ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари, аграр соҳа корхоналарига бизнес ва ҳуқуқий маслаҳат, маркетинг ва бошқа хизматлар кўрсатиш замонавий асосда йўлга қўйилмаган. Фермер хўжаликларининг ҳисобот юритиши учун бухгалтерия марказлари ташкил этилган, аммо уларда бизнес-режа тузишга хизмат қиладиган муассасалар мавжуд эмас. Ваҳоланки, ҳар йили ўзгарадиган харид нархлари ва ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган моддий ресурслар нархларининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши бизнес-режаларисиз ишлаш учун имконият қолдирмайди.

Шундан келиб чиқиб, хизматлар соҳасининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланган агрохизматларни такомиллаштириш масаласи энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, фермер хўжаликларига масофавий агроном маслаҳати кўрсатадиган марказларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблаймиз.

2018 йилнинг бошида томорқаларга турли хил техник, моддий ва бошқа хизматлар кўрсатиш мақсадида “Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этила бошланди.

Улар давлат томонидан муайян бошланғич капитали билан таъминландилар, имтиёзли кредитлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Аммо жойлардаги ҳолат шундан далолат берадики, ўтган икки йил давомида ушбу МЧЖлар фаолияти кўнгилдагидек йўлга қўйилмади ва асосий муаммолардан бири – бу деҳқон хўжаликларида етиштирилган маҳсулотни нес-нобуд бўлишига йўл қўймасдан истеъмолчига етказиб беришдир. Гап шундаки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларини узоқ йиллар давомида боғлаб келган бошқарув органлари, яъни Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув, уларнинг қуйи поғонадаги ташкилотлари фаолиятига барҳам берилди. Уларнинг ўрнини босадиган бошқа органлар ташкил этилмади, натижада, ҳозирги пайтгача қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шуғулланадиган ташкилот мавжуд эмас.

Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарувчи ва пировард истеъмолчи ўртасидаги занжир узилган ва бундай ҳолат пандемия шароитида катта йўқотишларга олиб келгани сир эмас. Томорқалар фаолиятига қайтсак, айнан Ўзбекбирлашув ташкилотининг жойлардаги корхоналари қишлоқ аҳолиси томонидан етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиб, шаҳарлар аҳолиси ёки қайта ишлаш корхоналарига етказиб берар эди. Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ҳозирги шароитда ҳам сабзавот, мева, гўшт ва сут маҳсулотларининг асосий қисми якка тартибда, деҳқон хўжаликларида етиштирилади, аммо янги ташкил этилган МЧЖлар илгари Ўзбекбирлашув таркибидаги хўжалик субъектлари сингари ўз функцияларини юқори даражада бажара олаётгани йўқ. Шунинг учун, нафақат ички бозорни, балки экспортга йўналтирилиши мумкин бўлган маҳсулотларнинг каттагина қисмидан самарасиз фойдаланилмоқда.

Маълумки, хизматлар кўрсатиш соҳаси ривожи кўп жиҳатдан аҳоли пул даромадларининг кўпайишига боғлиқ. Маслоу назариясига кўра эҳтиёжларни қондириш жараёни энг оддийларидан бошланиб, вақт ўтиши билан мураккаблашиб бораверади. Бу эса фақат инсоннинг истак-хоҳишидан келиб чиқмайди. Мураккаб эҳтиёжларни қондириш учун аҳоли муайян даромадларга эга бўлиши лозим. Ўзбекистонда оилаларнинг пуллик даромадлари шундай кескин даражада табақалашганки, 20 фоиз атрофидаги кам

даромадли оилаларнинг имкониятлари фақат овқатланиш ва коммунал тўловлар харажатларини қоплай олади, холос. Бундан ташқари, пандемия шароитида меҳнат бозорида кескинлик вужудга келганлиги, бу эса ўз навбатида, кўплаб корхоналар ўз фаолиятини тўхтатишга ёки ишлаб чиқариш қувватларидан паст даражада фойдаланишига олиб келганлиги ва натижада аҳоли даромадлари ҳам ички манбалар, ҳам меҳнат мигрантлари хориждан жўнатадиган маблағларнинг қисқариши ҳисобидан кескин тарзда камайди. Даромадлар камайгани сари аҳоли даромадлари биринчи навбатда бирламчи эҳтиёжларни, овқатланишга ва коммунал хизматлардан фойдаланиш тўловлари учун сарфланди.

Шу билан бирга, пандемия шароитида ва унинг бевосита таъсири остида озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари юқори суръатлар билан ўсиши давом этди. 2020 йил давомида ноозиқ-овқат товарлари нархлари даражаси 8,8 фоизга, хизматлар эса ўртача 7,1 фоизга ошган бўлса, у озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 15,3 фоизга ошди.[23] Натижада бошқа кундалик эҳтиёжларни, жумладан хизмат соҳасига тегишли эҳтиёжларни қондириш имкониятлари чекланиб қолаверди, шунингдек пандемия шароитида тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжлар кўпайиб, шу йўналишдаги харажатлар ҳам ортиб борди.

Статистик маълумотларнинг таҳлили натижалари аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг мамлакат ҳудудлари бўйича нотекис тақсимланганлигини кўрсатди. Пандемия эса бу нотекисликни янада кучайишига сабаб бўлди. 3.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йилда республикада кўрсатилган жами хизматларнинг 37,9 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади. Ундан кейинги ўринларда Тошкент (8,7,%), Самарқанд (7,5%) ва Андижон (6,4%) вилоятлари туради. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг энг паст даражаси Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятларида қайд этилди.

Жадвал маълумотлари, 2020 йилда Навоий ва Фарғона вилоятларида хизматлар улушининг 2019 йилга нисбатан камайганлигини кўрсатмоқда. Агар 2019 йилда Навоий вилоятининг жами хизматлардаги улуши 3,0 фоизни ташкил этган

[23] Ахборотнома Ўзбекистон 2020 йил. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика бошқармаси. Тошкент, 2020 йил, 285-бет.

бўлса, 2020 йилда у 2,6 фоизга камайган. Худди шундай ҳолат Фарғона вилоятида ҳам кузатилади, яъни унинг жами хизматлардаги улуши 7,0 фоиздан 6,1 фоизга камайган. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, ушбу вилоятларда айни шу даврда хизматларнинг умумий ҳажмининг ошиши қайд этилади. Бу эса, ўз навбатида, Фарғона вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг 3169,9 минг сўмдан 3494,8 сўмгача ошишига, яъни 324,9 минг сўмга ёки 110,2 фоизга ўсишига олиб келган. Навоий вилоятида эса аҳоли сонининг ошганлиги сабабли хизматлар умумий ҳажмининг ошишига қарамасдан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми ўзгаришсиз қолган. Республика бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг энг паст кўрсаткичи Наманган (3129,3 минг сўм), Қашқадарё (3675,4 минг сўм) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (3640,3 минг сўм) тўғри келади. Бу кўрсаткичлар республика бўйича ўртача кўрсаткичдан (6333,3 минг сўм) қарийб 2 баробар паст. Келажакда шу вилоятларда хизмат кўрсатишни ташкил этишдаги камчилик ва тўсиқларга барҳам бериш асосида улардаги кўрсаткичларни республика ўртача даражасига яқинлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоғи зарур.

Республиканинг қишлоқ жойларида ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши жуда заиф бўлиб, унинг даражаси шаҳарларга нисбатан сезиларли даражада паст. 2017 йилда бозор хизматлари умумий суммасининг фақатгина 21,7 фоиз қишлоқ аҳолисига тўғри келган, улар ҳиссасига тўғри келувчи маиший хизматларнинг улуши эса 41,6 фоизни ташкил этган.[24] Агарда республика аҳолисининг қарийб ярми (49,3 фоиз) қишлоқ жойларида истиқомат қилиши ҳисобга олинса, унда ушбу кўрсаткич жуда пастлиги яққол кўринади. Айни пайтда Ҳаракатлар стратегиясида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси яшаш шароитлари ўртасидаги мавжуд тафовутларга барҳам бериш[25] вазифаси қўйилган бўлиб, ушбу вазифани бажариш айнан қишлоқларда хизмат кўрсатиш соҳасини шаҳарларга нисбатан тезроқ ривожлантиришни тақозо этади.

---

[24] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти./ Кириш йўли: www.stat.uz.

[25]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ № 4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.

3.4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2019-2020 йилларда хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимида ўзгариш суръатлари

Т/р	Ҳудудлар номи	2019 йил				2020 йил					2020 йилда хизматлар ҳажми 2019 йилга нисбатан, %
		Аҳоли сони	Хизматлар ҳажми, млрд. сўм	Ялпи хизматлардаги улуши, %	Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми, млн.сўм	Аҳоли сони	Хизматлар ҳажми, млрд. сўм	Ялпи хизматлардаги улуши, %	Аҳоли жон бошига хизматлар хажми, минг.сўм	Аҳоли жон бошига 2019 йилга нисбатан, %	
1.	Қорақолпоғистон Республикаси	1898,3	5671,8	3,3	2987,8	1923,8	7003,3	3, 2	3640,3	121,8	105,9
2.	Андижон	3127,7	9805,8	5,8	3166,5	3188,2	14006,6	6,4	4393,3	138,7	103,9
3.	Бухоро	1923,9	8913,2	5,2	4373	1946,9	10504,9	4,8	5395,7	123,3	106,1
4.	Жиззах	1382,1	4305,1	2,5	3114,8	1410,6	6127,8	2,8	4344,1	139,4	103,7
5.	Қашқадарё	3280,4	8800,9	5,2	2683,2	3334,5	12255,7	5,6	3675,4	136,9	103,9
6.	Навоий	897,1	5036,2	3,0	5613,8	1013,8	5690,1	2,6	5612,7	100,0	104,5
7.	Наманган	2810,8	7747,6	4,6	2756,4	2867,4	8972,9	4,1	3129,3	113,5	103,3
8.	Самарқанд	3877,4	12286,8	7,2	3168,8	3947,4	16414,1	7,5	4158,2	131,2	102,6
9.	Сурхондарё	2629,1	6981,9	4,1	2655,6	2681,0	10067,2	4,6	3755,1	141,4	103,3
10.	Сирдарё	846,3	2726,8	1,6	3222	861,1	3939,3	1, 8	4574,8	141,9	108,5
11.	Тошкент	2941,9	14568,4	8,6	4952	2994,0	19040,2	8,7	6359,4	128,4	103,4
12.	Фарғона	3752	11894,1	7,0	3169,9	3819,9	13350,1	6,1	3494,8	110,2	102,8
13.	Хоразм	1866,5	5763,3	3,4	3087,8	1893,1	8535,2	3,9	4508,6	146,1	102,9
14.	Тошкент шахри	2571,7	65759,2	38,6	25570,3	2677,2	82945,5	37,9	30982,1	121,2	107,4
	Республика бўйича жами	**33805,2**	**170261,1**	**100,0**	**5036,5**	**34558,9**	**218853,5**	**100,0**	**6333,3**	**125,7**	**102,3**

Умуман олганда, таҳлиллар натижасида рақобат муҳитини яратишга, соҳа ва тармоқлар монополлашувини олдини олишга, яширин иқтисодиётни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларнинг саёзлиги ҳам яққол кўзга ташланди. Гап шундаки, транспорт соҳасида монопол ҳолатнинг мавжудлиги хизматлар нархининг юқори суръатлар билан ўсиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли пандемия шароитида халқаро йўналишлардаги авиатранспорт чипталари деярли икки маротаба ошиб кетган. Агар 2020 йилнинг 1 март ҳолатида Тошкент-Москва авиачиптаси 220 долларни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатида 430 долларни ташкил этмоқда. Бундай ҳолат нафақат меҳнат муҳожирлари учун, балки хорижий сайёҳлар учун ҳам жиддий қийинчиликларни туғдирмоқда. Муаммонинг ечими эса транспорт соҳасидаги монопол ҳолатни бартараф этишдир.

Худди шундай аҳволни жамоа транспорти хизматидан фойдаланишда ҳам кузатиш мумкин, яъни бу соҳада ҳам танлов жуда чекланган ёки жуда секин ҳаракат қиладиган автобусларни танлайсиз ёки ҳар кимнинг ҳам ҳамёни кўтармайдиган такси хизматидан фойдаланиш мумкин. Маршрутли таксилари эса саноқли йўналишлардагина фаолият кўрсатади. Тезюрар, яъни экспресс автобуслар хизматидан фойдаланиш имконияти чекланган. Бу эса аксарият ҳолларда ноқонуний фаолият юритувчи “таксичилар” манфаатига хизмат қилади. Рақобат муҳитини яратиш орқали соҳада ҳукмронлик қилаётган хусусий (аксарият ҳолларда ноқонуний) таксичилар фаолиятини чеклаш лозим. Автомобиллар хизматининг мавжуд ҳажмида кўпроқ аҳолини иш билан банд қилиш учун маршрут таксилар йўналишлари ва сонини кўпайтириш лозим. Шунда автомобиль транспортидан фойдаланиш ҳам қулай, ҳам арзон бўлади. Аҳоли учун эркин танлов ҳуқуқи таъминланади. Инсоннинг энг катта бойлиги, – бу бўш вақтга эга бўлишдир. Қисқа муддатда етиб бориш имконияти яратилса, йўловчи муайян вақтини тежаб, ундан самаралироқ фойдаланиши мумкин.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган давлат бошқарувида марказнинг ролини пасайтириш ва минтақалар мустақиллигини ошириш тамойилига етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Хизматлар соҳаси

юқори суръатлар ва самарали ривож топиши учун бошқарув фаолиятини марказдан минтақалар ихтиёрига бериш ўта муҳим аҳамиятга эга. Аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг жуда ҳам чекланган қисмини марказлашган тарзда ривожлантириш мумкиндир, мавжуд шароитларда бунга алоқа, молиявий, халқаро туризм соҳаларини мисол келтириш мумкин. Лекин инсоннинг ўз ҳаётий шароитларини яхшилашга интилиши биринчи навбатда эркин танловга асосланиши мақсадга мувофиқ. Масалан, соғлиқни сақлаш, спорт, санъат, касбий, умумий ўрта ва мактабгача таълим соҳаларида хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун давлат-хусусий шерикчиликка кенг йўл очиб бериш мақсадга мувофиқдир. Алоҳида туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таҳлил қилинганда, бундай имкониятлардан жуда чекланган даражада фойдаланилаётганлиги маълум бўлди. Хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган мактабларнинг деярли барчаси шаҳарларда жойлашган. Ундан ташқари, ҳомийлик қилиш имкониятлари жиҳатидан ҳам шаҳар ва қишлоқларда жойлашган мактабларнинг имкониятлари тубдан фарқ қилади. Ўрта таълим соҳасида вужудга келган вазиятни ўзгартиришнинг ягона йўли – бу микрозоналарни қайта ташкил этиш йўли билан сменалик коэффициентини кўтариш, ҳар бир туманда бир-икки мактабни хусусий инвесторларга инвестиция киритиш шарти билан тақдим этишдир. Албатта бунинг учун маҳаллий бошқарув органларига ижтимоий соҳага тегишли қарор қабул қилиш учун қўшимча ваколатлар берилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳаларини махсус маълумотга эга бўлмаган мутахассисларсиз тасаввур қилиш қийин. Масалан, хорижий туристларга хизмат кўрсатадиган умумий овқатланиш корхоналари ва меҳмонхоналарда олий маълумотга эга бўлган ходимларга талаб катта. Бундай талаб Ўзбекистонга четдан туристлар сифатида ташриф буюрадиган хорижликларга хизмат кўрсатиш соҳасида жуда муҳим аҳамиятга эга. Оддий ошпаз ҳам хорижий тилларни билиши, чет мамлакатлардаги урф-одатларни, қолаверса, санитария –гигиена қоидаларига риоя этишга тайёр бўлиши шарт. Коммунал хўжалиги соҳасидаги нуқсон ва камчиликлар, аҳоли томонидан ариза ва шикоятларнинг камаймаслиги ҳам кадрлар тайёрлаш жараёнига бориб тақалади. Тўрт миллион

кишилик аҳолидан иборат Самарқанд вилоятида ушбу соҳага тегишли олий маълумотли кадрлар тайёрлаш алоҳида ОТМ, ёки пойтахтдаги ОТМларнинг филиалини ташкил этишни тақозо этади.

Пандемия шароитида олдинги йилларда солиқ сиёсатини амалга оширишда эгилувчанликнинг етишмаслиги, унинг иқтисодий назария билан асосланадиган функцияларини тўлалигича рўёбга чиқарилмай қолаётгани яққол кўзга ташланди. Солиқлар ёрдамида иқтисодий ресурсларни бир тармоқдан бошқа тармоққа, бир ҳудуддан бошқа ҳудудга йўналтириш, аҳоли даромадларини текислашга эришиш мумкинлигини кўпчилик яхши билади. Агар хизматлар кўрсатиш соҳасида солиқларнинг дифференциялаш функциясидан самаралироқ фойдаланилса, давлат-хусусий шерикчилигига таяниб, давлат бюджети харажатларини камайтиришга, узоқ йиллар давомида ҳал бўлмаётган муаммолар ечимига эришиш мумкин.

Маълумки, 2018 йил давомида Солиқ концепциясини жорий этишга тааллуқли жамоатчиликнинг фикр ва мулоҳазалари кенг миқёсда ўрганилган эди. Шунда маҳаллий экспертлар ҚҚСнинг 12 фоиз даражасида барча соҳаларга нисбатан табақалаштирмасдан жорий этилиши салбий оқибатларга олиб келиши тўғрисида фикр билдирган эдилар. Амалда ҳам шундай бўлиб чиқмоқда. Шак-шубҳасиз, ҚҚСни 2019 йил бошидан хизматлар соҳасига кўр-кўрона 15 фоиз даражасида жорий этилиши салбий оқибатларни юзага келтирди. Гап шундаки, саноат маҳсулоти билан хизмат соҳаси маҳсулотининг таннархи шаклланишида жуда катта фарқ бор. Бошқача қилиб айтганда, хизматлар таркибига кирадиган харажатларнинг асосий қисми ҳисобга олинмайди, бу эса хизматлар нархини ошиб кетиши билан бирга, хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг айланма воситаларидан фойдаланишида кескинликни вужудга келтиради. Шу нуқтаи назардан, ҳаммом чипталари, меҳмонхона номерлари қимматлигининг ҳайратланарли жойи йўқ.

Савдо фаолиятини мувофиқлаштирувчи органларнинг йўқлиги ва ушбу фаолият солиқ, маъмурий органлар зиммасига юкланиши фақат Ўзбекистонга хос бўлган феноменал ҳолатдир. Карантин пайтида ҳудудларнинг ёпилиши, транспорт

фаолиятидаги чекловлар қишлоқ жойлардан шаҳар аҳолисига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан қисқа муддат сақланадиган сут ва сут маҳсулотлари, мева-сабзавотларни етказиб беришда муаммоларни туғдирди. Ушбу вазиятдан чиқиш вазифаси соҳада хизмат кўрсатаётган мутахассисларга эмас, балки прокуратура ва солиқ ходимлари зиммасига юклатилди. Натижада ушбу маҳсулотлар аҳоли зич жойлашган ҳудудларнинг ўрнига, асосан деҳқон бозорлари ҳудудларида ташкил этилди. Айни шу пайтда жамоат транспорти фаолияти тўхтатилган эди, бундан эса воситачилар фойдаланиб олди. Анча вақтдан кейин автодўконлар фаолиятига рухсат берилди, яъни савдо фаолиятидаги бу чалкашликлар ушбу фаолиятни мувофиқлаштирувчи бошқарув органларининг йўқлигидан келиб чиқди. Ажабланарли томони шундаки, маҳаллий ҳокимият органлари таркибида чакана савдо хизматлари билан шуғулланувчи бўлим кўзда тутилмаган. Натижада ёнма-ён жойлашган дўконларда бир хил турдаги ва сифатдаги товарларнинг нархи катта фарқ билан сотиш амалиёти авж олиб кетди.

Мамлакатда хизматлар соҳасини илмийлик тамойиллари асосида такомиллаштириш, биринчи навбатда, статистикани тўғри йўлга қўйиш лозимлигини тақозо этади. Таҳлил натижалари хизматлар соҳаси статистикасида ноаниқликлар мавжудлигини кўрсатди. Гап шундаки, хизматлар нафақат аҳолига, балки юридик шахсларга ҳам кўрсатилади. Масалан, хизматлар таркибида энг катта улушга эга бўлган хизмат - транспорт хизматлари: авиатранспорт, темирйўл ва автомобиль транспорти хизматлари таркибида юридик шахсларнинг улуши жуда катталиги ҳаммага маълум. Демак, хизматлар соҳаси ривожланиш тенденцияларининг амалга оширишда ва реал хулосаларни чиқаришда истеъмолчиларни табақалаш йўли билан таҳлил қилиш лозим. Шу ерда яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш лозим, яъни хизматлар соҳасида яширин иқтисодиётнинг мавжудлиги. Масалан, умумий овқатланиш соҳаси корхоналари товар айланмасини пасайтириб кўрсатилиши ҳеч кимга сир эмас. Ваҳоланки, ҳозирги кунда тўйларнинг асосий қисми ресторанларда ўтказилади, бундан ташқари, ҳар куни мамлакатимиз ишчи-ходимлари, талабалар умумий овқатланиш корхоналари хизматларидан фойдаланишади.

Уларнинг сонини 6 миллион киши ва ўртача тушлик қийматини 10 минг сўм деб ҳисоблаган тақдирда ҳам, бу йилига 15 триллион сўмни ташкил этади. Статистикадан бунинг тўртдан бир қисмигина ўтади. Худди шундай ҳолатни аҳолига жамоа транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида ҳам кузатиш мумкин.

Олдинги йилларда иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар ҳажмининг юқори даражада эканлиги сабабли 2020 йилда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмида пасайиш юз бермади. Аммо пандемия шароитида иқтисодиётнинг алоҳида тармоқ ва соҳалари жиддий қийинчиликларга учрагани сир эмас. Энг катта зарар кўрган соҳалар қаторига туризм, транспортнинг барча турлари, умумий овқатланиш соҳасини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Бу соҳаларда вужудга келган ноқулайликларни муайян сабабларга кўра инвестицион маблағлар ҳажмини кўпайтириш йўли билан ҳам бартараф этиш имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хизматлар соҳасида менежмент фаолиятининг қай даражада олиб борилиши ҳам соҳа ривожланишига катта таъсир кўрсатади, жумладан бошқаришнинг таҳлил ва назорат функцияларининг аҳамияти жуда катта. Лекин хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилган чуқур таҳлил бу соҳада катта муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Мавжуд муаммоларнинг безаб кўрсатилиши кенг жамоатчиликни соҳаларга тааллуқли бўлган ғояларни илмий асосланган тарзда илгари суриш имкониятидан маҳрум этади, бу эса хизматлар соҳасининг реал ҳолатини фақат тор мутасаддилар билимига таяниб такомиллаштириш заруратини туғдиради.

Пандемия шароитида инвестицион фаолиятда вужудга келаётган вазиятга мос тарзда тегишли ўзгартиришлар киритилмади. Натижада ялпи таклиф ялпи талабдан орқада қолиб, инфляция даражаси юқори даражалигича сақланиб қолди. Бу эса нақд пулларнинг банкдан ташқари айланиш жараёнлари назоратига, товар-пул муомаласини мувофиқлаштириш ишларига етарли эътибор қаратилмай қолганлигининг натижасидир. Саноат корхоналарининг муайян қисми вужудга келган вазиятга мослаша олмай, ўз фаолиятини тўхтатишга ёки ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини кескин пасайтиришга мажбур бўлди, натижада иқтисодиётда банд ишчи-ходимлар сони

камайди, мос тарзда ишсизлик даражаси ошди ва мамлакатимизнинг ички меҳнат бозоридаги кескинлик яна ҳам кучайди.

Пандемия даврида ҳам анъанавий тарзда катта материал, маблағ ва энергия сиғимига эга бўлган корхоналарнинг ишга туширилиши давом эттирилди. Жойлардаги инвестицион лойиҳаларнинг таҳлили шундан далолат берадики, ҳар бир янги ишчи ўрнини яратиш учун 50 минг доллардан 250 минг долларгача маблағ сарфланган. Бундай ёндашув хизматлар соҳасига ҳам тааллуқлидир. Натижада меҳнат бозорига кириб келаётган мактаб битирувчиларининг асосий қисми иқтисодиётнинг ташкилий сектори билан қамраб олинмай қолиб, ишсизлик даражасини ўсиб боришига сабаб бўлаяпти. Мавжуд шароитларда Ўзбекистонда йилига 1 миллиондан кам бўлмаган миқдорда янги ишчи ўринлари яратилиши лозим, амалда эса бу кўрсатгич 400 мингтадан ҳам камроқ. Ишчи ўринларини "соядан" чиқариш йўли билан легаллаштириш ҳам ишсизликни бартараф этишга қаратилган вазифани кўнгилдагидек бажара олмайди, аслини олганда бу борада сезиларли натижалар ҳам кўзга ташланаётгани йўқ. Бундай ёндашувдан фақат шакл ўзгариши мумкин, лекин маъно эмас.

3.2. Хизматлар соҳасининг таркибий тузилишини такомиллаштириш асосида иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантириш истиқболлари

Республикада хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишини, аҳолининг ҳар хил турдаги хизматлар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган таҳлил натижалари республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳали ишлатилмаган имкониятлар кўплигини кўрсатди. Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, Республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг 2 та йўлини тавсия қилиш мумкин: биринчиси – кўлам самарасини юзага келтириш ва ундан унумли фойдаланишга эришиш, иккинчиси эса – хизматлар сифатини яхшилаш, ҳажмини ошириш ва таркибини такомиллаштириш.

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётини пандемия асоратидан холос этиш, уни тиклаш ва келажакда ривожлантиришнинг асосий йўлларидан бири – кўлам самараси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш

кўламини кенгайтириш, яъни корхоналарни муайян даражада йириклаштириш ижобий самара беради. Корхона иш фаолиятининг кўлами қанча катта бўлса, унинг энг илғор технологияларни ва юқори сифатли автоматлаштирилган ускуналарни ишлатиш имконияти ҳам шу қадар юқори бўлади. Ишлаб чиқаришнинг кўлами ошган сари ишлаб чиқариш ва бошқарувда ихтисослашувнинг афзалликларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида даромадлар ошади. Ўз навбатида, даромадларнинг ошиши иш ҳақини ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда иқтисодиётда банд аҳолининг асосий қисми хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритади. Иқтисодиётда умумий банд аҳоли таркибида хизмат кўрсатиш соҳасидаги банд аҳоли сонининг ошиб бориши ҳам мамлакат тараққиётини белгилайди. Таҳлил натижалари бу кўрсаткич Ўзбекистонда 49,7 фоизни ташкил этиб турган бир вақтда, ривожланган мамлакатларда 70-80 фоизни ташкил этганлигини кўрсатди. Агар Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини 70 фоизга етказсак ва соҳада аҳоли бандлиги ошиши ва улардан унумли фойдаланиш натижасида хизматлар ҳажми 167339,4 млрд.сўмни ташкил этиши мумкин бўлади. (Бизнинг ҳисоб-китобимиз бўйича 2744,6 минг киши хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилса ва улар ҳам ҳар бири 17681,3 минг сўмлик хизмат яратса, жами 167339,4 млрд сўмлик хизмат яратилади.)

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўли – соҳанинг тармоқлар бўйича таркибини такомиллаштиришдир. Масалан, Ўзбекистонда жами хизматлар таркибида таълим хизматларининг улуши атиги 3,6 фоизни, ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 15-16 фоизни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда олий ўқув юртига қабул қилинадиган ёшлар мамлакат жами аҳолисининг 1 фоизини ташкил этади, бизда эса бу кўрсаткич 0,2 фоиз атрофида. Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасида юқори малакали мутахассислар кўплиги сабабли, хизматлар сифати юқори, шу сабабли унга талаб кучли, натижада соҳада банд бўлган ходимлар иш ҳақи миқдори юқори. Агар таълим хизматлари соҳасини жами хизматлардаги

улушини кескин оширсак, ушбу соҳада банд бўлганларнинг ўртача иш ҳақи ошади. Бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича таълим хизматлари улуши 15 фоизга кўтарилса, бу хизматларнинг ҳажми 4277,2 млрд.сўмдан 17821,7 млрд.сўмга ёки 4,2 мартага ошади. Бунда банд бўлганлар сони (1108,7 минг киши) сони ўзгармаган тақдирда соҳада ўртача иш ҳақи 1160,2 млн.сўмдан 4838,4 млн. сўмгача кўтарилади.

Хизматлар бозорининг истиқболли сегментлари сифатида транспорт, туризм хизматларини, таълим хизматларини, соғлиқни сақлаш хизматларини, шунингдек компьютер ва ахборот коммуникация соҳаларидаги хизматларни (АКТ) кўрсатиш мумкин. Тадқиқотлар ЯИМ ўсишининг 30 дан 50 фоизгачаси ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиши ва тарқатилиши билан таъминланиши мумкинлигини кўрсатди.[26] Компьютерлар ва ахборот коммуникация технологиялари соҳасида бизнинг мамлакатимиз жаҳон бозорида ўзининг рақобатбардошлигини намоён қилаяпти, ушбу соҳа кўп сонли мутахассис кадрларга эга. Лекин у хизмат турларининг импорт қилувчиси сифатида чиқмоқда. Агарда тегишли ҳуқуқий, солиқ ва молиявий шароитлар яратилса, техник аппаратлар соҳасида бирмунча орқадалигига қарамасдан, дастурий таъминот яратиш соҳасида ва жаҳон компьютер технологиялари бозорида салмоқли ўринни эгаллашимиз мумкин.

Ушбу жиҳатдан Ҳиндистон намунаси ибратлидир, у жамиятни ахборотлаштириш даражаси бўйича анча орқада, бироқ ҳозирда йилига 3 миллиард долларлик дастурий таъминот маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Ушбу натижага ҳукуматнинг хизмат кўрсатиш соҳасининг ушбу йўналишини қувватлаган солиқ, божхона ва молия сиёсати туфайли эришилди.[27]

Ўзбекистонда АКТни ривожлантиришда ҳали анчагина захиралар мавжуд. Ҳозирги вақтда Интернет тармоғига жамоавий кириш пунктларининг сони ҳар 10000 кишига 228 тани ташкил этади (Исландияда-5200 киши, Норвегияда-4300, АҚШ-4000,

---

[26] Махкамов Б.Ш. Глобаллашув ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида уяли алоқа хизматларини самарали ривожлантириш. Докторлик дисс автореферати.//– Самарқанд.: 2016.-31 б.

[27] Махкамов Б.Ш. Глобаллашув ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида уяли алоқа хизматларини самарали ривожлантириш. Докторлик дисс автореферати.//– Самарқанд.: 2016.-31 б.

Канада-3600).[28] Асосий телефон аппаратларининг сони ҳар 100 аҳолига 6,76 донани ташкил этади. Республика шаҳарларининг телекоммуникация рақамли тармоқлари билан қамраб олиниши 86 фоизни, туман марказларида 33 фоизни, қишлоқ аҳоли пунктларида 71,9 фоизни, шу жумладан телекоммуникация рақамли тармоқлари 0,5 фоизни ташкил этади.[29]

Чет эл тажрибаси иқтисодий ўсишда туризмнинг муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Ўзбекистонда ЯИМда туризмнинг улуши 2,5 фоиз атрофида. Йирик туристик секторга эга бўлган ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 10-15 фоизгача, орол давлатлари ва иқтисодий жиҳатдан унчалик ривожланмаган мамлакатларда ушбу улуш 30 дан 50 фоизгачани ташкил этади. Жаҳон товар ва хизматлар экспортининг 8 фоизи туризм ҳиссасига тўғри келади[30], шу туфайли у автомобиль, кимё маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, компьютерлар ва ёқилғи экспортларидан олдинда туриб, йирик экспорт тармоғига айланди. ЖСТга аъзо 83 та мамлакатларда туризм етакчи экспорт соҳаларининг бешталигига киради, 38 фоиз мамлакатларда эса у чет эл валютаси тушумларининг асосий манбаи ҳисобланади[31]. Бунинг устига туризм даромаднинг муҳим қисми ҳисобланувчи мамлакатларда у аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий соҳасига айланган. Масалан, Сейшел ороллари да турбизнесда аҳолининг 66,7 фоизи банд, Гренадада – 52,2 фоиз, Богамада- 48,2 фоиз, Исландияда-33,3 фоиз, Кипрда -22, Таиландда – 15 фоизни ташкил этади.[32]

ЖСТ маълумотларига кўра, учинчи минг йилликда кам вақт давомида энг кўп қониқишни таъминловчи сайёҳлик маҳсулотларига талаб юқори бўлади. Ўзбекистон туризмни ривожлантириш учун барча зарурий ресурсларга эга: қадимий тарихий меъморчилик ёдгорликлари, халқ оғзаки ижодиёти ёдгорликлари, қўриқхоналар, тоғ ва сув туризми ва бошқалар мавжуд. Ўзбекистоннни 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясида туризмнинг ЯИМдаги улушини 1,4 фоиздан 28 фоизга етказиш кутилмоқда.[33]

---

[28] Халқаро савдо ташкилоти маълумотлари. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/statis_e.htm

[29] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами 2010-2016.//-Т.: 2017, 84 б.

[30]Халқаро савдо ташкилоти маълумотлари. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/statis_e.htm

[31] Халқаро савдо ташкилоти маълумотлари. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/statis_e.htm

[32]https://knoema.ru/atlas/topics

[33] Ўзбекистон Республикасининг 2035-йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. Расмий сайт: uzbekistan2035.uz/uz.

Бозор хизматларининг жадал ривожланиши ривожланган мамлакатларда шаклланган замонавий жаҳон тенденциялари талабларига жавоб беради. Яқин истиқболда пуллик хизматлар соҳасидаги бандлар сони юқори даражада ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашиши зарур. Ўсиш аввало, тармоқ структурасида мураккаб, яъни касбий хизматлар ялпи улушининг ошиши (аудит, маркетинг, ахборот хизматлари кўрсатиш) ҳисобидан юз беради.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг яна бир стратегик йўналиши – ушбу соҳада тадбиркорликни тараққий эттиришдан иборатдир. Хизматлар бозорида кўплаб кичик корхоналар вужудга келиши, улар томонидан ҳар хил турдаги хизматларнинг кўрсатилиши, бу хизматларга талаб ошиб бораётган шароитларда бозорни кўплаб хизматлар билан тўйинтиришни таъминлашга, хизматларга нарх сиёсатини мувофиқлаштиришга, самарали амал қилувчи рақобат муҳитини яратишга имкон беради.

Ҳозирги вақтда республикада хизмат кўрсатиш соҳасида 16,5 мингдан кўпроқ юридик шахслар (бозор хизматларини кўрсатиш бўйича нотижорат корхоналарини ҳам қўшганда) ва 126 мингдан кўпроқ кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.[34] Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан хизматлар ишлаб чиқаришининг кенгайтирилиши хизматлар соҳасининг жадал ривожланишига ёрдам беради. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини рўёбга чиқариш доирасида тадбиркорлик субъектларига корхонани технологик жиҳозлаш учун ускуналар сотиб олишга катта миқдордаги имтиёзли кредитлар тақдим этилди. Бунинг натижасида хизматлар бозорининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 53,9 фоиздан 61,4 фоизгача кўпайди.[35]

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар амалиёти иқтисодий ўсиш мақсадларида таълим хизматлари бозорини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда ходимларнинг билим ва малака даражасининг ошиши ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлайди, бу эса, ўз навбатида, миллий даромаднинг 30 фоизгача кўпайишига

[34] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти./ Кириш йўли: www.stat.uz.
[35] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти./ Кириш йўли: www.stat.uz.

олиб келади.[36] Бизнингча, ҳозирги босқичда Ўзбекистонда таълим хизматларининг ривожланиши таълим тизими мураккаблик даражасининг ўсиши ва нодавлат таълим муассасалари тармоғининг шаклланиши билан боғлиқдир. 2000-2001 ўқув йилидан 2016-2017 ўқув йилигача Ўзбекистонда олий ўқув юртлари сони 60 тадан 72 тага, талабалар сони 183,6 тадан 288,5 мингтага кўпайди[37].

Ўзбекистонда 2017 йилга қадар олий ўқув юртлари сонининг кўпайиши давлат ўқув юртлари ҳисобидан бўлди. МДҲнинг бошқа мамлакатларида эса олий ўқув юртлари ва уларда таҳсил олаётган талабалар сони асосан нодавлат олий ўқув юртлари ҳисобидан амалга оширилади. Масалан, Россияда нодавлат олий ўқув юртлари ўқув юртларининг умумий сонининг 35 фоизини ташкил этади ва уларда жами талабаларнинг 10 фоизга яқини ўқийди.[38] Нодавлат олий ўқув юртларидаги талабалар Қозоғистонда 24 фоизни, Украинада 8 фоизни, Белоруссияда 6 фоизни, Озарбайжон, Арманистон, Грузия ва Молдавияда 22 фоиздан 35 фоизгачани ташкил этади. АҚШда олий ўқув юртларининг 55 фоизи, Японияда 70 фоизи нодавлат таълим муассасалари ҳисобланади ва уларда мос равишда 22 фоиздан 80 фоизгача талабалар ўқийди.[39]

Ўзбекистонда ҳам Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар таълим хизматлари соҳасини тез суръатлар билан ривожлантириш ва соҳада яратилган хизматлар улушининг ялпи хизматлар таркибидаги улушини сезиларли даражада ошириш, тармоқда хусусий секторни шакллантиришда катта имкониятлар яратиб берди. Бизнинг назаримизда, таълим хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш, унинг миллий иқтисодиётдаги, мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришдаги ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги мавқеини мустаҳкамлаш Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини пандемиянинг салбий

[36] Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2018. –Б.173-174. Кириш йўли: www.stat.uz.
[37] Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2018. –Б.123-124. Кириш йўли: www.stat.uz.
[38] Росстат маълумотлари. Расмий сайти: www.gks.ru.
[39] Росстат маълумотлари. Расмий сайти: www.gks.ru.

оқибатларини бартараф этишнинг муҳим омили сифатида оптималлаштириш сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Боб бўйича хулоса

Пандемиянинг хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари бу соҳада мавжуд бўлган қатор муаммоларни аниқлаш имконини берди. Энг аввало карантин чоралари натижасида юзага келган оғир иқтисодий вазият хизматлар соҳасида яратилган ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатларига кўрсатган салбий таъсири билан бир қаторда, унинг тармоқлар бўйича таркибий тузилишига ҳам жуда кучли таъсир қилганлигини кўрсатди. Пандемия таъсири оқибатида соҳанинг турли тармоқларида иқтисодий зарар кўлами турлича бўлди. Таҳлил натижалари транспорт хизматлари, жумладан автотранспорт хизматлари, туризм хизматлари, яшаш ва овқатланиш хизматлари, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар, шахсий хизматларнинг жами хизматлардаги улуши кескин пасайиб кетганлигини кўрсатди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодий самарадорликнинг пастлиги натижасида мамлакатимиз оилалари ўз даромадларининг катта қисмини озиқ-овқат товарларини сотиб олишга сарфлашга мажбур бўлди. Таҳлил натижалари аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг мамлакат ҳудудлари бўйича нотекис жойлашганлигини ва қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг жуда заифлигини аниқлаш имконини берди. Шунингдек, соҳада рақобат муҳитини яратишга, соҳа ва тармоқлар монополлашувини олдини олишга, яширин иқтисодиётни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларнинг саёзлиги ҳам яққол кўзга ташланди. Соҳада махсус маълумотга эга малакали кадрлар масаласи оқсаётганлиги ва шу сабабли соҳани самарали бошқаришда муаммолар мавжудлиги аниқланди. Таҳлил натижалари хизматлар соҳаси статистикасида ҳам ноаниқликлар мавжудлигини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, республикада хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишини, унинг тармоқлар бўйича таркибий

тузилишини ўрганиш бўйича амалга оширилган таҳлил натижалари республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ҳали фойдаланиш мумкин бўлган улкан имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

Хизматлар соҳасида пандемиянинг салбий оқибатларини бартараф этиш, пандемиядан энг кўп азият чеккан тармоқлар фаолиятини қайта тиклаш ва келажакда уларнинг юқори суръатлар ва самарали ривож топиши учун бошқарув фаолиятини минтақаларнинг мустақиллигини кенгайтириш, соҳада рақобат муҳитини яратиш, соҳа ва тармоқлар монополлашувининг олдини олиш ўта муҳим аҳамиятга эга, деган хулосага келинди. Хизмат кўрсатиш соҳасида солиқларнинг дифференциялаш функциясидан самаралироқ фойдаланиш, хусусий-давлат шерикчилигига таяниб давлат бюджети харажатларини камайтиришга, узоқ йиллар давомида ҳал бўлмаётган муаммолар ечимига эришиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг яна бир йўли – соҳанинг тармоқлар бўйича таркибини такомиллаштиришдир. Хизматлар бозорининг истиқболли сегментлари сифатида транспорт, туризм хизматларини, таълим хизматларини, соғлиқни сақлаш хизматларини, шунингдек компьютер ва ахборот коммуникация соҳаларидаги хизматларни (АКТ) кўрсатиш мумкин. Мамлакат иқтисодий ўсишида туризм ҳам муҳим ўрин тутади. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг яна бир стратегик йўналиши – ушбу соҳада тадбиркорликни тараққий эттиришдан иборатдир.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар амалиёти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг бугунги ҳолати иқтисодий ўсиш мақсадларида таълим хизматлари бозорини жадал ривожлантириш ва уни мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг етакчи омилларидан бирига айлантириш зарурлигидан далолат беради.

Боб бўйича адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ № 4947-сонли

Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. uza.uz.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. Расмий сайт: uzbekistan 2035.uz/uz.

4. Ўзбекистон рақамларда.Ўзбекистон Республикаси давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган. Тошкент, 2020 йил, 82-бет.

5. Россия и страны мира 2016. Статистический сборник Федеральной службы Государственной статистики. М.: 2016. С. 116-117. https://www.gks.ru

6. Ахборотнома Ўзбекистон 2020 йил. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика бошқармаси. Тошкент, 2020 йил, 285-бет.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти./ Кириш йўли: www.stat.uz.

8. Маҳкамов Б.Ш. Глобаллашув ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида уяли алоқа хизматларини самарали ривожлантириш. Докторлик дисс автореферати.//– Самарқанд.: 2016.-31 б.

9. Халқаро савдо ташкилоти маълумотлари. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/statis_e.htm

10.Халқаро савдо ташкилоти маълумотлари. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/statis_e.htm

11.https://knoema.ru/atlas/topics

4-боб. ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ХИЗМАТ КУРСАТИШ СОҲАСИНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БОРАСИДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бугунги кунда камбағалликка қарши кураш мамлакатимизда ўта долзарб масалалар сирасига киради. Чунки жамиятимизда Президентимиз таъбири билан айтганда, аҳоли фақат эртанги кун умиди билан эмас, балки бугун давлатдан рози бўлиб, бахтли яшаши керак. Агар инсон камбағал бўлса, **касал бўлиб қолган шароитда** докторга учрашиш учун шаҳарга қатнашига, дори-дармонларни харид қилишга, шифокор кўригидан ўтишга, лаборатория таҳлиллари ва башқа ташхис қўйиш учун қилинган таҳлиллар учун тўлов қилишга имконияти бўладими, албатта бўлмайди. Албатта, бу муаммонинг чорасини топиш жуда қийин.

Агар одам камбағал оилага мансуб бўлса, фарзанди мутахассислик бўйича **таълим олиш** имкониятидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин, чунки, бундай ўқишларнинг аксарият қисми пуллик бўлиб, контракт асосида амалга оширилади. Ушбу ҳолат унинг келажакдаги даромадлари даражасига ҳам салбий таъсир этади. Чунки, малакали меҳнат билан малакасиз меҳнатнинг ўртасидаги “топиш-тутиниши” турли даражада бўлади. Бундай аҳоли қатлами нафақат аҳолининг ўзига, балки жамиятга ҳам зарар.

Шунинг учун жамиятимизда камбағаллар қолмаслиги керак. Буни сунъий равишда йўқ қилиш эмас, балки объектив тарзда, уларни камбағаллик чегарасидан чиқартириб, барқарор ҳаёт кечирадиган аҳоли қатламига ўтказишни тақозо қилади. Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати узоқ йиллар мамлакатдаги қашшоқликни тан олишни истамади. Аммо 1990 йилларда мамлакат аҳолисининг 70 фоизи камбағал аҳволда эди. Бироқ, ўзбекистонлик журналистлар ва олимлар асарларида ҳам "камбағал", "қашшоқ" сўзларини қўлламасдан "кам таъминланган" деган сўзни ишлатиб келди. Лекин мамлакатимизда камбағаллик барҳам топган эмас эди.

Камбағаллик масаласи бўйича турли мамлакатларда турли ёндашувлар мавжуд. Ушбу ҳолат ҳар хил мезоннинг қўллашни

тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, турли вазиятни келтириб чиқаради. “Масалан, хорижий экспертларнинг берган баҳосига кўра, Ўзбекистонда 1994 йили, аҳолининг 44,5 фоизи камбағаллик чегарасида турган бўлсалар, бу кўрсаткич 1996 йили 31,1 фоизни, 1998 йили 28,7 фоизни, 2001 йил 27,5 фоизни, 2005 йили 25,8 фоизни, 2010 йил 17,7 фоизни, 2015 йил 12,8 фоизни, 2019 йил 11,0 фоизни ташкил этган”[40]. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда камбағаллик даражаси хорижий экспертларнинг фикри бўйича, бир мунча камайиш тенденциясига эга бўлсада, ҳамон юқорилига қолмоқда. Олимларимизнинг ўрганишлари натижасига кўра, ҳозирги кунда ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг аксарият қисми етарли даражадаги даромад манбаига эга эмас. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги сингари бизда ҳам камбағал қатлам мавжуд. “Улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этиши ҳам рост. Бу 4-5 миллион нафарга тенг аҳоли дегани! Қаранг, ана шу юртдошларимизнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмас экан”[41]. Мамлакатимизда аҳолининг бу даражада камбағаллиги бугунги кунда кечириб бўлмайдиган ҳолат. Айнан ушбу ҳолатни инобатга олиб мамлакатимиз Президенти камбағалликни тугатиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан қатор фармон ва қарорларни қабул қилди ҳамда уларни амалга ошириш бўйича бир қанча Давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш борасида тегишли кўрсатмалар бериб келмоқда. Зеро, ҳаётда муносиб яшай олмаган киши ҳеч маҳал давлатдан ҳам бугунги кунидан ҳам рози бўлмайди.

Буларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-сонли Фармони ва ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда

[40] documents.worldbank.org/en/publication/documents-reports/documentdetail/210801569934 71
[41] Шерзод Мустафоқулов. Камбағаллик — айб эмас, бироқ... // https://xs.uz/uzkr/post/category/society

самарали макроиқтисодий сиёсатни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириш тизими ишлаб чиқилди ва у муваффақият билан амалга оширилмоқда. Аммо масаланинг айрим назарий, услубий ва амалий муаммолари борки, уни тадқиқ қилиб тегишли хулосалар ва илмий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилади. Масаланинг бу жиҳати мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

4.1. Камбағаллик тушунчаси таърифи ва уни тадқиқ қилишнинг назарий масалалари

Мамлакатимизда камбағалликка тўғри баҳо бериш учун унинг мазмунига, аниқроғи таърифига тегишли тарзда аниқлик киритиш лозим бўлади. чунки узоқ вақт илмий адабиётларда камбағаллик ибораси қўлланилмасдан келган эди. Бу борада ўзбек тилида камбағаллик билан боғлиқ жуда кўплаб сўзлар ишлатилишини ҳам инобатга олиш лозим. Халқ орасида ҳам ушбу тушунча билан боғлиқ сўзлар жуда кўп ишлатилиб келинар эди. Аммо буларнинг ҳаммасининг ўрнига “кам таъминланган” сўзни ишлатиш билан камбағалликка барҳам берилмади. Агар 5 томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га ва жуда кўплаб бадиий асарларга эътибор қилинса, уларда ҳамон камбағаллик билан боғлиқ иборалар ишлатилиб келинмоқда. Жумладан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Камбағал”, “Камбағалпарвар”, “Камбағалчилик”, “Камбағаллик”, “Камбағаллашмоқ” каби ибораларга изоҳ берилган.

Ушбу сўзнинг мазмунига назар соладиган бўлсак, “**Камбағал**” сўзи форс-араб тилларидан олинган бўлиб, “қашшоқ, йўқсил” маъноларини англатар экан. Унга “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да учта изоҳ берилган. 1 Муҳтожликда яшовчи, тирикчилик учун керакли нарсаси етарли бўлмаган; қашшоқ, фақир, бечора. 2 Етарли бўлмаган; кам, етишмайдиган. 3 кўчма маънода. Мушкул ёки аянчли аҳволга тушиб қолган киши;

шўрлик, боёқиш, бечора”[42]. “Камбағал оила”, “Камбағал деҳқон” сўзлари Ойбек, Мирзакалон Исмоилий, Комил Яшин, Парда Турсун, Абдулла Қаҳҳор каби адибларнинг асарларида қўлланилиб келинган. Жумладан, Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романида *“Ўқувчиларнинг қарийб ҳаммаси камбағалларнинг болалари бўлгани учун, Ғуломжон ота-оналар билан маслаҳатлашиб, уларга ҳар куни иссиқ овқат қилдириб бериб турди”*[43]. Камбағал сўзининг ишлатилиши бўйича худди шундай кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Луғатда келтирилган яна бир атама: “**Камбағаллашмоқ**” сўзи бўлиб, бунга “Камбағал бўла бормоқ, камбағал бўлиб қолмоқ”[44], деган изоҳ берилган. Навбатдаги ибора “**Камбағаллик**” бўлиб, бунга қуйидагича изоҳ берилган: “Ҳаётий, тирикчиликка зарур нарсаларнинг етишмаслик ҳолати”[45], дейилган. Бунга мисол қилиб Комил Яшиннинг “Ҳамза” романида келтирилган *“Бир куни она бечора йиғлаб, худога нола қилди: “Камбағаллик қурсин, камбағаллик. Э худо қандай гуноҳ қилдикки, бизни бунчалар қақшатасан?”*[46]. Ҳаётий тирикчиликнинг кўлами кенг. Бунга зарур озиқ-овқатлар билан таъминланишдан ташқари кийим кечаклар ҳам, турли хизматлардан фойданиш ҳам, ўқиш, тиббий муассасаларда даволаниш кабилар ҳам киради. Шуларга тегишли маблағ ёки шунга мос неъматлар етарли бўлмаса, бундай кишилар камбағаллик тоифасидаги одамларга киради.

Камбағаллик билан боғлиқ яна бир атама “**Камбағалчилик**”, деб юритилади. Ўрганилаётган луғатда ушбу сўзнинг ҳам изоҳи келтирилган. Бунга “Камбағал шароит; камбағаллик, қашшоқлик”, деган изоҳ берилган. Бунга мисол тариқасида Абдулла Қаҳҳорнинг “Қўшчинор чироқлари” номли романида қуйидаги гаплар келтирилган “- *Ҳозир ҳам камбағалмиз, – деди Саттарқул давом этиб, – лекин бу камбағалчилик ёруғ дунёдан бўлган умидимизни эмас, ёруғ дунёдан бўлган умидимиз бу камбағалчиликни еб, кемириб ташлаётибди”*[47]. Кўриниб турибдики, ушбу

[42] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.II. Ё-М. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006. – 306 бет.
[43] Ўша жойда. – 306 бет.
[44] Ўша жойда. – 306 бет.
[45] Ўша жойда. – 306 бет.
[46] Ўша жойда. – 306 бет.
[47] Ўша жойда. – 306 бет.

атамаларнинг ўзаги ва мазмуни бир-бирига жуда яқин. Ушбу сўзларнинг асл маъноси, инсоннинг нормал яшаши учун тегишли неъматларнинг етишмаслиги билан боғлиқ ҳолатдир. Чунки инсон ҳаётида бемалол яшаши учун жуда кўп эҳтиёжлар мавжуд. Аммо уларни таъминлаш учун неъматлар етарли бўлмаса, бундайлар албатта камбағаллар сафидан жой олади. Инсонларнинг камбағаллик ҳолати бу оддий ҳолат эмас. Агар камбағаллик адолатсизлик эвазига содир бўлаётган бўлса, бунинг натижасида турли маънавий, ижтимоий, ҳатто сиёсий норозилик билан боғлиқ жараёнларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Яна бир ибора "**Камбағалпарвар**", бўлиб, бу – "камбағалларга ёрдам кўрсатувчи, шафқат қилувчи; камбағаллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи"[48] маънони англатиши қайд этилган. Бунга бир мисол тариқасида Парда Турсуннинг "Ўқитувчи" романидан бир сўз келтирган. Унда: "Бойлардан биттаси жуда камбағалпарвар ўтган экан, чакалакзорига дошқозон остириб, оч қолганларга хўрда, атала улашиб турар экан"[49], дейилган. Кўриниб турибдики, ушбу бой камбағалларнинг ҳолидан хабардор бўлиб, уларга қайсидир маънода ёрдам бериб, ҳеч бўлмаса қорнини тўйғазиб келишган. Шу туфайли уни камбағалпарварлар қаторига қўшган.

Энди камбағаллик билан боғлиқ атамаларнинг мазмунини қараб чиқсак. Аммо ушбу тушунчаларнинг таърифлари ишлаб чиқилмаган. Бироқ уни изоҳлашга турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази Бош илмий ходими Бахтишод Ҳамидов таъкидлашича: "Баъзилар камбағаллик деганда инсоннинг бирламчи эҳтиёжларини (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни сақлаш) қондиришга имкониятнинг мавжуд эмаслигини тушунса, бошқалар – танлов эркинлигининг етарлича эмаслиги ёки кунига 1,90 доллардан кам миқдорга кун кечиришни, учинчи томон эса – инсоннинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокига путур етказувчи ижтимоий, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги тўсиқларнинг доимий доирасини тушунишади. Умумий қараганда, камбағалликни баҳолаш бир нечта аниқ

[48] Ўша жойда. – 306 бет.
[49] Ўша жойда. – 306 бет.

белгиланган кўникма ва усулларни талаб қилади”[50], дейилган. Ушбу изоҳлар, маълум маънода камбағаллик тушунчасининг таърифини ишлаб чиқишга асос бўлиши мукин. Зеро, камбағалликнинг негизида муносиб ҳаёт кечириш учун неъматларнинг етишмаслигига бориб тақалади. Буларни инобатга олиб камбағалликка қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Камбағаллик деганда, инсонларнинг топган даромадлари озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни сақлаш каби бирламчи эҳтиёжларини қондиришга етмаслиги оқибатида халқаро ва ички меъёрлардан кам имкониятга эга бўлиб қашшоқ яшашга мажбур бўлиб келинаётган кишиларнинг чекланган ҳолати тушунилади. Мавжуд таъриф илк бор ишлаб чиқилганлиги туфайли, келгусида маълум маънода такомиллашиши мумкин. Ҳозирги пайтда Жаҳон Банкининг тавсиясига биноан камбағаллик чегараси халқаро миқёсда кунига 1,90 доллардан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу меъёрни Ўзбекистонга ҳам жорий қилинадиган бўлса, аҳолининг ўртачи бир кунлак даромади 1,9 доллардан кам бўлмаслиги керак. Бу ҳақда батафсил маълумотлар қуйида келтирилган.

Ушбу таърифни назарий жиҳатдан қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, камбағаллик деганда, инсонларнинг топган даромадлари кўзда тутилмоқда. Камбағаллик тушунчаси фақат ишсиз кишиларни кўзда тутмайди, балки топган даромади ҳам маълум талабларга жавоб берадиган, тегишли миқдордан ошадиган бўлиши лозим. Иккинчидан, инсонлар учун энг зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни сақлаш каби бирламчи эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бўлиши ва шуларга етарли бўлиши кўзда тутилган. Инсонларнинг муносиб яшаши учун фақат озиқ-овқат эмас, балки бошқа неъматлар (кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни сақлаш) ҳам зарур бўлар экан. Учинчидан, камбағалликнинг маълум чегараси (халқаро ва ички миқёсда) бўлиши керак. Тўртинчидан, ушбу халқаро ва ички меъёрлар чегараси инсонларнинг нормал

[50] Бахтишод Хамидов. Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак?[50]. 09.06.2020 15:13 782 https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-darajasi-kambagallikni-kamaytirish-uchun-nima-qilish-kerak

яшашини таъминлаш учун тегишли имкониятни яратиши лозим. Шундагина бундай кишилар қашшоқ яшашга мажбур бўлиб колмайди.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридагилар том маънода, камбағалликка берилган таърифнинг назарий асосини ташкил қилади.

4.2. Мамлакатимизда камбағаллик даражаси ва уни пандемия шароитида камайтириш йўллари

Мустақиллик йилларининг бошланишида мамлакатимизда аҳолининг бир қисми иш билан банд бўлсада, камбағаллик тоифасидан чиқа олмади. Чунки, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг белгиланган меъёрига кўра ҳар бир одам, камбағаллик тоифасига кириб қолмаслиги учун кунига ўртача 1,90 АҚШ долларидан кам даромадга эга бўлмаслиги керак. Агар топган даромади, ўртача одам бошига шу миқдордан кам бўлса, бу оилада яшайдиган инсонлар қашшоқ ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг аксарият қисмининг топган даромади ўртача шу миқдорга етмагач, улар қулай шароитни хориждан ахтарадиган бўлди. Натижада жуда кўп меҳнатга қобилиятли малакали ва малакасиз аҳоли оммавий тарзда хорижга меҳнат қилишга расмий ва норасмий йўллар билан чиқиб кета бошлади.

Хуллас, мамлакатимиз аҳолисининг камбағаллашиб боришига сабаблар нима бўлди. Албатта бунинг бир қанча сабаблари бор.

Биринчидан, меҳнат билан банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи, яшаши учун етарли бўлмади. Чунки, нарх билан ойлик маош ўртасидаги номувофиқлик катта эди. Амалдаги нархда товар харид қилиб, амалдаги ойлик маош билан яшаш бироз қийинчилик туғдирар эди.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларидан кўплаб завод-фабрикалар ҳам объектив сабабларга мос ҳолда тўхтади. Чунки, мамлакатимиздаги заводларнинг аксарият қисми бутловчи материаллар ишлаб чиқарар экан. Уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти, ҳар бир республика мустақил бўлгач, ҳеч кимга керак бўлмасдан қолди. Мос равишда биздаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи завод-фабрикаларимизнинг ҳам бутловчи қисмини

республикамиз ҳудудидан бошқа жойларда ишлаб чиқарилганлиги туфайли, иқтисодий муносабатларда узулиш рўй берди ва ниҳоят, булар ҳам фаолиятини тўхтатди.

Учинчидан, пахта ва ғалланинг давлат планлари сабабли Ўзбекистонда деҳқончилик билан тирикчилик ўтказиш ҳам қийин бўлиб қолди. Мамлакатимизнинг асосий бойлиги бўлган пахтани етиштирадиган деҳқоннинг қозони оқармади. Аҳолининг энг камбағал қатлами шулар бўлиб қолаверди. Чунки улар йил бўйи меҳнат қилиб, йил охирида қарз бўлиб чиқадиган ҳоллари жуда кўп эди.

Тўртинчидан, ақлли, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган инсонлар, хусусан, олий маълумотли мутахассислар, айрим ноёб йўналишдаги олимлар, инженерлар, шифокор ва бошқа касблар эгаларининг бир қисми, мамлакатимизни тарк этиб, билим ва тажрибаси қадрланган мамлакатларни танладилар ва у ерларга турли йўллар билан жойлашиб олдилар.

Бешинчидан, янгидан етилиб келган меҳнат ресурсларини ва ишсиз аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш имконияти етарли бўлмади. Муносиб ойлик маош билан янги иш ўринларини яратиш имконияти ҳам талаб даражасида бўлмади. Йилдан-йилга ишсизлар сони кўпайиб борганлиги ҳам, уларнинг бир қисмини хорижий давлатларга чиқиб кетишига ҳам сабаб бўлди.

Олтинчидан, хорижга меҳнат қилишга чиқиб кетганларнинг аксарият қисми малакасиз меҳнат соҳиблари бўлиб, хорижда ҳам энг арзон иш кучини ташкил қилди. Уларнинг аксарият қисми жуда кам иш ҳақига меҳнат қилишига тўғри келди ва мос равишда хорижда топган маблағи билан ҳам рўзғорини ўнглаши қийин бўлди.

Шу тариқа мамлакатимизда камбағаллик йилдан-йилга кўпайиб борди. Уларнинг сонига кўп ҳолларда ишсизлар киритилади. Аммо ишлаб юрганларнинг ҳам кўпи камбағаллик чегарасидан чиқа олмади. Буларни инобатга олиб, мамлакатимиз раҳбари “Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли

даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак”[51], деб таъкидлади.

Камбағаллик чегарасини белгилашда БМТ инсон эҳтиёжлари учун зарур бўлган асосий товар ва хизматларни харид қилиш учун етарли бўлган даромадлар миқдорини асос қилиб олади. Бундай товарларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар-жой ҳақини тўлаш, сув билан таъминлаш, электр энергияси, мактаб таълими, тиббий хизмат кабиларни киритишни тавсия қилади. Шунга асосан камбағаллик **даражасини глобал миқёсда ва ҳар бир мамлакатлар доирасида** аниқланади. Чунки ҳар бир давлат ўзининг шароити ва имкониятларидан келиб чиқиб, камбағалликдан чиқиш масаласини ўзлари белгилаб олади. Бундан ташқари, камбағаллик даражаси глобал доирада ҳам аниқланади. Буни асосан ҳозирги шароитда Жаҳон банки амалга ошириб келмоқда. Булардан келиб чиқиб, хулоса қилинадиган бўлса камбағаллик даражаси, умуман олганда, нисбий тушунча бўлиб, у муайян мамлакатдаги умумий фаровонлик даражасига боғлиқ бўлади.

Камбағаллик даражаси, олимлар ва мутахассисларнинг эътироф этишича, иккита **мутлақ ва нисбий** каби турларга бўлинади. Бунда турли мезонлардан фойдаланилади, бой мамлакатларда қашшоқлик чегараси, камбағал мамлакатларга қараганда юқорироқ. Мутлақ камбағалликда кун кечирувчи одамлар биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларнигина қондиришлари мумкин. Нисбий камбағаллик бир давлатдаги даражага нисбатан иккинчи давлатда фарқ қилиши ёки вақтлар ўтиши билан камбағалликнинг даражаси ҳам ўсиб бориши (камайиб кетиши) тушунилади.

Камбағаллик даражасини ўлчаш бўйича бир қанча ёндашувлар мавжуд. Булардан бири Бахтишод Ҳамидов келтирган ёндашувдир. Бу кишининг фикрига кўра камбағаллик чегарасининг энг кўп ишлатиладиган таърифлари қуйидагилардир:

– озиқланишга асосланган камбағаллик даражаси;

– халқаро камбағаллик чегараси;

– нисбий камбағаллик чегараси;

[51] https://xs.uz/uzkr/post/category/society.

– субъектив камбағаллик чегараси[52].

Профессор Мурод МУҲАММЕДОВ “Камбағал аҳоли деганда икки тоифани назарда тутиш мумкин, биринчи тоифа камбағал аҳоли – бу ўз ҳаётини тузатишни истамайдиган, истасада, бунга ҳаракат қилишга дангасалик қиладиганлар. Иккинчи тоифаси эса маълум сабаблар туфайли шундай ҳолга келиб қолган, ишлашни истайдиган, аммо баъзи сабаблар билан бунга имкон тополмаган инсонлардир”[53], деб таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча, камбағаллик тоифасига кирадиган аҳолини тўрт гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси малакасиз ишсизлар, маълумоти етарли бўлмаган “қора меҳнат”дан бошқаларига ярамайдиган аҳоли. Иккинчи тоифа аҳолига тегишли малакаси бор, аммо ўзларига муносиб иш топа олмаётган аҳоли. Учинчи тоифага, иш билан банд, аммо олган ойлик маоши оиласини камбағаллик чегарасидан чиқиб кетишига етарли бўлмайдиган шахсллар. Тўртинчиси, ишлаш имконияти йўқ (ногиронлиги бор, меҳнатга қобилиятсиз, боқувчиси йўқ болалар ва қариялар) аҳоли қатлами.

Маълумки, Жаҳон банки 1990 йилдан буён «Камбағаллик ва ялпи фаровонлик» маърузасини эълон қилиб келмоқда. Ушбу маърузада ҳар сафар қашшоқликнинг халқаро чегараси эълон қилинади. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 1,9 долларни ташкил қилади. Шуни қайд этиш жоизки, камбағаллик даражаси Жаҳон банкининг ҳисоб-китоби бўйича қашшоқ давлатларда ва ривожланган мамлакатларда турлича ўлчанади. Бундан ташқари вақт ўтиши билан бу чегара ҳам ўзгариб боради. Агар унинг қисқагина тарихига назар солсак, 1990 йилда камбағаллик даражаси кунига бир киши учун 1 долларга яқин қилиб белгиланган эди. 2005 йилга келиб, ушбу кўрсаткич қайта ҳисобланиб, 1,25 долларга етказилди. 2015 йилда ушбу глобал камбағаллик кўрсаткичини ҳар бир кишига бир кунда, юқорида таъкидланганидек, 1,9 доллар қилиб белгилади. Жаҳон банкининг «Камбағаллик ва ялпи фаровонлик» бўйича сўнгги 2018 йилнинг октябрь ойидаги маърузасида ҳам шу рақам сақланиб қолинган.

---

[52] Булар ҳақида Бахтишод Ҳамидовнинг Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак? (review.uz/oz/au1 09.06.2020 15:13 780.) номли мақоласида батафсил ўқиш мумкин.

[53] 1,9 АҚШ долларидан кам маблағга кун кечираётганлар... //”Zarafshon” газетаси. 2020 йил 23 июнь. 68 сон. – 2-бет.

Агар шу мезондан келиб чиқиладиган бўлсак, мамлакатимизда оилалар сонига қараб даромадлар даражаси қуйидагича бўлади (4.1-жадвал).

4.1-жадвал

Камбағаллик даражасини Жаҳон банкининг минимал меъёри бўйича оилалар сонига мос ҳолда аниқлаш ҳисоб-китоби (АҚШ долларида ва миллий валютада)[54] (ўртача 1 доллар 10150 сўм қилиб белгиланди)

Т/р	Оилалар сони, киши	1 кунлик		1 ойлик		1 йиллик	
		Дол-ларда	Сўмда, минг сўм	Дол-ларда	Сўмда, минг сўм	Дол-ларда	Сўмда, минг сўм
1.	1 кишилак	1,9	19,3	57	578,6	684	6942,6
2.	2 кишилик	3,8	38,6	114	1157,1	1368	13885,2
3.	3 кишилик	5,7	57,9	171	1335,7	2052	20887,8
4.	4 кишилик	7,6	77,1	228	2314,2	2736	27973,4
5.	5 кишилик	9,5	96,4	285	2892,8	3420	34713,0
6.	6 кишилик	11,4	115,7	342	3471,3	4104	41655,6
7.	7 кишилик	13,3	13503	399	4049,9	4788	48598,2
8.	8 кишилик	15,2	154,3	456	4628,4	5472	55540,8
9.	9 кишилик	17,1	173,6	513	5207,0	6156	62483,4
10.	10 кишилик	19,0	193,0	570	5786,0	6840	69426,0

Ушбу кўрсаткич камбағаллик даражасининг энг паст чегараси ҳисобланади. Бундан паст бўлса, бундай аҳолининг аҳволи қашшоқ аҳоли тоифасига киради. Агар ушбу мезондан келиб чиқиладиган бўлса, бир кишига бир кунда ўртача 19,3 минг сўм (1,9 доллар) маблағ керак бўлар экан, 5 кишига 96,4 минг сўм (9,5 доллар) ва ниҳоят 8 кишилик оилага 154,3 минг сўм (15,2 доллар) зарур бўлар экан. Агар оилада 10 киши яшаса, 193,0 минг сўм маблағни талаб қилади. Ушбу кўрсаткичнинг бир ойлик миқдори мос равишда 1 кишига 578,6 минг сўм (57 доллар), 5 кишига 2892,8 минг сўм (285 доллар) ва 8 кишига 4628,4 минг сўм (456 доллар)ни, 10 кишига 5786,0 минг сўмни (570 доллар) ташкил қилади. Ушбу кўрсаткични бир йилга ҳисоблайдиган бўлсак, мос

[54] Жаҳон банкининг ишлаб чиққан меъёрлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби. Доллар курсини 1 долларни ўртача 10150 сўм қилиб олганда.

равишда 1 кишига 6942,6 минг сўм (684 доллар), 5 кишига 34713,0 минг сўм (3420 доллар) ва 8 кишига 55540,8 минг сўм (5472 доллар)ни, 10 кишига 69426,0 минг сўмни (6840 доллар) ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичлар камбағалликнинг чегараси бўлиб, бундан кам бўлса, бундай оилалар камбағаллик даражасидан паст ҳисобланади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китоблари бўйича камбағалликнинг ўрта чегараси 3,2 доллар, ўрта ва юқори чегараси 5,5 ва 21,7 доллар даромадларга эга давлатлар ҳам белгиланган. Бундай табақаланиш шу давлатлар аҳолисининг фаровонлик даражасига боғлиқ. Ҳозирча Ўзбекистон қайси меъёрни асос қилиб олиши ҳақида тегишли меъёрий ҳужжат қабул қилиб, унинг ҳақиқий даражаси белгиланган эмас.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунёда “736 миллион киши (аҳолининг 10 фоизи) ўта қашшоқлик шароитида (кунига 1,9 доллардан кам киримга эга), дунё аҳолисининг деярли ярми – 3,4 млрд. киши – кунига 5,5 доллардан кам тушумга эга. Қашшоқлик даражаси энг юқори қитъа Африка, сайёрадаги энг қашшоқ мамлакатлар – Конго демократик республикаси (ўта қашшоқлик даражаси – 77,1 фоиз) ва Мадагаскар (77,6 фоиз)”га[55] тўғри келади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича ўртача даромадга эга мамлакатлар қаторидан жой олган (киши бошига йилига ўртача 1533 АҚШ доллари)[56] тўғри келмоқда. Агар жаҳон тажрибаси бўйича қарайдиган бўлсак, даромаднинг ўртача даражаси икки гуруҳга бўлинишини инобатга олиб, даромади ўртача даражадан паст мамлакатлар – киши бошига йилига 1036 - 4085 доллар ва даромади ўртача даражадан юқори мамлакатлар – киши бошига йилига 4086 - 12615 доллар. Биринчи гуруҳдаги мамлакатлар учун мезонлар қабул қилинган. Бу ўлчовлар бўйича киши бошига кунига 3,2 доллар — камбағаллик чизиғининг ўртача кўрсаткичи[57]. Миллий даромади ўртачадан баландроқ мамлакатлар учун кунига киши бошига 5,5 доллар камбағаллик чизиғининг ўртача кўрсаткичи белгиланган.

[55] Юрий Кочетков / EPA / Scanpix / LETA.
[56] Шерзод Мустафоқулов. Камбағаллик — айб эмас, бироқ... // https://xs.uz/uzkr/post/category/society.
[57] Ўша жойда.

Агар ушбу мезондан келиб чиқиладиган бўлсак, мамлакатимизда оилалар сонига қараб даромадлар даражаси 3,2 доллар бўлганда қуйидагича натижага эга бўлинади (4.2-жадвал).

4.2-жадвал

Камбағаллик даражасини Жаҳон банкининг даромади ўртача даражадан паст мамлакатлар бўйича оилалар сонига мос ҳолда аниқлаш ҳисоб-китоби (АҚШ долларида ва миллий валютада)[58] (ўртача 1 доллар 1.05.2021 ҳолатига 10500 сўм қилиб белгиланган)

Т/р	Оилаларда одам сони, *(киши)*	1 кунлик		1 ойлик *(30 кун)*		1 йиллик *(365 кун)*	
		Долларда	Сўмда *(минг сўм)*	Долларда	Сўмда *(минг сўм)*	Долларда	Сўмда *(минг сўм)*
1.	1 кишилик	3,2	33,6	96,0	1 008,0	1 152,0	12 096,0
2.	2 кишилик	6,4	67,2	192,0	2 016,0	2 304,0	24 192,0
3.	3 кишилик	9,6	100,8	288,0	3 024,0	3 456,0	36 288,0
4.	4 кишилик	12,8	134,4	384,0	4 032,0	4 608,0	48 384,0
5.	5 кишилик	16,0	168,0	480,0	5 040,0	5 760,0	60 480,0
6.	6 кишилик	19,2	201,6	576,0	6 048,0	6 912,0	72 576,0
7.	7 кишилик	22,4	235,2	672,0	7 056,0	8 064,0	84 672,0
8.	8 кишилик	25,6	268,8	768,0	8 064,0	9 216,0	96 768,0
9.	9 кишилик	28,8	302,4	864,0	9 072,0	10 368,0	108 864,0
10.	10 кишилик	32,0	336,0	960,0	10 080,0	11 520,0	120 960,0

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича мамлакатимиз ўртача даромадга эга мамлакатлар қаторидан жой олган. Чунки бир кишига бир йилга ўртача даромади, таъкидлангаидек, 1533 АҚШ доллари тўғри келади. Ушбу миқдор ўртача даражадан паст мамлакатлар қаторидан жой олишига тўғри келмоқда. Бундай мамлакатлар гуруҳида бир одам бошига тўғри келадиган даромад мезони бир кунга 3,2 долларни ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, бир кишига бир кунда 33,6 минг сўм,

[58] Жаҳон банкининг ишлаб чиққан меъёрлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби. Доллар курсини 1 долларни ўртача 10150 сўм қилиб олганда.

бир ойда 1008, минг сўм ва бир йилда 12096 минг сўм даромад олиши керак. Бундан паст бўлса, камбағаллик чегарасининг ўртачасидан ҳам паст бўлади. Агар оилалар сони 5 кишидан иборат бўлса, бир кунда 16 доллар ёки 480 минг сўм бўлиши лозим экан. Бир ойда 5040 минг сўм, бир йилда 60480 минг сўм бўлиши кўзда тутилган. Худди шундай оилалар сони бўйича бир кунлик, бир ойлик ва бир йиллик даромадларнинг камбағаллик чегарасига тўғри келадиган миқдорини ҳисоблаш мумкин.

Аҳоли даромадларини кўпайтириш масаласи нафақат ижтимоий, балки муҳим иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга. Чунки камбағалликдан қутилган кишида ҳаётдан қониқиш бўлади ва бунда яшашдан розилик аломатлари ҳам намоён бўлиб туради. Бундай шахсларда бунёдкорлик туйғуси шаклланиш учун имкониятлар ҳам пайдо бўлади. Мамлакатимиз аста-секинлик билан даромадининг ўртача даражаси икки гуруҳга, яъни 5,5 долларга чиқиши учун курашмоғи лозим. Бунда аҳолининг ўртача даромади бир кишига 4086 доллардан 12615 доллар оралиғида бўлиши лозим. Агар миллий даромадимиз бўйича ўртачадан баландроқ мамлакатлар сафига кирадиган бўлсак, бир кунда бир кишига камбағаллик чизиғининг ўртача кўрсаткичидир 5,5 долларни ташкил қилади. Шундагина ривожланган мамлакатлардаги аҳоли фаровонлигининг остонасига қадам қўямиз.

4.3. Камбағалликни қисқартириш бўйича кўрилаётган чоралар ва уларнинг натижаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармонида, “ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан, камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисо-диётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш билан бевосита

боғлиқдир”[59], деб таъкидланди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш ва ривожланишига алоқадор вазирлик ва идоралар фаолияти уйғунлигини таъминлашни, ҳар бир мутасаддиларнинг масъулиятини ошириш, мавжуд муаммо ва тўсиқларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишга асосланган замонавий ва инновацион тамойилларга асосланган тизимни жорий этишни талаб этади. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, юқоридаги фармонда бир қанча устувор вазифалар ҳам белгилаб берилган.

Ушбу устувор вазифалардан бири, “камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича яхлит тизим ва мувофиқлаштирувчи давлат органи, меъёрий-ҳуқуқий база, мезонлар ва баҳолаш услубиётини”[60] яратишга қаратилди. Чунки мамлакатимизда камбағалликнинг мавжудлиги ҳақиқат, аммо уни қисқартириш бўйича тегишли ташқилий, иқтисодий, ҳуқуқий механизмларнинг ҳамон йўқлиги мазкур масалага алоҳида аҳамият беришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда камбағаллик даражасига оид статистик маълумотлар келтирилди. “Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал, Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани, Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлаяпти, деган савол ҳар куни қийнайди», деб таъкидлади. Юқорида кўрганимиздек, мамлакатимизда Жаҳон банкининг камбағаллик даражаси бўйича минимал нормадан келиб чиқадиган бўлсак, бир киши бир кунда 19,3 минг сўм ўрта ҳисобда топиши лозим экан. Агар оилади 3

[59] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони.

[60] Ўша жойда.

киши бўлса, уларнинг бир кунлик минимал даромади 57,9 минг сўмни ташкил қилиши лозим.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз аҳолисининг ўрта ҳисобда 12-15 фоиз аҳолиси камбағал яшашади. Буларнинг даромади таъкидланганидек, бир кунда 19,3 минг сўмдан кам, Бунда шуни инобатга олиш жоизки, оилада 5 киши истиқомат қилса, уларнинг иккитаси ишлайдиган бўлса, ўрта ҳисобда шу оилага 96,4 минг сўм керак бўлади. Агар икки киши ишласа, камида 50,0 минг сўмдан топишига тўғри келади. Бундан кам бўладиган бўлса, оилалар қашшоқ оилалар сафига кириб қолади.

Мамлакатимиз миқёсида таҳлил қиладиган бўлсак, камбағалликнинг юқори даражаси Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келмоқда, Бу ҳақда бир қанча расмий ҳужжатларда, Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видео селекторларда ҳам таъкидланмоқда. Ўзбекистондаги камбағаллик ҳақида маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, “ҳозирги кунда камбағал оиланинг шахсий компьютер билан таъминланганлиги Республикадаги ўртача оиладан 12 баробарга, шахсий машина билан – 11 баробарга, кондиционер билан – 8 баробарга, чангютгич билан – 4 баробарга, кир ювиш машиналари билан – 4 баробарга, музлатгич билан – 2 баробарга, телевизор ва уяли алоқа воситалари билан – 1,5 баробарга камлиги кузатилади”[61]. Бугунги глобаллашган, рақамли иқтисодиёт ҳаётимизга жадаллик билан кириб келаётган даврда бундай ҳолатга йўл қўйиб бўлмайди. Аммо афсус, буларнинг борлиги ҳақиқат, булар кимлар, қаерда ва қандай ҳаёт кечиришмоқда. Ушбу ҳолат, албатта ўз-ўзидан бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз раҳбариятининг олдида шу камбағалликка барҳам бериш, имкон қадар уларни ушбу тоифадан чиқариш чораларини кўриши лозим бўлмоқда. Айнан шу мақсадни амалга ошириш учун Ўзбекистон Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилди. Ушбу вазирликка бир қанча янги вазифалар юкланди.

---

[61] review.uz/oz/au1 09.06.2020 15:13 780

Булар жумласига макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида камбағалликни қисқартириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозимлиги қайд этилган. Шу билан бирга ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарор таъминлаш учун ҳар бир ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш масаласи ҳам устуворликни талаб қилмоқда. Саноатнинг илғор соҳаларини ривожлантириш ва мамлакатимиз миқёсида ягон индустриал сиёсатни амалга ошириш, бунда давлат улуши бор корхоналарни ислоҳот қилиш, давлатнинг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инфратузилмани ривожлантириш шаҳарлаштириш сиёсатини амалга ошириш, бизнес-муҳит ва мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш масалалари ҳам устувор вазифа сифатида ушбу вазирлик зиммасига юклатилган. Шунингдек, жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш”[62] масаласи ҳам шу вазирлик зиммасига юклатилган. Агар ушбу тадбирларга диққат билан эътибор қилинса, ушбу вазифаларнинг барчасидан кўзланган пировард мақсади, аҳолини камбағалликдан чиқариш, фаровонлигини, яшаш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган.

Камбағалликка барҳам бериш учун нималар қилиш лозим, деган саволга жавоб бериш пандемия билан боғлиқ бўлиб турган бугунги кунда жуда муҳим. Камбағалликка барҳам бериш учун мамлакатимизда кечиктириб бўлмайдиган масалалар сирасига нималарни киритиш мумкинлиги хусусида айрим хулосаларимиз ва тавсияларимизни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини жорий қилиш, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.

Иккинчидан, ҳар бир маҳалла кесимида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан фуқароларининг яшаш

[62] «Газета.uz» 27 март 2020, 20:00. 2 647.

шароитлари ва ижтимоий аҳволи ўрганилиб, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.

Учинчидан, аниқланган ижтимоий аҳволи танг аҳоли қатламларининг рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳар бирида қандай имкониятлар мавжудлигини ўрганилиши ва шунга асосланган ҳолда камбағалликни тугатишнинг аниқ манзилли йўналишларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Шуни инобатга олиш жоизки, мазкур масалада бу майда-чуйда, камбағалликнинг қисқаришига бунинг аҳамият йўқ, деб қарамаслик лозим. Айрим ҳолларда майда нарсадек туюлган жараён катта муваффақиятларга олиб келиши мумкин.

Тўртинчидан, мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро мувофиқликдаги ишларни олиб бориш баробарида аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш принципини жорий қилиш эвазига бандлик муаммосини ҳал қилишга киришиш.

Бешинчидан, мамлакатимиз миқёсида ва унинг барча ҳудудларида, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорлардаги даромадлар даражасини ишлаб чиқиш ва жорий қилинишини тезлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки, энг аввало, камбағаллик даражасини билиб олиш лозим бўлади. Шундагина уни бартараф қилиш ишларига аниқ манзилли тадбирлар билан киришиш мумкин.

Олтинчидан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан 1 октябрга қадар қуйидаги муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқилиши белгиланган: “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача “Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси” ва “Саноатни ривожлантириш стратегияси”, “Камбағалликни қисқартириш дастури”. Ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик фикрини инобатга олиб, Давлат ва ҳар

бир ҳудуд ва маҳаллалар даражасигача аниқ чора-тадбирлар белгиланишига эришиш мақсадга мувофиқ.

Еттинчидан, маҳаллалар томонидан рўйхатга олинган аҳолининг камбағал ва ишсиз қатламлари, айниқса аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касбий таълим бўйича маҳаллий эҳтиёждан келиб чиқиб, бюджет ҳисобидан ўқув курсларини очиш ва уларни касбга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Саккизинчидан, тегишли маълумотлар асосида ҳар бир ҳудуд бўйича камбағаллик даражасини аниқлаш, уларни баҳолаш бўйича тегишли индикаторлар ишлаб чиқиш, ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудудда қанчадан камбағал оилаларнинг мавжудлиги маҳаллалар кесимида аниқ белгилаш ва уларни камайтириш бўйича маҳаллий ҳокимият томонидан аниқ чораларни қўллаш.

Тўққизинчидан, ҳар бир ҳудудлар кесимида камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш, унинг қанча қисми Давлат бюджетидан, қанчаси маҳаллий бюджетдан, қанчаси тадбиркорлар ҳисобидан ажратилиши бўйича аниқ манбаларни ҳам белгилаш ва уларнинг назоратини олиб бориш.

Ўнинчидан, ҳар бир ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари доирасидаги камбағалликни қисқартиришга қаратилган лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, ҳудуднинг эҳтиёжига мос бўлган янги иш ўринларини яратиш.

Ўн биринчидан, ҳудудлараро ривожланишнинг табақалашувини қисқартириш чораларини кўриш, қаерда иш ўринлари яратилиши лозим бўлса, ўша жойда янги иш ўринларини яратиш, ҳудудларда саноат зоналарини ташкил этиш, уларни жойлаштириш юзасидан услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, уларни ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш.

Ўн иккинчидан, камбағалликни қисқартиришнинг бир йўли сифатида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, бу борадаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилиш,

мазкур соҳани молиялаштиришнинг содда тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг қўллаш.

Ўн учинчидан, қишлоқ жойларда камбағалликни қисқартириш учун ишлатилмай келаётган ер участкаларини ҳозиргидек, ёшларга тақсимлаш тизимини янада давом эттириш ва такомиллаштириш мақсадида йирик тадбиркорларга сув иншоотларини қуриш ва уларни белгиланган тартибда фойдаланувчиларга сотиш тизимини жорий этиш механизмини яратиш, Зеро лалми жойлардан ҳамма кишининг сув чиқариш имконияти бўлмайди ва озгина жойни суғориш учун жуда катта харажат қилишга ҳам ҳожат бўлмайди.

Ўн тўртинчидан, мамлакатимизда давлат миқёсидаги ва ҳудудлар бўйича қабул қилинадиган ижтимоий-иқтисодий дастурларда белгиланган вазифаларни белгилашда камбағаллик даражасига таъсирини инобатга олиш ва имкон қадар ушбу муаммонинг ечимига қаратишга аҳамият бериш.

Ўн бешинчидан, мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини янгидан барпо қилишда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда асосий эътиборни камбағалликни қисқартириш масаласига йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Ўн олтинчидан, ёшларнинг қайси мутахассис ёки қайси даражадаги ўқиши (ўрта, ўрта махсус, олий) бўлмасин, барчасида ўзини ўзи иш билан таъминлаш кўникмасига ўргатиш, уларга назарий ва амалий дарслар орқали шу соҳага оид билимларни беришни ўқув режасига киритиш лозим. Ҳозир ўқув муассасаларида ўқиётган талабалар руҳиятида ўқув муассасасини битиргач қаердадир фаолият кўрсатиб турган корхона ёки муассасада ишлашни мўлжаллайди. Агар ушбу ҳудудда бўш иш ўринлари бўлмаса, у ўзини ишсиз ҳис қилади ва шундай қолади, Аксарият ёшлар ўзини-ўзи иш билан таъминлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Ўн еттинчидан, аҳолида мавжуд томорқадан самарали фойдаланишга катта эътибор бериш ва бу тадбирни янада такомиллаштириш лозим, масалан, шаҳарда 1 сотих ери бор киши тўрт бурчагига 4 та турли навдаги узум, ўртасига 2 та мевали дарахт (ўрик ва гилос) экиб парваришлаб ўстирса, озиқ-овқат

билан боғлиқ бир қисм муаммолари шу ерда ҳал бўлади, деярли бозорга бормайди. Бозорга кетадиган маблағларнинг тежалиши эвазига оилага яхшигина қўшимча даромад олиб келади.

Ўн саккизинчидан, ўзимиздаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишдек катта имкониятимиздан самарали фойдаланиш учун, меваларни саралаш, стандартлаштириш, сақлаш масалаларига алоҳида аҳамият бериб, ностандарт бозор "тортмайдиган" маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳам аҳолининг моддий салоҳиятини янада ошириш имконини беради.

Ўн тўққизинчидан, камбағалликни тугатишга йўналтирилган яна бир соҳа – бу хизмат кўрсатиш соҳасидир. Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта имкониятлардан бири ҳисобланиши, мамлакатда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этиши. Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартириши, лекин Ўзбекистонда бу соҳа салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланган. Жойларда маиший ускуналарни таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш шохобчалари, компьютер дизайнерлиги, бухгалтерия, реклама, пуллик тиббий хизмат каби тадбиркорлик субъектларини очиш эвазига мазкур йўналишда камида 160 минг қўшимча иш ўрни яратиш мумкинлигини ҳам Президентимиз кўрсатиб ўтган эди.

Йигирманчидан, камбағалликни қисқартишнинг муҳим йўналишларидан бири ички туризмни ривожлантириш масаласи бўлиб ҳисобланади. Чунки айрим ҳисоб-китобларга кўра, бу соҳада 200 мингдан зиёд аҳолини иш билан таъминлаш мумкин. Шунингдек, туризмга хизмат қилувчи умумий овқатланиш, транспорт, чакана савдо каби йўлдош тармоқларда яна кўплаб иш жойлари ташкил этилиши мумкин. Муҳтарам Президентимиз 2020 йил апрелдаги видеоселекторида ҳар бир ҳудудда имконият ҳам, саёҳатчилар диққатига сазовор жойлар ҳам етарли эканини қайд этди. Мисол учун, Янгиқўрғон туманида 16 та дам олиш масканини тиклаш ҳисобига 1 минг 500 нафар аҳолини, Бўстонликда 10 минг ўринга мўлжалланган кўчма дам олиш масканлари ташкил этиш орқали 8 мингга яқин кишини иш билан таъминлаш мумкинлиги кўрсатиб берилган эди.

Йигирма биринчидан, Ўзбекистоннинг нафақат қадимий шаҳарларидаги сайёҳлик имкониятлари, балки соҳани ривожлантириш учун бошқа имкониятлар ҳам чексиз. Шу туфайли, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар билан бирга янги ички туризм маршрутларини очиш, кўчма дам олиш масканларини кўпайтириш, тиббиёт ва соғломлаштириш туризмини тараққий эттириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди. Ҳокимлар ва сектор раҳбарларига сайёҳлар борадиган барча объектлар, меҳмонхона ва овқатланиш шохобчаларида карантин қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш лозимлиги юклатилди.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш масаласи бугунги кунда ўта долзарб бўлиб, у билан боғлиқ муаммолар ҳам, уларнинг ечимлари ҳам жуда кўп, буларни аниқлаш ва ҳал қилиш фақат мутасадди вазирликларнинг ёки маҳаллий ҳокимиятларнинг иши эмас, балки ҳар бир оиланинг, шахсларнинг ишидир. “Мен камбағал бўлиб қолмаслигим учун нима қилишим керак?”, деган саволни ҳар бир киши ўзига бериши ва энг аввало, жавобини ўзи ахтариши, агар ўзининг “қўли калталик” қилиб қолсагина, давлатга, маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилиши лозим. Бундайларга маҳаллий ҳокимият, бор имкониятларини ишга солган ҳолда лаббай деб жавоб бериши – миллатимиз, халқимиз олдидаги бурчимиз, деб қарашга одатланиши лозим. Масъулият ҳар томонлама бўлмас экан, кўзланган муваффақиятга эришиб бўлмайди.

4.4. Томорқадан самарали фойдаланиш камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш йўллари

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришнинг муҳим йўналишларидан бири томорқадан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилиб келинмоқда. Буни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти бир қанча фармон ва қарорларини ҳам эълон қилди, Президентнинг 2017 йил 9 октябрда “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдон-

ларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сонли Фармони, 2018 йил 26 апрелда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга асосан “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори ҳам қабул қилинди. Ушбу қарор билан “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом” тасдиқланди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, 2018 йил 26 апрель куни қабул қилинган «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурида “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғарма”си ташкил этилди. Жамғарма маблағлари фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 3 йил муддатга, шу жумладан, 1 йилгача имтиёзли давр билан 2 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда йиллик 7 фоиз ставкада кредитлар бериш учун «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига ресурслар жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, таъминлаш, савдо ташкилотлари ҳамда лизинг компанияларига моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги техникалари ва транспортларини сотиб олиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг иссиқхоналарини қуриш учун материаллар ва бутловчи қисмлар харид қилишга кредитлар бериш каби мақсадларда сарфланади[63].

Эндиликда ушбу Низомга асосан бир қанча тадбирлар жорий қилинди, булар қуйидагилардан иборат:

[63] Кун.уз. 27 апрель 2018, 10:04

Биринчидан, ҳар йили декабрь-январь ойларида туман (шаҳар) мутасаддилари, сектор аъзолари хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг йил давомида томорқа ер участкасида маҳсулот етиштириш, иссиқхона барпо этиш, чорва моллари ва парранда боқишга бўлган хоҳиши ўрганиб чиқилади. Камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, томорқадан самарали фойдаланиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилади, лозим ҳолларда турли йўналишларда (иссиқхона қуриш, ер ажратиш, кредит бериш каби) кўмаклашади.

Иккинчидан, ўрганиш натижалари бўйича ҳар йили 15 февралгача томорқа ер участкалари кесимида етиштириладиган экин турлари, иссиқхоналар барпо этиш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ҳамда чорва моллари, паррандалар сотиб олиш прогноз кўрсаткичлари тўғрисида туман ҳокими қарори қабул қилинади ва бу қарор деҳқон хўжаликлари бошлиқлари ва томорқа ер эгаларига етказиб берилади. Шу тариқа навбатдаги экин мавсумига қадар ҳар бир томорқа эгасининг режаси аниқ белгиланган бўлади.

Учинчидан, туман ҳокими қарори асосида махсус ишчи гуруҳ томонидан прогноз кўрсаткичларнинг бажарилиши бутун мавсум давомида мониторинг қилиб борилади, бунда нафақат умумий масалалар, балки аниқ вазифаларнинг бажарилиши ўрганилади. Бунда чорвачилик ва асаларичилик соҳасида, боғдорчилик ва деҳқончилик соҳасида, сабзавотчилик ва полиз экинлари каби йўналишлар бўйича ҳам аниқ манзилли текширувлар амалга оширилади. Ҳар бир қилинган ишнинг камбағалликка таъсири батафсил ўрганилади.

Тўртинчидан, мониторинг натижасида юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгаларига ер солиғи ставкасини пасайтирувчи коэффициентини қўллаш бўйича ишчи гуруҳнинг махсус таклифи киритилади. Ушбу тадбир томорқа эгаларини анча рағбатлантиради, бундай мативация камбағалликни қисқартиришга қаратилган тадбирларнинг таъсирчанлигини ҳам оширади.

Бешинчидан, экин турлари ҳамда мевали ва манзарали дарахтлар экилмаганлиги, чорва моллари сотиб олинмаганлиги, иссиқхона барпо этилмаганлиги аниқланса, томорқа ер эгасига

жорий йил учун ҳисобланган ер солиғининг уч баробари миқдорини қўллашни сўраб туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритилиш тартиби ўрнатилган. Шунингдек, деҳқон хўжалигига нисбатан эса ер участкасига бўлган ҳуқуқни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш бўйича чоралар кўрилади[64], бу ҳам томорқадан самарали фойдаланиш учун рағбат бўлиб ҳисобланади. Энди томорқа эгалари ерни ўз ҳолига ташлаб қўймайди, балки ундан самарали фойдаланиш учун ҳаракат қилади. Бу ҳам камбағалликни қисқартириш учун муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Томорқага эътибор қилинса у боқади, иш билан таъминлайди, камбағалликни қисқартириб, фаровонлигини оширади. Аммо унга бефарқ, боқиманда, масъулиятсиз ёндошилса, бундайлар ўзининг ҳам, томорқасининг ҳам, жамиятнинг ҳам душмани сифатида баҳоланади. Ушбу иборани тушуниш учун одамлар ўз ҳаётини таъминлаши учун бойликни қандай топиши мумкин?, деган саволга жавоб ахтарса, ҳамма нарса аён бўлади, деб ўйлаймиз. Одамлар тўртта йўналишда мол (бойлик) топиб, ўзларини тегишли неъматлар билан таъминлаш ва камбағалликдан чиқиш имкониятини яратадилар. Буларга:

Биринчидан, ўзи кимларгадир (тадбиркорга, давлатга, мулкдорга ва ҳ.к.) ёлланиб, керакли неъматни ўзи меҳнат қилиб ишлаб топади. Буларнинг топгани асосан олаётган ойлик маошининг миқдорига боғлиқ бўлади. Ушбу миқдор оила аъзолари сонига бўлганда камбағаллик чегарасидаги минимал миқдордан (ҳозир ўртача бир кишига 1,90 доллар) ортиқ бўлиши лозим.

Иккинчидан, ўзининг ортиқча мулкини ишлатиш эвазига бойлик топади. Масалан, ортиқча уйи бўлса, ижарага қўяди ва тегишли ҳақини олиб бойлик орттириб яшайвериши мумкин. Кўпларнинг тасарруфида нотурар жой мақомидаги бинолар мавжуд, Уларни дўконларга, ишлаб чиқариш корхоналарига, хизмат кўрсатиш фаолиятларини юритишга ижарага бериб ҳам мўмайгина даромад қилиб, бунинг эвазига бутун оиласини, ҳатто яқинларини ҳам боқиб келаётганлар ҳам кам эмас. Булар ортиқча

[64] “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом”.

пулини захира қилиб, яна мол топадиган мулкини кенгайтириш имкониятига ҳам эга бўлади.

Учинчидан, бойликни топиб, камбағалликни қисқартиришнинг яна бир қулай йўли бировларни ишлатиш эвазига амалга оширилади. Бунинг учун ҳозирги пайтда одамлар ўз маблағлари ва кредитлар эвазига тадбиркорликни ташкил қилиб, унинг фаолиятини йўлга қўйиб, янги иш ўринларини яратиб, бошқаларни ёллаб ишлатиб бойлик топади. Чунки ҳамманинг ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имконияти, яъни маблағи ёки қобилияти етарли эмас. Улар ўз меҳнатини сарфлаб, кун кўриш керак бўлади. Шунинг учун кимгадир (асосан тадбиркорларга) ёлланиб ишлайди. Тадбиркор эса, ўз навбатида, уларни ишлатиш эвазига ўзини ҳам, ишловчисини ҳам моддий ва маънавий неъматлар билан таъминлаш имкониятини яратади. Хуллас, тадбиркор бировларни ишлатиш йўли билан бойлик орттириб фаровон яшайди.

Тўртинчи тоифа одамлар борки, улар бировларнинг мулкига ҳам, ишига ҳам "қарам" бўлмасдан, ўзларини ўзлари иш билан таъминлаб, ўзларини, яъни оиласини ўзлари боқишади, Булар томорқа эгалари, ҳунармандлар, жуда кўп хизмат кўрсатиш турлари билан шуғулланувчилардир. Томорқада ер беминнат, агар ўзига ўзи иш ўрнини яратган бўлса, бунга ҳам ҳеч ким хўжайин эмас. У ҳеч маҳал ҳеч кимга қарам бўлмасдан ҳар бир фаолиятни ўзи бошқаради, хуллас ўзи учун ўзи ишлайди.

Аммо аҳолининг айрим қатламларида масъулиятсизлик, бефарқлик руҳияти сингиб қолган, ўзида беминнат томорқаси бор, унга қарамасдан, ҳатто эътибор ҳам бермасдан "Мени давлат қачон иш билан таъминлайди", қабилида яшаб келади. Ақли, фаросати етарли, аммо ишсизман, давлат мени иш билан таъминлаб бермаяпди, деб нолиб юраверади. Оқибатда оилада етишмаслик натижасида носоғлом муҳит вужудга келади, ҳаминқадар кун кечира бошлайди. Тани жони соғлом бўла туриб, ўзларини ўзлари кам таъминланган оилалар қаторига киритиб қўйишади. Бундайлар аста-секинлик билан ногиронлиги бор шахсга айланиб қолишларига ҳам ўзлари сабабчи бўладилар. Дангасалиги эвазига даволатишга маблағи етмасдан, натижада ногиронлиги бор кишиларга айланиб қолиши ҳам мумкин. Еб-

ичиш етарли бўлмаган оилада носоғлом муҳит эвазига кўп ҳолларда нуқсонли, ногирон болалар пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммасига, агар чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, пировардида инсонларнинг ўзлари сабабчидирлар.

Бугунги кунда ҳаммага аён ҳақиқат, Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва ғамхўрлиги туфайли кам таъминланган, ногиронлиги бор аҳоли қатламига катта эътибор қилиб, уларни уй-жойлар, тегишли жиҳозлар ва бошқа зарур ашёлар билан таъминлаб келмоқда. Бу катта олқишларга сабаб бўлаётган савоб ишлардан биридир, лекин ўзимиз қанчалик ҳаракат қилаяпмиз? Бу саволга ҳамма ўзига ўзи жавоб бериши керак, деб ўйлаймиз,

“Ҳаракатга барокат”, деган мақолни ҳамма билади, жуда кўп эшитган. Аммо бунга нечоғлиқ амал қилмоқдамиз. Жумладан, одамлардаги томорқани олайлик, бу ҳам хазина, каттагина бойликка эга бўлиш имконияти. Томорқадан қанча даромад қилиш мумкинлиги хусусида биргина **далил**, масалан, Пахтачи туманида 28453 та хонадон мавжуд экан. Улар тасарруфида 1835 гектар томорқа ери бор, бу майдонда икки марта ҳосил олинса 60-65 миллион сўм даромад олиш мумкин экан (“Зарафшон” газ, 2019 йил 26 март, Воҳид Раҳимов маълумоти). Бу ерда ўртача ҳар бир гектар ердан 35,4 млн, сўм даромад қилинар экан. Агар бир сотих ерингиз бўлса, 3,54 млн сўм даромад қиласиз.

Камбағалликни камайтиришда томорқанинг аҳамиятли жиҳати нимада? Биринчидан, томорқа ўз ихтиёримиздаги, тасарруфимиздаги экиладиган ер майдони – бетакрор неъмат, ундан фойдаланиш, ўзимизни иш билан, моддий неъматлар билан таъминлаш имконини беради. Томорқада меҳнат қилиш ҳеч кимга тобе бўлмаган ҳолда амалга оширилади. Қулай юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорликни рисмийлаштириш орқали ўзингизни ўзингиз иш билан банд қилган бўласиз. Шу билан мазкур ҳудудда бандлик муаммоси ҳам ҳал бўлиб боради, Аста-секинлик билан тадбиркорликнинг кўламини кенгайтириш имконияти яратилади.

Иккинчидан, бу муаммони ҳал қилиш йўли борми, деган саволга жавоб ахтарамиз. Бунга эришиш йўли бор экан, Кузатувларимиз натижасида кўп хулосаларга келинди. Шу туфайли далилларни осмондан олмасдан, одамларимизнинг амалга

ошираётган ишларини тизимлаштирдик. Буларнинг айримларигагина тўхталиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Учинчидан, ҳар бир қарич ер Яратганнинг бизга берган неъмати, уни хор қилмасдан, ундан самарали фойдаланиш биз учун шараф, ризқ-насиба, унга эътиборсизлик увол, ҳар бир қарич ерни менинг ризқим, ундан самарали фойдаланиш учун мажбурман, деб қараш кўникмасини ҳар бир киши ўзига сингдириб олиши лозим. Томорқаси борлар камбағал бўлишга ҳаққи йўқ.

Тўртинчидан, айтмоқчи бўлган яна бир гап, бундан ибрат олса арзийди. Шаҳарда бир оиланинг бир сотихгина жойи бор, ундан файдаланишига эътиборни қаратинг. Тўрт бурчагига тўртта ток эккан, уни кўтариб бутун ҳавлисини ёпадиган войиш қилган. Узумнинг эрта пишадиган ва қишга сақлайдиган навларини эккан, деярли йилнинг саккиз ойида узум ейди, Бирор кило узум сотиб олмайди. Узумнинг ўртасига битта гилос ва битта ўрик экилган, тагида эса, райҳон, ялпиз, турли кўкатлар, ҳатто гиёҳлар ҳам экилган. Булар ҳам оила эҳтиёжини тўлиқ қоплайди.

Бешинчидан, агар шу оила ўша еридан фойдаланмасдан фақат олган пенсиясига (иккаласи ҳам пенсионер) қараб яшаганда пенсиясининг асосий қисми ушбу неъматларни харид қилиб истеъмол қилишга кетган бўларди, акс ҳолда, улар пенсиясининг бир қисмини жамғариб бормоқда. Хуллас, томорқа хўжалиги оила учун даромад, мос равишда фаровонлик манбаи экан. Камбағаллик ҳақида хаёлига ҳам келмайди. Бу кишилар ерни боқади, ер эса ўз навбатида эгасини боқади. Хуллас, томорқасининг ҳар бир қаричига бефарқ бўлмаган одам бугунги кунда ўзини ўзи иш билан, моддий ва маънавий неъматлар билан таъминлайди.

Яқинда Адлия вазирлигининг «Huquqiy axborot» канали хабарига кўра 2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, 2019 йилда 370 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилади. Бундан ташқари мавсумий ва вақтинчалик ишларда 182 мингдан ортиқ аҳолининг бандлиги таъминланади. Жами 552 минг (370+182) аҳоли иш билан таъминланади. Булардан ташқари Давлат буюртмаси доирасида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун эса 46 мингдан ортиқ иш

ўринлари банд қилиб қўйилади. Шундай қилиб, 2019 йил якунига қадар республика ҳудудидаги мавжуд ишсизлик даражаси ўсишининг олдини олиш, ишсизлик даражасини камайтиришга эришиш режалаштирилган. Белгиланган прогноз бўйича айрим ҳудудларда хусусан, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро, Навоий, Хоразм, Фарғона вилоятларида ишсизлик даражаси, демак, камбағалликнинг даражаси камайиши кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир киши томорқага таяниб, унда экилган дарахтларга "суяниб", олган ҳосили-ю, қилган даромадига қувониб яшаш имкониятини яратиш ҳам ўзига, Яратганнинг неъматларига бефарқ бўлмаган кишига боғлиқ бўлиб қолди. Ҳар бир киши камбағалликнинг биринчи омили дангасалик, ишёқмаслик эканлигини тушуниб яшаса кам бўлмайди. Сир эмас, айрим тоифадаги одамлар, менга давлат ишга жойлаштириш керак, менга уни-буни қилиб бериши керак деган ақида билан яшашга ўрганиб қолган. Агар биз ўзимизнинг халқимизни шу руҳиятдан қутилтирмас эканмиз, камбағалликни тугатиш жуда қийин кечади.

Боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ишда камбағаллик тушунчаси, унинг мазмуни, даражаси ва камайтириш йўллари илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатдан қараб чиқилди ва тегишли фикрлар айтилди. Мамлакатимизда камбағаллик даражасини баҳолашда қандай кўрсаткичларга таяниши ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган тавсиялар ва тегишли чора-тадбирларга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Шунингдек, унда камбағалликни камайтиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва йўналишлари ҳам қараб чиқилган бўлиб, уни камайтириш учун бир қанча тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Буларга:

Биринчидан, камбағалликни бартараф этишнинг энг тўғри ва самарали йўлларидан бири аҳоли бандлиги даражасини ошириш билан боғлиқ. Бунда маҳалланинг ролини ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз, чунки барча ишсизларнинг аниқ рўйхати маҳаллада. Шу туфайли маҳалалалрда уларни ўзини-ўзи банд қилиш принципи асосида ишга жойлаштирадиган механизм ишлаб чиқилиши лозим.

Иккинчидан, энди янги иш ўринлари шунчаки расман яратилиши устида эмас, балки одамларга муносиб ва даромади юқори иш ўринларини яратиш ҳақида ўйлаш ва амалга ошириш лозим. Айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик учун шарт-шароитлар, бизнес учун қулай муҳит яратиш мақсадида у ерга илғор технологияларга асосланган саноатни киритишга ҳаракат қилиш лозим.

Учинчидан, камбағалликни камайтириш учун аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун тегишли билимга ва кўникмага эга бўлиши учун тегишли тадбирларни амалга ошириш лозимдир. Ҳар бир шахс ўзи янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш лозимлигига масъуллигини ҳис қиладиган авлодни тарбиялаш керак бўлмоқда.

Тўртинчидан, аҳолининг даромадларни топишида мавсумий-ликдан давомийлигига ўтиш лозим. Чунки Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистонда иш билан банд бўлганларнинг тахминан 27 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатади. Буларнинг даромади мавсумий бўлиб, фақат етиштирган ҳосили сотилган пайтдагина даромад қилади, Бошқа даврларда эса уларнинг даромад камаяди. Бу айнан камбағалликнинг кучли мавсумий таркибий қисмини ташкил қилади. Шу туфайли ушбу қатлам аҳолининг фаровонлик ва истеъмол даражаси ҳар фаслда ҳар хил бўлади.

Бешинчидан, бугунги кунда мамлакатимизда расмий маълумотларга кўра, меҳнат қиладиган аҳолининг 38 фоизи норасмий иш билан банд, буларнинг 43 фоизи ёшлардан иборат. Ушбу ҳолат хуфёна иқтисодиётнинг илк кўриниши бўлиб ҳисобланади. Бунга барҳам бериб, барча иш билан банд шахсларни расмий бандликка ўтказиш лозим бўлади. Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, уларнинг ҳам асосий қисми иш билан мавсумий банд бўлганлардан иборат. Шу туфайли янги иш ўринларини асосан доимий банд бўладиган қилиб очишни тақозо қилади,

Олтинчидан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида касана-чилик билан боғлиқ меҳнат турини ривожлантириш унун маҳал-лаларда касаначилик марказларини ташкил қилиш лозим. Бунда

замонавий машиналар, ускуналар, хомашё ва материалларни харид қилиш учун молиявий ресурсларни маҳалла тадбиркорлари ҳисобидан ташкил қилиш лозим бўлади, Айнан ушбу марказ касаначиларга маблағни ҳам, буюртмачиларни ҳам топишига, тадбиркорлик субъектлари билан кооперациясини кенгайтиришга кўмаклашади.

Еттинчидан, ҳар бир шахсни бир қанча ҳунарга ўргатиш лозим бўлади. “Бир йигитга 40 ҳунар ҳам оз”, деган пурмаъно мақолимиз бор. Агар бунга амал қилинса, ишга жойлашишга муҳтож шахсларга касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади, бунда албатта бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мақбул шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган чоралар кўриш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Зеро, бундай шароитда истеъмолчи ҳам, етказиб, етиштириб берувчи ҳам муҳтожликни сезмайди.

Саккизинчидан, камбағалликни қисқартириш учун аҳоли реал даромадлари ва харид қобилиятини ошириш лозим бўлади. Бу давлат даражасидаги тадбир бўлиб, бунга ижтимоий меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш орқали эришилади. Шу йўл билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, истеъмол товарлари ва хизматларини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни тақозо қилади. Бунинг учун ходимлар меҳнат унумдорлигини кескин оширишга эришиши лозим бўлади.

Юқорида қайд этилган масалалардан олий ўқув юртлари талабалари, магистрлар ва профессор-ўқитувчилар, шунингдек, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, малака ошириш курслари тингловчилари ва камбағалликни камайтириш билан шуғулланувчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Боб бўйича адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4653-сонли Қарори.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, (Жами 5 та жилддан иборат), / Таҳрир ҳайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқалар. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

4. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-амалий тавсия, – Самарқанд, СамИСИ, 2020, 68 б.

5. Пардаев М.Қ., Эштаев А, Пандемия шароитида иқтисодиёт: муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида, // “Сервис” журнали, 2020 йил, МАХСУС-сон, Самарқанд, 2020, – 5-10 бет.

6. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағаллик ўлчовлари ва муҳтожликдан қутилиш чоралари,// “XX1-АСР” газетаси, 2020 йил 9 июль, 23-сон, – 1, 6-7-бетлар.

7. Пардаев М.Қ. Ўзини ўзи иш билан банд қилиш: камбағаллик ва ишсизликни тугатишнинг муҳим омили, // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2020 йил 14 август, 153-сон, – 1-2-бетлар.

8. Пардаев М.Қ., Пардаев О. Мамлакатимизда камбағаллик даражасини камайтириш йўллари, // “Логистика ва иқтисодиёт” Илмий-электрон журнал, 2020 йил 5-сон, 36-42 бетлар.

9. М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаева. Камбағаллик тушунчасининг назарий талқини, // “Ўзбекистонда хусусий мулкчилик ва оила тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари” Республика ИАК материаллари, Т.: ТДИУ, 127-130 бетлар.

10. Рустам Хасанов, Камбағаллик муаммоси: моҳияти ва омиллари, // IQTISODIYOT: tahlillar va prognozlar, Илмий журнал, 2021- 1-сон, 19-23 бетлаор.

11. Нилуфар Сафарова, Камбағалликни қисқартиришда ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирининг таҳлили, // IQTISODIYOT: tahlillar va prognozlar, Илмий журнал, 2021- 1-сон, 48-52 бетлар.

12. Бахтишод Ҳамидов “Ўзбекистонда камбағаллик даражаси, Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак**?”** **(**review,uz/oz/au1 09.06.2020 15:13 780,).

13. Муҳаммедов М.М. 1.9 АҚШ долларидан кам маблағга кун кечираётганлар... //”Zarafshon” газетаси, 2020 йил 23 июнь, 68 сон, – 2-бет.

14. Шерзод Мустафоқулов, Камбағаллик — айб эмас, бироқ... // https://xs,uz/uzkr/post/category/society.

15. Ўзбекистон Республикасидаги ЮНИСЕФ ваколатхонасининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи, //unicef / har bir bola uchun.

5-боб. ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

Пандемия шароитида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилган ислоҳотлар, барқарор иқисодий ўсишни тиклаш, жамиятни модернизациялаш, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган чоралар миллий иқтисодиётда жиддий миқдор ва сифат ўзгаришларга олиб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва туб ўзгаришлардан кўзланган бош мақсад – мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини узлуксиз равишда ошириш ва уни олдинги ҳолатига қайтаришдан иборат. Ушбу муҳим вазифани амалга оширишда, яъни мамлакат аҳолиси учун муносиб турмуш даражаси ва сифатини шакллантиришда, хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида ўрни бор.

Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кескин ошириш бир қатор муҳим ижтимоий иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, яъни аҳолини иш билан таъминлаш, кишиларнинг реал даромадларини кўпайтириш, аҳоли барча қатламларининг турмуш фаровонлигини яхшилаш имконини бермоқда. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки хизматларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ўсиб, пандимия даврида сезиларли даражада пасайиш кузатилмоқда. 2015 йилда ушбу кўрсаткич 48,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, у 33,5 фоиз. Самарқанд вилоятида ҳам хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (мос равишда 47,2-30,9) фоизни ташкил этган. Ушбу соҳани келажакда жадал суръатлар билан ривожлантириб бориш мамлакатда узоқни кўзлаб олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсатнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2035 йилга қадар туриз хизматларининг улушини ялпи ички маҳсулотда 28 фоизга етказиш масаласи қўйилганлиги фикримизнинг ёркин далилидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион жараёнлар сустроқ ривожланмоқда, аҳолининг сервис хизматларига бўлган талаблари етарли даражада қондирилмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳасининг шаклланиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, унинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини маълум даражада пасайтирмоқда. Бизнинг фикримизча, бундай ҳолатнинг мавжудлиги юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этишнинг, хусусан, хизматлар соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш ва улар сифатини юқори даражаларга кўтариш йўли билан аҳоли турмуш фаровонлигини кўтаришнинг илмий асосланган, тизимлашган методологиясининг ишлаб чиқилмаганлиги билан белгиланади. Аҳолининг барча қатламларига хизмат кўрсатиш тизимини босқичма-босқич бозор муносабатларига мос ривожлантириш ва шу йўл билан бутун мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтиришга эришиш бўйича ягона концепциянинг ишлаб чиқилмаганлиги ҳам ушбу йўналишда кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, таъкидлаш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошишини кенг ва чуқур таҳлил қилиш, унинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш энг долзарб масалалардан биридир.

5.1. Хизмат кўрсатиш соҳасининг мазмун-моҳияти ва бугунги пандемия шароитида уни жадал ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Бугунги кунда эпедимия ва коронавирус пандемия таъсирини бартараф этиш учун давлат томонидан амалга ошириладиган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Аммо, ислоҳотларни амалга ошириш билан иқтисодиётда юзага келган салбий ҳолатлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, аҳоли турмуши даражасига ва мамлакат иқтисодиёт хавфсизлиги даражаларига таъсир этиши табиий. Халқаро валюта жамғармасининг коронавирус пандемияси кенгайишининг тўхтатилиши ва иккинчи ярим

йилдан бошлаб иқтисодий фаолликнинг босқичма-босқич тикланиши бўйича тахминларига асосланган базавий прогнозларига кўра, 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти ялпи ички маҳсулоти 3,0 фоизга қисқарганлигини кўрсатмоқда[65]. Мамлакатимизда ҳам коронавирус пандемияси иқтисодиётга етарлича таъсир этиб иқтисодий ўсиш суратини камайишига сабаб бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси парламентига мурожаатномасида, бу йил ўтган йиллардан фарқли равишда, мураккаб бир даврга тўғри келганлиги, бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказганлиги, иқтисодиётдаги бундай тебраниш юз йилда[66] рўй бермаганлигини алоҳида таъкидладилар. Юзага келган муаммоларни бартараф этиш мақсадида "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"[67]ги Фармонда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучли кучайтириш ва иқтисодий тармоқлари фаолият кўрсатишнинг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор беришни тақозо қилмоқда.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиёт нафақат ишлаб чиқариш, балки минглаб хизмат турларини мужассамлайдиган соҳалар мажмуига айланди. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида қарор топаётган миллий иқтисодиёт, изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг пировард натижаси сифатида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратмоқда. Ушбу соҳа бугунги кунда миллий иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантираётган, аҳоли турмуш даражаси ҳамда сифатини яхшилашда юқори самара бераётган соҳадир. У ижтимоий ва

---

[65] http://bukvi.ru

[66] Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. "2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили". Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь.

[67]Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Т.: 2020- йил, 3-апрел, ПФ-5978-сон. www.lex.uz

халқаро меҳнат тақсимотининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳаси бошқа тармоқларнинг ривожланишига, янги иш ўринларини яратишни мувофиқлаштиришга, янги технологияларни жорий этиш ва такомиллаштиришга, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рақобатбардошликни оширишга имкон яратиб бермоқда. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимиз мажмуасининг таркибий қисми бўлиб, иқтисодий муносабатлар умумий тизимида иштирок этади ва мавжуд бўлган барча иқтисодий қонунларга ҳам амал қилади. Соҳанинг кўлами, унинг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардаги улуши, аҳоли жон бошига хизматларнинг ҳажми орқали аниқланади. Хизмат кўрсатиш соҳаси муайян давлат иқтисодиётига катта ижобий таъсир кўрсатади ва тўғридан-тўғри аҳоли турмуш даражасини ошишига хизмат қилади. Бинобарин, ривожланган мамлакатларда соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизни[68], умумий бандликда 75 фоизни ва жами корхоналар таркибида 90 фоизни ташкил этади[69].

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаларини тубдан ислоҳ қилишга, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга, барқарорлаштирувчи ролини оширишга, инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва рақобатбардошликни таъминлаш омили сифатида фойдаланишга ҳуқуқий асослар яратилди. Илғор фан-техника ютуқлари хизмат кўрсатиш соҳаларига жорий этилди, хизмат кўрсатувчиларни касбий ва қайта тайёрлашни кенгайтириш, йирик ва кичик хизмат кўрсатувчи корхоналар билан кооперациясини шартнома муносабатларини ривожлантириш асосида ташкил этиш механизмларини кучайтириш, корпоратив муносабатлардаги иштирокини фаоллаштириш яхшиланди. Аммо, пандемия шаритида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида қўлга киритилган ўлкан ютуқларга қарамасдан, хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича бироз оқсамоқда. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги

[68] http://bukvi.ru

[69]Yulduz P. Urunbaeva Increasing the impact of service sector on the living standards of population in innovative economy environment http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10387/5598 2020. 05.

улушини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш асосида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга замин яратадиган замонавий илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида "хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларни ўрни ва улушини ошириш"[70] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасидаги ишларни долзарблигини белгилаб беради.

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳар қандай иқтисодий тизимнинг барча муаммолари марказида туради ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт соҳасида барча уринишлар пировард натижада шу бош муаммони ечишга қаратилган. Шу сабабли, ижтимоий фаровонлик ва турмуш даражасига оид масалалар қадим замонлардан бери кўплаб иқтисодчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Ижтимоий фаровонлик ва аҳоли турмуш даражаси назариясини шакллантиришда А.Смит, В.М.Жеребин, А.Н.Романов, Н.А Горелов[71] каби таниқли иқтисодчилар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшганлар. Уларнинг ижтимоий фаровонлик ва унга эришиш борасидаги назарий ёндашувлари ва назарий қарашларисиз аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражаси тўғрисида замонавий илмий қарашлар тизимини яратиш қийин.

Ушбу соҳадаги назарий изланишларимиз натижасида аҳоли турмуш даражасини оширишга оид муаммоларни ечишда инсоният тараққиёти ҳозирги босқичнинг учта муҳим хусусиятларини, яъни: Биринчидан – глобаллашув шароитида миграция, хизмат кўрсатиш соҳаси, жаҳон бозорида халқаро савдо, чет эл инвестициялари ҳамда коммуникация воситаларининг ривожланиши ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг ўсиш даражасига ўз

---

[70] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони 1-иловаси "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" Lex.uz

[71] Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. /пер.С.англ.Е.М.Майбурда.-М., 1993. – С.572.; Жеребин В.М., Романов А.Н. Уровень жизни населения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002.- С 224. ; Горелов Н.А.и др. Политика доходов и качество жизни населения: Учеб. пособие. - СПб.: Питер, 2003.- С 653.

таъсирларини ўтказади. Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот, товар ва хизматлар импорти ва экспортнинг ўсиб бораётганлиги ҳар бир мамлакат аҳолиси турмуш даражасини ва сифатини шакллантиришда катта таъсир кўрсатмоқда. Иккинчидан – экологик (эпедимия ва пандемия) муаммоларнинг кескинлашиб бораётганлиги. Бунинг оқибатида иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсадида ресурслардан фойдаланиш муаммоларини ҳал этишда миллий ва халқаро экологик хавфсизликни таъминлаш, ҳозирги ва келажак авлодларни манфаатлари тенглигини таъминлайдиган барқарор ривожланиш концепциясига риоя қилиш зарурати кучаймоқда. Учинчидан – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделининг шаклланиб бораётганлиги, тақсимотда ижтимоий адолат тамойилларининг кучайиб бораётганлиги, айнан оқилона ижтимоий сиёсат иқтисодий ривожланишнинг бош омилига айланаётганлигини эътиборга олиш лозим. Бу давлатнинг аҳолини эҳтиёжманд қатламлари ва ижтимоий заиф гуруҳларини (ногиронлар, ёшлар, аёллар (Covid-19 инфекцияси билан касалланганлар)) қўллаб-қувватлаш ва бозор стихиясидан ижтимоий ҳимоялашни тақозо этади. Ўз навбатида, аҳоли кенг қатламлари турмуш даражасининг юксалиши унинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятини кучайтиради, ишлаб чиқаришда инсон омилининг роли ва аҳамияти тобора кучайиб боради, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш жараёнларига қатнашиш фаоллигини оширади.

Қуйилган назарий муаммога аниқлик киритиш мақсадида ҳар бир йўналишнинг мазмунига ва таъсир қилиш механизмларининг моҳиятига батафсилроқ тўхталиб ўтиш муҳимдир. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва инсон иқтисодий фаолиятининг бош мақсади – аҳолининг узлуксиз тарзда ошиб бораётган эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Аҳоли эҳтиёжларини қондириш

зарурати хизматлар соҳасига ҳам тўла дахлдор. Турли-туман хизматларга бўлган эҳтиёжлар – аҳоли умумий эҳтиёжларининг ажралмас таркибий қисми ва уларни имконият борича тўлароқ қондириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий функцияси ҳисобланади.

Шундай экан, хизматлар соҳасининг миллий иқтисодиётдаги мавқеи мустаҳкамланиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланганлиги постиндустриал жамиятнинг муҳим хусусиятларидан бири дейишимиз мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳаси турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, табиий, қолаверса, маданий жараёнларнинг ўзаро боғлиқликда ривожланишининг хосиласи бўлиб, пировард натижада, инсон турмуш даражаси яхшиланиб боришида ўз ифодасини топади. Ўз навбатида, ҳар бир инсоннинг турмуш даражасини ошириш қулай шароитларда ҳаёт кечириш, ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондиришга бўлган табиий интилиш жамият тараққиётини ва бутун иқтисодий фаолият тизимини ҳаракатга келтирувчи муҳим омил сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Хизматлар инсон ҳаётий эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим воситаси сифатида жуда қадим замонларда пайдо бўлган бўлсада, улар тўғрисидаги илмий қарашлар дастлаб мумтоз иқтисодиёт назарияси намоёндалари асарларида шаклланган эди. Соҳа мутахассис олимлари хизматлар тушунчасининг моҳиятини очиш ҳамда уларнинг товар шаклидаги ноз-неъматлардан тубдан фарқ қилишини асослаш мақсадида инсон истеъмол қиладиган барча ноз-неъматларни икки турга: моддий ноз-неъматлар ва номоддий ноз-неъматларга бўлганлар. Айтиш жоизки, иқтисодий таълим намоёндалари барча хизматларни номоддий ноз-неъматлар сифатида қараб, фан тарихида илк бор хизматлар илмий тушунчасининг шаклланишига асос солганлар. Мисол учун мумтоз иқтисодчи А.Смит хизмат шаклидаги ноз-неъматларнинг иқтисодий мазмунини тўлароқ очиб бериш ҳамда унинг мамлакат ижтимоий бойлигининг манбаи сифатида қараш муаммосини ҳал этиш мақсадида “унумли меҳнат” ва “унумсиз меҳнат”

тушунчаларини киритган[72]. Моддий маҳсулот, моддий неъмат яратадиган барча меҳнат турлари унумли меҳнат бўлиб, ушбу меҳнат янги қиймат яратади. Шунингдек, хизмат кўрсатишда банд бўлганларнинг меҳнати унумсиз бўлиб, ушбу меҳнат янги қиймат яратмайди, балки моддий ишлаб чиқаришда яратилган қийматни ўзлаштириш учун хизмат қилади.

Инсон ҳаёт фаолияти ва турмуш кечириш тарзида моддий кўринишдаги неъматлар киши учун моддий қулайликлар яратади. Лекин инсон учун, унинг ҳаёти учун у қандай (эпедимия ва коронавирус пандемия) даврда, қандай мамлакатда яшаётганлиги, ўша мамлакатдаги аҳвол, фуқаролик ва ҳарбий хавфсизликнинг таъминланганлиги, давлат мулкидан фойдаланиш ва бепул таълим олиш, бепул соғломлаштириш имкониятлари, суд томонидан ҳимояланиш ҳуқуқи кабилар ҳам ўта муҳим ҳисобланади[73].

Хизматлар соҳаси ҳақидаги ҳозирги замон назарий билимлар улар ҳақидаги дастлабки тасаввур ва илмий қарашлардан мазмунан анча йироқлашиб кетди. Хизматлар соҳасининг ҳозирги кундаги улкан иқтисодий салоҳияти ҳамда мамлакат миллий иқтисодиётидаги мавқеи ва ушбу соҳа ҳақидаги назарий билимлар бир неча асрлар давомидаги эволюцион ривожланишнинг натижасидир.

Мисол учун, Ф.Котлер хизматлар хусусиятига нисбатан шундай фикр билдирган: хизматлар бир томон иккинчи томонга таклиф этиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки неъмат, бирон нарсага эгалик қилиш имконини бермайдиган фойдали ҳаракат[74]. Ушбу фикрга мазмунан мос келадиган таърифлар ҳам учрайди, уларга алоҳида тўхталиб ўтиш муҳимдир. Хизматлар – истеъмолчилар томонидан харид этиладиган, аммо мулк шакл-тамойилидан бегона, ҳис этиб бўлмайдиган неъматлардир[75]. Хизмат – қандайдир моддий объект сифатида мулкка эгалик

---

[72] Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. /пер.С.англ.Е.М.Майбурда.-М., 1993. – С.-152.

[73] Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш истиқболлари. Диссертация С:, 2018 189 б.

[74] Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент. Экспресс-курс. 2-е изд. / пер. с англ.; под ред. С.Г. Божук.- СПб.: Питер, 2005. - С.301.

[75] Ассэль Г. Маркетинг: принципы и стратегия : учебник для вузов. -М.: ИНФРА-М, 2001.- С.337.

ҳуқуқи қўлга киритиш имкониятига эга бўлмаган наф келтирувчи тушунча ёки (ҳаракат) муносабатдир[76].

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган барча таърифлар ва фикрлар "хизмат" тушунчасининг иқтисодий-ижтимоий моҳиятини тўлиқ очиб бермаса-да, мазкур иқтисодий тушунчанинг муҳим бир жиҳатини асослашга қаратилган, бу ҳам бўлса, хизматлар ҳам барча моддий неъматлар каби инсоннинг у ёки бу эҳтиёжларини қондиради. Келтирилган таърифлардаги асосий нуқсон, бизнинг назаримизда, шундаки, "хизмат" тушунчасининг моҳиятини очиб беришда айнан уларга асосланадиган бўлсак, унда барча моддий, яъни буюмлашган неъматларни ҳам хизмат деб қарашимизга тўғри келади[77]. "Ҳар қандай соҳа, хоҳ у катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин, ўзида хизматларни намоён этади" деб таъкидлайди Т.Левитт. Ушбу фикрни давом эттирган ҳолда Ф.Котлер ушбу ёндошувга янгича мазмун берган ҳолда "Аслида товар харидори ҳисобланмиш мижоз унга таклиф этилган товар кўринишидаги хизматни харид этади... Пировард натижада ҳаммаси хизмат кўрсатишга бориб тақалади" деб таъкидлайди[78].

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилишимиз мумкинки, хизмат ходимнинг моҳирлигидан келиб чиқувчи унумли ва онгли меҳнатдир. Юқоридаги ғояларнинг мазмунига таянган ҳолда, ушбу тушунчаларга ойдинлик киритиш нуқтаи назардан қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Хизмат кўрсатиш – бу аҳоли, давлат ва жамият эҳтиёжларининг максимал даражада қондиришга йўналтирилган, аҳоли турмуш даражасининг (барча табақаларининг соғлиғига, маданий ҳордиқ чиқаришига, илмий салоҳиятига, кайфиятига, ҳар кунлик рўзғор ташвишлари учун сарфлайдиган қимматли вақтларини тежалишига (эҳтиёжига қараб)) юксалишига кўмаклашадиган фаолиятдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилишимиз мумкинки, хизмат кўрсатиш алоҳида жараён эканлигини

---

[76] Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики.-М., 2008. – С 19.

[77] Изоҳ: Соғликдан келса бойлик турмуш бўлар чиройлик! Соғлик бўлмаса гар топилган бойлик ҳам бир чақаликча қадирсиздур (Ю.П.Урунбаева).

[78] Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент. Экспресс-курс. 2-е изд./пер. с англ.; под ред. С.Г. Божук. - СПб.: Питер, 2005.- С. 301.

эътироф этиб, аслида улар аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган дейиш мумкин.

5.2. Пандемиядан кейинги шароитда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг стратегик вазифалари

Инсоният тарихида хизматнинг ривожланиш даврига назар ташласак, хизмат кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб инсон кундалик фаолиятида узлуксиз тараққиётни таъминлаш, уни такомиллаштириш борасида доимий ҳаракатда, ижодда ва шу асосда барча эҳтиёжларини қондиришга эришиш мақсадида фойдаланиб келинган. Шунинг учун ҳам хизматни фалсафий категория сифатида қаралиб, унинг жараён эканлигини, жараённи эса ҳаракат деб билиб, оддий эмас, балки кишилик жамиятининг ривожланишига, равнақ топишига қаратилган ҳаракат деб қараш лозим.

Энг муҳими хизматларга бўлган эҳтиёж моддий хизматларга бўлган эҳтиёжлардан ўз моҳияти ва инсоннинг инсон сифатидаги тараққиётидаги аҳамияти жиҳатидан кескин фарқланиб туради. Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини модернизациялаш ва янгидан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш асосида хизматлар сифатини ошириш, ушбу соҳани диверсификациялаш асосида хизматлар ассортиментини кенгайтириш, янги хизмат турларини ишлаб чиқариш, хизматлар ҳажмини жадал суръатлар билан кўпайтириш аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Америкалик олим А.Маслоу пирамидасида физиологик (моддий) эҳтиёжларга муҳимлиги нуқтаи назардан биринчи ўрин берилган[79]. Шубҳасиз, бундай эҳтиёжлар ижтимоий тизим шакли ва ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражасидан қатъи назар, ҳар қандай жамият учун хос ва биринчи даражада қондирилиши лозим. Инсонлар, онгли ҳаракатланувчи тирик мавжудот сифатида, авваламбор бирламчи эҳтиёжларини, яъни озиқ-овқат истеъмол қилишлари, кийинишлари, бошпанага эга бўлишлари

[79] http://www.ctntrforum.ru/Macro/Stat 2 5.htm

шарт. Шундан кейингина улар таълим, маданият, санъат, саёҳат ва ҳоказолар билан шуғулланишлари мумкин бўлади. Ушбу пирамидада турли хил ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжлар ҳам муҳим ўринни эгаллаган. Лекин масаланинг муҳим жиҳати шундаки, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиб, аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси ошиб борган сайин, унинг хизматларга бўлган эҳтиёжи моддий неъматларга бўлган эҳтиёжига нисбатан тезроқ суръатлар билан ривожланади.

Хизматларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳолининг даромадлари шаклланиши меҳнатнинг мазмуни ва характери билан боғлиқ. Хизматларга бўлган эҳтиёжларнинг тобора ошиб бориши ва такомиллашуви аҳоли бандлигидаги таркибий ўзгаришларда, аниқроғи, унинг бандлигида хизматлар улушининг доимий тарзда ошиб боришида ўз ифодасини топади (5.1-жадвал).

5.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилояти аҳолисининг иқтисодиёт тармоқларида бандлиги кўрсаткичларининг 2018-2020 йиллардаги ўзгариши[80]

№	Кўрсаткичлар	Ўзбекистон Республикаси			Самарқанд вилояти		
		Йиллар					
		2018	2019	2020	2018	2019	2020
1	Доимий аҳоли сони (минг киши)	32656,7	33255,5	33 905,2	3720,1	3 798,9	3 877,4
2	Иқтисодий фаол аҳоли (минг киши)	14641,7	14876,4	14797,9	1620,6	1604,2	1585,4
3	Доимий фаол аҳоли сонидаги улулши (фоизда	44,8	44,7	43,6	43,6	42,2	40,9
4	Иқтисодиётда банд аҳоли (минг киши)	13273,1	13541,1	13239,6	1463,3	1455,8	1410,9

[80] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти статистика бошқармаси 2020 йил -2021йил январь ҳолатига кўра маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

5.1-жадвалнинг давоми

5	Иқтисодий фаол аҳоли сонидаги улуши (фоизда)	90,7	91,0	89,5	90,3	90,7	89,0
Жумладан: иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлар							
6	Саноатда (минг киши)	1802,9	1821,5	1789,7	196,1	197,5	191,5
7	Иқтисодиётда банд аҳолидаги улуши (фоизда)	13,6	13,5	13,5	13,4	13,6	13,6
8	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (минг киши)	3537,2	3544,6	3560,0	396,6	393,1	392,2
9	Иқтисодиётда банд аҳолидаги улуши (фоизда)	26,6	26,2	26,9	27,1	27,0	27,8
10	Қурилиш соҳасида (минг киши)	1205,5	1324,6	1267,8	147,8	144,1	138,3
11	Иқтисодиётда банд аҳолидаги улуши (фоизда)	9,1	9,8	9,6	10,1	9,9	9,8
12	Хизмат кўрсатиш-да (минг киши)	6727,5	6850,4	6622,0	722,9	720,6	688,9
13	Иқтисодиётда банд аҳолидаги улуши (фоизда)	50,7	50,6	50,0	49,4	49,5	48,8

Юқоридаги 5.1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра Самарқанд вилоятида доимий аҳоли сони 2018 йилда 3720,1 минг кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 3877,4 минг кишини, яъни (157,3 минг киши) 10,4 фоизга ўсган.

Иқтисодий фаол аҳоли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишчи кучи талабини қондирувчи аҳолининг маълум бир қисми ҳисобланади. Бу эса иқтисодий ўсиш суръатига иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишга алоҳида замин яратади. 2018 йилда иқтисодий фаол аҳоли 1620,6 минг кишини ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан (35,2 минг киши) га кўпайган.

2018 йилда иқтисодиётда банд аҳолининг 50,6 фоизи, яъни (саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, қурилиш) 740,5 минг киши ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлса, 49,4 фоизи, яъни 722,9

минг киши хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган. 2020 йилда мос равишда (51,2 фоиз - 48,8 фоиз) 688,9 минг киши хизмат кўрсатиш соҳасида бандлиги тўғри келмоқда. Албатта пандимия ушбу соҳага ҳам ўз таъсирини кўрсатган дейишимиз мумкин. Вилоят иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли сонининг камайиши ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажмининг камайишига ҳамда унинг таркибидаги хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи ҳам сезиларли даражада пасайишига олиб келган. Аҳоли бандлиги таркибида бундай ўзгаришларни пандимиянинг таъсири остида вужудга келган сабаб деб баҳолаш мумкин.

Самарқанд вилоятида аҳолининг соҳа ва тармоқлар бўйича бандлигини ошириш имкониятлари ва истиқболларини баҳолаш мақсадида уни республика кўрсаткичлари билан таққослашни лозим топдик. Таққослаш натижасида Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашда республикага нисбатан пастроқ даражаларга эришилганлигини кўрсатди

Шу билан бир қаторда вилоятда қишлоқ хўжалигида банд аҳоли улуши мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбатан қарийб 1,0 пунктга юқори. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, унда меҳнат унумдорлиги ошиб борган сайин, ушбу тармоқда банд аҳоли сони бундан кейин ҳам қисқариб бораверади. Агар Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг улушини (27,8 фоиз) республика бўйича ўртача кўрсаткич даражасига етказсак (26,9 фоиз), ушбу тармоқларда 32,0 минг киши ишдан бўшаши мумкин бўлади. Ишдан бўшаганлар эса хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида ишга жойлашишади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида меҳнатга лаёқатли ва иқтисодий фаол аҳолини иш билан таъминлаш барча мамлакатлар учун энг долзарб, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Меҳнат ресурсларига жуда бой ва улкан меҳнат салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон учун ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат қилиш истаги бор ҳар бир индивиднинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишига имконият туғдириб бериш анча юқори муаммога айланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ташаббуси асосида фан-техника тараққиёти ютуқлари ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинади ва қонуний равишда меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига ҳамда унумдорлигининг тез суръатлар билан ўсишига олиб келади. Умуман ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва интенсив асосда ривожланишга мослашган ҳозирги замон ишлаб чиқариши меҳнат унумдорлигининг узлуксиз тарзда ошиб боришисиз амалга ошиши ва ривожланиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда кейинги йилларда изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодиётни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш сиёсати, инновацион жараёнларнинг тобора ривожланиб бораётганлиги жонли меҳнат унумдорлигига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши оқибатида моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши нисбий қисқариши содир бўлади. (5.2-жадвал).

5.2-жадвал

Иқтисодиёт тармоқларининг 2000-2020 йилларда ялпи ички маҳсулотдаги улуши (фоизларда)[81]

№	Тармоқлар	Йиллар								
		2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2015	2020
1	ЯИМ, жами, шу жумладан:	100	100	100	100	100	100	100	100	100
2	Саноат	14,2	21,1	21,8	24,0	22,3	23,6	26,7	25,7	26,4
3	Қишлоқ хўжалиги	30,1	26,3	25,1	21,7	19,4	18,2	19,8	18,3	26,1
4	Қурилиш	6,0	4,8	5,1	5,5	5,6	5,9	6,6	7,3	6,4
5	Хизмат кўрсатиш	37,0	37,0	39,5	42,5	45,3	47,2	46,9	48,7	33,5
6	Соф солиқлар	12,7	10,8	8,5	6,3	7,4	6,7	9,2	8,8	7,6

Бундан ташқари, бандлик муаммолари Ўзбекистонда ишлаб чиқаришда, (айниқса қишлоқ хўжалигида) керагидан ортиқча банд бўлган, лекин бозор муносабатлари мустаҳкамланиб борган сайин, аста-секин ишдан бўшаётган ишчи ходимлар ҳисобидан ҳам анча кескинлашди. Режали иқтисодиёт шароитида ишсизлик

[81] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 1999-2021 йй маълумотлари.

муаммоси, унумсиз, яхши самара бермайдиган иш ўринларини асоссиз равишда кўпайтириш, ишчи кучини қандай бўлмасин ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш йўли билан ҳал қилинган. Бозор иқтисодиёти шароитида эса, юқорида қайд этганимиздек, барча ресурслардан, жумладан, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш зарурияти кучаяди. Бундай шароитда олдинги даврларда асоссиз равишда, расман яратилган иш ўринларининг бекор қилиниши ва уларда "банд" бўлган ишчи ходимларнинг қисқариши ва натижада уларнинг ишсиз қолиши муқаррар.

Юқоридагиларни умумлаштириб, Ўзбекистонда меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи билан унга бўлган талаб ўртасидаги номутаносибликнинг асосий сабабларини аниқладик бизнинг назаримизда булар: биринчидан – илмий-техника тараққиёти натижасида ижтимоий меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ошиб бориши; иккинчидан – ижтимоий ишлаб чиқаришда керагидан ортиқча яратилган иш ўринларининг барҳам топиши; учинчидан – мамлакатда юзага келган ва ҳозиргача маълум даражада сақланиб турган мураккаб демографик вазият[82].

Жамиятда аҳоли турмуш даражасини оширишга доир муаммоларни ҳал этишда айнан эҳтиёжманд ҳолатда ҳаёт кечираётган аҳоли қатламларини аниқлаб, уларнинг сонини узлуксиз камайтириб боришга (темир дафтар) жиддий эътибор қаратилмоқда. Бизнинг фикримизча, оилалар ўртасида хатлов ўтказилиб, улар уч тоифага ажратиш ва ҳар бир тоифага нисбатан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, жумладан:

Биринчи тоифага давлат томонидан кам таъминланган оилалар учун кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланиш мақсадида ўз даромадларини яшириб келаётган ва натижада асоссиз тарзда ижтимоий нафақалар олаётган (чет элдаги, бозор, уй хўжалигида чорва моллари ва бошқа даромадлар) оилалар киритилди.

Иккинчи тоифага кам таъминланган оилалар рўйхатига киритилган, лекин томорқа ер майдонларига эга бўлган ва ундан фойдаланиш эвазига даромад топиш имконияти мавжуд бўла

[82] Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари Моногафия Тошкент: ФАН нашриёти 2013 77 б.

туриб, кам таъминланган оила сифатида давлат бюджети маблағларидан ўринсиз фойдаланаётган оилалар киритилди.

Учинчи тоифага ногирон, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган, сурункали касал ва 16 ёшга тўлмаган фарзандларини тарбиялаётган оилалар (оналар) киритилди. Натижада, биринчи ва иккинчи тоифада асоссиз тарзда ижтимоий нафақалар олиб келаётган оилалардан иқтисод қилинган маблағлардан учинчи тоифадаги оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга, сурункали касал фуқароларни даволаниш учун имтиёзлар кучайтирилади[83].

Юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш, бу борада соҳа олдида турган муаммоларнинг ечимларини топиш учун амалий тадқиқотлар ўтказиб, амалиётда мавжуд ҳолатни баҳолаш, ундаги ютуқлар ҳамда камчиликларни аниқлаш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мезони ҳисобланади.

ХУЛОСА

Пандемия шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида аҳоли турмуш даражасини оширишдаги аҳамияти назарий жиҳатдан атрофлича ўрганилиб, қуйидаги хулосаларга келинди ва бир қатор тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Жамият тараққиёти ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусиятларидан бири – хизмат кўрсатиш соҳасининг нафақат мамлакат иқтисодий юксалиши, балки ундаги ижтимоий жараёнларни ҳам такомиллаштиришдаги роли узлуксиз тарзда ошиб бораётганлигидадир. Шу жиҳатдан ушбу соҳа билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш, уларнинг бозор талабларига жавоб берадиган мажмуавий ечимларини топиш ва амалиётга самарали жорий этиш бугунги куннинг, айниқса, пандемия шароитидаги аҳоли турмуш даражасини оширишнинг стратегик аҳамиятга эга

[83] Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. "2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили". Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь (Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка кўмаклашиш ҳамда жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади. Пандемия шароитида ўз ишини йўқотган аҳолини камбағалликка тушиб қолишига йўл қўймаслигимиз керак).

ўта долзарб масалалардан бири сифатида қаралмоғи лозимлиги назарий жиҳатдан асосланди.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасида амалга ошаётган ижобий ўзгаришлар авваламбор аҳоли турмуш даражасини оширишга, унинг фаровон ва қулай шароитларда ҳаёт кечиришини таъминлашда муҳим эканлиги эътироф этилди. Ушбу хулосани асослаш мақсадида бир қатор таниқли иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг моддий ишлаб чиқариш соҳасидан фарқловчи хусусиятлари аниқланди ва шу асосда ушбу соҳанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда алоҳида ўрни асослаб берилди.

3. Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида қаралиб, уларни аҳолининг турмуш даражасини оширишда ва сифатини яхшилашда муҳим омил эканлиги назарий жиҳатдан ёритилди.

4. “Хизмат кўрсатиш” тушунчаси иқтисодий моҳияти жиҳатидан аҳоли турмуш даражасини кўтаришга каратилганлиги, фалсафий ёндашиш нуқтаи назаридан, жараён эканлигини, жараённи эса ҳаракат деб билиб, оддий эмас, балки инсоният жамиятининг ривожланишига, равнақ топишига қаратилган ҳаракат деб, таъриф илмий-назарий ва услубий жиҳатдан асосланди. Хизмат кўрсатиш истеъмолчилар талаб ва таклифи асосида шаклланувчи ҳамда аҳолининг фаровон турмуш даражасини таъминловчи янги замонавий технологияларга асосланган даромад келтирувчи мақсад ва вазифалар доирасида амалга ошириладиган ҳаракатни ифодаловчи иқтисодий категория эканлиги назарий жиҳатдан асосланди.

5. Жамиятда аҳоли турмуш даражасини оширишга доир муаммоларни ҳал этишда айнан эҳтиёжманд ҳолатда ҳаёт кечираётган аҳоли қатламларини аниқлаб, уларнинг сонини узлуксиз камайтириб боришга (темир дафтар) жиддий эътибор қаратилиш лозим. Ҳар бир мамлакат доирасида аҳоли қатламлари ва унинг ижтимоий гуруҳлари ўртасида катта даражада фарқ қилишидан келиб чиқиб, аҳоли даромадлари ва унинг баъзи хизматларга бўлган талаби қондирилиши нуқтаи назаридан уч тоифага ажратилди:

Биринчи тоифага давлат томонидан кам таъминланган оилалар учун кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланиш мақсадида ўз даромадларини яшириб келаётган ва натижада асоссиз тарзда ижтимоий нафақалар олаётган (чет элдаги, бозор, уй хўжалигида чорва моллари ва бошқа даромадлар) оилалар киритилди.

Иккинчи тоифага кам таъминланган оилалар рўйхатига киритилган, лекин томорқа ер майдонларига эга бўлган ва ундан фойдаланиш эвазига даромад топиш имконияти мавжуд бўла туриб, кам таъминланган оила сифатида давлат бюджети маблағларидан ўринсиз фойдаланаётган оилалар киритилди.

Учинчи тоифага ногирон, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган, сурункали касал ва 16 ёшга тўлмаган фарзандларини тарбиялаётган оилалар (оналар) киритилди. Натижада, биринчи ва иккинчи тоифада асоссиз тарзда ижтимоий нафақалар олиб келаётган оилалардан иқтисод қилинган маблағлардан учинчи тоифадаги оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга, сурункали касал фуқароларни даволаниш учун имтиёзлар кучайтирилади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Т.: 2020 йил, 3 апрель, ПФ-5978-сон. www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4752-сонли Қарори. https://lex.uz/docs/4857409

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6029-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4903382

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони 1-иловаси “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Lex.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти статистика бошқармаси 2020 йил - 2021йил январ ҳолатига кўра маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

7. Жаҳон банки маълумотномаси. Poverty and shared prosperity 2020: Reversals of fortune. https://www.worldbank.org/en/publication/poverty-and-shared-prosperity

8. Ассэль Г. Маркетинг: принципы и стратегия : учебник для вузов. –М.: ИНФРА-М, 2001, С.337.

9. Горелов Н.А.и др. Политика доходов и качество жизни населения: Учеб. пособие. - СПб.: Питер, 2003, С 653.

10. Жеребин В.М., Романов А.Н. Уровень жизни населения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002, С 224.

11. Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент. Экспресс-курс. 2-е изд. / пер. с англ.; под ред. С.Г. Божук.- СПб.: Питер, 2005, С.301.

12. Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики. –М., 2008, С 19.

13. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. /пер.С.англ.Е.М.Майбурда. –М., 1993, С.572.

14. Urunbaeva Yulduz Pirnazarovna. Increasing the impact of service sector on the living standards of population in innovative economy environment http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10387/5598 2020. 05.

15. Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари Моногафия Тошкент: ФАН нашриёти 2013 156 б.

16. Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш истиқболлари. Диссертация С:, 2018 189 б.

6-боб. ПАНДЕМИЯНИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИГА ЕТКАЗГАН САЛБИЙ ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Инсоният ўз тарихида жуда кўп фалокатларни, турли инқирозларни бошидан кечирган. Бир неча бор турли кўринишдаги инқирозлар рўй берганлиги инсоният тарихида маълум. Аммо дунё бўйича 2019 йилдаги пандемия билан боғлиқ инқироздек, инқироз бўлмаган деб эътироф этилмоқда. Бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) дунёни қамраб олган пандемиянинг чуқур ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари кундан-кунга оғирлашиб бораётганлигини бир неча бор таъкидлаб келмоқда. Шу туфайли дунё мамлакатларида маълум чекловларнинг қўйилаганини ЖССТ ва ХВЖ тўғри, деб эътироф этди. Аммо шунга қарамасдан, мазкур пандемия бутун дунёни, бутун соҳаларни, бутун инсониятни қамраб олди ва кучли инқирозий тасирини кўрсатди. Бунда энг кўп зарар кўрган соҳалардан бири туризм соҳаси бўлиб ҳисобланади. Зеро, COVID-19 пандемиядан туризм соҳаси барча иқтисодий соҳалар ичида энг кўп жабрлангани соҳалардан бири эканлигини UNWTOнинг баҳосидан ҳам кўриш мумкин. Мазкур ташкилотнинг баҳолашича халқаро туризм оқими бутун жаҳон миқёсида 30 % га қисқариши мумкин (1).

Саёҳат иқтисодиётнинг ҳал қилувчи соҳаларидан бири. Сайёҳлик индустрияси турли тармоқлар, корхоналарни, маҳсулотлар ва хизматларни қамраб олади. Шу туфайли ўта кенг қамровли соҳа ҳисобланади. 2018 йилги натижалар бўйича дунё иқтисодиётга туризмдан келиб тушган маблағларнинг миқдори 8,8 трлн. АҚШ долларини ташкил қилди. Мазкур соҳанинг дунёнинг ЯИМ улуши 10,4 %ни ташкил қилади. Мазкур соҳага 319 млн. ишчи ўринлари тўғри келади (2. 3-8 б.). Кўриниб турибдики, мазкур соҳа дунё иқтисодиётида етакчи ўринларни эгаллайди. Аммо мамлакатимизда шундай туристик салоҳият бўла туриб, мамлакат ЯИМда унинг 2,5%ни ташкил қилиши ҳали мазкур соҳани кескин ривожлантиришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳаси бўйича давлат сиёсати мазкур соҳани барқарор ривожлантиришга, туристлар хавфсизлигини таъминлашга, иқтисодиётни ҳар бир ҳудуд бўйича ривожлантиришга катта ҳиссасини қўшишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шу йўл билан туризм соҳаси орқали мавжуд социал-иқтисодий муаммоларни ҳам ҳал қилиш орқали аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини оширишга ҳам катта имкониятлар яратилади.

Аммо бу соҳани ўнглаш бироз мураккаблиги туфайли, бугунги кунгача аниқ прогнозларни қилиш қийин кечмоқда. БТТ (UNWTO)нинг туризм бўйича экспертлари туризмнинг яна йўлга қўйилиб, барқарор ривожланиши бўйича тегишли прогнозларини ишлаб чиқишга шошилишганлари йўқ. Чунки кўплаб мамлакатларда карантин чекловлари бекор қилингани йўқ, фақат айрим ҳолларда юмшатилмоқда холос. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, туризмнинг ривожланиши, агар пандемия бутунлай кўтарилиб кетса, олдинги ҳолатга қараганда кейинчалик саёҳатлар кўпайиши эҳтимоли юқори бўлиши мумкинлиги, чунки дунёни кўриш истагида юрган кишиларнинг узоқ вақт давомида уйларида қолганликлари, уларнинг саёҳат қилишга бўлган иштиёқини ошириши табиий. Бу эса, туризмнинг гуркираб ўсишига олиб келиши мумкин.

Агар ушбу соҳа ўнгланмаса, бутун иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ҳам мураккаб бўлиб қолади. Ҳозирда Туризм ва экскурсия бўйича бутун жаҳон кенгаши (WTTC) бутун дунё туризм соҳаси бўйича йўқотишлар 2 трлн долларни ташкил этаётганини таъкидлаб, ушбу инқироз оқибатида дунё бўйича туризм соҳасида 75 млн. иш ўринлари бўшаб қолиш эҳтимоли мавжудлигини таъкидлашган (3.). Кўриниб турибдики, туризм соҳаси нафақат иқтисодий, балки глобал ижтимоий муаммоларни ҳам туғдириши тайин. Бироқ, UNWTO шуни эслатмоқдаки, ўтган 2008 йилдаги кризис даврида туризм соҳаси кризисни юмшатишга катта ҳисса қўшганлигини инобатга олиб, бугун ҳам ушбу соҳанинг ўнгланиши кризисдан чиқиш имконини беради. Бундан ҳам кўриниб турибдики, туризм соҳасини ўнглаш бўйича координациялашган сиёсатни юритиш, ҳозирги иқтисодий

кризисни юмшатишда ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли мазкур соҳани тадқиқ қилиш ўта долзарб ҳисобланади.

6.1. Пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти, хусусан, туризм соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида[84]

Бугунги кунда дунё миқёсида коронавирус пандемиясининг пайдо бўлиши, унинг таъсири, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Ушбу масала бутун дунё олимлари томонидан тўхтовсиз тарзда кенг муҳокамага сабаб бўлмоқда. Пандемиянинг таъсири натижасида жаҳон иқтисодиётининг барча реал тармоқларида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, қурилиш, транспорт, туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли даражада пасайиш ва ишсизлик кузатилмоқда.

Инсоният ўз тарихида жуда кўп фалокатларни бошидан кечирган. Бир неча бор турли кўринишдаги инқирозлар рўй берган. Аммо 2019 йилдаги пандемия билан боғлиқ инқироздек, инқироз бўлмаган деб эътироф этилмоқда. Бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) дунёни қамраб олган пандемиянинг чуқур ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари кундан-кунга оғирлашиб бораётганлигини бот-бот таъкидлаб турди. Шу туфайли дунё мамлакатларида маълум чекловларнинг қўйилаётганлигини ЖССТ ва ХВЖ тўғри, деб эътироф этиш билан бирга унинг оқибатларини бартараф қилиш билан ҳам шуғулланиш лозимлигини тақозо қилмоқда.

Олдинлари инқирозлар асосан иқтисодий бўлиб, маълум даражада ижтимоий ҳаётга ҳам салбий таъсири сезилар эди. Бугунги инқироз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан баббаравар амалга ошмоқда. Жумладан, 2008 йилда бошланган жаҳон миқёсидаги молиявий-иқтисодий инқирозда асосан иқтисодиётга дахлдор бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари бугунгидек, бутунлай тўхтаган эмас эди, фақат иқтисодий ўсиш “секинлашган” эди, холос. Оқибатда бироз иқтисоий ҳаётимизга ҳам озгина таъсир

[84] А.Эштаев билан ҳаммуаллифликда тайёрланган.

кўрсатган эди. Ҳамма ўзининг иш жойида бемалол фаолият кўрсатиб, олдингига нисбатан шижоатлироқ, унимлироқ ва самаралироқ ишлашга ўтган эди. Бугунги инқирознинг олдингилардан фарқи, уйдан чиқмасдан ўтиришга тўғри келмоқда. ЖССТ раҳбари Тедрос Адан Гебреисус Женевадаги ташкилотнинг бош қароргоҳида бўлиб ўтган кундалик брифингда, карантин чораларини шошилинч равишда олиб ташлаланмаса глобал иқтисодий секинлашувига олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантирди. Кўриниб турибдики, ушбу масала бугунги кунда ўта жиддий. Шу туфайли мазкур мавзу долзарб ҳисобланади.

Халқаро экспертларнинг фикрича, жаҳон савдо айланмаси 30 фоизга камаяди, 40 миллиондан ортиқ киши ишсиз қолиши эҳтимоли мавжуд. Европа иттифоқи давлатларида 2020 йилнинг бошида ишсизлик даражаси ўртача 6,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Европанинг Испания, Италия, Франция, Греция каби давлатларда ўртача 12 фоиздан ошиши кутилмоқда. Жорий йилнинг май ойида ишсизлик даражаси пандемиянинг таъсири туфайли АҚШда ҳам мисли кўрилмаган даражада ошиб бормоқда (5.).

Халқаро валюта жамғармасининг жорий йил биринчи ярмида базавий прогнозларига кўра, 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти 3 фоизга қисқариши кутилмоқда. Бунда иқтисодий пасайиш ривожланган давлатларда 6,1 фоизни (шу жумладан, АҚШ 5,9 фоиз, Еврозона мамлакатлари 7,5 фоиз) ва ривожланаётган мамлакатларда 1 фоизни, шунингдек, Россияда 5,5 фоизни ва Қозоғистонда 2,5 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Жаҳонда содир бўлаётган бундай вазият Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказиб турибди. Жорий 2020 йил 1 чорагида Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш суръати ўтган йилдаги мос даврга нисбатан 1,6 фоизга секинлашиши кузатилган. Бундан ташқари, бу даврда ўтган йилгига нисбатан инвестициялар ўзлаштириш ҳажми ҳам сезиларли қисқарган. Бу ҳақда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Ўзбекистон иқтисодиётининг жорий ҳолати ва кутилаётган тенденциялар бўйича маълумотида келтириб ўтилмоқда. 2020 йилнинг 2 чорагида иқтисодий ўсиш суръати 4,1 фоизни ташкил

этиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичига (5,7 фоиз) нисбатан 1,6 фоизга секинлашиши кузатилган.

Ушбу ҳолатлар мамлакатимизга ҳам бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда ва айрим мавжуд муаммоларни янада кучайтирмоқда. Буларни ҳал қилиш борасида мамлакатимиз раҳбари бошчилигида кескин чоралар кўрилмоқда. Мамлакатимизда умумий муаммолар билан бирга айрим йўналишдаги муаммолар тегишли эътиборни талаб қилмоқда. Булар қаторига биринчи галда ишсизлик ва бевосита озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни киритиш мумкин. Иккинчи йўналиш мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг шаклланишидаги таркибий ўзгаришларнинг содир бўлиши. Учинчи муаммо туризмнинг кескин камайиши натижасида шу билан боғлиқ яна бир қанча муаммоларни вужудга келтирди.

Ўзбекистонда мазкур пандемия шароитида вужудга келган умумий муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос йўллари ишлаб чиқилди. Ўзбекистоннинг ушбу тажрибаси бошқа бир қанча мамлакатлар учун ҳам эътиборли. Хусусан, Пандемиянинг таъсирини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 март куни “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва 2020 йилнинг 3 апрелида яна бир, “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Иқтисодиётда банд бўлган жисмоний ва юридик шахсларга солиқ тўлаш муддати кечиктирилди, айрим субъектлар эса жорий йил охиригача солиқ тўловидан озод этилди. Тадбиркорлик субъектлари ва корхоналарга қатор имтиёзлар тақдим этилди, айрим қарздорликлар кечиктирилди, дебиторлик қарздорлик учун жарималар қўллаш тўхтатилди, аудиторлик текширишлар йил охиригача бекор қилинди, коронавирус пандемияси туфайли кўрилган талофатларни камайтириш бўйича яна бошқа бир қатор

енгилликлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 8 апрель куни ўтказган видеоселектор йиғилишида томорқачиликни ривожлантириш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи эканини таъкидлади, "бундай даврда томорқани қаровсиз ташлаб қўйиш хиёнат деб баҳоланиши керак", деб таъкидлади.

Иқтисодиётимизнинг макроиқтисодий кўрсаткичларидан бири мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда ЯИМни шакллантириш муаммоси, унинг таркибий тузилиши билан боғлиқ бўлмоқда. Маълумки, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМни яратишдаги ўрни ва роли сезиларли даражада бўлиб, қарийб унинг ярмини ташкил қиларди. Ҳозирги кунда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 35 фоиздан юқори бўлсада, фаолияти чекланган хизмат турларининг ушбу кўрсаткичдаги улуши 10 фоизни ҳам ташкил этмайди. Хизмат кўрсатишнинг пасайиши талабнинг таклифга нисбатан юқорилигини таъминлайди, бу эса нархлар мувозанатига ҳам салбий таъсир ўтказади. Иқтисодий пасайиш ҳолатининг давомий бўлиши ишсизлик муаммосининг янада кучайишига олиб келади, унинг даражасини оширади ва аҳолининг тўловга бўлган қобилияти кескин тушиб кетишига олиб келади.

Мамлакатимизда ЯИМни кўпайтириш муаммоси ҳал қилиш учун етакчи тармоқлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва аста-секинлик билан барча соҳаларнинг фаолиятини тиклаш ва уларни инновацион ривожлантиришга эришишдан иборатдир. Туризм соҳасининг мамлакат ЯИМда улуши кам бўлсада, унинг бошқа тармоқларга таъсири билан қўшиб қаралганда унинг салбий таъсири ҳам анчагина. Энди пандемия шароитида вужудга келган муаммоларга эътиборни қаратадиган бўлсак, булар биринчи галда ишсизлик муаммоси билан боғлиқдир.

Пандемия шароитида вужудга келган **ишсизлик муаммоси** Ўзбекистон Республикасида ҳам бошқа давлатлар қатори асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда бандликни таъминлаш орқали ишсизликни қисқартиришга оид кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур масала

мамлакатимиз миқёсида ва унинг ҳар бир ҳудуди бўйича ҳам кенг кўламли дастурлар тузилиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда. Аммо шуларга қарамасдан бандлик муаммоси сақланиб қолмоқда. Чунки, ҳар йили 500 мингдан зиёд ёшлар меҳнатга қобилиятли аҳоли таркибига қўшилмоқда. Аммо яратилган янги иш ўринлари 350-400 мингтани ташкил қилади (6. 21 б.). Агар аҳвол олдингидек сақланиб қоладиган бўлса, ишсизлар сони йилдан-йилга ортиб бораверади.

Пандемия шароитида ушбу муаммо янада кескинлашди. Бу нималар эвазига пайдо бўлганлигига эътиборни қаратадиган бўлсак, мазкур масала ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Биринчидан, жуда кўп корхоналар бошқа мамлакатлардаги каби ўз фаолиятини тўхтатди. Айниқса туризм, овқатланиш хизматлари, маиший каби хизматлар. Иккинчидан, ташқарида ишлаб юрган юртдошларимиз қайтиб келди ва уларнинг яна орқага қайтиб кетишга имконияти чекланиб қолди. Бу ерда тайёр иш жойлари улар учун атайлаб сақланиб турган эмас эди. Янги иш ўринларини яратишнинг ҳам имконияти чекланган эди. Учинчидан, ҳар йили минглаб янги меҳнатга қобилиятли аҳоли етишиб чиқади. Буларнинг ҳаммасига янги иш ўринлари керак бўлади. Мавжуд иш жойлари тўхтаб турган бир паллада буларга янги иш ўринларини очиб, иш билан таъминлаш имконияти ҳам чекланган эди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатиб турган ходимларнинг ишсиз бўлиб қолиш жараёни асосан хизмат кўрсатиш соҳаларида кескин намоён бўла бошлади, яъни хизмат кўрсатиш соҳалари – авиация, темир йўл, туризм, меҳмонхоналар тармоғи, овқатланиш ва бошқалар фаолияти деярли тўхтаб қолиши оқибатида иш ўринларида муаллақ ҳолатни вужудга келтирди. Соҳа мутахассисларининг фикрича, пандемия шароитида мажбурий “иқтисодий таътил”лар туфайли хизматлар соҳасининг айримларида хизмат кўрсатиш анча чекланди. Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларнинг 3 миллионга яқини Россия ва Қозоғистонда фаолият юритиши, ушбу давлатларда ҳам ҳозирги вақтда пандемиянинг таъсири туфайли, ишсизликнинг юзага келиши натижасида уларнинг маълум қисми ватанимизда эканлиги, чегараларнинг ёпилиши, ишчи кучи миграциясининг тўхталишига олиб келиши иқтисодий жараёнларга янада салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса,

Ўзбекистонда яшаётган 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳоли камбағаллик даражасида яшаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим (4. 7 б.). Буларнинг ҳам аксарият қисми муносиб иш ўринларига эга бўлмаганлар ва ишсизлардан иборатдир. Булардан ҳам кўриниб турибдики, ишсизлик муаммоси глобал муаммолар қатори мамлакатимизда ҳам ўзининг ечимини кутаётган, ечилиши унча осон кечмайдиган муаммолардан биридир.

Мамлакатимизда ишсизлик муаммосини ҳал қилиш ўта муҳим масалалар сирасига киради. Жаҳон банкининг камбағаллик даражаси бўйича минимал нормадан келиб чиқадиган бўлсак, бир киши бир кунда 19,3 минг сўм ўрта ҳисобда топиши лозим экан. Агар оилади 3 киши бўлса, уларнинг бир кунлик минимал даромади 57,9 минг сўмни ташкил қилиши лозим. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз аҳолисининг ўрта ҳисобда 12-15 фоиз аҳолиси камбағал яшашади. Буларнинг даромади таъкидланганидек, бир кунда 19,3 минг сўмдан кам. Бунда шуни инобатга олиш жоизки, оилада 5 киши истиқомат қилса, уларнинг иккитаси ишлайдиган бўлса, ўрта ҳисобда шу оилага 96,4 минг сўм керак бўлади. Агар икки киши ишласа, камида 50,0 минг сўмдан топишига тўғри келади. Бундан кам бўладиган бўлса, оилалар қашшоқ оилалар сафига кириб қолади (4. 14 б). Бундай ҳолатга барҳам бериш учун биринчи галда ишсизлик муаммосини ҳал қилиш лозим бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат, ҳозир мамлакатимизда пенсионерлар сони ва уларнинг аҳоли таркибидаги улуши ўсиб бормоқда. Бу аҳоли фаровонлигининг ошаётганлигидан, инсонларнинг ўртача яшаш умрининг узаяётганлигидан далолатдир. 2014 йилда барча аҳоли ўртасида пенсионерларнинг улуши 8,7 %ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 10,9 %ни (6. 24 б.). 2021 йилнинг бошида 11,0 %ни ташкил қилмоқда.

Озиқ-овқат муаммоси мамлакатимизни четлаб ўтган эмас. Ушбу муаммо мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг таъсири натижасида юзага келадиган нозик муаммолардан биридир. Бунинг анча сабаблари бор, албатта. Биринчидан, карантин пайтида ишнинг нисбатан “тўхтаб” қолиши бўлса, яна бир муаммо халқаро алоқаларнинг узилиши, чегараларнинг ёпилиши, ташиш хизматларининг пасайиши, товар ва хизматларнинг алмашинуви

билан боғликдир. Бир қатор давлатларда эпидемиолигик вазият ва карантин қишлоқ хўжалик ишларини батамом тўхтатиб қўйди. Дунёнинг кўпгина давлатлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўпгина маъмурий ва иқтисодий чекловларни қўлламоқда. Натижада бизнинг ҳамкорларимиз ҳам маҳсулотларини бизга ҳам сотишни тўхтатиб қўйди.

Жумладан, Россия буғдойини 1 июлгача четга олиб чиқишни тақиқлади. Россия бошқа донли маҳсулотлар – жавдар, арпа ва маккажўхори экспортини ҳам вақтинча тўхтатди, буни мамлакат ички эҳтиёжларини қондириш зарурияти билан изоҳлайди. Қозоғистон қўшнилари – Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонга 1 августгача ҳар ой 200 минг тонна буғдой, 60 минг тонна ун экспорти квотасини жорий этди. Евро Осиё Иқтисодий Иттифоқи ҳудудидан ташқарига пиёз, саримсоқ, жавдар, шолғом, гуруч, ёрма, ғалла-дон, қорабуғдой, тариқ, бутун донли ун, тозаланган гречка, соя дуккаклари, кунгабоқар уруғларини олиб чиқиш 30 июнга қадар тақиқланди. Ушбу маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари - Россия ва Қозоғистон бўлишади. Украина эса жорий йилнинг 1 июлига қадар гречкани экспортга чиқаришни тақиқлади. Осиё давлатлари дуккакли маҳсулотлар ва гуруч экспортига квота белгилади. Умуман олганда барча давлатларда ичкарида озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишнинг чора-тадбирлари ишлаб чиқила бошлади. Бундай шароитда Ўзбекистон қандай йўл тутиши керак, ушбу муаммоларни ҳал этиш учун нима қилиш лозим ва яна нима ишларни амалга ошириш мумкин, деган савол кўндаланг бўлиб турибди.

Ишсизлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш йўлларидан бири – бугунги кунда томорқадан самарали фойдаланиш ва ички туризмни ривожлантириш билан боғликдир. Бугунги кунда ҳукумат томонидан томорқадан янги лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бюджети томонидан 350 миллиард сўм ажратилди, “Ҳар бир оила – тадбиркор”дастури, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 2 баробарга ошириш, қорамол боқиш бўйича оилавий кооперация фаолиятини йўлга қўйиш, ҳар оилани парранда боққан даври учун 500 минг сўмдан рағбатлантириш каби вазифалар ижроси бўйича амалий чора-

тадбирлар кўрилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим (4. 7-8 бет).

Мамлакатимизда озиқ-овқат ва ишсизлик муаммосининг ечишнинг ҳозирги пайтдаги энг оддий ва қулай йўлларидан бири ҳам томорқадан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштириш билан бирга ички ва экологик туризмни ривожлантириш ҳисобланади. Албатта, бутун мамлакат аҳолисининг ҳаёти уйда кечаётган бир пайтда тўқ яшашнинг муҳим омиллардан бири қишлоқ жойларида томорқа ва қишлоқ хўжалигидан фойда олишдан бошқа яна нима бўлиши мумкин? Томорқада меҳнат қилинса, биринчи навбатда, маҳаллий ва ишсиз аҳоли банд бўлади. Иккинчидан эса, оилага қўшимча даромад келади. Келмаганда ҳам, ўзини-ўзи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, яъни озуқа маҳсулотлари билан таъминлайди. Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлардан келган меҳнат муҳожирларимизнинг асосий қисми қишлоқ жойлардаги аҳоли таркибига киради. Давлатлар ўртасидаги чегараларнинг ёпиқлиги, халқаро ишчи кучи миграциясининг вақтинчалик инобатга олинганлигини ҳисобга олиб, томорқадан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнида вақтинчалик ишсиз ҳисобланган меҳнат муҳожирлари ҳам фаол қатнашса мақсадга мувофиқ бўлади.

Муҳтарам Президентимиз 2020 йил 8 апрелда Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, томорқачиликни ривожлантириш масалалари бўйича, 14 апрель куни эса ушбу масалани янада чуқурлаштириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга қаратилган видеоселектр ўтказиб, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси вакиллари учун ушбу инқироз катта синов бўлиши билан бирга, кенг имкониятлар даври эканлигини ҳам қайд этди. Бу борада кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш йўллари ҳам кўрсатиб берилди. Зеро, мамлакатимиз аҳолиси, вақтинча карантин сабабли уйда ўтиргани билан озиқ-овқат истеъмолини чекламайди. Булардан келиб чиқиб, Давлатимиз раҳбари томонидан қишлоқ хўжалик соҳасига алоҳида эътибор қаратди. Бу бежиз эмас албатта, чунки озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжнинг 80 фоиздан ортиқроғини айнан шу соҳада етиштирилади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги муҳим соҳа сифатида мамлакатимизда аҳолининг даромадларини ошириш, бандлигини таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини тўлиқ бартараф этиш билан бирга, мева ва сабзовотларни хорижий мамлакатларга экспорт қилишдек катта имкониятларга ҳам эга. Чунки соҳа ходимларининг ўз кучларини тўлиқ сафарбар қилиб ишлаши, иш натижаси бўйича чексиз манфаатдорликка эга бўлиши учун ҳамма имкониятлар яратилиб берилган. Бунга эришиш учун жорий йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса мева-сабзавот ва картошкаларни етиштириш ҳажмини икки баробар ошириш зарурлиги Президентимиз томонидан бир неча бор видеоселекторларда уқтирилиб келинмоқда.

Муаммоларнинг ечимлари ва тавсиялар. Мамлакатимизда пандемия вужудга келтирган иқтисодий инқирозни юмшатиш, бир қанча соҳаларни жонлантириш бўйича қабул қилинаётган фармон ва қарорларда аҳоли, айниқса қишлоқ хўжалик ходимлари олдига бир қанча устувор вазифаларни қўйди. Бу вазифалар қанчалик мураккаб бўлмасин, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар эканлиги ҳам қайд этилмоқда. Буларни умумлаштириб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин.

Биринчидан, мамлакатимизда мавжуд суғориладиган ва экин экиладиган ерлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш кераклиги, бирор қарич ер ҳам бекор ва беэътибор қолмаслигига эришиш лозим. Ҳар бир қарич ердан имкон қадар уч марта, бўлмаса икки марта ҳосил олиш чораларини кўришга тўғри келмоқда. Бунга қандай эришиш чоралари ҳам аниқ кўрсатиб берилди ва бу борада намунали ишлар қилинмоқда. Аммо ушбу ишни самарали ташкил қилишда бутун мамлакатимизда аҳолининг барча қатлами бунга катта аҳамият берилиши лозим бўлмоқда..

Иккинчидан, ҳар бир ҳудудга мос экинларни экиш, янги ҳосилдор навларни етиштириш, имконияти бор жойларда замонавий инновацион технологияларга асосланган иссиқхоналарни кўпайтириш, томорқадан самарали фойдаланиш масаласи ҳам кун тартибидаги муҳим ва устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган. Бу борада ҳам қилинадиган ишларни бутун мамлакатимиз бўйлаб оммалаштириш лозим. Бу ерда турли

инновацион технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиб, ушбу тажрибаларни оммалаштириш чоғида ички туризмни ҳам ривожлантириш имкониятлари яратилади.

Учинчидан, ҳосилдор ва сермаҳсул чорва молларини кўпайтириш ҳам бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари сирасига киришини таъкидлаб, хориждан келтирилган, мамлакатимизга мослаштирилган чорва молларини барча ҳудудларга тарқатиб, тегишли маҳсулдорликни кўтаришга эришиш омилларига ҳам эътиборни қаратиш лозимлиги ҳам ўта долзарб масалалар сирасига киради. Ушбу тадбирларни ҳам тегишли тарзда йўлга қўйиб, ушбу тажрибаларни оммалаштириш учун тажрибаларни ўрганиш ва экологик туризмни ҳам ривожлантириш имкониятлари яратиш мақсадга мувофиқдир.

Тўринчидан, янги ерларни ўзлаштириш, уруғчиликни ривожлантириш, четдан олиб келинаётган уруғларни ўзимизда етиштириш ва минерал ўғитларни шуларга мос ҳолда ишлаб чиқариш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилиши лозимлиги ҳам устувор вазифалардан биридир. Янги ерларни фақат экинлар учун эмас, бир қисмини туристик маскан сифатида ҳам ўзлаштиришга қаратиш, у ерда ҳам экологик уйларни барпо қилишга ҳам катта аҳамият бериш лозим. Шу йўл билан озиқ-овқат хавфсизлиги билан бирга ишсизлик муаммолари бир вақтнинг ўзида ҳал бўлиш имконияти яратилади.

Бешинчидан, мамлакатимизга импорт қиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса ғалла ва бошқа маҳсулотлар ўрнини қоплаш билан бирга, уларнинг ўрнига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш масаласи ҳам устувор вазифалардан бири эканлигини ҳам инобатга олган ҳолда фаолият олиб бориш чораларини кўриш лозим. Бунинг учун ишлаш, ишлаганда ҳам самарали, илм-фанга таянган ҳолда ишлаш кераклиги кун тартибига қўйилган муҳим масалалардан биридир. Бунда фан, таълим ва амалиёт интеграциясини яратишни тақозо қилади.

Олтинчидан, чорва молларига озуқа, қишлоқ хўжалик экинларига минерал ўғитларни ҳам етиштириш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу билан бирга, алоҳида эътибор ихтисослашган хўжаликларни ташкил қилишга ва улар фаолиятини ривожлантиришга қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай корхоналардан самарали фойдаланиш учун ҳам буларда инновацион ва рақамли технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Бундай объектлар биринчидан ҳам тажриба майдони сифатида ўрганилиши лозим бўлса, иккинчидан туристик объект сифатида ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Бундай объектлар Янги Ўзбекистоннинг янги туристик объектлари сифатида ўзларини намоён қилади.

Еттинчидан, яна бир муҳим устувор вазифалардан бири уй шароитида банд бўлишга қаратилган бир қанча ишларни, хусусан, қорамол боқиш ва чорвачиликнинг бошқа турларини ҳам ривожлантириш, парандачилик, балиқчилик, ипакчилик, асаларичилик, касаначилик каби ишларни амалга ошириш лозимлигига ҳам алоҳида аҳамият берилиши керак бўлган чоралардан биридир. Бунда одамларни ўзини-ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида фаолият кўрсатишга йўналтириш лозимдир. Ҳозирги шароитда ўзини ўзи иш билан банд қилиш учун жуда катта имкониятлар очилди. Бу борада 2019 йил 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида» ПҚ-4227-сонли Қарори, ушбу қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлда “Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида”ги 566-сонли қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорда ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига ўзини меҳнат даромади билан таъминлайдиган шахсларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш мақсад қилиб олинган эди. Бунга мувофиқ 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари, уларнинг эгаларига меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилишини назарда тутадиган тартиб жорий қилиди.

Саккизинчидан, барча тадбирларни молиялаштириш, имкон қадар тадбиркорларнинг, шу жумладан туризм билан шуғулланувчиларнинг ҳам ўз маблағлари ҳисобидан, етишмаган жойларда тижорат банклари маблағларидан самарали фойдаланиш механизмини янада такомиллаштириш ҳам муҳим масалалар

сифатида қаралмоқда. Ушбу имкониятлардан ҳам самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Чунки, иқтисодиётни, шу жумладан туризм соҳасини тиклаш бўйича жуда катта бюджет маблағлари ва хорижий кредитлар йўналтирилган.

Келгуси тадқиқот йўналишлари. Мамлакатимизда келажакда ички ва кирувчи туризм билан бирга зиёрат туризмининг ривожланиши кутилмоқда. Буларни инобатга олиб қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ. Буларга:

Биринчидан, зиёрат туризмида туристлар асосан мусулмон мамлакатларидан ташриф буюрадилар. Шу туфайли зиёрат туризмининг ўзига хос хусусиятлари ва уни ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Буни инобатга олиб, бир қанча тадқиқотлар мамлакатимизда ва унинг алоҳида ҳудудларида зиёрат туризмини ривожлантиришга бағишланиши мақсадга мувофиқ. Мазкур туризм "Ҳалол стандарт"ларга мос озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарларини талаб қилади. Бу борада қатор тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, мусулмон мамлакатларидан келадиган туристларнинг талабларини ўрганадиган алоҳида социологик сўровларга асосланган тадқиқотлар ўтказиб, балки улар учун алоҳида талабларга жавоб берадиган меҳмонхоналар ва бошқа яшаш масканларини барпо қилиш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, туризм соҳасини ўз-ўзидан ривожлантириб бўлмайди. Унга жуда катта инфратузилма ва ёндаш тармоқлар субъектлари лозим бўлади. Шу туфайли туристик масканларни янгидан барпо қилишда ушбу масалаларни лойиҳадан бошлаб, охиригача етказиш бўйича тадқиқотлар ҳам долзарб бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган одилона сиёсат туфайли, бугунги такликали кунларда ҳам хавотирга ҳеч қандай ўрин қолдирилмаяпди. Бор имкониятларимизни ишга солган ҳолда халқимизни бугунги кунидан ҳам рози бўлиб, қийинчилик паллада шукур қилиб, бундай вақтни енгиш учун сабр қилиб яшашга чорламоқда. Аммо бирор киши,

миллатидан, динидан, фуқаролигидан қатъи назар, бугун мамлакатимиз раҳбари ва ҳукумати эътибордан четда қолаётган эмас. Шунинг ўзи ҳам жамиятимизнинг инсонпарварлигидан далолат бериб турибди. Бундай мамлакатни бутун дунёга тараннум қилиш учун ҳам туризмни ривожлантиришга катта аҳамият бериш лозим бўлмоқда.

6.2. Туризмнинг ривожланишига пандемиянинг таъсири ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилишда Ўзбекистон тажрибаси

Бугунги кунда дунё миқёсида коронавирус пандемиясининг пайдо бўлиши, унинг таъсири, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари дунё иқтисодиётининг инқирозига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Ушбу фалокатдан қутилиш масаласи бутун дунё олимлари тамонидан тўхтовсиз тарзда кенг муҳокамага сабаб бўлмоқда. Чунки, пандемиянинг таъсири натижасида жаҳон иқтисодиётининг барча реал тармоқларида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, қурилиш, транспорт, туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли даражада пасайиш ва ишсизлик кузатилмоқда. Мазкур ҳолатни инобатга олиб, мақоланинг ушбу йўналишида асосий эътибор Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишига пандемиянинг таъсири ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилиш йўлларига ва бу борада мамлакатимизнинг ўзига хос тажрибаси ёритилган.

Маълумки, бутун дунё иқтисодиёти, шу жумладан туризм соҳаси ҳам пандемия шароитида катта инқирозни бошидан кечирди ва ҳамон давом этмоқда. Бундай шароитда жорий қилинаётган карантин қоидаларининг, чегараларнинг ёпилиши туризмга қандай таъсир қилганлиги ва унинг қандай оқибатларга олиб келганлиги ҳаммага маълум. БМТнинг маълумотлари бўйича жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати ўтган давр ичида пандемия таъсирида 3,2 фоизга қисқартирди. Дунё мамлакатлари пандемия таъсирида 8,5 трлн.доллар даромадларни йўқотди. БМТ прогноз маълумотларига кўра, 2020 йилда 34 млн. ортиқ инсонлар иш ўринларининг йўқолиши оқибатида қамбағаллик даражасига тушиб қолиши кутилмоқда, улар асосан Африка давлатларига

тўғри келмоқда (5. www.aa.com. tr/ru, 2020). Жаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, 2020 йил якунлари бўйича халқаро саёҳатлар 89 фоизга, иш ўринлари сони эса 74 миллионтага қисқариши, туризм соҳасидаги жами йўқотишлар эса 800 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда (7. Юлдашев К.М., Шерматов А.А., 2020). Ушбу жараёнда Ўзбекистонда нималарга аҳамият берилганлиги ва қандай чоралар қўллаганлигини ёритиш ҳам бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Маълумки, туризм соҳасида инфратузилма қанчалик ривожланган бўлмасин, хизматлар сифати қанчалик зўр бўлмасин, ташқи омиллар таъсирига юқори даражада боғлиқлиги билан ажралиб туради. Жаҳон иқтисодиёти ҳозирда пандемия натижасида бошдан кечираётган инқироз, 2008-2009 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан ҳам кескинроқ бўлди. 2020 йилнинг январидан июлига, яъни ярим йил давомида турли халқаро сафарларга чиқиш кескин пасайди. Бу албатта туризм индустриясига ҳам катта таъсир қилди. Оқибатда мазкур соҳа фойдасининг 460 млрд. доллар миқдоридаги йўқотилишига олиб келди. Бу 2009 йилда жаҳон молиявий инқирози шароитида қайд қилинган зарарга нисбатан 5 марта ортиқдир (14. https://tourism.interfax.ru/ru/news/articles/73914/, 2020.). Булардан ҳам кўриниб турибдики, жаҳон миқёсида, шу жумладан мамлакатимизда ҳам туризм соҳасини инқироздан чиқариш, биринчи галдаги вазифалар сирасига кирди. Шу туфайли, Ўзбекистонда Президент фармони ва ҳукумат қарори билан мамлакатда пандемиянинг туризмга салбий таъсирини камайтириш борасида кескин чора-тадбирлар кўрилмоқда. Туризм соҳасининг глобал аҳамиятини ва унинг келажакдаги иқтисодий самарадорлигини инобатга олинган ҳолда ички ва кирувчи туризмни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Мамлакатдаги вазиятдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6002-сон Фармонига имзо

чекилди. Ушбу фармоннинг ижросини таъминлашнинг аниқ йўлларини кўрсатиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 19 июнда “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда туризм соҳасини жадал суръатларда тиклаш ва мамлакатдаги санитария-эпидемиологик вазият барқарорлашгандан сўнг уни ривожлантиришнинг янги йўналишларини шакллантириш масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Коронавирус пандемиясининг туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда туризм соҳасини ривожлантиришга доир Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Буларда мамлакатимизда санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш йўллари белгилаб берилди. Мазкур тадбирлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, меҳмонхонага белгиланган тартибда берилган тоифа сақланган тақдирда тегишли йил якунига кўра жойлаштириш воситасининг тоифаси учун ундирилган туристик (меҳмонхона) йиғим суммасининг 50 фоизи 2021 йил 1 январдан бошлаб 2023 йил 31 декабрга қадар жойлаштириш воситаларига қайтарилиши кўзда тутилган.

Иккинчидан, мамлакатимизда 2020 йил 1 августдан бошлаб “Андижон”, “Бухоро” ва “Урганч” халқаро аэропортларида “Очиқ осмон” режими халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ хорижий авиакомпанияларга бешинчи даражадаги “ҳаво эркинлиги”ни тақдим этишни назарда тутувчи тартиб жорий этилиши кўзда тутилган. Ушбу тартибда рейслар сони ва йўналишлари бўйича чекловларни бекор қилишни ва халқаро аэропортларга доимий қатновларни амалга ошириш мумкинлиги инобатга олинган.

Учинчидан, эътиборли жиҳат, мамлакатимизда “Очиқ осмон” режими жорий этилган халқаро аэропортларига қатновларни амалга ошираётган хорижий авиакомпанияларга ҳам тариф ва йиғимлар уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган авиакомпаниялар учун белгиланган миқдорда

қўлланилиши кўзда тутилган. Ушбу тадбир мамлакатимиз аҳолиси учун қулай, хорижий туристлар учун бирмунча арзонлиги билан фарқ қилади.

Тўртинчидан, туристик зоналар ва қишлоқ жойлари ҳудудида тегишли стандартларга асосан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Қурилиш вазирлигининг намунавий лойиҳалари бўйича жойлаштириш воситаларини тез қуриладиган конструкциялар (ўтовлар, контейнерлар, сендвич панеллар) билан қуриш белгилаб берилган. Бунинг учун тадбиркорлик субъектлари харажатларининг бир қисми бундай типдаги жойлаштириш воситаларининг жойлари сони 50 мингтага етгунча, агар етмаса 2023 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ҳар бир жой учун 5 миллион сўмгача миқдорда қопланиши ҳам кўзда тутилган.

Бешинчидан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида туризм ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида шаҳарлар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида тегишли ҳокимиятлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан мажбурий келишилиши ҳам кўзда тутилган. Ушбу ҳолат ҳудудлар иқтисодиётининг барқарор ривожланиш имкониятини яратади. Бунинг учун яна бир қулайлик, қишлоқ жойларнинг тарихини ва барча ахборотларни айнан шу жойда яшайдиган одамлар яхши билади. Буни инобатга олиб шундай жойларнинг ўзидан гид (гид-таржимон)ларни жалб қилиш мақсадида, уларнинг ўзларидан тайинлашга, жалб қилишга рухсат берилган. Буни осон ҳал қилиш учун гид-таржимон билан биргаликда экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматларини ҳам ўзини ўзи банд қиладиган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатига киритилган.

Олтинчидан, мамлакатимизда туристлар учун “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими ва Хавфсиз туризм жамғармаси ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператор томонидан “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизими талабларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

ташкил этилган саёҳат давомида хорижий туристлар коронавирус (COVID-19) инфекциясини юқтириб олган тақдирда, уларга 3 минг АҚШ доллари миқдорида компенсация тўловларини айнан Хавфсиз туризм жамғармаси ҳисобидан тўлаб бериш механизмлари жорий қилинган. Юртимизда туроператорлар томонидан хорижий туристларга хизмат кўрсатиш карантин даврида фақат "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган туризм ва ёндаш инфратузилма объектларида ташкил қилиши ҳам қатъий белгилаб қўйилган. Бундай хавфсизлик чоралари туризмни ривожлантириш учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Еттинчидан, хорижий фуқаролар учун виза режимини янада либераллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур бўлган салмоқли капитал, юқори академик билимлар ёки ўзига хос кўникмаларга эга шахсларни 2021 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилишга жалб этишни назарда тутувчи "Uzbekistan – my second home" ("Ўзбекистон – менинг иккинчи уйим") иммиграция дастури ҳам таклиф қилинган.

Саккизинчидан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бир қанча вазирлик ва мутасадди идоралар билан фуқароларнинг фаол дам олишини ташкил этиш (шаҳарда юриш, терренкур, треккинг ва хайкинг), касалланиш даражасини, шу жумладан, юрак хасталикларини камайтиришни назарда тутувчи "Пиёда туристик маршрут", хорижий мамлакатлар фуқароларига кўрсатиладиган тиббий хизматларни тизимлаштириш ва турларини кенгайтиришни назарда тутувчи "Uzbekistan – hope and healing land" ("Ўзбекистон – умидли ва шифобахш замин") тиббий туризм дастурини ривожлантириш, республиканинг маданий мерос объектлари ҳудудларида электр таъминотига "яшил" технологияларни жорий қилиш, чиқиндини утилизация қилиш, сув ресурсларидан унумли фойдаланишни назарда тутувчи "Clean&Eco" тизимини жорий қилиш кўзда тутилган..

Тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига мамлакатимизда туризмни ривожлантиришни тизимли тарзда амалга ошириш учун муҳофаза

этиладиган табиий ҳудудлардан ташқари туризм инфратузилмаси объектларини жойлаштириш учун ажратилган салоҳиятли ўрмон фонди ҳудудларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш, сув омборлари ва ўрмон хўжаликларида туризм турларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қарорларининг ижросини мониторинг қилиш, республика кинолокацияларини, шу жумладан, жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда хорижда тарғиб қилишдек бир қанча қўшимча вазифалар юклатилган.

Ўнинчидан, Бугунги вазиятдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 10 кунлик муддатга ўз юртига ёки учинчи мамлакатга учиш авиачиптасини тақдим қилган 5 та мамлакат фуқаролари учун (Баҳрайн Қироллиги, Қатар Давлати, Қувайт Давлати, Уммон Султонлиги ва Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан Хитой Халқ Республикасининг Гонконг ва Макао махсус маъмурий ҳудудлари) 2021 йил 1 мартдан бошлаб визасиз режим белгиланди.

Ўн биринчидан, мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда, хусусан 2021 йилдан бошлаб, ислом оламидаги энг муқаддас қадамжолардан бири – Имом Бухорий мақбараси ҳозирги кўриниши сақланган ҳолда реконструкция қилинади. Маҳаллий ва хорижлик зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида Мақбара остидаги қабрни зиёрат қилиш учун кенгайтирилади, мажмуа атрофида замонавий меҳмонхоналар, халқаро андозаларга тўла мос келадиган маиший хизмат ва санитария-гигиена шохобчалари қурилади. Шунингдек, атрофида тўртта улкан минораси бўлган 8 минг ўринли масжид қурилади.

Ўн иккинчидан, мамлакатимизда туристлар учун диққатга сазовар объектлари бор масканларга янгидан «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ва «Туризм овули» мақоми берилмоқда. 2020 йилда Самарқанд туманида Конигил туризм қишлоғи ташкил қилинган бўлса, 2021 йилда Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги «Чоштепа» маҳалласига «туризм қишлоғи» мақоми берилади. Самарқанд туманида 8 та меҳмонхона, анжуманлар зали, ресторанлар, боғ ва сайилгоҳларни ўз ичига олган масканда туристик марказ ташкил этилмоқда. Туристларга қулайлик яратиш

учун ушбу марказни Самарқанд халқаро аэропорти, темир йўл вокзали, Имом Бухорий мақбараси, Регистон майдони ва бошқа диққатга сазовор жойлар билан боғлайдиган кўчалар таъмирланиб, янги йўллар очилмоқда ва биргина Самарқанд шаҳрида 10 та янги меҳмонхона қурилиши якунланмоқда.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси келгуси истиқболда мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш учун тегишли шароитларни яратишга қаратилгандир. Мамлакатимиздаги туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлардан бири, туризмни жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари билан бирга олиб бориш ва шу тарзда оммалаштириш масалалари қўйилмоқда. Эътироф этилишича, “Бугунги кунда жаҳон туризм бозори ҳажми қарийб 9 триллион долларни ташкил этмоқда. Дунёда иш билан банд аҳолининг ҳар ўнинчиси ушбу соҳада фаолият юритмоқда” (8. ЎзА, 2020.). Бу дегани дунё миқёсида меҳнатга қобилиятли аҳолининг 10 фоизи айнан шу туризм соҳасида банд деганидир. Аммо бизда ушбу кўрсаткич ҳали қиёслашга камлик қилади. Шу жиҳатдан туризмни ривожлантириш масаласи ўта долзарб масалалардан бирига айланган. Ушбу масаланинг долзарблиги коронавирус пандемияси бутун жаҳонга катта зиён келтираётган бир пайтда мамлакатимиз учун ҳам унинг таъсирини имкон қадар юмшатиш масаласи зарурати туғилмоқда. Шундай қилиб, бугунги кунда туризмни ривожлантириш истиқболини айни вазиятдан келиб чиқиб таҳлил қилиш масаласи ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Муаммоларнинг ечимлари ва тавсиялар. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, мамлакатимизда пандемия ва ундан кейинги даврда туризм соҳасини ривожлантириш ўта муҳим масалалардан бирига айланди. Чунки кескин ривожланиш босқичига кирган туризм соҳаси, пандемия шароитида жуда катта зарар кўрган соҳалардан бири бўлиб қолди. Аммо туризм соҳасини инқироз ва инқироздан кейинги вазиятларда ривожлантириш масалалари деярли тадқиқ қилинмаган. Ушбу ҳолат мазкур мавзуда илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилади. Буларни инобатга олиб мамлакатимизга хос бўлган туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, туризм тўлиқ ишга тушиб, чегаралар очилиб, чекловлар олиб ташланганича мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун мамлакатнинг туристик объектлари мавжуд яшил зоналари алоҳида танлаб олиниши ва ушбу ҳудудларга аҳолининг саёҳати ташкилий равишда уюштиришлари лозим. Албатта, ушбу тадбирлар 2021 йилдан бошлаб амалга оширилмоқда ва қисқа пайтда ўзининг маълум самарасини ҳам бермоқда.

Иккинчидан, кирувчи ва чиқувчи туристлар оқими учун мамлакатимизда ўрнатилган тартиб бўйича тиббий гувоҳнома (сертификатлар) жорий қилиниши ва унга қатъий амал қилиниши зарур. Тиббий гувоҳномада одатда туристларнинг соғлиғи, унинг коронавирус тестини топширганлиги алоҳида қайд этилади. Ҳар бир турист саёҳатга кетишидан олдин тестдан ўтган вақти камида 5 сутка (120 соат)дан кам бўлмаслиги лозим. Худди шундай тартиб кирувчи туристлар учун ҳам жорий қилиниши лозимлигидан келиб чиқиб, тегишли тадбирлар бошланди.

Учинчидан, туристларнинг транспортда, яшаш жойида, туристик объектларга саёҳат вақтида, оқвқатланиш жараёнида, кўнгилочар жойларида хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш нуқтаи назаридан санитар-эпидемиологик ҳолатига, уларнинг нотаниш оммага аралашиб кетмаслиги каби масалаларига эътиборини кучайтириш лозим бўлади. Бунинг учун мамлакатимизда ички бўлимларида туризмда хавфсизликни таъминлаш хизмати ташкил қилинган. Булар ҳам тегишли ўрнатилган тартибда фаолият олиб бормоқда.

Тўртинчидан, халқаро туризмни йўлга қўйишда, туристларнинг бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга саёҳатга боришда “Яшил йўлакчалар” ва “Хавфсиз каридорлар”дан фойдаланиш тартиби ўрнатилган. Аммо ушбу жараёнда туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида карантинлари юмшатилган ва саёҳат учун рухсат берган мамлакатларга борадиган ёки шундай мамлакатлардан уйига қайтдиганларни инобатга олиш лозим. Қолган ҳолларда инфекция ташувчи бўлиши мумкинлиги хавфи бўладиган бўлса, бундай ҳолатга алоҳида ёндашувни тақозо этади. Бу масала бўйича ҳам тегишли тартиб ўрнатилган.

Бешинчидан, туристларга хизмат кўрсатувчи жойлаштириш (меҳмонхоналар, меҳмон уйлари кабилар), овқатлантириш (ошхона, чайхона, ресторан кабилар) ва транспорт воситалари (енгил машиналар, автобуслар) туристларнинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан санитар-эпидемиологик ҳолати тегишли ташкилотлар томонидан доимий назоратда бўлишлигини таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият бериш лозимлигини тақозо қилади.

Олтинчидан, ички туризмнинг ривожланишида мамлакатимизда ўзини тўлиқ оқлаган "Автомобиль" транспорти ва "Афросиёб" тезюрар поездидан фойдаланиш кўпроқ йўлга қўйиш лозим, деб ўйлаймиз. Бундай саёҳатларни, айниқса оилавий саёҳатларни ташкил қилишда фуқаролар ўзларининг шахсий автомобилларидан фойдаланишлари ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки, автомобиль транспортида саёҳат қилишнинг кўпгина қўлай томонлари мавжуд. Муҳими, айрим саёҳатга мослаштирилган автоуловлардан изоляция ва меҳмонхона сифатида ҳам фойдаланишлари мумкин бўлади. Шунингдек, йўлда хоҳлаган жойда тўхташи ва саёҳат қилиб тамошаларни ташкил қилиш мумкинлиги ҳам ушбу транспортнинг афзалликларини кўрсатади.

Еттинчидан, ички туризмни ривожлантиришда турли тадбирларни бирорта ҳудудда ташкил қилиб, тадбирдан бўш пайтларда туристик объектлар билан танишиш (зиёрат қилиш) имкониятлари ҳам яратилиши мақсадга мувофиқ. Бунда бир вақтнинг ўзида ҳам ишни бажариш, ҳам дам олишни ташкил қилишга эришилади. Булардан ташқари, маълум кўникмага ва тажрибага эга бўлган туризмнинг якка тартибдаги (индивидуал) шакли ва оилавий турларига кўпроқ аҳамият бериш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Келгуси тадқиқотлар йўналишлари. Ушбу мавзунинг долзарблиги нафақат бугунги кунда, балки келажакда ҳам ўз моҳиятини пасайтирмайди. Чунки ушбу инқироз дунё миқёсида жуда кўп мамлакатларни шошириб қўйди. Бунда нафақат иқтисодиётнинг пасайиши, ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашиши, балки анчагина инсон ресурсларидан ҳам айрилишга тўғри келди. Бу балодан батомом қутилиб кетиш бўйича аниқ прогнозлар йўқ. Шу туфайли ушбу масала кун тартибидан олиб ташланмайди. Бу эса, ўз навбатида тадқиқотларни давом эттиришни тақозо қилади.

Бизнинг фикримизча, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда ички ва кирувчи туризмни ривожлантиришга мўлжалланган экологик жиҳатдан ҳам хавфсизлиги тўлиқ таъминланадиган "Экологик уй"ларни, алоҳида оилаларга мўлжалланган "Меҳмон уйлари"ни, яратишга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, туристик объектларнинг табиат қўйнида (ўрмонзорларда, чўлларда, турли сув қирғоқларида) ташкил этилиши ва уларда муқобил энергия (қуёш ва шамол энергияси) манбаларидан фойдаланган ҳолда туристик инфратузилмани яратиш ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишга ва хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган объектларда электр таъминотини йўлга қўйиш борасида ҳам тегишли тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, пандемия шароитида туризм соҳасининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига баҳо бериш мақсадида туристик корхоналар ва компаниялар фаолиятини таҳлил қилиш ва уларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу заруратдан келиб чиқиб "Туризм иқтисодиёти", "Туризм менежменти", "Туристик фирмалар молиявий-хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили", "Туризм маркетинги" каби фанларга пандемия ва бошқа инқирозли вазиятларни ўрганишга қаратилган бўлимларни киритиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Агар ушбу тавсияларимиз амалга ошадиган бўлса, туризм соҳаси пандемия шароитида ҳам 2020 йилдагидек, бутунлай тўхтаб қолмайди ва ҳеч бўлмаганда ички туризм ривожланиб туради. Бундай шароитда туризм ўтган 2020 йилдагидек, бутунлай тўхтаб қолиш хавфидан холи бўлади.

6.3. Пандемия шароитида Ўзбекистоннинг алоҳида ҳудудларида туризмни ривожлантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари

Пандемия шароитида туризм соҳаси бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам жуда катта зарар кўрган соҳалардан бирига айланди. Бундан чиқиш ва соҳани тиклаш, ҳаётий заруриятга айланди. Шу туфайли мамлакатимиз раҳбари 2020 йил 28 май куни "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига имзо чекди. Ушбу фармонда мамлакатимизда ва унинг барча ҳудудларида туризмни пандемия шароитида ривожлантириш масаласини қўйди. Чунки туризмни йўлга қўйиш билан ишсизлик камаяда, туристик хизматлар экспорти амалга оширилади, иқтисодиётимиз юксалади. Бу ҳақда БМТ раҳбари Антониу Гутериш ҳам ўзининг мурожаатномасида алоҳида таъкидлаб, келажакда ҳам "туризм дунё миқёсида миллионлаб инсонларнинг яшаш манбаининг асосий омили бўлиб қолади" (9. https://telegra.ph/Institut-razvitiya-turizma-zajmetsya-voprosami-gendernogo-rav-enstva-i-trudoustrojstva-v-sfere-turizma-09-30, 2020), деб таъкидлаган эди. Ҳақиқатда, туризм нафақат шаҳарда, балки қишлоқларда ҳам аҳолининг, айниқса аёлларнинг иш билан таъминланишини ва тадбиркорлигининг ривожланиши учун ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Пандемия шароитида Ўзбекистоннинг алоҳида ҳудудларида туризмни ривожлантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўлларини тадқиқ қилиш масаласи ҳам ўта долзарб. Шу туфайли мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида халқаро ва ички туризмни ривожлантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўлларига алоҳида аҳамият берилган. Бунда koronovirus.info. телеграм канали томонидан 1380 минг киши иштирокида ўтказган социологик сўров натижалари ҳам келтирилган. Бундаги ахборотлар аҳолининг ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга бўлган истаклари ифода этилган. Ички туризмни ривожлантириш учун мамлакатимизда олдин ишга солинмаган мавжуд имкониятларни ишга солиш лозимлиги, унда асосий эътибор экологик ва зиёрат

туризмини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, бугунги кунга келиб туризмда янги йўналишлар барпо қилинмоқда. Булардан бири туризм кластери бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда "туризм кластери 25 турдаги сифатли ва ноёб хизматларни мижозларга тақдим этишни йўлга қўйди. Масканда ҳозирги кунда 50 нафардан ортиқ ишчи-ходимлар фаолият юритаётган бўлиб, келгусида улар сафини янада кенгайтириш ва шу орқали маҳаллий аҳолини қўшимча иш ўринлари билан таъминлаш режалаштирилган" (10. XS.Uz.13:20. 29 август 2020). Кўриниб турибдики, туризмни ривожлантириш ўша ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлаб, уларнинг бандлигини, фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Муҳими, туристик кластерлар ҳеч ким фойдаланмаётган саҳрода ташкил қилинган. Бу ўз навбатида ўзига хос манзара ва тароватга эга маскан сифатида бетакрор қиёфага эга бўлади. Бунда бир вақтнинг ўзида миллийлик, бугунги цивилизация таъсири, инновация ва рақамли технологиялар акс этган. Шу туфайли ушбу масканга ташриф буюрган сайёҳлар учун бутунлай янгилик бўлиб ҳисобланади ва мос равишда бунга ҳеч бири бефарқ бўлмайди. Бугунги кунда бундай туристик кластерлардан бири Бухоро вилоятида ташкил қилинган. Масалан, "Bukhara Desert Oasis & Spa" мажмуаси "айни пайтда 500 нафар дам олувчини ўз бағрига сиғдира олади, лекин у ерда яна қўшимча лойиҳалар ҳам бор. Режага кўра, саҳро бағридаги эртакнамо манзилнинг хизматлар кўлами босқичма-босқич кенгайтирилиб, улкан ташаббускорлик ишлари давом этмоқда (10. XS.Uz.13:20. 29 август 2020). Кўриниб турибдики, туризмни ривожлантириш учун мамлакатимизда жуда катта имкониятлар мавжуд. Бундай имкониятлар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида мавжуд. Бир жойда чўл, иккинчи жойда тоғлар, учинчи жойда кўллар, тўртинчи жойда манзарали кўриқхоналар туризмни ривожлантиришнинг янги йўналишларини ривожлантириш учун асос бўлиб турибди.

Конигил сайёҳлик қишлоғининг биринчи босқичи тайёр бўлиб 2020 йилда ишга тушган эди. Ҳозир иккинчи босқичи устида иш кетмоқда. Иккинчи босқичда бу ерда тўрт-беш юлдузли

меҳмонхоналар қурилмоқда. Ҳудуддаги 700 дан ортиқ хонадоннинг барчаси туристик хизмат кўрсатиш билан шуғулланишига имконият яратилади. 1000 дан ортиқ иш ўрни яратилади. Кўриниб турибдики, туризмни ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий самарадорликка ҳам эриштиради. Конигил Ўзбекистонда биринчи туризм қишлоғи деб эътироф этилиши билан бирга шу қишлоқда банд бўлмаган аҳоли қолмади. Бир қанча мутахассислар бошқа жойлардан, шаҳарлардан ҳам келиб ишлаш имконияти яратилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг манзарали сув қирғоқларида туризм масканларини ташкил қилиш учун катта имкониятлар бор. Булар соф ҳавода ва очиқ бўлганлиги учун пандемия шароитида ҳам санитария-гигиекник талабларини қўллаган ҳолда фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Бундай жойлар мамлакатимиз вилоятларининг барчасида мавжуд. Жумладан, Сурхондарё вилоятида 5 та йирик сув омборлари бор. Булардан бири ва жозибадор, ранг-баранг табиат манзараларига эга бўлган Тўпаланг сув омбори бўлиб ҳисобланади. Ушбу сув омборининг қурилиши 1982 йилда бошланган бўлиб, бугунги кунда тўғоннинг баландлиги 122 метрга етган. Ҳозирги кунда унинг сатҳи 13500 км.ни ташкил қилади. Тўпаланг сув омборининг атрофи гўзал табиати билан ажралиб туради. Бунга қўшимча Ҳисор тоғидан оқиб келаётган ва шу сув омборига қуйиладиган Қоратоғ ва Тўпаланг дарёлари қирғоқлари ҳам гўзал табиат манзараларига эга. Бу ерларда ҳам экологик туризмни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар бор.

Жиззах вилоятида Арнасой кўли соҳили ҳам манзарали маскан ҳисобланади. Ушбу кўл Қизилқум ва Нурота тоғ тизмалари оралиғида жойлашган бўлиб, унинг соҳилида замонавий кемпинглар қурилиб ишга туширилди. Бу ҳам кўклам, ёз ва куз ойларида аҳолининг дам олиш масканига айланган. Бу ерда нафақат экологик туризм, балки ов туризмини ҳам амалга ошириш мумкин. Бу ердаги бошланғич Кемпинглар Арнасой тумани Қизилқум қишлоғи яқинидаги Арнасой кўли соҳилида 20 кишига мўлжаллаб барпо этилди. Шунингдек, худди шунча сайёҳларга хизмат кўрсатиши мумкин бўлган ўтов-меҳмонхонани қуриш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Шу жойнинг ўзида “Экологик

уй”ларни барпо қилиш учун ҳам катта имкониятлар мавжуд. Чунки, Қизилқум ва Нурота тоғ тизмалари оралиғида жойлашган Айдар-Арнасой кўллар тизими юртимиздаги нодир ўсимликлар ва ҳайвонот олами сақланиб қолган ҳудуд ҳисобланади. Кўллар ва уларнинг соҳилларида Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва қушлар яшайди. Туристларнинг дам олиши, саёҳат қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда улар балиқ тутиши, қуш овлаши ва Қизилқумнинг бетакрор табиати билан танишиши мумкин. Қумда ҳаракатланувчи қайиқлар ва автомобиллар ҳам келтирилмоқда. Ушбу масканда сайёҳлар учун қулай шароитларга эга бўлган бир нечта дам олиш иншоотлари қурилиши йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Жиззах вилоятда давлат муҳофазасига олинган 372 та маданий мерос объектлари тарихий-археологик манзил, шу жумладан, 42 та тарихий обида ва зиёратгоҳ, 267 та археологик ёдгорлик, 63 таси монументал ёдгорлик мавжуд. “Нурота” ва “Зомин” давлат қўриқхоналари, “Зомин” халқ боғи, Айдар-Арнасой кўллар тизими, 9 та ўрмон хўжалиги ва Қизилқум чўли экотуризм ишқибозлари учун қизиқарли манзиллар ҳисобланади. Ҳудудда 200 дан зиёд экотуристик объектлар, 50 дан зиёд ноёб ҳайвон ва қуш турлари, 1 мингдан зиёд ўсимлик турлари борлиги ҳам сайёҳларни қизиқтирмасдан қолмайди (11. Лола САНАЕВА, 2020).

Меҳмонларни кутиб олиш учун тегишли инфратузилма ҳам яратилди. Биргина Жиззах вилоятида 2018 йилда 2 минг 200 ўринга эга 46 та жойлаштириш воситаси фаолият кўрсатган бўлса, 2019 йил якунида уларнинг сони 91 тага етди. Айни пайтда вилоятда бир вақтнинг ўзида 2 минг 500 дан ортиқ меҳмонга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган 33 та меҳмонхона 45 та меҳмон уйлари 13 та сиҳатгоҳ, 2 та кемпинг ва ўтов оромгоҳ мавжуд. Шунингдек, 5 нафар туроператорлик субъектлари, 4 та туризм ахборот марказлари ташкил этилган. Мавжуд меҳмонхона ва туристик иншоотларда 476 нафарга яқин ходим фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йил якунига қадар 11 минг 734 нафар меҳмонга хизмат кўрсатилди. Бу олдинги йилга нисбатан деярли 6 минг нафарга кўпдир (11. Лола САНАЕВА, 2020).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткичлар бундан ҳам кўпроқ ва юқорироқ бўлиши мумкин эди. Чунки, мазкур вилоятнинг туристик имкониятидан бундан анча кенг. Улардан ҳозиргача тўлиқ фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Зеро, вилоятда пандемия шароитида ҳам фаолият кўрсатадиган бир қанча экологик тоза масканлар борки, уларга эндигина эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2020 йил 19 июндаги "Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Унга асосан Жиззах вилоятининг туристик салоҳиятини ошириш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди. Бунда айнан пандемия шароитида нафақат ҳудуд туризмини, балки ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш орқали ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш масалалари кўзда тутилган. Шу йўл билан вилоятда пандемия шароитида туристик хизматларни кўрсатишни тўхтатмасдан ривожлантириш имконияти яратилди ва бунинг бардавомлиги таъминланади.

Пандемия шароитида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида зиёрат туризмини ривожлантириш учун ҳам катта имкониятлар мавжуд. Хусусан, Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қараний зиёратгоҳи бугунги кунда қайта таъмирланиб, зиёратчилар учун тегишли имкониятлар яратилган. Мамлакатимиз рабари 2017 йил Наманган вилоятига ташрифи чоғида мазкур қадамжони қадимий усулда таъмирлаш, кенг ва обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш, меҳмонхоналар барпо этиш, масканда кутубхона ташкил этиш каби энг зарур тавсиялар берган эди. Ўтган вақт давомида зиёратгоҳда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, унинг таркибидаги масжид, мақбара, музей реставрация қилинди, кутубхона, меҳмонхона бунёд этилиб, ён-атроф ободонлаштирилди. Бугун ободлик касб этган мажмуада зиёратчилар учун барча қулайликлар яратилди. Зиёрат асосан очиқ ҳавода ташкил қилинганлиги туфайли, пандемия шароитида туристлар бемалол санитария эпидамологик қоидаларга амал қилган ҳолда зиёрат қилиш имкониятларига эга.

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Султонобод қишлоғида жойлашган “Биби Сешанба” зиёратгоҳи ҳам зиёратчиларни пандемия шароитида қабул қилиш учун барча қулайликларга эга. Ушбу зиёратгоҳ ҳақида тарихий манбаларда қайд этилишича, ул зот Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг холаси Валий Комила исмли аёл бўлган. Ўз замонасида илоҳий билим борасида етакчи пиру устозлар қаторида, валийлик кароматига ҳам эга бўлган. Бу табаррук зот азиз авлиёларни чорлаб, сешанба кунлари тиловати Куръон, амри маъруф ўтказиб, уни ҳосиятидан инсонлар дардига шифо, мушкулига енгиллик топгани боис «Биби Сешанба» номини олган. Бу анъана ҳозиргача сақланиб, «Мушкулкушод» маросими сифатида момолардан авлодларга ўтиб келмоқда.

Маълумотларга қараганда, валий Комиланинг қабри Бухорода Қасри Орифон қишлоғида ўз опа-сингиллари Биби Орифа ва Биби Мусалламлар билан ёнма-ён қўйилган (12. Зуҳриддин Умурзоқов, 2020). Қўрғонтепадаги табаррук маскан эса мўътабар ва азиз момомиз номлари улуғланган қадамжолардан бўлиб, ул зот билан боғлиқ зиёратгоҳлар бошқа ҳудудларда ҳам учрайди. Аввал бу жойдаги бир ҳужрада «бешик» деб аталган кичкина бир қабр бўлиб, бефарзанд аёллар момони васила қилиб келганлар. Қабрга ким дафн этилганлиги ҳақида аниқ маълумот бизгача етиб келмаган. Аммо зиёратгоҳ тақводор аёлларнинг турли хасталикларга шифо тилаб, Аллоҳ йўлида ибодат ва эҳсон қиладиган, диний маросимлар ўтказиладиган муқаддас маскан сифатида ҳозиргача давом этиб келмоқда. Албатта, исломнинг муқаддас каломи ва ҳадиси шарифларида дилдан қилинган ибодат қаерда бўлишидан қатъи назар, қабул, дуолар ижобат ва гуноҳлар маҳфират қилиниши айтилади. Одамлар бу ерга ҳам ихлос билан келиб, Аллоҳдан сўрасалар, албатта уларнинг дуолари ижобат бўлган.

Яна бир муҳим жиҳат, ушбу маскан ўзининг шифобахш сувли булоқлари билан ҳам азиз ва муқаддасдир. Мақбара пойидаги «Жаннат булоқ», «Сумалак булоқ», «Қиз булоқ», «Кўз булоқ», «Шўр булоқ» каби бир неча булоқлар инсон жисмини ҳужайраларигача поклайди. Албатта, бу масканда таркибидаги фойдали минераллар, макро-микро бирикмалар турли тошма ва ички касалликларига, қулоқ ва кўз хасталикларига малҳам

бўладиган сувнинг борлиги аниқланиб, мутахассислар томонидан ўрганилган. Тарихчи олим С.Жалиловнинг таъкидлашича, ҳатто Қўқон хонлари ҳам булоқларга бой, табиати гўзал бу сўлим, баҳаво масканда ҳордиқ чиқариб, Наврўз байрамини ўтказишга одатланган экан (12. Зуҳриддин Умурзоқов, 2020). Эътироф этилишича, 2000-2005 йилларида саховатпеша инсонлар кўмагида зиёратгоҳ ободонлаштириган, тегишли реконструкция ишлари амалга оширилган. Ушбу жараёнда кичкина хона ўрнида анъанавий миллий меъморий услубда маҳобатли мақбара бунёд этилган. Шу тариқа зиёратчилар учун бемалол зиёратни амалга ошириш учун барча шароитлар яратилди. Биби Сешанба зиёратгоҳи «Диққатга сазовор жойлар» маданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган. Ушбу ҳолат рақамли туризмни амалга ошириш ва ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда қишлоқ, экологик ва зиёрат туризми пандемия шароитида бемалол фаолият кўрсатадиган туризм турларидан бири. Бу борада мамлакатимизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур мақолада уларнинг айримларигагина тўхталдик халос.

Ечим ва тавсиялар. Пандемия даврида энг кўп зарар кўрган соҳа туристик хизматларни кўрсатувчи субъектлар бўлди. Дунё бўйлаб борди-келдиларнинг карантин туфайли тўхтаб қолиши, эҳтиёт чоралари ҳали ҳамон давом эттирилаётгани бизни ҳаётнинг бу синовларини изланувчанлик, ишбилармонлик, айни пайтда огоҳлик ва эҳтиёткорликни унутмаган ҳолда ишларимизни қайтадан йўлга қўйишни тақозо қилмоқда. Зеро, ушбу мавзу ўта долзарб бўлганлиги туфайли, бу борада жуда катта тадқиқотлар олиб борилиши лозим. Чунки, бир мақолада келтирган туристик объектлар олдин мамлакатимизда ҳисобда бўлмаган. Ишда кўрилган объектлар барчаси янги бўлиб ҳисобланади.

Пандемия шароитида ички ва кирувчи туризмни ривожлантириш, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қанча чоралар кўрилмоқда. Янги туристик манзиллар яратилмоқда. Аммо туристларни кўпайтириш муаммоси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Буларни инобатга олиб бир қанча тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Булар:

Биринчидан, мамлакатимизда туризмнинг ҳамкор ташкилотлари (транспорт, овқатланиш, жойлаштириш кабилар) бўлганлиги туфайли мамлакатимизда туризмнинг кўплаб йўналишлари бўйича “Туристик кластер”ларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, барча меҳмонхоналарда ва бошқа жойлаштириш воситаларида оилавий бўлмаган туристларни имкон қадар якка ҳолда жойлаштириш йўлини қилиш лозим бўлади. Шунингдек, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш масканларида зиёрат туризмидаги туристлар талабларидан келиб чиқиб, таҳоратхоналар ва намоз ўқийдиган жойларни ҳам кўзда тутишлари мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, социологик сўров натижалари бўйича жуда кўп туристлар меҳмонхоналарда интернет тармоғига бемалол уланадиган қурилмаларни ўрнатишни талаб қилишда. Ушбу талабдан келиб чиқиб, ҳозирги замонавий меҳмонхоналар ва барча жойлаштириш воситаларига бундай қурилмаларни ўрнатиш лозимлигини талаб қилмоқда.

Тўртинчидан, пандемия шароитида туристик обидаларга виртуал сайёҳатларни жорий қилиш лозим. Бунинг учун туризмдаги асосий хизматлар бозорини ривожлантиришда замонавий ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидан янада кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, мамлакатимиздаги мавжуд интернет тезлигини ошириш ва нархини арзонлаштириш ҳам соҳанинг ривожланишига туртки бўлади.

Бешинчидан, иқтисодий ахборот унсири сифатида туризмни ривожлантиришнинг минтақавий геоахборот тизимини шакллантириш лозим. Бу мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туристик ташкилотларнинг ягона онлайн маълумотлар алмашиш тизимини яратиш заруратини ҳам туғдиради.

Хуллас, яратилган тизим орқали келган хорижий сайёхлар ҳақида ҳамда уларга кўрсатилган туристик хизматлар ҳақида аниқ, ишончли ва тезкор маълумотлар олиш имкони пайдо бўлади. Бу соҳани оптимал бошқариш имкониятларини ҳам яратади.

Келгуси тадқиқотлар йўналишлари. Пандемия шароити соҳанинг бутунлай тўхтаб қолмаслиги учун, ундан кейин тезроқ тиклаб олиш учун бундай туристик объектларни барпо қилишни тақозо қилди. Буларни инобатга олиб келажакда жуда катта

туристик салоҳиятни яратиш ва ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш учун қуйидаги илмий тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ. Буларга:

Биринчидан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қишлоқ, агро ва экологик туризмларини стратегик ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини огоҳлик ва эҳтиёткорликни унутмаган ҳолда такомиллаштириш масаласи ўта долзарб муаммолардан бири бўлганлиги туфайли ушбу мавзуда грантлар асосида бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилиши лозим.

Иккинчидан, пандемия шароитида туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга хавотирга ўрин қолдирмасдан қулайликлар туғдириш мақсадида туризмга рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш ҳам бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Учинчидан, ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини ишга солиш ва мавжудларидан самарали фойдаланиш йўлларини кўрсатиб берадиган ва туризм инфратузилмасини барпо қиладиган илмий тадқиқотларни олиб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Агар ушбу тадбирлар амалга оширилса, мамлакатимизда туризмнинг барча турларини ривожлантиришнинг илмий асосланган стратегик йўналишлари шаклланади. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган туризм ривожланиб, унинг ЯИМдаги улуши ошиб бориш билан бирга аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифати муттасил ошиб бориш имконияти яратилади.

6.4. Пандемия шароитида рақамли туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари

Пандемия шароитида иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш, маълум даражада рақобатбардошлигини таъминлаш учун муҳим омиллардан бири рақамли иқтисодиёт воситаларидан фойдаланишдир. Бунга 2020 йилда давом этган пандемия яққол мисол бўла олади. Ҳамон асоратлари сезилиб турган ва давом этаётган иқтисодий инқироз туризм соҳасида ҳам

рақамли технологиялардан фойдаланиш лозимлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб сайёҳлар учун виртуал эшикларини очиб берадиган, узоқ масофани босиб ўтганларни қўллаб-қувватлашга интилаётган бир нечта музейлар сингари, сайёҳлик ва виртуал "масофадан жонли кузатиш" тажрибасини яратиш учун рақамли ечимлар ишлаб чиқилмоқда. Бунда Африка қўриқхоналарида сафари ўйинларини ташкил этиш амалиётиини мисол келтириш мумкин [www.wildearth.tv, 2020]. Туризм соҳасининг барқарор ривожланишида, шунингдек туристлар хавфсизлигининг таъминланишида, бугунги мураккаб вазиятдан чиқишида туризм соҳасига рақамли иқтисодиёт элементларини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки соҳанинг рақамли тизимга ўтиши унинг кўламини анча кенгайтиради. Хорижий туристларнинг масофадан туриб мамлакатимиздаги туристик объектларни кўриш иштиёқини уйғотади.

Ҳозирги пайтда туризм соҳасида истеъмолчилар билан самарали ахборот алмашишда, улар билан вертуал алоқаларни ўрнатишда ва туристик масканларни тарғиб этишда рақамли технология воситаларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли мазкур масала ҳам дунё олимларининг тадқиқот предметига айланиб бормоқда.

Охирги пайтларда рақамли иқтисодиёт бутун ҳаётимизга кириб келди. Дунё иқтисодиётининг асосий қисми рақамли оборотлардан иборат бўлмоқда. Масалан, 2019 йилда электрон тижорат саноатида сотувлар ҳажми 3,45 триллион АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, дунё бўйича аҳолининг 59 %и ёки 4,54 млрд. киши интернет хизматларига уланган ва ундан мунтазам равишда фойдаланмоқда. Шу йилда ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларнинг умумий сони эса 3,8 млрд. кишини ташкил қилган (13.). Пандемия шароитида рақамли иқтисодиётга эҳтиёж янада кучайди. Шу туфайли 2020 йил охиригача аҳолининг асосий қисми ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтиши кутилмоқда. Муҳим жиҳат, пандемия шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан туризм соҳаси ҳам жуда катта зарар кўрган бўлса, рақамли иқтисодиётда катта юксалиш рўй берди. Ҳатто одий мажлислар, илмий конференциялар, ҳимоялар ҳаммаҳаммаси рақамли технологиялар орқали масофадан амалга

оширилди. Аммо туризмда бундан маълум даражада фойдаланиш мумкин. Бироқ, ҳар бир объектни турист ўз кўзи билан натурал ҳолда кўриб хулоса қилса, уни алмаштирадиган бирорта чора йўқ. Шу туфайли туризмда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос йўналишлари мавжуд.

Бутун дунёда COVID-19 сабабли глобал туризм учун юзага келган кенг кўламли хавф-хатарлар бутун жаҳон туристик ташкилотининг саёҳатларни чеклаш масаласини қараб чиқди. Тадқиқотларга кўра, 2020 йил май ҳолати бўйича пандемия муносабати билан дунёдаги барча туристик йўналишларнинг 96,0 %ига турли даражадаги чекловлар жорий этган. Натижада дунёдаги 90 та давлат туристларга тўлиқ ёки қисман ўз чегараларини ёпишга мажбур бўлган. Булардан ташқари, яна 44 та давлат туристларнинг келиб кетиши бўйича маълум давлатлар сайёҳатчиларга чеклавлар ўрнатилган (14.). Шу туфайли туризмни эркин ривожлантириш борасида шароитлар етарли даражада эмас. Натижада ҳозирги пайтда дунёдаги ҳар 10 кишидан 9 нафари трансчегаравий саёҳат қилишда чекловлар мавжуд бўлган мамлакатларда яшамоқда. Бу ўз навбатида ҳозирги пандемиянинг янада глобал характерга эга эканлигидан, инсоният тарихида кузатилган ижтимоий-иқтисодий инқирозларга қараганда анча узоқ вақтни қамраб оладиган ҳолатга эга (15.).

Мақоланинг ушбу йўналиши, пандемия шароитида рақамли туризмни ривожлантиришнинг айрим масалаларига бағишланган. Бундай шароитда туризмда рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали уни ривожлантиришнинг айрим имкониятлари қараб чиқилган. Жумладан, потенциал истеъмолчиларнинг интернет коммуникация воситаларидан фойдаланиш даражасини ўрганилган бўлиб, рақамли коммуникацияларни жорий қилиш бўйича тадқиқот натижалари асосида туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Дунё аҳолиси сонининг ўсиши йилига 1,1 фоиз (тахминан 83 млн)ни ташкил этмоқда. Ҳозирда ер юзининг аҳолиси 7 млрд. 846 млндан ортиқ эканлиги маълум бўлмоқда (17. https://www.worldometers.info/world-population/, 2021.). Аҳолиси 1 миллиарддан ортиқ 2 та мамлакат (Хитой ва Ҳиндистон) мавжуд. Булардан ташқари, аҳолиси 100

млн кишидан ортиқ бўлган 12 та мамлакат (АҚШ, Индонезия, Покистон, Бразилия, Нигерия, Бангладеш, Россия, Мексика, Япония, Эфиопия, Филиппин, Миср) мавжуд (18. https://t.me/kunuzsamarqand, 2021). Агар дунё аҳолисининг 20 %и ички ва ташқи туризмни амалга оширса, туристларнинг сони бир йилда 1 млрд. 570 млн. кишига етади. Бундай катта рақам ҳам ўзаро боғланишларни амалга оширишда ахборот технологияларини қўлламасдан имкони йўқ.

Шу туфайли дунё миқёсида рақамлаштириш бутун иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий муносабатларда ҳам қўлланилмоқда. Шулар натижасида рақамли иқтисодиёт шаклланди ва ривожланмоқда. Масалан, 2019 йилда электрон тижорат саноатида сотувлар ҳажми 3,45 триллион АҚШ долларига тенг бўлган. Чунки шу йилда дунё бўйича аҳолининг 59%и ёки 4,54 млрд. киши интернетга уланган. Ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларнинг умумий сони эса 3,8 млрд. кишини ташкил қилган. Пандемия шароитида 2020 йил охиригача аҳолининг асосий қисми ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтиши кутилмоқда (14. https://blog.global webindex.com. 2020.). Кўриниб турибдики, рақамлаштириш иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб келмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг, шу жумладан туризм соҳасининг ҳам келажакдаги ривожланиши бир қатор илғор технологияларнинг муваффақиятига бевосита боғлиқ бўлади. Бундай технологиянинг бештасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Буларга:

- 5Г - алоқа;
- 3Д - босма;
- блокчейн ;
- сунъий интеллект (АИ) ;
- виртуал ҳақиқат (20.16 б) киради.

Ушбу кўриб ўтилган технологиялар ривожланган мамлакатларнинг стратегик ҳужжатларида белгиланган энг муҳим йўналишларини ташкил қилади. Булар ҳозирги пайтда энг илғорлари ҳисобланади. Аммо келажакда ушбу технологиялар жадал ривожланиш босқичида, улар ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ҳар бир технология иқтисодиётнинг бир

қатор анъанавий ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) тармоқларига ва умуман бизнеснинг, шу жумладан туризмнинг ҳам ривожланишига тубдан таъсир кўрсатиши мумкин. Шу жиҳатдан рақамли технология бутун тараққиётнинг калити сифатида тан олинмоқда.

Агар 5Г алоқанинг мазмунига эътиборни қаратадиган бўлсак, ушбу тушунча (инглиз тилидан олинган бўлиб, *бешинчи авлод* деган маънони англатади. Бешинчи авлод мобил алоқа стандарти (5Г) – бу технологиянинг ривожланишидаги янги босқич бўлиб, у радиога кириш тармоқлари орқали Интернетга кириш имкониятларини кенгайтиришга мўлжалланган. Муаллифларнинг (20. 16 б. Порсаев Ғ.М., Сафаров Б.Ш., Усманова Д.Қ.) эътироф этишича, 5Г технологияси қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга мўлжалланган:

- мобил трафик ўсиши ;
- тармоққа уланган қурилмалар сонининг кўпайиши ;
- янги хизматларни жорий етишда кечикишларни камайтириши ;
- частота спектрининг етишмаслиги (20. 16 б. Порсаев Ғ.М., Сафаров Б.Ш., Усманова Д.Қ.).

Юқорида келтирилган илғор технологияларнинг ҳаммасидан туризм тармоғида фойдаланиш мумкин. Рақамли технологияларни туризм соҳасида қўлланилишига эътиборни қаратадиган бўлсак, ушбу технология олдингиларига нисбатан истиқболли бўлиб, уни учта йўналишда қўллаш мумкин. Булар:

1. Туристик хизматлар сифатини оширишда.
2. Туристик хизматларнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб боришда.
3. Соҳада хуфёна иқтисодиёт элементларини бартараф қилишда.

Биринчи йўналиш, яъни туристик хизматлар сифатини оширишда қўлланилишига эътиборни қаратадиган бўлсак, у одатдаги ҳолатга аниқлик киритишда намоён бўлади. Юқорида келтирилган мобил алоқалар орқали туристларнинг қаердалигини, қай аҳволдалигини бевосита сўраб билиб туриш мумкин. Катта шаҳарларда кенг тарқалган мобил алоқа тизимлари ЛТЕ 4Г - 2665 МГтс тармоқларида 100 Мбит / с гача тезликда ишлайди. Янада

ўсиш миллиметр тўлқинлар фойдаланиш билан боғлиқ - 1 - 100 гигагертс, масалан, ҳарбий ноёб хусусиятларга эга ва кенг ишлатилади. Янги тармоқлар 10 Гбит / с гача тезликни таъминлай олади (20. 16 б. Порсаев Ғ.М., Сафаров Б.Ш., Усманова Д.Қ.). Булар ҳар қандай операцияларни ўз вақтида ўта тезликда амалга ошириш имкониятига эга.

Шунингдек, рақамли технологиялар туристларнинг қайси объектда эканлигини, уларнинг ҳар бирига қайси йўл билан бориш мумкинлигини ва қанча масофа юриш лозимлигини кўрсатиб туради. Бу туристлар учун катта қулайликлар туғдиради. Биринчидан, тарихий обидалар ва бошқа туристик объектларнинг кетма-кетлигига амал қилинса, иккинчидан, қанча масофани тахминан қанча вақтда босиб ўтишлигини ҳам билиб олади. Худди шундай ҳар бир объектни тамоша қилишга қанча вақт кетиши ҳам аниқ бўлади. Ушбу ҳолат туристларнинг маршрутга кирган барча объектларни тўлиқ ҳаммасини тамоша қилиб чиқиш учун қанча вақт кетишлигини ҳам олдиндан аниқ белгилаш мумкин бўлади. Чунки машиналарга кузатув камераси ўрнатилганлиги туфайли, ушбу машина қаерда қанча вақт турганлигини, қайси йўлдан юрганлигини, қанча вақтда маълум масофани босиб ўтганлигини айнан идорада туриб кузатиш мумкин бўлади.

Вақт ҳамиша орқага қайтмайдиган қимматли неъмат. Уни туристлар атайлаб бошқа юртлардан келиб, бесамар йўқотмаслиги керак. Айнан шу талабни қондиришда юқорида кўрилган рақамли технологиялар аниқ маълумотларни беради. Бу вақтни тежаш бўйича туристларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини таъминлаш имкониятини яратади.

Рақамли технологияларнинг афзалликларини кўрсатувчи **иккинчи йўналиш**, туристик хизматларнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб боришда намоёндир. Шуни эътироф этиш керакки, ҳар бир янгиликни жорий қилишдан бирорта мақсад бўлади. Худди шундай рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ҳам шунчаки иш бўлмасдан, унинг ҳам мақсади бор. Бизнинг фикримизча, **рақамли иқтисодиётни жорий қилишдан мақсад** инновацион омиллар ҳисобига мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, барча қулайликларга эга бўлган ижтимоий ҳаётнинг сифатини ошириш, турли ноаниқликларга барҳам бериш кабилардан иборатдир.

Худди шундай ҳолат туризм соҳасида иш самарадорлигини ва хизматлар сифатини ошириш учун ҳам муҳимдир. Бу қуйидагилардан иборат:

– туризм соҳасида яратиладиган мамлакат ЯИМни шакллантиришни инновацион омиллар натижасида кўпайтиришга эришиш;

– иқтисодий-ижтимоий ҳаётда, шу жумладан туризм соҳасида ҳам коррупцияни кескин камайтириш;

– рақамли иқтисодиётнинг жуда катта имкониятларидан фойдаланиб, унинг натижасини туризм соҳасида сахталаштириш мумкин бўлмайдиган реал иқтисодиётни шакллантириш;

– барча соҳалар сингари туризм соҳасида ҳам яширин иқтисодиётга барҳам бериш;

– жамиятда, шу жумладан туризм соҳасида коррупция ва яширин иқтисодиёт элементларига барҳам бериш орқали адолатли жамиятни ва барқарор муҳитга эга бўлган туризм соҳасини шакллантириш;

– иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга, шу жумладан туризм соҳасига инновацион омилларни жорий этиш эвазига аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш;

– мамлакат ва ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан туристик фирмалар фаолиятини ҳам реал баҳолаш орқали уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш кабилар**.**

Муаммонинг ечимлари ва тавсиялар. Туризм соҳасида рақамли иқтисодиётни жорий этиш мақсадидан ҳам кўриниб турибдики, агар у жамиятимизда ўз тасдиғини топиб, тўлиқ жорий қилинса, бунинг жуда кўп ижобий томонларини кўриш мумкин. Шу билан бирга шуни алоҳида қайд этиш жоизки, рақамли иқтисодиёт ҳам бошқа унсурлар сингари ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий томонлари ҳам бор.

Рақамли иқтисодиётни туризм соҳасига жорий қилиниши натижасида блокчайн технологияларидан фойдаланиб, ахборотлар тўри ташкил қилинади. Буни содда қилиб айтганда, бир вақтнинг ўзида битта ахборот бир неча жойда ўз аксини топади. Бу ўз-ўзидан рақамларни сахталаштиришнинг имкониятини чеклайди. Шундай қилиб, унинг ижобий томонларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, рақамли иқтисодиётни иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга, шу жумладан туризм соҳасига жорий қилиш орқали инсонларнинг вақти, маблағи ва энергияси тежалади. Шу орқали вақт ва меҳнатнинг тежамкорлиги ва самарадорлигига эришилади. Бунда шуни назарда тутиш жоизки, яратилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг таркибида жисмоний меҳнатнинг ҳиссаси камайиб, интеллектуал меҳнатнинг ҳиссаси ортиб боради.

Иккинчидан, уйида туриб дунёнинг исталган жойидан хоҳлаган товарини, шу жумладан туристик хизматлдарни ҳам харид қилиш имконияти яратилади. Лекин бунинг учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида интернет тўлиқ ишлайдиган бўлиши лозим. Бунга тегишли моддий-техник имкониятлар яратилиши билан амалга ошириш мумкин. Бу борада мамлакатимизда анча ишлар амалга оширилмоқда. Аммо интернет тезлиги ҳали талабга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳам ҳақиқат. Бунга эришиш учун "Рақамли Ўзбекистон - 2030" дастурини жадаллик билан амалга ошириш лозим бўлмоқда.

Учинчидан, туризм соҳасида рақамли иқтисодиётни жорий қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири – ҳозирги шароитда айрим ҳолларда йўл қўйилаётган иқтисодиёт натижаларини сахталаштириш имконияти чекланиши билан боғлиқ. Бунга ахборотлар тўрининг ташкил қилиниши йўл қўймайди. Бу ҳам мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки маънавий муҳитни ҳам ўнглаш имкониятини яратади.

Тўртинчидан, туризм соҳасида мавжуд бўлган иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ кенг илдиз отган коррупциянинг олди олинади. Бунда ҳам ахборотлар тўрининг ташкил қилиниши айни муддао. Чунки бир марта киритилган ахборотни иккинчи марта ўзгартиришнинг имконияти жуда чекланган бўлади. Бу ҳолат йўқ нарсани бор деб ёки бор нарсани яшириб кўрсатиш учун имкониятни чеклайди. Бундай шароитда жамоада, жамиятда тараққиётнинг муҳим омили бўлган адолат қарор топиб боради.

Бешинчидан, рақамли иқтисодиётни жорий қилиш натижасида туристлар бир жойда туриб дунёнинг исталган нуқтасидан ахборот олиш имконияти яратилади. Бу жуда катта вақт сарфини тежаш имкониятини яратади. Ахборотларга тез эришиш "вақтнинг тез ўтганлигига" ўхшайди. Аслида вақт ўша-ўша бир суткада 24

соат. Аммо жуда кўп ахборотларни олишга улгурган одам ҳаммасига тез эришгандай бўлади ва бу вақтнинг тезлашганидай руҳиятни уйғотади. Олдинлари бирор хабарни етказиш учун улов билан бирма-бир айтиб чиққан. Аста-секинлик билан уловларнинг такомиллашган ва тез шакли пайдо бўлди. Энди эса масофадан туриб хабарлар дунёнинг турли бурчакларига етказилмоқда. Бу ҳам инсоният учун, айниқса халқаро туризм учун жуда катта имконият.

Олтинчидан, турли соҳа, шу жумладан туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларда қўшимча маблағ топиш имконияти яратилади. Чунки ахборотлар маълум маънода товарга айланади. Уларни сотиш орқали қўшимча маблағ топиш имконияти туғилади. Масалан, турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган дастурлар, электрон ахборотлар (китоблар, ишланмалар, илмий натижалар, туристик объектлар ҳақидаги ҳужжатли фильмлар каби) ва бошқа маҳсулотларнинг электрон вариантларини сотиш имконияти яратилади. Булардан ташқари жуда кўплаб онлайн савдо шартномалари ҳам амалга оширилиши мумкин.

Пировардида ушбу йўналишни амалга ошириш орқали ҳар бир туристнинг, туристик фирмаларнинг фаолияти аниқ ҳисоб-китоб қилинишига эришилади.

Рақамли иқтисодиётни туризм соҳасига жорий қилишдан эришиладиган **учинчи мақсад**, юқорида қисман таъкидланганидек, соҳада хуфиёна иқтисодиёт элементларини бартараф қилишдан иборатдир. Коронавирус пандемияси шароитида, жуда кўп масалалар масофадан ҳал бўлиши мумкинлигини исботланганлиги учун рақамли иқтисодиётни жорий қилиш жараёни бирмунча тезлашди. Айнан шу жараён рақамли иқтисодиётнинг нафақат туризм соҳасида, балки бутун жамиятимиз учун ҳам объектив зарурият эканлигини кўрсатди. Муҳими, ушбу иқтисодиёт жуда кўп ижобий томонлари билан бирга яширин иқтисодиётни жиловлаш хусусиятининг борлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Туризм соҳасида, умуман олганда жамиятимизда яширин иқтисодиётни жиловлашга қандай эришилади, деган савол муҳимдир. Бизнинг фикримизча, бунга эришишнинг бир қанча йўллари мавжуд экан. Буларга:

Биринчидан, туризм соҳасида шаклланган ва ҳисобга олиниб ахборот базасига киритилган дастлабки маълумотларни сохталаштириш имконияти бўлмайди ёки бутунлай чекланади. Чунки базага киритилган маълумотлар бирданига ахборотлар тўрида (блокчейн ҳолатида) жойлашган бўлади. Битта жойда ўзгартириш (сохталаштириш) мумкин, аммо бошқа жойда буни ўзгартириб бўлмайди. Шу туфайли бу йўл билан сохталаштирилган ёки яширин иқтисодиётни амалга оширишнинг йўли тўсилади.

Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ тадбирларнинг барчаси мамлакатимизда, хусусан туризм соҳасидаги яширин иқтисодиёт фаолиятини расмий иқтисодиётга ўтказиш учун объектив шароит яратади. Чунки сохталаштириш имкони бўлмаган жойда яширин иқтисодиётга томон йўл ўз-ўзидан ёпилади. Чунки иқтисодий-ижтимоий ҳаётимиздаги мавжуд ҳаракатларнинг ҳаммаси рақамлаштирилгандан кейин, уни сахталаштиришнинг ҳеч ҳам имкони қолмайди. Натижада ўз-ўзидан хуфиёна иқтисодиётнинг йўли тўсилади ва барча қилинадиган ишларнинг шаффофлиги таъминланади.

Учинчидан, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, шу жумладан туризм соҳасида ҳам валюта қора бозорнинг барҳам топишига эришилади. Чунки туристлардан тушадиган маблағлар бевосита рақам билан ахборотлар тўрида (блокчейн ҳолатида) амалга ошириладиган бўлса, бунинг ҳам имконияти чекланади. Ҳар бир сўм қилинган пул муомаласи ахборот технологиялари ёрдамида рақамлаштирилгандан кейин, уни ўз ихтиёри билан ўзгартириш имконияти бутунлай ёпилади.

Тўртинчидан, мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилиши давом этаётган солиқ ислоҳотлари ҳам яширин иқтисодиётнинг олдини олишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки кўп ноўрин ҳаракатлар солиқдан “қочиш” мақсадида амалга оширилади. Оддий мисол, ҳамон айрим корхоналарда, айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида ходимлар расмий ишга жойлашмаган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Бундай ходимларга ойлик маоши “конверт”да берилиш амалиёти мавжуд. Ушбу тўланадиган иш ҳақи ҳеч жойда ўз аксини топмайди ва мос равишда булардан солиқлар ҳам тўланмайди. Бу ҳам яширин

иқтисодиётнинг бир кўриниши сифатида сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатга барҳам бериш вақти келди, деб ўйлаймиз. Буни амалга ошириш учун эса, қўшимча "рағбатлантириш" чора-тадбирларни кўриш керак, деб ўйлаймиз.

Бешинчидан, ижтимоий ҳаётимизда, хусусан турзм соҳасига кадрлар тайёрлашда ҳам рақамли иқтисодиётнинг тартибни ўрнатишга ҳиссаси катта бўлмоқда. Жумладан, пандемия шароитида олий ўқув юртларида дарслар масофадан туриб ўтиладиган бўлди. Олдинлари бир жуфт дарс қандай ўтган бўлса, ўша ҳолида қолар эди. Дарс вақти тугагач, ўтилдими ўтилди, бўлар эди. Эндиликда дарснинг қандай ўтилганлиги, неча киши иштирок этганлиги, қанақа ахборотлар берилганлиги, қанча талаба иштирок этганлиги, хуллас, дарс билан боғлиқ ҳамма маълумотлар ахборот технологиялари хотирасида сақланиб туради. Буни қачон хоҳласа текшириши ва иштирокчиларга (ўқитувчилар ва талабаларга) тегишли "баҳо"ни бериши мумкин.

Олтинчидан, рақамли иқтисодиёт коррупция ва "хуфиёна иқтисодиёт"нинг асосий кушандаси эканлигини юқорида ҳам қайд этдик. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда зарур маълумотларни тез ва аниқ тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг умуман иложи йўқ. Зеро, ахборот технологиялари ҳамма ахборотларни аниқ қилиб сақлайди ва хоҳлаган пайтда тайёр ҳолда етказиб беради. Энг муҳими, маълумотларнинг кўплиги билан бирга, уларнинг тизимлаштирилганлиги ёлғон ахборотларни бермайди ва мос равишда қинғир ишларга йўл ҳам қўймайди.

Еттинчидан, рақамли иқтисодиёт бошқа соҳалар сингари туризм соҳасида ҳам "ифлос пулларни" ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имконини бермайди. Натижада ички ва ташқи туризм иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, соҳада бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди. Бу соҳанинг ривожланишида муҳим омил бўлиб саналади.

Келгуси тадқиқотлар йўналишлари. Таъкидлаш жоизки, яширин иқтисодиёт ва шу билан боғлиқ айрим иллатлар ҳанузгача сақланиб қолаётган айни пайтда давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. Булар ўз навбатида мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётига ва барқарор ривожланишига салбий таъсир этадиган коррупция элементларининг мавжудлигига барҳам берилади. Булардан келиб чиқиб, бир қанча илмий тавсиялар ишлаб чиқдик. Келажакда мазкур масала бўйича қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, адолатли жамиятни ўрнатишга киришилган ҳар қандай давлат энг аввало, барча соҳаларда, шу жумладан туризм соҳасида ҳам яширин иқтисодиётнинг ва коррупциянинг барча элементларига аёвсиз кураш олиб бориши ва уларни бутунлай барҳам топтириши лозим. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Шу туфайли ушбу масалани ҳал қилиш учун коррупциянинг сабаблари ва уларни бартараф қилиш йўллари бўйича олимларимиз томонидан чуқур тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

Иккинчидан, коррупцияга қарши курашнинг самарали йўлларидан бири бутун ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга рақамли иқтисодиётни жорий қилишни, барча соҳаларда хўжалик юритувчи субъектларда “Рақамли технологиялар”га асосланишини тақозо қилади. Бунинг учун бутун жаҳон миқёсида интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, туризм соҳасини тўлиқ рақамлаштириш масаласини ҳам ўрганиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

Шундай қилиб, юқоридаги тавсиялар мамлакатимизда пандемия шароитида рақамли туризмни ривожлантириш туристлар хавфсизлигини, соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаш, коррупция ва яширин иқтисодиётнинг олдини олиб, адолатли соҳани шаклланиш имкониятини яратади.

6.5. Ўзбекистонда коронавирус пандемиясидан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режани ишлаб чиқишнинг зарурлиги ва ўзига хос хусусиятлари[85]

Рақамли иқтисодиёт шароитида режалаштириш жараёни бошқарув функциялари учун пойдевор ёки бошқарув тизими функционал тузилмасининг асоси, шунингдек мақсадларга эришишга кўмаклашувчи асосий восита ҳисобланади. Режалаштириш ўзида шундай жараён ва қарорларни мужассам этадики, улар ёрдамида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарнинг фаолиятидаги мақсадларга эришишни таъминловчи иш юритиш стратегиялари ишлаб чиқилади.

Рақобатбардош иқтисодиёт ҳам стрессли вазиятда муваффақиятсизликка учраши мумкин ва бундай ҳолат ҳар доим илгари ҳал қилинганидан сезиларли даражада фарқ қиладиган муаммоларга дуч келганда пайдо бўлади. Бугунги кунда шундай муаммолардан бири коронавирус пандемиясининг таъсири туфайли жаҳон миқёсида туризм соҳасининг ўсиш суръатларининг пасайиши бўлиб, 2020 йилда пандемия сабабли мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳалари сингари туризм соҳасининг ҳам ўсиш суръатлари пасайди.

Бугунги кунда туризм соҳасига, барча мамлакатлар иқтисодиётига жуда кучли салбий таъсир кўрсатаётган глобал муаммолардан бири коронавирус (COVID-19) пандемияси ҳисобланади. Коронавирус пандемияси сабабли 2020 йилнинг биргина январь-май ойлари оралиғида жаҳон туризм индустрияси 320 миллиард доллар даромадни йўқотган. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) ҳисоботига асосан BBCнинг маълумот беришича, бу кўрсаткич 2009 йилдаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз натижасида соҳа томонидан кўрилган зарарлардан уч баравар кўпдир (21).

Коронавируснинг жуда тезлик билан тарқалиши ва ҳукумат томонидан дунё бўйлаб туристик саёҳатларга чекловларнинг қўйилиши сабабли туризм соҳаси ҳозирги кунда энг оғир кунларни бошидан ўтказмоқда. БТТ бош котиби Антонио

[85] Мазкур параграф проф. И.С.Тухлиев ва ўқитувчи С.А.Абдуҳамидовлар билан ҳамкорликда тайёрланган.

Гутерешнинг маълум қилишича (21.), биргина туризм соҳасида 120 миллионга яқин иш жойлари хавф остида қолмоқда. Унинг сўзларига кўра коронавирус пандемияси ривожланган мамлакатлар учун жиддий зарба ва ривожланаётганлари учун эса фавқулодда вазиятга айланди.

БТТ маълумотларига қараганда, туризм соҳаси COVID-2019 пандемияси сабабли бир неча ойлик чегара ёпилганидан сўнг мисли кўрилмаган инқирозни бошидан кечирмоқда. Ноқулай эпидемиологик вазият шароитида туризм бизнесининг ривожланиши жиддий хавф остида қолди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, коронавирус пандемиясининг дастлабки ойларида барча халқаро йўналишларда талаб 20-25 % га камайди ва давлатлар томонидан чегараларнинг ёпилиши билан эса бу кўрсаткич деярли нолга тушиб кетди.

Шу туфайли "COVID-19" пандемияси оқибатларини юмшатиш ва туристлар оқимини қайта тиклаш мақсадида турбизнесни қўллаб-қувватлаш ва ички ҳамда ташқи туризмни янада ривожлантириш ҳамда қайта тиклаш бўйича *давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари, йирик ва кичик корхоналарга бир қатор имтиёз ва енгилликлар берилди.* Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар ва меҳмонхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар жорий йил якунига қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилди, уларга ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга туширилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сонли фармони, ПҚ-4755-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 августдаги 433-сон қарорига асосан меҳмонхона ва туроператорлик ташкилотларига, гидлар, ҳунармандлар, овқатланиш шохобчаларига 12 турдаги имтиёз, грант, субсидия ва ссудалар ажратилмоқда.

Пандемияга қарамасдан, Ўзбекистон туризм сохасида 2020 йил давомида 2 064 номерли 104 та янги меҳмонхона очилди (меҳмонхоналар умумий сони 1 292 та, 28 751 номерли). 478 та

оилавий меҳмонхона ташкил қилиниб, уларнинг умумий сони 1364 тага етди.

– 2019 йилдан буён дунё талаблари даражасидаги “AMIRSOY” тоғ-чанғи курорти фаолият кўрсатмоқда. 2020 йилда Ҳукумат томонидан умумий қиймати 75 миллион евролик қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди. Ҳозирда Amirsoy Resort қурилиши ва янада кенгайтирилиши давом этмоқда.

– 2020 йил сентябрида Бўстонлиқ туманида халқаро даражадаги, 300 ўринли, лойиҳа қиймати 50 млрд. сўмлик Heaven’s Garden Resort&SPA меҳмонхонаси очилди.

– 2020 йил 28 декабрда Бўстонлиқ туманида лойиҳаси умумий қиймати 27 миллиард сўмлик “Seven Tree” дам олиш зонаси очилди. У ерда 150 киши иш билан таъминланди.

– 2020 йил 22 декабрда Тошкент шаҳрида Marriott машҳур меҳмонхоналар бренди тизимидаги 131 номерли "Courtyard by Marriott Tashkent" меҳмонхона очилди.

– 2020 йил 16 августида Тўдакўл кўли бўйича янги курорт зонаси “Silk Road Family Resort” очилди. У ерда пляж, курорт, соғломлаштириш комплекси ва аквапарк ҳам жой олган.

– Бухоро вилоятида тематик туризм маркази “Bukhara Desert Oasis & SPA” очилди.

– шунингдек, миллий боғлар ва ўрмон хўжаликлари ҳудудларида 11 та янги дам олиш масканлари очилди.

– Самарқанд шаҳрида ташкил қилинган “Конигил” туризм қишлоғи ҳунармандлар, меҳмон уйлари, туризм маршрутлари мавжуд бўлиб, сайёҳлар Сиёб дарёси бўйлаб юриб, табиатда дам олишлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари билан танишишлари мумкин.

– 16 октябрь куни Самарқанд шаҳрида Орзу Маҳмудов кўчаси сайёҳлик савдо кўчаси мақомини олди. Унда ҳар бир сайёҳ 30 дан ортиқ кафе ва ресторанларда ўзбек, испан, италян, француз ва бошқа миллий ошхоналарнинг таомларидан татиб кўриши мумкин.

– Хонобод шаҳридан Термиз ва Мўйноқ шаҳригача бўлган йўналишларда йўл бўйи инфратузилмасини яхшилаш бўйича 66 та иншоот рўйхати шакллантирилди.

“Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ билан биргаликда автомагистраль йўллари бўйлаб ташкил этиладиган объектларни хизмат кўрсатиш турига қараб “Service area” ва “Service point” тоифали жойлаштириш ва хизмат кўрсатиш воситаларини қуришнинг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бугунги кунда ушбу магистраль йўлида жойлашган 17 та инфратузилма объектларида, хусусан Фарғона вилоятида 4 та, Жиззах вилоятида 2 та, Бухоро вилоятида 4 та, Хоразм вилоятида 1 та ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 6 та лойиҳаларда курилиш ишлари якунланган, қолган объектларда қурилиш ишлари давом этмокда.

2020 йил давомида туристик объектлар, аҳоли гавжум жойлар ва йўл бўйларида республика бўйича 1480 та санитария-гигиена шохобчаси фойдаланишга топширилди *(780 таси янгидан қурилган, 700 таси таъмирланган).*

Бугун дунёнинг турли мамлакатларида коронавирусга қарши вакциналар синовдан ўтказилиб, оммавий эмлаш бошланди. Ушбу оммавий эмлаш жараёни пандемиядан кейинги даврда *чекловларни камайтиради, туризм учун яна янги йўллар очилади. Аммо* рақамли иқтисодиёт ривожланишининг бугунги босқичида туризмни режалаштириш мажмуавий ёндашув асосида, туризм соҳасининг мақсади ва маҳаллий аҳоли манфаатлари, миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш йўналишлари уйғунлаштирадиган Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемиясидан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режани ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Минтақавий туризмни режалаштириш мураккаб масала, бу аввало минтақа иқтисодиётда туризмнинг тутган ўрни ва аҳамиятини ёритишга қаратилган илмий-услубий ишларнинг етарли эмаслиги билан изоҳланади. Бозор муносабатлари тараққий этган мамлакатларда туризмни режалаштириш-бошқаришнинг самарали тажрибаси сифатида қўлланилаётган усуллар, Ўзбекистондаги миллий ва маданий ўзига хос омиллар ҳисобига самарасиз ҳисобланади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, туризм яққол намоён бўладиган минтақавий хусусиятига эга, мамлакатимизда туристик ресурсларнинг бир ёки бир нечта маъмурий бирлик ёки минтақа доирасида жойлашганлиги ҳамда ҳар бир минтақада ўзига хос режалаштириш тамойилларига урғу

берилганлиги сабабли туризмни режалаштиришни янада мураккаблаштиради.

Коронавирус пандемиясидан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режани ишлаб чиқиш учун туристик хизматларнинг талаб ва таклиф кўрсаткичларини баҳолаш мақсадга мувофиқ. Аввало алоҳида турли ижтимоий гуруҳ(сегмент)лар, ҳудудлар ва ялпи таклиф ҳажми бўйича ялпи туристик талаб ҳажмини, турмаҳсулот айланмаси, соҳада банд аҳоли сони, туристик хизматлар кўрсатишдан тушган даромад ва турдош тармоқларда яратилган товар ва хизматлар кўрсатишдан тушган даромадни баҳолаш зарур. Ушбу баҳолаш асосида минтақани туристик дестинация сифатида мижозларга йўналтирилганлик тамойилига асосланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур ва албатта туристик дестинация имижи ушбу стратегия асосини ташкил қилиши керак.

Туризм соҳасининг самарадорлигини баҳолаш туризмнинг минтақа (ҳудуд, дестинация)ларнинг ривожланишига қанчалик ҳисса қўшганлигини аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари, бошқа иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳам туризмнинг иқтисодий самарадорлигига таъсирини баҳолаш, уларни самарали назорат қилиш ва ижобий натижа берувчи кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради. Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш асосида муайян омиллар ўзгариши натижасида туризм ривожланишига баҳо бериш ва назорат қилиш мумкин бўлади.

Амалиётда туризмни ривожлантириш режаси минтақаларнинг муайян даврга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида қисман ўз аксини топади. Пандемиядан сўнг рақамли трансформациялашув шароитида минтақада туризмни ривожлантиришга қаратилган батафсил стратегик режанинг таркибий тузилиши қуйидаги бўлимлардан иборат бўлишини тавсия қиламиз (6.1-расм).



6.1-расм. Рақамли иқтисодиёт шароитида пандемиядан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режалаштиришнинг таркибий қисми.[86]

Мазкур расмда келтирилганидек пандемиядан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режалаштиришнинг таркибий қисми 14 та бўлимдан таркиб топган режалаштириш жараёнини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу расмда келтирилган режалаштириш бўлимлари таркибий қисмларида қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

1. Туризмни ривожлантиришнинг стратегик миссияси ва мақсади: Миссия ташкилий тизимнинг моҳият ва ҳолатини акс эттиради, бирор мақсадга қаратилган вазифани аниқлайди, стратегик мақсадларни тадқиқ қилиш учун база бўлиб хизмат қилади. Агар миссия ташкилотнинг фаолият олиб бориш моҳиятини ифодаласа, у ҳолда ҳар дақиқада ташкилот ҳаракат қиладиган асосий ҳолат, унинг мақсадлари кўринишида

[86] Илмий тадқиқот натижаларига асосан муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди

белгиланади. Бошқача айтганда, мақсадлар – бу ташкилотнинг алоҳида хусусиятларининг аниқ ҳолати, унинг учун керакли бўлган ютуқлар ва бу ютуқларга йўналтирадиган фаолият бўлиб ҳисобланади.

2. "Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегияси (23) доирасида туризм соҳасини рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни белгилаш:

Ушбу стратегия доирасидаги туризм соҳасини рақамли трансформация қилиш бўйича қуйидаги устувор лойиҳаларни рақамли вилоятлар геоахборот тизимларига интеграция қилиш лозим: туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси янги расмий веб-сайтини вилоятлардаги маълумотлар ресурслари билан интеграция қилиш ва маълумотларни жойлаштириш; туризм соҳасидаги барча жойлаштириш воситалари, санитар-гигиеник шоҳобчалар ва инвестиция талаб этиладиган объектларнинг ягона электрон реестрини жорий этиш. Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасида фаолият юритадиган Гид- экскурсия етакчиларини идентификациялаш тизимини жорий этиш (Гид-экскурсия етакчиларини идентификация қилишни QR код технологиясини қўллаган ҳолда автоматлаштириш).

3. Минақанинг ресурслар базасини рақамлаштириш: минтақанинг тарихий, маданий, географик, иқлимий, демографик экологик тавсифи; минтақаларнинг табиий ресурслари ҳамда муайян ҳудудларининг фойдаланилмаётган ер ва табиий ресурслари ҳолати; маҳаллий ривожланиш дастури, режа ва стратегияларининг мавжудлиги; минтақа иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари.

4.Ташкилий-кластр элементлари: давлат ва хусусий ташкилий тузилмалар, туризм кластрлари, туристик корхоналар ва расмиятчилик; ресурсларни жалб қилиш мақсадида туризмни инвестициялаш; кадр ресурслари ва таълим ҳамда ўқитиш дастурлари.

5. Маркетинг функциялардан фойдаланиш: мавжуд маблағлар асосида турмаҳсулот ва минтақанинг туристик жозибадорлигини ошириш, туристик маҳсулотларини сотиш каналлари ва стратегияларини аниқлаш.

6. Пандемиядан сўнг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар: туристик харажат турлари ва миқдори; лойиҳалаштирилаётган туризм турларини ривожлантиришнинг даромадлилик даражаси; туризмдан тушадиган иқтисодий-ижтимоий самарадорликни ошириш бўйича ва туризмни ривожлантириш орқали аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тавсиялар.

7. Атроф-муҳит ва экология омиллари: туризм таъсирида атроф-муҳитда содир бўладиган ўзгаришлар ва муаммолар ҳамда уларни камайтириш бўйича тавсиялар; атроф-муҳит муҳофазаси, уни сақлаб қолиш дастурлари, экотуристик лойиҳаларнинг табиатга таъсирини камайтириш бўйича тавсиялар.

8. Тарихий-маданий қадриятлар: Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси, ноёб табиий салоҳиятга эга бўлган минтақалари учун туризмнинг ижтимоий-маданий таъсирини аниқлаш, туризмни ривожлантириш орқали аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини ошириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш.

9. Пандемиядан сўнг бозорни лойиҳалаштириш: глобал ва минтақавий туристик йўналишлар ва лойиҳалар; туристларнинг минтақага ташрифи ва ташриф йўналишлари; туризм йўналишига рақобатнинг таъсири; бирламчи ва иккиламчи бозорларни аниқлаш, туристлар ташрифига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар; бозор мақсадларини аниқлаш; турмаҳсулотлардан маҳаллий аҳолининг фойдаланиш даражаси; туристик объектларнинг миқдори, тури ва яшаш шароитларининг сифатини белгилаш.

10. Пандемиядан сўнг туризмни ривожлантириш сиёсати ва дастури: Ўзбекистонда туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақоми берилиши туфайли, туризм соҳасидаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, туризм соҳаси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш, туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган барча тўсиқларни бартараф этиш, виза ва рўйхатдан ўтиш тартибларини соддалаштириш, паспорт ва божхона назорати, статистик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш.

11. Туризм инфратузилмаси ва ёндаш тармоқларни ривожлантириш: Республикамизнинг барча минтақаларида

туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган замонавий жаҳон стандартларига жавоб берадиган туризм соҳаси объектларини жадал ривожлантириш: умумий овқатланиш корхоналарини, транспорт-логистика иншоотларини, соҳадаги ахборот марказларини, йўл ва транспорт муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, асосий сайёҳлик йўналишлари бўйлаб йўл бўйидаги инфратузилмани жойлаштириш учун меҳмонхоналар ва шу каби объектларни миқдорий ва сифат жиҳатидан яхшилаш, шунингдек ушбу мақсадлар учун чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш

12. Пандемиядан сўнг туристик хизматлар, имконият ва уларни яхшилаш йўллари: мавжуд ва режалаштирилган жойлаштириш воситалари ва истиқбол кўрсаткичлари (сони, тури, жойлашуви ва сифати) ҳамда уни яхшилаш бўйича тадбирлар. туристик объектлар, ҳудуд, зоналарнинг жойлашуви ва транспорт таъминоти; ривожланиш босқичлари; туристик йўналишга ва маршрутларни белгилаб берувчи модель ва дастурлар; туризмни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш ва хабардор этиш режалари; давлат ва хусусий сектор ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши; туристик ахборот таъминоти ва хизмати.

13. Пандемиядан сўнг туризмда инвестиция талабини шакллантириш: давлатнинг фаол инвестиция сиёсати ва ҳудудларда инвестицион жозибадорликни ошириш, инвестицион муҳитининг мониторинги, туризм соҳасига сарфланган давлат харажатлари, туризм соҳасига капитал қўйилмалар ҳажми, туристик хизматлар экспорти ҳажми, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, мамлакатимиз хусусий инвесторлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва ташаббусларни рағбатлантириш.

14. Пандемиядан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режани амалга ошириш ва мониторинг қилиш: харажатлар сметаси ва бажарувчи масъулларни ўзида акс эттирувчи ривожланиш дастури; амалга ошириш чора-тадбирлари ва молиялаштириш манбалари; туризмни ривожлантириш бўйича меъёр ва стандартлар; режани амалга оширилишини техник жиҳатдан назорат қилиш ва яхшилаш чора-тадбирлари.

Шундай қилиб рақамли иқтисодиёт шароитида пандемиядан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режалаштиришнинг илмий асослари туризмни ривожлантириш мақсадини ва миссиясини белгилаш, туристик хизматлар, имконият ва уларни яхшилаш йўлларини аниқлаш жараёнидан бошлаб, уни самарали ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш имконини берувчи кўп босқичли тизим эканлиги аниқланди.

Боб бўйича хулоса

Мамлакатимизда пандемия ва ундан кейинги даврда туризм соҳасини ривожлантириш ўта муҳим масалалардан бирига айланди. Бу табиий албатта. Чунки жадаллик билан ривожланаётган туризм соҳаси, айнан шу пандемия шароитида жуда катта зарар кўрган соҳалардан бири бўлиб қолди. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган одилона сиёсат туфайли, бугунги таҳликали кунларда ҳам ҳеч хавотирга ўрин қолдирмаяпди. Зеро, бирор киши бугун эътибордан четда қолаётган эмас. Бор имкониятларимизни ишга солган ҳолда халқимизни бугунги кунидан ҳам рози бўлиб яшаши учун кенг кўламли чоралар кўрилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида туризмнинг янги-янги йўналишлари очилиб, ҳудудлар аҳволини ўнглаш учун у ердаги аҳолини қийинчилик паллада шукур қилиб, бундай вақтни енгиш учун сабр қилиб яшашга чорламоқда. Уларга янги иш ўринларини яратиб, барча имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда. Шунинг ўзи ҳам жамиятимизнинг инсонпарварлигидан далолат бериб турибди. Бундай мамлакатни бутун дунёга тараннум қилиш учун ҳам туризмни ривожлантиришга катта аҳамият бериш лозим бўлмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган чора-тадбирлар бутун иқтисодиётни шу жумладан туризм соҳасини тиклаш билан бирга яширин иқтисодиёт ва шу билан боғлиқ ҳанузгача сақланиб келинаётган айрим иллатларни бартараф қилиш имкониятини ҳам яратмоқда. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга ижтимоий ҳаётни ҳам яхшилашга хизмат қилади. Айнан ушбу тадбирлар мамлакатимизда адолатни ўрнатиш, шу

орқали халқни рози қилиш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатимизда бугунги кунда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб бермоқда. Булар ўз навбатида мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётига ва барқарор ривожланишига салбий таъсир этадиган коррупция элементларининг мавжудлигига барҳам бериш имкониятларини яратади. Айнан шу туфайли адолатли жамиятни ўрнатишга киришилган ҳар қандай давлат, энг аввало, яширин иқтисодиётнинг ва коррупциянинг барча элементларига аёвсиз кураш олиб бориши ва уларни бутунлай барҳам топтириши лозим. Буларнинг самарали йўлларидан бири ишлаб чиқариш муносабатларида инсон иштирокини камайтиришни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида бутун ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга рақамли иқтисодиётни жорий қилишни, барча соҳаларда “Рақамли технологиялар”га асосланишни талаб қилмоқда. Бунинг учун жаҳон миқёсида интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши муҳим омил бўлиб ҳисобланишини инобатга олиб, бу борада ҳам бир қанча Давлат дастурлари тузилиб, чинакам тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, агар ушбу тадбирлар амалга оширилса, мамлакатимизда туризмнинг барча турларини шу инқироздан кейинги даврда ривожлантиришнинг илмий асосланган стратегик йўналишлари шаклланади. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган туризмнинг ривожланиши, унинг ЯИМдаги улуши ошиб бориши, бандлик муаммосининг ҳал қилиниши билан бирга аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифати муттасил ошиб бориш имконияти яратилади.

Боб бўйича адабиётлар рўйхати

1. https://www.unwto.org/ru/news/unwto-underscores-tourisms-importance-for-covid-19-recovery-in-meeting-with-the-king-of-spain
2. UNWTO. International Tourism Highlights. 2019. стр. 3-8
3. https://www.interfax.ru/world/703736

4. Пардаев М.Қ., Эштаев А. Пандемия шароитида иқтисодиёт: муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида.// “СЕРВИС” илмий-амалий журнали. 2020 йил. Махсус сони. – 5 бет.
5. www.aa.com. tr/ru.
6. Пардаев М.Қ. Пардаев О.М., Пардаева О.М. Ўзини ўз банд қилиш йўллари. Илмий услубий тавсия. Самарқанд, СамИСИ – 2020, 21 бет.
7. Юлдашев К.М., Шерматов А.А.Ўзбекистон туризм индустриясига коронавирус пандемияси таъсири.// “СЕРВИС” илмий-амалий журнали. 2020 йил. Махсус сони. – 112 бет.
8. https://tourism.interfax.ru/ru/news/articles/73914/ ЎзА хабари.// “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 29 январь 21-сон. – 1 бет.
9. Институт развития туризма займется вопросами гендерного равенства и трудоустройства в сфере туризма. 28 сентября 2020 год. September 30, 2020 https://telegra.ph/Institut-razvitiya-turizma-zajmetsya-voprosami-gendernogo-ravenstva-i-trudoustrojstva-v-sfere-turizma-09-30.
10. Инновацион экотуризм кластери: Бухорода саҳроларнинг эртакнамо оламига қандай саёҳат қилиш мумкин? XS.Uz. 13:20 29 август 2020 Welcome to Uzbekistan 558 0.
11. Лола САНАЕВА, Жиззахда сайёҳлик йўналишлари, имкониятлари кайта очилади. ЎзА. 5 878. 26.06.2020.
12. Биби Сешанба зиёратгоҳи. Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ (сурат), ЎзА4 822. 07.07.2020.
13. Биби Сешанба зиёратгоҳи. Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ (сурат), ЎзА4 822. 07.07.2020.
14. https://blog.globalwebindex.com.
15. https://www.oecd.org/coronavirus/policy-responses/tourism-policy-responses-to-the-coronavirus-COVID-19-6466aa20/#endnotea0z30.
16. PEW Research Centre, 1 April 2020. https://www.pewresearch.org/fact-tank/2020/04/01/more-than-nine-in-ten-people-worldwide-live-in-countries-with-travel-restrictions-amid-COVID-19/
17. https://www.worldometers.info/world-population/, 2021.
18. https://t.me/kunuzsamarqand.
19. https://blog.globalwebindex.com.

20. Порсаев Ғ.М., Сафаров Б.Ш., Усманова Д.Қ. Рақамли иқтисодиёт асослари. Дарслик. Самарқанд: СамДУ нашри, 2020. - 16 бет.

21. https://www.unwto.org/

22. Илмий тадқиқот натижаларига асосан муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли «"Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида »ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й.

24. Ибодуллаев Т. Қадимий шаҳардаги табаррук манзиллар бунёдкорликлар туфайли янада обод ва дилтортар қиёфа касб этяпти. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2021 йил 15 апрель, №75 (331).

7-боб. ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ШАРОИТЛАРДА МИЛЛИЙ ТУРИЗМНИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

COVID-19 пандемиясидан олдин туризм дунёдаги энг тез ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланган. Ўзбекистон ҳукумати ноёб мерос ва табиат манзаларининг мутлақ афзаллигининг тан олиб, туризм устувор тармоқ деб аниқлаган. Ушбу афзалликлар мамлакат учун миллий туризмни тезда тиклаш, янги шароитда халқаро бозорда рақобатбардошлигини, ривожланишининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради. Мамлакатда туризни тиклаш учун пандемиянинг талабга салбий таъсирини ҳисобга оладиган тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш, тармоқни рағбатлантиришнинг илгари ишлатилган усулларни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, маҳаллий ҳамжамият, ҳукумат ва халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлар тактикаларини қайта кўриб чиқиш лозим. Мамлакатда туризмнинг рақобатбардошлик даражасини аниқлашда янги шароитларни ҳисобга олган ҳолда айрим тузатишлар киритиш ва уни такомиллаштириш бўйича самарали чораларни ишлаб чиқиш зарур.

Буларни инобатга олиб, мазкур бобда туризм рақобатбардошлигининг назарий асослари, мамлакатнинг туризм бозоридаги рақобатбардошлиги муаммосининг пандемия шароитидаги тизимийлиги, пандемия таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий туризмнинг рақобатбардошлигини баҳолашни такомиллаштириш йўллари, миллий туризмни тиклаш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича ўзига хос ёндашувларни қараб чиқиш мақсад қилиб олинди.

7.1. Туризм соҳасида рақобатбардошлигининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг пандемия шароитида намоён бўлишининг назарий асослари

Рақобатдошлик тушунчаси иқтисодиётнинг турли тармоқлари, шаҳарлар, вилоятлар, мамлакатлар ва бошқаларга нисбатан

кенг қўлланилади. Рақобатдошлик нисбий (бирон нарсага нисбатан) ва кўп қиррали тушунча сифатида қаралади.[87] Рақобатдошлик концепциясининг кўп қирралилиги унинг универсал таърифини ишлаб чиқиш жараёнини мураккаблаштиради, шу муносабат билан унинг моҳияти ва баҳолаш усулларини аниқлаш учун турли хил концептуал ёндашувлар шаклланган. Мамлакатнинг рақобатбардошлигининг таркибий қисмларидан бири туризм рақобатбардошлигидир. Туризмнинг рақобатдошлиги тадқиқотчилар томонидан рақобатбардошлиги ва унинг алоҳида индивидуал кўрсаткичларининг барқарор ривожланиши учун аҳамияти тўғрисида субъектив мулоҳазаларига қараб кўриб чиқилади . Рақобатдошлигининг иқтисодий моҳиятини талқин қилишнинг мавжуд ёндашувлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Муаллифлар таърифларидаги асосий фарқлари рақобатбардошликнинг пайдо бўлиш сабабларини, унинг мақсадга йўналтирилганлигини, сифат хусусиятларини, шунингдек маҳсулот ва тармоқларнинг (миллий иқтисодиёт) ўхшаш хусусияти билан ўзаро боғлиқлигини талқин қилишда кузатилади. Рақобатбардошлик – корхона, тармоқ, мамлакатнинг салоҳиятидан, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигидан ва фаолият самарадорлигидан фарқ қилувчи мажмуали хусусияти. Шу сабабли, мавжуд ёндашувлардан фарқли ўлароқ, рақобатбардошликнинг пайдо бўлишининг сабаблари сифатида, нафақат корхона билан боғлиқ ички омилларни, балки ташқи омилларни ҳам ҳисобга олиниши керак, улар тайёр маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш ресурслари бозорларида рақобат шаклини олади. Корхона, унинг маҳсулотлари ва саноатининг (миллий иқтисодиёт) рақобатдошлиги бир хил тушунчалар эмас. Корхонанинг рақобатбардошлигини бошқариш омиллар ва маҳсулотлар ва саноат тармоқларининг (миллий иқтисодиёт) рақобатдошлик даражасини ҳисобга олиш керак. Масалан, Л.Двайер[88] ва бошқаларнинг таърифига кўра, туризм рақобатбардошлиги – бу валюта курсининг ўзгариши, туристик саноатнинг турли таркибий қисмларининг маҳсулдорлик даражаси ва дестинация

[87] Морозов М.А., Войт М.Н. Конкурентоспособность туристской дестинации, анализ ее основных конкурентных преимуществ // Современная конкуренция. 2013. № 3. С. 82–92. Морозова Н.С., Морозов М.А. Предпринимательство и конкуренция в туризме: монография. М.: РосНОУ. 2010. 136 с.

[88] Dwyer L., Forsyth P., Rao P. The price competitiveness of travel and tourism: a comparison of 19 destinations //Tourism Management. 2000. Vol. 21. Iss. 1. P. 9–22

жозибадорлигига таъсир қилувчи сифат омиллари билан бирлаштирилган нарх фарқларини ўз ичига олган умумий атама. Айни пайтда, бошқа олимларнинг таъкидлашича, туризмнинг рақобатбардошлиги бу туризм хизматларида қўшимча қиймат яратиш, ресурс базасини сақлаб қолиш ва рақобатчилар орасида юқори бозор мавқеини сақлаб қолиш қобилиятидир. Туризмнинг рақобатбардошлигини аниқлаш бўйича таклиф қилинган концептуал ёндашувлар асосан М. Портернинг[89] "рақобатбардош ромб" ғояларига асосланади. Улардан энг кенг қамровли ва тушунарли Ритчи ва Кроуч модели[90] ҳисобланади, унда дестинациянинг рақобатбардошлиги қуйидаги асосий омиллар билан ифодаланади:

- асосий ресурслар ва жалб этувчилар (аттракциялар);
- қўллаб-қувватловчи омиллар ва ресурслар;
- дестинацияни ривожлантиришни стратегик режалаштириш;
- асосий ресурсларни тарғиб қилишда тартибга солувчи органнинг роли;
- вазият шароитлари (сиёсий вазият, географик жойлашуви ва бошқалар).

Кўп йиллик изланишлар асосида олимлар энг рақобатбардош дестинация ўз аҳолисининг барқарор фаровонлигини самарали равишда таъминлашга қодир деган хулосага келишди.[91] Туризмдаги рақобатнинг асосий хусусияти шундаки, у бир вақтнинг ўзида бир-бирига боғлиқ бўлган бир неча даражаларда, хусусан, макро, мезо ва микро даражаларда таҳлил қилиниши керак. Макроиқтисодий жиҳатдан туризм рақобатбардошлиги кўплаб иқтисодий, экологик, маданий ва сиёсий омиллар билан белгиланади. Кўпгина тадқиқотчилар туристик дестинция

---

[89] Портер М.Ю. Конкурентная стратегия: методы анализа отраслей и конкурентов. М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. 464 с.

[90] Ritchie J.R.B., Crouch G.I. The Competitive Destination: A Sustainable Tourism Perspective. Wallingford, Oxon, GBR, CABI Publishing, 2005, 290 p.

[91] Барчуков И.С. Методы научных исследований в туризме. М.: Академия, 2008. 224 с. Dwyer L., Forsyth P., Rao P. The price competitiveness of travel and tourism: a comparison of 19 destinations //Tourism Management. 2000. Vol. 21. Iss. 1. P. 9–22 Морозов М.А., Бубнова Г.В., Щедловская М.В. Применение математических моделей для оценки конкурентоспособности туристской дестинации Наро-Фоминского муниципального района // Современная конкуренция. 2012. № 6. С. 131–141.Киселева И.А., Трамова А.М. Моделирование развития туристско-рекреационного комплекса региона // Экономический анализ: теория и практика. 2014. № 14. С. 13–19.

рақобатбардошлиги тўғридан-тўғри кўриб чиқилаётган ҳудуддаги туристик корхоналарнинг рақобатдошлигига, шунингдек, тармоқ ихтисослашуви билан белгиланадиган рақобатбардошлик ўрнига боғлиқ деб ҳисоблашади.

Миллий туризм рақобатбардошлиги мамлакат рақобатбардошлигини таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Туризм ресурсларининг ўзига хослиги қиёсий ва рақобатдош афзалликларни яратади. Қиёсий афзалликлари иқлими, табиий ресурслар ва бошқалар билан боғлиқ. Инфратузилма, сифат бошқаруви, меҳнат ресурслари, давлат бошқаруви ва ҳоказо сифати – рақобатбардош афзалликлари ҳисобланди. Бошқача қилиб айтганда, табиий-иқлим шароити, ноёб тарихи, меъморчилиги, маданияти бирламчи туристик ресурслар бўлиб, қиёсий устунликларни яратади, туристик хизматларни яратишда иштирок этадиган инсон ва молиявий ресурслар иккиламчи ҳисобланади. Демак, миллий туризмнинг рақобатбардошлиги дестинациянинг туристик салоҳияти, ўзига хос маданияти, урф-одатлари, тарихи, шунингдек мамлакат имиджи, миллий туризмни стратегик саноат сифатида ривожлантиришга қаратилган самарали ҳукумат сиёсати , ушбу соҳадаги инвестициялар ва инновациялар билан белгиланади.[92]

Пандемия оқибатларини бартараф этишнинг замонавий шароитида давлатнинг устувор вазифаси миллий туризмни тезкор тиклаш ва туризмнинг анъанавийдан инвестиция ва инновацион ривожланиш моделига ўтиш асосида саноатнинг рақобатбардошлигини оширишдир. Бу ёндашув 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясига мувофиқдир[93]. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини ривожлантириш учун қўлай иқтисодий ва зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга, туризмни жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқишга, унинг иқтисодиётдаги роли ва ҳиссасини ошириш, хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини ошириш, шунингдек, туристик

[92] “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 13 август 2019 йил 5781-сонли Президент Фармони. “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 7 феврал 2018 йил 3514-сонли Президент Қарори.

[93] “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 5 январ 2019 йил 5611-сонли Президент Фармони.

инфратузилмани такомиллаштиришга қаратилган. Ўзбекистонда туризмни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ҳозирги вақтга қадар қанча бўлганлиги ушбу жадвалда келтирилган (7.1-жадвал).

7.1-жадвал

2021 йилга қадар Ўзбекистонда туризмни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат	сони
Давлат раҳбарининг қарорлари	
Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари	12
Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари	15
Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойишлари	1
Ҳукумат Қарорлари	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари	25
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	8
Бошқа ҳужжатлар	
Қўшма қарорлар	1

Бу концепция миллий туризм ривожланишидаги ижобий ўзгаришлар, унинг рақобатбардошлигини ошиши, ҳукуматнинг туризмнинг барқарор ўсишини таъминлаш борасида саъй-ҳаракатлари туфайли қабул қилинди.

Миллий туризмнинг рақобатбардошлиги қуйидаги қиёсий ва мутлақ афзалликларга эга эди. Ўзбекистон улкан туристик ва рекреацион салоҳиятга эга бўлиб, унда 7,4 минг маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, улардан 209 таси "Хива шаҳридаги Ичан калъа", "Бухоро шаҳрининг тарихий маркази", "Тарихий марказ" тўртта музей шаҳарлари таркибига киради. Шаҳрисабз шаҳри "ва" Самарқанд шаҳри "ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган.

Пандемиягача 2010 - 2017 йиллар давомида туризм хизматлари экспорти икки бараварга ошди ва 2017 йилда 546,9

миллион АҚШ долларини, 2018 йилда эса - 1041 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Хорижий меҳмонларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 2016 йилга қадар 8 фоизни, 2017 йилда 7 фоизни ташкил этди ва 2,69 миллион кишидан ошди. 2018 йил охирида республикага 5,3 миллионга яқин чет эллик сайёҳ ташриф буюрди. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар сайёҳлик ташкилотлари сонининг 2015 йилдаги 398 тадан 2018 йил охирида 950 тага, меҳмонхона объектлари сони 661 тадан 900 тагача кўпайишига ёрдам берди.[94]

Сўнгги йилларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда, жумладан, Тошкент шаҳрида «Hyatt Regency Tashkent» ва " Lotte City Hotel Tashkent Palace " бренд меҳмонхоналарини очиш, шаҳарларда маданий ва кўнгилочар боғларни яратиш. Андижон, Урганч, Тошкент, "Ангрен - Поп" темир йўл линияси, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларигача тезюрар поездларнинг электрлаштирилган темир йўллари.

Туризм соҳасидаги давлат сиёсати узоқ муддатли истиқболда туризм соҳасини минтақаларни ва уларнинг инфратузилмасини жадал ривожлантиришнинг локомотивларидан бирига айлантиришга, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, иш ўринларини кўпайтириш, диверсификацияни таъминлашга, минтақаларни ривожлантиришга, даромадларни, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга, мамлакат имиджи ва инвестиция жозибадорлигини оширишга қаратилган. Натижада туристлар сони мунтазам ошиб борган (7.2-жадвал).

[94] “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 5 январь 2019 йил 5611-сонли Президент Фармони. “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 13 август 2019 йил 5781-сонли Президент Фармони. “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 7 февраль 2018 йил 3514-сонли Президент Қарори.

7.2-жадвал

2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш*

№	Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
1.	Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эллик туристлар сони (минг киши)	5 346	6 041	7 010	8 410	10 010	10 600	11 250	11 810
2.	Туризм хизматлари экспорти (миллион АҚШ доллари	1 041	1 180	1 360	1 620	1 900	2 000	2 080	2 170
3.	Ички туристлар сони (минг киши)	15493	16 100	17 230	18 806	20 317	21 867	23 404	25 010
4.	Меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш турар жойлар сони	914	1 100	1 620	2 200	2 600	2 800	2 900	3 050
5.	Турар жой биноларидаги хоналар сони (минг)	20,2	24	35	47	55	59	62	64
6.	Турар жой бинолари сони (минг)	41	49	72	95	110	122	124	128
7.	Туроператорлар сони	983	1 100	1 190	1 250	1 320	1 390	1 420	1450

**2019 йил 13 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5781- сонли ПФга Илова. Миллий маълумотлар базаси.*

2018-2019 йилларда келадиган чет эллик сайёҳлар сонининг икки баравар кўпайишига таъсир кўрсатган муҳим омиллардан бири бу қуйидагилар:

– виза режимини соддалаштириш, Ўзбекистонда қолиш ва бизнес юритиш қоидалари, туризм соҳасидаги инфратузилмани ривожлантириш ва туристик салоҳиятни тарғиб қилиш эди:

– 9 мамлакат учун визасиз режимни қўшимча равишда ўрнатиш (жами 18 та), фуқаролари учун кириш визаларини олишнинг соддалаштирилган режими қўлланиладиган мамлакатлар сонини 12 дан 50 гача ошириш;

– электрон кириш визаларини рўйхатдан ўтказиш ва бериш тизими фаолиятининг бошланиши ва Ўзбекистон ҳудудидан ўтувчи 101 та давлат фуқаролари учун назорат пунктлари орқали Ўзбекистонга визасиз кириш, вақтинча бўлиш ва чиқиш тартибини жорий этиш;

– чет эл фуқароларини республика ҳудудида вақтинча рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш, бу "Е-МЕҲМОН" тизими орқали тўлиқ электрон форматга ўтказилган;

– меҳмон уйларини ташкил этиш учун сертификатлашни бекор қилиш;

Бироқ, ушбу прогнозлар мамлакатлар ривожланишида мураккаб босқичи бошланганлиги сабабли амалга ошмаяпди. COVID-19 коронавирус пандемияси бутун тарихида туризм соҳаси учун энг жиддий муаммога айланди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг октябрь ойидаги "Келажак учун туризмни тиклаш" ҳисоботида[95] 2020 йил охирига келиб халқаро туризм иқтисодиёти тахминан 80% га қисқаради. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) прогнозларига кўра йил охирига қадар иқтисодиётнинг ушбу соҳасидаги зарарлар миқдори 1 триллион доллардан ошади, 100 миллиондан ортиқ киши ишсиз қолиши мумкин. Ҳозирги инқироз Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти экспертлари таъкидлашларича сайёҳлик иқтисодиётидаги узоқ муддатли тузилмавий заифликларни (бу асосан, мавсумийликка ҳаддан ташқари боғлиқ бўлган асосан кичик ва ўрта бизнесдан ташкил этилган бўлиниб кетган сектор) очиб берди.

Ушбу ҳолатни тўғри англаш учун пандемия оқибатларини бартараф этиш шароитида Ўзбекистонда миллий туризм рақобатбардошлиги мустаҳкамлашнинг SWOT таҳлилини амалга ошириш тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида ҳар қандай ҳолатга аниқ ташхис қўйиб, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятларини яратади (7.3-жадвал).

UNWTO маълумотларига кўра, фақатгина 2020 йилнинг январь-август ойларида халқаро туризмдан экспорт тушумининг пасайиши 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 730 миллиард долларни ташкил этди. Бу 2008-2009 йиллардаги глобал иқтисодий ва молиявий инқироз натижада кўрилган зарардан 8 баравар кўпдир. Иқтисодиётнинг пасайиши оқибатида ёқилғи нархининг кўтарилиши, чипталар ва турпакетларга бўлган талабнинг пасайиши туфайли дунё бўйлаб ўнлаб авиаташувчилар ва туроператорлар бозорни тарк этишди.

[95] https://webunwto.s3.eu-west-1.amazonaws.com/s3fs-public/2020-05/UNWTO-Global-Guidelines-to-Restart-Tourism.pdf

7.3-жадвал

Пандемия оқибатларини бартараф этиш шароитида Ўзбекистонда миллий туризм рақобатбардошлиги SWOT таҳлили

Кучли томонлари	**Заиф томонлари**
Ноёб табиий ресурслар, тарихий шаҳарлар ва ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси объектлари мавжудлиги. Аҳолининг паст зичлиги Ўзбекистонга ташриф буюришни хавфсизлигини таъминлайди. Ўзбек маданиятининг хилма-хиллиги ва ўзига хослиги, этник Гуруҳлар ва диний конфессиялар, гастрономик тажрибалари. Йирик дестинациялардаги турар жой ва меҳмонхоналар сифати. “Буюк Ипак йўли” Халқаро эътироф этилган бренд. Маҳаллий аҳолининг меҳмондўстлиги. Давлатнинг туризмни ривожлантириш учун сиёсий хайрихоҳлиги ва қўлланиши	Ҳаво алоқалар хизматларининг юқори нархлари ва суст ривожланганлиги Транспорт инфратузилмадаги муаммолар Чегарани кесиб ўтишда мураккаб тартиби ва виза жараёнлари. Туристик активларни сақлаб қолиш ва ижтимоий масъулиятли амалиётда чекланган имкониятлар Маҳсулотларнинг чекланган ривожланиши ва бозорнинг инновацион сегментлари туристик тажрибаларнинг камлиги, Тил тўсиқлари ва малакали мутахассисларнинг етишмаслиги (ишчилар, менежерлар ва гидлар)
Имкониятлари	**Таҳдидлари**
Ипак йўлига халқаро қизиқиш ва аҳамиятининг ортиши Тез ривожланаётган Осиё бозорларида халқаро туризмда доимий равишда талабнинг ошиши ва туристлар янги тажриба ортиришда ва нотаниш дестинациядарда қизиқишлар. Дестинацияларда йирик минтақавий инфратузилмавий лойиҳалар Ахборот технологияларининг доимий ривожланиши. Пандемиядан кейинги шароитда туризм иқтисодий тикланишни қўллаб-қувватлашга қодир бўлган соҳа. Туризм лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий сармоядорларнинг иштироқи	Соғлиқ учун ошиб кетаётган халқаро хавф-хатарлар ва геосиёсий зиддиятлар. Иқлим ўзгариши, шу жумладан глобал иссиқлик ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши. Қўшни мамлакатларда хавфсизлик ва сиёсий беқарорлик Туристларнинг келиб чиқиш асосий бозорларидаги иқтисодий таназзул. Табиий ва техноген офатлар.

Аммо айнан шу инқироз янги имкониятларни очди. 2008 йил август ойида ташкил этилган Airbnb сервиси ҳозирда глобал қисқа муддатли ижара платформасига айланди. Ташкиллаштирилмаган туризмни ривожлантириш имкониятларини кенгайтирадиган хизматлар ва платформалар оммавийлаша бошлади ва саноат ўзгара бошлади.

Бугунги кунда дунёда шунга ўхшаш тенденциялар кузатилмоқда: аксарият мамлакатлар туризм соҳасини ривожлантиришга эътиборини қаратдилар ва соҳа иштирокчилари ўзлари инқирознинг сустлигидан фойдаланиб, саноатни қайта бошлашни тезлаштирдилар, рақамлаштиришни амалга оширдилар, рақамли платформаларни ишга туширдилар, яшил ечимлар ва туризмни ташкил қилиш ёндашувларини ўзгартирдилар.

Рақобатбардошлигининг SWOT таҳлил қилишда аниқланган ҳолатлар кейинги даврда миллий туризмни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга имкон беради. Бундан ташқари, бунда туризм соҳасидаги глобал регуляторлар билан мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга, Алоҳида дестинация, давлат ички туризмни ривожлантириш орқали рақобатдош устунликларни кучайтириши мумкин, аммо кириш туризми тезкор тикланиши келишилган ҳаракатларсиз, келгусида ривожланиш бўйича қўшма лойиҳаларсиз мумкин эмас. Туризм тармоғини барқарор тиклаш бўйича "Бир сайёра" ғояси[96] Жаҳон туризм инқирози қўмитаси томонидан 2020 йил 28 майда чоп этилган UNWTO нинг глобал туризмни қайта тиклаш бўйича кўрсатмаларига асосланиб, туризмни COVID-19 инқирозидан тиклашда ва барқарорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу Концепция COVID-19 пандемияси келтириб чиқарган инқироздан кейин туризм соҳасини масъулиятли равишда тиклашни талаб қилади. "Олдингидан яхшироқ барпо этиш"га йўналтирилган барқарор тикланиш туристи соҳасини янада чидамли қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин[97].

---

[96] Концепция «одна планета» в интересах устойчивого восстановления туристского сектора. Доклад UNWTO, 2020

[97] https://webunwto.s3.eu-west-1.amazonaws.com/s3fs-public/2020-05/UNWTO-Global-Guidelines-to-Restart-Tourism.pdf , https://www.unwto.org/news/covid-19-international-tourist-numbers-could-fall-60-80-in-2020, https://www.unwto.org/covid-19-travel-restrictions

7.2. Мамлакатнинг туризм бозоридаги рақобатбардошлиги муаммосининг тизимийлиги ва уни ҳал қилиш бўйича ёндашувлар

Туристик бозорни устувор йўналиш сифатида танлаш ушбу бозорнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини келтириб чиқаради. Бу бозор талабдан келиб чиққан ҳолда ва туристик оқимларнинг кўпайиши билан биринчи навбатда, кичик бизнес ва маҳаллий якка тартибдаги тадбиркорлар, сўнгра туризм соҳасининг йирик корхоналари - халқаро ташувчилар, меҳмонхоналар, овқатланиш тармоқлари орқали бозордаги таклифларни тез суръатларда оширмоқда.

Туризмга ихтисослашган минтақа ёки мамлакатнинг рақобатбардошлиги бу туристик оқимини кенгайтириш, келгуси авлодлар учун табиий капитални сақлаб қолиш билан дестинация-нинг аҳолиси фаровонлигини ошириш орқали туристик харажат-ларни кўпайтириш имкониятидир .

Миллий туризм рақобатдошлигига таъсир қилувчи кўплаб омиллар мавжуд. Дестинация ҳисобланган мамлакатлар гло-бал рейтингида интеграл рақобатбардошлик кўрсаткичи тўртта субиндекслар бўйича 14 та комплекс кўрсаткичга бирлаштирилган 90 кўрсаткич асосида шаклланади.

Крауч ва Ричи[98] туристик дестинация рақобатбардошлик моделида 36 та рақобатбардош омиллар тақлиф этилган, улардан энг муҳими:

1) география ва иқлим;
2) маданият ва тарих;
3) фойдаланиш имкони;
4) туристик тузилма;
5) хавфсизлик;
6) нарх;
7) бозор муносабатлари;

[98] Ritchie J.R.B., Crouch G.I. The Competitive Destination: A Sustainable Tourism Perspective. Wallingford, Oxon, GBR, CABI Publishing, 2005, 290 p

8) инфратузилма. Двайер ва Ким[99] ушбу ва бошқа омилларга асосланиб, дестинациянинг рақобатбардошлигини кўрсаткичини таклиф қилдилар.

Рақобатдошликнинг кўплаб омиллари ва кўрсаткичлари туристик маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Белгиланган минтақанинг туристик маҳсулоти, компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фарқли ўлароқ , мураккабдир. Бу туристлар истеъмол қиладиган хизматлардан иборат бўлиб, улар бир гуруҳ корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади: меҳмонхоналар, ресторан ва қаҳвахоналар, транспорт, экскурсия бюролари ва кўнгилочар саноати. Пуллик хизматлардан ташқари туристлар маҳаллий давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган бепул неъматларни (иқлим, ландшафтлар, ҳаво) ва жамоат маҳсулотларини истеъмол қиладилар: хавфсизлик, тозалик, туристик маълумотлар. Туристлар саёҳат таассуротларини тўпланган тажрибанинг ўзига хослиги, нархи ва сифати, қулайлиги, хавфсизлиги, шинамлиги ва фойдалилиги жиҳатидан баҳолайдилар. Шунга кўра, мамлакатнинг туризм рақобатбардошлиги муаммоси туристик саноат корхоналари фаолиятига, давлат ва минтақавий бошқарув органларининг туристлар учун муҳим бўлган ўзгарувчан омилларга (ресурсларни бозордаги таклифга айлантиришга) йўналтирилган ижобий таъсирига боғлиқ. Мамлакатдаги туризмни ривожлантиришга комплекс ёндашуви орқали ҳамкорлар ўз сиёсати ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш, истеъмолчилар учун рақобатдош бўлишга ёрдам берадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун имкон беради.

А. Флит фикрига мувофиқ "рақобатбардошликни баҳолаш мураккаб жараён бўлиб, баъзи ўлчаб бўлмайдиган ва мураккаб аниқланадиган элементларни қамраб олади. Ҳатто баҳолашнинг биринчи босқичи бўлган рақобатбардошлик омилларини аниқлаш ҳам жуда муаммоли бўлиши мумкин".[100]

Халқаро кириш туризмининг ўсишини мақсад қилиб қўйган мамлакатлар, уларнинг асосий рақобатчилари чет элда

[99] Dwyer Larry. Destination Competitiveness: Determinants and Indicators. Tourism Management, 2005, N21 (1).
[100] А.Л.Флит. Подходы к определению и оценке факторов конкурентоспособности в индустрии туризма. Экономика и управление в отрасли: туризм, 2014

бўлганлиги сабабли Жаҳон иқтисодий форуми (WEF) томонидан ҳисоблаб чиқилган туристик рақобатбардошликнинг глобал рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олишлари керак . Туризмнинг рақобатбардошлигининг глобал рейтинги ва Дваер - Кимнинг йўналишлари рақобатбардошлиги кўрсаткичлари асосида туризм бозорида мамлакатнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқдик, улардан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш Концепцияни жорий этишда амалий мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Рақобатбардошликни ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бозор мониторинги ва туризмнинг асосий турига ўхшаш бўлган йўналишлар кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш (масалан, мамлакатларни экологик ва зиёрат туризми бўйича таққослаш) асосида амалга оширилади. Кўрсаткичлар объектив (статистик маълумотлар ёрдамида миқдорий бирликларда) ва субъектив, яъни сайёҳлар ва мутахассисларнинг баҳолари орқали баҳоланади.

Туристлар томонидан баҳолаш жараёнини соддалаштириш Tripadvisor сингари халқаро туристик сайтлари ёрдамида эришилади. Шу каби сайтлар дестинациянинг ҳар бир туристик объект ёки корхонаси бўйича минглаб меҳмонларнинг ўртача баҳоларини тақдим этади . Шу билан бирга туристларнинг салбий ва ижобий шарҳлари ҳам келтирилади. Туристлар шарҳлар таҳлили мутахассисларни сифатли баҳолаш ва таклифларни ишлаб чиқиш учун материал билан таъминлайди.

Ҳозирги вақтда республикада туризмнинг рақобатбардошлигини ошириш давлат ҳокимияти органларининг бевосита ва муҳим иштирокида амалга оширилмоқда. Вилоятларда “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича 2019 йил чора-тадбирлар режаси” жорий этилаяпти. Туризм бозори ҳам устувор ҳам ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади, шунинг учун унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида махсус чоралар кўриш зарур . Шу муносабат билан "Рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш" Йўл хариталарнинг вазифаларига минтақавий туризм бозорларида

рақобатдош муносабатларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни киритиш лозим.

Минтақанинг рақобатбардошлигини ривожлантириш халқаро бозорда рақобатчиларга ўхшаш йўналишлар билан сифатли ва миқдорий таққослашни олиб бориш, яъни самарали бенчмаркингсиз мумкин эмас. Бенчмаркингнинг асосини минтақанинг туристик салоҳиятини мажмуали таҳлил бўлиши керак. Кейинги параграфда келтирилган туризмга ихтисослашган минтақанинг рақобатбардошлиги кўрсаткичлари тизими 2020 йил 28 майда туризм соҳасидаги Глобал инқироз Қумита томонидан тақдим этилган UNWTOнинг туризмни тиклаш бўйича Глобал тавсияларига асосланган ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

7.3. Пандемия таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий туризмнинг рақобатбардошлигини баҳолашнинг айрим жиҳатлари

Саёҳат ва туризм рақобатбардошлик индекси миллий туризм рақобатбардошлигини баҳоси бўлиб, туризм соҳасида мамлакатимиз жозибадорлигини ошириш мақсадида ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар ва омиллар таъсирини ўлчови ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, 2015 йилги WEF ҳисоботида таркибий суб-индексларни аниқлаш бўйича концептуал ёндашув такомиллаштирилди ва илгари ишлаб чиқилган Кроуч ва Ритчи моделларига[101] аниқлик киритади. Олимлар ва амалиётчилар томонидан ушбу рейтингга нисбатан баъзи танқидлар мавжуд бўлса-да, сўнгги пайтларда эмпирик тадқиқотларда қўлланилмоқда, чунки бу доимий таққослаш ва омилли таҳлилни ўтказишда ҳамда яхшилаш бўйича ёндашувларни излаш учун имконият яратади .

Жаҳон туризмининг ҳозирги воқеликларида рақобатбардошлик омилларининг аҳамиятини баҳолашнинг тахминий моделларидан бири қуйидаги расмда келтирилган (7.1-расм).

[101] Ritchie J.R.B., Crouch G.I. The Competitive Destination: A Sustainable Tourism Perspective. Wallingford, Oxon, GBR, CABI Publishing, 2005, 290 p.



7.1-расм. Туризм рақобатбардошлиги индексининг модели.

Ушбу модель халқаро келганлар сонининг динамикасига асосланган. Таклиф этилаётган модель WEФ томонидан туризм ва саёҳатлар учун рақобатбардошлик кўрсаткичи бўйича ишланмаларга асосланган. Тушунтириш омиллари сифатида йўналишларнинг рақобатбардошлигининг 14 кўрсаткичи ишлатилган:

1) $K1i$ – бизнес муҳити;
2) $K2i$ – хавфсизлик;
3) $K3i$ – аҳоли саломатлиги ва гигиена;
4) $K4i$ – ижтимоий инклюзия;
5) $K5i$ – дижитилизация;
6) $K6i$ – мамлакат учун тармоқнинг устуворлиги;
7) $K7i$ – мамлакат қиёфаси;

8) $K8i$ – нархларнинг рақобатдошлиги;

9) $K9i$ – экологик барқарорлик ;

10) $K10i$ – ҳаво транспорти инфратузилмаси;

11) $K11i$ – қуруқлик ва сув транспорти инфратузилмаси;

12) $K12i$ – туристик хизматларнинг инфратузилмаси;

13) $K13i$ – биохилма-хилликни сақлашга инвестициялар ва инновациялар;

14) $K14i$ – маданий мерос.

Рақобатбардошликнинг айрим омилларининг изоҳига тўхталамиз.

1. Аҳоли соғлигини сақлаш ва гигиена

COVID-19 пандемияси туризм ва аҳоли саломатлиги ўртасидаги яқин алоқаларни яққол намоён этди. Туризм соҳаси ўзининг инфратузилмаси, таъминот занжирлари ва ходимларини соғлиқни сақлаш ва гуманитар ёрдам хизматига қўшиб, қимматли ҳисса қўшишга содиқлигини намоён этди. Аҳоли саломатлиги ва туризм ўртасида узоқ муддатли синергияларни яратиш келажакдаги инқирозларга тайёр бўлишга сармояни англатади ва ишончни кучайтиради. Хусусан, миллий туризмнинг рақобатбардошлигини баҳолашда қуйидагилар зарур:

Аҳоли соғлиқни сақлаш ва гигиена кўрсаткичининг таркибига туристик оқимига таъсир этадиган эпидемиологик кўрсаткичларни ҳам киритиш лозим. Ҳозирги вақтда туризмда мониторинг механизмлари ёрдамида эпидемиологик кўрсаткичлари қамраб олишга қаратилган жараён амалга оширилмоқда. Ушбу соҳадаги кузатув механизмларини кучайтириш туризмни иқтисодий фаолияти сифатида тикланишига туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин, ҳақиқий маълумотларга асосланиб саёҳат чекловларини юмшатиш ёки янги чоралар ва сиёсатни жорий этишни таъминлайди. Самарали режалаштирилган ва бошқарилган ҳолда, туризм сектор ва жамоалар ишчиларининг саломатлиги ва фаровонлигига масъул ҳисса қўшиши мумкин.

Гигиенани барқарорлик билан боғлаш:

Туризм соҳасида амаллар хавфсиз ва ўз вақтида тикланиши учун мўлжалланган махсус кўрсатмалар ва ҳужжатлар туризмда хўжалик фаолиятни юритувчи субъектлар, илмий ҳамжамият ва соғлиқни сақлаш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик натижаларини ўз ичига олиши керак. Бундай ҳужжатларда атроф-муҳитга зарарли

таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ва соғликка ўлчовли ижобий таъсир кўрсатмайдиган қарорларни қабул қилиш ва гигиена билан боғлиқ жараёнларнинг ўзгаришига йўл қўймаслик учун барқарорлик тамойилларини ўз ичига олиши шарт. Ижтимоий масофалашнинг янги чораларни ва хавфсизлик ҳужжатларни жорий этиш ногиронлар ва қариялар учун янги тўсиқлар пайдо бўлишига олиб келмаслиги керак.

Алоқа орқали ишончни тиклаш. Сайёҳлар, ходимлар ва уй эгаларининг жамоатчилик саломатлиги билан боғлиқ қўрқувини йўқотиш ва ишончни тиклашнинг асосий шарти корхоналардаги ёки туристик марказдаги мавжуд ўзгаришлар, ҳодисалар ва жорий этилган чоралар ҳақида шаффоф ва тезкор маълумотлар беришдир. Ташриф буюрувчиларнинг ишончини тиклаш учун туристик дестинациялар ҳозирги пайтда соғлиқни сақлаш масалаларининг аҳамияти ва сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг ташқи бозорлари билан аниқ ва изчил алоқа қилишлари ҳамда уларнинг эҳтиёжларига мослашишлари керак.

2. Ижтимоий инклюзия

COVID-19 пандемияси келтириб чиқарган инқироз туризм соҳасидаги иш жойлари ва бизнес учун, айниқса, дунёдаги сайёҳлик бизнесининг тахминан 80 фоизини ташкил этадиган кичик ва ўрта бизнес учун катта таъсир кўрсатмоқда. Шунга қарамай, кўплаб туризм соҳадаги иш берувчилари ўз ходимларини ва уларнинг бизнеслари фаолият кўрсатадиган жамоаларни қўллаб-қувватлашда етакчи роль ўйнамоқда. Бундай амалиётлардан фойдаланиш туризмни жамоаларни қўллаб-қувватловчи сектор сифатида тан олишга асос бўлади.

Аҳолининг заиф қатламларига мақсадли ёрдам кўрсатиш. Туризмдаги кўплаб иш жойлари – бу маҳаллий ҳамжамиятнинг, ёшлар, аёллар, қишлоқ аҳолиси, туб аҳоли ва бошқа заиф гуруҳлар, шу жумладан норасмий иқтисодиётда банд бўлганлар учун асосий даромад манбаи. Шунинг учун уларнинг эҳтиёжларига қаратилган мақсадли қўллаб-қувватлаш янада қамровли (инклюзив) тикланиш учун шароит яратиши керак. Туризмда бандлик хавфсизлигини кучайтириш ва расмий иш билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар муносиб меҳнат ва иш

жойидаги хавфсизлик тамойиллари асосида амалга оширилиши керак.

Кичик ва ўрта корхоналарни узоқ муддатли қўллаб-қувватлаш. Кичик ва ўрта корхоналар ўз фаолиятини давом эттиришларини, шу билан туристик йўналишларга турли хил ва жозибали таклифни таъминлаш учун уларга дастлабки ёрдам чораларидан ташқари мақсадли ёрдам керак бўлади. Рақамли технологиялардан фойдаланиш корхоналар узлуксиз фаолиятини таъминлайди. Туризм ягона иқтисодий фаолиятга айланган дестинацияларда мижозлар базаси ва даромад манбаларини диверсификациялашни қўллаб-қувватлаш барқарорликни оширишга ёрдам беради.

3. Инвестиция ва инновацион туризм

Биологик хилма-хилликни сақлаш. COVID-19 пандемияси соғлом атроф-муҳитнинг келажакдаги пандемияларга табиий тўсиқ сифатида муҳим ролини таъкидлади. Бундан ташқари, соғлом муҳит тўғридан-тўғри туризм соҳасининг рақобатбардошлиги билан боғлиқ бўлиб, кўплаб туристик марказларда эса атроф-муҳит фаолияти туризмдан олинадиган даромадга боғлиқ. Табиатни сақлашнинг бундай фаолиятни қўллаб-қувватлаш экологик тикланишга ёрдам беради.[102] Табиатга йўналтирилган ечимлар туризм соҳасидаги инновациялар барқарорлик йўлида ва нафақат сайёҳлик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга, балки сув, ўрмонлар, қирғоқлар каби чекланган табиий ресурсларни самарали бошқариш, шаҳар ва қишлоқ шароитида табиий офатларга чидамлилигини оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, табиатга йўналтирилган ечимларга инвестициялар истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ бўлиб, улар орасида табиат билан алоқани таъминлайдиган саёҳатга бўлган талаб ортиб бормоқда .

Туризмда қиймат занжирларини ўзгартиришга инвестициялар: истеъмолни камайтириш ва қайта ишлатиш (фойдаланувчидан фойдаланувчига), таъмирлаш, янгилаш ва қайта ишлаб чиқариш (фойдаланувчидан бизнесга), қайта ишлаш ва конвер-

---

[102] https://parksjournal.com/wp-content/uploads/2020/06/Hockings-et-al-10.2305-IUCN.CH_.2020.PARKS-26-1MH.en_-1.pdf

тация қилиш (бизнесдан бизнесга) каби циклик иқтисодиёт-даги жараёнлар иқтисодий зарарларни камайтиришга ёрдам беради, шунингдек чиқиндиларни ва ифлосланишни камайтира-ди. Туризмда циклик иқтисодий жараёнларни жорий этишни қўллаб- қувватлаш жараёни инновацияларни ривожлантириш, янги барқарор бизнес моделларини яратиш, мижозлар учун қўшимча қиймат ва маҳаллий иқтисодий ривожланишни таъмин-лаши мумкин. Энг муҳим чора бу энергия ва сувдан оқи-лона фойдаланишдир.

Қайта тиклаш учун ажратилган маблағлардан туризм сифатини оширишда фойдаланиш. Туризмни тиклашни молия-лаштириш нафақат глобал иқтисодиёт учун асос бўлиб хизмат қиладиган экотизимларни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига таъсир ўтказиш каби узоқ муддатли мақсадлар билан бизнесни, иш жойларини сақлаб қолиш ва туризмни фаоллаштириш учун зарур бўлган шошилинч ёрдамни мувозанатини таъминлаши керак, шунингдек, муносиб ва яшил иш ўринлари яратиш учун имкон беради. Бунинг учун молиялаштиришнинг инновацион ечимлари ва давлат-хусусий ёндашувлари талаб этилади.

4. Соҳани рақамлаштириш.

Туризм соҳасини рақамлаштириш пандемиядан анча олдин бошланган. Skyscanner, Booking.com, Airbnb каби хизматлар туристларга ўз сафарларини осонича режалаштириш имкониятини берди ва тобора кўпроқ одамлар пакетли турлар ўрнига индивидуал саёҳатларни афзал кўришди. 2019 йил март ойида Market Research Future тадқиқот компанияси келгуси тўрт йил ичида онлайн-туризм (мустақил саёҳатчилар учун онлайн саёҳатни режалаштириш хизматлари) жаҳон бозорининг ўсиш суръати йилига 13% дан ошишини прогноз қилди. Онлайн саёҳат жаҳон бозори 2017 йилда $ 570,25 миллиарддан 2023 йилга келиб $ 1134,55 миллиардгача ўсади. Аммо, аслида, кейинги тикланиш даврида бу рақамлар юқорироқ ҳам бўлиши мумкин. HotelTechReport медиа-платформа маълумотларига кўра, коронавирус 10-15 йил давомида меҳмон-дўстликдаги рақамли трансформацияни тезлаштиради.

Карантин чекловлари даврида машҳурликка эришган ту-ризмни рақамлаштиришнинг яна бир йўналиши – бу бутун дунё бўйлаб шаҳарлар ва музейларга виртуал экскурсиялар. Дивандан

турмасдан Лувр атрофида айланиб, Вена операсини тинглаш ва NASA видео галереясига ташриф буюриш мумкин.

7.4. Миллий туризмни тиклаш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш дастурларини амалга оширишдаги ёндашувлар

Дастлабки босқич (2021-2023 йиллар). Миллий ва минтақавий дастурларини амалга оширишнинг бу босқичида ҳукумат, бизнес, маҳаллий ҳамжамиятининг саъй-харакатларини қисқа муддатда ички ва минтақавий туризмга ва ўрта ва узоқ муддатда фойдали халқаро бозорларини жалб этишда фундаментни яратишга қаратиш лозим. Шунингдек, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг туризм портали орқали малака ошириш, сифат андозалари, хавфсизлик протоколлари, туризм статистикаси ва умумий брендлаш бўйича мўлжалларни бериш.

Иккинчи босқич (2024-2028). Юқори харажатли халқаро бозорларда бозор улушини ошириш; Ҳаво алоқаларини яхшилаш , паромлар орқали ўтиш жойлари, чегараларни кесиб ўтиш тартиби ва виза режимлари ва туризм маҳсулотларини минтақада ишлаб чиқиш (масалан , “Сеҳрли Шарқ рамзи”).

Учинчи босқич (2029 йилдан бошлаб). Бу босқичда қуйидаги масалаларни бартараф этиш долзарб: дастурларни кластерларнинг устувор гуруҳларида кучайтириш ва иккинчи даражали йўналишларда кенгайтириш имкониятларини ўрганиш; Ипак йўлининг устувор кластерлари ва ёки кичик сегментларида аниқ жойларни таъкидлаб, туризмни ривожлантириш; инфратузилмани янада модернизация қилиш ҳамда кластерларнинг туристик таклифини диверсификация қилиш учун янги туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш.

COVID-19 пандемиясидан кейин туризмни ўзгартиришнинг бешта устувор йўналиши[103]

1. Ижтимоий-иқтисодий оқибатларни юмшатиш (иш жойларини сақлаб қолиш, ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш). Шу

[103] БМТнинг «COVID-19 ва туризм трансформация» маърузаси.

максадда ҳукумат даражасида пандемияни ҳисобга олган ҳолда илгари қабул қилинган ҳужжатларга ўзгартирадиган меъёрий-ҳуқуқий актларни қабул килиш, маҳаллий бошқарув даражада Бандликка Кўмаклашиш Бошқармани жалб қилиш орқали иш билан таъминлашни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мувофиқ ишчилар малакасини ошириш ва кўникмаларни ривожлантириш дастурларни ташкил этиш, инновацион бандликни жорий этиш, кам таъминланганларни ижтимоий дафтарларни юритиш асосида адолатли қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш орқали муаммоларни ҳал этишда тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш лозим.

2. Рақобатдошликни ошириш ва барқарорликни таъминлаш (туристик инфратузилмасини ривожлантириш ва тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш, маҳсулотлар ва бозорларни диверсификация қилиш, ички туризмни ривожлантириш). Ўзбекистонда йил бўйи туризм концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш миллий туризмнинг рақобатбардошлик даражасини кўтаради, республикада янги дестинацияларни очиб беради, ички туризмнинг долзарблигини, обрўини ва рентабеллигини оширади. Албатта, буларнинг барчаси рақобатбардошликнинг инновацион-инвестцион моделига ўтиш асосида мумкин.

3. Рақамлаштириш (туризм экотизимларни рақамлаштириш, инновацион ечимларни яратиш, рақамли кўникмаларга сармоя киритиш). Миллий брендни тарғиб қилиш, мамлакатга кириш соҳасидаги янгиликлар, карантин чоралари, визаларни қўллаб-қувватлаш, брон қилиш ҳақида маълумотни олиш туристик ташкилотларига ҳам, туристларга ҳам хизмат кўрсатадиган миллий туризм платформасини яратиш орқали таъминлаш мумкин.

4. Экологик иқтисодиёт (барқарор ривожланишга кўмаклашиш, углерод нейтрал ечимларини амалга ошириш, экотуризмни ривожлантириш). Экологик иқтисодиёт учун молиявий-инвестицион воситаларининг тўпламини жалб этиш лозим. Шу борада экологик индексини жорий этиш орқали инвесторларга маблағларни экологик жиҳатдан энг масъулиятли корхоналар акцияларига йўналтиришга имкон беради. Шундай қилиб,

экологик таъсирни бизнесни капиталлаштириш омилига айлантириш зарур. Натижада яшил ва шаффоф бизнес самарасиз ва ёпиқ бўлган корхоналарга қараганда қимматлироқ бўлиши керак.

5. Туризни тиклаш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик ўрнатиш. Барқарор туристик моделига ўтиш, асосан, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги ва шериклигига боғлиқ бўлади. Қайта тиклаш режаларининг самарали бажарилишини таъминлаш учун асосий манфаатдор томонлар ўртасидаги кенгайтирилган ҳамкорлик халқаро ва белгиланган даражадаги инклюзив, интерактив ёндашувларга устувор аҳамият бериш керак.

Боб бўйича хулоса

Кўплаб мамлакатлар туризм соҳасини ривожлантиришга эътиборини қаратдилар ва соҳа иштирокчилари ўзлари инқирознинг сустлигидан фойдаланиб, саноатни қайта бошлашни тезлаштирдилар, рақамлаштиришни амалга оширдилар, рақамли платформаларни ишга туширдилар, яшил ечимлар ва туризмни ташкил қилиш ёндашувларини ўзгартирдилар.

Туризм бозори ҳам устувор хам ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади, шунинг учун унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида махсус чоралар кўриш зарур . Шу муносабат билан "Рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш" Йўл хариталарнинг вазифаларига минтақавий туризм бозорларида рақобатдош муносабатларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни киритиш лозим.

Саёҳат ва туризм рақобатбардошлик индекси миллий туризм рақобатбардошлигини баҳоси бўлиб, туризм соҳасида мамлакатимиз жозибадорлигини ошириш мақсадида ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар ва омиллар таъсирини ўлчови ҳисобланади. Ихтисослашган минтақанинг рақобатбардошлиги кўрсаткичлари тизимини 2020 йил 28 майда туризм соҳасидаги Глобал инқироз Қумита томонидан тақдим этилган UNWTOнинг туризмни тиклаш бўйича Глобал тавсияларига биноан тузатиш тавсия этилади.

Ўзбекистонда йил бўйи туризм концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш миллий туризмнинг рақобатбардошлик даражасини кўтаради, республикада янги дестинацияларни очиб беради, ички туризмнинг долзарблигини, обрўини ва рентабеллигини оширади. Албатта, буларнинг барчаси рақобатбардошликнинг инновацион-инвесцион моделига ўтиш асосида мумкин.

Боб бўйича адабиётлар рўйхати

1. "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 5 январь 2019 йил 5611-сонли Президент Фармони.
2. "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 13 август 2019 йил 5781-сонли Президент Фармони.
3. "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 7 февраль 2018 йил 3514-сонли Президент Қарори.
4. Барчуков И.С. Методы научных исследований в туризме. М.: Академия, 2008. 224 с.
5. Dwyer L., Forsyth P., Rao P. The price competitiveness of travel and tourism: a comparison of 19 destinations //Tourism Management. 2000. Vol. 21. Iss. 1. P. 9–22.
6. Морозов М.А., Бубнова Г.В., Щедловская М.В. Применение математических моделей для оценки конкурентоспособности туристской дестинации Наро-Фоминского муниципального района // Современная конкуренция. 2012. № 6. С. 131–141.
7. Киселева И.А., Трамова А.М. Моделирование развития туристско-рекреационного комплекса региона // Экономический анализ: теория и практика. 2014. № 14. С. 13–19.
8. Морозов М.А., Войт М.Н. Конкурентоспособность туристской дестинации, анализ ее основных конкурентных преимуществ // Современная конкуренция. 2013. № 3. С. 82–92.
9. Морозова Н.С., Морозов М.А. Предпринимательство и конкуренция в туризме: монография. М.: РосНОУ. 2010. 136 с.
10. Морозов М.А., Морозова Н.С. Оценка привлекательности туристских дестинаций // Вестник РГТЭУ. 2012. № 7-8. С. 41–49.

11. Московкин В.М. Применение методов бенчмаркинга для анализа туристской индустрии России // Региональная экономика: теория и практика. 2013. № 3. С. 10–18.

12. Никифоров И.В. Принципы развития туристских дестинаций // Журнал правовых и экономических исследований. 2012. № 4. С. 158–161.

13.Портер М.Ю. Конкурентная стратегия: методы анализа отраслей и конкурентов. М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. 464 с.

14.Ritchie J.R.B., Crouch G.I. The Competitive Destination: A Sustainable Tourism Perspective. Wallingford, Oxon, GBR, CABI Publishing, 2005, 290 p.

15.Сафарова Н.Н. Анализ национальной конкурентоспособности туризма и путешествий: выводы для стран СНГ. Экономический анализ: теория и практика. 30(2015), 54-64.

16.Флит А.Л. Подходы к определению и оценке факторов конкурентоспособности в индустрии туризма. Экономика и управление в отрасли: туризм, 2014.

17.The Travel & Tourism Competitiveness Report 2019 Travel and Tourism at a Tipping Point. Insight Report. Commetted to improving the state of the world.

18.Dupeyras, A. and N. MacCallum (2013), “Indicators for Measuring Competitiveness in Tourism: A Guidance Document”, OECD Tourism Papers, 2013/02, OECD Publishing.

19.http://dx.doi.org/10.1787/5k47t9q2t923-en

20.https://wwKw.unwto.org/news/covid-19-international-tourist-numbers-could-fall-60-80-in-2020

21.Концепция «одна планета» в интересах устойчивого восстановления туристского сектора. Доклад UNWTO, 2020.

8-боб. ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИГА ПАНДЕМИЯНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Инновацион иқтисодиёт шароитда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда уй хўжаликларида тадбиркорлик фаолияти, хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим роль ўйнайди. Маълумотларга кўра, жаҳондаги оилавий бизнес ўрта ҳисобда барча компанияларнинг 70% қамраб олиб, бу кўрсаткич АҚШда 80% гача, Финляндияда 94%гача боради.[104] Иқтисодиётнинг трансформациялашуви натижасида оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни ошиб боради. Чунки оилавий тадбиркорлик аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик муаммосини ҳал қилиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш имкониятини беради.

Тадбиркорлик шаклининг узоқ асрлик тарихи, оилавий ва ишбилармонлик анъаналарининг уйғунлиги, тадбиркорликни юритишни соддалиги ва қулайлиги, унинг иштирокчилари манфаатларини тўлиқ қамраб олиш каби хусусиятлари мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун асос бўлиб ҳисобланади. Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ҳар бир оила учун барқарор шароитлар ва барқарор даромад манбаини яратиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, аҳолининг моддий аҳволини тубдан яхшилаш, турмуш даражаси ва унда сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда тизимли амалий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш ва тегишли тадбирларни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш, қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш,

[104] https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30450953

аллақачон маҳаллаларда янги фаолият билан шуғулланадиган оилаларда мини-кластерларни ташкил этиш, инновацион иқтисодиёт шароитда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш пунктлари тармоғини яратиш кабилардир.

Аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Ёшлар келажагимиз" ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди[105]. Мазкур дастурлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, орттирилган тажриба ҳамда халқаро амалиёт комплекс ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи кредит олиш имкониятидан иборат бўлган яхлит тизимни шакллантиришни тақозо этмоқда. Бу вазифаларни ҳал этиш хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ролини ошириш бўйича тизимли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда улар асосида илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом этмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотларга асосланган, ҳолда аҳолини бандлигини таъминлашнинг муҳим тамоили асосида танланган мавзу пандемия шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини ошириш масалаларининг ечимига қаратилганлиги туфайли долзарб ҳисобланади.

[105] https://uza.uz/uz/posts/a-olini-tadbirkorlikka-zhalb-ilish-tizimini-takomillashtirish-14-10-2020

8.1. Инновацион иқтисодиёт шароитида оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасининг бугунги ҳолати ва унга пандемиянинг таъсири

Мустақиллик йилларида, хусусан, кейинги даврда тадбиркорлик, жумладан, унинг оилавий шакли миллий иқтисодиётнинг ажралмас бўғини мақомини олди ва унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Буларга мустақилликнинг дастлабки кунларидан катта аҳамият берилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 336-сонли, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69-II-сонли қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 16 мартда қабул қилинган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ҮП-4725-сонли "Хусусий мулк, кичик бизнеснинг ишончли ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарорлари, 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ПФ-4848-сонли Фармони кабиларни киритиш мумкин.

Оилавий тадбиркорликнинг навбатдаги босқичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5242-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартда "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4231-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги

ПҚ-3777-сонли «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 7 август "Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 631-сон ва ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатлар, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5325-сон ва 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5466-сон Фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3680-сон, 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ–3777-сон, 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3856-сон ва 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4231-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ–5780-сонли Фармони ва Қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

24 октябрь 2019 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4498-сонли қарори билан оилавий тадбиркорлик бўйича лойиҳалар ваколатли банклар

орқали кредитланиши белгилаб берилди. Ушбу Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

– кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, аҳолининг ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш, аёллар учун имкониятларни ошириш ва ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни кредитлаш Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича устувор равишда АТ Халқ банки, "Микрокредитбанк" АТБ ва "Агробанк" АТБ (ваколатли банклар) орқали амалга оширилиши;

– кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларига ваколатли банклар томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва субсидиялар беришга рухсат этилиши;

– мазкур дастурларни молиялаштириш учун тегишли жамғармалар томонидан ажратиладиган ресурсларнинг 2020-2022 йилларда сўндириладиган қисми ҳар ойда ваколатли банкларга дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади, бунда ресурслар бўйича фоиз ставкаси қайта молиялаштириш ставкасидан 4 фоиз паст қилиб белгиланиши кўрсатилган қарорга кўра, шунингдек, барча ҳудудларда "банк хизматлари офислари"нинг кенг тармоғи яратилади, ахборот технологияларини қўллаш орқали янги банк хизматлари ҳамда "модулли" кредитлаш асосида янги кредит турлари жорий қилиниши кўрсатилган.

Оила хўжалиги муаммоси Ф. Кенэ, А.Смит, Ж.Сей, А.Маршал, Дж.М.Кейнс, Й.Шумпетер, М.Вебер, Д.Гелбрейт, Ф.Хейк, А.Чайнов каби иқтисодчи ва файласуфлар асарларида ўз ифодасини топган. Бундан ташқари оила хўжалиги иқтисодиёти, тадбиркорлик масалалари билан мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Ўлмасов, Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматов, Ү.Д. Аҳмедов, Б.Беркинов, М.К. Пардаев, О.М. Пардаева, И.Л. Пугач, Р.Б. Муртазина, М.М.Мухаммедов, Ғ.Ҳ.Қудратов, Ү.Х.Худойбердиев, А.Вахабов, Х.Ахмеджанов, З.Н.Қурбанов, И.Ҳасанов, Ш.О.Қувондиқов[106]лар илмий тадқиқот олиб борганлар ва ҳозир ҳам олиб

[106] Ўлмасов А. Оила иқтисоди. Тошкент - "Меҳнат" – 1998.; Пардаев М.Қ. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд 2001й.; Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматов. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида

бормоқдалар. Аммо режали иқтисодиётга асосланган маъмурий-буйруқбозлик шароитида оила хўжалиги асосан иқтисодиётда истеъмолчи субъект сифатида қаралди. Инновацион иқтисодиёт шароитида оила хўжалиги микроиқтисодиётнинг субъекти сифатида йирик илмий тадқиқотлар объекти бўлиши лозим. Аммо бу муаммони тадқиқ қилиш бир томондан ўта масъулиятли ва иккинчидан ҳаётий заруратга айланганлиги уларнинг назарий ҳамда амалий ечимининг етарли даражада ҳал қилинмаганлиги мазкур масаланинг айрим назарий ва методологик жиҳатларини тадқиқ қилишни тақозо қилмоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда жиддий муваффақиятларга эришган хорижий мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси шундан далолат беради, оила тадбиркорлигига қаратилган ташаббус нафақат бандликни таъминлаш, балки даромадларни текис тақсимлаш, шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор омиллари сифатини оширишда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик тадбиркорликнинг аксарият қисмини оилавий корхоналар ташкил қилади. Оила бизнесини ташкил этиш мазкур шаклининг ижтимоий ва иқтисодий устунликлари, унинг субъектлари фаолиятининг юқори самарадорлигини, узоқ вақт давом этиши ва уларнинг жадал ривожланишини таъминлайди.

Европа давлатлари ЯММ 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оила бизнеси ишлаб чиқаради. АҚШ иқтисодиётидаги оилавий бизнес улуши 95 фоиздан кўпни ташкил қилади[107] .

оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари./Монография.-Т.: “Университети”, 2015.; Ахмедов У.Ҳ. Қишлоқ жойларида уй хужаликларининг ривожланиш истиқболлари. (Монография). -Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 152 б.; Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма).- Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 132 бет.; Муртазина Р.Б. О развитии семейного бизнеса в Узбекистане (По материалам социологического исследования).//Общественные науки в Узбекистане. №2,2012г.; Пардаева О.М. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2020 й, 32-б.;
Кувондиков Ш., Собиров А. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари. Иқтисодиёт ва таълим.2014 йил №5, 74-76 б.

[107] . Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательства: анализ российской практически.//Российский внешнеэкономический вестник. № 9,2011.

Кўплаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда айнан оила тадбиркорлигини ташкил этиш соҳасидаги тадқиқотларни олиб борувчи, унинг манфаатларини ҳимояловчи ва оилавий корхоналарнинг фаолияти борасида тажриба алмашиш учун мунозара майдонларини ташкил этувчи махсус бирлашмалар фаолият юритади. Бу аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб этишни кенгайтириш, оилавий иш анъаналарини ривожлантириш ва оила тадбиркорлари сулоласини шакллантириш имконини беради.

Оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг бир қанча йўлларидан бири оила хўжалигида ташкил қилинган тадбиркорликдир. Оилавий тадбиркорлик хусусида ҳам, иқтисодий адабиётларда[108] айрим фикрлар айтилмоқда. Умуман олганда, оила аъзолари даромад (фойда) олиш мақсадида ўзларининг мулкига асосланиб, бирорта фаолият билан шуғулланса, бу оила тадбиркорлигига киради. Бу борада айрим олимларимиз томонидан ҳам тегишли фикрлар айтилган. Жумладан, Абулқосимов Ҳ.П, Қулматов А.А.лар оила тадбиркорлигига "Оила хўжалигини юритувчи ва оилавий тадбиркорлик фаолиятига раҳбарлик қилувчи шахс тадбиркор ҳисобланади. Оиланинг бошқа аъзолари эса эркин ишчи-хизматчи бўлиб, олинган даромадга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлади"[109] деган таърифни берган бўлсалар, М.Қ.Пардаев ва З.Н.Қурбоновлар оила тадбиркорлигига "Оилавий мулкка асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик оила тадбиркорлиги деб аталади"[110] деган таърифни берган. Ушбу таъриф оилавий тадбиркорликнинг мазмунини очиб беради. Аммо унда оила аъзоларининг шу тадбиркорликдан кўзланган мақсади ўз ифодасини топмоғи лозим эди. Шуларни инобатга олиб, юқоридаги муаллифларнинг фикрларини кенгайтирган ва ривожлантирган ҳолда, унга оила аъзоларининг тадбиркорликдан асосий мақсади фойда олиш эканлигидан келиб чиқиб, оила

---

[108] Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18 бет. Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. - Т.: Шарк. 1999 -198-223 бетлар. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиётназарияси. Дарслик, Т.: Меҳнат, 1995 - 137-147 бетлар, Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиётназарияси. Маърузаларматни. Т.: 2000. - 84-87, 245-254 бетлар, Расулов М. Бозориқтисодиётиасослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 58-71 бетлар, Шишкин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. - М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС, 1996, - Т. 2. - 34-54 бетларвах.к.

[109] Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматов.Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари./Монография.-Т.: "Университети", 2015. -125 Б.;

[110] Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18 бет.

хўжалиги тадбиркорлигига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Оила хўжалиги тадбиркорлиги деб оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада оилага даромад (фойда) ва ижтимоий наф келтирилишини кўзлаб қилинадиган эркин танланган фаолиятга айтилади.

Ушбу таърифда оила хўжалигида тадбиркорлик бўлиши учун унда мулк, фаолият, мақсад ва шуғулланадиган фаолияти ўз ихтиёри ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда эркин танланган бўлиши лозимлиги аниқ ифода этилган. Шундай қилиб, оила хўжалиги иқтисоди ва унда тадбиркорликни такомиллаштириш тўғрисидаги назарий хулосаларни кенгайтириш мумкин.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ **оилавий тадбиркорлик** оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти бўлиб, ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади

Ушбу келтирилган назарий далиллар қуйидагича хулоса қилишга асос бўлади.

Биринчидан, оила хўжалиги бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида микроиқтисодиётнинг субъектига айланди.

Иккинчидан, оила хўжалиги учун хўжалик юритувчи субъект сифатида ўз мулкига, ишлаб чиқариш воситаларига, иш кучига ва фаолият натижасида оладиган даромадига (фойдасига) эгалик қилиш ҳуқуқи пайдо бўлди. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик асосида ижтимоий наф ҳам келтирилиши мумкин. Масалан, тадбиркор ўқитувчи ёки тадбиркор шифокорни олайлик. Улар ўз касбларини малака ошириш ва тажриба орттириш билан узлуксиз ривожлантириб, такомиллаштириб борадилар. Булар касбий

маҳоратини оширишдан кўра инсонларга кўпроқ нафи тегишини ўйлаб иш кўрадилар. Бундай фаолият жамият аъзолари томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилаверади.

Учинчидан, оила тадбиркорлиги ҳам ўзига хос тадбиркорлик бўлиб оила мулки ва оила аъзоларининг иш кучига таянади.

Ниҳоят, оила фаровонлигини оширишнинг муҳим концептуал йўналишлари эндиликда фақат меҳнат ҳақини кўпайтириш йўли бўлиб қолмасдан, балки оила аъзоларининг тадбиркорликни ривожлантириш, мулкини ишлатиш ва хўжалик юритишнинг самарадорлигини ошириш эвазига ўз даромадларини (фойдасини) кўпайтириш кабилардан иборат бўлиб қолмоқда.

Оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири, унинг назарий масалаларини ҳал қилишдан иборатдир. Аммо иқтисодий адабиётларда ҳали оила фаровонлиги тушунчасининг бугунги кун талабига тўлиқ жавоб берадиган таърифи ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли, ушбу муаммо ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолардандир.

Тадқиқотлар кўрсатдики, оила хўжалиги тадбиркорлигининг қарор топиши, мамлакатимизда жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилади. Энг аввало, у бозор муносабатларининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар синфини барпо қилади, мамлакатимизнинг бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратади, шунингдек ҳозирги кунда муҳим бўлган муаммони, яъни янги иш ўринларини яратиш эвазига, ишсизликни бартараф этиш муаммосини ҳал қилади. Аммо, оила хўжалиги тадбиркорлиги ўз-ўзидан ривожланиб кетавермайди. Уни ҳозирги замон даражасида ривожлантириш, юксак савияда рақобатбардош маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳолатига келтиришга эришиш лозим. Бунинг учун ушбу муаммонинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ қилиб, уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Ҳозир Ўзбекистонда оила хўжалиги тадбиркорлиги вужудга келиб, ривож топмоқда. Уларнинг риволанишини таъминлаш ва жадаллаштириш учун тегишли оила хўжалиги тадбиркорлари уюшмаларининг ташкил бўлиши тайин. Бундай бирлашмалар орқали оила хўжалигини ривожлантириш ва фаровонлигини

ошириш бўйича йирик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилса бўлади. Келажакда мамлакатимизда оила хўжалиги тадбиркорлари уюшмаларини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳам ҳал этишни тақозо қилади. Бундай нодавлат ташкилотларининг фаолият кўрсатишини ривожлантириш концепциясини ҳам ишлаб чиқиш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 38,4 мингни ташкил қилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,5 мингга ёки 167,7 фоизга кўпроқ демакдир. 2020 йил январь - июнь ойларида 9,8 мингта оилавий корхона янгидан ташкил қилинган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 мингга ёки 143,1 фоизга кўпроқ демакдир. 2020 йил 1 июль ҳолатига Самарқанд вилояти оилавий корхоналар сони бўйича пешқадам бўлиб турибди – 5440та. Кейинги ўринларда Сурхондарё (4140) ва Фарғона (3916) вилоятлари боряпти. Оилавий корхоналарнинг энг кам миқдори Сирдарё вилоятида рўйхатдан ўтган – 281та. Шуни эътироф этиш жоизки, оилавий корхоналар фаолияти «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

Унда «оилавий корхона - унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун ихтиёрий асосда, иштирокчиларнинг улушли ёки умумий мол-мулк, шунингдек иштирокчилардан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъекти» экани кўрсатилган.

Маълумотларга кўра 2019 йилнинг январь-декабрь ойлари маълумотларига кўра, аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши 59,5 % ни ташкил этди. Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар Жиззах (70,6 %), Бухоро (65,6 %), Самарқанд (63,9 %) ва Сурхондарё (63,7 %) вилоятларида сезиларли улушни эгаллади.

2020 йилнинг январь-июнь якунлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 120 569,5 млрд. сўм миқдорида қўшилган қиймат ёки иқтисодиётда яратилган

жами қўшилган қиймат ҳажмининг 51,3 фоизи яратилди. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қийматда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 97,8 %, қурилишда 74,9 %, хизматлар соҳасида 39,4 % ва саноатда 22,8 % ни ташкил этди[111].

Рақамли иқтисодиёт муносабатларининг шаклланиши оила хўжалиги тадбиркоридан нафақат тадбиркорлик бўйича, балки иқтисодий ишларни юритиш бўйича ҳам ўта билимдонликни, зийракликни талаб қилади. Тадбиркорнинг иқтисодий билими кенг қамровли бўлиши оила хўжалиги даромадига яна кўпроқ даромад келтиради, энг муҳими, мулкини янада кўпайтиради. Ундан ҳам муҳими, мулкнинг ҳажми мулкни ишлатиш орқали ошади. Бу эса, оила хўжалигининг, бутун аҳолининг, давлатнинг ҳам бойиши, иқтисодий қудратининг мустаҳкамланиши учун асос бўлади.

Шундай қилиб, турли йўллар ва усуллар билан оила хўжалиги фаровонлиги ошади. Шу ўринда оила хўжалиги бизнеси тўғрисида ҳам айрим фикрларни айтишга тўғри келади. Чунки оила хўжалиги фаровонлиги ва оила хўжалигида бизнес тушунчалари аксарият ҳолларда бир хил тушунчалар сифатида қаралади. Бу борада иқтисодий адабиётлардаги фикрларнинг назарий таҳлилига тўхталиб ўтирмасдан ўз қарашларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз. Оила хўжалиги бизнесига бизнес тушунчасидан келиб чиқиб, уни фойда (даромад) келтиручи фаолият сифатида баҳолаш лозим. Агар шу назарияга асосланадиган бўлса, унга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ. **Оила хўжалиги бизнеси деганда маълум бир мулкка эгалик қилган ҳолда оилага даромад (фойда) келтирувчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш билан боғлиқ барча фаолиятлар тушунилади.** Бунда кимнинг мулкига асосланиши унча аҳамияти йўқ, фақат оилага даромад (фойда) келтириши нуқтаи назаридан қаралади.

Бу жараённинг аҳамияти фақат кўриб чиқилган масалалар билан чекланиб қолинмайди. Оила ёки уй хўжалигини юритиш,

[111] Манба: Давлат статистика қўмитаси

оила тадбиркорлиги билан шуғулланиш фақат оила фаровонлигини таъминлабгина қолмасдан, янги иш ўринларини очиш эвазига аҳолини иш билан таъминлайди, давлатни эса улардан олинадиган солиқлар ҳисобига бойитади, жамиятимизда тўкинсочинликка эришилади. Оила хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нафақат ўзларининг эҳтиёжини қондиради, балки мамлакат бозорини ҳам маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) билан тўлдиради. Энг муҳими, унинг маънавий аҳамияти ҳам беқиёсдир, чунки оммани боқимандалик руҳиятидан холи қилади, ташаббускорликни ва интилувчанликни сингдиради ва таъминлайди. Бу пировардида жамиятнинг, омманинг фаоллигини оширади, бозор муносабатлари демократик тамойилларининг шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади – одамларимизга, ҳар бир оилага муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Бу албатта, нақадар мураккаб ва масъулиятли вазифа. Бундай мақсадга эришиш учун фақат амалий тадбирларни амалга оширишгина етарли эмас. Ушбу соҳани чуқур тадқиқ қилиб, ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо этади.

Бироқ, иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор муносабатларининг шаклланиши бу муаммога янгидан ёндашишни талаб қилмоқда. Шу туфайли, ҳозирги пайтда, оила хўжалигининг иқтисодий муаммосига катта эътибор берилмоқда. Ушбу соҳа иқтисодий назария фанига киритилди ва у эндиликда микроиқтисодиётнинг субъекти сифатида қаралмокда[3].

[3] Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. - Т.: Шарк. 1999 -198-223 бетлар. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиётназарияси. Дарслик, Т.: Меҳнат, 1995 - 137-147 бетлар, Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиётназарияси. Маърузаларматни. Т.: 2000. - 84-87, 245-254 бетлар, Расулов М. Бозориқтисодиётиасослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 58-71 бетлар, Шишкин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. - М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС, 1996, - Т. 2. - 34-54 бетларвах.к.

8.2. Пандемия шароитида оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасига етказилган салбий таъсирлар ва уларнинг оқибатлари

Бугунги пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишида оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш масалалари ўзига хос мураккабликларга учрамоқда. Бизнинг фикримизча, бунинг асосий сабаби шундаки, ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар даврида ҳар бир инсоннинг жамият ҳаётидаги роли сезиларли даражада ошади. Бозор ўзгаришлари, мамлакат аҳолисига эркинлик ва фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш имкониятининг тақдим этилиши уларда турли товарларни уй шароитида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, шаҳарлар ва вилоятларда оилавий корхоналар ташкил этиш истагини уйғотди. 2019 йил декабь ойида Хитойда аниқланган COVID-19 коронавирус 186 дан ортиқ мамлакатлар аҳолисининг меҳнат ва кундалик фаолиятига тўғридан-тўғри ўз таъсирини кўрсатди. Пандемия шароитини мамлакатлардаги иқтисодиёт тармоқларининг бир маромда ёки барқарор ишлашига имкон бермайдиган вазиятларни юзага келтирди.

Мураккаб пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, мамлакатда хусусий мулкчилик ва оила тадбиркорлигини ривожлантиришни тақозо этади. Инсоният учун янги бир чақирув, синов бўлган тожли вирус дунёнинг забардаст иқтисодиётларини навбати билан синдириб келмоқда. Биологик келиб чиқиши бўйича аниқ бир далил ва исбот бўлмасада, дунё иқтисодиётига ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатлари кўпгина олимлар ва нашриётлар томонидан таъкидлаб келинмоқда. Дастлабки босқичда барча чегаралар ёпилди, мамлакатлар ҳудудларида карантин режими эълон қилинди, кўпгина корхона ва ташкилотларда масофавий меҳнат фаолияти жорий этилди ва, энг муҳими, вирусга қарши курашиш ва мамлакат иқтисодиётига кўмаклашиш учун жамғармалар ташкил этилди. Ушбу жамғармаларнинг ташкил этилиши пандемиянинг иқтисодий асоратларини юмшатишга қаратилган бўлиб, биринчи навбатда, аҳолининг заиф қатламини ҳимоя қилишни давлат олдига энг асосий вазифа сифатида қўяди. Пандемия шароитида мамлакатимизда

тадбиркорлар иқтисодий ресурсларнинг етишмаслиги, кичик бизнес вакиллари катта корхоналарга қараганда маневр қилиш учун етарлича маблағларга эга эмасликлари, суғурта ва молиялаш хизматларидан фойдаланиш имкониятлари нисбатан чеклан-ганлиги, тадбиркорларнинг фаолиятларини амалга оширишда етарли билимларга эга эмаслиги, юқори кредит ставкалари, шунингдек, солиқ қонунчилиги туфайли кўплаб муаммоларга дуч келдилар. Пандемия шароитида мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, оилавий тадбиркорлик ҳолатига ҳавас қилмайдиган даражададир. Бир томондан, иқтисодиётда тарихий сабабларга кўра ҳақиқатан ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун юқори сифатли пойдевор яратилмаганлиги бўлса, бошқа томондан, эса бизнесни ривожлантириш учун тадбиркорликни юритишнинг доимий қоидаларига асосланган иқтисодий барқарорликнинг узоқ даврини талаб қилишидир. Маълумки мамлакатимизда кейинги йилларда иқтисодиётда, қонунчиликда кўплаб жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Пандемия шароитида бир қатор мамлакатлар тўғридан-тўғри кичик корхоналар, оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари учун қуйидаги йўналишларни, яъни иш вақтини қисқартириш, вақтинча ишдан бўшатиш ва касаллик таътилига чиқариш каби чора-тадбирлар жорий этди. Америкaнинг «The Diplomat» нашрининг “Ўзбекистон коро-навирус даврида Марказий Осиё дипломатик муносабатларида етакчилик қилмоқда (Uzbekistan Leads Central Asian Diplomacy in the Age of COVID-19)” сарлавҳаси остида нашр қилинган мақоласида халқаро шарҳловчи Брюс Паньернинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтди: “Марказий Осиёда фаол саъй-ҳара-катларни мувофиқлаштириш йўлида агар ягона масъул инсон бўлса, у ҳам Ўзбекистон Президенти бўлади”[112] Чунки, Ўзбекистон ҳукумати коронавирус тарқалишининг оқибат-ларини бартараф этиш бўйича чораларни ҳали мазкур касал-ликнинг илк иллатлар аниқланмасдан анча олдин 2020 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев зарур чора-тадбирлар белгилаш зарурлигини қайд этиб ўтганди Коронавирус пандемияси даврида иқтисодиётнинг

[112] https://thediplomat.com/2020/04/uzbekistan-leads-central-asian-diplomacy-in- the-age-of-covid-19/.

барча тармоқлари шунингдек, кичик ва ўрта бизнес, оилавий тадбиркорликни давлат томонидан солиқлар воситасида қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир нечта Фармонлари қабул қилинди. Булардан бевосита солиқ имтиёзларини жорий этиш билан боғлиқ Фармонлар қуйидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5969-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5978-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5986-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилд 18 майдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5996-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-6002-сонли Фармонлари қабул қилинди.

Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 3 апрелда қабул қилинган "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5978-сонили Фармонида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун олиб кириладиган хомашё, материаллар, аксессуарлар ва бутловчи қисмларнинг

нархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилган[113]. Коронавирус пандемияси салбий таъсири кичик бизнес ва оила тадбиркорлигини четлаб ўтгани йўқ. Ўзбекистонда 250 мингга яқин кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 60%дан ортиғи ўз фаолиятини бошлаганига 3 йилдан кўп вақт ўтган. Уларда умумий кичик бизнесда бандларнинг 81% фаолият юритади. Табиийки, мисқоллаб тўпланган обрў ва узоқ муддатда эришилган натижаларни бир кунда йўқотилишининг олдини олиш зарур[114].

Умуман олганда, коронавируснинг иқтисодий асоратларини оилавий тадбиркорликнинг қуйидаги йўналишларда яққол кўришимиз мумкин: Чеклов чоралари асосан хизмат кўрсатиш (сарторошхона, гўзаллик салонлари, спорт клублари ва бошқалар) соҳалари умумий овқатланиш соҳаси корхоналари учун санитария меъёрлари ва талабларининг ортиб бориши натижасида мижозларни йўқотиб қўйиш хавфини ошириши туфайли, яъни одамларнинг оммавий тўпланиши билан боғлиқ бўлган тармоқларга тегишли бўлди.

Бу инқирознинг бошқа инқирозлардан фарқли жиҳатлари шундаки, – тарихдаги энг катта ишсизлик муаммоси билан биргаликда талаб, ҳам таклиф инқирози юзага келди. Яъни мамлакатимиз фуқароларининг қарийб 90%и карантинга тушиши натижасида товар ва хизматлар истеъмоли пасайиши, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётларида ялпи талаб тушиши оқибатида ЯИМнинг ўсиш суръатлари пасайиш ҳолатлари кузатилди.

Талаб инқирозининг асосий моҳияти шундаки бунда кичик бизнес субъектлари – оилавий тадбиркорлар томонидан етказиб бериладиган товар ва хизматларга бўлган талабнинг камайиши, бунга асосий сабаб, аҳоли даромадларининг кескин ва тўсатдан тушиб кетишидир оқибатда сарф-харажатларнинг чекланишига олиб келди.

Таклиф инқирозининг моҳияти бу ташкил этилган оилавий корхоналарда, ходимларга бўлган таклифининг камайиб кетиши ёки бу таъминот занжирлари узилиши натижасида ишлаб

[113] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони // Lex.uz.

[114] https://review.uz/oz/post/koronavirus-pandemiyasi-koproq-qaysi-sohaga-salbiy-tasir-korsatadi

чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлар учун эҳтиёт қисмлар ва оралиқ истеъмол товарларининг ўз вақтида етиб келиши чекланиши ҳисобланади. Айниқса, бу ҳолат карантин шароити жорий этилган жойларда ишлаб чиқариш қувватларини етарли даражада фойдаланиш имкони бўлмаганлиги билан ифодаланди Масалан, Италияда пандемия таъсирида талабнинг кескин камайиши ва етказиб берувчилар билан алоқаларнинг узилишидан зарар кўрган фирмалар улуши 72%ни ташкил этган. Уларнинг учдан бир қисми ўз тушумларининг 15%дан кўпроққа қисқаришини тахмин қилмоқда (20% эса 5-15%га). Энг кўп зарар кўрган тармоқлар қаторига транспорт (98%), туризм (90%), мода саноати (80%), озиқ-овқат саноати (78%) киради[115]. Ноаниқ ҳолат ва келажакдаги риск даражасининг ошиб кетиши натижасида банклар томонидан кредитлар берилишининг нисбатан камайиши, тадбиркорларнинг инвестицион фаолиятига салбий таъсир қилади. Бу ҳолат паст даражада мослашувчан бўлган кичик корхоналарга нисбатан жиддийроқ таъсир қилади. Кўп ҳолларда оилавий тадбиркорлар вакиллари чет мамлакатлардан хомашё ёки технологиялар сотиб олиб фаолиятни ташкил этишни режалаштирган бўлса, бу оилавий корхоналар пандемия пайтида кўпроқ зарар кўради. Бундан ташқари, бу тадбиркорлар учун алоқалар занжири узилган тақдирда уларнинг қайта тикланиши жуда қийин кечади. Масалан, Вирус тарқалган мамлакатлардаги фабрикаларнинг ёпилиши натижасида кўплаб ҳамкор тадбиркорлар ўз буюртмаларини вақтида бажара олмаганлар.

Коронавирус пандемияси кичик бизнес учун жиддий синовга айланди. Ўзбекистонда карантин даврида 198 мингдан ортиқ якка тартибдаги тадбиркор вақтинча фаолиятини тўхтатган, бу эса рўйхатдан ўтганларнинг деярли 80 фоизини (247 мингдан ортиқ) ташкил этади[116].

Кенг миқёсда талаб инқирози кичик бизнес-оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорларга сезиларли таъсир кўрсатди. Масалан, туристлар оқимининг

[115] https://review.uz/oz/post/koronavirus-pandemiyasi-koproq-qaysi-sohaga-salbiy-tasir-korsatadi

[116] https://batafsil.uz/cat/obchestvo/karantin-sharoitidagi-biznes-koronavirus-pandemiyasi-toshkentlik-tadbirkor-ayelning-ayetini-gulga-ay/

камайиши натижасида бу хизмат кўрсатиш орқали фойда топувчи, яъни туристларни ташиш, умумий овқатланиш ва миллий ҳунармандчилик каби соҳа тадбиркорлари ҳам сезиларли зарарлар кўрдилар. Барча ривожланган мамлакатлар сингари юртимизда ташкил этилаётган корхоналар, оилавий корхоналар сони, қўшимча қийматнинг яратилиши ва бандликнинг асосий улуши кичик ва ўрта бизнес, оилавий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келиши маълум. Бироқ, пандемия оқибатида зарар кўрган туризм ва транспорт соҳалари, шунингдек умум овқатланиш, озиқ-овқат соҳасида кичик бизнеснинг улуши салмоқлидир. Шу билан бирга, кичик ва ўрта оилавий корхоналар ташқи таъсирлар келтириб чиқарадиган ортиқча харажатларни қоплай олмайди. Бу харажатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: санитария харажатлари; масофавий ишлаш ҳолатлари; рақамлаштиришни жорий этиш учун янги технологияларни харид қилиш ва бошқалар.

Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1,4 млн кишини ташкил этган бўлса, апрель-июнь ойларида эса бу кўрсаткич 3,5 минг кишини ташкил қилган. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони 1,2 млн кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 60,0 фоизга камайган. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида МДҲ давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари 1,1 млн кишини ташкил этган бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 95,5 фоизини ташкил этади. Узоқ хорижий давлатлардан эса 54,8 минг киши (ёки 4,5 фоиз) келган. Таъкидлаш лозимки, 2020 йилнинг январь-июнь ойларида туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони 1,4 млн кишини ташкил этди. 2019 йилнинг шу даврига нисбатан таққосланганда эса бу кўрсаткич 61,3 фоизга камайган. 2020 йилнинг январь–март ойларида мустақил давлатлар ҳамкорлиги давлатларига саёҳат қилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1,3 млн кишини ташкил этган бўлиб, бу жами кетганларнинг 92,7 фоизини ташкил этади. Узоқ хорижий давлатларга эса 104,6 минг киши (ёки

7,3 фоиз) кетган[117].Ҳудудларда оилавий тадбиркорликни бир хил ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларга қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин: оилавий тадбиркорлик субъектларида ўз пул маблағларининг етишмаслиги, ҳудудларда давлат томонидан соҳанинг молиявий қўллаб-қувватлашга ажратилаётган кредитларнинг тўғри тақсимланмаётганлиги, ҳудудларда оилавий тадбиркорлик бўйича инсонларда зарурий ва керакли маълумотлар етарли даражада эмаслиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3859-сонли "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2018 йил 8 июндаги ПҚ-3777-сонли "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурларини амалга ошириш тўғрисида"ги Қарорларида ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади. Дастурнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

– тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;

– тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш;

– касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш;

[117] Ўзбекистонга туристик мақсадларда келган ва кетган шахслар бўйича статистика очиқланди.https://kun.uz/news/2020/07/23/ozbekistonga-turistik-maqsadlarda-kelgan-va-ketgan-shaxslar-boyicha-statistika-ochiqland

– қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (ҳунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган, ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш — мини-кластерлар ташкил этиш;

– жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш;

– қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш;

– вақтинчалик молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш. «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида тижорат банклари томонидан бир қанча имтиёзли кредитлар ажратилади. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 2020 йил 15 июнь ҳолатига кўра, қарийб 2,4 трлн. сўм миқдорида ресурс маблағлари шакллантирилди. Ушбу маблағлар аввал ажратилган кредитларнинг сўндирилиши ҳисобидан (1,5 трлн. сўм) ҳамда жорий йилда ажратилган жамғарма ва фондлар маблағлари ҳисобидан (0,9 трлн. сўм) шакллантирилди. Мазкур ресурслар ҳисобидан 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида 51 200 та лойиҳага жами 1,7 трлн. сўм маблағ сарфланди Бугунги кунда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда аҳоли жами даромадларининг 50 фоиздан ортиғи кичик тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда. Кичик бизнес ва оилавий

тадбиркорликнинг, хоҳ у ривожланган мамлакатларда бўлсин, хоҳ ривожланаётган ёки иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатларда бўлсин, асосий хусусиятларидан бири иқтисодиётнинг ушбу сектори доимо давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёжманд эканлиги ҳисобланади.

Шу сабабли мамлакатимизнинг турли ҳудудларида оилавий тадбиркорликнинг касб-корлар, яъни косиблик, дурадгорлик, новвойлик, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик, деҳқончилик, пиллачилик, боғдорчилик, узумчилик, ҳунармандчилик, мискарлик, заргарлик, наққошлик, кулоллик, ёғоч ўймакорлиги, пичоқчилик, тўқимачилик, пўстиндўзлик сингари йўналишларда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда оилалар даромадининг тўртдан бир қисми тадбиркорлик эвазига пайдо бўлмоқда. Келажакда оила эҳтиёжининг 50 фоизини шу йўл билан қопланишига эришиш лозим. Бу мамлакатимиз учун жуда муҳимдир.

8.3. Пандемия шароитида оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасига етказилган салбий таъсирларни бартараф этиш йўллари

Республикамиз иқтисодиётини тараққий эттиришда кичик бизнес, жумладан, оилавий тадбиркорлик алоҳида ўрин касб этади ва пандемия шароитида унинг роли янада ортиб бормоқда. Шунинг учун, оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳар қандай республика иқтисодиётининг бир меъёрда ўсишини таъминловчи асосий бўғинлардан бири ва амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Иқтисодиётда рўй бераётган турли ижобий ўзгаришлар кўп жиҳатдан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир Инновацион иқтисодиётининг таянчи сифатида эса кичик бизнес оилавий тадбиркорлик соҳаси муҳим ўрин эгаллайди. Мамалкатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар яратилган ва такомилаштирилиб борилмоқда. Бизга маълумки дунё тажрибасида энг йирик компаниялар ҳам ўз тадбиркорлик фаолиятларини оилавий тадбиркорликдан бошлаб, оилавий тадбиркорлик соҳасида

маълум кўникма ва билим ҳосил қилгач, улар халқаро даражада бизнесларини кенгайтиришган.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик ички иқтисодий ўсишнинг ижобий динамикасини таъминлайди. Республикамизда "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" деган ғояни ҳаётимизда акс эттириш аҳоли, айниқса, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий бизнес ва касаначиликни, томорқа хўжалигини ривожлантириш учун янги имконият ва преференциялар яратиб берилаётганлиги, янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги бу фикримизнинг яққол исботидир. Хорижлик олимларнинг фикрича, кичик бизнеснинг тахминан 68% дан юқориси оилавий тадбиркорликка тўғри келади. Шунинг учун ҳам жаҳон иқтисодиётида оилавий тадбиркорликка қўшган ҳиссаси сезиларли ва аҳамиятлидир. Жумладан, улар рўйхатига, Ротшильдлар банкирлар оиласи Rotshild Semyuel Oppengeymer" ва Fransiyadagi "Bank de Rotshild" banki (Франция), Опель – автомобилсозлик (Германия), Шарль Тисо – Tisso соатлари, шунингдек, Oral-B, Siemens, Adidas, Samsung Electronics ва бошқа компаниялар[118] ни киритиш мумкин. Мамлакатимизда карантин туфайли 196 мингта корхонада ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми кескин камайган. Карантин туфайли, табиийки, ишсизлар сони ҳам ошган. Ҳозирги кунда умумий овқатланиш тармоғида 13 минг, савдода 45 минг, хизмат кўрсатишда 19 минг, транспортда 7 минг корхона фаолиятини тўхтатган ёки тушумлари кескин камайган[119].

Мамлакатимизда пандемия шароитида вужудга келган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик муаммоларни бартараф этишнинг ўзига хос йўллари ишлаб чиқилди. Авваламбор ҳукуматимиз томонидан фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шу ҳужжатларга кўра молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Солиқ имтиёзлари берилди, тадбиркорлик субъектлари ва корхоналарга қатор имтиёзлар тақдим этилди, айрим қарздорликлар кечиктирилди текширишлар йил охиригача бекор қилинди, пандемия туфайли кўрилган талофатларни камайтириш бўйича яна бошқа бир қатор енгилликлар

[118] Семейный бизнес или что такое хорошо и что такое плохо // ttp://www.bishelp.ru/svoe_delo/variant/7ya.php
[119] https://president.uz/uz/lists/view/3515

берилди ва қуйидагилар амалий ишлар орқали тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш масалалари белгилаб олинди:

Биринчидан, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафиллик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш;

Иккинчидан, республика ҳудудларида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникацияларини қуриш.

Дунёнинг жуда кўп давлатларида расман бирор ташкилотда ишламайдиган, ўз бизнесини ташкил қилмаган, аммо пенсия таъминоти кафолатланган, иш билан банд деб ҳисобланадиган миллионлаб кишилар бор. Улар ўз ўзини банд қилган фуқаролардир. Ушбу тизим Президентнинг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан юртимизда ҳам жорий этилди. Эндиликда "ҳеч қаерда ишламайди", "вақтинча ишсиз" каби маълумотлар ўрнини "ўзини ўзи банд қилган фуқаро" мақоми эгаллайди.

Ўзини ўзи банд қилиш – қандай тушунча? Бу борада дунё тажрибаси қандай?

Россия Федерациясида ўзини ўзи банд қилиш фаолияти 2016 йилда қонун билан мустаҳкамланган. Умумий банд бўлган аҳолининг таркибида ўзини ўзи банд қилган аҳоли 22,5 %ни ташкил этган.[120] Рағбатлантириш мақсадида ўзини ўзи банд қилган фуқароларга солиқ таътиллари эълон қилинган. Янги фаолият тури нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиши кўрина бошлади.

[120] https://www.rbc.ru/rbcfreenews/

Айрим давлатларда ҳаттоки ўзини ўзи банд қилган фуқаролар расман давлат ишида ишлайдиганлардан кўра кўпроқ даромадли экан. Масалан, АҚШда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони тобора ошиб бораяпти.

Investopedia сайтининг хабар беришича, мамлакатдаги жами иш билан банд аҳолининг 30 %ини шу тоифадаги кишилар ташкил этади. Йирик компания ва давлат идоралари ходимлар таркибига ўзини ўзи банд қилган фуқароларни ҳам киритадилар. Ўзини ўзи банд қилиш қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида энг кўп қайд этилган. Турли ҳунарлардан ташқари артистлар, созандалар, бухгалтерлар, шифокорлар ва кўчмас мулк агентлари ҳам ўзини ўзи банд қилишлари мумкин.

АҚШда ушбу тоифадагилар ўз номи билан Self-employment tax - "ўзини ўзи банд қилиш солиғи"ни тўлайдилар. Солиқнинг 15.3% ижтимоий суғуртага, 2.9% эса тиббий суғуртага ўтказилади. Ушбу тўловлар асосий солиқ – федерал даромад солиғини тўлашда ўзини ўзи банд қилган фуқарога маълум имтиёз беради. Ушбу фаолият тури шу даражада оммалашмоқдаки, 2018 йилда ЯММ да ўзини ўзи банд қилишнинг улуши 6% ни ташкил этган[121].

Буюк Британияда ҳам ўзини ўзи банд қилиш анча тараққий этган. Ўзига хос жиҳати – ўзини ўзи банд қилиш ҳам якка ҳолда, ҳам шериклик асосида, МЧЖ кўринишида ташкил этилиши мумкин. Ушбу давлатнинг яна бир ибратли тажрибаси шундаки, жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг асосий даромад манбаи – ўзини ўзи банд қилиш ҳисобланади. Барча шундай кишилар орасида ўзини ўзи банд қилганлар 18.8 % ни ташкил этади. Дунёнинг жуда кўп давлатларида прогрессив шкалада солиқ тўлаш тизими амалдалиги боис ўзини ўзи банд қилган кишилар ҳам шу асосда солиқ тўлайдилар.

Ривожланаётган давлатлар учун ўзини ўзи банд қилиш танлов эмас, заруратдир. Бу аҳолининг катта қисми учун даромад топиш ва ўз фаолиятини қонунийлаштириш бўйича энг ишончли йўл бўлиб турибди. Мисол учун, Ҳиндистонда аҳолининг 75 %, Бангладешда 70 %, Кенияда ўртача 60 % ни ташкил этади. Бу

[121] https://www.irs.gov сайт материаллари асосида

тоифадаги инсонлар нафақат кунлик даромад манбаи, балки давлат томонидан ҳимояга эга бўладилар.

Ўзбекистонда жорий этилаётган ушбу янги фаолият тури эса ўзини ўзи банд қилганларга пенсия таъминотини кафолатлайди. Шунингдек, фаолияти давомида ўзини ўзи банд қилганларга давлат солиқ хизмати идоралари томонидан бепул хизмат кўрсатилади. Улар тўлайдиган ижтимоий солиқ тўлиғича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилади[122].

Қарорга мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари 24 тадан 67 тага оширилиб, рухсат олиш талаблари ва солиқ тўловлари деярли бекор қилинди. Бу бандликни таъминлаш борасида катта ресурсидир. Энг асосийси, қарорга кўра, 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобил илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинди.

Бу эса узоқ вақт мобайнида норасмий секторда банд бўлган аҳолини давлат рўйхатига олиш тизимини кескин соддалаштириш, бунда кундалик ҳунари билан аҳолига маиший хизмат кўрсатаётган фуқаролардан умуман солиқ ундирилмаслиги белгиланди. Бундан ташқари, бандликни таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатишнинг -овқатлар ва товарларни уйга етказиб бериш, кўчма савдо ва хизматларни ташкил этиш ишларини ривожлантириш, масофадан интернет орқали ишласа бўладиган соҳаларга имкон қадар шароитлар яратиб бериш, етказиб беришни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларига фаолият юритиш учун имкон яратиб бериш, уй-жойларни ремонт қилиш ҳамда автотранспорт, маиший техника ва бошқа товарларга кредитлар беришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги кооперативларини қўллаб-қувватлаш орқали мавсумий ишларга аҳолини кенг жалб қилиш, фермер хўжаликлари томонидан дала томорқаларида экин экишга аҳолига ёрдам бериш, оилавий тадбиркорликни ташкил

[122] https://sangzor.uz/soliq-xabarlari/

этишга қаратилган бир қанча ишларни, хусусан, қорамол боқиш ва чорвачиликнинг бошқа турларини ҳам ривожлантириш, парандачилик, балиқчилик, ипакчилик, асаларичилик, касаначилик каби ишларни амалга ошириш лозимлигига ҳам алоҳида аҳамият берилиши керак бўлган чоралардан биридир. Бунда одамларни ўзини-ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида фаолият кўрсатишга йўналтириш лозимдир, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг тегишли ҳудуддаги рақобатбардош турини танлаш, кредит олиш учун зарур бўлган бизнес-режа лойиҳаси ва ҳужжатлар тўпламини шакллантириш, тегишли тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумот олиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда, ўзини ўзи банд қилиш асосан қуйидаги соҳаларда амалга оширилмоқда (8.1-расм).



8.1-расм. Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар энг кўп рўйхатдан ўтган соҳалар.

Ҳозирги кунда фуқародларнинг ўзини ўзи банд қилиш масаласи кенг қамравли бўлиб, уларнинг турлари олтмиштадан ошиб кетган. Аммо уларни соҳалар бўйича тақсимланадиган бўлса, у асосан бешта йўналишга бўлинади. Ушбу йўналишлар бўйича Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 13 июль ойидаги

маълумотларига кўра, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар республика ва вилоятлар бўйича қуйидагича бўлган (8.2-расм)[123]:



8.2-расм. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг 2020 йил 13 июль ҳолатига кўра энг кўп рўйхатдан ўтган соҳалар.

Соҳалар бўйича таҳлил қилсак, барча соҳалар ичида маиший хизматларнинг улуши -29,3%, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш улуши - 20,12%, қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар улуши -18,45%, саноат йўналиши улуши 16,13%, ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар улуши -14,4% ни ташкил этган.

Вилоятлар кесимида республика бўйича ўзини ўзи банд қилган фуқаролар фаолият манзили бўйича маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган (8.1-жадвал).

[123] Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари

8.1-жадвал

Мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар

№	Вилоятлар	Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони, киши
1.	Бухоро вилояти	16508
2.	Наманган вилояти	14629
3.	Самарқанд вилояти	13488
4.	Тошкент шаҳар	11812
5.	Фарғона вилояти	7945
6.	Андижон вилояти	6650
7.	Қашқадарё вилояти	5398
8.	Сурхондарё вилояти	5076
9.	Тошкент вилояти	5011
10.	Қорақалпоғистон Республикаси	3501
11.	Навоий вилояти	3092
12.	Хоразм вилояти	3043
13.	Жиззах вилояти	2822
14.	Сирдарё вилояти	2573
	Жами республика бўйича	**101548**

Мазкур жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республика бўйича ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони 101548 кишини ташкил этган, фаолият манзили бўйича энг юқори кўрсаткич Бухоро вилоятида 16508 кишини ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида 2573 кишини ташкил этган. Самарқанд вилоятида эса 13488 кишини ташкил этган.

Давлат солиқ қўмитаси 2020 йил декабрь ойи маълумотларига кўра, қуйидаги соҳаларда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхатдан ўтган:

Масалан, сартарошлик, маникюр, калит тайёрлаш ва пойабзал таъмири – **маиший хизматлар** соҳасида рўйхатга олинган – 159 954 нафар киши, чорва молларини парвариш қилиш, экин экишда ёрдам бериш соҳаси – **қишлоқ хўжалиги** соҳасида 120 527 киши, репетиторлик қилиш, бола парвариши ва хонадонларни тозалаш соҳаларида – **ижтимоий хизматлар** соҳасида 102 341 киши рўйхатдан ўтган. Ёғоч меъморчилиги, сантехника,

электр монтаж ишлари, макулатура, пластик ва темир-терсак тўплаш – **саноат соҳасида** 91 829 киши, нон, уйда поп-корн, музқаймоқ, айрон тайёрлаш, деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш – **халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш** ва хизматлар кўрсатиш соҳасида- 63 469 нафар, ижтимоий тармоқлардаги фаолият, дастурий таъминот, мобил иловалар ва веб сайтларни ишлаб чиқиш соҳаси – **АКТ** соҳасида 10 134 нафар жисмоний шахс рўйхатдан ўтган.[124] Амалдаги қонунчиликка кўра рухсат этилган 67 та фаолият турлари кесимида қаралганда маиший хизматлар йўналишини танлаётганлар сони нисбатан кўпчиликни ташкил этмоқда. Маълумки, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар – ўз шахсий меҳнати билан мустақил хўжалик фаолиятини амалга оширадиган меҳнатга лаёқатли жисмоний шахслардир.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда пандемия оқибатларини кичик бизнес жумладан, оилавий тадбиркорликка таъсирини камайтириш бўйича қуйидаги таклифларни киритиш ўринли деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш тизими бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан кенг фойдаланиш.

Иккинчидан, иқтисодиётда кичик бизнес жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларига талабни етарли даражада ушлаб қолинишини таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида кичик бизнес ишчилари ва оила тадбиркорларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, товарларга аҳоли талабини ўрганиш орқали бирламчи товарлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш учун турли қўллаб-қувватловчи имтиёзлар бериш.

Учинчидан, транспорт ва ноозиқ-овқат товарлар савдоси (айниқса, компьютер ва алоқа воситалари) хизмат кўрсатиш соҳаларини саноат ишлаб чиқариш ва таъмирлаш соҳалари каби дезинфекция қоидаларига амал қилган ҳолда фаолиятини қайта тиклашга имкон яратиб бериш чораларини кўриш.

---

[124] Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

Тўртинчидан, банклар томонидан фаолият юритаётган оилавий корхоналарга фоизсиз ёки давлат кафолати остида кредитлар ажратиш масаласини кўриб чиқиш.

Бешинчидан, масофадан туриб ишлаш мумкин бўлган фаолият турларини (бизнес консалтинг, банк ва молия, суғурта, савдо) техник ва технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рақамли технологиялар, интернет қамровини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш.

Олтинчидан, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни давлат томонидан карантин даври учун қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш.

Еттинчидан, самарали кредит механизмини таъминловчи муассасаларнинг ўзгариши, ихтисослашган кадрлар тайёрлаш, тадбиркорликнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини яратиш, иқтисодий ва ҳуқуқий ахборот манбаларидан фойдаланишни шакллантириш ижтимоий суғурта ва бошқалар бўйича маслаҳатлар берадиган марказларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Саккизинчидан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаган тадбиркорларга уларни фаолиятини ишга тушириш ахборот марказлари маълумотлар бериб тўғри йўл кўрсатишлари, махсус фондлар орқали молиявий жиҳатдан кўмак кўрсатишлари, зарур ҳолларда бинолар билан таъминлашга ёрдам бериш.

Тўққизинчидан, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар охирги илмий инновацион технологиялардан фойдалана олиш имкониятларига эга бўлишлари бугунги кунда оилавий тадбиркорликни рўйхатга олиш анча соддалаштирилган бу жараённи янада такомиллаштириш.

Ўнинчидан, ислоҳотларнинг пировард мақсади – одамларимизга, ҳар бир оилага муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Бу албатта, нақадар мураккаб ва масъулиятли вазифа. Бундай мақсадга эришиш учун фақат амалий тадбирларни амалга оширишгина етарли эмас. Ушбу соҳани чуқур тадқиқ қилиб, ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо қилади. Шу мақсадда таълим муассасаларида “Оила иқтисодиёти“, "Оилавий тадбиркорлик асослари” ва “Ўзини ўзи банд қилиш йўллари” номли дарсларни киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши оила хўжалиги тадбиркоридан нафақат тадбиркорлик бўйича, балки иқтисодий ишларни юритиш бўйича ҳам ўта билимдонликни, зийракликни талаб қилади. Тадбиркорнинг иқтисодий билими кенг қамровли бўлиши оила хўжалиги даромадига яна кўпроқ даромад келтиради, энг муҳими, мулкини янада кўпайтиради. Ундан ҳам муҳими, мулкнинг ҳажми мулкни ишлатиш орқали ошади. Бу эса, оила хўжалигининг, бутун аҳолининг, давлатнинг ҳам бойиши, иқтисодий қудратининг мустаҳкамланиши учун асос бўлади.

Оилавий тадбиркорлик аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш билан бирга давлатимизнинг ҳам бой бўлишига, ишсизларнинг камайиши каби муҳим омилларнинг ўнгланишига олиб келади. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (8.3-расм).

Оилавий тадбиркорликнинг жамият ҳаётига таъсири				
Оила фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифати ошади	Оила аъзолари бандлиги таъминланади	Давлатга солиқ тушуми кўпаяди	Аҳолининг камбағаллик даражаси камаяди	Ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида кўплаб янги иш ўринлари яратилади

8.3-расм. Оилавий тадбиркорликнинг жамият ҳаётидаги ўрни.

Расмдан кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорликнинг жамиятдаги ўрни ва роли жуда катта. Муҳими оилавий тадбиркорлик билан шуғулланган оила аъзолари ёлланиб ишлаш, бировларга “қарамлик”дан холи бўлиб, ўз ихтиёри билан ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу ўз навбатида ҳар бир кишининг такомиллашишига сабаб бўлади. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали биринчи галда оила фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш имкониятини яратади. Чунки оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган оилалар шу соҳа бўйича маълум билимга эга бўлади, ҳаётга интилиш шаклланади, оила аъзолари бекорчилик балосидан қутилади. Буларнинг ҳаммаси оилага маълум миқдорда моддий неъмат олиб келиб фаровонлигини таъминлаш билан бирга оила аъзоларининг

интеллектуал салоҳияти, шу орқали инсон капиталининг сифати, жамият олдидаги масъулиятлари ҳам ошади, оила аъзоларининг бандлиги таъминланади. Оилада ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулотини сотиш, сақлаш каби хизматларни ҳам ўзлари бажаради. Бунда нафақат ишлаб чиқариш сирларини, балки маркетинг, менежмент каби фанларни ҳам ўзлаштиришига тўғри келади. Демак, оила аъзоларининг интеллектуал салоҳияти беихтиёр ошиб боради.

Бу эса давлатга солиқ тушумини кўпайишига олиб келади. Тадбиркорлик билан шуғулланаётган ҳар бир оила даромадларидан (фойдасидан) маълум миқдорда солиқ тўлаб боради. Бу билан камбағал оилалар давлатга қарам бўлиб, ундан ёрдам кутиб яшаш эмас, балки тадбиркорлик билан давлатнинг бюджетини ҳам тўлдириб боради.

Шу билан бирга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига аҳолининг камбағаллик даражаси камаяди. Энг аввало тадбиркорлик билан шуғулланган оилалар маълум даражада ўзларини ўзлари моддий неъматлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлади. Шунинг билан бирга, иш кўламини кенгайтириш эвазига атрофдагиларни ҳам иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлади. Шу тариқа аҳолини камбағалликдан қутқариш имкониятларини яратади. Ҳозирги кунда бунга бир қанча мисолларни келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, аҳоли ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Агар оила аъзоларида ишсизлар бўлса, улар давлат идораларида ишлашга вақтинча имконият бўлмайди. Чунки барча штатлар банд. Худди шундай тадбиркорлар ҳам янги иш ўринларини яратмагунча тегишли штатлар билан фаолият кўрсатиб боради. Агар уларда иш жойининг бўшашини кутса ишсиз киши ишсизлигича қолаверади. Бундай шароитда мамлакатимизда ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили бўйича фаолият кўрсатиш учун жуда катта имкониятлар яратилиб берилди.

Бир гуруҳ олимларимизнинг фикрича, бундай аҳоли қатлами ўзини ўзи иш билан банд қилганлар қатламини ташкил қилади.[125].

---

[125] Пардаев М.Қ., Олтаев Ш., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўзини ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. – Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 240 бет.

Бироқ, инновацион иқтисодиётни шакллантириш, оилавий тадбиркорликка ҳам рақамли технологияларнинг жорий қилиниши бу муаммога янгидан ёндашишни талаб қилмоқда. Шундай қилиб, оила хўжалигининг микроиқтисодиётнинг субъектига айланиши нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга эканлигини, унинг мамлакатда аҳолини иш билан банд қилиш орқали камбағалликни тугатиш, уларнинг фаровонлигини ошириш билан бирга давлатнинг қудратини кучайтириш имкониятларини ҳам яратади.

– хизматларнинг янги, замонавий турларини жорий этиш орқали қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш ва одамларни иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдаги роли ошади;

– кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатининг ошиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлиги мустаҳкамланади;

– энг муҳими, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа, ҳар бир оилага тадбиркорликни жорий қилиш орқали камбағалликни қисқартиришга эришилади.

– қишлоқ оила хўжаликларида иқтисодий муносабатлар бозор қонунларига мос равишда амалга ошади;

– қишлоқда оила мулкига ва ёлланма меҳнатга асосланган оилавий тадбиркорлик шаклланади ва ривож топади;

– оила мулкидан моддий манфаатдорлик пайдо бўлади, уни кўпайтириш ва ундан самарали фойдаланишга эришилади. Бу ўз навбатида даромадларни янада кўпайтириш ва кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтиришга оила аъзоларининг қизиқишини оширади;

– оилавий тадбиркорлик юритиш шакллари ичида чинакам рақобат вужудга келади ва натижада хизмат кўрсатиш сифати ошади ва энг муҳими хўжаликнинг иқтисодий–молиявий кўрсаткичларини яхшилашга ўзаро интилиш кучайиб боради[126].

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган оилавий тадбиркорлик субъектларининг 44,1 фоизи ишлаб чиқариш, 48 фоизи хизматлар соҳасига тўғри келади. Бу эса оилавий тадбиркорликни соҳалар

[126] Ш.Султонов, Э.Шавқиев, Ш.Кувандиков ва б. Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2019, 188 бет.

бўйича ривожланишидаги бир-бирига тўғри келмайдиган тенденцияга хослиги ҳолатларини кўрсатади. Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг роли ва хусусиятлари турли фаолият соҳаларида турлича кечмоқда. Бироқ бу фаолият турларининг ҳар бири учун оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини баҳолашнинг мезон кўрсаткичларини турли йўналишлари бўйича ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини оширишга имкон бериб, даромадларни ошириш ва камбағалликдан тезроқ қутилиш чораларини топишда мотивацион куч бўлиб хизмат қилади. Шу туфайли, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бугунги кунда мамлакатимиз учун ўта муҳим тадбир эканлигини идрок қилишимиз ва унга тегишли эътибор қаратишимиз зарур.

Боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасига пандемиянинг салбий таъсирини камайтириш йўллари тадқиқ қилиниб, қуйидаги хулосаларга келинди.

1. “Оила хўжалиги тадбиркорлиги” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни очиб берилди. “**Оила хўжалиги тадбиркорлиги** ” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш лозимлиги асосланди. ““**Оила хўжалиги тадбиркорлиги деб оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада оилага даромад (фойда) ва ижтимоий наф келтирилишини кўзлаб қилинадиган эркин танланган фаолиятга айтилади.**”

2. Пандемия шароитида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш тизими бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан кенг фойдаланиш асосланди.

3. Масофадан туриб ишлаш мумкин бўлган фаолият турларини (бизнес консалтинг, банк ва молия, суғурта, савдо) техник ва технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рақамли технологиялар, интернет қамровини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгалиги асослантирилди.

4. Пандемия шароитида оилавий тадбиркорликни ва касаначиликни ривожлантириш, бу борадаги тўсиқ ва ва муаммоларни бартараф қилиш, шу соҳани молиялаштиришнинг содда тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар берилди.

5. Пандемия шароитида самарали кредит механизмини таъминловчи муассасаларнинг ўзгариши, ихтисослашган кадрлар тайёрлаш, тадбиркорликнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини яратиш, иқтисодий ва ҳуқуқий ахборот манбаларидан фойдаланишни шакллантириш ижтимоий суғурта ва бошқалар бўйича маслаҳатлар берадиган марказларни ташкил этиш мумкинлиги асосланди.

6. Бугунги COVID-19 шароитида оилавий тадбиркорликни ташкил этишни рақамлаштириш тенденциясини ривожлантириш орқали амалга ошириш масалалари кўрилди: Уй шароитида кўнгилочар хизматларини ташкил этиш бўйича янги инновацион усуллар орқали хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш учун оилавий корхоналар онлайн контент яратишлари бўйича тавсиялар берилди: театрлар, музейлар ва ҳатто ҳайвонот боғлари одамларга онлайн хизмат кўрсатишлари, шунингдек, Спорт заллари бепул онлайн фитнес машғулотларини ўтказиш ва Реал вақтда машқларни таклиф қилиш орқали ўз мижозларини қўллаб-қувватлашни давом эттириш зарурлиги асосланди.

7. Пандемия шароитида пул оқимини камайтириш учун барча мумкин бўлган харажатларни камайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Боб бўйича адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-иловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» //.Lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартда «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида» ПҚ-4227-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлда “Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида”ги 566-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”га ПҚ-4742-сонли қарори.

5. Пардаев М.Қ., Олтаев Ш., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўзини ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. – Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 240 бет.

6. Пардаев М.Қ., Пардаев Олим, Пардаева Озода Ўзини ўзи банд қилиш йўллари. Илмий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 72 бет.

7. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 58-71 бетлар.

8. Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.: 2000. - 84-87, 245-254 бетлар.

9. Шишкин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. – М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС, 1996, - Т. 2. - 34-54 бетлар ва ҳ.к.

10.Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. - Т.: Шарк. 1999 -198-223 бетлар.

11.Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Меҳнат, 1995 - 137-147 бетлар.

9-БОБ. ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ШАРОИТДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Пандемия даврида рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган кўплаб технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келди. Пандемиядан кейинги шароитда тадбиркорлар ўз бизнесини самарали ташкил этиш ва уни юритиш, истеъмолчилар эса ўз эҳтиёжларини қондиришнинг замонавий воситаларидан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг бундай воситаларидан бири – рақамли маркетингдир.

Ушбу жараён мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштириш, илғор замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш, хусусан, рақамли маркетингни ўрганиш, уни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш ҳамда такомиллаштириш масалаларини устувор вазифаларга айлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрь куни “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони[127] қабул қилиниши рақамли иқтисодиёт, ҳусусан, пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди.

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан, пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига жорий қилиш орқали савдо ҳажмини ошириш, халқаро бозорга чиқиш, миллий брендларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш, бизнес субъектларида соғлом рақобат муҳитини яратиш, истеъмолчилар эҳтиёжларини максимал даражада самаралироқ қондириш, истеъмолчиларга товар ва хизматларни силжитишдаги харажатларни тежаш ва маҳсулот нархини камайтириш, ишлаб чиқариш ва тақсимот жараёнидаги логистик занжирни оптималлаштириш ва

[127] https://lex.uz/docs/5030957

моделлаштириш ҳамда уларни механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Шунингдек, Стратегия пандемиядан кейин Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур бобда маркетинг ва рақамли маркетинг эволюцияси, пандемия шароитидаги ҳолати, пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ҳамда уларни хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига жорий қилишнинг истиқболли йўналишлари ёритилган.

9.1. Маркетинг назариясини илмий мактаблар асосида ривожланиши ва рақамли маркетинг эволюциясининг пандемия шароитидаги ҳолати

Маркетинг амалиёти ва унинг ривожланиш эволюцияси жуда қадимдан бошланган бўлсада, XX асрга келибгина алоҳида фан сифатида шаклланди. Маркетинг тўғрисидаги илмий ғоялар, хорижий олимлар томонидан турли гуруҳларга, концепцияларга ва илмий мактабларга ҳам бирлаштиришга ҳаракат қилинди. Бугунги кунга келиб маркетинг 10 дан ортиқ илмий мактабларга ажратилди. Товар, нарх, тижорат функцияси маркетинг предмети сифатида талқин қилиниб, уни ўрганишнинг анъанавий ёндашуви сифатида ўрганила бошланди. XX асрнинг ўрталарига келиб ушбу анъанавий ёндашув маркетингни бошқариш, маркетинг тизими, истеъмолчи хулқ-атвори, макромаркетинг, айирбошлаш ва маркетинг тарихи каби илмий йўналишлар билан бойитилди. 1970 йилларга келиб маркетингнинг замонавий мактаблари – маркетингни бошқариш, истеъмолчи хулқ-атвори ва айирбошлаш маркетингнинг кенгайиши учун хизмат қилишига қаратилганлиги ҳақидаги ғоялар ва турли ёндашувлар пайдо бўлди (9.1-жадвал).

9.1-жадвал

Маркетингга оид турли ёндашувлар

Маркетинга оид ёндашувлар	Тадқиқот объекти	Ёндашув мақсади
Товар ёндашуви	Ишлаб чиқариш воситаси, истеъмол товарлари, қишлоқ хўжалиги товарлари ва хизматлар	Айирбошлаш воситаси
Институционал ёндашув	Чакана ва улгуржи савдо, ишлаб чиқариш, воситачилар	Айирбошлаш жараёнини ташкил қилиш
Функционал ёндашув	Бозорни тадқиқ қилиш, силжитиш, олди-сотди жараёнини ташкил этиш, нарх сиёсати, моддий-техник таъминот	Айирбошлаш жараёнининг турли функцияларини тадқиқ қилиш
Концептуал ёндашув	Масофа ва вақтни тежаш, муддатларга амал қилиш, талаб ва таклиф мувозанатига эришиш	Бозор
Компанияни бошқариш бўйича ёндашув	Тадбиркорлик фаолиятини бошқарувчилар	Қарор қабул қилиш
Харид нуқтаи назаридан ёндашув	Истеъмолчилар	Қарор қабул қилиш
Тизимли ёндашув	Маркетинг иқтисодий ва тадбиркорлик тизимининг таркибий тизимчаси (тизимости тизими)	Тизим, яхлитлик

Айниқса, бундай гуруҳлаш 1980 йилда Холландернинг институционал мактаб; 1981 йилда Савиттнинг минтақавий савдо; 1988 йилда Дж.Шит[128]нинг истеъмолчи хулқ-атвори; 1986 йилда

[128] Djagdish Shit (1938 y-) –Emori universiteti Charlz Kellstadt biznes maktabining marketing bo‘yicha professori, dunyoga mashhur AT&T, BellSouth, Ford, GE, Motorola, Square D, Whirlpool va Sprint kompaniyalarining biznes-konsultanti, marketing, iste’molchi xulq-atvori va munosabatlar marketing bo‘yicha 200 dan oriq ilmiy ishlari nufuzli nashriyotlarda chop etilgan

Мерфи ва Энис[129], Ш.Хант[130] ва Голсбининг функционал; 1990 йилда Зинн ва Джонсонларнинг товар мактаби; 1992 йилда Ф.Уебстер[131]нинг маркетинг бошқаруви, 2002-2003 йилларда У.Уилки[132] ва Э.Море[133]ларнинг маркетинг ва жамият, маркетинг ва давлат сиёсати каби макромаркетинг назарияларида ўз аксини топди. Бундан ташқари 1993 йилда хизматлар маркетинги, И.Берри ва Ф.Уебстернинг муносабатлар маркетинги, Р.Бартелс[134] ва Дж.Шитларнинг маркетингнинг тарихий ёндашуви ҳам шулар жумласидан. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, маркетингнинг илмий мактаблар асосида ривожланиши тарихий хронологик жиҳатдан маълум изчилликка эга, айрим ғоялар бошқа илмий мактабларга ҳам хос ёки ярим четланишлар ҳам мавжуд.

Маркетингнинг илмий мактабларга ажратилиши илмий ғоялар асосида 12 та йўналишни ўз ичига олади. Улардан иккитаси “ташкилий динамика” ва “етакчилик” мактаблари кейинчалик институционал ва макромаркетинг мактабларига қўшиб юборилди ва 10 та мактаб алоҳида ажратиб кўрсатила бошланди (9.2-жадвал). Маркетингнинг илмий мактабларга ажратиб ўрганилишида алоҳида эътибор маркетинг ғоялари, маркетинг ҳақидаги билимларнинг ҳажми, бу йўналишда тадқиқот олиб борган етакчи олимлар ва тадқиқотчилар, шунингдек, маркетинг фаолияти қачон? қаерда? ким томонидан? нима учун амалга оширилади? деган саволни ёритиб беришига қаратилган.

---

[129] Murphi, P.E. and Enis, B.M. (1986) “ Classifyng Products Strategically”, Jurnal of Marketing 50 (July): 24-42

[130] Shelbi Xant (Shelby Hunt 1938 y-) – Texas texnika universiteti professori, 1976 yilda marketing ayriboshlash jarayoniga taalluqli bo‘lgan fan ekanligini ilmiy asoslab bergan.

[131] Frederik Uebster– (Frederick E. Webster, Jr.) - Amos Tak nomidagi Dartmut Kolleji professori. taniqli biznes-konsultant "Market-Driven Management: Using the New Marketing Concept to Create a Customer-Oriented Company" va boshqa ko‘plab kitoblar muallifi. AMA prezidenti lavozimida ishlagan.

[132] U. L. Uilki – Aloizius Eleonore Nate universiteti professori, marketingga oid ilmiy g‘oyalar bo‘yicha izlanishlar olib borgan. “Marketingning 4davri” asoschisi.

[133] Elizabet S. Moru - Notr-Dam universiteti dotsenti marketingga oid ilmiy g‘oyalar bo‘yicha izlanishlar olib borgan. “Marketingning 4 davri” asoschisi

[134] R.Bartels – marketing tarixi, nazariyasi, tamoyillari va metanazariyasi asoschisi. Marketingga tarixiy yondashuvni birinchi bo‘lib ilmiy asoslagan amerikalik iqtisodchi.

9.2-жадвал

Маркетингга оид ғояларнинг асосида илмий мактабларга ажратилиши

Маркетинг мактаб-лари	**Асосий намоён-далари**	**Қўйилган саволлар**	**Таҳлил даражаси ва йўналиши**	**Асосий ғоя ва тушунчалари**
Функ-ционализм мактаби	A.Shou, Ueld, P.Cherington, F.E.Klark, P.Konvers, R.Breyer, MakGerri	Маркетинг қандай функция-ларни ўз ичига олади?	Маркетинг воситачилари	Маркетинг фаолияти асосида қўшилган қиймат яратиш
Товарлар маркетинг мактаби	A.Shou, P.Cherington, Kopeland, R.Breyer	Товарлар қандай тасниф-ланади ва маркетинг-нинг қайси функция-ларига тааллуқли?	Тижорат оқимлари ва товарлар	Товарларнинг таснифланиши, саноат ва истеъмол товарлари, қулайлик, магазинлар ва ихтисослашув
Маркетинг ташкилоти (институ-ционал) мактаби	P.Nistrom, F.Klark, Breyer, Mallen, Baklin	Товарлар бўйича маркетинг функциялар ини кимлар амалга ошира-дилар?	Чакана ва улгуржи савдо, воситачила р, тақсимот каналлари	Тақсимот каналлари, транзакция ва трансверсия, саралаш ва ўзгартириш, тўлов муддатини кечиктириш ва фирибгарлик, шаротномавий низолар, ҳукмронлик ва тобелик

9.2-жадвалнинг давоми

Сотишни бошқариш мактаби	V.Olderson, J.Govard, D.MakKarti, F.Kotler	Товарлар бўйича маркетинг функциялари ни кимлар амалга оширадилар?	Тижорат корхонаси сотувчи / таъминотчи сифатида	Маркетинг микс, мижозларга йўналтирилганлик, сегментлаш, таргетлаш ва мавқелаштириш
Маркетинг тизим мактаби	V.Olderson, Boddeveyn, P.Fisk	Менежерлар ўз товарларини мижозларга қандай сотади?	Корхона ва уй хўжаликлари, тақсимот каналлари, маркетинг тизими	Тизим ва унинг элементлари ўртасидаги боғлиқлик
Истеъмолчи хулқ-атвори мактаби	E.Dixter, Dj.Govard, Dj.Shit, L.Festinger, A.Maslou, Dj.Xomans, K.Rodjers, Ch.Osgud	Маркетинг тизими нима? Бу тизим нима учун мавжуд? Тизим қандай ишлайди? Маркетинг вазифалари ни кимлар бажаради?	Бизнес, истеъмол харидлари, шахсий ва уй хўжаликлари истеъмоли	Онг ости мотивлари, оқилона ва ҳиссий мотивлар, эҳтиёж ва хоҳиш-истаклар, символизм ва белгилар, Лидерлик, ижтимоий синфлар, маданият ва субмаданият
Макро-маркетинг мактаби	V.Olderson P.Fisk, Dikson Sh.Xant, Bartels, R.Breyer, R.Veyl	Қачон ва қаерда амалга ошади?	Саноат тармоқлари, тақсимот каналлари, истеъмол-чилар ҳуқуқлари, иқтисодий ривож-ланиш	Турмуш даражаси ва сифати, маркетинг тизими

9.2-жадвалнинг давоми

Айирбошлаш мактаби	V.Olderson, F.Kotler, R.Bagotssi, A.Shou, V.Olderson, Sh.Xant	Мижозлар нима учун ҳарид қиладилар?	Сотувчи ва харидорларни тақсимот каналлари бўйлаб сегментлаш, корхоналар ва уй хўжаликлари	Ижтимоий, иқтисодий ва бозор айирбошлаши бартер ва бозор операциялари, оммавий айирбошлаш
Маркетинг тарихи мактаби	Bartels, Hollander, U.Uilki, E.Moru	Одамлар қандай фикрлайдилар, ўйлайдилар ва ҳис этадилар?	Макро ва микро даражада ғоя ва амалиёт	Маркетинг амалиёти тарихи, маркетинг ғоялари тарихи

Маркетингнинг назарий-методологик асосларини ўрганиш давомида унинг моҳияти янада ойдинлашади. Шунингдек, маркетингнинг бугунги кундаги туб моҳияти нимадан иборатлигини аниқлашга қаратилган кўплаб саволлар туғилади. Бугунги кунда маркетингга 2000 ортиқ таърифлар берилганлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Уларнинг кўплиги маркетингнинг қайси асосий жиҳатларига урғу берилиши, таъриф маркетингнинг қайси фаолият нуқтаи назаридан олиб қаралиши билан изоҳланади.

Таниқли Америка олими – маркетолог Ф.Котлер маркетингнинг таърифини қуйидагича ифодалайди: Маркетинг – товарларни яратиш, таклиф этиш ва айрибошлаш асосида айрим олинган киши ва гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган иқтисодий ва бошқарув жараёнидир.

Бошқарув муаммолари бўйича етакчи назариётчи олимлардан бири Петер Друккернинг таърифи эса қуйидагича: Маркетингнинг мақсади сотишга қаратилган ҳаракатларини йўқ қилишдан иборатдир. Унинг мақсади харидорларни шундай ўрганиш ва тушунишдан иборатки, товар ва хизматлар унинг талабига айнан мос тушиб, пировардида ўзини-ўзи сотади.

Америка Маркетинг Ассоциациясининг 1985 йилда маркетингга берган таърифи эса қуйидагича: “Маркетингнинг моҳияти инсонлар ва ташкилотлар талабини қондириш мақсадида товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уни амалга ошириш, нарх белгилаш, товарлар ҳаракати ва сотилишни юштиришдир ”.

Қуйидаги 9.3-жадвалда маркетинг ривожланишининг даврлари ва унинг хусусиятлари келтирилган.

9.3-жадвал

Маркетинг ривожланишининг “4 даври”

Даврлар	Асосий хусусиятлари
Дастлабки маркетинг даври (“Pre-Marketing”) (1900 йилга қадар)	Тадқиқот олиб боришнинг фарқли жиҳатлари ва соҳалари аниқ эмас, барча масалалар иқтисодиёт соҳасига тааллуқли деб ҳисобланган
1. “Асосий давр” (“Founding the Field”) (1900-1920 йиллар)	Маркетингга оид дастлабки курсларнинг ишлаб чиқилиши. Маркетинг фаолиятининг иқтисодий институт сифатида талқин этилиши. Маркетингнинг тақсимот ва айирбошлаш сифатида талқин этилиши.
2. “Расмийлашув даври” (“Formalizing the Field”) (1920-1950)	Маркетингнинг умумтан олинган тамойилларининг ишлаб чиқилиши, ушбу соҳага оид институционал тузилмаларнинг пайдо бўлиши (Америка маркетинг ассоциацияси (AMA)), турли конференциялар ўтказилиши, нашрлар чоп этилиши (*Journal of Retailing and Journal of Marketing*)
3. “Парадигмалар ўзгариши - маркетинг, менежмент ва фанлараро уйғунлик ва тафовут” (“A Paradigm Shift – Marketing, Management, and the Sciences”) (1950-1980 йиллар)	АҚШда саноат тараққиётининг юксалиши, маркетингнинг илмий ғоя сифатида талқин этилиши, маркетинг бошқарув, хулқ-атвор ва миқдорий ёндашувга асосланган замонавий, келажак фанига айланиши ва маркетинг ғояларининг яхлит тизимга келтирилиши

9.3-жадвалнинг давоми

4. Ўзгаришларнинг кучайиши “Асосий оқимларнинг вужудга келиши (“The Shift Intensifies –A Fragmentation of the Mainstream”) (1980 йилдан бугунги кунга қадар)	Ишбилармонлик муҳитида маркетинг асосида ечимини топиши мумкин бўлган фаолият йўналишлари миқёсининг кенгайиши, иқтисодий фанлардаги тараққиётнинг глобаллашув ва реинжиниринг асосида маркетинг фалсафаси ҳақидаги зиддиятларни кучайтириб юбориши, маркетинг ҳақидаги билимларнинг манфаатлар соҳасига қараб йўналтирила бошланиши

Маркетинг соҳасидаги адабиётларда асосан маркетингнинг тўртта мақсади келтирилади. Булар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Мумкин бўлган максимал юқори истеъмолга эришиш.
2. Истеъмолчиларнинг талабини максимал қондирилишига эришиш.
3. Истеъмолчиларга кенг ассортиментдаги товарларни танлашига имконият яратиш.
4. Аҳоли турмуш даражаси сифатини ошириш.

Мумкин бўлган максимал юқори истеъмолга эришиш. Кўпчилик раҳбарлар маркетингнинг – ишлаб чиқаришнинг максимал ўсиши ва корхонанинг бойишида асосий омил юқори истеъмолга эришини рағбатлантиришда деб биладилар. Бу фикрни бошқача ифодаласак, одамлар қанча кўп сотиб олса ва қанча кўп истеъмол қилишса, шунча бахтли бўладилар деган маънони англатади. Лекин, баъзи бир кишилар моддий бойликлар масаласининг ортиши катта бахтга эришишдан далолатдир деган фикрга шубҳа билан қарайдилар. Демак, маркетингнинг мақсади фақат мумкин бўлган максимал истеъмолга эришишдангина иборат эмас экан.

Истеъмолчиларнинг талабининг максимал қондирилишига эришиш. Бу нуқтаи назарга мувофиқ маркетинг тизимининг асосий мақсади мумкин бўлган максимал юқори истеъмолга эришиш эмас, балки истеъмолчиларнинг талабини максимал қондиришдан иборатдир. Бу дегани товар массаси истеъмоли кўп бўлсада, у бирон-бир аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Уларнинг аҳамиятлилиги, товар массасининг кўплиги билан эмас, балки бу

товар массаларнинг қанчалик даражада истеъмолчиларнинг талабини қондира олиши билан ўлчанади. Афсуски, истеъмолларнинг талабини қондира олиши билан ўлчанади. Афсуски, истеъмолчиларнинг талабининг қондирилиш даражасини ўрганиш то ҳозирги кунгача муаммолигача қолмоқда.

Истеъмолчиларга кенг ассортиментдаги товарларни танлашга имконият яратиш. Баъзи бир бозор мутахассислари маркетинг тизимининг асосий мақсади товарлар хилма-хиллиги максимал таъминлаш ва истеъмолчиларнинг кенг ассортиментдаги товарларни танлашига имконият яратишдан иборатдир деб ҳисоблайдилар. Тизимнинг мақсади исъмолчининг талабига тўлиқ мос келадиган товарни топишига ёрдам беришдан иборат бўлиши керак.

Аҳоли турмуш даражаси сифатини ошириш. Кўпчилик мутахассислар маркетинг тизимининг асосий мақсади аҳоли "турмуш даражасининг сифати" ни яхшилашдан иборат деб биладилар. Бу тушунча қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Товарларнинг сифати, миқдори, ассортименти, нархи.
2. Меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси.
3. Маданий муҳитнинг сифати ва бошқалар.

Маркетингнинг асосий мақсади, унинг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланишнинг объектив сабаблари, зарурати билан белгиланади. Юқорида қайд қилинганидек, маркетинг энг аввало товарлар тўпланиб, сотилмай қолган ва иқтисодиёт инқирози кучайган шароитда, уни шу инқироздан чиқариш қуроли сифатида ихтиро қилинган, яратилгандир. У ишлаб чиқаришни харидор эҳтиёжига мослаштириб, талаб ва таклифни мувозанатига эришган ҳолда, уни ташкил этган корхона ташкилотларга юқори фойда келтиришдир. Бунга эришиш учун маркетинг қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этмоғи лозим:

- харидорлар (истеъмолчилар) эҳтиёжини ўрганиш ва аниқлаш,
- товарларга бўлган ички ва ташқи талабларни ўрганиш,
- корхонанинг фаолиятини харидорлар эҳтиёжига мослаштириш,

• аввало талаб ва таклиф тўғрисида олинган маълумотлар асосида бозорни ўрганиш,

• товарлар рекламасини ташкил этиш, харидорларни товарларни сотиб олишга қизиқишини ортириш,

• товар яратувчи ёки уни сотувчи корхона тадқиқотларини амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш,

• товарни бозорга чиқаришдаги барча хизмат тўғрисида маълумотлар олиш,

• тўлдирувчи товарлар ва ўрнини босувчи товарлар тўғрисида ахборотлар йиғиш,

• товарларга бўлган талабни истиқболлаш, уларни амалга оширишни назорат қилишдан иборатдир.

Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ҳар хил босқичларида унинг йўналишини белгилайдиган қарашлар тизими, яъни концепциялари бўлиши зарур. Шу билан бирга маркетинг концепцияси деганда корхонанинг, ташкилотнинг ёки кишининг истеъмолчиларга мўлжалланган, интеграцияланган мақсадли фалсафаси тушунилади.

Маркетинг концепцияларининг ривожланиши ва унинг илмий адабиётларда таснифланиши қуйидаги 9.4-жадвалда келтирилган.

9.4-жадвал

Маркетинг концепцияларининг илмий адабиётларда таснифланиши

Концепция номи	Тарифи	Илмий адабиётлар
1. Маркетингни бошқариш концепцияси		
1. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш	Истеъмолчилар кенг тарқалган ва нарх бўйича қулай бўлган товарларни афзал билишади. маркетингни бошқариш ишлаб чиқаришни, сотиш шакл ва усулларини такомиллаштиришга қаратилиши лозим	Marketing management/ Philip Kotler, Kevin Lane Keller.— 14th ed. Pearson Education, Inc. 2012 y – 657 pages.-18 bet

9.4-жадвалнинг давоми

2. Товарни такомиллаштириш концепцияси	Истеъмолчилар сифатли ва доимий такомиллашиб, яхшиланиб борадиган товарларни афзал билишади, шунга мувофиқ маркетингни бошқариш энг аввало товар ва хизматларнинг сифатини такомиллаштиришга қаратилмоғи лозим	
3. Тижорат фаолиятини жадаллаштириш концепцияси	Истеъмолчилар товарларни силжитиш билан боғлиқ махсус тадбирлар ва рағбатлантириш чоралари қўлланилмаса харид тўғрисида қарор қабул қилишда фаол бўлмайди	
2. Маркетинг бошқаруви концепцияси		
4. Маркетинг концепцияси	Маркетинг бошқаруви фалсафаси, компанияларнинг эришган мақсади мақсадли бозор талаби ва истеъмолчилар эҳтиёжини аниқлаш натижаси бўлиб, рақиб компанияларга нисбатан қанчалик самарали эканлигини кўзда тутади. Мазкур концепция мақсадли бозор, истеъмолчилар зарурати, интеграциялашган маркетинг ва рентабелликни ўз ичига олади. Интеграциялашган маркетинг – икки томонлама тизим, ташқи маркетинг – мижоз нуқтаи назаридан барча маркетинг функцияларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Ички маркетинг эса ходимлар нуқтаи назаридан	Peter Drucker. Management: tasks, responsibilities, practice. New York. Harper & Row 1973, p. 64-65

9.4-жадвалнинг давоми

	компаниянинг барча бўлимлари мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Ички маркетинг ҳар доим ташқи маркетингдан олдин қўлланилиши лозим.	
5.Ижтимоий-ахлоқий маркетинг концепцияси	Компаниянинг маркетинг фаолияти узоқ муддатли келажакда сотиш тизимини бешта муҳим тамойил: маркетинг, истеъмолчига йўналтирилганлик, инновацион маркетинг, товарнинг истеъмол афзалликлари маркетинги, компания миссиясини англаш асосида маркетингни ташкил қилиш, ижтимоий-ахлоқий маркетинг. Бу истеъмолни рақибларга нисбатан самарали қондириш ва жамият, истеъмолчилар фаровонлигига зиён етказмасликни англатади	Marketing management/ Philip Kotler, Kevin Lane Keller.— 14th ed. Pearson Education, Inc. 2012 y – 657 pages.-18 bet
6. Маркетинг бошқаруви концепцияси	Маркетинг бошқаруви ҳеч бўлмаганда томонлардан бири бошқа томоннинг нафли жавобига эришиши учун зарур воситаларни ишлаб чиқади ва қўллайди. “Маркетинг бошқаруви – айирбошлаш мақсадида турли индивидларнинг товар ва хизматлар, ғояларни тақсимлаш ва силжитиш, нархлаштиришдир” (Америка Маркетинг Ассоциацияси)	Marketing management/ Philip Kotler, Kevin Lane Keller.— 14th ed. Pearson Education, Inc. 2012 y – 657 pages.-18 bet
7. Стратегик маркетинг концепцияси	Стратегик ва операцион маркетинг ўртасидаги тафовутни аниқлашга асосланган. Стратегик маркетинг – бу барқарор рақобат афзаллигини таъминлаш ва муайян	Ламбен Жан-Жак. Стратегический маркетинг. Европейская перспектива. Санкт-

9.4-жадвалнинг давоми

	истеъмолчилар гуруҳи учун рақиб товарлардан фарқ қилувчи ўзига хос ва мукаммал товарлар яратиш ва ишлаб чиқаришни кўзда тутган ҳолда бозор талабини узлуксиз ва тизимли равишда тадқиқ қилишдир. Бунда эҳтиёжлар, макро-микросегментлаш, рақобатбардошлик таҳлили, маҳсулот портфели ва рақобат стратегиясини ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Операцион маркетинг – бу танланган маркетинг стратегиясини амалга ошириш, маркетинг комплекси режасини ишлаб чиқишдир	Петербург, Наука, 1996, с. 1Х
8. Муносабатлар маркетинги концепцияси	Маркетингни бошқариш истеъмолчилар ёки бошқа манфаатдор томонлар (таъминотчилар, алоқа аудиториялари, воситачилар ва шу кабилар) билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш ва кенгайтириш, келгусида истеъмолчилар билан битимлар тузилиш ва такрорий харидлар эҳтимолини янада оширишдир. Ушбу концепцияга тескари концепция — трансакцион маркетинг бўлиб, корхоналар янги истеъмолчилар билан бир маротабалик битимлар сонини оширишга қаратилган	Marketing management/ Philip Kotler, Kevin Lane Keller.— 14th ed. Pearson Education, Inc. 2012 y – 657 pages.-18 bet
9. Макси-маркетинг концепцияси	Маркетингни бошқариш савдо айланмаси ва фойдани потенциал мижозлар ва истеъмолчиларни самарали танлаш асосида энг максимум даражага етказишдир. Бунда иккита босқич – юқори	Стен Репп, Томас Л. Коллинз. Новый макси-маркетинг, Челябинск, Урал ЛТД, 1997, с. 19-20

9.4-жадвалнинг давоми

	синергизм (икки босқичли тарғибот ва реклама) ва самарали тақсимот (янги тақсимот каналларидан фойдаланиш)	
10. Рақобат концепцияси	Корпорацияларнинг асосий мақсади фирамлар, ҳамкорлар ва акциядорларнинг истеъмолчилар талабини қондира оладиган рақобатбардош товар яратиш ва шу асосда фойдага эришиш ҳисобланади. Рақобатбардошлик маркетинг концепциясининг ҳаракатга келтирувчи асосий кучи сифатида майдонга чиқади. Рақобат муҳитида маркетинг қарорларини қабул қилиш рақобатлашувнинг оқилоналиги деб қабул қилинади	П. Диксон. Управление маркетингом. М., Бином, 1998, с. 24
11. Мега-маркетинг концепцияси	Бозорга чиқиш ёки маълум бозорларда фаолият олиб бориш мақсадида сиёсатчилар ва сиёсий партиялар билан иқтисодий, психологик ва жамоатчилик муносабатларини ўрнатиш ва мувофиқлаштириш	Ф. Котлер. Маркетинг менеджмент. Санкт-Петербург, Питер, 1998, с. 350

XX асрни охири ва XXI аср бошларида маркетингнинг замонавий концепциялари шаклланди. Маркетингнинг замонавий концепцияларидан бири рақамли маркетинг концепцияси ҳисобланади.

Рақамли маркетинг атамаси биринчи марта 1990 йилларда ишлатила бошлаган. Унинг ривожланиши 1981 йилда биринчи шахсий компьютер IBMнинг ишга тушурилиши билан бевосита боғлиқ. Рақамли аср Интернет пайдо бўлиши ва Web 1.0 платформасининг ривожланиши рақамли маркетингни жадал ривожланишига замин яратди. Web 1.0 платформаси фойдаланувчиларга керакли маълумотни топишга имкон берди, аммо бу маълумотни интернет орқали баҳам кўришга имкон бермади. Ўша даврда бутун дунё бўйлаб сотувчилар рақамли платформаларга

бўлган ишонч деярли мавжуд эмас эди. Чунки ўша вақтда Интернет бу даражада кенг тарқалиб ривожланишини тасаввур қилишмаган.

Рақамли маркетинг - бу рақамли ахборот-коммуникация технологиялари ва электрон қурилмалардан фойдаланган ҳолда мижозлар ва бизнес шерикларини жалб қиладиган маркетинг. Кенг маънода рақамли маркетинг деганда рақамли ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда маркетинг фаолиятини амалга ошириш тушунилади[135].

1993 йилда биринчи босиладиган баннер жонли эфирга узатилди ва шундан сўнг HotWired реклама учун бир нечта баннер реклама сотиб олди. Бу маркетингнинг рақамли даврига ўтишни бошлади. Ушбу босқичма-босқич силжиш туфайли 1994 йилда рақамли бозорга янги технологиялар кириб келди. Худди шу йили Yahoo ишга туширилди.

Yahoo асосчиси Жерри Янг "Жерининг Бутунжаҳон тармоғидаги қўлланма" номи билан ҳам танилган. Yahoo биринчи йил ичида 1 миллионга яқин хитга эга бўлган. Бу эса рақамли маркетингда катта ўзгаришларни талаб қилди ва компаниялар ўз веб-сайтларини юқори қидирув тизимлари рейтингларини кўтариш учун оптималлаштиришди . 1996 йилда HotBot, LoocSmart ва Alexa каби бир нечта қидирув тизимлари ва воситалари ишга туширилди[136].

Larri Peyj ва Sergey Brin томонидан1998 йилда Google яратилди. Micrasoft MSN қидирув тизимини ишга туширди ва Yahoo бозорга Yahoo веб-қидирувини олиб келди. Рақамли маркетинг учун 2006 йилда биринчи кескин ўсиш содир бўлди, чунки қидирув тизимининг трафиги бир ой ичида тахминан 6,4 млрдга етди. Micrasoft MSN Google ва Yahoo билан рақобатлашиш учун Live Search ни ишга туширди.

Кейинчалик Веб 2.0 пайдо бўлиши ва фойдаланувчиларнинг у ерда фаол иштирокчиларга айланиши, бошқа фойдаланувчилар ва корхоналар билан ўзаро алоқада бўлишга имконият яратди. Интернетда "супер ахборот автомагистрали" каби ёрлиқлар

---

[135] Данько Т. П., Китова О. В. Вопросы развития цифрового маркетинга // Проблемы современной экономики. — 2013. — № 3 (47). — С. 261–265.

[136]https://www.simplilearn.com/history-and-evolution-of-digital-marketing-article#:~:text=The%20term%20Digital%20Marketing%20was,this%20information%20over%20the%20web.

қўлланила бошланди. Натижада, рақамли сотувчилар фойдаланадиган каналларни ўз ичига олган ахборот оқими ҳажми кўпайди ва 2004 йилга келиб, фақат АҚШда интернет-реклама ва маркетинг тахминан 2,9 миллиард доллар даромад келтирди.

Орадан кўп вақт ўтмай рақамли маркетинг ривожланишининг янги даври ижтимоий тармоқ сайтлари пайдо бўлиши билан бошланди. MySpase биринчи бўлиб ижтимоий тармоқ сайтига айланди, ундан кейин facebook. Кўпгина компаниялар пайдо бўлган ушбу янги сайтларнинг барчасини ўз маҳсулотларини ва товар белгиларини сотиш учун янги имкониятлар эшигини очишни бошлаганини англадилар. Ижтимоий тармоқларнинг яратилиши бизнес учун янги йўлларни очди ва бизнесда янги даврни бошлаб берди. Янги манбалар билан улар ўзларининг брендларини тарғиб қилиш ва ижтимоий тармоқ платформасида капитализация қилиш учун янги ёндашувларни келтириб чиқарди.

Cookie-файлларни яратилиши рақамли маркетинг соҳасидаги яна бир муҳим воқеа ҳисобланади. Реклама берувчилар янги пайдо бўлган технологиялардан фойдаланишнинг бошқа усулларини излай бошладилар. Бундай усуллардан бири Интернетда тез-тез фойдаланувчиларнинг одатий кўриш одатларини ва улардан фойдаланиш тартибларини кузатиб бориш, уларнинг реклама ва реклама гаровларини уларнинг дидларига мослаштиришдир. Биринчи cookie-файллар фойдаланувчиларнинг одатларини ёзиб олиш учун мўлжалланган. Cookie-файллардан фойдаланиш йиллар давомида ўзгарди ва бугунги кунда cookie-файллар сотувчиларга том маънода фойдаланувчи маълумотларини тўплашнинг турли усулларини таклиф қилиш учун кодланган.

Рақамли равишда сотиладиган маҳсулотлар харидорларга ҳар доим тақдим этила бошлади. Marketingtechblog томонидан 2014 йил учун тўпланган статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий тармоқларда хабар юбориш АҚШдаги энг яхши онлайн фаолиятлардан бири ҳисобланади. Ўртача америкалик кунига 37 дақиқасини ижтимоий тармоқларда ўтказади. Рақамли рекламаларнинг 99% Facebookда, 97% Twitterда, 69% Pinterestда ва 59% Instagramда бозорга чиқаришади. B2C рекламаларнинг 70% Facebook орқали мижозлар сотиб олган. Twitter фойдаланувчиларининг 67% Twitterда кузатадиган брендлардан сотиб олиш

эҳтимоли кўпроқ. Нуфузли брендларнинг 83.8% Pinterestда мавжуд. Биргина рекламалар томонидан ишлатиладиган энг яхши ижтимоий тармоқ сайтларидан бири Facebookнинг 2020 йилги молиявий ҳисоботини кўришимиз мумкин. Компаниянинг умумий даромади 85,96 миллиард долларни ташкил қилди, унинг асосий қисми рекламадан олинган даромадга тўғри келмоқда. Бу еса 2019 йилга нисбатан 21% га кўпроқ деганидир[137] (9.5-жадвал).

9.5-жадвал

Facebookнинг 2007-2020 йиллардаги йиллик даромадлари

Йиллар	Йиллик даромад (млн.дол.)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш %	Йиллик соф фойда (млн.дол.)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш %
2007	153		-138	
2008	272	177,8	-56	40,6
2009	777	285,7	122	-217,9
2010	1,974	0,3	372	304,9
2011	3,711	188,0	668	179,6
2012	5,089	137,1	32	4,8
2013	7,872	154,7	1,491	4,7
2014	12,466	158,4	2,925	196,2
2015	17,928	143,8	3,669	125,4
2016	27,638	154,2	10,188	277,7
2017	40,653	147,1	15,92	156,3
2018	55,838	137,4	22,111	138,9
2019	70,697	126,6	18,485	83,6
2020	85,965	121,6	29,146	157,7

Манба: www.macrotrends.net

Шу билан бирга, компаниянинг соф фойдаси 58% га ўсиб, 29,15 миллиард долларни ташкил этди. Ўтган йил мобайнида Facebook фойдаланувчилари умумий ҳисобда 11% га кўпайган, кунлик фаол фойдаланувчилар еса 1,84 миллиард кишини ташкил

[137] https://www.macrotrends.net/stocks/charts/FB/facebook/financial-statements

этмоқда. Ҳозирда Facebookдан бир ойда 2,8 миллиард киши фойдаланмоқда.

Facebookнинг молиявий директори Devid Vener инвесторлар билан учрашув чоғида тўртинчи чоракда компания платформаларидаги рекламалар 25% га, битта реклама учун ўртача харажатлар эса 5% га ошганини эълон қилган.

Facebook пандемия даврида пайдо бўлган иккита иқтисодий тенденциядан фойда кўрган. Биринчиси, онлайн тижоратга ўтиш бўлса, иккинчиси истеъмолчилар талабининг товарлар ва хизматларга нисбатан ўзгариши бўлган.

9.2. Пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари

Рақамли иқтисодиётда рақамлаштириш, рақамли технологиялардан фойдаланиш, хусусан рақамли истеъмолчи, рақамли сотувчи, рақамли товар, рақамли маркетинг, Интернет маркетинг, ижтимоий тармоқлар маркетингни ўрганиш, уларни такомиллаштириш ва хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига жорий этиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки дунё аҳолисининг ярмидан кўпи доимий равишда интернетдан хусусан, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб келишмоқда.

We Are Social халқаро агентлиги мутахассислари ижтимоий тармоқларнинг ойлик аудиторияси тўрт миллиард фойдаланувчига кўпайганлигини ҳисоблаб чиқишди. Бу дунё аҳолисининг 53 фоизида Интернет-профил мавжудлигини англатади, дейилмоқда Digital2020 томонидан эълон қилинган октябрь ойи ҳисоботида. Тадқиқот натижаларига кўра, ўтган йилнинг ўзида фойдаланувчилар сафига яна 450 миллион киши қўшилган[138].

Одамлар ҳар куни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз эҳтиёжларини қондиришмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, яқин келажакда анъанавий маркетингнинг ўрнини рақамли бозор, рақамли маркетинг бутунлай эгаллайди. Чунки рақамли маркетингда бир қатор афзалликлар мавжуд. Анъанавий

[138] https://xs.uz/uz/post/dunyo-bojlab-izhtimoij-tarmoqlardan-fojdalanuvchilar-soni-qancha

маркетингга қараганда, рақамли маркетингда минимал харажатлар эвазига максимал фойдага эришиш имкониятлари жуда кенг.

Технологик ютуқлар натижасида анъанавий маркетинг агентликлари ва бўлимлари мижозлар базаси сезиларли даражада эскирди. Одамлар планшетлар, телефонлар ва компьютерларга ўтдилар, бу эса рақамли маркетингни жадал ривожланишига замин яратди.

Пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетинг ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар хусусан, рақамли маркетинг технологияларини ўрганиш, фойдаланиш ва такомиллаштириш ҳамда уларни хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятига жорий қилиш стратегик аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрь куни “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони[139] қабул қилиниши рақамли иқтисодиёт, ҳусусан рақамли маркетингни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди.

«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан рақамли маркетинг технологияларини хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига жорий қилиш орқали савдо ҳажмини ошириш, халқаро бозорга чиқиш, миллий брендларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш, бизнес субъектларида соғлом рақобат муҳитини яратиш, истеъмолчилар эҳтиёжларини максимал даражада самаралироқ қондириш, истеъмолчиларга товар ва хизматларни силжитишдаги харажатларни тежаш ва маҳсулот нархини камайтириш, ишлаб чиқариш ва тақсимот жараёнидаги логистик занжирни оптималлаштириш ва моделлаштириш ҳамда уларни механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Шунингдек, Стратегия Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ

[139] https://lex.uz/docs/5030957

муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Президентининг 2018 йилнинг 3 июлида “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда рақамли иқтисодиётга ўтишнинг аниқ йўналишлари белгилаб берилди. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорликда 2018-2020 йилларда “блокчейн” технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқди. Шундай қилиб, бугунги кунда ҳамма соҳаларда рақамли технологиялар шиддат билан ривожланиб бормоқда.

Бугунги кунда дунёда кўплаб компаниялар рақамли маркетингдан кенг фойдаланиб келмоқда. Хусусан, Apple, Microsoft, Amazon, Google, Alibaba Group, Twitter, Facebook, Johnson & Johnson, Instagram, You Tube, Feberlic, Oriflame ва бошқа компанияларни мисол келтиришимиз мумкин. Рақамли маркетингни жадал ривожланишини биргина интернет орқали хизмат кўрсатувчи Амазон компанияси мисолида кўришимиз мумкин (9.6-жадвал).

Унинг йиллик даромади ўтган йилга нисбатан 37,62% ўсиб, 386,064 миллиардга етди ва соф фойдаси ўтган йилга нисбатан 84,08% га кўтарилиб, 21,331 миллиардни ташкил қилди.

Рақамли оммавий ахборот воситаларининг жадал ривожланиши маркетинг ва реклама учун янги имкониятлар яратди. Рақамли каналларга эга мобил қурилмалардан кенг фойдаланиш рақамли маркетингнинг экспонент ўсишига олиб келди. Ҳозирги вақтда "рақамли маркетинг" атамаси кўплаб мамлакатларда катта қизиқиш уйғотди. АҚШда "рақамли маркетинг", Италияда "веб-маркетинг", Францияда "веб-маркетинг" ёки "рақамли маркетинг", Буюк Британия, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатларда "рақамли маркетинг" атамаси кенг қўлланилади.

9.6-жадвал

Amazonнинг 2016-2020 йиллардаги молиявий кўрсаткичлари

Йил-лар	Йиллик даромад (млн. дол.)	Ўтган йилга нис-батан ўсиш %	Йиллик тадқиқот ва ривожлан-тириш харажатлари (млн. дол.)	Ўтган йилга нисба-тан ўсиш %	Йил-лик соф фойда (млн. дол.)	Ўтган йилга нис-батан ўсиш %
2016	135,987		16,085		2,371	
2017	177,866	130,80	22,62	140,63	3,033	127,92
2018	232,887	130,93	28,837	127,48	10,073	332,11
2019	280,522	120,45	35,931	124,60	11,588	115,04
2020	386,064	137,62	42,74	118,95	21,331	184,08

Манба: https://www.macrotrends.net/stocks/charts/AMZN/amazon/financial-statements

Рақамли маркетинг – бу компанияни тарғиб қилиш ва истеъмолчиларни жалб қилиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни назарда тутади. Ушбу турдаги маркетинг радио, мобил технологиялар, телевидения интернет муҳитида қўлланилади. Рақамли маркетинг нафақат интернетдан, балки маркетингнинг бошқа турларидан ҳам комплекс фойдаланадиган маркетингдир[140].

Рақамли маркетинг – потенциал истеъмолчиларни жалб қилиш ва уларни мижоз сифатида сақлаб қолиш учун рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда товар ва хизматларни силжитишда мақсадли ва интерактив маркетингдан фойдаланиладиган умумий тушунча ҳисобланади. Рақамли маркетингнинг асосий вазифалари брендни тарғиб қилиш ва сотишни турли йўллар билан оширишдир. Рақамли маркетинг товарларни, хизматларни ва брендларни реклама қилиш учун маркетинг тактикасининг катта танловини ўз ичига олади.

[140]Digital-маркетинг: что это такое? / А. С. Селиверстов, Д. Е. Митрофанов, А. А. Буцкая [и др.]. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2017. — № 6 (140). — С. 289-291. — URL: https://moluch.ru/archive/140/39450/

Пандемия даврида рақамлаштириш, рақамли технологиялардан фойдаланиш, жумладан рақамли маркетингни хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятида қўллаш жуда тез ўсиш суръатларига эришди. Пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни ривожлантиришнинг қуйидаги стратегик йўналишларини (9.1-расм) ўрганиш ва уларни такомиллаштириш зарур. Бунинг учун уларни мазмун моҳиятини билиш, функция ва вазифаларини тўғри белгилаш ҳамда қўлланилиш соҳаларини аниқлаб олиш лозим.



9.1-расм. Рақамли маркетингнинг стратегик йўналишлари.

Ушбу расмни талқинига эътибор қаратсак, қидирув тизимини оптималлаштириш (SEO), ижтимоий тармоқ маркетинги (SMM), қидирув маркетинги (SEM), электрон тижорат маркетинги (e-commerce marketing), электрон почта маркетинги (e-mail marketing), Click бошига тўлов реклама (PPC), вирусли маркетинг (viral marketing), мобил маркетинг (Mobile marketing) каби стратегик йўналишларни кўришимиз мумкин.

Қуйидаги жадвалда эса рақамли маркетингни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари асосий мазмуни акс этган.

9.7-жадвал

Пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари

Стратегик йўналишлар	Мазмуни
Қидирув тизимини оптималлаштириш (SEO)	Фойдаланувчиларга интернетда қидираётган ахборотларни юқори натижаларини тақдим этадиган технология
Ижтимоий тармоқ маркетинги (SMM)	Турли ижтимоий тармоқлар орқали маркетингни функция ва вазифаларини амалга оширишни
Қидирув маркетинги (SEM)	Қидирув механизмлари ёрдамида мақсадли аудитория томонидан сайтга ташриф буюришни оширишга қаратилган тадбирлар мажмуи
Электрон тижорат маркетинги (e-commerce marketing)	Товар ва хизматларни интернет орқали сотиш
Электрон почта маркетинги (e-mail marketing)	Истеъмолчиларга бевосита Электрон почта орқали маркетинг тактикаларини қўллаш
Pay-peer-click PPC	Ҳар бир click эвазига даромад келтирувчи рақамли реклама модели
Вирусли маркетинг (Viral marketing)	Қандайдир бепул, шу билан бир вақтда талабга эга бўлган ахборот (товар ва хизматлар) ни тарқатиш
Мобил маркетинг	Мобил қурилмалар орқали корхона ва мижозлар ўртасидаги икки томонлама алоқа маркетинги

Қуйида юқоридаги стратегик йўналишларни айримларини батафсил кўриб чиқамиз.

Қидирув тизимини оптималлаштириш (SEO)

SEO инглиз тилида Search Engine Optimization – қидирув тизимини оптималлаштириш маъносини англатади. У тармоқ

трафигини (ахборот ресурслари учун) ва потенциал мижозларни (тижорат ресурслари учун) ошириш ва кейинчалик даромад олиш учун фойдаланувчиларнинг муайян сўровлари бўйича қидирув тизимларининг натижаларида сайт позицияларини ошириш учун ички ва ташқи оптималлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимидан фойдаланади. SEO турли хил қидирувларга, жумладан, ахборот, товарлар, хизматлар, тасвирлар, видеолар, янгиликлар ва ўзига хос саноат қидирув тизимларига йўналтирилган бўлиши мумкин.

Одатда, қидирув натижаларида сайтнинг позицияси қанчалик баланд бўлса, унда кўпроқ қизиққан меҳмонлар қидириш механизмларидан ўтади. Қидирув механизмини оптималлаштириш самарадорлигини таҳлил қилишда мақсадли ташрифчининг қиймати сайтнинг белгиланган лавозимларга чиқиш вақтини ва сайтнинг конвертациясини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

Қидирув тизимининг чиқарилишидаги сайтнинг ҳолатига таъсир қилувчи барча омиллар 2 қисмга бўлинади. Улар:

1. Ички оптималлаштириш.
2. Ташқи оптималлаштириш.

1. Ички оптималлаштириш (фақат сайтнинг ички тизимига тааллуқли) сайт сифатини, ташриф буюрувчига келтирадиган фойдаларни яхшилашга қаратилган вазифаларни ўз ичига олади. Бунга лойиҳа тузилмасида ишлаш, контент идрокини енгиллаштириш ва тўғридан-тўғри ушбу контентнинг сифати ҳақида маълумот бериш мумкин. Қидирув тизимини оптималлаштиришга қаратилган функционал ёндашув, муайян омилларни уларнинг мақсадли қадриятларига мослаштиришга қаратилган бўлиб, қидирув тизимларининг алгоритмлари мураккаблиги сабабли ўтмишга айланди ва ўнлаб омилларнинг "мувозанатлашуви" қиймати дастлабки сифатли ресурсни яратиш қийматидан бир неча баробар кўпдир.

Ички қидирув тизимини оптималлаштириш усуллари қуйдагиларни ташкил қилади:

- сифатли контент ёзиш;
- сайт тезлигини ошириш;
- мобил қурилмалар учун мослаштириш;
- HTML, CSS -текшириш;

- сизга керак бўлган калит сўзлар ва рақобатчиларни ўрганиш;
- тўғри сайт тузилишини яратиш;
- H1, Титле ва мета тегларини оптималлаштириш;
- ички уланиш.

2. Ташқи оптималлаштириш сайтнинг ташқи веб-ресурслари, шунингдек, *таклиф матнидан қатъи назар, уларнинг ишончлилиги ҳамда* котировка матнига қараб, *сайтнинг аҳамиятини белгилайди.*

Ташқи қидирув тизимини оптималлаштириш усуллари эса қуйидагиларни ташкил қилади:

- мустақил каталогларда рўйхатдан ўтиш;
- Яндех каби қидирув тизимларининг каталогларида рўйхатдан ўтиш;
- алоқа алмашинуви;
- хизматларда рўйхатдан ўтиш;
- мақолалар жойлаштириш ("меҳмон постлари", оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, инфоповодлар);
- ижтимоий тармоқлар;
- матбуот хабарлари;
- блогларни яратиш ва бошқариш;
- қидирув натижаларида зикр ва ҳаволалар сонини кўпайтириш учун фойдаланиладиган сайтлар тармоғини яратиш.

Веб-сайтларни оптималлаштириш бўйича иш олиб борадиган шахсга *оптимизатор* ёки *SEO мутахассиси* (*сеошник) дейилади.* Оптимизаторларнинг ишини осонлаштирадиган ва сайт эгаларига уларни мустақил равишда тарғиб қилиш имкониятини берувчи турли хил SEO хизматлари мавжуд (SEO-аудитларини ўтказиш, калит сўзларни танлаш, ҳаволаларни сотиб олиш, мос ёзувлар донорларининг сифатини текшириш).

Сайт рейтингини пасайтирадиган омиллар қуйидагилардир:

- ноёб бўлмаган контент (мақолалар, янгиликлар ва бошқалар);
- қидирув моторлар спам сифатида кўриш технологияси;
- мос ёзувлар массасининг ғайритабиий ўсиши натижасида (агар ҳаволалар сифатли ёки мавзули бўлмаса) ортиқча ташқи алоқалар сони);
- қизиқишларни алдаш;

• кўп сонли чиқувчи ҳаволалар;
• нотўғри тартиб;
• қаттиқ" зерикарли " код;
• саҳифанинг катта вазни (HTML коди, расмлар, ЖС-скриптлар, CSS-услублар ва бошқалар);
• нотўғри сервер жавоб;
• сайтдаги вируслар ва бошқалар.

Бундан ташқари, баъзи қидирув тизимлари (шу жумладан Google) мобил версияси (алоҳида ёки мослашувчан) бўлмаса, сайт рейтингини пасайтиради.

Бугунги кунда SEO машҳурликни таъминлайдиган ҳар қандай рақамли компания муҳим таркибий қисмига айланди. Уни яқин 10 йил ичида маркетинг воситаси сифатида фойдалилиги исботланган. Бундан ташқари, жамоатчилик билан алоқалар билан биргаликда фойдаланиш мумкин. SEO статистикалари ҳозирги кунда жуда кўплаб компанияларга фойда келтирмоқда.

Айниқса, пандемия ва пандемиядан кейинги шароитда SEO га истеъмолчилар томонидан мурожаатлар ортиб бормоқда. Шундай қилиб, бу компаниялар учун тобора кенгайиб бораётган рақамли бозорни қўлга киритиш учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган SEO қулайликларини ҳисобга олган ҳолда, корхоналарнинг маркетингни ривожлантириш учун ушбу амалиётни татбиқ этиши мумкин. Компаниянинг онлайн мавжудлигини яхшилашда SEO самарадорлиги ҳақидаги диққатга сазовор фактлар орасида трафик улушининг кўпайиши ва Google рейтингининг яхшиланиши киради. Компаниялар шунингдек, энг яхши SEO дастурий таъминотининг афзалликларидан фойдаланишлари мумкин. Қуйида биз ушбу ўзгаришларни акс эттирувчи энг машҳур SEO статистикасини кўриб чиқамиз.

• АҚШ даги 118 миллиондан ортиқ фойдаланувчи овозли ёрдамчидан камида ойига бир марта 2019 йилда фойдаланиши режалаштирилган. (EMarketer, 2019)

• Яқинда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, смартфон фойдаланувчиларининг ярмидан кўпи овозли қидириш технологиясидан фойдаланади ва у билан шуғулланади. (Comscore, 2020)

• Ҳар ҳафта тахминан 21% одамлар овозли қидирувдан фойдаланмоқдалар. (Search Engine Watch, 2019)

• Google Searchда биринчи органик қидирув натижасининг ўртача босиш даражаси тахминан 28,5% ни ташкил этади (Search Engine Journal, 2020)

• Электрон тижорат сессияларининг 65 % га яқини қидирув трафиги орқали яратилган. (Statista, 2020)

• Жами электрон тижорат сеансларининг 33% органик қидирув трафиги орқали амалга оширилди. (Statista, 2020)

• Уяли алоқа фойдаланувчилари бутун дунё бўйлаб веб-трафикнинг тахминан ярмини ташкил қилади. (Statista, 2020)

9.8-жадвал

Қидирув тизимларининг 2020 йилдаги бозор улуши

Қидирув тизимлари-нинг номи	**Google**	**Bing**	**Yahoo!**	**Baidu**	**Yandex**	**Бош-қалар**
Бозор улуши (%да)	88.14	6.18	2.51	0.59	0.26	2.32

Манба: StatCounter, 2020

SEO харажатлари статистикаси. SEO фойдали маркетинг технологияси бўлганлиги учун корхоналар унга сармоя киритади. 2020 йилда корпоратив SEO харажатлари 47,5 миллиард долларга етди, бу SEO машҳурлигининг далилидир. SEO га сармоя киритиш учун кўпроқ сабаблар мавжуд.

2020 йилда, ҳатто COVID-19 тарқалиши пайтида ҳам корхоналар SEO ва тегишли маҳсулотлар ва хизматларга тахминан 47,5 миллиард доллар сарфладилар. Қайта тиклаш ҳали ҳам суст бўлсада, SEO бозори 2021 йилдан 2023 йилгача 10 фоизга ўсиши кутилмоқда. Бу шуни англатадики, SEO саноатининг қиймати 2023 йилга келиб 77,6 миллиард долларга етади[141].

2019 йилда пуллик қидирув маркетингига сарфланган бизнес харажатлари 41,305 миллиард долларни ташкил этди.

[141] Business Research Company, 2020

Рекламачиларнинг 54% маркетинг компаниялари учун бюджетнинг умумий қисқариши борлигини айтишади. Маркетинг бўйича мутахассисларнинг тахминан 50% ҳам пуллик реклама қидирув бюджетларида пасайишларга дуч келишди. Қолаверса, корхоналарнинг 17% ида SEO бўйича доимий ходимлар мавжуд эмас[142].

Одатда SEO лойиҳалари ойига тахминан 750-2000 доллар туради. Бир марталик лойиҳалар ҳар қандай жойда 5000 дан 30 000 долларгача ўзгаради. Бундан ташқари, SEO бўйича маслаҳатчилар соатига 80 доллардан 200 долларгача ҳақ олишади[143].

Маҳаллий SEO статистикаси. Маҳаллий бозорларга боғлиқ бўлган корхоналар учун маҳаллий SEO ўз маҳсулотларини / хизматларини реал вақт режимида реклама қилиш орқали маҳаллий даражада сотишнинг ажойиб самарали усули ҳисобланади. Маҳаллий SEO маркетингидан "маҳаллий қидирувлар" деб номланган усул орқали фойдаланиш мумкин, улар одатда жойлашувни ёки "менга яқин" иборасини ўз ичига олади. Маҳаллий SEO натижалари сотувчиларга ҳам, потенциал харидорларга ҳам фойда келтирадиган локализация қилинган қидирув натижаларига олиб келади. Қуйида ҳозирги кунга қадар Google қидирув тизимидаги энг муҳим статистик маълумотлар келтирилган.

Маҳаллий қидирув ўтказган мижозларнинг 72% атрофида жойлашган жойидан 5 мил узоқликдаги дўконга ташриф буюриш. 86% гача Google Хариталарда бизнеснинг жойлашишини қидиради. Маҳаллий мобил қидирувларнинг 78% офлайн сотиб олишга олиб келади. Бундан ташқари, маҳаллий мобил қидирувларнинг 18% бир кун ичида сотувга айланади[144].

Рекламачиларнинг 91 фоизи шарҳлар маҳаллий рейтингларга таъсир қилади, деб айтишади. Маҳаллий рейтинг омиллари орасида яқинлик учинчи муҳим элемент ҳисобланади. 62% маркетологлар яхши SEO ўқитиш манбалари мавжудлигига ишончлари йўқ. Бундан ташқари, экспертларнинг 58,3% маҳаллий рейтингларда шарҳлар жуда муҳим эканлигини таъкидламоқда[145].

---

[142] Moz, 2019
[143] WebFX, 2021
[144] Junto, 2021
[145] Moz, 2020

Органик SEO статистикаси. Аксарият корхоналар органик SEO дан фойдаланишни афзал кўришади, чунки унинг арзонлиги ва бу атама назарда тутганидек, вақт ўтиши билан ўсиб боради ва мослашади. Органик SEO билан ишлаш орқага боғланиш, калит сўзларни оптималлаштириш ва юқори сифатли таркибни яратиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Булар сайтлар рейтингини оширишга ёрдам беради ва кейинчалик веб-сайт трафигини яхшилайди. Компаниялар, шунингдек, яхши ўлчов учун контентни бошқариш дастурий таъминотидан фойдаланишлари мумкин.

Шу билан бирга, таркибингизни оптималлаштириш жуда кўп куч сарфлашини таъкидлаш энг яхшисидир. Бу, айниқса, қидирув тизимлари бир хил алгоритмлар тўпламига узоқ вақт ёпишмасликлари сабабли. Маъноси шундаки, сиз ўзингизнинг контентингизни интернетда ажралиб туриши учун янгиликларни давом эттиришингиз керак бўлади.

Веб-сайтни янги таркиб билан янгилаш унинг органик трафигини 111,3% га ошириши мумкин. 53% дан ортиқ веб-сайт трафиги органик қидирувга тўғри келади. Google нинг АҚШдаги органик қидирувларининг тахминан 63% мобил қурилмалардир. 61% сотувчиларнинг таъкидлашича, органик мавжудликни ошириш ва SEO ни такомиллаштириш – бу маркетингнинг энг муҳим устувор йўналишлари. Рекламачиларнинг 55% блоглар таркибини яратишни асосий маркетингнинг устувор йўналиши деб билишади. Қидирув сўровларининг 50% тўрт сўздан ёки ундан узунроқ сўзлардан иборат. Маркетерларнинг 65% маҳаллий ва органик даражалар ўртасидаги яқин боғлиқликни кўрмоқдалар.

SEO ва бизнес статистикаси. SEO нинг корхоналар учун аҳамиятини кўплаб мисоллар орқали тушунтириб бериш мумкин. Масалан, бу маркетингни анча осонлаштирди ва компанияларга онлайн аудитория билан боғланишда ва янги мижозларни яратишда ёрдам берди. Бундан ташқари, бу корхонанинг веб-сайтига истиқболларни йўналтириш орқали ҳар куни юз берадиган миллионлаб Интернет-қидирувлардан фойдаланишга имкон беради. Қуйидаги статистикани ўрганиб чиқиб, маркетингни ривожлантириш учун SEO дан қандай фойдаланишни асослаш мумкин.

• Дунёда 4,6 миллиарддан ортиқ Интернет фойдаланувчилари мавжуд[146]. (Statista, 2020)

• 2020 йилда веб-трафикнинг 50% дан ортиғи планшетлардан ташқари мобил қурилмалар орқали амалга оширилади. (Statista, 2020)

• 2019 йилда фойдаланувчиларнинг 80% мобил қурилмалари орқали Интернетдан қидиришади. (Quoracreative, 2021)

• Google-да бир сонияда 63000 дан ортиқ қидирув мавжуд. Бу соатига қарийб 227 миллион ёки кунига 5,4 миллиардни ташкил этади. (Review42, 2020)

• Интернетда қидираётганлар сони тобора кўпайиб бораётганлиги сабабли, кичик бизнеснинг 20% рейтингларни ўзларининг устувор вазифалари деб билишади. (Moz, 2019)

• Камида 77% корхоналар бир ёки бир нечта SEO ходимлари борлигини айтишади. (Moz, 2020)

• Сўнгги бир неча йил ичида тахминан 53% кичик бизнес SEO стратегиясини бошлади. (Manifest, 2020)

• Бироқ, кичик бизнеснинг атиги 30 фоизида SEO веб-сайтлари рейтингини яхшилаш учун стратегия мавжуд. (Manifest, 2020)

• Компанияларнинг 62 фоизигача ўзларининг SEO стратегиясини бошқариш учун ички ходимлар мавжуд. (Manifest, 2020)

• Бинобарин, ушбу ходимларнинг тахминан 77 фоизи бошқа мажбуриятлари устига SEO стратегиялари устида ишлайди. (Manifest, 2020)

• B2B корхоналари органик қидиришдан бошқа каналларга нисбатан икки баравар кўпроқ даромад олишади. (BrightEdge, 2019)

• Чакана савдо ва электрон тижорат компаниялари SEO орқали органик қидирувдан даромадларининг 36,4 фоизини олади. (BrightEdge, 2019)

• Саёҳат ва меҳмондўстлик билан шуғулланадиган корхоналар ўз даромадларининг 40% дан ортиғини органик қидирувдан олишади. (BrightEdge, 2019)

---

[146] https://www.statista.com/statistics/820293/online-traffic-source-and-medium-e-commerce-sessions/#:~:text=This%20statistic%20presents%20the%20distribution,of%20total%20e-commerce%20session.

SEO ва маркетинг статистикаси. Бугунги кунда рақамли компаниялар юқори самарадорликка эришиш мақсадида SEO ни маркетинг стратегиялари билан бирлаштиришмоқда. Натижада мижозларни компанияга олиб боришга ишонч ҳосил қиладиган ишончли рақамли маркетинг йўналишлари пайдо бўлади. Компаниянинг сайтига кўпроқ трафикни жалб қилиш орқали SEO самарали равишда янги бизнес ва даромадларни кўпайтиради. Бундан ташқари, бу ҳар қандай ҳажмдаги ва турдаги бизнесга ўз веб-сайтларидан максимал даражада фойдаланишга ёрдам беради. Шундай қилиб, SEO ва маркетинг бўйича қуйидаги статистикаларни кўриб чиқишимиз мумкин.

- Фойдаланувчиларнинг 43 фоизи блогларни ўқиётганда секин олишларини тан олишади. (Hubspot, 2020)
- 2019 йилда фойдаланувчилар кунига 3 соат 30 дақиқа давомида ўзларининг мобил қурилмалари ёрдамида Интернетни кўришга сарфлайдилар. (Vox, 2019)
- Мутахассислар бу вақт 2021 йилда 4 соатгача ўсишини кутмоқдалар. (Vox, 2019)
- 2020 йилда компанияларнинг 86 фоизи видеони маркетинг воситаси сифатида ишлатмоқда. (Hubspot, 2021)
- Маркетинг бўйича мутахассисларнинг 93% гача видеоконтент уларнинг маркетинг стратегиясининг ажралмас қисми эканлигини таъкидламоқда. (Hubspot, 2021)
- Ушбу даъво 87 фоиз савдогарлар томонидан қўллаб-қувватланди, улар маркетинг компанияларида видеодан фойдаланиш ижобий РОИга олиб келганлигини хабар қилишди. (Hubspot, 2021)
- Маркетинг мутахассисларининг 91 фоизи пандемия видеоконтентни янада ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб таъкидламоқда. (Hubspot, 2021)
- Сайтларга ташрифларнинг 55% кўпроқ блоглари фаол бўлган компаниялар томонидан амалга оширилади. (Hubspot, 2020)
- Блог юритишни биринчи ўринга қўйган маркетинг бўйича мутахассислар ижобий РОИдан 13 баравар кўпроқ фойдаланишлари мумкин. (OptinMonster, 2021)

• B2B таркибидаги энг муваффақиятли маркетингнинг 61 фоизи ҳар куни ёки ҳафтада ўз таркиблари билан боғланади. (OptinMonster, 2021)

• Бундан ташқари, сотувчиларнинг 57% блоглар орқали янги мижозларни сотиб олганликларини хабар қилишди. (OptinMonster, 2021)

• 70% бизнес эгаларининг таъкидлашича, SEO ППС (30%) билан таққослаганда кўпроқ савдо қилади. (Databox, 2020)

• Маркетинг бўйича мутахассисларнинг 64 фоизга яқини SEO-га вақт сарфлайди ва сармоя киритади. (Hubspot, 2020)

Қидирувчиларнинг хулқ-атвори статистикаси. Таркибни муваффақиятли оптималлаштиришнинг энг яхши усули, аввало Интернет фойдаланувчилари сўровларни қандай бажаришини тушунишдир. Чунки қидирув тизимлари изловчиларга хизмат кўрсатиш ва уларга керакли маълумотларга энг қисқа вақт ичида киришда ёрдам бериш учун яратилган. Шундай қилиб бизнес вакиллари ўзини Интернет фойдаланувчилари ўрнига қўйишга ёрдам бериш учун уларнинг излаш одатларига эътибор беришлари лозим.

Пандемия пайтида фойдаланувчилар орасида қидирув қизиқишлари ўзгаради. Уйга етказиб бериш, чакана савдо, қисқа муддатли ишчи ходим, ипотека ставкасини тўхтатиш ва ҳар хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини "музлатиш" мумкин бўлган энг машҳур мавзулар. Бундан ташқари, YouTube да "мен билан бирга ўқинг" ёки "мен билан овқат пиширинг" каби "мен билан" қидирувлари кўпаймоқда[147].

Мамлакатларда карантин қоидалари аста-секин енгиллаштирар экан, фойдаланувчилар кўпроқ кўрсатмалар қидирмоқдалар. Турли мамлакатларда энг машҳур атамалардан баъзилари Голландияда "дўконлар очилган", Германияда "рухсат берилган", Польша ва Италиядаги салон, ресторан ҳамда бошқа корхоналар учун "кўрсатмалар". Худди шундай, одамлар ишлаш имкониятлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишни қидирмоқдалар. Тегишли қидирув сўзларидан баъзилари Францияда "мавсумий иш

[147] Search Engine Journal, 2020

билан таъминлаш", Италияда ва Бельгияда "иш таклифи" ва Германияда "ярим кунлик иш жойлари"[148].

Интернет фойдаланувчилари қандай қидиришларини тушунишдан ташқари, қидирув тизимларида қайси турдаги таркиб яхшироқ эканлигини билиш керак. Бошланғичлар учун муҳимроқ хабарлар биринчи натижалар саҳифасига тушиш учун яхшироқ ўқишга эга. Бундан ташқари, 15 дақиқалик видеороликларни нашр этиш компанияга кўпроқ кўришга ёрдам беради. Компаниялар ҳар доим эълон қилинган хабарларни доимий равишда янгилаб туриши лозим, шунда қидирув тизимлари уларни эътиборсиз қолдирмайди.

SEO дан қандай қилиб максимал даражада фойдаланиш керак. SEO дан фойдаланишни бошлашдан олдин, унинг афзалликларини максимал даражада ошириш учун бир нечта жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. SEO самарадорлигини фақат веб-сайт қанча трафик олганлиги билан ўлчаш мумкин. Шунинг учун ҳамма нарса тингловчиларни қабул қилишига тўғри келади. Натижада компания тингловчиларнинг афзалликларини билиб олиши керак бўлади.

Ҳозирги кунда сунъий ақл деярли ҳамма соҳада қўлланилмоқда. Натижада, компаниялар тузилган маълумотлардан фойдаланишлари керак. Булар хатти-ҳаракатлар ва мавзулар ўртасидаги контекстли алоқаларни қўллаб-қувватлаши мумкин, бу эса қидирув тизимларига маълум таркиб турларини тушунишга имкон беради.

9.3. Пандемиядан кейинги шароитда хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига рақамли маркетинг технологияларини жорий қилишнинг истиқболли йўналишлари

Пандемиядан кейинги шароитда рақамли технологиялар одамлар ҳаётининг янада муҳим қисмига айланди, ижтимоий тармоқлар, электрон тижорат, оқим контенти ва видео ўйинлар шулар жумласидандир. Пандемия даврида одамларнинг турмуш

[148] Think With Google, 2020

тарзи, ҳаёт кечириши, мулоқот қилиши, ишлаши, ўқиши ва эҳтиёжларини қондиришидаги ўзгаришлар жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий муҳитига сезиларли даражада таъсир ўтказди. Биз ушбу ўзгаришларни ўрганишимиз, баҳолашимиз, таҳлил қилишимиз ва керакли хулосалар чиқариб, рақамли маркетинг фаолиятини пандемиядан кейин самарали ташкил этиш учун муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат:

– истеъмолчиларни товар ва хизматларни харид қилиш, харид қилиш шакли, товар ва хизматлар ҳақидаги ахборотларни қидиришдаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш;

– онлайн аудиторияларнинг ривожланиб бораётган демографик кўрсатгичларини таҳлил қилиш натижасида янги бозор сегментларини ўзлаштириш;

– электрон тижорат орқали таклиф этилаётган товар ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш;

– мобил алоқа тизимида сотув каналларини, маркетинг коммуникация каналларини ташкил этиш;

– ижтимоий тармоқларда маркетинг комплекси элементларини бошқарадиган тизимларни йўлга қўйиш.

2021 йилда глобал "Рақамли ҳолат" ҳолат ўсишда давом этмоқда (9.9-жадвал). Айниқса, фаол ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони ортмоқда.

9.9-жадвал

Дунё аҳолисининг рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳолати (2020-2021 йиллар январь ҳолатига)

Кўрсатгичлар	2020 (млрд. киши)	Жами аҳолига нисбатан % да	2021 (млрд. киши)	Жами аҳолига нисбатан % да	Ўтган йилга нисбатан ўсиш (млн. киши)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш % да
Дунё аҳолиси сони Шундан:	7.75		7.83		81	1%
Ноёб мобил телефондан	5.19	67%	5.22	66.6%	93	1.8%

9.9-жадвалнинг давоми

фойдаланувчилар сони						
Интернетдан фойдаланувчилар сони	4.54	59%	4.66	59.5%	316	7.3%
Фаол ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони	3.80	49%	4.20	53.6%	490	13.2%

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 2021 йил бошида дунё аҳолиси 7,83 миллиард кишини ташкил қилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хабар беришича, ҳозирги кунда бу кўрсаткич йилига ўртача 1 фоизга ўсиб бормоқда.

Бугунги кунда 5,22 миллиард киши мобил телефондан фойдаланмоқда, бу дунё аҳолисининг 66,6 фоизига тенг. Ноёб уяли алоқа фойдаланувчилари 2020 йил январидан 2021 йил январигача 1,8 фоизга (93 миллион) ўсди, мобил алоқаларнинг умумий сони 72 миллионга (0,9 фоиз) ошиб, 2021 йил бошида жами 8,02 миллиардга етди.

2021 йил январь ойида дунёдаги 4,66 миллиард киши Интернетдан фойдаланди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 316 миллионга (7,3 фоиз) кўп. Ҳозир глобал Интернетга кириш даражаси 59,5 фоизни ташкил қилмоқда. Бироқ, COVID-19 Интернет фойдаланувчилари рақамлари тўғрисидаги ҳисоботга сезиларли таъсир кўрсатди, шунинг учун ҳақиқий кўрсаткичлар юқорироқ бўлиши мумкин.

Ҳозирда дунёда 4,20 миллиард ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари мавжуд. Сўнгги 12 ойда бу кўрсаткич 490 миллионга ўсди ва ўтган йилги ўсишни 13 фоиздан ошди. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони ҳозирда бутун дунё аҳолисининг 53 фоизидан кўпроғига тенг.

Ижтимоий оммавий ахборот воситаларининг қабул қилиниши сўнгги бир йилда ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг сони 13 фоиздан ошди, *ярим миллиардга яқин* янги

фойдаланувчилар 2021 йил бошига қадар дунё миқёсида деярли 4,2 миллиардга етди.

Оддий ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси ҳар куни ижтимоий тармоқларда 2 соату 25 дақиқа сарфлайди (9.10-жадвал) ва ҳар ҳафта ўз ҳаётининг бедор кунига тенглашади.

9.10-жадвал

Ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг кунлик ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш динамикаси

Кўрсатгичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ўртача кунлик ижтимоий тармоқдан фойдаланиш	1с.51д	2с.08д	2с.15д	2с.22д	2.25д	2с.25д
Ўтган йилга нисбатан ўсиши % да		14.8	5.3	5.6	1.7	0.4

Биргаликда қўшилган дунё ижтимоий тармоқлари фойдаланувчилари 2021 йилда ижтимоий тармоқларда жами ***3,7 триллион*** соат вақт сарфлашади – бу инсониятнинг 420 миллион йилдан ортиқ вақт давомида мавжуд бўлишига тенгдир[149].

Филиппинликлар ҳанузгача дунёдаги энг йирик ижтимоий тармоқларнинг истеъмолчилари бўлиб, ижтимоий платформалардан кунига ўртача 4 соат 15 дақиқа сарфлайдилар – бу иккинчи ўринни эгаллаб турган колумбияликлардан тўлиқ ярим соат кўпроқдир.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий тармоқлар дунё аҳолисининг 53 фоиздан зиёд қисмини ҳаёт тарзининг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Ижтимоий тармоқ – таркиби, фақатгина иштирокчилардан иборат ва улар орасида мулоқотни ўрнатувчи, кўп фойдаланувчили интерактив веб сайтлар асосида яратилган тармоқ ижтимоий

[149] We are Social 2021

тармоқ деб тушунилади. Мазмунига кўра ижтимоий тармоқ икки босқичли бўлади:

1. Фойдаланувчилар орасидаги мулоқотни ўрнатиб берувчи дастурий - аппаратли комплекс.

2. Фойдаланувчилар орасидаги умумий қизиқишларни аниқлаш, гуруҳлар орасидаги мулоқот интернет тармоғи орқали бажарилиши.

Ижтимоий тармоқ – бу одамлар, кўпинча Facebook, Twitter, LinkedIN ва Google+ каби ижтимоий тармоқ сайтлари орқали алоқаларни ўрнатиш, бизнес ёки ижтимоий алоқаларни кенгайтириш амалиётидир.

Ижтимоий тармоқ платформасига қараб, аъзолар бошқа ҳар қандай аъзога мурожаат қилишлари мумкин. Бошқа ҳолларда, аъзолар ўзлари уланадиган ҳар ким билан, кейин эса алоқада бўлган ҳар қандай киши билан боғланишлари мумкин. Баъзи хизматлар аъзолари бошқа аъзолар билан боғланиш учун олдиндан мавжуд бўлган уланишни талаб қилади.

Ижтимоий тармоқлар жамиятларнинг ўзлари мавжуд бўлган вақтга қадар давом этган бўлсада, Интернетнинг бундай уланишларни осонлаштирадиган беқиёс потенциали ушбу ҳодисанинг экспансионал ва доимий равишда кенгайишига олиб келди. Ижтимоий тармоқ платформаларидан ташқари, ижтимоий алоқалар ва ҳамкорлик учун имкониятлар бизнес-иловаларда тобора кенгайиб бормоқда.

Ижтимоий тармоқ – бу дўстлар, оила, ҳамкасблар, мижозлар ёки мижозлар билан алоқада бўлиш учун Интернетга асосланган ижтимоий тармоқ сайтларидан фойдаланиш.

Тадбиркорлар ижтимоий тармоқлардан брендниг тан олинишини ошириш ва брендниг содиқлигини рағбатлантириш учун фойдаланадилар. Бу компанияни янги мижозлар учун янада қулайроқ. Мавжуд мижозлар учун кўпроқ таниш. Ижтимоий тармоқлар брендниг овози ва таркибини тарғиб қилишга ёрдам беради. Масалан, тез-тез Twitter фойдаланувчиси биринчи марта янгиликлар лентаси орқали компания ҳақида эшитиши ва маҳсулот ёки хизматни сотиб олишга қарор қилиши мумкин. Одамлар компаниянинг брендига қанчалик таъсирчан бўлишса,

компаниянинг янги мижозларни топиш ва сақлаш имкониятлари шунчалик катта бўлади.

Бундан ташқари, тадбиркорлар конверсион ставкаларни яхшилаш учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланадилар. Қуйидагиларни яратиш янги, эски ва эски мижозларга кириш ва ўзаро алоқани таъминлайди. Блоглардаги постлар, расмлар, видеолар ёки шарҳларни ижтимоий тармоқларда баҳам кўриш, издошларга муносабат билдириш, компаниянинг веб-сайтига кириш ва мижоз бўлиш имкониятини беради.

Ижтимоий тармоқнинг мақсади Интернетда ўзаро қизиқишлар ёки фаолиятга эга шахслар билан мулоқот қилишдан иборат. Ўзаро алоқа ички почта ёки хабар алмашиш тизими орқали амалга оширилади. Ижтимоий тармоқлар очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Ижтимоий тармоқ хусусиятларининг бири – дўстлар ва гуруҳлар тизими. Уни қуйидаги расм ёрдамида тавсифлаш мумкин (9.2-расм).



9.2.-расм. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг алоқа структураси.

SMM (Social Media Marketing) – ижтимоий тармоқ маркетинги – маркетинг орқали ижтимоий тармоқ сифатида қабул қилинадиган ижтимоий тармоқларда маҳсулот ва хизматларни тарғиб қилишдир.

SMM – бу ижтимоий гуруҳ ва компания маркетинги предмети ўртасидаги мулоқот воситасидир. SMM фойдаланувчиларнинг

мақсадли гуруҳини қамраб олган жамоаларда бевосита ишдир. Ижтимоий тармоқ платформалари мақсадли аудитория билан мулоқот қилишнинг замонавий воситасидир. Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар аудиториясини телеканаллар аудиторияси билан қиёсласа бўлади, фақат у эътиборлироқ ва фаолроқдир.

SMM журналистика чорраҳасида жойлашган, социология, реклама, савдо маркетинг ва жамоатчилик билан алоқалар. SMM реклама билан қараганда PR билан кўпроқ умумийликка эга. Истеъмолчилар эътиборини реклама ёрдамида олиш ва сотиб олиш мумкин. Мақсадли аудиториянинг ишончини сотиб олиш мумкин эмас, фақат уни олиш мумкин.

SMM ёрдамида қуйдаги вазифаларни ҳал қилиниши мумкин:

- PR тадбирларини ташкил қилиш;
- брендинг, товар рекламасини амалга ошириш;
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган элементлар билан оммавий шахсий бўлмаган реклама, реклама қамровини таъминлаш;
- савдо маркетинги-ижтимоий ҳамжамият ўртасида рағбатлантирувчи тадбирларни ўтказиш;
- онлайн маркетинг тадбирлар учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- компаниянинг маркетинг субъектининг фаол истеъмолчилари гуруҳи билан гуруҳ мулоқоти;
- маркетинг фанининг предметига яқин бўлган муаммолар, муаммолар ва истиқболларни ҳал этиш ва муҳокама қилишдан манфаатдор аудитория билан ижтимоий мулоқот;
- ижтимоий рағбатлантириш-компания ва компаниянинг ўзи маркетинги фанининг ижтимоий аҳамиятини оммалаштириш;
- умумий ижтимоий мақсадли гуруҳ ичида рақобатбардош бўлмаган компаниялар ва брендлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- товар ва компаниянинг режалари ва стратегияси билан ижтимоий жамиятнинг қарашлари ва интилишларини текшириш;
- компаниянинг Интернет ресурсларига трафикни ошириш.

SMM ҳали ностандарт маркетинг ўзаро воситалари тегишли, лекин бугунги кунда, у энг истиқболли ҳисобланади. Ижтимоий тармоқ маркетинги катта компаниялар, бозор раҳбарлари ва SMMдан ўз тарғиботлари ва истеъмолчилари билан алоқа ўрнатиш

учун фойдаланадиган кичик ва ўрта корхоналар томонидан талаб қилинади.

SMM тезкор таъсирга эга эмас, лекин у тўғри фойдаланиш шарти билан узоқ муддатли натижа беради. Унинг асосий афзаллиги амалга оширилаётган фаолиятнинг мумкин бўлган самарасига нисбатан инвестицияларнинг арзонлигидир.

Анъанавий SMM воситалари:

- гуруҳли диалог-блогни материаллар билан яратиш, лойиҳалаш ва тўлдириш (юритиш);
- ижтимоий мулоқот – тематик жамоаларда ахборот хабарлари, муҳокамаларни қўллаб-қувватлаш, савол ва шарҳларга жавоблар;
- савдо маркетинги-ижтимоий ҳамжамият ўртасида рағбатлантирувчи тадбирлар ўтказиш;
- яширин маркетинг-машҳур контент сайтлари устида ишлаш: таъсир агенти форматида мунозараларни бошлаш ва қўллаб-қувватлаш;
- тўғридан-тўғри маркетинг-компания номидан мулоқот ўтказиш;
- тематик жамоаларда ва машҳур блоггерларнинг саҳифаларида тўғридан-тўғри реклама;
- вирусли маркетинг;
- ижобий ва салбий ахборот мониторинги. Ижобий ахборот фонини яратиш;
- ижтимоий медиа (SMO) учун компаниянинг Интернет ресурсларини оптималлаштириш.

Ижтимоий тармоқ маркетинги сайтни оптималлаштиришни ўз ичига олади. SMO эса ижтимоий тармоқни оптималлаштириш ҳисобланади. Бу ижтимоий ҳамжамият аъзолари томонидан бир восита. Чунки мақсадли аудитория-ижтимоий тармоқлар, жамоалар, блоглар, кундаликлар ва форумлардан сайтга жалб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар қандай ижтимоий тармоқ платформаси фойдаланувчиларининг камида *98 фоизи*, шунингдек, камида битта *бошқа* ижтимоий платформадан фойдаланади.

Шахсий ижтимоий платформалар, шунингдек, аудиториянинг бир-бирининг устуворлиги билан боғлиқ бўлиб, 16 ёшдан 64 ёшгача бўлган ТикТок фойдаланувчиларининг 85 фоизи

Facebookдан фойдаланаётганини ва шу ёш гуруҳидаги Instagram фойдаланувчиларининг деярли 95 фоизи YouTubeдан фойдаланаётганлигини айтишган[150].

Аудиторияларнинг умумий тушунчаси кутилмаган бўлмаслиги мумкин бўлсада, бу бир-бирига ўхшашлик даражаси маркетологлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Муҳими шундаки, брендлар ҳар бир платформада фаол бўлишлари шарт эмас ва аслида маълумотлар шуни кўрсатадики, фақат битта ёки иккитаси каттароқ платформаларда бўлиш дунёдаги деярли барча ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларига кириш имкониятини беради.

Контекст учун ҳозирда камида 6 та платформада 1 миллиарддан ортиқ ойлик фаол фойдаланувчилар бор, камида 17 тасида 300 миллиондан ортиқ фойдаланувчилар мавжуд.

We are Social агентлигининг Digital 2021 ҳисоботида одатдаги глобал интернет фойдаланувчиси ҳар куни ўз мобил телефонида Интернетдан кунига 3 соат 39 дақиқа сарф қилади, телевизорни томоша қилиш учун эса кунига 3 соат 24 дақиқа вақт сарфлашини келтириб ўтган.

Шу нуқтаи назардан, демак, ўртача интернет фойдаланувчиси ҳозирда телевизор кўришдан кўра телефонидаги уланган хизматлардан тахминан 7 фоиз кўпроқ вақт сарфлайди.

Бу шуни англатадики, мобил маркетингни ўрганиш ва ривожлантириш ҳамда уларни технологияларини такомиллаштириш, пандемиядан кейинги шароитда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жамият ҳаётида рақамли асрнинг давом этиши ва такомиллашиши оқибатида барча соҳаларда рақамли технологияларининг кириб бориши кучаймоқда. Рақамли технологиялар орасида мобил технологиялар ҳам маркетингнинг замонавий жабҳаларидан бири сифатида шаклланган. Мобил маркетинг ҳақида қуйидагича айтишимиз мумкин.

Мобил маркетинг[151] – бу маркетингнинг нисбатан янги соҳаси бўлиб, мобил қурилмалар орқали компания ва мижозлар ўртасидаги икки томонлама маркетинг алоқаларини таъминлайди. Маркетинг компанияларининг юқори самарадорлиги мобил

[150] We are Social 2021

[151] https://en.wikipedia.org/wiki/Mobile_marketing

қурилмалар билан ишлатилганда яна ҳам кўпаяди. Анъанавий оммавий ахборот воситаларидан кўра мобил қурилмалар орқали товарлар ва хизматларни сотиб олишларни потенциал мижозлар кўпроқ хоҳиш билдирмоқдалар.

Мобил маркетингнинг ривожланишида алоқа воситалари ва мобил алоқа технологиялари аҳамияти юқоридир. Улар қуйидаги хусусиятларга эга:

- мобил телефон ва мобил алоқа муҳити;
- мобил алоқа хизмати операторлари;
- мобил алоқа хизматлари: сўзлашув, мобил интернет ва почта;
- мобил алоқа воситалари: Smartphone, iphone ва планшетлар;
- мобил алоқа воситалари ёрдамида ахборот алмашиш: Bluetooth, Wi-Fi, SMS ва MMS;
- мобил иловалар (Mobile App);
- мобил телефонлардан фойдаланиш ва ахборот алмашиш маданияти.

Мобил маркетингнинг ривожланишида мобил телефон қурилмаларининг ўрни беқиёсдир. Мобил телефон – мобил алоқада фойдаланиладиган телефон аппарати тури ҳисобланади. Ҳозирги кунда, мобил телефон клавиатура ва экранга ҳамда сенсорга эга бўлиб аста-секин компьютер, факс аппарати, телефон аппарати, қайдлар китобчаси вазифаларини бажарувчи кўп мақсадли абонент тизимига айланмоқда. Мобил алоқа муҳити – таянч станциялар ва бир гуруҳ абонентлар тизимидан иборат бўлиб, абонентларнинг бир-бирлари билан ўзаро ахборот алмашинувини таъминловчи техник воситалар мажмуасидир. Мобил алоқа тизимида барча маълумотлар мобил телефон орқали электромагнит тўлқинлари кўринишида симсиз ҳаво орқали узатилади.

Мобил алоқа хизмати операторлари – абонентлар (мижозлар) учун мобил алоқа хизматларини таклиф қилувчи фирма ёки ташкилотлардир. Операторлар вазифасига радио частотадан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш учун керакли ҳужжатларни олиш, ўзининг мобил тармоғини ташкил қилиш, фойдаланиш, хизмат шартларини ишлаб чиқариш, хизмат тўловларини йиғиш ва техник хизмат кўрсатиш кабилар киради.

Мобил телефонлар ва бошқа мобил алоқа воситаларидан фойдаланганда сўзлашиш маданиятига, хабарларни ёзиш ва электрон почтадан фойдаланиш этикасига ҳамда телефон аппаратидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш зарур. Телефон орқали ножўя сўзларни гапириш, турли ножўя хабарларни жўнатишдан сақланинг. Мобил маркетинг SMSлар (Қисқа хабарлар хизмати) орқали мобил қурилмалар ёрдамида товарлар ва хизматларни тарғиб қилиш учун мобил қурилмалар ёрдамида амалга ошириладиган акциялар, тадбирлар ва компаниялар тўплами сифатида 2000 йилда Европа ва Осиё бўйлаб машҳурликка эришди ва кейинчалик деярли бутун дунё бўйлаб амалга оширилди. Ушбу маълумотни тарқатиш каналининг пайдо бўлиши ва оммалашиши учун зарур шарт бу аҳолининг уяли алоқадан кенг фойдаланишидир, шунингдек кўплаб компаниялар ўз маълумотлар базаларини мижозларнинг телефон рақамлари билан терганлиги.

Мобил маркетингнинг асосий мақсади товарлар ва хизматларни сотиб олишга қизиққан тўлов қобилиятига эга мижозни жалб қилишдир. Мавжуд технологиялардан комплекс фойдаланиш, реклама маълумотларини тарқатиш учун янги каналларни оқилона жалб қилиш ва ривожлантириш муваффақиятга олиб келади.

Хизматларни таклиф қилишнинг энг кенг тарқалган ва самарали усулларидан бири мобил маркетингдир. SMS маркетинг истеъмолчиларнинг ташаббуси билан ("pull" маркетинг) ёки реклама берувчининг ("push" маркетинг) ташаббуси билан қисқа матнли хабарларни юборишга таянади. Биринчи вариантда, оммавий ахборот воситаларида реклама қилишни истаган истеъмолчи аввал хабарни қисқа рақамга юборади ва жавоб рекламасини олади. SMS хабарни юбориш ташаббуси реклама берувчига тегишли бўлса, маълумот мижоз телефонларининг маълумотлар базаси орқали юборилади.

SMS хабарлар транзакцион, хизмат ва рекламага бўлинади. Дастлабки икки тур – бу фойдаланувчи томонидан қилинган ҳар қандай ҳаракатларга реакциядир. Учинчи тур реклама берувчининг ташаббуси ва унинг манфаатларига кўра тақсимланади.

MMS хабарлари – улар фотосуратлар, видеолар, мусиқа, ҳаволалар ва бошқалардан фойдаланиш имконига эга бўлган матнли ёки мультимедиа хабарларидир.

Транзакцион хабарлар – бу банклар ва тўлов тизимларидан абонент пулларининг ҳаракати (ҳисобни тўлдириш, ҳисобдан чиқариш, қолдиқ ва бошқалар).

Хизмат SMSлари, одатда мижоз томонидан амалга оширилган ҳаракатлардан сўнг, бирон бир ўзгариш тўғрисида хабар берувчи хабарлардир. Масалан, онлайн-дўконда буюртма ҳолатини ўзгартириш (қабул қилинган, юборилган, етказиб берилган), бонусли балларни йиғиш ёки ҳисобдан чиқариш, таксида автоулов бериш, суғурта полисининг амал қилиш муддати тугаганда ва ҳоказо кабилар киради.

Реклама хабарлари - реклама берувчи ташаббуси билан унинг манфаатларини кўзлаб ва ҳар қандай корхона маҳсулот ёки хизматни тарғиб қилиш мақсадида юбориладиган SMS-хабарлар ҳисобланади. Масалан, чегирмалар ва махсус таклифлар, сотувлар ёки янги маҳсулотлар ҳақида маълумот.

Мобил илова – муайян платформа (IOS, Android, Windows Phone ва бошқалар) учун мўлжалланган смартфон, планшет ва бошқа мобил қурилмаларда ишлашга мўлжалланган дастурий таъминот[152]. Кўпгина мобил иловалар қурилманинг ўзига олдиндан ўрнатилади ёки унга App Store, Google Play ва бошқалар каби онлайн-иловалар дўконларидан пулли ёки бепул юклаб олиш мумкин.

Дастлаб, мобил иловалар тезкор электрон почта текшируви учун ишлатилган, аммо уларнинг юқори талаби мобил телефон ўйинлари ва GPS, алоқа, видео кўриш ва интернетдан фойдаланиш каби бошқа соҳаларда ўз йўналишларини кенгайтиришга олиб келди.

Бу атама 2007 йилдан бери жуда машҳур бўлиб, 2010 йилда Америка диалектика жамиятининг "йил сўзлари" рўйхатига киритилган[153].

---

[152] ПНСТ 277-2018 Российская система качества. Сравнительные испытания мобильных приложений для смартфонов, ПНСТ от 26 июня 2018 года №277-2018. docs.cntd.ru. Дата обращения: 22 мая 2020.

[153] “App” voted 2010 word of the year by the American Dialect Society (UPDATED) American Dialect Society.

2020 йилда дунёдаги энг машҳур рақамли воқеалардан бири бу электрон тижоратнинг кучайиши бўлиб, COVID-19 пандемияси бутун дунёдаги истеъмолчиларни онлайн харидларни қабул қилишга ундади.

Татқиқотлар натижасида жаҳон миқёсида 16 ёшдан 64 ёшгача бўлган Интернет фойдаланувчиларининг деярли 77 фоизи ҳар ой Интернетда нимадир сотиб олишлари аниқланган.

Statista агентлигининг таъкидлашича, мода ва гўзаллик тоифаси B2C глобал электрон тижорат даромадларининг энг катта улушини 2020 йилда 665 миллиард доллардан оширган.



9.3-расм. Дунё бўйича электрон тижорат савдосининг ўсиш суръатлари ва прогнози[154].

2020 йилда бутун дунё бўйлаб электрон тижорат савдоси 4,28 триллион АҚШ долларни ташкил этди ва 2022 йилда 5.42 триллион АҚШ доллар, 2024 йилда эса 6.39 триллион АҚШ долларгача ўсиши кутилмоқда. Ўзбекистонда бу кўрсатгич 2019 йилда 1.2 милиард долларни ташкил этган.

Бошқа томондан, бошқа кўплаб тоифалар 2020 йилда электрон тижорат даромадларининг кучли ўсишига эришди.

[154] https://www.statista.com/statistics/379046/worldwide-retail-e-commerce-sales/#statisticContainer

Озиқ-овқат ва шахсий парвариш 2020 йилда истеъмолчиларнинг электрон тижоратининг энг тез ўсиб борувчи тоифаси бўлиб, COVID-19 пандемиясидаги карантин чекловлар ва ижтимоий масофани чеклаш чоралари онлайн озиқ-овқат харидларида сезиларли ўсиш учун катализатор бўлиб хизмат қилди.

Шу боисдан бугунги кунда электрон тижоратни ўрганиш уни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда

Электрон тижорат (е-тижорат, инг. “e-commerce”) – бу интернет орқали савдо-сотиқ амалиётларини ташкил этиш.[155] электрон тижоратга ҳозирги энг катта интернет аукциони ва дўкони ***eBay*** мисол қилишимиз мумкин. Бугунги кунга келиб, электрон тижорат – Ўзбекистон иқтисодиётида кенг кўламли ишларни амалга оширди ва мамлакатдаги мавжуд ҳолат, муаммолар ва истиқболларни ўрганишга замин яратилди.

Жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиш ва фаровонликка эришиш учун, ахборот технологияларига (АТ) бўлган эҳтиёжи юқори суръатлар билан ошиб бормоқда. Иқтисодий ўсишнинг фаоллашуви, дунё аҳолиси яшаш даражасининг яхшиланиши ахборот технологияларининг кундалик ҳаётимизга сингиб кетгани натижаси ҳам ҳисобланади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин ахборот оқимининг таъминланиши бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштиради ва социал фаровонликни оширишга замин яратади.

Рақамли технологияларининг тезлик билан ривожланиши иқтисодиётда ҳам ўз аксини топмасдан қолмайди. Ҳозирги кунда иқтисодиётда, айниқса замонавий маркетинг соҳасида эришилаётган ютуқлар негизида айнан рақамли технологиялар турли сегментларининг юқори даражада ривожланганлиги ва самарали қўлланиши ётади. Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам бундан мустасно эмас албатта. Яққол мисол сифатида ахборот технологияларининг бир қатор сегментлари масалан, маълумотлар етказиш тармоқлари, ахборот интернет-ресурслари ва улар орасидаги электрон ҳужжат алмашув, рақамли маркетинг тизимлари, бизнес ва тижоратнинг барқарор ривожланаётганини келтириш мумкин.

[155] https://uz.wikipedia.org/wiki/Elektron_tijorat

Ўзбекистон учун рақамли технологияларни ривожлантириш янги иқтисодий алоқаларни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Лекин бу жараён, рақамли технологиялар соҳасида таълим стандартларининг ошиши, миллий телекоммуникация тармоқларининг модернизациялашуви, ҳуқуқий базанинг шаклланиши оқибатида вужудга келадиган жамиятнинг маълум даражадаги информацион тайёрлиги мавжуд бўлган ҳолатдагина содир бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам босқичма-босқич ривожланиши оқибатида бизнес фаолиятини юритишнинг янги принциплари, айниқса, электрон тижоратнинг аҳамияти жуда ошди. Бугунги кунга келиб, ҳар бир интернет фойдаланувчиси электрон тижорат сўзининг маъносини тушунишга ҳаракат қилиб кўрган. Ҳали ўзининг узоқ тарихини қуришга ҳам улгурмаган бундай фаолият билан боғлиқ АҚШ бозорларида йилига ўртача 1,5 – 2 трлн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар айланади.

“Электрон тижорат” термини (Electronic Data Interchenge – маълумотларни электрон алмашиш), электрон почта, Интернет, интранет (компания ичида ахборот алмашиш) ва экстранет (ташқи дунё билан ахборот алмашиш) каби технологияларни ўз ичига олади. Ўз навбатида электрон тижорат тизимини уч синфга бўлиш мумкин:

- Чакана савдони ташкил қилиш бўйича (бизнес-истеъмолчи, B2C);
- Бизнес ҳамкор билан алоқлар ўрнатиш (бизнес-бизнес, B2B);
- Истеъмолчилар ўртасидаги савдо (истеъмолчи-истеъмолчи, C2C).

Электрон тижорат кундан - кунга товар ва хизматлар ассортиментини ошира бошлаган сари алоҳида шахсларни, корхоналарни, соҳаларни, давлат муассасаларини ва ниҳоят давлатларни бир ҳамжамиятга бирлаштириб, ҳамкорларнинг ўзаро таъсири ахборот ва телекоммуникацион технологиялар ёрдамида самарали ва тўсиқларсиз келишувларга эришишига имкон берди.

Электрон тижорат ўз - ўзидан маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш ва етказиб бериш шартномаларини тузишда иикита: моддий ва номоддий оқимлар, оқим хизмати билан боғлиқ: Номоддий оқимлар номоддий товарлар (дастурий таъминот, бино

лойиҳалари ва б.) ни тўғридан - тўғри тармоқли узатиш, моддий хизматлар (транспорт чипталари, меҳмонхоналарда хоналар ва ҳ.з. буюртмаси)нинг тўғридан - тўғри тармоқли бажарилиши, ҳамкорлар (мижозлар, буюртмачилар, етказиб берувчилар, субпудратчилар, банклар ва б.) билан молиявий тармоқли ҳисоботлар, моддий хизматларни етказиб беришни ахборот ва телекоммуникацион қўллаб - қувватлаш натижасида юзага келади.

Бундай оқимлар у ёки бу виртуал тижорат фаолияти натижасида умумий оқимларнинг сезиларли, баъзида эса жуда катта қисмини ташкил этади. Табиийки, номоддий оқимларга хизмат кўрсатишда электр воситаларнинг ишлатилиши иш жараёнларини тезлаштиришга, оқибатда, электрон тижоратнинг ривожланишига олиб келади.

Электрон тижоратнинг ўзига хос қулайликлари ва устунликлари мавжуд:

- халқаро операцияларда ахборот олиш тезлиги ошади;
- ишлаб чиқариш ва сотиш даври қисқаради;
- арзон коммуникацион воситалардан фойдаланиш эвазига ахборот алмашиш харажатлари камаяди.

Корхона ахборот технологияларини самарали қўллаш орқали истеъмолчилар билан очиқ муносабат ўрнатиш, маҳсулот ва хизматлар тўғрисида ҳамкор ва мижозларни тезкор ахборот билан таъминлаш, сотувнинг алтернатив йўлларини, мисол учун тижорат сайтларида электрон дўконлар очиш ва яратиш имконини беради.

Электрон тижорат асосида янги савдо-сотиқ корхоналарини – электрон дўконларни яратмоқда, рақобатнинг катталиги сабабли уларда янги турдаги хизматлар ва товарлар пайдо бўлмоқда. Электрон тижоратнинг асосий элементи бўлиб, товарларни интернетда сотиш ва айланиши хисобланади. Товарнинг айланиши, уни сотишга мўлжалланган тўлиқ комплекс тадбирлар асосида амалга оширилиши лозим. Улар ахборотни ишлаб чиқиш ва ишлатиш, реклама тадбирлари ва шунга ўхшаш тадбирлардир.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда давлат органлари электрон тижоратни ривожлантиришда, дунё тажрибасида кенг қўлланилган қуйидаги принципларга амал қилишмоқда:

- электрон тижоратни ривожлантиришда корпоратив сектор фаол роль ўйнаши лозим;

- электрон тижоратга нисбатан, давлат органлари томонидан асосланмаган турли чекловлар қўйилишига йўл қўйилмаслик лозим;
- давлат ҳокимияти электрон тижорат жараёнига, ушбу соҳа субектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқ базасини такомиллаштириш мақсадида аралашиши мумкин;
- электрон тижоратни бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда давлат ҳокимияти Инернетнинг ўзига хосликларини инобатга олиши лозим;
- электрон тижорат жараёни маъмурий-ҳудудий бўлиниш ва давлат чегараларига боғлиқ бўлмаган равишда, глобал масштабда содир бўлиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш билан бир қаторда бу соҳанинг такомиллашишига тўсқинлик қилаётган бир қанча муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммоларнинг тезкор ва аниқ ечилиши бугунги куннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Чунки айнан қуйидаги ечимини кутаётган масалалар жаҳон тажрибасида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг тўғри ҳал қилинмаслиги оқибатида бу соҳада жиддий инқирозлар вужудга келиши мумкин.

Биринчидан, зарур инфратузилманинг ҳали ҳам етарли даражада такомиллашмагани. Қуйида бир нечта мисоллар келтирамиз:

- интернетнинг глобал тармоғи билан тўғридан-тўғри боғланган провайдерлар сони чекланган миқдорда ва бунинг натижасида интернет мижозларга провайдер ўртасида биридан иккинчисига ташиш орқали етказилмоқда, маълумки бундай ҳолат хизмат кўрсатишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади;
- ҳудудларда кўрсатилаётган интернет хизматининг сифат кўрсаткичлари пойтахтдаги ҳолат билан солиштирганда сезиларли даражада ёмон. Ажратилган уланиш (ADCL модем) учун етарли шарт-шароитнинг яратилмаганлиги натижасида мижозлар тўғридан-тўғри қўнғироқ қилиш орқали (Dial-up) уланишдан фойдаланишади. Бу ўз навбатида хизмат сифатининг етарли даражада бўлмаслигига олиб келади.

Иккинчидан, интернет фойдаланувчиларининг миқдори шундай даражадаки, бу ҳолат электрон тижорат билан

шуғулланиш учун зарур бўлган йирик бозор яратиш имконини бермайди (Ўзбекистон бўйича интернет фойдаланувчиларининг сони 2,5 млн. дан ортиқ).

Учинчидан, жисмоний шахсларнинг банк ҳисоб рақамларидан онлайн тўловни амалга оширишни таъминлайдиган ишончли тизимнинг ривожланмаганлиги. Банкларимиз томонидан чиқарилаётган пластик карточкалардан фақатгина махсус терминаллардан фойдаланиб тўловни амалга оширишимиз мумкин, халқаро тажрибада эса пластик карточкалар ёрдамида, тўловни қабул қилиш учун ўрнатилган махсус модуллар орқали, тўғридан-тўғри онлайн дўконларда тўловни амалга ошириш мумкин.

Асосий муаммо шундаки, Ўзбекистонда жисмоний шахслар учун онлайн банкинг хизмати кенг тарқалмади. Онлайн банкинг банк мижозлари учун интернет тармоғида ёки мобил алоқа ёрдамида ўз ҳисобларини бошқариш ва тўловларни амалга ошириш имконини беради. Бир неча банклар томонидан таклиф этилаётган SMS-банкинг бир томонлама бўлиб, фақатгина ҳисоб ва операциялар тарихи ҳақида маълумот олиш учун мўлжалланган. Бу ҳолат электрон тижоратнинг ривожланишига энг катта тўсиқ бўлаётган муаммолардан биридир.

Тўртинчидан, мавжуд интернет-дўконлар фаолиятида етарли профессионаллик даражаси етишмайди.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилишда асосий эътибор бериладиган йўналишлар сифатида қуйидагиларни таклиф қиламиз:

- Электрон тижорат соҳасида илмий изланишларни чуқурлаштириш зарур. Илмий ишлар, мақолалар ёзиш, махсуслаштирилган интернет-ресурлар яратиш, доимий форум ва конференциялар ташкил этиш, кадрлар тайёрлашда электрон тижоратнинг нафақат техник, балки иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларини ҳам инобатга олиш, энг асосий муаммолардан бири – малакали кадрлар етишмовчилигини олдини олади.
- Телекоммуникацион хизматларни кўрсатиш соҳасида рақобатни ривожлантириш. Бу хизмат сифатининг ошишига, нархлар даражасининг тушишига ва электрон тижорат учун маълум интернет-аудиторияларининг яратилишига олиб келади.

- АКТ соҳасига инвестицияларни киритиш учун қулай ҳуқуқий шароитнинг кўрсатилган тартибда доимий мавжуд бўлишини таъминлаш.
- Ўз-ўзини бошқариш ва тажриба алмашиш тизимларини яратиш.
- Электрон тизими бўйича таълим тизимини ривожлантириш.
- Ахборот технологияларининг бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг тарқалишини таъминлаш. Нафақат вилоят марказларида, балки чекка қишлоқларда ҳам ахборот технологияларининг жорий қилиниши электрон тижорат ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келади.
- Онлайн банкинг тизимини бутун республика бўйлаб самарали жорий қилиш. Бу улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланаётган тадбиркорлар учун ўз товар ва хизматлари билан интернет тармоғи орқали эркин савдо қилиш имкониятини оширади. Шу билан бирга бу банк соҳасининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам сезиларли ўзгаришларга олиб келади.

Шуни бемалол таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон ўзининг юқори даражали интеллектуал имкониятлари билан ахборот технологиялари тамаддунининг қирғоғида қолиб кетмаслиги зарур.

Электрон тижоратни ривожлантириш иқтисодиётимиз учун қуйидаги натижаларни беради:

- Электрон тижоратнинг ривожланиши Ўзбекистон меҳнат бозори структурасига ижобий таъсир кўрсатади. Юқори ахборот технологияларини саноатлаштириш минглаб янги иш ўринларини яратади.
- Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлашиши, товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги кучайиши ва электрон тижорат ривожланишининг бир пайтда содир бўлиши экспорт имкониятларимизнинг ошишига олиб келади.
- Электрон тижорат аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишини, маркетинг, менежмент каби соҳаларнинг ривожланишини таъминлайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш имкониятлари йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг ривожланиши миллий ишлаб

чиқарувчиларимизга янги бозорлар очиш, янги мижозлар топиш имкониятларини яратади. Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича танланган ва амалдаги йўлдан тўғри бориш, келажакда Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон бозорининг етакчи вакилларидан бирига айлантиради. Ўзбекистонда электрон тижорат бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўли танланганлиги халқ фаровонлигида, жамиятимизнинг тараққий топишида, иқтисодий ривожланишимизда ўз аксини топади.

Боб бўйича хулосалар

XX асрни охири ва XXI аср бошларида маркетингнинг замонавий концепциялари шаклланди. Маркетингнинг замонавий концепцияларидан бири рақамли маркетинг концепцияси ҳисобланади.

Рақамли маркетинг – бу рақамли ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда электрон қурилмалардан фойдаланган ҳолда маркетинг фаолиятини амалга ошириш тушунилади.

Пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни ривожлантиришнинг юқорида келтирилган стратегик йўналишларини ўрганиш, уларни такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятига жорий этиш орқали ушбу субъектларни рақамли бозорда, ўз ўрнини эгаллаши ва мавқеини мустаҳкамлаш учун асосий восита ҳисобланади. Ушбу стратегик йўналишлардан бири бўлган, биз юқорида кўриб чиққан SEO ни қандай ишлаши ва бизнес субъектлари бундан қандай фойда кўриши мумкинлиги ҳақидаги маълумотларни асосли далиллар орқали ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Шунингдек, пандемиядан кейинги шароитда ушбу рақамли маркетингнинг стратегик йўналишларидан бири бўлган SEO дан фойдаланиш орқали истеъмолчилар эҳтиёжларини арзон ва тезкор ҳамда сифатли қондиришга, компания брендини тарғиб қилиш ва мижозлар билан ҳамкорлик ишларидаги энг самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, пандемиядан кейинги даврда рақамли маркетинг технологияларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари сифатида ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа ва электрон тижорат қаралмоқда.

Ижтимоий тармоқларда рақамли маркетинг потенциал истеъмолчилар аудиториясини шакллантириш, уларни сонини ошириш, фикр-мулоҳазалари орқали эҳтиёжларини ўрганиш имконини беради. Мобил алоқа эса буюртмалар қабул қилиш, шартномалар тузиш, рекламани амалга оширишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Chaffey, D., & Ellis-Chadwick, F. (2012). Digital Marketing: Strategy, Implementation and Practice(5 th Edition). Pearson.
2. Desai, V. (2019, March). Digital Marketing: A Review. International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), Special Issue Fostering Innovation, Integration and Inclusion Through Interdisciplinary Practices in Management,196-200. Retrieved from https://www.ijtsrd.com/papers/ijtsrd23100.pdf
3. Голубева Мария Александровна Развитие концепции маркетинга взаимоотношений в условиях цифровой экономики // Известия СПбГЭУ. 2019. №5-1 (119). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-kontseptsii-marketinga-vzaimootnosheniy-v-usloviyah-tsifrovoy-ekonomiki (дата обращения: 05.04.2021).
4. О.А.Кожушко, И.Чуркин, А.Агеев и др. Интернет-маркетинг и digital-стратегии. Принципы эффективного использования: учеб. пособие/; Новосиб.
5. Budanov, V., & Aseeva, I. (2019). Manipulative marketing technologies in new digital reality. Economic Annals-XXI, 180(11-12), 58-68. doi: https://doi.org/10.21003/ea.V180-07.
6. S.S.Gulyamov, R.H.Ayupov, O.M.Abdullaev, G.R.Baltabaeva. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalar. T.: TMI, “Iqtisod-Moliya” nashriyoti, 2019, 404 bet.
7. U.Sharifxodjayev, Z.Xakimov. Interaktiv va raqamli marketing. O‘quv qo‘llanma. – T.: Iqtisodiyot. 2019.-271 b. Абдухалилова Л.Т. Интернет маркетинг. – Т.: Иқтисодиёт, 2019. 265 б.
8. Ergashxodjayeva Sh. J., Qosimova M.S., Yusupov M.A. Marketing. Darslik.- T.: Iqtisodiyot, 2018.-315 b.
9. https://lex.uz
10. https://wearesocial.com/

11. https://www.simplilearn.com
12. https://www.macrotrends.net/stocks/charts/FB/facebook/financial-statements
13. https://www.xs.uz
14. https://www.statista.com
15. https://uz.wikipedia.org/wiki/Elektron_tijorat
16. https://en.wikipedia.org/wiki/Digital_marketing#History

10-боб. ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ШАРОИТДА УЛГУРЖИ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш шароитида қайта ишлаб чиқариш ва саноатда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан фойдаланиш, саноат тармоқларини узлуксиз хомашё билан таъминлаш, ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш улгуржи савдо фаолияти билан ҳам боғлиқдир. Улгуржи савдо тармоқлар ҳамда соҳалараро алоқаларни боғлаш, товар-моддий ресурсларни бир манбадан иккинчи манбага томон ҳаракатланишини таъминлайдиган фаолият йўналиши ҳисобланади.

Ҳар қандай мамлакатда саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, истеъмол бозорини тўйинтиришда улгуржи савдо муҳим ўринга эга. Ишлаб чиқариш воситалари бозорида ҳам, истеъмол бозорида ҳам улгуржи савдо корхоналари борки, товар-моддий ресурслар ҳаракати узлуксиз таъминланади. Шунингдек, бозор эҳтиёжлари қондирилиб борилади. Айниқса, пандемиядан кейинги даврда иқтисодиётда амалга оширилаётган ислоҳотларни давом эттиришда улгуржи савдо фаолиятининг ривожи муҳим аҳамиятга эга.

Пандемиядан кейинги даврда иқтисодий ислоҳотларни давом эттиришда:

– юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кескин оширишда хомашё таъминоти узлуксизлигини таъминлаш;

– тайёр маҳсулотлар учун янги сотув бозорларини топиш, ташқи бозорга маҳсулот сотишни ташкил этиш, яъни экспорт қилишни ривожлантириш;

– маҳсулотларни сақлаш ва етказиб бериш учун марказий ҳамда оралиқ омборхоналар фаолиятини ташкил этиш;

– чакана савдо корхоналарини керакли ассортиментдаги маҳсулотлар билан ўз вақтида таъминлаш;

– маҳсулотлар ҳаракатини самарали ташкил этиш, яъни буюртмаларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш, ўраб-жойлаш, қадоқлаш, сақлаш, етказиб беришни амалга ошириш;

– танланган ташқи бозорларни чет эллик логистик ҳамкорлар билан биргаликда миллий маҳсулотлар билан таъминлаш кабилар бевосита улгуржи савдо билан боғлиқ.

Жаҳон иқтисодиётида улгуржи савдо товар-моддий ресурслар ҳаракатини ташкил этиш ва бошқариш, товар бозорлари ривожланишига катта таъсир кўрсатувчи соҳалардан бирига айланмоқда. Мазкур соҳанинг жаҳон иқтисодиёти реал секторлари – саноат, қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар ҳажмининг ошишидаги ўрни исботлаб бўлинган.

Шунинг учун пандемиядан кейинги даврда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни сотиш учун ички ва ташқи бозорларни топишда маркетинг тадқиқотларини ривожлантириш, маркетинг ва логистика тамойиллари асосида улгуржи савдо фаолиятини ташкил этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Мазкур бобда пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдонинг функцияларидаги ўзгаришлар, маркетинг масалалари, улгуржи савдо ривожланишида хорижий тажрибадан фойдаланиш йўллари ёритилган.

10. 1. Пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдонинг функционал хусусиятлари

Пандемиядан кейинги шароитда юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Қайта ишлаш тушунчаси хомашёдан истеъмол товари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи бир неча (камида уч-тўрт) босқичли ишлаб чиқариш циклини ўз ичига олувчи жараённи англатади. Заминимиздаги бой минерал хомашё ва ўсимлик дунёси

ресурсларини чуқур қайта ишлашни босқичма-босқич амалга ошириш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мамлакат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланган. Бошқача айтганда, хомашёни жаҳон бозорида талаб бўлган тайёр маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимига ўтиш асосий мақсад ҳисобланади. Бу тизимнинг маъно-моҳияти шундан иборатки, **биринчи босқичда** хомашё дастлабки қайта ишланади, яъни ярим фабрикатлар тайёрланади, **кейинги босқичда** саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр материалларга айлантирилади, **учинчи, якуний босқичда** эса материалдан истеъмол бозори учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Кўп босқичли қайта ишлашнинг ҳар бир босқичида хомашё ва бошқа моддий ресурслар ҳаракатини ташкил этиш ва уни оптимал бошқариш муҳим аҳамият касб қилади. Қайта ишлашнинг хомашёдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган циклида улгуржи савдонинг роли янада ортади. Чунки қайта ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичи бир маромда тўхтовсиз ишлаши учун, ўз вақтида, керакли ҳажмдаги моддий ресурслар билан таъминлаш долзарб масала ҳисобланади.

Бу масала улгуржи савдонинг функция ва вазифалари қандай даражада бажарилиши билан боғликдир. Микро ва макроиқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида улгуржи савдонинг бир қатор ўзига хос функцияларига эҳтиёж пайдо бўлади.

Улгуржи савдонинг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти, унинг мақсади ва бажарадиган иқтисодий, ташкилий-техник функцияларида намоён бўлади. Мутахассислар томонидан улгуржи савдонинг функциялари кенг ўрганилган.

С.Н.Лебедева, Н.А.Казиначикова, А.В.Гавриковлар улгуржи савдонинг асосий функцияларига қуйидагиларни киритган: чакана савдо корхоналарини мунтазам товар билан таъминлаш, чакана савдо корхоналарининг талабидан келиб чиққан ҳолда товар ассортиментини қайта жамлаш, замонавий товар захирасини ташкил этиш, аҳоли талабини ўрганиш, экспорт товарларини етказиб берилишини ташкил этиш, товар захирасини сақлаш[156].

---

[156] Лебедева С.Н., Казиначикова Н.А., Гавриков А.В. Экономика торгового предприятия. Учеб. Пособие. – 2-е изд. – Мн.: Новое знание, 2002. – 240 с.

Б.А.Абдукаримовнинг фикрича, улгуржи савдонинг асосий функцияларидан бири бу товарларни сақлаш ҳисобланади. Улгуржи савдо корхоналарининг товарларни сақлаш функцияси бир томондан, ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини йирик партияларда сотиш ва шу билан боғлиқ, ҳолда катта миқдордаги маҳсулотларни сақлаш харажатларини тежаш имконини берса, иккинчи томондан, чакана савдо корхоналарига жуда кам миқдордаги товар захиралари билан ишлаш ва жорий талабни тўлиқ қондириш имконини беради. Улгуржи савдонинг товарларни ташиш функцияси ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи корхоналар учун иқтисодий наф келтиради. Ишлаб чиқарувчилар кўп сонли мижозларга товарларни кичик партияларда юклаб жўнатиш заруриятидан холос бўлса, чакана савдо билан шуғулланувчилар алоҳида ишлаб чиқарувчиларнинг барчаси билан алоқада бўлиб туриш заруриятидан халос бўлади.

Улгуржи савдо корхоналари товарларни харид қилиб олар экан, ҳали товарлар сўнгги истеъмолчиларга сотилмаган бўлсада, тўловни амалга ошириб ишлаб чиқарувчиларни аванслаш, истеъмолчиларни эса кредитлаш функциясини бажаради.

Бозор конъюнктурасини ўрганиш орқали ишлаб чиқарувчилар, ТМР ҳаракати иштирокчилари ва охирги истеъмолчиларни талаб ва таклифнинг ҳажми ва бозор ҳақидаги ахборотлар билан таъминлаш бу ахборотлаштириш функциясини амалга оширади[157].

Маркетинг тизимида улгуржи савдо ўзига хос қатор функцияларни бажаради: маркетинг стратегиясининг реализациясини таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотни истеъмол қилинадиган ҳудудда сотишга имкон бериш, савдо ассортиментини шакллантириш, савдода ходимларни тайёрлаш, сақлаш ва етказиб беришнинг моддий базасини яратиш, ишлаб чиқарувчиларга, чакана савдо билан шуғулланувчи ва охирги истеъмолчиларга (савдо кредити орқали) молиявий ёрдам кўрсатиш.

Улгуржи савдонинг асосий мақсади – ТМРни B2B бозор учун тўғридан-тўғри ва истеъмол бозори B2C учун чакана савдо

---

[157] Б.А.Абдукаримов, Ф.Б.Абдукаримов. Савдо ва консалтинг хизматини ривожлантириш муаммолари. // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.-135 б.// Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма / Муаллифлар жамоаси. Т.: “Иқтисод-Молия”, 2016. 504 б.

тармоқлари орқали етказиб бериб, уларнинг истеъмол талабини тўла ўз вақтида қондиришдан иборат.

Улгуржи савдо товар ҳаракатида муҳим роль ўйнайди. Улгуржи савдо ишлаб чиқариш концентрациялашган ва урбанизация даражаси юқори бўлган ҳудудларда масофа ва вақт ўртасидаги тафовутни бартараф этиш, ассортиментни кенгайириш, қўшимча қиймат яратиш имконини беради.

Улгуржи савдонинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Улгуржи ва чакана бозорларни комплекс тарзда ўрганиш, мақсадли бозорлар ҳолатини таҳлил қилиш ва харидорларнинг харид қобилиятини баҳолаш.

2. Товар ресурсларини эҳтиёжга кўра ҳудудлар бўйича тарқатиш, ишлаб чиқариш ҳудудидан истеъмол қилиш ҳудудига товар ҳаракатини бошқариш.

3. Бозор вазиятини ҳисобга олган ҳолда, воситачилар, чакана савдо ташкилотлари, пировард истеъмолчиларни узлуксиз керакли кенг ассортиментли товарлар билан таъминлаб туриш учун товар захираларини яратиш ва керакли ҳажмда сақлаш.

4. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудлар бўйича товарларни чиқариш ва киритиш балансини таъминлаш.

5. Бир текисда (ритмик) товар билан таъминлаш.

6. Хўжалик алоқаларининг ишончлиги ва барқарорлигини таъминлаш.

7. Товар ҳаракати билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш.

8. Хўжалик алоқалари бўйича ҳамкорларга хизмат кўрсатиш (омборга жойлаштириш, йирик партияларни кичик партияларга ажратиш, ташиш, молиялаштириш, таваккалчиликни зиммасига олиш, бозор тўғрисида ахборот бериш, маслаҳат ва реклама-ахборот хизматлари кўрсатиш).

9. Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва техник сиёсатни ривожлантириш.

Пандемиядан кейинги шароитда улгуржи савдонинг мазмун, моҳияти ва функцияларига, янги ўзига хос тамойиллар асосида ёндашишга, уларга қўйиладиган талаб, мезон ва меъёрларни қайта

кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Шу сабабли, улгуржи савдо ва унинг функциялари моҳиятини илмий ва амалий нуқтаи назардан тизимли ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш керак. Шу нуқтаи назардан ТМР ҳаракати тизимини лойиҳалаш, яратиш ва жорий этишнинг методларини маркетингнинг замонавий логистик сервис стратегияси концепцияси асосида такомиллаштиришга эҳтиёж туғилмоқда. Жумладан улгуржи савдо функциялари аксарият россиялик ва хорижий муаллифлар томонидан асосий ва ёрдамчи функцияларга бўлиб ўрганилган. Мазмунан улгуржи савдонинг асосий функциялари, унинг ишлаб чиқариш ва истеъмол бозорига йўналтирилган икки томонлама хизмат кўрсатиш фаолиятида намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш бозори доирасида улгуржи савдо бажарадиган функцияларга аксарият рус ва хорижлик мутахассислар қуйидагиларни киритган: барча тур, кўриниш ва шаклдаги тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва концентрациялаш, товар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш ассортиментини шакллантириш ва лойиҳалашда иштирок этиш, ишлаб чиқариладиган моддий бойликлар умумий сифатини ошириш, ишлаб чиқариш доирасида фақат ТМР ҳаракатини ташкил қилиш, айланма капиталнинг маълум бир қисмини инвестициялаш ва янги ТМР ҳаракати каналларини яратиш, бозордаги ТМР ва хизматлар ҳаётий циклида доимий мавжуд бўлган тижорат таваккалчилигини ўз зиммасига олиш, бизнес таваккалчилигининг диаметрал қарама-қаршиликларини олдини олиш ва камайтириш, ишлаб чиқариш таъминотининг оптимал логистик концепциясини шакллантириш, бозорнинг бошқа субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳисобга олувчи ҳақиқий бозор тамойилларини жорий қилиш.

Улгуржи савдо шунингдек истеъмол бозори эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бир қатор асосий функцияларни бажаради: аниқ мақсадли товар бозорлари алоҳида сегментларининг жорий талаб конъюнктурасини доимий ва тизимли ўрганиш, йирик партияли ишлаб чиқариш ассортиментини мавжуд реал чакана ва кичик чакана савдо тармоқларига мослаб ўзгартириш, савдо ташкилотларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан хизмат кўрсатиш инфратузилмасини шакллантириш, товар захираларини сақлаш жараёни билан боғлиқ

бўлган ички омбор технологик операцияларини амалга ошириш, чакана савдо тармоқларига ўз вақтида товарларни етказиб беришни ташкил қилиш, мижоз-харидорларни (чакана савдо корхоналарини) товар ва молиявий кредит билан таъминлаш, мавжуд ва потенциал харидорларга ахборот хизматини кўрсатиш.

Асосий функцияларидан ташқари савдо-сотиқ инфратузилмаси билан боғлиқ бўлган ёрдамчи функцияларни ҳам бажаради. Ёдамчи функцияларга транспортировка жараёнида моддий бойликларни сақланишига кўмаклашувчи, уларни улгуржи савдо ташкилотларида мавсумий ва вақтинча сақлаш, қадоқлаш ҳамда навларга ажратиш, катта товар партияларини истеъмол бозори ёки майда улгуржи савдо харидорлари талабларига кўра қайта жамлаш (комплектация) киради.

Маълумки такрор ишлаб чиқариш циклик жараён бўлиб, ҳар бир цикл таъминотдан бошланади ва тайёр маҳсулотни тақсимлаш ёки реализация қилиш билан якунланади. Яъни ҳар бир ишлаб чиқариш циклида хомашё ва моддий ресурслар тайёр маҳсулотга айлантирилади ва сотилади. Цикларнинг даврий такрорланиши ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Шу сабабли ҳар бир ишлаб чиқариш циклида ТМР ҳаракатини қуйидаги қатъий кетма-кетликда ташкил қилинишини тавсия қиламиз:

1)Хомашё ва бошқа моддий ресурсларни, уларнинг манбаларидан корхона таъминот омборларига етказиб бериш ва вақтинчалик сақлаш, яъни истеъмол (ишлаб чиқариш истеъмоли) вақтигача сақлаш.

2)Хомашё ва моддий ресурсларни умумзавод таъминот омборларидан ички ишлаб чиқариш омборларига, улардан ишлаб чиқариш цехлари, участкалари ва иш ўринларидаги дастгоҳларга етказиб бериш. Бу ерда хомашё ва моддий ресурслардан деталлар, бутловчи қисмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар тайёрланади.

3)Цехлар, участкалар ва иш ўринларида ишлаб чиқарилган деталлар, бутловчи қисм ва ярим тайёр маҳсулотлар корхонанинг йиғув цехига етказиб берилади. Бу ерда улардан тайёр маҳсулот йиғилади ва у корхонанинг тайёр маҳсулот омборига етказиб берилади.

4)Тайёр маҳсулот омборидаги маҳсулот бозор талаби (буюртма) га асосан истеъмолчилар ўртасида тақсимланиб, реализация қилинади.

Пандемиядан кейинги даврда ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш ва истеъмол бозори талабини қондириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Улгуржи савдонинг асосий функциялари ҳам айнан ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш ва истеъмол бозорини тўйинтиришдан иборат. Демак, пандемиядан кейинги даврда ТМР ҳаракатини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шундан келиб чиққан ҳолда, муаллиф «таъминот-ишлаб чиқариш-истеъмол» занжири бўғинларининг ТМРни етказиб беришдаги ўзига хосликларни ўрганиш асосида улгуржи савдонинг функционал хусусиятларини асослаб берган (10.1-жадвал).

10.1-жадвал

Пандемиядан кейинги даврда товар-моддий ресурслар ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқаришда улгуржи савдо функциялари[158]

№	Функциялар	Функцияларнинг мазмуни	
		Таъминотда	**Тақсимотда**
1.	Ассортиментни шакллантириш	Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва дифференциалланган талаб асосида харидларни амалга ошириш	Бозор сегменти талабидан келиб чиқиб товарлар таклифини ташкил этиш
2.	Узилишлар вақтини бартараф этиш	Ишлаб чиқаришнинг мунтазамлигини таъминлаш учун хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб бериш вақтидаги узилишларни бартараф этиш	Ишлаб чиқариш ва истеъмол оралиғидаги даврда узилишлар вақтини бартараф этиш

[158] муаллиф ишланмаси

10.1-жадвалнинг давоми

3.	Узилишлар жойини бартараф этиш	Ишлаб чиқариш ва таъминот жойи оралиғи масофасидаги тафовутни бартараф этиш	Ишлаб чиқариш ва истеъмол жойи оралиғи масофасидаги тафавутни ташиш функциясини амалга ошириш орқали бартараф этиш
4.	Захираларни шакллантириш	Ишлаб чиқариш қувватидан максимал фойдаланиш учун таъминот захирасига эга бўлиш	Турли вақтда хилма-хил товарларга ўзгариб турган талабни барқарорлаштиришга эришиш
5.	Сифат кафолати	Хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни ташиш ва сақлаш жараёнида сифатни назорат қилиш	Товарларни келгусида сотувга тайёрлаш. Бунда саралаш, қадоқлаш, тозалаш, ассортиментларга ажратиш каби операциялар бажарилади
6.	Нарх барқарорлиги	Ишлаб чиқариш воситалари, хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни улгуржи харид қилиш орқали таннархни пасайтириш имкониятига эга бўлиш	Катта партияларда товарларни харид қилиш натижасида чегирмаларга эга бўлиш, ташиш, қадоқлаш каби харажатлар бўйича ва паст нархларда товарларни таклиф этиш имкониятлари орқали устунликка эришиш
7.	Молиялаштириш	Молиявий ресурслар тақчиллиги шароитида ишлаб чиқариш воситалари, хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни инвестициялаш орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	Товар хариди ва унинг тўлови оралиғидаги вақт бўйича узилишларда кредит таклиф қилиш. Агар савдо корхонаси қисқа муддатли кредит бўйича етказиб беришни ташкил қилса, харидорлар товар кредитини олади.

10.1-жадвалнинг давоми

8.	Бозор тадқиқотлари ва бозорни ўзлаштириш	Ишлаб чиқариш-техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулотлар бозорини ўрганиш	Улгуржи савдо корхонаси мавжуд товар учун янги бозорни узлаштириш ёки реклама орқали бозорни кенгайтириш каби муҳим вазифани бажаради
9.	Сақлаш	Ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш учун етарли ҳажмдаги захира яратиш	Товарларни сақлаш ҳар доим зарур, чунки ишлаб чиқариш ва истеъмол цикллари вақт бўйича ҳамма вақт ҳам мос келмайди. Ишлаб чиқариш ва истеъмол циклларининг замон ва макон бўйича мувофиқлигини таъминлаш

Фикримизча, пандемиядан кейинги даврда «таъминот-ишлаб чиқариш-тақсимот» занжирида улгуржи савдо бажарадиган функциялар мамлакат ҳудудларини комплекс тарзда мутоносиб ривожлантиришда муҳим аҳамият касб қилади. Шу сабабли пандемиядан кейинги даврни ҳисобга олган ҳолда улгуржи савдонинг функционал тизими лойиҳаланиши талаб қилинади.

Бу ҳолда ТМР ҳаракатига сарфланадиган вақт ва маблағни тежайдиган, бозор муносабатларининг ўзгариши ва мураккаблашуви билан таъминот ва тақсимот жараёнлари сифат ва миқдор кўрсаткичларига қўйиладиган талабнинг ўсишини ҳисобга оладиган, келажакда мослашувчан ишлаб чиқариш ва етказиб бериш тизимларининг яратилишини ҳисобга оладиган, ТМР ҳаракатининг мавжуд тизимидан оптимал каналларни танлаш ва янгисини лойиҳалаш, шакллантириш муаммоси пайдо бўлади.

Улгуржи савдо макро даражадаги физик тақсимот функциясини амалга ошириш жараёнида замонавий бозор инфратузилмасининг кўплаб, турли-туман тузилмалари хизматидан фойдаланади. Улар етказиб бериш каналининг бўғинлари ҳисобланиб, улар ўртасида мураккаб алоқалар тузилишига эга бўлиши табиий

ҳол. Етказиб беришда бундай мураккаб алоқаларнинг вужудга келиши моддий ресурслар ҳаракатини мавжуд моделларини модернизация ва модификация қилишни тақозо қилади.

Пандемиядан кейинги даврда товарларни етказиб бериш тизими даражасини ошириш ҳамда истеъмол бозорида тайёр товарлар ҳаракатини самарали ташкил этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– ТМР ҳаракати моделларини модификациялаш моддий ресурслар оқимини ташкил қилиш ва бошқаришнинг айрим масалалари ҳамда йўналишларини оптималлаштириш;

– тақсимот марказларини оптимал жойлаштириш;

– моддий ресурсларни етказиб беришда улгуржи савдонинг функцияларини ва моддий ресурсларнинг оптимал партия (қисм, миқдор)ларни аниқлаш;

– буюртмаларнинг оптимал миқдорини аниқлаш; ташишнинг оптимал маршрутларини ишлаб чиқиш.

10.2. Пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдони ривожланиши билан боғлиқ маркетинг масалалари

Пандемиядан кейинги шароитда Ўзбекистонда саноат ва қайта ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини самарали юритиш, қишлоқ хўжалигида диверсификация ишларини давоми эттириш, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, истеъмол бозорини тўйинтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида тармоқлараро товар-моддий ресурслар ҳаракатини ташкил этиш ва алоқаларни боғлашда улгуржи савдонинг ўрни беқиёсдир. Чунки мамлакатда товар-моддий ресурслар ҳаракатини ташкил этишда хомашё таъминотидан то тайёр маҳсулотларни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган циклда улгуржи савдонинг роли янада ортади. Улгуржи савдо товар-моддий ресурслар ҳаракатининг “таъминот-ишлаб чиқариш” ва “ишлаб чиқариш-истеъмол” занжирларида бир маромда тўхтовсиз ишлашини таъминлайдиган оралиқ шохобча ҳисобланади.

Улгуржи савдо саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотишга, чакана савдо айланмасига, улгуржи савдони амалга ошириш билан боғлиқ инфратузилмавий хизматларнинг (логистик, транспорт, биржа, божхона) ҳажмига, пировардида ЯИМ ҳажмига ўз таъсирини кўрсатади. Умуман иқтисодиётда товар-моддий ресурлар ҳаракатини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ барча операцияларни қамраб олади.

Демак, мамлакат иқтисодиётида моддий-товар ресурсларни ташкил этиш ва бошқаришни улгуржи савдо хизматини кўрсатишсиз тасаввур этиш қийин. Чунки улгуржи савдо товар бозорлари ривожида муҳим таркибий тузилма ҳисобланади. Шундай экан, пандемия шароитида улгуржи савдо тизимини Республикамиз иқтисодиётининг келгуси тараққиётини белгиловчи муҳим соҳа сифатида ривожлантириш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Пандемия шароитида дунё бўйлаб, шу жумладан Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам савдо фаолияти тўхтаб қолгани йўқ. Савдо фаолиятида улгуржи савдонинг аҳамияти, ишлаб чиқариш корхоналарини хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш ҳамда истеъмол бозорини, яъни чакана савдо корхоналарини тайёр маҳсулотлар билан мунтазам таъминлаб туриш билан ҳам баҳоланади.

Шу сабабли савдо корхоналарининг фаолияти тўхтамасдан давом эттирилди. Чакана ва улгуржи савдо корхоналарининг товар ассортименти таркиби ва товар айланмаси ҳажми турлича бўлади. Хусусан, чакана савдода товар ассортименти кенг ва ундан озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳиссаси юқори бўлса, улгуржи савдо товар ассортименти чегараланган ва унда ноозиқ-овқатларнинг ҳиссаси юқори бўлади.

Бунинг асосий сабабларидан бири, чакана савдода тўғридан-тўғри аҳолига савдо хизмати кўрсатилади. Аҳолининг бирламчи эҳтиёжлари озиқ-овқат маҳсулотлари бўлганлиги учун ҳам савдонинг бу турида ушбу маҳсулот турларининг улуши юқоридир. Улгуржи савдо корхоналар ўртасидаги савдо бўлганлиги учун ҳам ишлаб чиқариш корхоналарига хомашё ярим тайёр маҳсулотлар, техник-мақсадга мўлжалланган моддий ресурслар

етказиб берилади. Шунингдек, мураккаб маиший техника товарлари, енгил саноат маҳсулотлари ва бошқа кўплаб ноозиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи савдо корхоналари орқали сотилади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда чакана ва улгуржи савдо айланмаси таркиби ўсиб бормоқда (10.2-жадвал).

Чакана савдо товар айланмасида озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ўртасидаги тафовут кескин фарқ қилмайди. 2019 йилдаги чакана савдо товар айланмаси таркибида ноозиқ-овқатлар 96951,5 млрд. сўм, улгуржи савдо таркибида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг ҳажми 17731,3 млрд. сўмни ташкил этган.

10.2-жадвал

Чакана ва улгуржи савдо товар айланмаси таркиби[159] (млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2015	2016	2017	2018	2019
Чакана савдо товар айланмаси ҳажми	**71184,1**	**88071,6**	**105229,9**	**133195,2**	**166094,4**
шу жумладан: озиқ-овқат маҳсулотлари	33757,2	42752,9	48396,2	57021,2	69142,9
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	37426,9	45318,7	56833,7	76174,0	96951,5
Улгуржи савдо товар айланмаси ҳажми	**30413,1**	**38302,0**	**42185,9**	**63528,5**	**93322,8**
шу жумладан: озиқ-овқат маҳсулотлари	5789,5	8152,3	8511,6	10963,8	17731,3
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	24623,6	30149,7	33674,3	52564,7	75591,5

Улгуржи савдо товар айланмаси таркибида озиқ-овқат товарлари улуши 2019 йилда 19,0 фоизни (75591,5млрд. сўм), ноозиқ-овқат товарлари улуши 81,0 фоизни 17731,3 млрд. сўм) ташкил этган (10.1-расм).

[159]Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг нашрлари асосида тузилган.



10.1-расм. Улгуржи савдо товар айланмаси таркиби (% да).

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун ҳудудларнинг резерв ва имкониятларини тўғри баҳолаган ҳолда ҳудудларни мутаносиб ривожлантиришда улардан рационал фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Барча ҳудудларнинг имкониятлари бир хил эмас. Бир ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имкониятлари кўпроқ бўлса, иккинчисида саноат ишлаб чиқариш, яна бошқасида уларни қайта ишлаш, бошқасида транспорт инфратузилмаси ривожланган. Ҳудудларни бир текисда ривожлантиришда товар-моддий ресурсларни айрибошлаш ва оптимал тақсимлашнинг аҳамияти ошиб боради.

Яъни саноат ҳудудларига хомашё ва бошқа моддий ресурсларни етказиб бериш, бу ҳудуддан эса ярим тайёр маҳсулотларни, бутлов ва эҳтиёт қисмларни қайта ишлаш корхоналари жойлашган ҳудудларга, натижада тайёр маҳсулотларни истеъмол бозорига таклиф этишда улгуржи савдонинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Ҳудудларда ташкил этилаётган эркин иқтисодий ҳудудлар, кичик саноат ҳудудлари, логистик марказлар, омбор хўжаликлари ҳудудлар ўртасида товар-моддий ресурсларни бир текисда тақсимланишини таъминлашга қаратилган. Шунингдек саноатлашган ҳудудлардаги корхоналарга хомашё, эҳтиёт қисмлар, ярим

тайёр маҳсулотлар фақат ички манбалардан эмас, балки ташқи манбалардан ҳам келтирилади. Бунда юкларни келтириш, ташиш, сақлаш, партияларга ажратиш, етказиб бериш муҳим функциялардан ҳисобланади.

Ушбу функциялар улгуржи савдо корхоналари томонидан бажарилади. Улгуржи савдо корхоналари, улгуржи базалар, омборлар асосан саноатлашган, транспорт инфратузилмаси ривожланган ҳудудларда жойлашади. Улгуржи савдо корхоналари ва улгуржи базалар жойлашган ҳудудларда улгуржи товар айланмаси ҳам юқори бўлади. Натижада шу ҳудуднинг ялпи ҳудудий маҳсулотида транспорт-логистика, ташиш ва сақлаш, савдо хизматларининг улушини юқори бўлишига эришилади. Бундан ташқари товар-моддий ресурсларни ҳудудлар ўртасида ҳаракатланишини таъминлашда ҳам улгуржи савдонинг аҳамияти ортади.

Қайта ишлашни ташкил этишда хомашё, бутлов ва эҳтиёт қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар фақат ички манбалардан эмас, балки ташқи манбалардан келтирилганда, товар-моддий ресурсларни харид қилиш, қайта ишлаш корхоналарига етказиш вазифасини чакана савдо корхоналари бажара олмайди. Буни фақат улгуржи савдо корхоналари, биржалар амалга ошириши мумкин.

Пандемия шароитида улгуржи савдонинг Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини тўхтамасдан ишлашини таъминлашида товар захираси муҳим аҳамиятга эгадир. Улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотлари ўзининг йирик омбор хўжаликлари ва уларда сақланаётган товар-моддий ресурслари билан ҳам аҳамиятлидир.Улгуржи савдо корхона ва ташкилотларида доим захира яратилган бўлади. Айни дамларда шу захираларнинг иқтисодиёт тармоқлари учун қиймати баланддир.

Иқтисодий хўжалик юритиш механизмининг “ишлаб чиқариш-тақсимот-айрибошлаш-истеъмолчи” циклида товар ҳаракатини ташкил этиш ва бошқаришда улгуржи савдо корхона ва ташкилотларининг захиралари чакана савдо корхоналарини мунтазам товар таъминотини амалга оширишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Улгуржи савдо ташкилотларининг асосий иқтисодий кўрсаткичларига улгуржи товар айланмаси, товар захиралари, товар захирасини кунларда айланиши кабилар киради. Улгуржи савдо айланмасини улгуржи корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари шаклланишининг асосини ташкил қилади. Чунки барча иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар улгуржи савдои айланмасининг ҳосиласи ҳисобланади. Жорий ёки давр охиридаги товар захиралари миқдори улгуржи савдо айланмаси кўрсаткичи рентабеллигини тавсифловчи кўрсаткичдир. Улгуржи савдо айланмаси ўзгармаган ҳолда давр охиридаги товар захираси миқдорининг камайиши айланма маблағлардан фойдаланиш рентабеллигини ўсганлигини кўрсатади ва аксинча. Товар захираси қолдиғи, кунларда кўрсаткичи, ўртача суткалик истеъмолнинг ҳисобланган қийматида неча кунлик товар захираси қолганлигини ифодалайди. Бу учун кўрсаткич улгуржи савдо фаолиятини рационал бошқаришнинг инструментал кўрсаткичлари ҳисобланади.

Энг эътиборли жиҳати Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган улгуржи савдо корхона ва ташкилотларининг улгуржи савдо айланмаси ҳам товар захираси ҳамда унинг кунларга етиш даражаси ҳам ўсиб бормоқда (10.3-жадвал).

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, Республика улгуржи савдо ташкилотларининг улгуржи товар айланмаси ва товар захиралари кўрсаткичлар бўйича динамикаси ўсиш тенденциясига эга. Товар захираси, кунларда кўрсаткичи ҳам ўсмоқда. Охирги уч йилда товар захираси қолдиғи уч ойни ташкил этмоқда. Бундай ҳолат улгуржи савдо корхоналарида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишини кўрсатади. Демак, бу ерда товар захирасини бошқариш билан боғлиқ бўлган муаммо мавжуд.

Товар захиралари иқтисодиётнинг ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқ шакллантирилиши керак. Агар товар захиралари зарурий ижтимоий даражадан юқори бўлса, уларга кераклигидан кўпроқ айланма маблағлар жалб этилган бўлади. Бу эса кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига анча зарар етказади. Захираларнинг етишмаслиги ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ва истеъмолда тақчилликни келтириб чиқаради. Бу

иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

10.3-жадвал

Улгуржи савдо ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари[160]

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Улгуржи товар айланмаси, млрд. сўм	30413,0	38301,6	42185,9	63528,5	93 322,8
Товар захиралари (йил охирида), млрд. сўм	7780,1	9489,9	10767,3	13166,7	14 316,5
Товар захираси кунларда	92	89	92	92	55
Улгуржи товар айланмасини ўсиш суръати	107,1	116,5	110,2	126,8	128,6

Бундан ташқари, талаб ва таклиф мувофиқлигининг тасодифий бузилишлари ҳам товар захираларининг ўзгариши ҳисобига тенглаштирилиши керак. Бу ҳолда нафақат узлуксиз савдо таъминланади, балки талаб ўзгарган пайтларда талаб ва таклиф ўртасидаги тўғри мувозанатни сақлаб қолиш имкониятини беради.

Қайд қилиш керакки, товарларни истеъмолчиларгача етказиш буюртмаларга кўра амалга оширилади. Товарларга бўлган талабнинг динамиклигини, товарларни истеъмол жойигача етказиб беришга эса уни кечиктириши мумкин бўлган тасодифий омиллар таъсир қилиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда товар захираларини ҳосил қилиш ва уларни керакли миқдорда сақлаб туриш ҳам талаб қилинади. Сотиш давомида товар захиралари камайади ва захиранинг камайган қисми зарурий миқдордаги товарлар билан тўлдирилиши керак. Акс ҳолда шаклланган ассортиментнинг барқарорлиги бузилади ва ноқулай шароитлар туғилади, бунинг натижасида эса улгуржи корхона фойдасини тўлиқ ололмайди, мижозларга хизмат кўрсатиш ёмонлашади.

[160] Йиллик статистик ҳисоботлар (www.stat.uz) маълумотлари

Улгуржи савдода товар-моддий ресурслар захирасини шакллантириш, товар ассортименти ва миқдорини меъёр даражасида ушлаб туриш катта миқдордаги молиявий маблағлар, меҳнат ресурсларини сарфлашни ҳамда етарли қувватдаги моддий техника базасидан фойдаланишни тақозо этади. Товар захираларини меъёрлаштириш маркетинг логистикасининг мақсадларига истеъмолчиларни қониқтириш жиҳатидан ҳам, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига ҳам таъсир кўрсатади. Товар захиралари билан боғлиқ ҳолда улгуржи савдода кўрсатиладиган хизматлар таркиби шаклланади.Товар айланмасининг ўсиши билан товар захиралари ҳажми ҳам мамлакатимизда ўсиб бормоқда (10.2-расм).



10.2-расм. Улгуржи савдо ташкилотларининг товар захиралари ҳақида маълумот (йил охирида, млрд. сўм).

Пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдо корхоналарида товар захираларини яратиш ва уни оптимал бошқариш зарурлигининг бир нечта сабаблари мавжуд.

Асосий сабаб ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёни узлуксизлигини таъминлашдир. Чунки, улгуржи савдо корхоналари ишлаб чиқарувчи корхоналарни хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар билан таъминлайди. Етарли захираларнинг

бўлмаслиги сабабли технологик жараённинг тўхташи ишлаб чиқариш корхоналарининг катта миқдорда зарар кўришига олиб келиши мумкин.

Иккинчи сабаб хомашёни тайёрлашнинг мавсумийлиги бу асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи фирма ва компаниялар фаолиятига тааллуқли.

Учинчи сабаб, истеъмол бозорида тайёр маҳсулотлар тақсимотини амалга ошириш. Улгуржи савдо корхоналари тайёр маҳсулотларни чакана савдо корхоналарига етказиб беришни таъминлайди. Бунда улгуржи савдо корхоналарида захиранинг мавжудлиги муҳимдир.

Тўртинчи сабаб, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ишлатадиган хомашё нархини ўзгаришининг мавсумий характерга эгалигидир. Яъни нархлар арзон пайтда етарли миқдордаги захирани яратиб, улардан нархлар қимматлашган даврда ишлаб чиқаришда фойдаланиш.

Захиралар яратиш ва уларни сақлаш билан боғлиқ бўлган асосий муаммо, бу катта миқдордаги айланма маблағларнинг хомашё ва моддий ресурслар кўринишида «музлаб» қолишидир. Бу жараённи иқтисодий адабиётларда маблағларнинг иммобилизацияси дейилади. Айланма маблағларнинг айланиш тезлиги қанчалик юқори бўлса, иқтисодиёт шунча рентабелли ҳисобланади. Айланма маблағлар айланиш тезлигининг ошиши деганда, хомашё ва моддий ресурслар захираси ҳажмининг камлиги ва захирада узоқ муддат сақланмаслиги тушунилади. Бунга эришиш учун захираларнинг оптимал даражасини аниқлаш керак ва уларни оптимал бошқариш талаб қилинади. Статистик маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки кейинги ўн йилликлар мобайнида, айниқса макроиқтисодиётда моддий ресурслар захирасининг ҳажми ва уларни сақлашга қилинаётган харажатлар ҳажми ўсиш тенденциясига эга.

Кўпгина улгуржи савдо корхоналари захираларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни аниқ баҳоламайдилар ва натижада катта миқдордаги маблағларни сарф қиладилар. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, захиралар билан боғлиқ бўлган харажатларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир. Улгуржи савдода захиралар билан боғлиқ бўлган харажатларни баҳолашда капитал

харажатлар, захираларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, омбор харажатлари, хатар билан боғлиқ харажатларга эътибор қаратиш лозим.

Улгуржи савдо корхоналарида маҳсулотлар захираси нормасининг иқтисодий моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Улгуржи савдо корхонаси истеъмолчи буюртмасига мос, ассортиментни буюртмада кўрсатилган миқдорда шакллантириш талаб қилинади. Бунда улгуржи савдо корхонаси томонидан товар-моддий ресурсларни саралаш, қадоқлаш, тайёрлаш, юклаш, жўнатиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ операциялар бажарилади.

Истеъмолчи буюртмаси бажарилгандан сўнг, захирани тўлдириш масаласи қўйилади. Бу ерда захирани тўлдириш учун таъминотчиларга қанча миқдорда буюртма бериш кераклиги, буюртмани бериш ва бажариш вақтлари тўғрисида мақбул қарорларни қабул қилиш муаммоси юзага келади. Умумий ҳолда улгуржи савдо корхонаси томонидан товар-моддий ресурслар захирасини оптимал бошқариш бўйича кирувчи ва чиқувчи буюртмалар билан боғлиқ бўлган логистик операциялар комплекси бажарилади. Улгуржи савдо корхонаси томонидан ушбу операция ва функцияларни самарали бажариш учун захира ҳажми, буюртма миқдори, буюртмани бериш ва бажариш вақтларининг илмий-иқтисодий, техник-технологик ва ташкилий-таркибий жиҳатлардан асосланган меъёрларини ишлаб чиқиш муаммосини ҳал қилиш вазифаси ҳам вужудга келади.

Улгуржи савдо корхоналари фаолиятининг натижаси улар томонидан товар-моддий ресурслар ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқариш тизими қандай даражада лойиҳаланганлиги ва фойдаланилаётганлигига боғлиқ. Жаҳон амалиётида бундай тизимларни лойиҳалашнинг асосида логистик ёндашув ётади. Логистика концепциясига кўра товар-моддий ресурслар оқими (ҳаракати) буюртмаларни on-line режимида бериш ва оптимал бошқариш орқали захираларнинг оптимал миқдорини яратиш эвазига амалга оширилади.

Таҳлил натижалари улгуржи савдо корхоналарида захираларни сақлаш, уларга эгалик қилиш ва буюртмаларни бажариш

билан боғлиқ бўлган логистик сервис хизмат харажатларини баҳолаш муаммоси мавжудлигини кўрсатди.

Пандемиядан кейинги даврда товар захирасини яратиш бўйича таклиф ва тавсияларимиз қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларининг улгуржи савдо билан интеграциясини таъминлаш, келгусида иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида ихтисослашган йирик улгуржи савдо ташкилотларини ташкил этиш. Ташкил этиладиган улгуржи савдо ташкилотларининг республикамизнинг барча ҳудудларида ҳудудий корхоналарини ташкил этиш тармоқ ичида товар-моддий ресурслар ҳаракатини, буюртмалар бериш, сақлаш, етказиб бериш, сотувдан кейинги сервисни кўрсатиш самарадорлиги ошишига олиб келади.

2. Улгуржи савдода товар захираларини самарали бошқариш, сақлаш ва етказиб бериш тизимида рақамли технологияларни қўллаш негизида ахборот технологияларининг 3PL ва 4PL провайдерлик хизматларини жорий этиш.

3. Улгуржи савдонинг маҳсулот етказиб бериш “улгуржи савдо-ишлаб чиқариш” ва “улгуржи савдо-чакана савдо” занжирларидаги товар ҳаракати ривожланишини прогнозлашнинг “on-line” режимида “мижоз талабини аниқ муддатда, керакли ҳажмда ва талаб этилган сифат даражасида қондириш” моделини такомиллаштириш.

4. JIT (just in time) «ўз вақтида», MRP (material requirements planning) моддий ресурсларни режалаштириш ва MRP II (manufacturing resource planning) ишлаб чиқариш ресурсларини режалаштириш ва тақсимотини ташкил этиш концепциясини рақамли маркетинг технологиялари асосида улгуржи савдо фаолиятига мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси улгуржи савдо ташкилотлари ва корхоналарининг улгуржи товар айланмасида айнан B2B тизимидаги техник-ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлар улуши юқори ҳисобланади. Жумладан, республика улгуржи товар айланмасида техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (12,4%), машинасозлик маҳсулотлари, механик асбоб-ускуналар, машиналар ва дастгоҳлар (4,5%), кийим-кечак ва унга тегишли буюм-ашёлар ҳамда

газламалар (1,3%) ва металл буюмлари прокати (0,5%) етакчи улушни эгаллайди. Ишлаб чиқаришни ривожланиши бу маҳсулотларга бўлган талабнинг ошишига унга мос ҳолда тўғри пропорционалликда улгуржи товар айланмаси ўсишига олиб келади.

B2B тизимида улгуржи савдони ривожлантиришда маркетингга оид муҳим масалалардан бири харидорлар (ишлаб чиқариш корхоналар) харид танловига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва харидорлар эҳтиёжини қондирилиш даражасини баҳолашдан иборатдир. Даставвал улгуржи сотувчилар саноат ва қайта ишлаш корхоналарининг техник-ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлар ҳамда ишлаб чиқариш воситалари харид танловига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки улгуржи сотувчилар фаолиятини истеъмолчиларга йўналтириш учун бу асос бўлади. Пировардида улгуржи сотувчилар фаолиятидан ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжини қондирилиш даражасини баҳолаш имконияти туғилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, муаллиф томонидан кичик бизнес субъектлари, тадбиркорлар, техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасида эксперт сўров ўтказилди. Эксперт сўровида асосий эътибор ишлаб чиқариш корхоналари ўз улгуржи товар етказиб берувчилари томонидан янги асбоб-ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ҳамда бошқа моддий ресурсларни харид қилишда қайси омилларга эътибор қаратиши ва омилларнинг муҳимлик даражаси тадқиқ қилинди. Харид танловига таъсир қилувчи омиллар 10 баллик шкалада баҳоланди (10.4-жадвал).

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш шароитида саноат ва қайта ишлаш корхоналари хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар, ускуналарни харид танловига таъсир қилувчи 11 та омил аниқланди. Аниқланган ишлаб чиқариш корхоналарининг истеъмол танловига таъсир қилувчи муҳим омиллар маҳсулотнинг ишончлилик ва қуввати, маҳсулотнинг эксплуатация давридаги хавфсизлиги, маҳсулотнинг ўз функциясига мувофиқлиги улгуржи сотувчига

эмас, бевосита таъминотчи корхонага боғлиқ. Қолган омиллар улгуржи сотувчиларнинг иш фаолияти маҳсулидир.

10.4-жадвал

B2B тизимида улгуржи товар харид қилишда ишлаб чиқариш корхоналарининг истеъмол танловига таъсир қилувчи омиллар таснифи ва уларнинг муҳимлик даражаси[161]

№	Улгуржи товар харид қилишда ишлаб чиқариш корхоналарининг истеъмол танловига таъсир қилувчи омиллар	Кўрсаткичларни муҳимлик даражаси (10 баллик шкалада)[162]
1.	Маҳсулотнинг ишончлилик ва қуввати	7,4
2.	Маҳсулотнинг эксплуатация давридаги хавфсизлиги	7,3
3.	Тўлов ва дастлабки харид шартлари	7,2
4.	Кафолат муддати ва сотувдан кейинги сервис	7,1
5.	Етказиб бериш ва эксплуатация харажатлари	6,9
6.	Маҳсулотнинг ўз функциясига мувофиқлиги	6,3
7.	Етказиб бериш ишончлилиги ва барқарорлиги	6,1
8.	Маҳсулотларни ишлаш муддати	5,6
9.	Етказиб берувчининг бозордаги мавқеи, обрўси ва савдо маркасининг машҳурлиги	3,9
10.	Маҳсулотни сотиш усуллари ва сотишни рағбатлантириш	3,0
11.	Янги турдаги маҳсулотлар ҳақида ахборотларни етказилиши	2,3

[161] Жадвал муаллифнинг эксперт сўрови асосида йиғилган ахборотларни қайта ишлаш натижасида тузилган.

Ишлаб чиқариш корхоналари “таъминот-ишлаб чиқариш” занжирида ўз улгуржи сотувчилари ва улар сотадиган маҳсулотларни харид қилишда ҳисобга олиниши лозим бўлган омиллар муҳимлик даражаси бўйича ҳам ўрганилди. Харид танловига таъсир қилувчи омилларнинг муҳимлик даражаси шартли равишда уч гуруҳга бўлинди:

– катта таъсир кўрсатади ва муҳимлиги юқори (7-10 балл);

– муайян таъсирга эга ва муҳимлиги ўртача (5-6,9 балл);

– жуда оз таъсир қилади ва муҳимлиги паст (1-4,9 балл). Ушбу омилларнинг мезонлари қуйидаги жадвалда келтирилган (10.5-жадвал).

Ҳар бир B2B тизимида ишлайдиган улгуржи сотувчилар маркетинг фаолиятида ўз харидорларининг эҳтиёжини ўрганишда юқоридаги омилларга эътибор қаратса мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар қандай корхонанинг маркетинг фаолиятида харидорлар эҳтиёжини ўрганиш баробарида, улар эҳтиёжини қондирилиш даражасини баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу жумладан, улгуржи савдо корхоналари учун ҳам бу муҳимдир.

Харидорлар эҳтиёжини қондирилиш даражаси бўйича V.A.Zeitaml, L.L.Berry, A.Parasuraman. кенг қамровли илмий изланишлар олиб борган. Ушбу илмий изланишларда истеъмол товарлари ва сервис сифат даражасидан истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондирилиш даражаси ўрганилган. Лекин улгуржи савдо фаолияти ва унинг сервисидан харидорлар эҳтиёжини қондирилиш даражасига эътибор кам қаратилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотларимиз давомида улгуржи савдо фаолиятида харидорлар эҳтиёжини қондирилиш даражасини аниқлаш методикаси таклиф этилди.

10.5-жадвал

Харид танловига таъсир қилувчи омилларнинг муҳимлик даражаси бўйича таснифи[163]

№	Харидга таъсир қилувчи омиллар таъсир даражаси	Танлов мезонлари
1.	Катта таъсир кўрсатади:	Маҳсулотнинг ишончлилик ва қуввати. Маҳсулотнинг эксплуатация давридаги хавфсизлиги. Тўлов ва дастлабки харид шартлари. Кафолат муддати ва сотувдан кейинги сервис.
2.	Муайян таъсирга эга:	Етказиб бериш ва эксплуатация харажатлари Маҳсулотнинг ўз функциясига мувофиқлиги Етказиб бериш ишончлилиги ва барқарорлиги Маҳсулотларни ишлаш муддати
3.	Жуда оз таъсир қилади:	Етказиб берувчининг бозордаги мавқеи, обрўси ва савдо маркасининг машҳурлиги. Маҳсулотни сотиш усуллари ва сотишни рағбатлантириш. Янги турдаги маҳсулотлар ҳақида ахборотларни етказилиши.

Улгуржи савдо фаолиятидан харидорлар эҳтиёжини қондирилиш даражасини аниқлаш қуйидагича тартибда амалга оширилади:

1. Харид танлови кўрсаткичларидан $К_{С1}$, $К_{С2}$, $К_{С3,...}$ $К_{Сn}$ респондентнинг $Р_1$ эҳтиёжини қондирилиш даражасининг ўртача баҳоси ($S_{Сn}^{Кk}$). Ҳар бир респондент учун ҳисоб-китоб қилинади.

$$S_{Сn}^{Кk} = \frac{P_1^{КС1} + ... + P_1^{КСn}}{k} \qquad (1.1)$$

бунда, $Р_1$ – респондент;

$К_{С1},..., К_{Сn}$ – ўрганилаётган харид танлови кўрсаткичлари;

[163] Муаллифнинг маркетинг тадқиқотларида бирламчи ахборот йиғишнинг фокус-гуруҳ, сўров ва кузатиш каби усуллар орқали йиғилган ахборотларни қайта ишлаш натижасида тузилган.

$P_1^{K_{C1}} + \ldots + P_1^{K_{Cn}}$ – харид танлови кўрсаткичларига $К_{C1,\ldots,}$ $К_{Cn}$ респондентнинг $Р_1$ баҳоси;

k- таҳлил қилинаётган харид танлови кўрсаткичларининг сони.

2. Харид танлови кўрсаткичига $К_{Cn}$ респондентлар $Р_1\ldots,$ $Р_n$ эҳтиёжи қондирилиш даражасининг ўртача баҳоси ($S_{C_n}^{P_n}$). Ҳар бир кўрсаткич учун ҳисоб-китоб қилинади.

$$S_{C_n}^{P_n} = \frac{K_{C_n}^{P_1} + \ldots + K_{C_n}^{P_n}}{m} \quad (1.2)$$

бунда, $К_{Cn}$ – ўрганилаётган харид танлови кўрсаткичлари;

$Р_1\ldots,$ $Р_n$ – респондентлар;

$K_{C_n}^{P_1}, \ldots, K_{C_n}^{P_n}$ – харид танлови кўрсаткичига $К_{Cn}$ респондентларнинг $Р_1\ldots,$ $Р_n$ баҳоси;

m – респондентлар сони.

3. Улгуржи савдо фаолиятидан респондентлар эҳтиёжини қондирилиш кўрсаткичи (S_C).

$$S_C = \frac{\sum_{i=1}^{m} S_{C_n}^{K_n}}{m} = \frac{\sum_{i=1}^{k} S_{C_n}^{P_n}}{k} \quad (1.3)$$

бу ерда, $S_{C_n}^{P_1}$ – харид танлови кўрсаткичларидан $К_1\ldots,$ $К_n$ битта респондент $Р_1$ эҳтиёжини қондирилиш даражасининг ўртача баҳоси;

$S_{C_1}^{P_n}$- харид танлови кўрсаткичидан $К_1$ респондентлар $Р_1\ldots,$ $Р_n$ эҳтиёжларини қондирилиш даражасининг ўртача баҳоси;

к – таҳлил қилинаётган харид танлови кўрсаткичларининг сони;

m – респондентлар сони.

B2B тизимида ишлаётган улгуржи савдо корхоналари ўз харидорлари эҳтиёжини қондирилиш даражаси мониторингини олиб бориши, рақобатли бозор шароитида муваффақиятга эришишини таъминлайди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда B2B тизимида улгуржи савдони стратегик ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– қайта ишлаш соҳасида «таъминот-ишлаб чиқариш» занжирида «бизнес учун – бизнес» (B2B) тамойили бўйича товар-моддий ресурсларни етказиб бериш тизимини ривожлантириш;

– улгуржи савдо корхона ва ташкилотлари маркетинг фаолиятида харидорларга сервис кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш;

– улгуржи савдода логистик сервисни лойиҳалаш ва жорий қилиш орқали сервис кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш;

– улгуржи савдода сотувдан олдинги ва кейинги сервисни ташкил этиш орқали улгуржи хизматларнинг таркибини дифференцация қилиш;

– ишлаб чиқариш корхоналарининг улгуржи харидга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, харид танлови мезонлари асосида улгуржи савдо билан шуғулланувчилар ўз фаолиятларини тўлиқ харидорларга йўналтириши лозим.

B2B тизимида улгуржи савдо ривожланиши муаммоларини ечиш, қатор муҳим чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдам берувчи улгуржи савдонинг рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигини ошириш учун таклиф ва тавсияларимиз қуйидагилардан иборат:

1. Қайта ишлаш учун хомашё, яримтайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсулотларини “бизнес учун - бизнес” (B2B) тамойили бўйича етказиб бериш тизимини ривожлантиришда “таъминот-ишлаб чиқариш” занжирида фаолият юритадиган ихтисослашган улгуржи савдо корхона ва ташкилотлари уюшмасини ташкил этиш. Уюшманинг маркетинг фаолиятида ишлаб чиқариш корхоналарининг эҳтиёжини ўрганиб бориш, улгуржи савдо сервиси даражасини ошириб бориш вазифалари белиглаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

2. B2B тизимида ишлаётган улгуржи савдо корхоналари ўз мижозлари эҳтиёжини юқори даражада қондирилишини таъминлашга фақат юқори сифатли логистик сервисни ташкил этиш орқали эришиш мумкин. Чунки, ишлаб чиқариш корхоналарининг харид танловига таъсир қиладиган кафолат муддати ва сотувдан кейинги сервис, етказиб бериш ва эксплуатация харажатлари, етказиб бериш ишончлилиги ва барқарорлиги, етказиб берувчининг бозордаги мавқеи кабилар улгуржи савдо фаолиятида бажариладиган логистик операцияларга боғлиқдир. B2B

тизимидаги улгуржи савдода логистик операцияларни оптимал бошқариш мақсадида республикамиз ҳудудларида макро ва микро даражадаги савдо логистик марказларни ташкил этиш лозим.

3. B2B тизимидаги улгуржи савдо корхоналари фаолиятида харидорларга сервис кўрсатиш тизимини ривожлантиришда сотувдан олдинги ва кейинги сервисни йўлга қўйиш, маҳсулотларга хизмат кўрсатувчи сервис марказлари тармоғини кенгайтириш зарур.

4. Ишлаб чиқариш воситалари, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги етиштирувчи кластерларнинг ўз улгуржи савдосини ривожлантириш. Қайта ишлаш ва саноат корхоналари билан тўғридан-тўғри улгуржи савдони амалга ошириш харид танловига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда бугунги кунда улгуржи савдонинг асосий қисми мустақил улгуржи савдо корхона ва ташкилотлар, улгуржи воситачиларга тўғри келмоқда.

10.3. Пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдони ривожлантиришда хориж тажрибаси ва ундан мамлакатимиз амалиётида фойдаланиш

Ҳозирги кунда Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг энг юқори суръатлар билан ривожланаётган соҳаларидан бири савдо ҳисобланади. Савдо асосан аҳоли бандлиги, ишлаб чиқариш, саноат корхоналарининг ва аҳолининг эҳтиёжини қондириш, давлат бюджетига солиқ тушумларини таъминлаш ва шу билан мамлакатнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда савдо фаолиятини янада ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалар қаторида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, эркин савдо зоналарини ташкил этиш, ички ва ташқи савдо фаолиятини тартибга соладиган қонун лойиҳаларини ишлаб

чиқиш, маҳаллий маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиб беришда транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш кабилар белгилаб берилди.

Савдо бозор муносабатларининг асосий ташкилотчиси бўлиб, тижорат операцияларини амалга оширилишини таъминлайдиган катализатор ҳисобланади. Савдонинг муҳим шакли улгуржи савдо техник-ишлаб чиқариш мақсадларга мўлжалланган маҳсулотлар (ишлаб чиқариш воситалари) бозори ва истеъмол бозорида талаб ҳамда таклиф мувозанатини таъминлашда муҳим фаолият ҳисобланади.

Улгуржи савдо корхоналари товар ишлаб чиқарувчилар, чакана савдо корхоналари, воситачи корхоналар ва бошқа харидорлар ўртасида иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, товарлар айрибошлашни ташкил этади. Улгуржи савдо ривожланишининг асосий кўрсаткичи бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналарининг хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжи, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаби ва харид қобилияти даражаси ҳисобланади. Улгуржи товар айланмаси ўсиши, шунингдек, маркетинг нуқтаи назаридан истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатидаги харид танлови, талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тадбирлари, товарларнинг ҳаётий цикли босқичлари, логистик сервис: меъёрида товар захиралари бўлишини таъминлаш, керакли жойга, керакли ҳажмдаги товарларни, ўз вақтида етказиб бериш, сотувдан кейинги сервис кабилар билан ҳам боғликдир.

Улгуржи товар айланмаси микроиқтисодий кўрсаткич сифатида улгуржи савдо ташкилоти ёки корхонасининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Улгуржи товар айланмаси ҳажми ҳар қандай улгуржи савдо корхонасининг бозордаги рақобатбардошлигини, унинг бозор улушини ва бозордаги барқарорлик даражасини, истеъмолчилар томонидан талаб қилинадиган товарларни сотиш имкониятини тавсифлайди. Муайян бозорда ёки унинг сегментида улгуржи савдо корхонасининг рақобатбардошлигини баҳолаш улгуржи товар айланмасини синчковлик билан таҳлил қилишга асосланган ва корхонанинг бозордаги потенциал имкониятларини аниқлашга имкон беради.

Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгартиришлар, саноатда диверсификацияни амалга оширилиши улгуржи савдо фаолиятида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификацияни амалга оширишни тақозо қилмоқда. Мамлакат иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ўртасида алоқаларни боғлайдиган, уларнинг интеграцияси ва кооперациясини таъминлайдиган фаолият улгуржи савдо ҳисобланади. Бу борада хорижий тажрибани ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида улгуржи савдо фаолиятида таркибий ўзгартиришлар ва диверсификацияни амалга ошириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Улгуржи савдо фаолиятининг замонавий ривожланиши хориж амалиётида 70- йилларнинг ўрталарига тўғри келди. Бундан 30 йил олдин, хорижий маркетинг мутахассислари улгуржи савдо корхоналарини ижтимоий ҳаёт саҳнасидан йўқолиб кетишини айтишган. Аммо ушбу прогнозлардан фарқли ўлароқ, улгуржи савдо ўзининг позициясини шу қадар мустаҳкамлаб, иқтисодиётда муҳим роль ўйнай бошлади. Хорижий иқтисодчиларининг фикрига кўра, улгуржи савдо ташкилотлари замонавий илмий-технологик инқилоб шароитида ўз фаолиятини қайта ташкил этиш, янги шароитларга мослашиш, саноат ва чакана савдо билан янги алоқалар шаклининг ўрнатилиши, ишлаб чиқариш ва чакана савдо корхоналарига хизмат кўрсатиш функцияларини ўз зиммаларига олиши сабабли муваффақиятга эришиб келмоқда. 80-йилларда улгуржи савдо хизматлари ҳажми кенгайиш тенденцияси сезиларли даражада ошди.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар товар бозорларида сотиладиган маҳсулотларнинг асосий қисми улгуржи-воситачилик тузилмаси орқали сотилади. Чунки, кўпчилик товар ишлаб чиқарувчилар, айниқса, кичик ва ўрта корхоналар ўзларининг хусусий тақсимот каналларини яратишга маблағларини сарфлашларидан кўра товарларини улгуржи-воситачилик тузилмалари орқали сотишни самаралироқ деб ҳисоблашади. Сўнгги 20 йил ичида Ғарбий Европа мамлакатларида товарларни сотишда улгуржи-воситачилик фаолияти 25 фоиздан 40-45 фоизга ошди. Бундан ташқари, Англияда чакана товар айланмасининг қариб 25 фоизи улгуржи-воситачилик орқали ўтган бўлса, АҚШда бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил этмоқди.

Хорижий мамлакатларда бугунги кунда улгуржи савдо фаолиятининг савдо функцияларини диверсификация қилиш жараёни жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Улгуржи савдо корхоналарининг кўпайиб бориши уларнинг фаолиятини фақат асосий операциялар билан чекланиб қолмасдан, балки саноат корхоналари билан кооперациялашуви, ўзининг ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, шунингдек чакана савдога фаол кириб бормоқда. Улгуржи савдо корхоналари тизими саноат корхоналари тижорат хизматлари таркиби ўзгариши натижасида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда чуқур ўзгаришлар кузатилмоқда. Улгуржи савдо корхоналарининг жадал ривожланиши таъминот-тақсимот фаолияти эҳтиёжлари билан ҳам боғлиқ бўлмоқда.

Хорижий мутахассислар қуйидаги асосий йўналишларда улгуржи савдо корхоналарини келгусида юқори даражада ривожланиш тенденциясини таъкидламоқдалар:

1) фаолиятнинг функционал йўналишлари бўйича (мустақил улгуржи-ишлаб чиқариш тақсимоти, чакана савдо ташкилотларининг улгуржи-таъминоти ва бошқалар);

2) товарга эгалик қилиш ҳуқуқига қараб;

3) товарнинг ихтисослашуви бўйича (сотиладиган товарлар ассортиментининг кенглиги).

Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шароитида улгуржи савдо фаолиятини ривожлантириш, улгуржи товар айланмасини ошириш саноатда чуқур таркибий ўзгартиришлар ва диверсификация билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам улгуржи савдонинг роль ва ўрни янада ортиб бормоқда. Бугунги кунда улгуржи савдо фаолиятини замонавий бозор механизмларига мос равишда саноат ва чакана савдо билан алоқаларни ташкил этишнинг янги шаклларини ҳамда улгуржи савдо хизматларини диверсификация қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада хориж тажрибасини ўрганиш, уларнинг тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш муҳим. Шундан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиёти энг ривожланган АҚШ, Япония ва Германиянинг улгуржи савдо фаолиятининг ташкилий тузилмаси, иқтисодиётдаги ўрни ўрганилди.

АҚШ улгуржи-воситачилик фаолиятининг ташкилий тузилмалари хилма-хиллиги бўйича энг етакчи бўлиб, улар 20 тагача турли хил воситачилик тузилмаларини ўз ичига оладиган бир неча минг улгуржи савдо ташкилотларидан иборат. Миқдорий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, АҚШда 300 минг улгуржи савдо фирмалари ва 70 мингга яқин улгуржи воситачилар фаолият юритади. АҚШдаги улгуржи-воситачиларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) мустақил улгуржи фирмалар – товарларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар;

2) воситачи фирмалар – товарларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлмаганлар;

3) саноат компанияларининг улгуржи филиаллари;

4) таъминотчи ташкилотлар ва чакана савдо фирмаларининг улгуржи омборлари;

5) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираларини тайёрловчи улгуржи корхоналар;

6) нефть маҳсулотлари бўйича улгуржи фирмалар.

1. Мустақил улгуржи савдо фирмалари товар айланмасида устунликка эга. Умумий омбор майдонининг 80 %, ишчилар сонининг деярлик 80 %, сотув ҳажмининг 50 % атрофида мустақил улгуржи фирмалар ҳиссасига тўғри келади. Мустақил улгуржи фирмалар сони улгуржи савдо корхоналари умумий сонининг қарийб 70 % ни ташкил этади.

2. Воситачилик фирмалари товарларга эгалик қилмайдилар, улгуржи савдо корхоналар умумий сонининг қарийб 10 фоизини ва сотишнинг 10 фоизини ташкил этади.

3. Саноат компанияларининг улгуржи филиаллари улгуржи савдо корхоналарининг қарийб 10 % ва товарларни улгуржи сотиш ҳажмининг 35 % ини ташкил этади.

4. Таъминотчи ташкилотлар ва чакана савдо корхоналарининг улгуржи омборлари бир нечта чакана савдо корхоналарига биргаликда эгалик қилади ва ўз дўконларини товар таъминотини амалга оширади.

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини тайёрловчи улгуржи савдо корхоналари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

етиштирувчилардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиб, кейинчалик истеъмол бозорига етказиб беради.

6. Нефть маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи улгуржи савдо фирмалари – булар ихтисослашган улгуржи савдо корхоналари бўлиб, нефтни қайта ишловчи компаниялар билан ҳамкорликда ишлайдиган, уларга омборхона ва савдо хизматлари кўрсатади.

АҚШ улгуржи савдо фаолиятининг товар таркиби бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, улгуржи савдо корхоналарининг 60 % узоқ муддатли товарлар тақсимоти билан шуғулланади. Уларда умумий ишловчиларнинг 59 % ва жами улгуржи савдо ҳажмининг 50 % амалга оширилади. Машиналар, ускуналар, эҳтиёт қисмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, нефть ва нефть маҳсулотлари каби товар гуруҳлари бўйича сотувлар ҳажми энг салмоқли ҳисобланади. АҚШда шунингдек, тўқимачилик товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари (асосан консерваланган маҳсулотлар) савдосида улгуржи-воситачилик тармоғи жуда ривожланган.

Япония иқтисодиётида улгуржи-воситачилик тузилмаси аҳамиятли ўринга эга. Чакана савдодаги барча товарларнинг қарийб 80 % улгуржи савдо орқали амалга оширилади. Улгуржи-воситачилик фаолиятининг ташкилий тузилмаси босқичли тузилишга эга. Йирик саноат компанияларининг савдо функцияларини бажарувчи катта савдо ҳажмига эга I даражали “асосий” улгуржи фирмалар. Улар саноат компанияларидан товарларни сотиб олади, уларни сақлайди ва савдо ассортиментини шакллантиради, транспортировка қилади ва II ва III даражали улгуржи фирмалар ҳамда йирик чакана савдо корхоналарига сотади.

Йирик улгуржи сотувчилар фақат етказиб беришни ташкил этади ва комиссион мукофот олади. II ва III даражадаги “иккиламчи” улгуржи савдо корхоналари “асосий” улгуржи сотувчилардан товарларни сотиб олишади ва кичик дўконларни товар билан таъминлайди. Японияда улгуржи-воситачи фирмаларнинг умумий сони 400 мингдан ошади ва уларнинг таркиби қуйидагича:

- уларнинг 33 % I даражали “асосий” фирмалар;
- 41 % оралиқ II даражали фирмалар;
- 26 % якуний III даражали улгуржи фирмалар.

Японияда микрорайонларда кичик ва ўрта улгуржи воситачилар кооперативларга бирлаштирилган. Шундай қилиб, 174 та микрорайонда 8000 тагача улгуржи савдо корхоналари бирлашмалари мавжуд. Йирик шаҳар марказларида ўз транспорт воситаларига ва омборхоналарига эга улгуржи савдо корхоналари ҳам мавжуд.

Шу билан бирга, Японияда ички ва ташқи бозорларда фаолият юритадиган 9 та йирик унверсал савдо компаниялари мавжуд. Уларнинг аксарияти машҳур "ўз вақтида" (мижозга ўз вақтида ва керакли миқдордаги товарлар ҳажмини етказиб бериш бўйича) тизимга эга. Бу компаниялар қуйидаги хизматлар турларини кенг миқёсда таклиф этиб келади:

– ижара;

– инжиниринг хизматлари;

– ишлаб чиқариш соҳасида энг янги технологияларни жорий этиш.

Улгуржи савдо Германия иқтисодиётининг муҳим секторларидан бири бўлиб, саноатдан кейин иккинчи ўринда туради. Улгуржи савдо операциялари икки гуруҳга бўлинади:

– хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар билан операциялар;

– тайёр маҳсулотлар билан операциялар.

Германияда буюртмачилар билан шартномавий муносабатлар асосида хизмат кўрсатиш натижасида воситачилик фаолияти кейинги 20-25 йил ичида кенг ривожланди. Бу эса саноат корхоналарида янги моддий оқимларни бошқариш тизимини жорий қилганда ва омбор майдонлари етарли бўлмаган вазиятларда янада самарали бўлади. Улгуржи савдо операциялари қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1) мустақил улгуржи савдо корхоналари;

2) кооператив ташкилотларнинг олди-сотди бирлашмалари;

3) улгуржи савдо агентликлари;

4) фирмаларнинг савдо агентлари.

Германияда жами 100 мингга яқин савдо тақсимотида улгуржи савдо фирмалари мавжуд. Германияда чакана савдо корхоналари (истеъмол товарлари) билан савдо алоқалари ва

тақсимотсиз корхоналар (ишлаб чиқариш воситалари учун) билан савдо алоқаларига ажратилади.

Воситачи корхоналар ва саноат корхоналар ўртасидаги муносабатларнинг функционал асоси улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар доирасида белгиланади. Улар ишлаб чиқаришга буюртма беришади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рекламасида фаол қатнашадилар, саноат компанияларининг маркетинг ва ишлаб чиқаришни режалаштириш бўлимларини жалб қиладилар.

Германияда сўнги йилларда, ўз савдо тармоқларини (савдо ваколатхоналари ва филиаллари) ташкил этадиган саноат корхоналари кўпаймоқда. Саноат корхоналарида улгуржи савдо тармоқларини ташкил этилиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

1) тегишли тақсимот тармоқлари орқали савдо қилиш иқтисодий жиҳатдан самарали;

2) савдо соҳасида етарлича даражада профессионал тайёргарликни йўқлиги;

3) мижозлар учун ўз тақсимот тармоғи орқали рационал ва тезкор сервис кўрсатиш;

4) йирик корхоналарнинг мижозлар билан бевосита алоқада бўлишининг мақсадга мувофиқлиги;

5) товарларнинг сифатини таъминлаш;

6) товарларнинг ўзига хослиги;

7) нархларни белгилашда мослашувчан шарт-шароитлар;

8) тақсимот соҳасининг ҳудудий чекланганлиги.

Айрим хорижий мамлакатларда савдо ва воситачилик тузилмалари тузилишида маълум фарқлар мавжуд бўлиб, умумий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Воситачилик ташкилотлари турларининг кўпайиши, уларнинг турли функцияларини бирлаштирилиши, унверсаллашуви ва ихтисослашуви.

2. Маҳсулотларни қадоқлаш ва саралаш, гуруҳларга ажратиш, омборга қайта ишлаш учун етказиб берувчилар ва истеъмолчиларга логистика хизматларини кўрсатишда савдо-воситачилик тузилмаларининг роли ошиб бормоқда.

3. Ишлаб чиқарувчи истеъмолчиларнинг харид-тақсимот хизматлари ролини ошириш, ишлаб чиқарувчи ва саноат фирмаларининг тижорат бўлинмалари билан мустақил воситачилик ташкилотлари ўртасидаги фарқларнинг босқичма-босқич йўқолиб бориши, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларига мувофиқ уларнинг ўзаро ҳамкорлигини кўчайтириш. Масалан, автомобиль ишлаб чиқарувчи япон фирмалари ўзларининг тақсимот компания ва филиаллари таркибида ҳудудий воситачилик (дистрибюторлик) тармоғини ривожлантира бошлади. АҚШда саноат фирмаларининг тақсимот филиаллари билан бир қаторда мустақил дистрибюторлик корхоналари тармоғини шакллантира бошлади.

4. Шартномали ёки акциядорлик асосида шакллантирилган воситачилик тузилмалари фаолиятининг қисқа ёки узоқ муддатли тавсифга эга воситачилик ташкилотлари хизматларининг бир қисмини ёки тўлиқ қамраб оладиган интеграцион шаклларини ривожлантириш. Бунга Швеция ягона “Швед савдо” кўп тармоқли улгуржи савдо уюшмаларини тузилганини мисол қилиш мумкин.

5. Давлат иштирокидаги улгуржи-воситачилик фаолияти, яъни давлат шартномаларини тузиш, марказлашган молия-кредитдан фойдаланиш, мақсадли дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ давлат шартномаларини тузиш. Сўнгги 15-20 йил ичида Япония, АҚШда улгуржи савдо билан шуғулланувчи давлат ташкилотларининг кенг тармоғи шаклланди.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда 15 271 та улгуржи савдо ташкилотлари фаолият олиб борган. Уларнинг улгуржи савдо айланмаси 2018 йилда 63528,5 млрд.сўмни ташкил қилиб, 2017 йилга нисбатан 126,8 фоизга ўсишга эришилган. Республиканинг айрим вилоятларида сўнги 2-3 йилда улгуржи савдо айланмаси кескин ўсган. Жумладан, Навоий, Жиззах ва Хоразм вилоятларида эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат ҳудудларини ташкил этилиши натижасида улгуржи савдо фаолияти ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Лекин иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар улгуржи савдо компаниялари сони, ташкилий тузилмалари, улгуржи савдо айланмасига нисбатан мамлакатимиз иқтисодиётида улгуржи савдонинг салмоғи анча паст. Иқтисодиётнинг муҳим сектори бўлган

улгуржи савдони мамлакатимизда янада ривожлантириш бўйича улкан имкониятлар мавжуд. Айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган муҳим иқтисодиёт йўналишидаги саноатда чуқур таркибий ўзгартиришлар ва диверсификацияни амалга ошириш, юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни юқори даражада маҳаллийлаштиришга йўналтирилган иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларини ривожлантириш вазифалар бевосита улгуржи-воситачилик фаолияти билан ҳам боғликдир.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган улгуржи савдо ташкилот ва корхоналарнинг асосий қисмини мустақил улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ташкил этади. Шунингдек, товар-хомашё бозорларида фаолият олиб бораётган улгуржи воситачи фирмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи савдоси билан “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси шуғулланиб келмоқда.

Хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда улгуржи савдо ташкилий тузилмаси, улгуржи савдо айланмасини кўпайтириш, ушбу секторни мамлакат иқтисодиётидаги салмоғини ҳамда аҳолининг бандлигини янада ошириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришни, маҳаллий минерал-хомашёларни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотлар ҳажмини оширишга қаратилаётган эътибордан келиб чиқиб, хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар улгуржи савдо операциялари билан шуғулланадиган улгуржи кооператив ташкилотларни ташкил этиш. Рангли ва қимматбаҳо металлар, кимёвий ва углеводород каби хомашёлар улгуржи савдоси билан шуғулланадиган улгуржи кооператив ташкилотларида давлат иштирокини ҳам таъминлаш мақсадга мувофиқ.

2. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захирасини тайёрлаш ва улгуржи савдосини амалга оширишни янада ривожлантиришда

“Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси фаолиятини кенгайтириш. Бунинг учун “Ўзбекмевасабзавотзахира” ва “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаларига ажратиш. Мева-сабзавотлар захирасини тайёрлаш, сақлаш, совитгичли сиғимлар ҳажмини ошириш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари ва чакана савдо корхоналарига етказиб беришни ташкил этиш билан “Ўзбекмева-сабзавотзахира” уюшмаси, қолган барча муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари захиралари, уларни сақлаш ва савдоси билан “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси шуғулланишини йўлга қўйиш лозим. Бу уюшмаларни мамлакатимизнинг ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарларининг имкониятларидан келиб чиқиб, ихтисослашган филиалларини ташкил этиш.

3. Тайёр маҳсулотлар савдоси (истеъмол бозори) билан воситачилик асосида шуғулланадиган улгуржи савдо субъектлари сонини ошириш, уларнинг товар-хомашё биржалари билан интеграциясини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш.

4. Бугунги кунда мамлакатимизда ихтисослашган улгуржи савдо корхоналари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларнинг салмоғи жуда паст, уларни сонини ошириш учун иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида ихтисослашган улгуржи савдо ташкилотларини ташкил этиш. Масалан, “Ўзбекенгилсаноат-захира” улгуржи савдо ташкилотини, унинг тайёр чарм-пойабзал, тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари, шиша-керамика каби ихтисослашган улгуржи корхоналарини ташкил этиш, шунга ўхшаш бошқа маҳсулотлар, нефть-газ, фармацевтика, қурилиш материалларига ихтисослашган улгуржи савдо корхоналарини ташкил этиш.

5. Йирик саноат корхоналарининг улгуржи савдо бўлинмаларини ташкил этиш. Уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги савдо вакллик идораларини, савдо марказлари фаолиятини йўлга қўйиш.

6. Улгуржи савдони ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий масала ҳам ҳисобланади. Чунки ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни ошириш ва цикллигини таъминлаш, харидорлар эҳтиёжини юқори даражада қондириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилади. Бунда улгуржи савдода харидорларга

хизмат кўрсатиш ва сотиш тизимининг бир қисми сифатида сервис стратегиясини такомиллаштиришда харидорларга сотувдан олдин ва кейин кўрсатиладиган сервисни, айниқса, кафолатли сервисни ташкил этиш, логистик сервис сифатини ошириш, ўз вақтида, керакли жойга, керакли ҳажмдаги маҳсулотни етказиб бериш, сақлаш, навларга ажратиш, қадоқлаш, ўраб-жойлашга эътиборни қаратиш лозим. Улгуржи савдо корхоналарида янги хизмат турларини ижара, инжиниринг, аутсорсинг, мерчендайзинг кабиларни йўлга қўйиш.

Боб бўйича хулоса

Ушбу бобда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида пандемиядан кейинги шароитда улгуржи савдони ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Пандемиядан кейинги даврда товар бозорлари ривожланиши, товарлар тақсимоти ва у билан ўзаро боғлиқ хизматлар бозорини ривожлантиришда улгуржи савдонинг ўрни ва аҳамияти янада ошади. Улгуржи савдо товар-моддий ресурслар ҳаракатини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари ҳамда иқтисодий фаолият турларининг катализатори ҳисобланади.

2.Пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдода амалга оширилиши лозим бўлган маркетинг тадбирларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– улгуржи савдода товар профили диверсификациясини амалга ошириш;

– харидорларга сервис хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш;

– сотувдан олдинги ва кейинги сервисни йўлга қўйиш;

– янги бозор сегментларини излаш, улгуржи савдо самарадорлигини оширишда логистик сервисни такомиллаштириш;

– қайта ишлаш учун хомашё, яримтайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсулотларини «бизнес учун – бизнес» (B2B) тамойили бўйича етказиб бериш тизимини ривожлантириш, товар ва

маҳсулотларга хизмат кўрсатувчи сервис марказлари тармоғини кенгайтириш.

3. Қайта ишлаш учун хомашё, яримтайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсулотларини “бизнес учун-бизнес (B2B)” тамойили бўйича етказиб бериш тизимини ривожлантиришда “таъминот-ишлаб чиқариш” занжирида фаолият юритадиган ихтисослашган улгуржи савдо корхона ва ташкилотлари уюшмасини ташкил этиш. Уюшманинг маркетинг фаолиятида ишлаб чиқариш корхоналарининг эҳтиёжини ўрганиб бориш, улгуржи савдо сервиси даражасини ошириб бориш вазифалари белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

4. B2B тизимидаги улгуржи савдо корхоналари фаолиятида харидорларга сервис кўрсатиш тизимини ривожлантиришда сотувдан олдинги ва кейинги сервисни йўлга қўйиш, маҳсулотларга хизмат кўрсатувчи сервис марказлари тармоғини кенгайтириш зарур.

5. Улгуржи савдода товар захираларини самарали бошқариш, сақлаш ва етказиб бериш тизимида рақамли технологияларни қўллаш негизида ахборот технологияларининг 3 PL ва4 PL провайдерлик хизматларини жорий этиш.

6. Улгуржи савдонинг маҳсулот етказиб бериш “улгуржи савдо-ишлаб чиқариш” ва “улгуржи савдо-чакана савдо” занжирларидаги улгуржи савдо товар айланмасини прогнозлашнинг “on-line” режимида “мижоз талабини аниқ муддатда, керакли ҳажмда ва талаб этилган сифат даражасида қондириш” моделини такомиллаштириш.

7. JIT (just in time) MRP (material requirements planning) моддий ресурсларни режалаштириш ва MRP II (manufacturing resource planning) ишлаб чиқариш ресурсларини режалаштириш ва тақсимотини ташкил этиш концепциясини рақамли маркетинг технологиялари асосида улгуржи савдо фаолиятига мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқиш.

Боб бўйича адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва

рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5564-сонли Фармони.

2. A.Coskun Samli & Adel I. EI-Ansary (2007). The role of wholesalers in developing countries. The International Review of Retail, Distribution and Consumer Research Journal, vol. 17, pp. 353-358

3. Bert Rosenbloom & Trina Larsen Andras (2008) Wholesalers as Global Marketers, Journal of Marketing Channels, pp 235-252

4. Chairman Hugh MacKeown (2007) Wholesaling and wholesaling research: A practitioner's viewpoint. The International Review of Retail, Distribution and Consumer Research Journal, vol. 17, pp. 413-422

5. Michael E.Porter. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors. Hardcover, 1998. - 432 p.

6. Philip Kotler, Kevin Lane Keller. Marketing Management. Pearson Education, Ins., publishing as Prentice Hall, United States of America 2012 y.

7. Zeitaml V.A.A., Berry L.L., Parasuraman A. Communication and Control Processes in the Delivery of Service Quality // Journal of Marketing. – 1988. – Vol. 52.,

8. Тарзилова А.Н. Формирование комплекса услуг оптовой торговли на логистических принципах. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Самара, 2012, 46 с.

9. Токманев С.В. Методология управления запасами и деятельностью оптово-посреднических организаций в условиях развития логистической инфраструктуры: монография / С.В.Токманев; Рос. гос. соц. унт (фил. РГСУ в г. Тольятти). Тольятти, 2009, 418 с.

10. Тхамитлокова, З. О. Теоретические аспекты управления маркетингом в оптовой торговле / Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. - 2011. - № 6. - С. 87 - 89.

11. Хованов, А. А. Некоторые аспекты стратегического маркетинга предприятий оптовой торговли. Маркетинг и маркетинговые исследования. - 2010. - № 5. - С. 23 - 29.

11-боб. ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА СИНЕРГЕТИК САМАРАДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи глобал муаммолардан бири. Бу йилдан-йилга кескинлашиб бормоқда. Айниқса бугунги пандемия шароитида деярли барча мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи кўпчиликни ўйлантирмоқда. Бир томонда миллионлаб инсонлар "коронавирус" деган вабодан, инсоният тарихида илк бор содир бўлган касалликдан азият чекаётган бўлса, бошқа томонда инсонларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби аҳоли кўпайиши ва турмушининг яхшиланиши эвазига кундан-кунга ортиб бормоқда. "БМТ маълумотларига қараганда 2050 йилда дунё аҳолиси сони 9 миллиарддан ошиб кетади. Бу ҳолат озиқ-овқат, айниқса, гўшт маҳсулотининг танқислигини келтириб чиқаради"[164], дейилмоқда. Ушбу ҳолатга турли мамлакат олимлари ва мутахассислари турлича фикрлар билдирмоқдалар. Жумладан, голландиялик мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай шароитда гўшт ўрнига турли хилдаги ҳашаротларни ейиш оддий ҳолатга айланади. Вагенинген университети профессори Марсель Дикке дунёнинг турфа мамлакатларида инсонлар минглаб ҳашаротлар турини истеъмол қилишини таъкидлаб, 2020 йилга бориб турли ҳашаротлардан тайёрланган таомлар ғарб ошхонасининг бир қисмига айланиши муқаррарлигини билдириб ўтган эди[165]. Буни ҳам инсониятнинг экологияга етказган зарари оқибати ҳосиласи, десак янглишмаган бўламиз. Аммо халқимиз бу борада хотиржам бўлиши мумкин, чунки бизда ҳалол ва ҳаром деган тушунча турли ҳашаротларни истеъмол қилишга йўл қўймайди.

Бундай глобал вазиятга бефарқ бўлмаслик кераклигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 23

[164] https://yogmoy.uz/ru/post/view?slug=ozik-ovkat-havfsizligi-nima.
[165] https://yogmoy.uz/ru/post/view?slug=ozik-ovkat-havfsizligi-nima

сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25 сессиясидаги нутқи “Бош котиб Антониу Гутерриш жаноблариниг бугунги инқирозли вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган саммитни ўтказиш бўйича таклифини маъқуллаймиз”[166], деб таъкидлади. Кўриниб турибдики, ушбу муаммо глобал муаммо бўлиб БМТнинг ҳам диққат марказида турибди.

Бизнинг мамлакатимиз учун ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи долзарб масалалардан бири сифатида баҳоланмоқда. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 7 февралда имзоланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжатда иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий ҳаётни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Унда озиқ-овқат хавфсизлигига барҳам бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш лозимлиги белгиланди. Ушбу тадбирлар мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш шу даврнинг устувор вазифа сифатида қайд этилди.

Дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги иккита йўналишда баҳоланади. Биринчиси озиқ-овқат маҳсулотларининг тегишли миқдорда истеъмол қилишга етишмаслиги бўлса, иккинчиси мавжуд маҳсулотларнинг истеъмолга яроқлилиги билан ўлчанади. Аҳоли истеъмол қилиши лозим бўлган озиқ-миқдорда овқат маҳсулотлари етишмаса ҳам ва мос равишда истеъмол қилаётган маҳсулотларининг яроқлилик муддати ўтиб кетиб яроқсиз ҳолатга келиб қолган бўлса ҳам инсонлар ҳаёти учун хавфли. Шу туфайли мазкур хавфни ҳар бир мамлакат ўзида ўз аҳолиси учун бартараф этиб бориши лозим.

---

[166] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 23 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25 сессиясидаги нутқи.// “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 24 сентябрь 202-сон. – 1 бет.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, озиқ-овқат хавфсизлиги жуда кенг тушунча бўлиб, биринчи навбатда ҳар бир давлатнинг бошқа давлатларга айнан озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан боғлиқ, яъни тобе эмаслигини билдиради. Агар ҳар бир мамлакатда ўзи ўз аҳолисига етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирса, бошқа давлатларга тобе бўлмайди. Озиқ-овқати жиҳатидан мустақил давлатлар ўзларининг аҳолиси эҳтиёжини физиологик меъёрларга мос равишда истеъмол товарлари билан етарли даражада таъминлай олиши лозим. Шундаги мазкур неъматларнинг етарлилиги нуқтаи назаридан хавфсиз мамлакат ҳисобланади.

Озиқ-овқат хавфсизлигига барҳам бериш учун мамлакатимизда жуда кўп чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Юртимизда аҳоли эҳтиёжига яраша озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, нархларни оширмасдан ушлаб туриш чораларини кўриш, етиштирилган маҳсулотларни тўғри сақлай олиш ва мавсумда етиштирилган маҳсулотни йил давомида истеъмолчиларга етказиб бериш каби тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу масалага тўхталиб: “Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз занжирни яратишдир. Ҳукумат барча даражадаги ҳокимликлар билан ушбу вазифа ижросини тўлиқ таъминлаши керак”[167], деб уқтирди. Бу тадбирларни амалга ошириш ва унинг оптимал занжирини яратиш учун мазкур масалани илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳам ўта долзарб муаммолардан биридир.

11.1. Пандемиядан кейинги даврда озиқ-овақт хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизматларнинг объектив зарурлиги

Пандемиядан кейинги даврда озиқ-овақт хавфсизлигини таъминлаш объектив заруриятгап айланди. Чунки пандемия шароитида бутун дунё миқёсида, шу жумладан мамлакатимизда

[167] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 январь.

ҳам бошқа соҳалар сингари озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ҳам анча йўқотишлар рўй берди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳоли истеъмолига етарли даражада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бу ҳали озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланди, дегани эмас. Зеро, ҳар бир инсон ўз эҳтиёжи учун етарли даражада маҳсулот сотиб олиш имкониятига ҳам эга бўлиши лозим. Шу иккита омил бир-бири билан боғлиқ ҳолда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминловчи жараён ҳисобланади. Буларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Бу борада глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтирилади”[168]. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш билан бирга уни муносиб нархларда, йил давомида аҳолига (истеъмолчига) етказиб бериш ҳам муҳимдир. Бундай шароитда ушбу маҳсулотларнинг сифати ҳам талабга жавоб берадиган бўлиши лозим. Шундай қилиб озиқ-овқат хавфсизлиги ҳалқаси шаклланади (11.1-расм).

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, пандемиядан кейинги даврда озиқ-овақт хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ объектив зарур бўлган хизматлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, барча зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларни етарли миқдорда ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бунда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўсиш суръатлари аҳолининг ўсиш суръатларига нисбатан юқори бўлиши керак. Бу борада ҳар бир мамлакат ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мамлакатнинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга эришиши ҳам лозим бўлади.

Иккинчидан, маҳсулотнинг оптимал нархда сотилишини ташкил қилиш. Маҳсулот бўлсада, одамлар уни сотиб олишга

[168] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 30.12.2020 10:00.10.3K. https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu.

қурби етарли бўлмаса, маҳсулотнинг кўплиги билан унинг хавфсизлигини таъминлаб бўлмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархининг ўсиши аҳолининг иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадларининг ўсишидан юқори бўлиб кетмаслиги керак. Бунда мавсумий ва иқлимий омилларни ҳам инобатга олиш керак бўлади. Чунки озиқ-овқат маҳсулотлари ёз ва кузда етиштирилади, бироқ йил бўйи истеъмол қилинади.



11.1-расм.Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи омиллар ҳалқаси.

Учинчидан, маҳсулотларни йил давомида етказиб бериш ҳам озиқ-овақт маҳсулотлари хавфсизлигининг олдини олишдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бундай шароитда маълум мавсум давомида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини сифатини пасайтирмасдан сақлаш чораларини кўриш керак. Бунда ҳам маҳсулотларнинг нархи кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик лозим бўлади. Бунинг муҳим чораларидан бири – озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислигига йўл қўймаслик керак. Истеъмолга яраша захира тўплаш лозим бўлади.

Тўртинчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири маҳсулотларнинг сифатини сақлаб қолиш билан боғликди. Бунда “Даладан – дастурхонгача”

занжирини қўллаш лозим бўлади. Бундай самарага эришиш учун кластер ва кооперация усулларидан фойдаланиб синергетик самарани[169] қўлга киритиш лозим бўлади.

Глобал миқёсда озиқ-овқат хавфсизлигининг хатарли омилларидан яна бири ҳосилдор ерларнинг камлиги ва унинг аста-секинлик билан янада камайиб боришига боғлиқ. Маълумки, "ер юзасининг умумий сатҳи 510,2 миллион км^{2}га тенг бўлиб, шундан 70 фоизидан ортиқроғи сувликлардан, қарийб 30 фоизи қуриқликдан иборат. Экин экиладиган, бошқачароқ қилиб айтганда, ҳосил олинадиган майдон эса 11 фоизни, яйловлар ва ўтлоқлар 23 фоизни, ўрмон ва бутазорлар 31 фоизни, одамлар яшайдиган ҳудуд 2 фоизни ташкил қилади"[170]. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, ернинг инсониятни боқиш имконияти етарли. Аммо ер сатхининг ўзгармаган ҳолатида аҳоли сонининг узлуксиз ошиб бориши, уларнинг яшаши учун ҳосилдор жойларни эгаллаш эвазига камайиб бориши маълум даражада ер танқислиги муаммосини келтириб чиқаради.

Яна бир ҳолат, бугунги кунда табиатга етказилаётган турли зарарлар ҳам ер фонди тузилмасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Табиийки, бундай шароитда фойдаланиш мумкин бўлган ҳудудлар ҳажми камайиб, яроқсиз майдонлар ҳажми ортиб боради. Бу хулосага далил, "шу кунгача ер юзидаги 900 миллион гектар серҳосил майдон чўлга айланиб, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолди. Ваҳоланки, кейинги 50 йил давомида аҳоли сони уч бараварга ортиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб қарийб 5 баварга кўпайган. Қолаверса, БМТнинг ҳисоб-китобига кўра, дунё аҳолиси йилдан-йилга кўпаймоқда, шу сабабли ҳозирги вақтда сайёрамиз 7,5 миллиард одам яшаётган бўлса, уларнинг сони 2050 йилга бориб 9,3 миллиардга етади"[171]. Бироқ, мамлакатимизда ушбу ҳолатга давлатимиз бефарқ эмаслигига ҳамма гувоҳ. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу борада қуйидагиларни таъкидлади: "**Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб**

[169] Бу ҳақда қуйида батафсил тушунчалар келтирилган.
[170] https://yogmoy.uz/ru/post/view?slug=ozik-ovkat-havfsizligi-nima.
[171] https://yogmoy.uz/ru/post/view?slug=ozik-ovkat-havfsizligi-nima.

чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар кўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади”[172]. Бу албатта маълум даражада аҳолининг ортиқча безовта бўлмаслиги учун муҳим омил ва далил.

Бироқ глобал пандемия шароитида дунё давлатлари қатори юртимиз олдида ҳам турган муҳим масалалардан бири бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчиларни сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан талабларини қондириш муаммоси энг долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бу билан боғлиқ яна бир масала, озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми, айрим манбаларда 80,0 фоизи қишлоқ хўжалигида етиштирилади. Бу эса ўз навбатида, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга, қишлоқ хўжалигининг замонавий инновацион технологиялар асосида ривожланишига катта эътибор қаратишни тақозо қилади. Ушбу вазифанинг бажарилиши мамлакат иқтисодитининг юксалишига олиб келади. Шу туфайли мамлакатимиз Президенти “2021 йилда иқтисодиётни камида 5 фоизга ўсишини, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиздан ошмаслигини таъминлашимиз зарур. Келгуси 2 йилда эса бюджет дефицитини 2 фоиздан оширмаслик бўйича Ҳукумат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим”[173], деган кўрсатмани берди.

Жаҳон мамлакатлари олимлари олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг таъминланиб бориш даражаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири ҳисобланар экан. Жумладан, “1 фоиз миқдордан кўпроқ оқсил моддасини истъмол қилиш ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯММ)

---

[172] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 30.12.2020 10:00.10.3K. https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu.

[173] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 30.12.2020 10:00.10.3K. https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu.

йилига 0,49 фоиз ўсишини таъминлайди. Ялпи миллий маҳсулот йилига 1 фоизга ўсиб борса, аҳолининг даромади 72 йилда 2 бараварга, ялпи миллий маҳсулот 2 фоизга кўпайса одамларнинг пул маблағлари 36 йилда 4 бароварга ошади ва ҳоказо”[174].

11.2. “Синергетика”, “Синергетик самара” ва “Синергетик самарадорлик” тушунчаларининг назарий масалалари ва уларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни

Хизмат кўрсатиш соҳасини, хусусан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари ҳам ўз ўрнига эга. Ушбу йўналишдаги хизматларни такомиллаштиришнинг ҳам бир қанча йўллари ва йўналишлари мавжуд. Улардан бири синергетик самара усулидир. Олиб борилган тадқиқотларимиз ушбу усулдан фойдаланиш имкониятлари катта эканини кўрсатди. Биринчидан, унчалик кўп маблағ сарф қил масдан, юқори самарадорликка эришиш, иккинчидан, мавжуд кучларни бирлаштириш бўйича фақат ташкилий тадбирларнигина амалга ошириш мумкин. Мавжуд кучлардангина фойдаланиш туфайли бу тадбирлар катта маблағ талаб қилмайди.

Бироқ таъкидлаш жоизки, иқтисодий адабиётларда “синергетика”, “синергетик самара” ва “синергетик самарадорлик” тушунчалари бўйича аниқ тўхтамга келинган эмас. Бу табиий ҳол. Чунки ушбу атама иқтисодиётга яқиндагина кириб келди. Шу туфайли, ушбу атаманинг мазмунини очиш учун илмий ва фундаментал адабиётларга, турли луғат ва энциклопедияларга мурожаат қилдик.

Синергетика масаласи 1999 йилда А.Н.Азрилиян таҳрири остида муаллифлар жамоаси томонидан нашр қилинган “Большой экономический словарь”[175] да келтирилган. Ушбу нашрда “синергетика” сўзининг айнан ўзига изоҳ берилмаган. Аммо “синергия” сўзининг ўзига изоҳ берилган. Ушбу сўз юнон тилидаги “sinergeia” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “компаниянинг бирлашиши натижасида олдинги тарқоқ ҳолатига нисбатан юқори

[174] https://yogmoy.uz/ru/post/view?slug=ozik-ovkat-havfsizligi-nima.
[175]Большой экономическийсловарь. – М.: Институт новой экономики,1999, 906 с.

самарадорликка эришиши натижаси” тушунилади, дейилган. 2007 йилда нашр қилинган “Большая экономическая энциклопедия”да «синергия» сўзига эмас, балки “Синергетический эффект”[176] сўзига изоҳ берилган. Унда қавс ичида “синергия” сўзини келтиради ва унга қуйидагича изоҳ беради: “алоҳида қисмларни умумий тизимга интеграциялаштирган ҳолда тизимли самара таъсирида иш самарадорлигини оширишдир. Бунда биргаликда ҳаракатнинг самарадорлиги алоҳида ҳаракат қилинганига нисбатан юқори”[177] (таржима бизники-О.П.), деб таъкидланади.

Энди “синергия” сўзининг маъносига бевосита луғатларда қандай изоҳ берилганлигига ҳам тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки айнан “синергетика” сўзи бошқа луғатларда ҳам учрамайди ва уларда ҳам “синергия” атамаси ишлатилган. Ушбу сўзга изоҳни 1988 йилда нашр қилинган “Словарь иностранных слов” китобида кўриш мумкин. Унда эътироф этилишича, “Синергизм, синергия” сўзлари юнон тилидан олинган бўлиб, унинг ўзаги “synergeia”ни ташкил қилади ва унинг маъноси “бирлашиш, ҳамкорлик”[178], деган маъноларни англатади. Ушбу луғатда “синергист” сўзига ҳам изоҳ берилган. Ушбу сўз ҳам юнон тилидан олинган бўлиб, “synergos” сўзидан келиб чиққанлиги эътироф этилган. Ушбу сўзнинг ҳам маъноси “биргаликда ҳаракат қилувчи”[179], деган маънони беради. Аммо кейинги изоҳларда бу атаманинг одам организмида содир бўладиган ўзгаришлар ҳамда биологияга оид фанларда қўлланилиши эътироф этилган.

Лекин “синергия” сўзи барча луғатларда асосан бирлашиш, ҳамкорлик маъноларини англатиши кўрсатилган.

Ушбу қарашларни луғавий маъноларини тадқиқ қилиб, «синергия» атамасининг таърифини ишлаб чиқиш мумкин. Тадқиқотларимиз натижасида ушбу атамага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Синергия деганда, олдинги тарқоқ ҳолатига нисбатан юқори самарадорликка эришиши мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашиши натижасида ташкил бўлган бир қанча кучларни бирлаштирган уюшма тушунилади.**

---

[176]Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007, 581с.
[177]Ўша жойда. –581 б.
[178] Словарь иностранных слов. 16-е изд., испр. – М.: Рус. яз, 1988, 467 с.
[179] Ўша жойда. – 467 б.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётда қўлланилаётган, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган синергия билан боғлиқ усуллардан бири “Синергетик самара” деб эътироф этилмоқда. Бу борада айрим тадқиқотларда ҳам айнан шу атама қўлланилмоқда[180]. Ушбу атамадан М.Б.Хамидулиннинг тадқиқот ишида[181] иқтисодиётнинг молиявий секторида, хусусан, қимматли қоғозлар бозорида фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу сингари Х.Р.Туробованинг ишида[182]бу атамани, қишлоқ хўжалиги соҳасида кооперация муносабатларини тако-миллаштиришда қўллаш мумкинлиги кўрсатиб берилган.Аммо юқорида номлари зикр этилган олимларнинг ишларида ушбу тушунчаларнинг таърифи келтирилмаган. Шундай бўлса-да, ушбу тушунчалардан фойдаланишга муваффақ бўлинган. Бизнинг фикримизча, ҳар қандай атама ёки категориядан фойдаланишдан олдин унинг таърифига аниқлик киритиш лозим, деб ўйлаймиз. Чунки, булардан кўриниб турибдики, фандаги ҳар қандай янгиликни бир қанча фанларга ҳам қўллаш мумкин. Ушбу атама ва усуллар биринчи марта аниқ табиий фанларда, тиббиётда ва физикага оид фанларда қўлланилган бўлса, XXI асрга келиб иқтисодиётда ҳам қўлланилмоқда. Биз эса, иқтисодиётнинг бир тармоғи бўлган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнларида қўллаш мумкинлиги хусусида айрим фикрларни айтмоқчимиз.

Юқорида эътироф этилганидек, ҳар қандай атамалардан, хусусан, синергетика, синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларидан тўғри фойдаланиш учун уларнинг таърифларига таяниш лозим бўлади. Аммо мавжуд иқтисодий адабиётларда уларнинг таърифлари ҳамон етарли даражада ёритилмаган. Булардан келиб чиқиб, ушбу тушунчаларнинг

---

[180]Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. –Т.: Банковско-финансовая Академия РУз., 2008, 38 с., Туробова Ҳ.Р. Фермерликни устувор ривожлантиришда кооперация муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси автореферати. –Т.: УзР Банк-молия Академияси, 2012, 27 б.

[181]Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. –Т.: Банковско-финансовая Академия РУз., 2008, 27 с.

[182]Туробова Ҳ.Р. Фермерликни устувор ривожлантиришда кооперация муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси автореферати. –Т.: УзР Банк-молия Академияси, 2012, 19 б.

назарий масалаларига алоҳида аҳамият бериш ва таърифларини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Тадқиқот натижасида синергетика тушунчасига қуйидагича таъриф берилади. **Синергетика деганда, маълум бир фаолиятда юқори ижобий натижага эришиш мақсадида манфаатдор субъектларнинг куч ва имкониятларини бирлаштирган ҳолда ўзаро ҳамкорликдаги аниқ тизимли ҳаракати тушунилади.**

Мазкур таърифни иқтисодий жиҳатдан асослайдиган бўлсак, шуни эътироф этиш керакки, унда: биринчидан, бирорта аниқ соҳани ривожлантириш ёки самарадорлигини оширишга қаратилган мақсад бўлиши керак; иккинчидан, уни амалга ошириш учун алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатадиган субъектлар кучларини бир жойга жамлаш лозим бўлади; учинчидан, биргаликда ҳаракатга келтирилган куч орқали алоҳида ҳаракат қилиб эришилган натижага нисбатан кўпроқ натижага эришилганлигига гувоҳ бўламиз; тўртинчидан, битта куч билан таъсир қилиб самарадорликка эришиш мақсади қўйилса, унда ушбу битта куч билан узлуксиз ҳолда тизимли равишда таъсир қилиш лозим бўлади.

Шуни эътироф этиш лозимки, ушбу ҳолатга эришиш иқтисодиётнинг бозор муносабатлари шароитида бироз мураккаб. Чунки турли соҳаларда турли мулк эгалиги ҳукм сурмоқда, ҳатто бир соҳада ҳам турли мулк эгаларига асосланган бир-бири билан рақобатда бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатади. Бугунги кунда юқори самарадорликка эришиш учун кучларни бирлаштириш ва бир-бири билан ҳамкорлик қилиш объектив заруратга айланмоқда. Чунки кучлар бирлашсагина юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Мазкур атаманинг ушбу жиҳатларидан кўриниб турибдики, синергетика тушунчаси иқтисодиётнинг барча соҳаларида қўлланилиши мумкин экан. Уни бевосита хизмат кўрсатиш соҳасига, унинг таркибий қисми бўлган озиқ-овқат маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнига қўллайдиган бўлсак, шуни эътироф этиш керакки, соҳани ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун синергетикадан фойдаланиш йўлларини икки босқичда амалга ошириш лозим, деган хулосага келдик.

Биринчидан, бир соҳадаги бир қанча бир-бирига ўхшаш хўжалик юритувчи субъектлар кучларини бирлаштириш лозим

бўлади. Масалан, бирорта географик ҳудудда маҳсулотларни етиштирувчи ва сақловчи корхоналарни бирлаштириш мумкин. Чунки улар айрим масалаларни биргаликда ҳал қилса, юқори самарадорликка эришади. Жумладан, барча маҳсулот етиштирувчилар ҳар бири биттадан трактор сотиб олмасдан, ўртада керакли-гича техника харид қилиб фойдаланиш мумкин. Ёки ҳаммаси ўзига биттадан совутгич қурмасдан, бирлашиб, битта етарли қувватга эга бўлган совутгич қурса, барчаси фойдаланиши мумкин.

Иккинчидан, ушбу соҳага дахлдор турли соҳада хўжалик юритувчи субъектлар кучларини бирлаштириш мумкин. Бу ҳолда уларнинг бир-бири билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминлаш лозим бўлади. Масалан, маҳсулотни етиштирувчи фермер хўжалиги билан уни ташишда иштирок этадиган транспорт корхонасини, уни суғоришда иштирок этадиган сувдан фойдаланувчилар уюшмасини, маҳсулотларини сақлаб берадиган совутгичларни, уни сотиш билан шуғулланадиган дўкон ва бозорларни бирлаштириш имкони мавжуд. Кўриниб турибдики, у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам, синергетика билан боғлиқ жараёнларда тарқоқ кучларни бирлаштириш тўғрисида гап кетмоқда.

Ушбу назарий масалаларни асослаш учун айрим фактларни бевосита маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ жараёнлар мисолида қараб чиқиш лозим. Бунда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчидан, бирорта аниқ соҳани, мазкур ҳолатда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнини такомиллаштириш орқали уларнинг самарадорлигини оширишга эришиш асосий мақсад қилиб олинди.

Иккинчидан, ушбу мақсадга эришиш учун, алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатадиган субъектлар (омбор, уларга хизмат қилувчи коммунал хўжалик субъектлари, транспорт ташкилотлари кабилар)нинг кучлари бир жойга жамланади. Уларнинг ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиши таъминланади. Бу ерда рақобатдан кўра ҳамкорлик устуворликни эгаллайди.

Учинчидан, биргаликда ҳаракатга келтирилган ҳолатдаги самара, яъни ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар томонидан эришилган фойданинг жамланганига нисбатан, кучни бирлаштириш орқали эришилган фойда кўп бўлади. Бу эса, турли тармоқ

ва соҳаларни бирлаштиришда улар манфаатдорлигининг мувофиқлигини таъминлаш имконини ҳам вужудга келтиради. Ҳар бир корхонанинг ҳамиша алоҳида ҳаракат қилиб, эришилган натижасига (фойдасига) нисбатан, бирлашиб қилинган ҳаракат пайтида олган фойдаси кўпроқ эканлигига гувоҳ бўламиз.

Тўртинчидан, таъкидланганидек, битта куч билан таъсир қилиб, самарадорликка эришиш мақсади қўйилса, унда ушбу битта куч билан узлуксиз ҳолда тизимли равишда таъсир қилиш лозим бўлади. Бунга табиатдан битта мисол келтирамиз. Сув юмшоқ, аммо уни узлуксиз равишда бир хил томчилатиб қўйилса, қаттиқ тошни ҳам тешиб юбориши мумкин. Иқтисодий соҳадан мисол қилиб, омбордан юкни транспортга ортишни келтириш мумкин. Одам бир идишда 50 килограмм юкни кўтариб ортиши мумкин. Агар уни тизимли равишда давом эттирса, жуда кўп тонналаб юкни ортиб қўяди. Аммо уни бирданига ортиш қийин. Бунинг учун бир қанча кучларни бирлаштиришга тўғри келади.

Бевосита маҳсулотларни сақлаш жараёнига келадиган бўлсак, уни сақлайдиган омбор (совутгич идораси) элект тармоқлари, газ билан таъминлайдиган ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашлари лозим. Совутгичга узлуксиз электр таъминоти керак бўлади. Агар унда узилиш бўлса, маҳсулот сифатининг пасайиши рўй беради. Электр энергиясининг узилиши туфайли, ушбу идора истеъмолчига бир вақт бирлигида кам энергия етказиб бериш орқали сотган қуввати кам бўлади. Омборнинг зарари – маҳсулотнинг бир қисми нобуд бўлиши натижасида содир бўлади. Бунда маҳсулотнинг ҳам, омборнинг ҳам эгаси зарар кўради ва ҳ.к. Кўриниб турибдики, битта электр қувватининг узилиши бир қанча субъектлар манфаатига зид бўлиб келмоқда. Шу туфайли, совутгич корхонаси билан электр таъминоти ва шунга ўхшаш корхоналар ҳамкорлиги таъминланса, ушбу йўқотишлар бўлмаслиги тайин. Булардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, ушбу тармоқлар бир-бирларини қўллаб-қувватлаб ишлашлари ва бир-бирининг самарадорлигини таъминлашлари лозим бўлади. Бундай самарадорлик айнан синергетик самарадорликни ташкил қилади.

Синергетик самара деганда, маълум бир фаолиятда юқори ижобий натижага эришиш учун ўзаро манфаатдор субъектлар куч ва имкониятларини бирлаштирган ҳолда

тизимли равишда аниқ мақсадга йўналтириш эвазига қўлга киритилган самара тушунилади.

Ушбу таърифнинг математик ифодасини келтириш мумкин. Бунда натижа кўрсаткичи (синергетик самара) асосан кучларнинг жамланишида ўз ифодасини топади. Ушбу жараённинг математик моделини ифодалаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Cc = \sum_{i=1}^{n} Ki$$

Бунда: Сс–синергетик самара;
і – кучларнинг тартиб рақами;
n –бирлашиш лозим бўлган алоҳида кучларнинг сони;
Кі – і-кучнинг (субъектнинг) номи.

Ушбу таъриф ва математик моделни шу билан асослаш мумкинки, бирорта соҳада ёки бирорта жараёнда юқори самарани, масалан, кўпроқ фойдани қўлга киритиш учун, битта соҳадаги субъектлар ёки бир соҳага дахлдор бўлган турли субъектлар (корхоналар)нинг ҳамкорликда ҳаракат қилишлари лозим бўлади. Бу эса, турли кучларнинг диалектик бирлигини таъминлаган ҳолда тарқоқ кучларни бирлаштиришни йўлга қўйишни тақозо этади. Уларнинг тарқоқ ҳолда эришган натижасига нисбатан, биргаликда қилган ҳаракати кўпроқ натижага эришиш имконини беради. Уларнинг мана шу биргаликда эришган муваффақияти, юқорида таъкидланганидек, айнан синергетик самарани ташкил қилади.

Бунга битта мисол келтирамиз. Маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган корхона бир йилда алоҳида фаолият кўрсатиб,80,0 млн. сўм фойда олди[183]. Унга хизмат қиладиган электр энергияси таъминоти билан шуғулланадиган ташкилот 15,0 млн. сўм фойда олди. Ушбу сақловчи корхонага газ етказиб берувчи ташкилот эса, 18,0 млн. сўм фойда олди, деб фараз қиламиз. Барчасининг фойдаси 113,0 млн. сўмни (80,0 + 15,0 + 18,0) ташкил қилмоқда. Аммо улар ҳамкорликда фаолият кўрсатиш натижасида, мос равишда, қуйидаги натижаларга эришди: 90,0 млн. сўм, 18.0 млн сўм ва 22,0 млн. сўм. Уларнинг умумий фойдаси 130,0 млн. сўмни

[183]Ушбу ҳолатда методологик асосни кўрсатиш мақсадида маълумотлар тақрибан олинди.

(90,0 + 18,0 + 22,0) ташкил қилди. Синергетик самаранинг фарқи 17,0 млн. сўмни (130,0 – 113,0) ташкил қилади.

11.3. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликнинг асосий йўналишлари ва улардан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиш имкониятлари

Синергетик самара ва синергетик самарадорликка эришиш учун синергетиканинг таърифидан келиб чиқиб, унинг турли йўналишлари мавжудлигини инобатга олиш лозим. Шу нуқтаи назардан унинг йўналишлари ишлаб чиқилди. Бу йўналишлар: ҳамкорликда таъсир, тизимли таъсир ва келажакнинг бугунга таъсиридан иборатлиги асосланди. Бу тизимни қуйидаги расмда келтирдик (11.2-расм).



11.2-расм. Синергетик самаранинг асосий йўналишлари[184].

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири иқтисодий самарадорликни муттасил ошириб бориш имконини беради. Буларни қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, натижанинг ўзгаришида синергетик самаранинг **ҳамкорликда таъсир** тамойили вужудга келади. Ҳамкорликда қилинган ҳар қандай ишда кучлар бирлаштирилади ва таббиий равишда юқори самарага эришиши мумкин бўлади. Бу борада юқорида ҳам етарли далиллар келтирилди. Бундан кўриниб турибдики, бир соҳани ривожлантириш учун уларда мавжуд бўлган ва уларга бевосита дахлдор тарқоқ кучларни бирлаштиришга тўғри келар экан. Бу жараёнда, албатта, мураккабликлар мавжуд. Чунки ҳозирги шароитда турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётган турли соҳада хўжалик юритадиган субъектларни

[184]Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида илк бор ишлаб чиқилди.

бирлаштириш бироз мураккаб. Шу туфайли, уларнинг манфаатдорлиги таъминланган бўлиши лозим. Бу анча ташкилий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Шу туфайли, ушбу ишнинг бошида, биринчи босқичда, маҳаллий ҳокимиятларнинг туриши мақсадга мувофиқ. Зеро, мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигидадир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамкорликда таъсир тамойилига таъриф бериш мумкин. **Ҳамкорликда таъсир дейилганда, бирорта соҳа самарадорлигини ошириш ва уни ривожлантириш учун мавжуд бўлган ва уларга бевосита дахлдор тарқоқ кучларни ҳар бирининг манфаатдорлигини таъминлаган ҳолда бирлаштириш тушунилади.**

Синергетик самарага эришишнинг яна бир йўналиши-**тизимли таъсир**дир. Тадқиқотимиз давомида ушбу йўналишни ҳам амалга ошириш лозимлиги асосланди. Чунки тизимли таъсир натижасида қаттиқни юмшоқ билан енгиш мумкин. Масалан, яна бир бор сувни тошнинг устига тизимли равишда томиздириб турилса, пайти келиб, тошни тешиш мумкинлигини эсга олайлик. Тизимли таъсир асосида ёндашувнинг кучига асаларининг асал тўплаш жараёнини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Улар минглаб гулларга қўниб, улардаги заррачалардан иборат бўлган асални тизимли равишда бир жойга тўплайдилар ва тонналаб асал йиғиш имконига эга бўладилар.

Буларни иқтисодиётга хос тарзда изоҳлайдиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, агар бинони қурмоқчи бўлсак, ҳар куни унга бир мингтадан ғишт қўйиб борилса, маълум кунда ушбу бино битади. Пахта хирмонини ҳам тизимли таъсирга мисол тариқасида келтириш мумкин. Пахта чаноқда пишиб етилади. Унинг бир чаноқдаги оғирлиги 5-10 граммни ташкил қилади. Уни териш жараёнида тизимли равишда аста-секинлик билан граммлаб териш натижасида миллион тонналаб хирмон ҳосил бўлади. Худди шундай ҳолатга қадимий мақолларимиздан бири “Тома-тома кўл бўлур, томмай қолса чўл бўлур”, деган мисолни ҳам келтиришимиз мумкин.

Кўриниб турибдики, тизимли таъсир натижасида кичик натижаларнинг жамланиши билан катта муваффақиятга эришиш

мумкин экан. Буни бевосита маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнига ҳам қўллаш мумкин. Масалан, юқорида тавсия қилинган “Боғдан дастурхонгача” усулини оладиган бўлсак, маҳсулотни тайёрлашдан сақлаш ва сотишга қадар босқичларнинг ҳаммасида совутгич бўлиши лозим. Бунда ташиш жараёнида автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари ҳам совутгичлар билан жиҳозланиши керак бўлади. У ҳолда маҳсулотнинг нобуд бўлиши минимал даражага тушади ва мазкур жараён катта синергетик самара беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тизимли таъсирни тамойилининг таърифини ишлаб чиқиш мумкин. **Тизимли таъсир дейилганда, бирорта объект фаолияти бўйича белгиланган самарага эришиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун тизимли равишда таъсир қилиш жараёни тушунилади.**

Синергетик самаранинг яна бир йўналиши **келажакнинг бугунга таъсир**и тамойили ҳисобланади. Буни оила ҳаётига қиёс қиладиган бўлсак, ота-она боласининг келажакда саводли ва билимдон бўлиб улғайишини орзу қилади. Бунга эришиш учун, унинг ўқишига тегишли шароитларни яратишга ҳаракат қилади, ўргатувчи (репетитор-ўргатувчи) ёллайди. Бизнинг мамлакатимизда асосий таълим бепул. Аммо ўз фарзандининг келажагини ўйлаган ота-она, пул тўлаб, унинг қўшимча дарсларга иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қилади. Кўриниб турибдики, келажак бугунга таъсир қилмоқда. Агар буни бевосита иқтисодиётга қўллайдиган бўлсак, тадбиркорнинг мақсади, ўз фаолияти натижасида, харажатлар қилиш эвазига келажакда катта фойда олиш, сифатли хизмат кўрсатиш, бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш орқали баланд обрўга эришишга қаратилган бўлади.

Буни маҳсулотларни сақлаш ва сотишга татбиқ қиладиган бўлсак, тадбиркор келажакда ушбу соҳада юқори фойда олиш учун маҳсулотни сақлайдиган омборни ва совутгичларни олдиндан мавсумга шай қилиб қўяди. Барча биноларни, ускуна ва жиҳозларни олдиндан таъмирлаб, уларни тайёр ҳолатга келтиради. Кўриниб турибдики, келажак бугунги фаолиятга таъсир қилмоқда. Ушбу мисоллардан фойдаланиб, келажакнинг бугунга таъсири тамойилига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Келажакнинг бугунга таъсири дейилганда, объектнинг келгуси ривожланиш истиқболини ва юқори самарадорликка эришишини ўйлаб, бугун қиладиган ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Юқоридаги келтирилган тавсиялардан маълумки, синергетик самарага эришиш учун, хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор муносабатлари шароитидаги индивидуализм тамойилига асосланган ҳаракати ва ҳар бирининг якка тартибда рақобат майдонида намоён бўлишига барҳам бериш лозимлигини тақозо этади. Бу ҳолат бозор муносабатлари тамойилларига бошқачароқ, ўзимизга хос тарзда ёндашиш заруратини туғдиради. Бу борада тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ишни мувофиқлаштириш масаласини ҳозирги пайтда тажриба тариқасида маҳаллий ҳокимиятлар амалга ошириши лозим. Агар у ҳақиқий синергетик самара берса, уни мамлакат миқёсида жорий қилишга тўғри келади, деб ҳисоблаймиз.

Барча соҳаларда ҳамкорлик катта муваффақиятларга эришиш омили эканлиги бизнинг миллатимиз учун асл қадрият. Масалан, бизда бирорта ишни тез ва соз битириш учун қадимдан "ҳашар" деган тадбир қўлланиб келинган. Бу айнан бирор бир мақсадга эришиш, бирорта ишни ўз вақтида тезлик билан бажариш учун турли кучларни бирлаштириш ва ҳамкорлик қилиш намунасидир. Демак, бизнинг ҳашаримизни англатадиган замонавий халқаро ибора синергетик усул, яъни ҳамкорлик, бирлаштириш усули эканлигига гувоҳ бўламиз.

Ҳозирда иқтисодиётимиз жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашган ҳолда ривожланмоқда ва бундай ҳолат келажакда янада кучайиши ва чуқурлашиши тайин. Бу ҳолат маълум даражада иқтисодиётимизда рақобат муҳитининг шаклланишини ва рақобатчилар ўртасида рақобатчиликнинг мавжудлигини тақозо қилади. Бу эса, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш заруратини вужудга келтиради. Аммо бизнинг иқтисодиётимизда кескин рақобатнинг сақланиб қолиши билан биргаликда, ҳамкорлик ҳам муттасил ривожланиб бораверіши лозим. Зеро, бу жараён ҳозирги замон тили билан айтганда, "синергетик самара"га, сўнгра юқори "синергетик

самарадорлик”ка эришишнинг асосий йўлларидан бирига айланади.

Булардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, “синергетика” сўзини ўзимизга мос равишда, унга мазмуни жиҳатидан қарайдиган бўлсак, “ҳамкорлик” ёки “бирлаштириш” деб аташ мумкин. Ҳамкорлик ёки бирлаштиришнинг хусусиятлари турли уюшмалар, кооперациялар, бирлашмалар, ассоциациялар каби шаклларда намоён бўлмоқда. Бирорта самарага эришишда, уни тез ва соз бажаришда кучларни бирлаштиришнинг бир марталик жараёни, бизда қадимдан, юқорида таъкидланганидек, ҳашар шаклида қўлланилиб келинган. Бу ҳозир ҳам сақланиб қолган ва бундай ишлар қадриятларимизнинг тикланишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Кўриниб турибдики, синергетика бизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида аввал ҳам, ҳозир ҳам биз билан бирга. Келажак истиқболимизда ҳам ҳамкорлик синергетик самарага эришишнинг асосий йўли бўлиб қолади. Чунки барча қадриятларимиз бугун улар босқичма-босқич тикланмоқда, сақланиб қолганлари такомиллашмоқда, улар келажакда ҳам ҳаётимизнинг таркибий қисми сифатида авлодларимизнинг ҳаётий тарзидан кенг ўрин олиши табиий.

Мамлакатимиз аҳолисини йил бўйи сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш мақсадида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Бунинг илғор усулларидан бири “боғдан дастурхонгача” усулининг самарадорлигини ошириш учун синергетик самарадан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо ушбу масала иқтисодий адабиётларда деярли ишлаб чиқилмаганлиги туфайли, мазкур ишда маҳсулотларни етиштириш, сақлаш ва сотиш жараёнини ўзида мужассам этган “боғдан дастурхонгача” усулининг самарадорлигини баҳолаш йўллари синергетик самара орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди. Шунингдек, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнида синергетик самара ва синергетик самарадорлик усулларидан фойдаланиш масалалари ҳам муҳимлигидан келиб чиқиб, бу борада тегишли тажрибалар ўтказилди.

Тадқиқотлар жараёнида интенсив боғда ва маҳаллий боғда етиштирилган ҳамда саралланган олма маҳсулотининг совутгичда сақлашга қўйилганлиги ва у тегишли муддатда сақлангандан кейин сотишгача бўлган жараённинг самарадорлигини аниқлаш усулини қараб чиқиш ва асослаш учун "боғдан дастурхонгача" бўлган жараён қамраб олинди. Мазкур тизим ҳам ўзига хос ва самарали тизим эканлиги исботланди.

Тадқиқотлар натижасида "боғдан дастурхонгача" тизимда маҳсулотларнинг нобудгарчилиги кескин камайиши билан ўзига хос ва самарали тизим эканлиги исботланди. Ушбу тизимнинг кетма-кетлиги қуйидаги расмда келтирилган (11.3-расм).



11.3-расм. "Боғдан дастурхонгача" тизимининг кетма-кетлиги[185].

Ушбу тизимга кирувчи субъектлар кучларини бирлаштириш эвазига юқори самарадорликка эришиш учун, синергетик самарадорлик масалаларини атрофлича қараб чиқишни тақозо қилади.

11.4. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликни аниқлаш йўллари ва ундан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиш имкониятлари

Синергетик самарадорлик тушунчаси амалиёт учун муҳим аҳамиятга эгалигини инобатга олиб,унинг мазмунини аниқ ёритиб берадиган такомиллашган таъриф ишлаб чиқилди. **Синергетик самарадорлик** деганда, бирорта соҳа ёки фаолиятда юқори натижани қўлга киритиш учун ҳамкорликда, барча дахлдор куч ва имкониятларни бирлаштирган ҳолда қилинган ҳаракатлар харажатларининг алоҳида ҳолатда қилинган харажатларга нисбатан ижобийлиги тушунилади.

[185] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ишда сенергетик фаолият самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги математик моделдан фойдаланишга асосланиб, унинг қуйидаги формуласи тавсия этилди:

$$Сса = \frac{1}{т}\sum_{i=1}^{n} Ki \ ;$$

Бунда, Сса – синергетик самарадорлик;

т – *синергетик натижа учун қилинган харажатлар(фойдаланилган ресурслар);*

і – кучларнинг (субъектнинг) тартиб рақами;

n –бирлашиш лозим бўлган алоҳида кучлар (субъектлар)нинг умумий сони;

Кі – і-кучнинг (субъектнинг) индивидуал миқдори.

Юқорида таъкидланган синергетика, синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларининг таърифлари билан бирга, уларнинг математик моделларини ҳам ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун, юқорида келтирилган маълумотларга асосланадиган бўлсак, ўша тадқиқ қилинган 3 та хўжалик юритувчи субъектлар алоҳида ҳаракат қилиб, ўрта ҳисобда уларнинг умумий харажати 400,0 млн. сўмни ташкил қилди. Улар кучларини бирлаштириб биргаликда ҳаракат қилганда, ушбу кўрсаткичнинг миқдори 420,0 млн. сўмни ташкил қилди, деб фараз қиламиз. Кўриниб турибдики, иккинчи ҳолатда хўжалик юритувчи субъектлар биринчи ҳолатга нисбатан кўпроқ харажат қилган. Шунга қарамасдан синергетик самарадорлик, кучлар бирлаштирилган пайтда тарқоқ ҳолатга нисбатан юқори.

Биринчи ҳолатда харажатлар рентабеллиги 28,25 %га (113,0 : 400*100) тенг. Аммо иккинчи ҳолатда эса, ушбу кўрсаткичнинг даражаси 30,95 %га (130,0:420,0*100) тенг, яъни синергетик самарадорлик 2,70 бандга (30,95 – 28,25) юқори. Синергетик самарадорлик ҳар бир минг сўм қилинган харажатга нисбатан қанча соф фойда олинганлигини, яъни харажатлар рентабеллигини кўрсатади. Бунинг битта субъектда аниқланиши бўйича математик шаклини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Ccxp = \frac{Сф}{Rxa} * 100;$$

Бунда, Ссхр – битта корхондаги самарадорлик, яъни харажатлар рентабеллиги;

Сф – битта субъектда эришилган самаранинг миқдори, яъни олинган фойда суммаси;

Rха – мазкур субъектда қилинган харажатлар.

Ушбу формула битта субъект бўйича самарадорликни ифодалаб турибди. Аммо кучлар бирлаштирилганда унинг кенгайтирилган шакли, яъни синергетик самарадорликни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Ссхр = \left(\sum_{i=1}^{n} Сфi : \sum_{i=1}^{n} Rxi * 100\right)$$

Таҳлил жараёнида навбатдаги босқичда синергетик самарадорликнинг фарқи аниқланди. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Ссхр = \left(\sum_{i=1}^{n} Сфiҳ : \sum_{i=1}^{n} Rxiҳ * 100\right) - \left(\sum_{i=0}^{n} Сфip : \sum_{i=1}^{n} Rxip * 100\right);$$

Бунда, $\Delta Ссхр$*– синергетик самарадорликнинг фарқи;*

$Сфiҳ$ *– кучларни бирлаштирган пайтдаги синергетик самаранинг ҳақиқий миқдори;*

$Rxiҳ$ *– кучларни бирлаштирган пайтдаги қилинган харажатларнинг ҳақиқий миқдори;*

$Сфip$ *– кучлар бирлаштирилмаган ҳолатдаги синергетик самаранинг ҳақиқий миқдори;*

$Rpop$ – *кучлар бирлаштирилмаган ҳолатдаги қилинган харажатларнинг ҳақиқий миқдори;*

$(\sum_{i=1}^{n} Сфiҳ : \sum_{i=1}^{n} Rxiҳ * 100)$ – *кучлар бирлашган пайтдаги синергетик самарадорлик даражаси;*

$\left(\sum_{i=0}^{n} Сфip : \sum_{i=1}^{n} Rxip * 100\right)$–*алоҳида кучлар бирлаштирилмаган пайтдаги синергетик самарадорлик даражаси.*

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини оширишда синергетика, синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларидан фойдаланиш мумкин экан.

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнида синергетик самарадорлик миқдорини харажатлар рентабеллиги билан бирга уларнинг натижавийлигини ҳам аниқлаш мумкин. Бунда ҳар бир субъектнинг самарадорлигини аниқлашни тавсия қиламиз. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Сса = \frac{Q}{Sxa};$$

Бунда, Сса – битта субъектда харажатлар самарадорлиги;

Q – кучлар бирлаштирилмаган пайтдагиалоҳида субъектнинг ҳисобот йилидаги барча тушуми;

Sxa – кучларни бирлаштирилмаган пайтда алоҳида субъектнинг харажатлари.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, синергетик самарадорликни фойданинг харажатларга нисбати билан ҳам ва харажатларнинг натижавийлиги билан ҳам баҳолаш мумкин экан. Ушбу формуладан фойдаланиб, синергетик самарадорликни аниқлаш учун, кучларни бирлаштирган ҳолатдаги қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Сса = \left(\sum_{i=1}^{n} Q : \sum_{i=1}^{n} Sxa\right)$$

Кучларни бирлаштирган ҳолатда синергетик самарадорликни ифодалаш ва уларни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз (11.1-жадвал).

11.1-жадвал

“Bahmal Golden Apple”қўшма корхонасида эришилган синергетик самарадорликнинг ҳисоб-китоби[186]

Т/р	Фаолиятда иштирок этадиган субъектлар	Эришилган синергетик натижа, минг сўм (1 тонна маҳсулотга олинган даромадлар суммаси)			
		Алоҳида бўлганда	Бирлаштирилганда	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Маҳсулотни (картошкани) етиштирувчилар харажати	875,6	875,6	-	100,0
2.	Тайёрловчилар харажати	97,8	X	+97,8	X
3.	Ташувчилар харажати	62,3	X	+62,3	X
4.	Сақловчилар харажати	124,7	X	+124,7	X
5.	Сотувчилар харажати	451,8	X	+458,8	X
6.	Кучлар бирлашганда қилинган ташиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар, минг сўм (2+3+4+5)	736,6	745,9	+9,3	101,3
7.	Жами харажатлар, минг сўм	1612,2	1621,5	+9,3	100,6
8.	Кучларни бирлаштириб сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	5739,4	6534,6	+795,2	113,9
9.	Синергетик самарадорлик, сўм (8қ / 7қ)	3,56	4,03	+1,37	110,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, маҳсулотларни етиштирувчи фермер хўжалиги 875,6 минг сўм харажат қилган. Уни ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган жараёнда тўртта мустақил хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этган. Буларнинг ҳар бири ушбу маҳсулотни етиштирилган жойидан сотилгунча бўлган

[186] “Bahmal Golden Apple”қўшма корхонаси ва бошқа ҳамкор субъектлар маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

жараёнда иштирок этиб, тегишли тарзда харажатлар қилишган. Улар алоҳида бўлган пайтда қилинган харажатларнинг умумий суммаси 736,6 минг сўмни ташкил қилган. Биргаликда ҳаракат қилганда харажатлар жами 745,9 минг сўмни ташкил қилган. Бу ҳолатда ҳам харажатлар ўсган. Аммо унинг ўсиш суръати атиги 101,3 %ни ташкил қилган. Мазкур ҳолатда 1 тонна картошкани сотиш учун қилинган жами харажатлар кучлар бирлаштирилмаганда 1612,2 минг сўмни ташкил қилган. Кучлар бирлаштирилганда унинг миқдори 1621,5 минг сўмга тенг ёки 9,3 минг сўмга кўп бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгариш суръати 100,6 %ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, кучлар бирлаштирилганда ҳам маҳсулотнинг ҳар тоннаси учун қилинган харажатлар, шунингдек, сотилган маҳсулотнинг ҳажми ҳам анча ошган. Унинг ўзгариш суръати 113,9 %ни ташкил қилади. Мос равишда, синергетик самарадорлик ҳар тонна картошкадан 1,37 минг сўмни, ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати эса 110,4 %ни ташкил қилган.

Энди савол туғилади, нима учун кучлар бирлаштирилганда, харажатлар кўп бўлиши билан бирга, маҳсулот ҳам кўп сотилган. Албатта, мазкур ҳолатда харажатлар кучлар бирлаштирилганда ҳам бироз кўп бўлган. Аммо унинг ўсиш суръати, сотилган маҳсулотга нисбатан анча паст, бироқ, кучлар бирлаштирилгандаги сотилган маҳсулот кўп бўлган. Бунга сабаблар қуйидагилар. Биринчидан, совутгичда сақланган маҳсулотнинг нобудгарчилиги жуда кам бўлган. Иккинчидан, ушбу маҳсулотнинг сифати барра ҳолида сақланиб қолинган. Учинчидан, яхши сақланган маҳсулотлар одатдагиларга нисбатан бироз қиммат-роққа сотилган. Ушбу ҳолат нафақат тадбиркорга самарали, балки жамиятга ҳам самаралидир. Маҳсулотларни қишга сақлаш йўли билан йил давомида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш эвазига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилган. Бу айниқса пандемия ва ундан кейинги шароит учун ўта муҳимдир.

Биз тадқиқот давомида етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланадиган соҳани ўргандик. Ўрганиш объекти сифатида Тошкент шаҳрида жойлашган “OSC TARIM GIDA SOGUTMA” Туркия ваколатхонаси қошидаги қўшма корхонанинг совутгичи ва “KONGRESS BARAKA AGRO”

масъулияти чекланган жамиятга қарашли совутгич корхонасини танладик. Ушбу корхоналарда олма маҳсулотини сақлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бордик.

Мазкур корхоналарда маҳсулотларни етиштириш, ташиш, сақлаш ва сотиш тизимини амалга оширишда “боғдан – дастурхонгача” усулини жорий қилиш мақсад қилиб қўйилган эди. Ушбу усул кузатувларимиз кўрсатдики, пандемия шароитида (2020-2021 йилларда) ҳам кескин ўзгарган эмас. Буни инобатга олиб, ўша пайтдаги тадқиқот натижаларини келтирдик. Тадқиқот учун 2013-2014 йилнинг ҳосилини йиғиш ва сақлаш бўйича 2013-2014 йиллар давомида тажриба ўтказилган эди. Бунинг натижасини 2014 йилнинг март ойида текшириб кўрилди ва самарадорлиги аниқланди.

2013 йил 10 октябрдан 2014 йил 10 мартгача Бахмал туманида жойлашган интенсив боғда етиштирилган олма 5,0 (беш) тонна “OSC TARIM GIDA SOGUTMA” корхонасининг сақлаш учун совутгичга қўйилди. Мазкур омборда ушбу интенсив боғда етиштирилган олма 5 ой муддат давомида сақланди. Шу муддатдан кейин унинг вазни ўлчанди ва самарадорлиги аниқланди. Шу давр давомида интенсив боғда етиштирилган олма ўз вазнини (айрим чириганлари билан бирга) ўрта ҳисобда 1,27 % йўқотганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатни таққослаш учун оддий анъанавий усулда сақланган олма маҳсулоти ҳам олинди. Ҳосил етиштирилган жойда, яъни Бахмал туманида ҳам 5 тонна маҳаллий олма сақлашга қўйилди. 5 ойдан кейин уларнинг ҳажми ўлчанганда 18,56 % (чириганлари билан бирга) вазнининг йўқотилганлиги аниқланди. Шу даврда интенсив боғда етиштирилган олмада но-будгарчиликнинг камайиши бўйича мазкур совутгичда самарадор-лик унинг умумий вазнига нисбатан 17,29 %ни (18,56 – 1,27) ташкил қилди. Бундан ташқари, сақлашга қўйилган давр билан сақлангандан кейинги даврда олманинг улгуржи нархи 5000 сўмдан 9500 сўмгача ошди. Бу ўрта ҳисобда 1,9 мартага (9500 : 5000) ошганлигидан далолат бериб турибди.

Шуни эътиборга олиш жоизки, шу даврда олманинг сақланганлиги учун совутгичга ҳар бир кг.га 420 сўмдан ҳақ тўлайди. Бу 1 тонна олма учун 420,0 минг сўмни ташкил қилади.

Шу даврда 1 тонна олманинг самарадорлиги, натурал миқдорда 172,9 кгни (185,6 – 12,7) ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич суммада 4379,35 минг сўмга {(1000 – 12,7 * 9500) – (1000 * 5000)} тенг бўлди. Соф самарадорлик 1 тонна олмадан 3959,35 минг сўмга (4379,35 – 420,0) тенглигини кўрамиз. Олмани совутгичда сақлаганлиги учун ҳар бир килограммига 3,96 минг сўм (3959,35 : 1000) фойда қилинганлигига гувоҳ бўлдик.

Худди шундай тажрибани "KONGRESS BARAKA AGRO" масъулияти чекланган жамиятига қарашли совутгич корхонасида ҳам амалга оширдик. Бунда ҳам юқорида қайд қилинганидек, олма маҳсулотини етиштириш, ташиш, сақлаш ва сотиш тизимини амалга оширишда "Боғдан – дастурхонгача" усулини жорий қилиш масаласи синаб кўрилди. Мазкур корхонада ҳам 2013-2014 йиллар давомида олиб борилган тажриба натижаларини келтирдик. Тажрибага 2013 йил 20 сентябрдан 2014 йил 15 мартгача сақлаш учун 1,0 (бир) тонна маҳаллий боғда етиштирилган сараланган олма қўйилди ва 5 ой 25 кун муддат давомида сақланди. Шу даврда унинг вазни ўлчаниб, сақлаш бўйича соф самарадорлиги аниқланди.

Ушбу даврда маҳаллий олма ўз вазнини 3,4 % йўқотганлиги (бунинг аксарият қисми чириш ҳисобига) аниқланди. Оддий анъанавий усулда ҳосил етиштирган жойда маҳаллий олма сақланганда 18,56 % йўқотилганлиги юқорида қайд қилинган эди. Шу даврда нобудгарчиликнинг камайиши бўйича мазкур совутгичда самарадорлик олманинг умумий вазнига нисбатан 15,16 %ни (18,56 – 3,4) ташкил қилди. Бундан ташқари, сақлашга қўйилган давр билан сақлангандан кейинги даврда олманинг улгуржи нархи ўрта ҳисобда 2,2 мартага (2,2 минг сўмдан 4,8 минг сўмга) ошган.

Шу даврда 1 тонна олманинг самарадорлиги натурал миқдорда 151,6 кгни (185,6 – 34,0) ташкил қилади. Мазкур кўрсаткич суммада 2436,8 минг сўмга {(1000 – 34 * 4800) – (1000 * 2200)} тенг бўлди. Ҳар бир кг учун сақлаш харажати 350 минг сўм миқдорда белгиланган. Умумий сақлаш харажати 1 тонна олма учун 350,0 минг сўмни (1000 * 350) ташкил қилади. Соф самарадорлик 2086,8 минг сўмга (2436,8 – 350,0) тенг. Оддий анъанавий усулда етиштирилган маҳаллий олманинг 1 кгнинг

совутгичда сақлаш самарадорлиги 2,1 минг сўмга (2086,8 : 1000) тенг экан. Бугунги 2020-2021 йилларда маҳсулотнинг нархлари, сақлаш харажатлари ўзгарган, аммо ҳисоблаш усули айнан ўзгармаганлиги туфайли, буни қайтадан ҳисоб-китоб қилинмади.

Мазкур тизимнинг моҳияти шундаки, етиштирилган олма маҳсулоти боғда терилган пайтида сараланиб, бирданига транспорт орқали ташилиб, совутгичга қўйилади. Совутгичда тегишли муддатда сақлангач, сотишга чиқариш учун ҳам транспортда ташилади ва сотиш манзилига етказилади. Бунда олмалар 5-8 ой давомида сақланиши мумкин. Айрим ҳолларда интенсив боғда етиштирилган олма 10 ойгача ҳам сақланади. Бизнинг олиб борган тадқиқотимиз ушбу хулосаларга келиш учун асос бўлди.

Боб бўйича хулоса

Мазкур бобда пандемиядан кейинги даврда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизматларни такомиллаштиришда синергетик самарадан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ қилиниб бир қанча хулосаларга келинди:

Биринчидан, тадқиқот жараёнида пандемиядан кейинги даврда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизматларнинг объектив зарурлиги, унинг аҳамияти очиб берилди. Чунки пандемия кутилмаган хавфларни туғдирди. Улардан бири озиқ-овқат хавфи эди. Зеро, деярли барча соҳа маълум муддатда ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди ва мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш давом этсада, уни сақлаш ва етказиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш масаласида бирмунча узилишлар бўлди. Шу туфайли озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи глобал масштабди, хусусан мамлакатимиз учун ҳам нечоғлик аҳамиятли эканлиги асослаб берилди.

Иккинчидан, жуда кўп иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда синергетика билан боғлиқ жараёнлар ва уларни ифода этадиган тушунчалар иқтисодиётга янгидан кириб келганлиги учун анча ноаниқликлари мавжуд эди. Шу боис мазкур бобда “Синергетика”, “Синергетик самара” ва “Синергетик самарадорлик” тушунчаларининг назарий масалалари тадқиқ қилиниб,

уларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ҳам очиб берилди.

Учинчидан, тадқиқот жараёнида хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликнинг асосий йўналишлари ва улардан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиш имкониятлари ҳам ўрганилиб, бир қанча хулосаларга келинган ва тегишли тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган. Синергетик самарадорликка эришиш учун қуйидаги йўналишлардан фойдаланиш лозимлиги асосланган. Буларга, биринчи галда кучларни бирлаштириш лозимлиги асосланган. Иккинчидан синергетик самарага эришиш учун тизимли таъсир кучидан фойдаланиш ҳам маҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган ва ниҳоят навбатдагиси келажакнинг бугунги таъсири ҳам катта эканлигини аниқ мисолларда кўрсатиб берилган.

Тўртинчидан, хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликни аниқлаш йўллари ва ундан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиш имкониятлари қараб чиқилган. Ушбу масала ҳам синергетик самарани қўллаган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, синергетик самарани баҳолаш бўйича бир қанча усуллар тавсия қилинди. Бунда қўлланиладиган формулалар ва моделлар ҳам келтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши кам куч билан катта самарадорликка эришиш имкониятини яратса, назарий жиҳатдан иқтисодиёт фанида янги йўналишга дахлдор бўлган мавзу пайдо бўлади.

Боб бўйича адабиётлар рўйхати

1. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик.Қайта ишланган 2-нашр. – Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2013. – 368 б. – 17,05 б.т.

2. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 2-нашр.– Т.: ” IQTISOD-MOLIYA”, 2010, 384 б.

3. Абдуллаев Ё., Пардаев М.Қ., Худайбердиев У.Х., Алиев Б.Р. Статистика. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2011. – 256 б. – 16,0 б.т.

4. Кэмбел Р. Макконелл, Стенли Л.Бю. Экономикс. Принципы, проблемы и полетика. 1-2 книги – М.: Республика, 1993.

5. Маматкулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010, 398 Б.

6. Менкью Н. Григори. Принципы экономикс. Санкт-Петербург. Питер, 1999, 784 с.

7. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис иқтисодиёти. Монография. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2013. – 212 Б. – 13,25 б.т.

8. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2011. – 172 б. – 11,0 б.т.

9. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М.. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014. – 384 б.- 24,0 б.т.

10. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014, 264 бет.

11. Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 162 б. – 10,2 б.т.

12. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд: “Зарафшон” нашриёти, 2010. – 244 б.-15,25 б.т.

13. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Монография. –Т.: “KONSAUDITINFORM - NASHR” нашриёти, 2011, 408 б.

14. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Меҳнат, 1996.

15. Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. 08.00.05. И.ф.д. илмий

даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2017. - 96 б.

16. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. // Масъул муҳаррир: проф Каримов Б.Р. Муаллифлар Б.О.Тураев ва бошқалар. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2017, 360 бет.

12-боб. ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ ВА СОТИШ ХИЗМАТЛАРИ КЛАСТЕРИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Кластер усулидан бугунги кунда барча тармоқ ва соҳаларда (ишлаб чиқаришда ҳам, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам) жорий қилиниб, муваффақият билан фойдаланилмоқда. Бу келажакда ривожланишда давом этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз. Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур. Парламентимиз ушбу ислоҳотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган "Кооперация ва кластерлар тўғрисида"ги янги қонунни тезроқ қабул қилса, ушбу катта режа ва ниятларимизга мос иш бўлур эди"[187], деб таъкидлади.

Кластернинг самарадорлиги фақат арзон ва сифатли маҳсулотларни етиштиришни кўпайтириш билангина чекланиб қолмасдан, ҳар бир қарич ердан самарли фойдаланиш имкониятларини ҳам яратиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Президентимиз Бухоро вилоятига қилган ташрифи давомида "Бухоро коттон текстиль" қўшма корхонаси ва кластер лойиҳаси билан танишиб, уни янада такомиллаштириш бўйича топшириқлар берган эди. Бунга мувофиқ, лойиҳа янада мукаммаллаштирилди. "Айни вақтда кластер тизимига Ромитан туманидан 8 минг гектар ер ажратилди. Илгари шунча майдонда атиги 436 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 минг нафардан ошди. Ерга чигит қадалиб, ғўза ниҳоллари илғор агротехника тадбирлари асосида парваришланмоқда. Лойиҳанинг бошқа йўналишларида ҳам ишлар изчил давом эттирилмоқда", деб

[187]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси 2020 йил 30 январь.

ёзади “Халқ сўзи” газетаси[188]. Кўриниб турибдики, кластер усули мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳар томонлама манфаатли ва самаралидир.

Айнан ушбу ҳолатни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишларимиз давом этмоқда. Соҳага илғор технологиялар ва кластер тизими жорий этилмоқда”[189], деб таъкидлаган эди. Шу туфайли, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўнглашга инновацион усулларни, хусусан, кластер усулини ҳам қўллаш мумкинлигини тақозо қилади. Мазкур масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳам шакллантирилмоқда. Буни охирги пайтларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир қанча тадқиқотчиларнинг кластер усулидан фойдаланаётганлигида ҳам кўриш мумкин. Шундай қилиб, ҳозирги пайтда кластер стратегияси ва унинг имкониятлари фойдаланиш кундан-кунга долзарб масалалар қаторидан жой олмоқда. Бу борада хусусида хорижлик олимлардан Альферд Маршалл, М.Партер, М.Энрайт, С.Резенфельд, Ж.Даннинг, П.Маскелл, М.Лоренцеп, П.Беккетин, М.Сторпер, К.Бримэн, Ю.С.Артоманова, Б.Б.Хрусталев, Б.Йонсон, Ж.Хамфри[190] кабилар шуғулланиб келмоқдалар. Мамлакатимиз олимларидан М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов[191], М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев[192], Д.Х.Асланова[193],

---

[188] Намоз Ботиров. Кластер иқтисодиётга нима беради? 12:18 18 Май 2018. https://xs.uz/uzkr/post/klaster-iqtisodiyotga-nima-beradi.

[189] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 январь.

[190] Бу олимлар ҳақида батафсил маълумотлар М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов “Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш”. – Т.: “Zamin nashr”? 2018. – 168 бет., Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова Региональный туристический кластер: сущносить и проблемы его эффективного фукционирования. – Самарканд, «Zarafshon», 2017. - 232 с., каби манбаларда батафсил берилган.

[191] М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов “Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш”. – Т.: “Zamin nashr”? 2018. – 168 бет.

[192] М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2014. – 384 бет.

[193]Асланова Д.Х., Саттарова З.И. Кластерный механизм развития Миранкульского района. //Туризмни ривожлантиришда халқаро илғор тажриба ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш муаммолари,мавзусида ИАК материаллари. –Самарқанд, 2011, 161-163 бетлар.

М.Т.Алимова[194], З.И.Саттарова[195], Б.Ш.Сафаров[196], С.Мирзаев[197], Д.М.Қурбанова[198], А.Қ.Ғаппоров ва Б.Р.Пардаев[199], Б.Х.Тураев, Е.А.Ким[200] кабиларнинг тадқиқот ва тавсияларини киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотчилар асарларида кластернинг бозор муносабатлари шароитида объектив зарурлиги ва уларнинг амалиётда қўлланилиши қараб чиқилган. Шунингдек, кластернинг бошқаришдаги ўрни, таркибий тузилиши хусусида эътиборга молик тавсиялар ҳам келтирилган. Бироқ, ушбу адабиётларда кластер тушунчасининг мазмуни ва унинг таърифи билан боғлиқ масалалар назарий жиҳатдан тўлиқ очиб берилмаган. Буларни инобатга олиб, кластер тушунчасининг луғавий мазмунини ва таърифини назарий жиҳатдан қараб чиқиш лозим, деган хулосага келдик.

Ҳақиқатда ушбу масала юзасидан мамлакатимиз олимлари ҳам тегишли тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Хусусан, М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов[201], Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова[202], Б.Ш.Сафаров[203] лар асарлари айнан шу кластер усулининг турли тармоқларда қўлланилиши ҳақидаги масалалар

---

[194]Алимова М.Т. Туристик кластер ҳудудий рақобатбардошликни оширишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизми сифатида.//"Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги Республика ИАК материаллари. (2012 йил 17 февраль).– Самарқанд: СамИСИ, 2012, 178-182 бетлар., Алимова М.Т. Ҳудуд рақобатбардошлигини оширишда кластерли ёндашув. // "Сервис" журнали, 2-сон, 2013 йил, 49-54 бетлар.

[195] Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова Региональный туристический кластер: сущносить и проблемы его эффективного фукционирования. – Самарканд, «Zarafshon», 2017. - 232 с., Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова. Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик кластерни шакллантириш концепцияси. . – Самарканд, «Zarafshon», 2016. - 76 бет.

[196] Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова, Б.Ш.Сафаров.Туристический кластер: методология формирования и функционирования. – Самарканд, «Zarafshon»? 2015. - 92 с.,

[197]Мирзаев С. Кластер усули – туризмни ривожлантириш омили. – "Сервис" журнали, 2013, 3-сон, 76-80 бетлар.

[198]Қурбанова Д.М. Вопросы формирования туристического кластера в Узбекистане.//Хизматлар бозори: муаммо, ечимлар ва истиқболлар. Халқаро ИАА материаллари. 2012 йил, 29-30 июнь. –Самарқанд, 2012, 111-113 бетлар.

[199] Ғаппаров А.Қ., Пардаев Б.Р. Жиззах вилоятида экологик туризмни ривожлантириш кластерини тузиш зарурияти. // "Сервис" журнали, 2-сон, 2013 йил, 94-98 бетлар.

[200] Тураев Б.Х., Ким Е.А. Применение кластерного подхода для развития малого бизнеса в сфере туризма. //Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари. ИАК материаллари (2013 йил 25-30 апрель). – Самарқанд, 2013, 81-83 бетлар.

[201] М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов "Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш". – Т.: "Zamin nashr"? 2018. – 168 бет.

[202] Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова Региональный туристический кластер: сущносить и проблемы его эффективного фукционирования. – Самарканд, «Zarafshon», 2017. - 232 с., Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова. Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик кластерни шакллантириш концепцияси. . – Самарканд, «Zarafshon», 2016. - 76 бет.

[203] Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова, Б.Ш.Сафаров.Туристический кластер: методология формирования и функционирования. – Самарканд, «Zarafshon»? 2015. - 92 с.,

ёритилган. Аммо ҳаётимизга кириб келаётган мазкур ташкилий механизм усули ҳали кўплаб тадқиқотларни амалга оширишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди. Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди"[204]. Кўриниб турибдики, кластер пандемия шароитида ҳам ўзининг натижадорлигини исботлаб турибди.

12.1. Кластер тушунчасининг назарий масалалари ва ундан хизмат кўрсатиш соҳасида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги пайтда иқтисодиётда юқори самарадорликка ва иқтисодий ўсишга эришиш борасидаги янги йўналишлардан бири – кластер усулидир. Улардан фойдаланиш орқали иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва мамлакат ижтимоий ҳаётида юқори самарадорликка эришилмоқда. Шу туфайли, ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида кластерлар сони ўсиб бормоқда. Жумладан, АҚШда 380 та, Буюк Британияда 168 та, Ҳиндистонда 106 та, Германияда 32 та кластерлар мавжуд. Ушбу масалага Ўзбекистонда ҳам аҳамият берилиб келинмоқда.

Пандемия шароитида хизмат кўрсатиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кластердан фойдаланиш янада муҳим роль ўйнайди. Чунки хизмат кўрсатиш ишлаб чиқаришга таъсир қилса, унинг ўсиш даражаси хизмат кўрсатишни такомиллаштиради. Иккаласи биргаликда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини муттасил ошириб боради. Бу ўзаро

[204] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 30.12.2020 10:00.10.3K. https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu.

боғлиқлик иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа ва бўғинларида содир бўлиши табиий. Шу туфайли, охирги пайтларда кластернинг турли соҳаларда қўлланиши мумкинлиги борасида тавсиялар берилмоқда.

Шу жиҳатдан, XXI асрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, иқтисодиёт фанига жуда кўплаб янги тушунчалар, тамойиллар, усуллар ва инновацияларнинг кириб келиши билан характерлидир. Улардан бири, ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган кластер усулидир. Кластердан АҚШда ахборот технологиялари, кино индустрияси, автомобиль, аэрокосмик соҳаларда, Сингапурда микроэлектроника, нефть-кимё соҳаларида, Японияда электротехника, автомобилсозликда, Финландияда ўрмон, ахборотлаштириш, телекоммуникация, металлургия, машинасозлик соҳаларида, Францияда косметика, тўқимачилик, озиқ-овқат, виночиликда, Германияда кимё, полиграфия, машинасозлик, мебель каби соҳаларда фойдаланилмоқда. Ўзбекистонда мазкур масала асосан назарий жиҳатдан ўрганилиб, умумлаштирилмоқда ва турли тавсиялар берилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам аграр соҳада, саноатнинг тўқимачилик соҳасида, хизмат кўрсатишнинг айрим йўналишларида муваффақият билан қўлланилмоқда.

Мазкур усулнинг маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларида қўлланилиши ҳам мумкинлигини амалиётда кўрдик. Аммо унинг назарий масалалари ўзимизга хос тарзда ҳамон етарли даражада ўрганилган эмас. Шу туфайли, мазкур усулнинг мазмунини назарий жиҳатдан қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Маълумки, охирги пайтларда кластер сўзи ва у билан боғлиқ тушунчалар халқаро амалиётда ва бир қанча фанларда, шу жумладан, иқтисодиётга оид фанларда ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Аммо ушбу сўзнинг изоҳи ва ўзбек тилидаги луғавий маъноси тегишли адабиётларда деярли ёритилган эмас. Жумладан, 1983 йилда нашр қилинган 2 жилдлик “Русча-ўзбекча луғат”да[205] ушбу сўзнинг изоҳи берилмаган эди. 2006 йилда нашрдан чиққан 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да[206] ҳам ушбу сўз ва у

[205] Русча-ўзбекча луғат. – Т.: “Ўзбек совет энциклопедияси” бош редакцияси, 1983. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет.

[206] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5жилдлик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет, 3-жилд – 688 бет, 4-жилд – 608 бет, 5-жилд - 592 бет.

билан боғлиқ тушунчалар келтирилмаган. Бу эса мазкур халқаро атаманинг ўзбек тилида қўлланилишини бироз мураккаблаштиради.

Худди шундай ҳолат рус тилида нашр қилинган адабиётларда ҳам кузатилади. Масалан, 1999 йилда Москва шаҳридаги "Институт новой экономики" нашриётида чоп қилинган "Большой экономический словарь"да[207] ҳам кластер сўзининг изоҳи берилмаган. Рус тили бўйича луғат илмининг эгаларидан бири С.И.Ожеговнинг "Словарь русского языка"[208] номли луғатида ҳам ушбу сўзнинг изоҳи йўқ. Одатда, математика фанида кластер таҳлили қўлланилиб келинганлигига гувоҳмиз. Аммо 1988 йилда нашр қилинган "Математический энциклопедический словарь"да[209] ҳам ушбу сўзга изоҳ топа олмадик. Булардан ҳам кўриниб турибдики, иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири бўлган кластер усули олдин ҳам, ҳозир ҳам МДҲ мамлакатлари иқтисодий адабиётларида ва тил луғатларида ўз ифодасини топмаган. Москва шаҳрида 2007 йилда нашр қилинган "Большая экономическая энциклопедия"да[210] ҳам кластер сўзига изоҳ берилмаган.

Тадқиқотларимиз натижасида кластер атамасининг фанга кириб келишида илк таклифлар америкалик олим Майкл Портер томонидан берилгани аниқланади. Унинг кластер назариясининг шаклланишида хизматлари катта. У кластерга қуйидагича таъриф беради. "Кластер – битта географик ҳудудда ўзаро боғлиқ корхона ва ташкилотларни алоҳида бир тармоқ доирасида бирлаштириш"[211], (таржима бизники – М.П., О.П.) деб таъкидлайди. Шу жиҳатдан бўлса керак, айрим социалистик тизимни бошидан

---

[207] Большой экономический словарь. – М.: "Институт новой экономики"нашриёти, 1999, 1246 б.

[208] Ожегов С.И. Словарь русского языка.– М.: "Русский язык", 1982, 816 б.

[209] Математический энциклопедический словарь. Советская энциклопедия", 1988, 847 б.

[210]Большая экономическая энциклопедия. – М.: ЭКСМО, 2007, 816 б.

[211] Асланова Д.Х., Саттарова З.И. Кластерный механизм развития Миранкульского района. //Туризмни ривожлантиришда халқаро илғор тажриба ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш муаммолари,мавзусида ИАК материаллари. – Самарқанд, 2011, 162 б. Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова Региональный туристический кластер: сущносить и проблемы его эффективного фукционирования. – Самарканд, «Zarafshon», 2017. - 232 с., Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова. Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик кластерни шакллантириш концепцияси. . – Самарканд, «Zarafshon», 2016. - 76 бет. Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова, Б.Ш.Сафаров. Туристический кластер: методология формирования и функционирования. – Самарканд, «Zarafshon»? 2015. - 92 с., Асланова Д.Х., Саттарова З.И. Кластерный механизм развития Миранкульского района. //Туризмни ривожлантиришда халқаро илғор тажриба ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш муаммолари, мавзусида ИАК материаллари. –Самарқанд, 2011, 161-163 бетлар.

кечирмаган мамлакатларда ушбу кластер усулидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кластер сўзи ва у билан боғлиқ тушунчалар халқаро амалиётда, шу жумладан, иқтисодиётга оид фанларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан, Финландияда ўрмон хўжалиги кластери, Норвегияда денгиз технологиялари кластери, Буюк Британияда биотехнологик кластер, Италияда оёқ кийимини ишлаб чиқарувчи кластер, Германия ва Бельгияда кимёвий кластер кабиларни мисол келтириш мумкин. Булардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам кластер усулидан фойдаланиш мумкин. Чунки мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланиб, мулк тизимида хусусий мулкнинг устуворлиги етарли даражада таъминланди. Бундай шароитда турли мулк эгаларининг бошини қовуштирадиган бирорта иқтисодий механизм керак бўлади. Бундай механизм сифатида кластерни олиш мумкин.

Шу туфайли, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўнглашга инновацион усулларни, хусусан, кластер усулини ҳам қўллаш мумкинлигини тақозо қилади. Мазкур масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳам шакллантирилмоқда. Буни охирги пайтларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир қанча тадқиқотчиларнинг кластер усулидан фойдаланаётганлигида ҳам кўриш мумкин. Булар жумласига Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова[212], Д.М.Қурбанова[213], С.Мирзаев[214], А.Қ.Ғаппоров ва

[212]Алимова М.Т. Туристик кластер ҳудудий рақобатбардошликни оширишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизми сифатида.//"Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги Республика ИАК материаллари. (2012 йил 17 февраль).– Самарқанд: СамИСИ, 2012, 178-182 бетлар., Алимова М.Т. Ҳудуд рақобатбардошлигини оширишда кластерли ёндашув. // "Сервис" журнали, 2-сон, 2013 йил, 49-54 бетлар. Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова Региональный туристический кластер: сущносить и проблемы его эффективного фукционирования. – Самарканд, «Zarafshon», 2017. - 232 с., Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова. Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик кластерни шакллантириш концепцияси. . – Самарканд, «Zarafshon», 2016. - 76 бет.

[213]Қурбанова Д.М. Вопросы формирования туристического кластера в Узбекистане.//Хизматлар бозори: муаммо, ечимлар ва истиқболлар. Халқаро ИАА материаллари. 2012 йил, 29-30 июнь. –Самарқанд, 2012, 111-113 бетлар.

[214]Мирзаев С.Кластер усули – туризмни ривожлантириш омили. – "Сервис" журнали, 2013, 3-сон, 76-80 бетлар.

Б.Р.Пардаев[215], З.И.Саттарова[216], Б.Х.Тураев, Е.А.Ким[217] кабиларнинг тавсияларини киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотчилар асарларида кластернинг бозор муносабатлари шароитида объектив зарурлиги ва уларнинг амалиётда қўлланилиши қараб чиқилган. Шунингдек, кластернинг бошқаришдаги ўрни, таркибий тузилиши хусусида эътиборга молик тавсиялар ҳам келтирилган. Бироқ, ушбу адабиётларда кластер тушунчасининг мазмуни ва унинг таърифи билан боғлиқ масалалар назарий жиҳатдан тўлиқ очиб берилмаган. Буларни инобатга олиб, кластер тушунчасининг луғавий мазмунини ва таърифини назарий жиҳатдан қараб чиқиш лозим, деган хулосага келдик.

Охирги пайтларда кластер атамаси иқтисодиётга оид айрим луғатларда келтирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда нашр қилинган “Маркетинг терминлари изоҳли луғати: асосий тушунчалар ва истилоҳлар” номли луғатда[218] “Кластерли таҳлил” атамасига изоҳ берилган. Унда эътироф этилишича, “**Кластерли таҳлил** (инг. Claster analysis) – ўзаро умумий жиҳатлар максимал миқдорига ва истеъмолчиларнинг бошқа гуруҳларига нисбатан минимал ўхшашликларга эга бўлган истеъмолчилар гуруҳларини аниқлаш методи”. Бунда кластер атамасига эмас, ундан фойдаланган ҳолдаги кластер таҳлилига изоҳ берилган.

Олимлардан М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов[219]лар агро кластер масаласини ёритган бўлса, Д.Х.Асланова ва З.И.Саттаровалар кластернинг амалиётда қўлланилишини тавсия қилган ва “Миранқул агроэкотуристик кластер”ни ишлаб чиққан[220]. Ушбу

---

[215] Ғаппоров А.Қ., Пардаев Б.Р. Жиззах вилоятида экологик туризмни ривожлантириш кластерини тузиш зарурияти. // “Сервис” журнали, 2-сон, 2013 йил, 94-98 бетлар.

[216] Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова, Б.Ш.Сафаров. Туристический кластер: методология формирования и функционирования. – Самарканд, «Zarafshon»? 2015. - 92 с., Асланова Д.Х., Саттарова З.И. Кластерный механизм развития Миранкульского района. //Туризмни ривожлантиришда халқаро илғор тажриба ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш муаммолари,мавзусида ИАК материаллари. –Самарқанд, 2011, 161-163 бетлар.

[217]Тураев Б.Х., Ким Е.А. Применение кластерного подхода для развития малого бизнеса в сфере туризма. //Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари. ИАК материаллари (2013 йил 25-30 апрель). – Самарқанд, 2013, 81-83 бетлар.

[218] “Маркетинг терминлари изоҳли луғати: асосий тушунчалар ва истилоҳлар”/ Масъул муҳаррир: Баҳодир Эргашев: - Т.: “Шарқ” нашриёти, 2012, 205 б.

[219] М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов “Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш”. – Т.: “Zamin nashr”? 2018. – 168 бет.

[220]Асланова Д.Х., Саттарова З.И. Кластерный механизм развития Миранкульского района. //Туризмни ривожлантиришда халқаро илғор тажриба ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш муаммолари,мавзусида ИАК материаллари. – Самарқанд, 2011, 161-163 бетлар.

кластер Самарқанд вилоятининг сўлим тоғ бағрида жойлашганлиги туфайли туризмнинг мазкур шакли учун жуда қулайдир. Тадқиқотчилардан М.Т.Алимованинг таъкидлашича, “Кластер” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “бирга ўсмоқ” маъносини англатади[221]. Бизнинг фикримизча, бирга ўсмоқ тушунчаси бирорта муаммони ҳал қилишда биргалашиб ҳаракат қилмоқ маъносини билдиради. Демак, бирорта муаммони ҳал қилишда кластер ёндашувидан фойдаланадиган бўлсак, албатта ушбу жараённинг ёки бирорта фаолиятнинг самарадорлигини ошириш учун шунга дахлдор бўлган кучларни бирлаштириш ҳақида гап бормоғи лозим. Ушбу назарий қарашлар унинг таърифини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

Буларни инобатга олиб, кластер тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Кластер деганда, бирорта мақсадга эришиш ёки бирорта жараённи яхлит ҳолда самарали амалга ошириш учун, бир қанча ўзаро боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг алоҳида бир соҳа доирасида бирлашиши тушунилади.**

Буни назарий жиҳатдан исботлаш учун қуйидагиларни таъкидлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Биринчидан, кластер деганда, мазкур таърифда бирорта мақсадга эришиш ёки бирорта жараённи самарали амалга ошириш масаласи қўйилган. Чунки кучларни бирлаштириб, бирорта ишга сафарбар қилинса, албатта у тарқоқ ва якка ҳолда бажарилганлигига нисбатан самарали бўлади. Масалан,100 кг. юкни 30 метр жойга олиб бориш керак бўлса, албатта бир киши қанча уринмасин, жуда қийинчилик билан амалга оширади. Агар 2 киши бўлса, масала анча енгиллашади. Агар 3 кишининг кучи билаштирилса, умуман муаммо бўлмайди.

Иккинчидан, иқтисодиётда бирорта масалани амалга ошириш учун ўзаро боғлиқ бир қанча хўжалик юритувчи субъектларнинг сафарбар қилиниши ҳам таърифда ўз ифодасини топган. Масалан, маҳсулотларни “даладан – дастурхонгача” етказиш учун маҳсулотларни етиштирувчи корхона – фермер хўжалиги иштирок этади. Уни сақлаш учун омборга ташийдиган транспорт корхонаси

[221]Алимова М.Т. Ҳудуд рақобатбардошлигини оширишда кластерли ёндошув. // “Сервис” журнали, 2-сон, 2013 йил, 49-54 бетлар.

хизматларидан фойдаланилади. Сақлаш учун совутгич хизматидан фойдаланилади. Уни истъмолчиларга етказиб бериш учун яна транспорт ва савдо хизматларидан фойдаланилади. Буларнинг бирлашишини таъминлайдиган усул айнан кластер бўлиб ҳисобланади.

Учинчидан, бу сафарбарлик алоҳида бир соҳа доирасида бирлашишни тақозо қилиши ҳам қайд этилган. Шу йўл билан барча кучлар бир мақсадга йўналтирилишига эришилади. Мазкур таърифдан хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий қисми бўлган сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай замонавий усуллардан фойдаланиш ҳозирги пайтда объектив заруратга айланмоқда. Юқорида синергетик самара усулини ва у билан боғлиқ тушунча ҳамда жараёнларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида қўлланилиш имкониятларини қараб чиққан эдик. Энди шунга ўхшаш ва ўзаро боғлиқ бўлган усуллардан бири кластер усулини ҳам қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

12.2. Маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш хизматларини мувофиқлаштириш кластери ва пандемиядан кейинги шароитда қўлланилиши

Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш хизматларини мувофиқлаштириш, ушбу соҳа самарадорлигини ошириш учун барча жараёнларда инновациялардан фойдаланишни тақозо қилади, чунки ҳозирги пайтда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ички рақобат билан бирга мамлакатлар ўртасидаги трансмиллий рақобат ҳам кучайиб бораётганлиги мамлакатимиз миқёсида ва унинг ҳар бир ҳудудида кластерни ташкил қилиш заруратини келтириб чиқаради. Тадқиқотлар натижасида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларининг ўзимизга хос кластерининг концептуал йўналишларини ва кластерни ташкил қилувчи субъектлар гуруҳлари схемасини ишлаб чиқилди (12.1-расм).

Кластернинг концептуал йўналишлари ушбу жараёнга мансуб барча босқичларни қамраб олишини инобатга олиб, унинг энг бошланишига маҳсулотларни етиштирувчи субъектлар ва

навбатдаги босқичда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари жойлаштирилди. Бу жараён ўз ичига тўртта йирик гуруҳни қамраб олганлиги учун, ҳаммасининг фаолиятини мувофиқлаштирадиган бошқарув ташкилотини келтирдик.



12.1-расм. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерининг концептуал йўналишлари ва уларни ташкил қилувчи субъектлар гуруҳларининг схемаси.

Мазкур концептуал йўналиш барча соҳаларда кластерни тузиш учун методик асос бўлиб ҳизмат қилишини инобатга олиб, маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари кластерининг моделини ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди (12.2-расм).

Мазкур модель соҳага оид барча макро ва микро даражадаги субъектларни ўз ичига олади. Бунга асосланиб, ҳар бир ҳудудлар бўйича, ҳудудларда соҳалар бўйича кластерларни тузиш мумкин. Бундай кластерлар озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда, соҳа самарадорлигини оширишда бир қанча иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда алоҳида аҳамиятга эга.


Қонун чиқарувчи, Дастурлар қабул қилувчи ва мувофиқлаштирувчи органлар (ва бошқа идоралар)
Ҳудудий бошқарув ва назорат органлари (ҳокимликлар)
Соҳавий бошқарув органи
Олий Мажлис
Вазирлар Маҳкамаси
Юстиция ва бошқа вазирликлар
Божхона, солиқ каби назорат идоралари
Холдинг компаниялари
Тайёрлов савдо
Озиқ-овқат захираси
Маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва унга кўмаклашувчи субъектлар
Барчасини координация қиладиган ташкилот – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Фермер хўжаликлари
Деҳқон хўжаликлари
Тадбиркорлар
Маҳсулотларни ташувчи корхоналар
Маҳсулотларни сақловчи корхоналар
Инвесторлар
Маҳсулотларни сотувчи корхоналар
Тадбиркорлар
Хорижий ҳамкорлар
Молия-кредит муассасалари
Маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар
Ички бозорга
Экспорт қилувчи субъектлар



12.2-расм. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаб сотиш бўйича тавсия қилинаётган кластер модели[222].

Юқоридаги концептуал йўналишларга таянган ҳолда Самарқанд ва Жиззах вилоятларида пандемия ва ундан кейинги шароитларда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари

[222] Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кластерини ташкил қилиш учун, унга кирадиган субъектларнинг бир-бири билан боғлиқлигини келтириш мумкин (12.3-расм).



12.3-расм. Самарқанд вилоятида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластери[223].

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ жуда кўп субъектлар бир-бири билан узвий равишда боғлиқ экан. Уларнинг бошини қовуштириш ва барча кучларни бир мақсад сари йўналтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун, вилоятда айнан шу масалани ҳал қилишга мўлжалланган ҳудудий дастурни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бунга фақат маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан шуғулланадиган субъектлар эмас, балки шунга манфаатдор барча корхона, ташкилот ва идоралар кучларини жамлашга тўғри келади. Хулоса қилиб айтганда, вилоятда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини яратиш лозим бўлади.

Вилоятдаги вазиятни ўрганиб, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Бундан кўриниб турибдики, ушбу соҳани ривожлантириш учун фақат маҳсулотларни сақловчи корхоналарнинг ёки ҳокимиятнинг

[223]Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кучи етмайди. Маҳсулотларни сақловчи корхоналар тегишли инфратузилмани ташкил қилиши учун маблағ етишмаслиги мумкин. Ундан булар бевосита манфаатдор ҳам эмас. Ҳокимиятнинг маҳаллий бюджети ҳам маҳсулотларни сақлашни юқори даражага кўтариши учун зарур бўлган харажатларни кўтара олмайди. Шу туфайли, ушбу тадбирни амалга ошириш учун бир қанча кучларни бирлаштириш лозим бўлмоқда. Бунга эришишнинг замонавий йўлларидан бири, унинг кластерини тузишдан иборатдир.

Кластер усулининг моҳияти шундаки, расмда келтирилган барча субъектлар маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришнинг ягона дастурини ишлаб чиқади ва унда ҳар бирининг вазифаси аниқ белгилаб олинади. Масалан, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини кўрсатувчи субъектлар нима билан шуғулланади, шу маҳсулотларни кимлар етиштиради, ташиш билан ким шуғулланади, йўлни ким таъмирлайди, янги йўлларни ким қуради, ички ва ташқи инвесторларнинг вазифалари нималардан иборат бўлади каби масалаларнинг барчаси келишилиб олинади. Шундагина вилоятда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантириш бўйича ягона дастур шаклланиб, уни ривожлантиришга эришилади. Буни мувофиқлаштирувчи ташкилот вилоятда вилоят ҳокимлиги, туман ва шаҳарларда, мос равишда, туман ва шаҳар ҳокимликлари бўлади.

Одатда, кластер нодавлат ташкилот сифатида жамоатчилик асосида ташкил қилинади. Аммо бизнинг ўзимизга хос хусусиятларимиз шуни тақозо этадики, давлат бош ислоҳотчи сифатида иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида етакчилик ролини ўйнаши лозим. Келгусида ушбу масала ҳам йўлга қўйилгач, мустақил тарзда нодавлат шаклида фаолият кўрсатиши мумкин.

Юқорида кластерга кирган ҳар бир субъект яна ўзининг бўлинмаларини ишга солиши лозим бўлади. Масалан, вилоят ҳокимлиги ўзига қарашли бир қанча бошқармаларни жалб қилиши мумкин. Буларга Иқтисодиёт бошқармаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Савдо-саноат палатаси кабиларни киритиш мумкин. Агар буни юқоридаги чизмага киритсак, ушбу чизмага яна бир қанча субъектлар боғланади (12.4-расм).



12.4-расм. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерига вилоят ҳокимлигининг жалб қилиши мумкин бўлган бўлинмалари.

Ҳозирги пайтда кластер йўналиши иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари учун истиқболли усул эканлигини намоён этмоқда. Шу маънода, юртдошларимизнинг кластернинг моҳиятини тўғри англашда ва иқтисодиётни жадал ривожлантиришида яна бир муҳим ташкилий механизм пайдо бўлганлигини кўриш мумкин.

Кластернинг моҳиятини очишга турли олимлар турлича ёндошганлар. Жумладан, М.П.Вайнаренко унинг бешта тавсифини киритган ҳолда кластер моделини келтиради. Булар ташаббус, инновация, интеграция, ахборотлар ва қизиқишлардан иборат[224]. Буларнинг ҳаммаси кластер учун ўта муҳим. Биз ушбу моделга яна самарадорлик ва ижтимоийлик тушунчаларини қўшиб, уни кенгайтиришни тавсия қилмоқдамиз. Ушбу тушунчаларнинг мазмуни қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (12.1-жадвал).

Ҳозирги кунда кластерлар таркибида бир қанча субъектлар бўлса, бундай шароитда иккинчи тараф билан муносабатларни амалга оширишда иккита тамойилга таянади. Биринчиси, улар ўртасида шартнома тузилади. Иккинчи йўналишда улар бирлашган бўлади. Масалан, “Тўқимачилик” кластерини оладиган бўлсак, фермер маҳсулотни (пахтани) етиштириб беради, кластер унинг пулини ўз вақтида етказиб беради.

[224] Вайнаренко М.П. Кластерные модели объединение предприятий в Украине.// Экономическое возрождение России. – 2007. № 4 С.68-82,

12.1-жадвал

Кластер моҳиятининг турлари ва уларнинг изоҳи

Т/р	Кластер моҳиятининг турлари	Кластер моҳияти ҳар бир туринининг изоҳи
1.	Ташаббус	Ҳар бир иш маълум тартибда давом этаётган бўлади. Уни такомиллаштириш ва ўзгартириш учун кимдандир ташаббус чиқиши керакки, шу жараён такомиллашсин. Ташаббускор албатта ходимлар бўлади. Бундай ташаббускорлар раҳбарлар, мулк эгалари, менежерлар ва шу кабилар бўлиши мумкин.
2.	Инновация	Албатта такомиллаштириш мақсадида қилинадиган ўзгаришлар учун қандайдир янгиликларни жорий қилиш лозим бўлади. Бу янгиликлар инновацион технологиялар, фан ва техника ютуқларидан иборат бўлади. Кластерда ҳам ҳамкорлик кучларни бирлаштиришга қаратилган янги инновацион ёндашув бўлиши лозим.
3.	Интеграция	Кластерни ташкил қилишда бир-бирига боғлиқ бўлган турли соҳа ва мулк эгалари биргалашиб, юқори натижадорликка эришиш учун биргаликда ҳаракат қилади. Бунда маҳсулот етиштирувчи, уни ташувчи, сақловчи, қайта ишловчи ва сотувчилар биргаликда ҳаракат қилиб, юқори натижадорликка эришиш учун кластерни ташкил қилиб ҳамкорликда фаолият кўрсатади.
4.	Ахборотлар	Ахборотлар ҳамиша бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аниқ вазиятни англатиб туради. Шу туфайли улар ҳаққоний ва тезкор бўлиши лозим. Буни ҳозирги кунда рақамли технологияларни қўллаб ҳаққонийлигини ва тезкорлигини таъминлашга асос яратилди. Ушбу йўналиш орқали кластерда нохолислик, хуфёна иқтисодиёт каби иллатлар ўз-ўзидан барҳам топади.

12.1-жадвалнинг давоми

5.	Манфаат-дорлик	Кластерни ташкил қилиш шунчаки кластер учун эмас, балки бу ерда катта манфаатдорлик мавжуд Биринчидан, тадбиркорлар манфаати, кўпроқ фойда олишга қаратилган бўлса, аҳолининг манфаати, уларнинг талабларининг тўлароқ қондирилиши билан изоҳланади ва ниҳоят давлатнинг ҳам манфаатдорлиги борки, бу кўп сотса ва кўп фойда олса, тегишли тарзда солиқлар кўпаяди. Бу Давлатнинг қудратли бўлишига хизмат қилади.
6.	Самара-дорлик	Барча юқорида қилинган тадбирларнинг пировард мақсади юқори самарадорликка эришишдан иборатдир. Самарадорликка эришган кластерлар ўзларининг рақобатбардошлигини ва шу йўл билан яшавчанлигини ҳам таъминлайди. Самарадорлик манфаатдорликнинг ҳам таъминланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.
7.	Ижтимоий-лик	Мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, ҳар қандай натижадорлик шунчаки иқтисодий жиҳатдан юқори самарадорликка эришиб, маълум миқдорда фойда олиш билан чегараланиб қолмайди, балки аҳолининг маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга, уларнинг яшаш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган бўлиши лозим. Шу туфайли барча иқтисодий ҳодисалар аҳолининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда содир этилади.

Бу ерда икковининг ҳам мажбуриятлари ва ҳуқуқлари бор. Бу ерда маълум бир нозик масала ҳам борки, буларнинг ечими ҳам бироз мураккаб. Қишлоқ хўжалигида молиялаштириш масаласи маълум вақт талаб қиладиган тизим. Масалан, март ойида ерга қадалган чигитни ундириб, маҳсулоти кузга келиб етиштирилади. Бунда бирорта олди-сотди жараёни содир бўлмайди.. Аммо шу даврда маълум миқдорда узлуксиз харажатлар талаб қилинади.

Буни нима эвазидан қопланади. Бу масала маҳсулот етиштирувчи ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги шартномада тўлиқ ўз аксини топиши керак. Чунки, ишлаб чиқарувчи корхона ҳали маҳсулотни сотмасдан пулни қаердан олади, маҳсулотни етиштирувчи эса, етиштириш жараёнидаги харажатларни қаердан қоплайди. Бу саволлар албатта бироз мураккабликни келтириб чиқаради. Амалиётда етиштирилган пахта ҳам 5-6 ой мобайнида толага ўтказилади. Тайёр тола тўқимачилик маҳсулотларига ўтказилгунча ҳам анча вақтни талаб қилади. Тўқимачилик маҳсулотининг сотилиши ҳам ҳали аниқ эмас. Бундай шароитда етиштирилган маҳсулот учун тўлов қачон амалга оширилиши масаласи ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар сирасига киради.

Ҳозирги маълумотлар бўйича мамлакатимиз бўйича 2021 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, жами 345та агросаноат кластерлари мавжуд бўлиб, уларга жами 1 млн 201 минг гектар ер майдонлари бириктириб берилган. Булар таркибида пахта-тўқимачилик кластерлари - 97та, бириктирилган ер майдони 927 068 гектар; ғаллачилик кластерлари 77та, бириктирилган ер майдони 142 800 гектар; мева-сабзавотчилик кластерлари 147та, бириктирилган ер майдони 122 394 гектар; шоличилик кластерлари 16та, бириктирилган ер майдони 8 060 гектар; бошқа кластерлари 8та, бириктирилган ер майдони 1 150 гектар[225].

Таъкидланишича, амалда фаолият юритаётган кластерлар таҳлили соҳада қуйидаги тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатган:

“соҳани тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас;

кластерлар ҳуқуқий мақоми меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаган;

кластерлар ташкил этиш, уларни танлаб олиш мезонлари, шунингдек, уларга ерларни ажратишнинг ягона ва шаффоф механизмлари мавжуд эмас;

---

225 https://kun.uz/news/2021/03/17/klasterlar-sohasidagi-tizimli-muammolar-aytildi-ulardan-biri-fermerlarning-majburiy-tartibda-biriktirilishi

фермерларнинг кластерларга мажбурий тартибда бириктирилиши натижасида нотенг шартномавий муносабатлар шаклланган, фермерларда ўз маҳсулотларини сотишда харидорни танлаш имконияти мавжуд эмас;

кластерлар ерларини олиб қўйиш ва фаолиятини тугатиш, фермерлар билан тузган шартномаларини бекор қилиш қонунчиликка зид маъмурий усуллар орқали ҳал этилмоқда;

кластерлар мажбуриятлари бажарилиши ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини мониторинг қилиш механизми мавжуд эмас;

инвестицион мажбуриятлар бажарилмаслиги орқали ерлари олиб қўйилиши натижасида ерга амалда киритилган инвестицияни қайтаришда юзага келадиган муаммолар ечими мавжуд эмас;

кластер мақомини олганлик учун тадбиркорларни рағбатлантириш механизмлари мавжуд эмас, масалан, солиқ имтиёзлари ёки давлат бюджети маблағлари ҳисобидан муҳандислик-коммуникация объектларини ўрнатиш ёхуд ерларни ажратиш;

амалдаги қонунчиликда мавжуд кластерлар учун ягона солиқ имтиёзлари мавжуд эмас”[226]. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг “Агросаноат кластерлари мақоми ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги қарори лойиҳаси эълон қилинди. Ушбу қарор мавжуд муаммоларнинг ечимлари кўрсатиб беради. Қарор лойиҳасида агросаноат кластерлари мақоми ва улар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳам назарда тутилган.

Агросаноат кластерлари қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

“қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш;

товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлаш;

ўзларига ажратилган ер участкаларида ихтисосликдан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларини эркин жойлаштириш;

етиштирилган ва ишлаб чиқарилган товарларни (маҳсулотларни) эркин тасарруф этиш;

---

[226] https://kun.uz/news/2021/03/17/klasterlar-sohasidagi-tizimli-muammolar-aytildi-ulardan-biri-fermerlarning-majburiy-tartibda-biriktirilishi

битим билан ваколатли давлат органи зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш.

Агросаноат кластерларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни битимда белгиланган муддатда ва миқдорда бажариш;

қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларидан етказиб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисобкитобларни ўз вақтида амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари фаолиятига аралашмаслик;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда тайёр маҳсулот кўринишида реализация қилиш;

ер ижараси шартномаси талабларига риоя этиш;

ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

битимга ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан тузилган шартномаларга қатъий риоя этиш;

хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва замонавий технологияларга таянган ҳолда, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси самарадорлигини ошириш;

ишлаб чиқаришда ресурс тежовчи технологияларни мунтазам қўллаб бориш;

битим шартлари бажарилиши тўғрисида ваколатли давлат органига ҳисобот бериб бориш”[227]. Булардан ҳам кўриниб турибдики, кластерларнинг фаолияти, уларнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари маълум меъёрий ҳужжатлар билан тартитбга солинади. Келажакда “Кластер кодекси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, чунки кластерлар турли соҳаларда, турли йўналишларда

[227] https://kun.uz/news/2021/03/17/klasterlar-sohasidagi-tizimli-muammolar-aytildi-ulardan-biri-fermerlarning-majburiy-tartibda-biriktirilishi

ташкил қилинади. Шу туфайли, унинг Кодекси бўлишлиги объектив зарурият.

Ҳозирги кунда жуда кўп норозиликлар бўлмоқда. Булар бевосита фаолият кўрсатиб турган фермер хўжаликларини кластерларга бирлаштириш натижасида келиб чиқмоқда. Фермерлар ер меники, деб даво қилмоқда, кластерлар бу ер энди меники бўлди деган даволар билан ўртача турли низолар ҳам чиқмоқда. Ушбу ҳолатни бартараф қилиш учун юқоридаги қарорда "Агросаноат кластерлари учун ер участкалари фақат ижара ҳуқуқи асосида; 50 йилгача, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга; захира ерлар, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, қайта тикланадиган ва фойдаланишга киритиладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратилади"ган бўлди[228]. Ушбу қарор лойиҳасида агросаноат кластерларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчамлари ҳам белгиланган:

"пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 500 гектарни;

боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва полизчилик камида 100 гектарни ташкил этади"[229].

Бироқ чорвачилик кластерларига ер участкаларини ажратишда олдиндан белгиланган фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади. Агросаноат кластери фаолиятини ер участкаларини ижарага олмасдан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш орқали ҳам қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликда амалга ошириши мумкинлиги ҳам ўша қонунда қайд этилган. Шуниси эътиборлики, ер участкалари фуқароларга иккиламчи ижарага, шунингдек, оила пудрати асосида бир йилгача бўлган муддатга берилиши мумкин. Бу кўпинча иккинчи ва учинчи ҳосил олиш учун амалга оширилади.

Ердан самарали фойдаланмаган кластерлар учун муҳим чоралардан бири, ихтисослашув бўйича белгиланган қишлоқ хўжалиги экинларини экмаган тақдирда, экилмаган ер майдонидан

[228] Ўша жойда.
[229] Ўша жойда.

ундириладиган ер солиғи 20 баравар миқдорда ундирилиши кўзда тутилган. Бу жуда таъсирчан чора. Чунки ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиб, у ерларда аҳолига истеъмоли учун тегишли маҳсулотлар етиштириб, уларнинг фаровонлигига хизмат қилиши лозим. Мамлакатимизда аҳолининг ўсиб бориши кузатиганлигидан ҳамма хабардор, аммо ер майдон ҳеч маҳал кенгаймайди. Ундан фақат самарали фойдаланиш йўли билангина аҳолининг эҳтиёжларини қондиришимиз мумкин. Ушбу муаммо йилдан-йилга кескинлашиб бораётганлигини инобатга оладиган бўлсак, бирор қарич ерга бефарқлик билан қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Таъкидлаш жоизки, агросаноат кластери мақомини олган юридик шахс ёки оддий ширкат иштирокчилари турли нодавлат нотижорат бирлашмаларига мажбурий аъзо қилинишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳам, мансабдор шахсларининг ҳам агросаноат кластери хўжалик фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди. Аммо буларнинг фаолиятига қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим ҳоллар бўладиган бўлсагина, улар аралашишлари мумкин.

Агросаноат кластерлари ихтиёрига берилган ер майдонларини олиб қўйиш ваколати ҳеч кимга берилмаган. Ушбу масала фақат суд қарори асосида амалга оширилади. Мустақил фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари кластерлардан бутунлай ажраб қолган эмас. Улар республикада фаолият юритаётган исталган агросаноат кластерлари билан маҳсулот етказиб бериш шартномаларини тузишга ва маҳсулот етказиб беришга ҳақли эканлигини ҳам инобатга олиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда агросаноат кластерлари ҳам бошқа кластерлар сингани ўзига хос хусусиятларга, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳолда, уларга амал қилиб, аҳолига тегишли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришдек шарафли мақомни зиммасига олган. Бундай кластерларнинг мавжудлиги мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизматкор ҳисобланади.

12.3. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш кластерида коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг роли ва вазифалари

Кластер оддий сўз билан айтганда бирлашиш деган маънога мос келади. Бу борада турли мамлакат ва турла давр олимларининг берган таърифларини жамланган (жами 35 та олимларнинг берган таърифлари тизимлаштирилган) асарлар ҳам пайдо бўлган[230]. Бизнинг тадқиқотларимиз ва юқоридаги таърифларнинг мазмунидан келиб чиқиб, кластерларнинг йўналишларини учта гуруҳга бўлиш мумкин, деган хулосага келдик. Булар: ҳудудий кластерлар, соҳага оид соҳавий кластерлар ва аралаш кластерлардан иборат. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (12.5-расм).



12.5-расм. Кластерларнинг мазмуни бўйича турлари.

Бирорта соҳа бўйича ҳудуднинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ҳудудий кластерлар ташкил қилинади. Бу бирорта соҳани ривожлантириша қаратилган бўлиши мумкин. Масалан, Д.Ҳ.Асланова, М.Т.Алимова ва З.И.Саттарова, Б.Х.Тураевлар[231] ҳудудий туризмни шакллантиришнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлган ва бу борадаги тавсияларнинг асосий қисми амалиётга жорий қилинган.

[230] Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова Региональный туристический кластер: сущносить и проблемы его эффективного фукционирования. – Самарканд, «Zarafshon», 2017. – 216-220 с.

[231] Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова Региональный туристический кластер: сущносить и проблемы его эффективного фукционирования. – Самарканд, «Zarafshon», 2017. - 232 с., Алимова М.Т. Туристик кластер ҳудудий рақобатбардошликни оширишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизми сифатида.//"Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги Республика ИАК материаллари. (2012 йил 17 февраль).– Самарқанд: СамИСИ, 2012, 178-182 бетлар., Алимова М.Т. Ҳудуд рақобатбардошлигини оширишда кластерли ёндошув. // "Сервис" журнали, 2-сон, 2013 йил, 49-54 бетлар. Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова. Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик кластерни шакллантириш концепцияси. . – Самарканд, «Zarafshon», 2016. - 76 бет.

Олимларимизда М.А.Раҳматов ва Б.З.Зариповлар[232] аграр соҳани тадқиқ қилиб, агрокластерни шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ёртиган. Бирорта ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёни бўйича юқори самарадорликка эришиш учун турли соҳа кучларини бирлаштиришга тўғри келади. Бундай аралаш кластерлар Б.Х.Тураев, Е.А.Ким, М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов, М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаевларнинг асарларида[233] ўз аксини топган. Ушбу ишланмалар мамлакатимизда умумий муваффақиятга эришиш учун турли йўналишда кластерларни ташкил қилишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Шуни эътироф этиш керакки, кластернинг барча йўналишларида бир-бирини такрорлайдиган жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан, агрокластерни оладиган бўлсак, бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи соҳалар асосий ўринни, яъни кластернинг ўзагини ташкил қилади. Бу ерда транспорт хизматларидан ҳам фойдаланиш мумкин, аммо бу иккинчи даражали аҳамиятга эга. Ёки аралаш кластери сифатида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш кластерини олдадиган бўлсак, аграр соҳа маҳмулотларни етказиб берувчи, қандайдир маънода иккинчи даражали соҳа сифатида иштирок этади.

Коммунал хизматлар инсон ҳаётида, яшаш даражаси ва сифатининг ошишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки иссиқда салқин, совуқ шароитда мўътадил яшаш учун барча шароитлар коммунал хизматлар туфайли амалга оширилади. Булардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур масала бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибига чиқарилмоқда. Шу туфайли ушбу соҳани тадқиқ қилиш ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, уларнинг таърифларини маҳаллий шароитдан келиб чиқиб такомиллаштириш масаласини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Коммунал хизматларнинг кўлами кенг.

---

[232] М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов “Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш”. – Т.: “Zamin nashr”? 2018. – 168 бет.Тураев Б.Х., Ким Е.А. Применение кластерного подхода для развития малого бизнеса в сфере туризма. //Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари. ИАК материаллари (2013 йил 25-30 апрель). – Самарқанд, 2013, 81-83 бетлар., М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2014. – 384 бет.

[233] М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов “Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш”. – Т.: “Zamin nashr”? 2018. – 168 бет.Тураев Б.Х., Ким Е.А. Применение кластерного подхода для развития малого бизнеса в сфере туризма. //Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари. ИАК материаллари (2013 йил 25-30 апрель). – Самарқанд, 2013, 81-83 бетлар., М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2014. – 384 бет.

Ушбу хизматлар маҳсулотларни сақлаш ва сотиш кластерида кўрсатиладиган хизматларни амлга оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Самарқанд вилоятида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерига кирувчи ҳамма субъектлар, юқорида таъкидланганидек, ўзларига бир қанча субъектларни бирлаштириши мумкин. Буларга мисол қилиб коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектларни олиб қараймиз. Мазкур кластерда булар ҳам мос равишда бир қанча йўналишларни (электр энергияси билан таъминловчи корхоналар, газ билан таъминловчи субъектлар, сув билан таъминловчи шахобчалар, уларга хизмат қилувчи инфратузилмалар каби) ўзида мужассамлаштирган. Буни қуйидаги расмда кўриш мумкин (12.6-расм).



12.6-расм. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерига кирувчи коммунал хизмат кўрсатувчи субъектларнинг жалб қилиши мумкин бўлган йўналишлари.

Худди шундай ҳолатда кластерга кирувчи барча субъектлар бўйича қандай йўналишлар кириши мумкинлигини давом эттириш мумкин. Услубий асос учун ушбу ёндашувлар етарли, деб ўйлаймиз.

Бизнинг фикримизча, Самарқанд вилоятининг Жомбой, Булунғур, Тайлоқ ва Самарқанд каби мева ва сабзавотларга ихтисослашган туманларида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ташкилотнинг номини “Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи Кенгаш”, деб аташ мумкин. Айнан шу кенгаш таркибига кирувчи

субъектлар асосида шу йўналиш бўйича кластерни ташкил қилса бўлади. Унинг таркибий қисмлари сифатида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланувчи йирик корхоналар, ундан манфаатдор ва у билан боғлиқ бўлган корхона раҳбарларини киритиш мумкин. Улар бошланишда жамоатчилик асосида, кейинчалик пуллик хизматларни йўлга қўйиб, тижорат асосида фаолият кўрсатишлари мумкин.

Фикримизча, ушбу кенгаш раиси вазифасига вилоят, туманларда – туман ҳокимлари ёки унинг иқтисодий ва ижтимоий ишлари бўйича ўринбосарлари тайинланишлари мумкин. Унинг аъзолари таркибига ушбу хизматларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа ташкилотлар ҳамда олимларни ҳам киритиш лозим бўлади. Чунки бу борадаги ишланмалар, илмий тавсиялар учун ушбу кластер тажриба майдони бўлиб ҳисобланади.

Таъкидланганидек, ушбу кенгаш аъзолари биринчи босқичда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатишлари лозим. Кейинчалик маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланувчи субъектлар ва уларга дахлдор ташкилотларнинг ривожланиши оқибатида, ушбу кенгашнинг фаолиятини таъминлаш учун, маълум миқдордаги пул ажратмалари ҳисобидан унинг маблағини шакллантириш мумкин. Бундан ташқари, ушбу идора назорат қилувчи ташкилот эмас, балки кўмаклашувчи ташкилот бўлиб ҳисобланади. Улар мамлакатимизнинг ва бошқа хорижий мамлакатларнинг турли ҳудудларидан ҳар хил эҳтиёт қисмлар, технологияларни олиб келиш ва уларни таъмирлаш хизматларини амалга ошириши мумкин. Бунинг эвазига улар маълум даражада маблағ ишлаб топади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кенгашга йўналтирилган маблағлар маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланувчи субъектлар ва унга дахлдор бўлган ташкилотларга бир неча баробар кўпроқ фойда келтириши лозим бўлади. Кенгаш тузилишидан мақсад ҳам маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини ташкил қилиш натижасида юқори синергетик самарадорликка эришишдан иборат бўлади.

Биз тавсия қилаётган ушбу маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластери нафақат вилоятда (туманларда), балки

мамлакат иқтисодиётининг бошқа соҳаларини ривожлантириш учун ҳам бемалол қўлланилиши мумкин. Шуни қайд этиш керакки, мазкур масалани ташкил қилиш бўйича тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва бу вазифани биринчи босқичда вилоят ҳокимлиги ўз қўлига олиши лозим. Биз тажриба олиб борган ташкилотлар ушбу усулни қўллаш бўйича тавсияларимизни маъқулладилар. Ишонамизки, келажакда ушбу усуллардан фойдаланиш объектив заруратга айланади. Чунки кучларни бирлаштириш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласи кун тартибида бўладиган ва катта самара берадиган усуллардандир.

Коммунал соҳада кластерларни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун бугунги кунда инновацион омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Бунга эриши учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Биринчи галда, шунга мос интеллектуал салоҳиятли, ахборот технологиялари билан қуролланган замонавий кадрларни етиштириш лозим бўлади. Чунки барча инновацион омилларнинг таъсирчанлигини кадрлар таъминлайди ва соҳа тақдирини ҳам кадрлар ҳал қилади. Соҳа ходжимларида етарли даражада мативация бўлишлиги ҳам бунга уларнинг қизиқишини ва малакасининг оширилишини талаб қилади.

Иккинчидан, ҳозирги кунда барча соҳаларда, шу жумладан коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам амалиёт билан назариянинг уйғунлигини таъминлашни тақозо этади. Бунинг учун амалиётда фаолият кўрсатадиган ходимлар билан соҳа олимлари ўртасида интеграция жараёни ривожланган бўлишлиги лозим.

Учинчидан, ҳозирги пайтда аста-секинлик билан коммунал хизматлар соҳаси хусусийлаштириш жараёни амалга оширилмоқда. Бундай шароитда давлатнинг хусусий шерикчилигини ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу соҳа аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашда ўта масъулиятли соҳалардан бири. Шу туфайли уни фақат хусусий секторга ишониб қўйиш ҳам бироз хатарли. Шу туфайли мазкур соҳа давлатнинг хусусий шерикчилиги асосида ривожланиши лозим.

Тўртинчидан, соҳага рақмли технологияларни тўлиқ жорий қилиш орқали хуфёна иқтисодиётга ва коррупцияга имконият

қолдирмаслик чораларини кўриш лозим бўлмоқда. Чунки бугунги кунда жуда кўплаб нохолис ҳаракатлар айнан ушбу соҳада учрамоқда. Жуда кўплаб нореал қарздорликларнинг борлиги айнан ушбу соҳани ўнглаш лозимлигидан далолат беради.

Юқоридаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун ҳам кластерли ёндашув муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бунда кадрларнинг жипслиги, оптимал бошқарувнинг жорий қилиниши, янги инновацион омиллар эвазига ривожланишни эриштирадиган давлатнинг, хусусий секторнинг, кадрларнинг, фан ва таълимнинг уйғунлиги ҳам таъминланади. Демак, бир қанча кучлар бирлашиб, кластер деган механизмни шакллантиради. Бундай бирликка асосланган кучнинг бор жойда тўпланиши ҳар қандай соҳада мувоффақиятга эриштириши табиий. Ушбу ҳолатнинг яна бир муҳим жиҳати соҳанинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (12.7-расм).



12.7-расм. Коммунал хизматларни кўрсатиш соҳасида рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Коммунал хизматларни кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун асосан соҳага оид кластерлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда асосан коммунал соҳага оид субъектлар (сув таъминоти билан шуғулланувчи субъектлар, иссиқлик энергияси таъминоти билан шуғулланувчи субъектлар, электр энергияси таъминоти билан шуғулланувчи субъектлар, газ таъминоти билан шуғулланувчи субъектлар ва ҳ.к.) бирлашган ҳолда амалга оширилади.

12.4. Маҳсулотларни сақлаб сотиш билан боғлиқ хизматларни ривожлантиришда рақобат ва ҳамкорлик (кластер) тамойилларидан фойдаланиш имкониятлари

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида турли мулк шаклига эга бўлган иқтисодиёт субъектлари шаклланади. Буларнинг ривожланишида асосан рақобатга таянилади. Рақобат инсоният тараққиётида узоқ йиллар давомида шаклланган ва ўзининг маълум даражада ижобий ва салбий томонлари билан кўзга ташланиб келинаётган иқтисодий жараёнлардан биридир. Аммо ҳозирги шиддат билан ўзгариб турган ва тараққий этаётган замонда эски қолиплар ва андозалар билан ҳам ривожланиб бўлмайди. Ривожланишнинг турли йўллари ва дастакларини танлаб олиш ҳар бир давлатнинг ва ҳар бир иқтисодиёт субъектининг ўз ихтиёрида. Бундан ўзининг мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган ва ушбу йўлда собитқадамлик билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон ҳам мустасно эмас.

Шундай экан, мамлакатимиз ҳам ривожланишнинг турли механизмларини танлаб олишга ҳақли, деб ўйлаймиз. Улардан бири, рақобат ўрнига ҳамкорлик йўлидир. Бу йўл бизнинг менталитетимизга ҳам тўғри келади. Чунки рақобат маълум даражада зиддиятларни келтириб чиқаради. Зеро, индивидуализм ривожланган жойда ҳар ким ўзи билан ўзи бўлиб юрадиган шароитда рақобат тараққиёт учун жуда қулай. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзича, ўзининг услуби ва воситалари билан ривожланаверади. Аммо бизда жамоавийлик ривожланган. Ҳар бир рақобатчи субъектнинг атрофида ва орқасида катта жамоалар мавжуд. Бундай шароитда рақобатдан кўра жамоавийлик, унинг қулай услубларидан бири бўлган ҳамкорлик масаласи устувор-ликни ташкил қилади.

Жамоавийлик – катта куч. Ундан самарали фойдаланиб келинмокда. Аммо рақобат шароитида жамоавийлик турли ўзининг ижобий хислатлари билан бирга нохолис ва ғирром рақобат шаклларини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бир корхона жуда самарали ишлаётган бўлса, унинг тажрибасини ўрганиб, ўзимизга ҳам жорий қилишимиз керак, деган ақидадан кўра, бу корхонани қандай қилсак, бироз тараққиётига тўсиқ бўладиган шароитни

яратиш мумкин, дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Бу, юқорида таъкидланганидек, нохолис ва ғирром рақобатни юзага келишига сабаб бўлади. Бундай рақобат бор жойда ялпи ривожланиш бўлмайди. Шу туфайли ўқув дастурларига рақобатнинг барча турларини, уларнинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятларини ўргатадиган мавзуларни киритишни тақозо қилади. Бу мутахассисларимизнинг фаолиятини қаттиқ назорат қилиш заруратини туғдиради. Бу эса тараққиёт учун муҳим омиллардан биридир.

Рақобат ва жамоавийлик (ҳамкорлик)нинг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин (12.2-жадвал).

12.2-жадвал

Рақобат ва жамоавийлик (ҳамкорлик)нинг ўзига хос хусусиятлари

Рақобатнинг ўзига хос хусусиятлари	**Ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари**
Ҳар бир муваффақиятга элтувчи усуллар тижорат сири сифатида ошкор қилинмайди.	Ҳар бир муваффақиятга элтувчи усуллар тижорат сири сифатида сир сақланмайди, жамоада ошкора амалга оширилади.
Сир сақланган тараққиёт механизми асосан битта ёки бир қанча ушбу усулни қўллаётган иқтисодиёт субъектларигагина хизмат қилади.	Қулай тараққиёт механизми сир сақланмаса, бутун жамоага ва ушбу жамоадаги барча иқтисодиёт субъектларига хизмат қилади.
Илғор ғоялардан бир гуруҳ иқтисодиёт субъектлари манфаатдор.	Илғор ғоялардан гуруҳга кирувчи жамоадаги барча иқтисодиёт субъектлари манфаатдор.
Рақобат натижасида фаолият кўрсатиб турган иқтисодиёт субъектлари синиб, банкротга учраб, ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлади.	Жамоавий фаолиятда ҳамкорлик эвазига фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт субъектлари асосан ривожланиб боради.
Тўхтаб қолган иқтисодиёт субъектларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ишсизлар армиясига қўшилиб, бандлик масаласини мураккаблаштириб туради.	Узлуксиз фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт субъектларида ходимлар доимий иш билан таъминланган ва уларнинг кенгайиши эвазига янги иш ўринларининг очилиши рўй беради.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётда янги йўналиш-кластер усулидан фойдаланиш орқали юқори самарадорликка эришилмоқда. Унинг таркибий қисми бўлган хизмат кўрсатиш соҳасида ушбу йўналиш янада муҳим роль ўйнайди. Чунки хизмат кўрсатиш ишлаб чиқаришга таъсир қилса, унинг ўсиш даражаси хизмат кўрсатишни такомиллаштиради. Бундай ўзаро боғлиқлик иқтисодиётнинг барча соҳа ва бўғинларида содир бўлиши табиий.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий қисми бўлган сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришда ҳам бир қанча замонавий усуллардан фойдаланишни тақозо этади. Юқорида биз синергетик самара усулини ва у билан боғлиқ тушунча ҳамда жараёнларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида қўлланилиш имкониятларини қараб чиққан эдик. Энди шунга ўхшаш усуллардан бири – кластер усулини ҳам қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Энди озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаб сотиш хизматларини кўрсатиш бўйича амалдаги турли бирлашмалар ва холдингларга нисбатан кластернинг ўзига хос хусусиятлари, аниқроғи афзалликлари хусусида ҳам айрим фикрларни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда турли мулк шаклига эга бўлган кластерга мазмунан мувофиқ келадиган уюшмалар (холдинглар, Савдо-саноат палатаси ва турли бирлашмалар) мавжуд. Аммо улар кластердан ташкилий-иқтисодий ва маъмурий бошқарув жиҳатлари бўйича фарқ қилади (12.3-жадвал).

Кўриниб турибдики, иккала ҳолатда ҳам жуда кўп қулайликлар мавжудлигига қарамасдан, кластерда манфаатдорлик устуворликни ташкил қилганлиги эвазига фаолият самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган интилиш анча юқори экан.

Тадқиқотлар натижасида кластерни амалга ошириш бўйича қуйидаги ташкилий-иқтисодий механизмларни тавсия қиламиз:

1) кластерни амалга оширувчи “Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи Кенгаш - Кластер”ни тузиш;

2) кластерни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва унда ҳар бир иштирокчининг вазифасини аниқ белгилаш;

12.3-жадвал

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаб сотиш бўйича амалдаги турли бирлашмалар ва холдингларга нисбатан кластернинг ўзига хос хусусиятлари

Т/р	Бирлашмаларнинг ўзига хос хусусиятлари	Кластернинг ўзига хос хусусиятлари
1.	Маъмурий тобелик мавжуд.	Иштирокчилар мустақил фаолият олиб боради.
2.	Корпоратив ва маъмурий бошқарув.	Асосан корпоратив бошқарув.
3.	Инвестицияни қўядиган инвестор марказлашган ва уни ўзи бошқаради.	Инвесторлар мустақил ҳар бири ўз заруратидан келиб чиқиб инвестиция қўяди.
4.	Маълум соҳада монополистик хусусиятга эга.	Кучларни бирлаштирганлиги эвазига юқори даражадаги рақобатбардошликка эга.
5.	Инновацияни жорий қилишда маъмурий аралашувнинг мавжудлиги.	Инновацияларни жорий қилишда мустақил ҳал қилиш имкониятларининг мавжудлиги.
6.	Бошқарувда маъмурий принциплар иштирок этади.	Бошқарувнинг мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан амалга оширилиши.
7.	Миқдор билан сифат бирлигида миқдорга катта аҳамият берилиши.	Миқдор билан сифат бирлигида миқдор билан сифатга бир хилда қараши.
8.	Ишлаб чиқариш, меҳнат ва технологик интизомни амалга оширишда маъмурий принципларга асосланади.	Барча интизомларни назорат қилишда ва уларни амалга оширишда манфаатдорлик устуворликни ташкил қилади.
9.	Давлат дастурларининг бажарилишида иштирок этади.	Давлат дастурларининг бажарилишида иштирок этади.

3) “Кластерни амалга ошириш Низоми”ни ишлаб чиқиш;

4) кластерни бошқарувчи субъектнинг иқтисодий асосини шакллантириш тартиби кабиларни ишлаб чиқиш ва уларнинг барчасини тегишли тартибда қонуний кучга эга бўлишини таъминлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур илмий-назарий ва амалий тавсияларимизни амалиёт ҳамда ўқув жараёнида қўллаш, маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматларини такомиллаштириш, уларнинг синергетик

самарадорлигини таъминлаш ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш ва талабаларда корхонани бошқаришда замонавий усуллардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрда имзоланган 328-сонли «Сурхондарё вилоятида деҳқон хўжаликларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида янгидан ташкил этиладиган агрофирмаларнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб бир қанча вазифалар белгиланган. Улардан бири сифатида бир қанча фаолиятларни бирлаштириш, яъни кластер моделидан фойдаланиш, хусусан, «мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, саралаш, калибрлаш, ўраб-жойлаш, шунингдек, экспортдан олдин тайёрлаш»[234] масаласига қаратилган. Шунингдек, янги ташкил этиладиган агрофирмалар “деҳқон хўжаликлари билан биргаликда иссиқхоналар ва совутиш камералари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи қувватларни ташкил этиш” масаласи ҳам уларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари сифатида белгиланган. Бу ҳам бевосита кластер модулига, яъни кучларни бирлаштириш принципига тўғри келади.

Боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, кластерлар ҳаётимизнинг ҳамма жабҳасига кириб келмоқда. Ҳозирги пайтгача маҳсулотларни етиштиришдан тортиб, уларни истеъмолчиларга етказгунча бўлган жараёнлар билан турли корхоналар шуғулланган бўлса, эндиликда янгидан ташкил этиладиган кластер принципига асосланган агрокластерларнинг фақат битта ўзлари шуғулланишади. Бу ерда кучлар бирлаштирилиши натижасида харажатлар камаяди, жараёнлар тизимлаштирилади ва шулар эвазига мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишга эришилади. Бошқа соҳаларда ҳам

[234]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сурхондарё вилоятида деҳқон хўжаликларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2016 йил 9 ноябрдаги 328-сонли Қарори.*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 45-сон, 524-модда).*

самарадорликни таъминлаб, рақобатбардошликни мустаҳкамлайдиган механизмлардан бири кластерлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб бормоқда.

Хусусан, сақлаб сотиш хизматлари кластерини тузишдан асосий мақсад ҳам юқори самарадорликни таъминлашга қаратилган. Жумладан::

- рақобат ўрнига ҳамкорликни ўрнатиш эвазига самарадорликка эришиш;
- битта мақсадга эришиш мақсадида турли йўналишдаги фаолиятларни бирлаштириш;
- технологик жараёнларни бир-бирига мувофиқлаштириш;
- маҳсулотларни "боғдан дастурхонгача" схемаси бўйича етказиш вақтини қисқартириш ва маблағларни тежаш;
- сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишга эришиш;
- соҳага инновацияларни киритишда яхлитликни таъминлаш кабилар.

Кластернинг ўзига хос хусусиятларидан бири, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг кластер сиёсатини қандай ташкил қилганлиги билан боғлиқдир. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- мустаҳкам ҳамкорлик бўлганлиги туфайли, ташқи ҳамкорларни жалб қилишда рақобатнинг барҳам топганлиги;
- соҳага инвестицияларнинг кириб келишини бир маромда тақсимланишига эришилиши;
- соҳага инновацияларнинг жорий қилинишида маромийликнинг сақланиб қолиши;
- аста-секинлик билан соҳада кластер ташаббускорларининг кўпайиши;
- турли соҳа ва хўжалик юритувчи субъектларда банд бўлган ходимларнинг ҳамжиҳатлиги кабилар.

Юқорида таъкидланганидек, кластерлар алоҳида соҳалар кесимида ҳам ташкил қилиш бўйича мамлакатимизда илғор тажрибалар тўпланмоқда. Жумладан, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси "Хоразм балиқ саноат агро" МЧЖ билан биргаликда ташкил қилинган балиқчилик кластерида балиқчилик соҳасида селекция-наслчилик ишларини

янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари белгиланган. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

“балиқчилик илмий тадқиқот соҳасида илм-фанни ривожлантириш, инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётда жорий этиш;

юқори технологик ускуналарни селекция-наслчилик ишларига кенг татбиқ этиш, карп, ўтхўр ва бошқа она балиқларнинг селекция-наслчилик тўдаларини шакллантириш;

юқори маҳсулдор балиқ личинкалари ишлаб чиқариш бўйича замонавий инкубация қувватларини ошириш ва наслли чавоқ балиқлари етиштиришни ташкил этиш;

сув ҳавзаларини модернизация қилиш, гидротехник иншоотларни барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш, балиқлар учун юқори оқсилга бой ва тўла қийматли озуқа ишлаб чиқарувчи янги комплекс барпо этиш;

селекция-наслчилик йўналишида олий таълим муассасалари талабалари, касб-ҳунар ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари, шунингдек, илмий тадқиқотчилар ва балиқчи мутахассисларнинг малака оширишига амалий ёрдам кўрсатиш чораларини ишлаб чиқади”[235].

Кластер томонидан бажариладиган селекция-наслчилик йўналишида балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган чоралар таркибида асосан инновацион ва илмий ёндашувларга эътибор қаратилмоқда. Бунда амалиёт билан таълим, фан, илмий тадқиқот муассалари ва ўқув юртларининг интеграцияси билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш масалалари ҳам устуворликни ташкил қилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизни ўнглашда, аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини оширишда келажада кластерларнинг ўзига хос муносиб ўрни бўлиши мумкин экан.

[235] Хоразмда балиқчилик кластери ташкил этилади. https://kun.uz/news/2021/03/29/xorazmda-baliqchilik-klasteri-tashkil-etiladi

Боб бўйича адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 30.12.2020 10:00.10.3K. https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сурхондарё вилоятида деҳқон хўжаликларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2016 йил 9 ноябрдаги 328-сонли Қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 45-сон, 524-модда).

4. Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова Региональный туристический кластер: сущносить и проблемы его эффективного фукционирования. – Самарканд, «Zarafshon», 2017. - 232 с.,

5. Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова. Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик кластерни шакллантириш концепцияси. . – Самарканд, «Zarafshon», 2016, 76 бет.

6. Асланова Д.Х., Саттарова З.И. Кластерный механизм развития Миранкульского района. //Туризмни ривожлантиришда халқаро илғор тажриба ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш муаммолари,мавзусида ИАК материаллари. –Самарқанд, 2011, 161-163 бетлар.

7. Алимова М.Т. Туристик кластер ҳудудий рақобатбардошликни оширишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизми сифатида.//”Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика ИАК материаллари. (2012 йил 17 февраль).– Самарқанд: СамИСИ, 2012, 178-182 бетлар.,

8. Алимова М.Т. Ҳудуд рақобатбардошлигини оширишда кластерли ёндашув. // “Сервис” журнали, 2-сон, 2013 йил, 49-54 бетлар.

9. Мирзаев С. Кластер усули – туризмни ривожлантириш омили. – “Сервис” журнали, 2013, 3-сон, 76-80 бетлар.

10.Намоз Ботиров. Кластер иқтисодиётга нима беради? 12:18 18 Май 2018. https://xs.uz/uzkr/post/klaster-iqtisodiyotga-nima-beradi.

11.Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2014. – 384 бет.

12.Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 162 бет.

13.Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. “Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш”. – Т.: “Zamin nashr”? 2018. – 168 бет.

14.Қурбанова Д.М. Вопросы формирования туристического кластера в Узбекистане.//Хизматлар бозори: муаммо, ечимлар ва истиқболлар. Халқаро ИАА материаллари. 2012 йил, 29-30 июнь. –Самарқанд, 2012, 111-113 бетлар.

15.Ғаппаров А.Қ., Пардаев Б.Р. Жиззах вилоятида экологик туризмни ривожлантириш кластерини тузиш зарурияти. // “Сервис” журнали, 2-сон, 2013 йил, 94-98 бетлар.

16.Тураев Б.Х., Ким Е.А. Применение кластерного подхода для развития малого бизнеса в сфере туризма. //Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари. ИАК материаллари (2013 йил 25-30 апрель). – Самарқанд, 2013, 81-83 бетлар.

17.Русча-ўзбекча луғат. – Т.: “Ўзбек совет энциклопедияси” бош редакцияси, 1983. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет.

18.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет, 3-жилд – 688 бет, 4-жилд – 608 бет, 5-жилд - 592 бет.

19.Большой экономический словарь. – М.: “Институт новой экономики”нашриёти, 1999, 1246 б.

20.Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М.: “Русский язык”, 1982, 816 б.

21.Математический энциклопедический словарь. Советская энциклопедия”, 1988, 847 б.

22.Большая экономическая энциклопедия. – М.: ЭКСМО, 2007, 816 б.

23. “Маркетинг терминлари изоҳли луғати: асосий тушунчалар ва истилоҳлар”/ Масъул муҳаррир: Баҳодир Эргашев: – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2012, 205 б.

24.Вайнаренко М.П. Кластерные модели объединение предприятий в Украине. // Экономическое возрождение России. – 2007. № 4 С.68-82,

25.https://kun.uz/news/2021/03/17/klasterlar-sohasidagi-tizimli-muammolar-aytildi-ulardan-biri-fermerlarning-majburiy-tartibda-biriktirilishi

26.Хоразмда балиқчилик кластери ташкил этилади. https://kun.uz/news/2021/03/29/xorazmda-baliqchilik-klasteri-tashkil-etiladi.

13-боб. САЙЁРАМИЗНИНГ ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА ПАНДЕМИЯ

«Она табиатга меҳр-муҳаббатли бўл, ер, сув, оловни эъзозла, яратувчилик меҳнатини улуғла»

Авесто

Бизга омонат қилиб берилган бу дунё, ундаги табиий бойликлар, жониворлар ва бошқа неъматларни қандай абгор ҳолатга солганимизни кўриб турибмиз. Афсуски, бу – одамзот туфайли Ер юзида аянчли ҳақиқат юзага чиқди: йилдан-йилга рекорд даражага чиқаётган ўрмон ёнғинлари, ҳаво қатламининг тобора заҳарланиб бораётганлиги, дунёдаги сув захираларининг ифлосланиб бўлганлиги, унумдор ерларнинг чўлланиши, ҳайвонот ва ўсимлик турларининг абадий йўқотилаётганлиги сайёрамиз табиатининг ўзини-ўзи тиклайолмаётганлиги – сайёравий хавфли касалликларни келтириб чиқармоқда.

Жамиятдаги касалликларнинг кўпайиши, янги–хавфли касалликларнинг келиб чиқаётганлиги, табиат муҳофазаси, табиатдаги салбий ўзгаришлар, табиатдаги кутилмаган-инсоният учун фожиали, ҳалокатли–довуллар, сув тошқинлари, цунами ва бошқа ҳодисаларнинг барчаси экология билан боғланмоқда.

Ҳаммамиз ҳам об-ҳавонинг иқлим мавсумларига боғлиқ бўлмаган бироз нохуш ўзгаришлари ҳақида экология роса бузилдида деб хулоса чиқарамиз. Бу аслида уйимиздаги иқлим шароитлари бузилди дегани. Бу хулосамизга ҳозиргача эътиборсизлик билан қарамоқдамиз. Жамиятга экология сўзини берган немис профессори Эрнест Геккелни ҳам дунёнинг ўша вақтдаги мана мен деган олимлари қарийб 70 йил давомида тушунмаганди[236]. Бу муддатдан кейин инглиз олими Л. Тенсли фанга “экотизим” атамасини киритиб, Э.Геккелнинг инсон ўзининг келажаги-авлодлари учун табиатни асраши, муҳофаза қилиши бўйича инсониятни биринчи бўлиб огоҳлантирганлигини

[236].Рафиқов А. А., Геоэкологик муаммолар. «Ўқитувчи», Тошкент,1997.-111 б.; Петров К. П., Общая экология, Учебник для вузов. Химиздат. Санк-Петербург, 2000.-350 с.

тушунтириб берди ва Э.Геккелни инсониятнинг буюк фарзандлари рўйхатига киритишни ҳам таклиф қилди.

Немис олими Э.Геккел 1866 йилда ёзган «Организмларнинг умумий морфологияси» ва 1868 йилда ёзган «Дунё вужудга келишининг табиий тарихи» каби асарларида экология атамасига тўлиқ тавсиф бериб (экология» сўзи «oicos»-уй ва «lagos»-фан) экологиянинг маъноси-«яшаш жойи», «озиқланиш макони»деб белгилаган. У илмий асрларида Германиядаги Рур кўмир ҳавзасидан чиқаётган чиқиндилар ва заҳарли чангларнинг бу конда ишлаётган ишчиларда янги касалликлар келтириб чиқараётганлигини ва атроф-муҳитнинг заҳарланганлигидан ўсимликларнинг сийраклашаётганлигини, ёввойи ҳайвонотнинг кон атрофларидан тобора узоқлашаётганлиги ҳақида кўп йиллик илмий кузатувларининг натижаларини келтирган эди.

Э.Геккелдан икки йил олдин, 1864 йилда Америка Қўшма Штатларида Георг Маршнинг "Инсон ва табиат ёки инсоннинг табиатнинг табиий географик шароитларига эгалик қилиши" номли китоби нашр қилинган (Бу китобнинг таржимаси Россияда 1866 йилда нашр қилинди[237]. Бу китобдаги баъзи бир хулосаларни келтирамиз, бу хулосалар ҳозирги вақтимиздан 157 йил олдин ёзилган:

- *"Ҳар бир тур ўсимлик ва ҳар бир тур ҳайвон географик арбобдир, улар сайёрамизни қучоқлаган ҳолда ишонч билан ҳимоя қилиб турибди,уларни ўз ватани бўлган Ер сайёрасидан ажратманг";*
- *"Инсон табиатни вайрон қилишни бошлади, табиатдаги ўсимликлар ва ҳайвонлар вайрон қилинган жойларни қайта тиклашга уринмоқда";*
- *"Ҳозирга келиб инсон Ер сайёрамиз берадиган неъматлардан оқилона фойдаланиш шартлигини унутиб қўйди, яна ҳам фожиалилиги шундан иборатки, инсон табиатнинг инсон учун неъматлар ишлаб чиқарувчи кучларининг ҳам томирини кесмоқда;*
- *"Инсон сайёрамизнинг энг унумдор ерларини саҳрога айлантирмоқда, бунинг натижасида табиатдаги органик ва ноорганик тизимлардаги буюк мувозанат бузилиб бормоқда- ва*

[237]..Крут И.В.,Забелин И.М., Очерки истории представлений о взаимоотношении природа и общества. Москва, 1988.-312 с.

албатта табиат ўзини ғорат қилувчидан шафқатсиз қасос олади-уни вайрон қилувчи кучларини юборади".

Россиялик таниқли профессор К.М.Петровнинг хулосаларига кўра, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг бузила бошлаганлиги илмий кузатувлар натижасида ҳаққоний тасвирлаб берган ва инсониятни табиатдан муҳофазаланган ҳолатларда фойдаланишга чақирган бу машҳур китоб қарийб 100 йилдан кейин тан олинди (Бу вақтда глобал экологик инқирозлар тобора кучайиб бораётган эди). Олимнинг иккинчи хулосаси бўйича Э.Геккел бу китобдан жуда таъсирланган ва ўзининг асарларига экология-уй(табиат) ҳақида фанни киритган[238].

«Экология» ва «Экономика» сўзларига эътибор берсак, бу сўзларнинг умумий ўзаги-«Эко». Демак, бу бизнинг «Табиат уйимиз», «Экономика» сўзининг маъноси «Уй хўжалиги» (рўзғор)ни юритиш санъатини билдиради. Яна ҳам аниқроғи табиатдаги-уйимизда яшашимиздир. Инсоният мана шу табиат-даги уйида яшаши давомида ўз уйини аёвсиз равишда хароб қилиб келди. Бу аянчли ҳолат ҳозир ҳам давом этмоқда. Яъни инсоннинг "табиатдаги уйи" унинг тўкис яшашига у хоҳлаганидек шароит ярата олмай қолди ва олдинги нозу неъматлари ўрнига ўта хавфли касалликларни беришни бошлади.

Асримиздаги парранда гриппи, чўчқа гриппи, ўпканинг эриши каби янги дунёвий касалликларни инсоният қисқа муддатларда даф қилган эди. Ҳозирда-инсониятга чексиз ва чегарасиз фожиаларни келтирган ва келтираётган-COVID-19 ни даф қилишнинг уддасидан чиқаолмаяпти.

Мен COVID-19 нинг келиб чиқишини сайёравий экологик инқирозлар натижаси деб ҳисоблайман.

Хўш, келажакда инсониятни нималар кутаяпти. Бу саволга жавоб ўтган асрда берилган эди[239]. Лекин, инсоният бирини-бири ўлдириш учун даҳшатли, оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш билан банд.

Қуйида келтирилган манбалар дунё матбуотида ўтган аср-нинг 70 йилларидан бери эълон қилиниб келинмоқда. Мен ҳам COVID-19 га ўхшаш даҳшатли касалликлар ватанимизда келиб

---

[238]. Петров К. П., Общая экология, Учебник для вузов. Химиздат. Санк-Петербург, 2000.-350 с.

[239].Араб-Огли. Демографические и экологические прогнозы. Москва, «Статистика», 1978.-318 с.

чиқишининг имкониятларини йўқ қилишнинг уддасидан чиқаолишимиз мумкинлигига тўлиқ ишониб қуйида келтирилган экологик инқирозларнинг олдини олиш бўйича фикрларим ўқувчи билан суҳбатлашишга жазм қилдим.

13.1. Пандемия ва глобал экологик инқирозлар – эътиборни талаб қилади

Инсон уйи- Ер сайёрасини ўзининг яшашига яроқсиз қилгандан кейин ўзини йўқотишига мажбурлиги, унинг тақдирида битилган.

Жан Батист Ламарк[240]

Инсоният олдидаги кескин муаммолардан энг хавфлилари сайёравий экологик инқирозлардир. Бу инқирозлар кўпинча глобал экологик муаммолар деб аталмоқда. Экологик муаммоларнинг айнан, ўзига хос хусусияти Ер юзидаги барча инсонларга тааллуқли эканлигидир. Энди улар умумбашарият ҳаётига хавф туғдирмоқда. Шу туфайли сайёравий экологик муаммоларнинг моҳиятини билиш, уларни бартараф қилиш йўлларини излаш ва зудлик билан амалга ошириш барча мамлакатлар олдидаги ечимини кутаётган бош масалага айланган[241].

Инсон то ҳозирги кунгача табиатнинг фарзандларига аталган ризқ-рўзини ҳам очкўзларча бўкиб еб, қириб, йўқотиб, ифлослантирганлигини, заҳарлаганлигини ҳам тан олиши шарт. Балки, тан олишдан кейин инсон инсофга келар. Инсон ҳозирги кунга келиб саёрамизнинг барча табиий бойликлари ва ресурслари фақат унинг ўзи учун эмас, балки фарзандлари ва келгуси авлодларига ҳам тегишли эканлигини англамоғи лозим[242].

Табиий бойликлар битмас-туганмас дейилиши ҳамон инсоният жамиятида ҳукмрон. Лекин, инсоният учун жуда муҳим бўлган табиий бойликларнинг захираси ҳам кўриниб қолди (13.1-расм).

---

[240].Петров К. П., Общая экология, Учебник для вузов. Химиздат. Санк-Петербург, 2000.-350 с.
[241].Рафиқов А. А., Геоэкологик муаммолар. «Ўқитувчи», Тошкент,1997.-111 б.
[242]. Ҳайитбоев Р., Экологик туризм.Ўқув қўлланма, «Баркамол файз медиа», Тошкент, 2018.-248 б.



13.1-расм. Инсониятнинг келажагини моделлаштиришда.

Биринчи башоратни Ж. Форрестер ўз ҳаммуаллифлари билан яратди (Дунё-1 ва Дунё-2). У инсоният тараққиётига тўсқинлик килувчи ва умуман инсоният яшаб қолишига қаршилик қилувчи манбаа-табиий ресурсларнинг тугаши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиб боришини сабаб қилиб кўрсатди[243].

Халқаро ҳамжамият ҳозирданоқ абгор ҳолатларга келиб қолган сайёрамизнинг табиий ресурсларини, экологик тизимларни келгуси авлодлари учун қайтадан тиклашни бошлашлари керак. Тикланадиган табиий ресурсларни қайтадан тиклашни бошлаш, ҳали ҳам яшаш маконимиз сайёрамизда ҳаётни сақлаб қолишнинг иложи бор дегани (13.2-расм).



13.2-расм.Тикланадиган ресурслар – ҳали ҳам умид, иложи бор дегани.

Инсоният тугамайдиган энергиялар манбаларидан унумли ва оқилона фойдаланишни ҳозирги кундан бошлаши зарур (13.3-

[243].Араб-Огли. Демографические и экологические прогнозы. Москва, Статистика, 1978.-217 с.

расм). Қуёш энергияси, шамолларнинг кучи ва денгизлар сувининг кўтарилиши ва қайтишидан олинадиган энергия инсоният энергия олиш учун аёвсиз ёқаётган газ ва кўмирни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш имкониятларини яратиши, дарёларнинг оқимини бўғишга эҳтиёж қолмаслиги илмий жиҳатдан исботланганлигига жуда кўп йиллар бўлди. Европадаги давлатлар бу тугамайдиган ресурслардан оқилона фойдаланаётганлигига ҳам жуда кўп йиллар бўлди.



13.3-расм. Инсоният тугамайдиган энергиялар манбаларидан унумли ва оқилона фойдаланишни ҳозирги кундан бошлаши зарур.

13.2. Дунё «иссиқхонаси самараси» - энг хавфли фалокатлар манбаи

Ер атмосфераси таркибидаги барча газлар ўзига яраша вазифаларини бажаради. Хусусан ис гази (CO_2) Ердаги ҳароратни бир хилда ушлаб туриши туфайли сайёрамизнинг «кўрпаси» ҳисобланади. Ис газининг атмосфера ҳавоси таркибидаги улуши 0,03 %ни ташкил этсада, мавсумлар давомида табиий ҳолда ўзгариб туради. Маълумотларга қараганда, ҳозир инсон томонидан йилига ўртача 22 млрд. т.дан ортиқ ис гази атмосферага чиқарилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, атмосфера таркибидаги ушбу газ миқдори кейинги аср мобайнида 10-15 % га ошган. XXI аср ўрталарига бориб, 40% га ортиши башорат қилинмоқда.

Ердаги ҳароратнинг ўртача кўрсаткичи (15% атрофида) кўтарилиши айнан ушбу газ миқдорининг ортиши билан боғлик. Ис гази Қуёшдан келаётган қисқа тўлқинли нурларни кўп

қайтариб, айни вақтда Ердан қайтган узун тўлқинли нурларни тутиб қолиши «иссиқлик самараси» жараёнини рўёбга чиқарувчи асосий манбадир.

Кейинги 100 йил мобайнида Ер шари ўртача ҳарорати 1^0 га ортганлиги қайд этилмоқда. Агар шу тарзда давом этаверса, янги аср ўрталарида Ернинг ўртача ҳарорати $3\text{-}5^0$ га қадар ошиши кутилмоқда. Ҳароратнинг мунтазам ортиб бориши қандай экологик муаммоларни келтириб чиқариши, унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари нималар билан тугалланишини мутахассислар томонидан илмий назарий жиҳатдан асосланмоқда.

Географлар сайёра миқёсида ҳароратнинг 1-2% кўтарилиши Ернинг табиат зоналарини қутбларга томон 150-500 км га сурилишини таъкидламоқдалар. Демак, ўртача кенгликларда (дашт минтақасида) ғаллачилик минтақаларида ёғинлар миқдори камаяди, аксинча тропик минтақада ёғин миқдори ортади.



«Иссиқлик самараси»ни Б. Небел бўйича тушунтириш- ёруғлик энергияси эшиклари берк автомобиль ичида иссиқлик энергиясига айланади ва автомобиль ичида тўпланиб боради[244].

Кўплаб аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда ҳароратнинг кўтарилиши, кишилар саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳарорат ва намликнинг жиддий ўзгариши қишлоқ хўжалигига сезиларли таъсир кўрсатиши, хусусан Шимолий

[244].Небел Б., Наука об окружающей среде Т. I. Москва, 1993., Петров К. М., Экология. Учебник для вузов. Химиздат, Санкт-Петербург, 2000.-350 с.

Американинг марказий қисми ва шунга ўхшаш ҳудудларда буғдой ва маккажўхори ҳосилдорлиги кескин камайиши кутилмоқда.

Ер сайёрасининг ҳарорати 1% га кўтарилиши қутбий кенгликлардаги музликларнинг эришини тезлатади. Демак, Дунё океани сатҳида кўтарилиш бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, XXI аср мобайнида Дунё океани сатҳи 1-5 метрга кўтарилади. Океан сатҳининг бунчалик кўтарилиши қуруқликнинг салмоқли қисмини сув босишига олиб келади. Чунончи, Малъдив ороллари, Океания, Филиппин, Бангладеш, Индонезия, Ғарбий Европанинг денгиз соҳиллари сув остида қолади, Санкт-Петербург, Қоҳира, Шанхай каби кўплаб шаҳарлар тошқиндан катта талофат кўради. Бу соҳил бўйидаги кўплаб аҳолини, қишлоқ ва саноат, хўжалик ишлаб чиқаришларни материк ичкарисига кўчириш, портларни қайта таъмирлашга олиб келади.

Иқлимдаги ўзгаришлар аста-секин бутун биосферанинг динамик мутаносиблигининг бузилишига сабаб бўлади. Тарихда иқлимда бундай ўзгаришлар бўлганлиги маълум, бироқ, улар табиий йўл билан бўлган.

Ушбу муаммоларни бартараф этишнинг ягона йўли атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар миқдорини камайтиришдир. Ҳозир дунё бўйича атмосфера ҳавоси ифлосланишининг 20% АҚШ ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу боисдан, 1997 йили БМТнинг иқлим ўзгаришларига бағишланган Конвенциясида атмосферанинг ифлосланишини АҚШда 3, Европа Иттифоқи мамлакатларида 8, Японияда 6%га камайтиришга қарор қилинди.

13.3. Озон туйнуги муаммоси – оммавий касалликлар манбаи

Атмосфера ҳавосининг Ер юзаси сатҳидан 15-25 км баландлик қисмида озон қатлами мавжуд бўлиб, уни «озон экрани», деб ҳам атайди. Озон қатлами қуёшдан келадиган ультрабинафша нурларни ютиб, Ердаги тирик организмларни унинг зарарли таъсиридан асрайди. Озон қатламининг асосий емирувчилари фреон, хладон газлари, фторуглерод ва полифторуглеводород суюқликлар ҳисобланиб, улар ўзида озонни емирувчи хлор ва бром атомларини сақлайди.

Улар кимёвий жиҳатдан ўта инерт моддалар бўлиб, юқорига-стратосферага томон кўтарилиш қобилиятига эга. Бир дона хлор атоми 100 минг озон молекуласини бемалол йўқ қила олади. Озон қатламининг сийраклашиши Ер бетига етиб келадиган ультрабинафша нурлар миқдорини ортишига олиб келади. Озон қатламига зиён келтирадиган фреон маиший кимё, совутгич жиҳозларида, атир-упа саноатида кенг қўлланилади. Шу туфайли уни дунё бўйича ишлаб чиқариш миқдори анча юқори (йилига тахминан 700 минг т. атрофида).



Антарктидадаги озон туйнуги-марказдаги қора доғ (спутник орқали олинган[245])

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиладиган азот ўғитлар ҳам озон емирувчи манбалардан асосийлари бўлиб қолмоқда. Агар дунё бўйича шу минерал ўғитни ишлаб чикариш 1950 йилда 4,6 млн. т, 1970 йилда 40 млн. т, 1995 йилда 80,7 млн.т га ортганлигини эътиборга олсак, унинг ҳамма ҳалокатли оқибатини чамалаш қийин эмас.

Озон қатламининг бузилиши илк бор Антарктика осмонида кузатилган, 1987 йили «туйнук» катталиги АҚШ майдонига тенглашди. Бундай «туйнуклар» 1995-1996 йилларда аҳоли зич яшайдиган Шимолий Америка, Осиё ва Европа устида ҳам

[245].Photo Library/ Photo Researchers

кузатилди. Унинг оқибатида 1982 йилда Янги Зеландия аҳолисининг 11 мингдан зиёди тери ракига чалинди,



Озон туйнугидан Қуёш нурларининг тўғри ерга тушиши[246]

Озон қатлами бузилишининг олдини олиш мақсадида 1987 йилда Монреал шаҳрида 24 давлат вакиллари иштирокида "Монереал қайдномаси" имзоланди. Унда 1999 йилга келиб, барча давлатларда фреон ишлаб чиқаришни 50% га камайтиришга келишилди. 1989 йил 5-6 мартда " Озон қатламини қутқарайлик" шиори остида Лондонда ўтказилган халқаро конференцияда 120 мамлакат вакиллари ўзаро битимга келишди.

Озон қатламини муҳофаза қилиш борасида дунё миқёсида бир қатор анжуманлар ва келишувлар ўтказилмоқда. 1989 йилдаги Хелъсинки деклорациясига мувофиқ, 2000 йилга қадар фреон газларидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини камайтиришни босқичма-босқич амалга ошириб бориш тадбирлари кўрсатиб ўтилган эди. Германия бу борада оламшумул ишга қўл урди, мамлакатда фреон ишлаб чиқариш ва улардан совутгичларда фойдаланишга ҳам чек қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 2006 йилнинг 7 сентябрида «Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреаль Протоколига тўлдиришни (1997 йилнинг 17 сентябри, Монреаль) ратификация қилиш тўғрисида ва «Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреаль

[246]. Интернетдан олинди

Протоколига тўлдиришни (1999 йилнинг 1 декабри, Пекин) ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларни имзолади[247].



Озон қатламини емирувчи газлар асосан саноат объектларидан атмосферага чиқарилмоқда



Қуёш нуридаги ультрабинафша нурларни озон қатлами ютиб олади – бу ерда ҳаётнинг давом этишидир(Чапда).

Ультрабинафша нурларнинг ер юзасига етиб келиши бутун тириклик учун ўта ҳалокатли ҳисобланади(Ўнгда)[248].

[247]. Ўзбекистон Республикаси қонунлар мажмуи, 2006, № 36, 358-саҳифа

[248].Gehrels N., Claude M. Laird, Charles H. Jackman, John K.M. Cannizo, Barbara J. Mattson, Wan Chen (2003) Ozone Depletion from Nearby Supernovae. The Astrophysical Journal, 585 : 1169—1176. (Русча таржима).

Ҳозириги пайтда озон қатламини емирувчи моддаларнинг умумий миқдори 2900 тоннадан 2,44 тоннага(озонни емирувчи хусусиятини ҳисобга олган ҳолда) ёки 1986 йил таянч даврига нисбатан олганда 99,88% га тушди. ХФУ бўйича А илованинг биринчи гуруҳида режалаштирилганидек 40% га эмас, 84% га камайган, тетрахлорметан бўйича кўзда тутилганидек 35% эмас, 9,7% га камайган[249].

13.4. Чўлланиш муаммоси – глобал экологик муаммолардан бири

Қуруқлик юзасининг 40 млн. км^2 майдони қурғочил ҳудудлардан иборат. Минтақада суғориладиган ерлар 400 млн.га дан зиёд, лалмикор деҳқончилик ва яйлов сифатида фойдаланиладиган майдонлар улуши хам салмоқли. Дунё аҳолисининг 15% дан ортиғи (800 млн. киши) айнан шу минтақада истиқомат қилади. Суғориладиган ерлардаги шўрланиш, дефляция, эрозия натижасида тупроқларнинг унумдорлиги пасайиб бораётганлиги аниқланган.

Яйловларда тартибсиз мол боқилиши, дов-дарахтларнинг ўтин ва бошқа мақсадларда аёвсиз кесиб юборилиши яроқсиз ерлар майдонининг узлуксиз кенгайиб боришига имкон яратмоқда (Ўзбекистонда бу ҳолат тобора кучайиб бораяпти)[250].

Чўлланиш жараёнини келтириб чиқарувчи сабабларнинг салкам 90% и инсон зиммасига тўғри келади. Эндиликда инсон қўли билан бунёд этилган чўллар майдони 9 млн.км^2 етди. Қуруқлик юзасида йилига 21 млн. га ер яроқсиз ҳолга келтирилмоқда, 6 млн.га суғориладиган ер чўл тусини олмоқда, суғориладиган ерлардан 90 млн. га шўрланишга учраган.

Чўлланиш талафотлари Осиё ва Африка мамлакатларининг анчасида, Австралияда борган сари катта-катга майдонларни ўз домига тортмоқда. Айниқса, 1968-1973 йилларда содир бўлган Саҳрои Кабир фожиаси йилига 20 минг км^2 маҳсулдор ерни чўл қаърига тортди. Судан мамлакати жанубидаги чўл чегараси 17 йил мобайнида (1958 -1974) йилига ўртача 5 км дан, жами 80-100 км

[249].Эргашев А.Э., ва бошқ…Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. Дарслик. Бақтрия пресс. Тошкент, 2016.-295 б.

[250].Ҳайитбоев Р., Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ривожлантириш истиқболлари. Монография, «Наврўз полиграф» МЧЖ, Самарқанд, 2018-142 б.

жанубга сурилди. Умуман Саҳрои Кабир майдони йилига 1,5 млн. га атрофида кенгаймокда. Ушбу нохуш жараён Марказий Осиё чўлларини ҳам тарк этмасдан ўтолмаяпти.

Жаҳон харитасида чўлланишга учраган ерлар

1	Шимолий Америка	4,5 млн. км^2
2	Жанубий Америка	3,6 млн.км^2
3	Европа	0,9 млн км^2
4	Африка	1 7,3 млн км^2
5	Осиё	14,6 млн км
6	Австралия	6,3 млн км^2
	Жами	**47,2 млн. км^2**

Чўлланиш ерларни яроқсиз ҳолга келтириш билан бирга қурғоқчил ва ярим қурғоқчил экотизимлар маҳсулдорлиги пасайишига сабаб бўлмоқда. Натижада аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашмоқда, турли хавфли янги касалликларнинг пайдо бўлиш имкониятлари ортаяпти, уй-жой, озиқ-овқат муаммоси каби ижтимоий-иқтисодий муаммолар кўпаймоқда.

Кейинги чорак аср давомида фақат чўлланиш жараёни натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йўқотилишидан кўрилган зарар миқдори 520 млрд. АҚШ долларига етганлиги аниқланган.

Кениянинг Найроби шаҳрида ЮНЕП ташкилоти раҳбарлигида 1977 йилда халқаро анжуман бўлиб, унда «Чўлланишга қарши ҳаракат режаси» ишлаб чиқилган. Бу режа кўп йилларга мўлжалланган бўлиб, режага мувофиқ 1981 йилда Тошкентда ҳам халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Ҳозир дунёнинг турли мамлакатлари қатори Ўзбекистон Республикасида ҳам чўлланишнинг олдини олиш, суғориладиган ерлар ва яйловлар маҳсулдорлигини ошириш борасида қатор амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

13.5. Нам тропик ўрмонлар майдонининг қисқариши билан боғлиқ глобал муаммолар

Тропик ўрмонлар «сайёрамизнинг ўпкаси» ҳисобланганлиги учун ҳам жуда кучли муҳофазага муҳтож. Ер атмосфера ҳавоси

таркибидаги кислород мувозанати айнан мана шу ўрмонлар ёрдамида сақланиб туради. Бироқ, XX асрнинг ўрталаридан то 70-йилларгача дунёдаги ўрмонлар майдони тенг икки баробарга (50 млн.км^2. дан 25 млн.км^2 гача) қисқарди. Нам тропик ўрмонларнинг 42% дан ортиғи 70-йилларгача кесиб тугатилди.



Саёрамизнинг асосий кислородини етказиб берадиган Амазонка ўрмонларидаги ҳозирги ҳолатлар

Ҳозирда қуруқлик юзасининг 6% ида нам тропик ўрмонлар сақланган бўлсада, улар майдонининг қисқариши жуда жадаллик ва тезкорлик билан давом этмоқда. Ҳозирда бундай ўрмонлар ҳудуди йилига 16-20 млн.га. дан зиёд, ҳар дақиқада 25-50 га майдонга қисқармокда. Африкадаги нам тропик ўрмонлар майдони XX аср мобайнида 65% га қисқарди. Ўрмонларни кесиш шу алфозда давом этаверса қитъадаги қатор мамлакатларда (Буркина Фасо,- Котд-Ивуар ва бошқаларда) яқин 10-20 йил ичида ўрмонлар бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Ўрмонлар майдонининг қисқариши ўрмон ёнғинлари, қишлоқ хўжалик учун янги ерларнинг очилиши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва ўтин сифатида ёқилиши билан боғликдир. XXI аср бўсағасида ҳам Лотин Америкаси мамлакатларининг 20% и, Африканинг 60% и ва Осиё мамлакатларининг 10%и энергия эҳтиёжи-ўтин ёқиш ҳисобига қондирилмоқда. Бунинг оқибатида фақат ривожланаётган мамлакатларнинг ўзида йилига 2 млрд. м^3 ўрмон ёғочи ўтинга айланмокда.

Сайёрамизда сўнгги даврларда рўй бераётган ҳалокатли сел тошқинлари, кучли-талофатли шамоллар ва чанг-тўзонли

бўронларнинг кучайганлиги, тупроқ дефляцияси ва эрозиясининг тезлашганлиги, иқлимдаги рўй бераётган ўзгаришлар, нам тропик ўрмонлар майдонининг қисқариши оқибатидир. Энг хатарлиси, ҳавонинг мусаффолиги йўколиб, кислород мувозанати ўзгармокда.

13.6. Дунё океанининг ифлосланиши билан боғлиқ глобал муаммолар

Дунё океани қуруқлик (литосфера) ва атмосфера билан узвий алоқада бўлган, алоҳида хусусиятта эга муҳитдир. Дунё океанининг ифлосланиши – асосан қуруқлик, атмосфера ва сув ҳавзалари (дарёлар)нинг ифлосланиши туфайли рўёбга чиқади. Дунё океанига ташланаётган нефть маҳсулотлари, саноат-маиший чиқиндилар, оқава сувлар, радиоактив зарарли кимёвий моддалар салмоғи йил сайин ортмоқда. Яқин чорак аср мобайнида океан сувларининг ифлосланиши 1,5-3 мартага кўпайиши кутилмоқда.

Дунё океани сувларига ташланётган нефть миқдори йилига тахминан 10 млн. т. ни ташкил этмоқда. Унинг ярмига яқинини (44%) дарёлар келтираётган бўлса, қолган катта салмоғи денгиз флоти зиммасига тўғри келади. Денгиз остидан нефть қазиб олиш оқибатида йилига 100-200 минг т. нефть қудуқларидан чиқиб океан сувларини ифлослайди.

Ҳозирда дунё денгиз транспорти орқали 3 минг номдаги турли кимёвий моддалар ташилмоқда. Уларнинг аксарият қисми ўта заҳарли бирикмалар бўлиб, турли йўллар билан океан сувларига қўшилмоқда. Дунё океанининг пестицидлар билан ифлосланиши жуда хатарлидир. Улар океанларга қишлоқ хўжалик майдонлари ва атмосфера орқали тушмоқда. Бундан чорак аср муқаддам дунё океанида 450 минг т. ДДТ тўпланганлигини мутахассислар ҳисоблаб чиққанлар. Ҳозирда океанларга фақат атмосфера орқали йилига 130 минг т. ҳар хил пестицидлар ёғилаётганлиги маълум.

Океан сувларининг металлар билан ифлосланиши ҳам ҳалокатлидир. Дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган симобнинг (9-10 минг т.) 35-50% и, қурғошиннинг 2 млн. т.си океанларга тушаётганлиги сир эмас. Калифорния (АҚШ) технология института олимлари маълумотлар шуни кўрсатадики, автомобиль газлари

таркибидан ажралиб чиқадиган қўрғошиннинг 50 минг т.си атмосфера орқали океанларга тушар экан.



Тинч океани



Шимолий муз океани



Атлантика океани



Ҳинд океани

Ушбу расмлар XXI асрнинг Буюк сайёҳлари Тур Хейердал ва Жак Ив Кустоларнинг БМТга дунё океанларининг ҳозирги ҳолатлари ҳақидаги ҳисоботларидан олинди[251]

Қуруқликдаги барча дарёлар эса йил давомида океанларга 2 млн. т. қўрғошин, 20 минг т. кадмий ва 10 минг т. симобни оқизиб боради. Булардан ташқари, кемалардан йилига тахминан 7 млн. дона турли металл буюмлар ва 500 минг донадан зиёд шиша идишлар ҳамда 1 млн. дан ортиқ, қоғоз ва пластмасса қутичалар океанларга маиший чиқинди сифатида ташланмоқда. Дунё океани сувлари ифлосланишининг экологик ҳамда ижтимоий- иқтисодий зарарлари беқиёсдир.

---

[251]. Электронная книга Путешествие на "Кон-Тики" | The Kon-Tiki Expedition: By Raft Across the South Seas | Kon-Tiki ekspedisjonen. Переводчики: Комаров А., Гловин Л.Л., Москва, 1957

Океан сувларига нефть қўшилганда сув юзасини нефть пардаси қоплаши оқибатида океан ва атмосфера ўртасида иссиклик, газ ва нам алмашинуви жараёни бузилади. Табиатда сувнинг айланма ҳаракати, океан юзасининг радиация хусусиятлари, умуман сувнинг юза қатламида унинг физик хоссалари ўзгаради; Қутб ёни ҳудудларда нефть билан ифлосланиш муз юзасининг алъбедосини 27-35%га камайтириши сабабли, музларнинг эриши тезлашади.

Пестицидлар, айниқса, ДДТ денгиз флорасида фотосинтезга, ҳайвонларнинг тарқалишига халақит беради, денгиз ҳайвонларида ёғ ва жигарида тўпланиб, турли оғир касалликларни келтириб чиқаради.

Океан сувларининг оғир металлар билан ифлосланиши денгиз жониворлари ва уларни истеъмол қилиш орқали кишиларда ўта хавфли касалликларни келтириб чиқаради. Океан сувларининг ифлосланишидан дунёнинг турли қисмларидаги машҳур соҳилларда чўмилиш фаолияти тўхтатилган. Океан сувининг бир литрида нефть аралашмасининг 1 мг га ошиши ундаги барча фитопланктонларни, 0,1-0,001 мг га ортиши балиқ, икраларининг қирилишига олиб келади.

Дунё океани сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши, унинг маҳсулдорлигини 10-20%га, балиқ овлашни 15-25 млн.т.га қисқартириб юборди. Шу туфайли дунё океани сувларини ифлосланишдан сақлаш учун жаҳон мамлакатлари биргаликда амалий тадбирлар қўллашга киришмоқлари зарур. Акс холда, машҳур француз океанологи:

Жак Ив Кустонинг умидсиз башоратича – «саноат ва туризм ривожланган йирик давлатлар океанларни заҳарлашни тўхтамас эканлар асримизнинг сўнгидаёк, океанларда ҳаёт йўқолади».

Тур Хейердал – «жонсиз океан-жонсиз сайёра», деб бежиз таъкидламаган.

13.7. Ҳудудий геоэкологик инқирозларнинг вужудга келиши

Ҳудудий геоэкологик муаммолар сайёрамизнинг айрим йирик табиий чегараларга эга бўлакларига нисбатан катта бўлакларига хос бўлсада, улар сони хам тобора ортиб бормоқда.

Ҳудудий геоэкологик муаммолар жойларнинг ўзига хос табиий шароитлари, мавжуд ресурслардан нотўғри фойдаланиш, саноат чиқиндиларининг сув ҳавзаларига ва атмосферага ҳаддан ташқари кўп чиқарилиши, ер-сув ва яйловлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқмоқда.

Ҳудудий муаммолар таркиб топиши жиҳатидан оддий ва мураккаб тоифадаги геоэкологик ҳодисалардан иборат бўлади. Мураккаб геоэкологик ҳодисаларнинг ечими ҳам мураккаб бўлиб, кўп вақт талаб қилади. У тобора мураккаблашиши ва янги ҳудудларни эгаллаш йўналишида ривожланади. Оддий ҳудудий геоэкологик муаммолар ҳам маконда ва вақт мобайнида ўта мураккаблашуви оқибатида мураккаб ҳолатга айланиши мумкин.

«Ишқорли» ёмғирлар ҳозирда АҚШ, Канада, Ғарбий Европа, айниқса, Скандинавия мамлакатларига хос бўлиб, каттагина экологик - иқтисодий талофатлар келтирмоқда. Ушбу мамлакатлардаги кўплаб дарё ва кўлларда «ишқорли» ёмғирлар ёғиши туфайли балиқ ва бошқа жониворлар бутунлай қирилиб кетди. АҚШнинг Андродиак тоғидаги (Нъю-Йорк штата) 214 та кўлнинг ярмидан ортиқроғида балиқлар деярли йўқолди. Бу ёмғирнинг хатарли оқибатлари Норвегиянинг 10%дан ортиқ ҳудудини ишғол этди, мамлакатдаги 20 мингдан ортик кўл фақат «ишқорли» ёмғир туфайли таҳлика остида қолди.

«Ишқорли» ёмғирлар ўсимликларга ёмон таъсир этади. Дарахт баргларини муддатдан аввал тўкиб, ўрмонларнинг батамом қуришига сабаб бўлади. Ҳозирда Ғарбий Европа ўрмонларининг ярмидан кўпи шу ёмғирлардан заҳарланган. Унинг қишлоқ хўжалик экинларига келтираётган офати янада беқиёсдир. «Ишқорли» ёмғирлар туфайли турли иншоотлар катта талофат кўрмокда. Айниқса, мармар ва оҳактошдан ясалган осмон остидаги очиқ, музей шаҳарлар (Греция, Италия ва бошқа), тарихий ёдгорликлар, ҳатто мармардан қурилган, муҳаббат рамзи бўлган Ҳиндистондаги Тожмаҳал ҳам унга бардош бера олмаяпти.

Дунё денгиз транспорти чорраҳаси ҳисобланган, атрофида 20 дан ортиқ ривожланган мамлакатларнинг бевосита таъсирига узоқ даврлардан буён бардош бериб келаётган Ўрта ер денгизига кемаларнинг ўзидан йилига 300 минг т. дан ортиқ нефть тўкилади. Биргина Рона дарёсининг ўзи денгизга йилига 50 т. пестицид ва

1250 т. детергентлар келтиради. Денгизга бундай дарёлардан 20дан ортиғи қуйилади.

Шимолий денгизга қуйиладиган Рейн, Везер, Эльба, Темза дарёлари 150 йилдан бери денгизга тонналаб ифлос чиқиндилар келтиради. Денгизда сув кўтарилиши ва қайтиши кучли бўлсада, бироқ ҳозир денгиз сувининг алмашинуви - аралашувига унинг ҳам қурби етмай қолди. Денгиз остидан нефть ва газ қазиб олиш, кимёвий заҳарли моддалар ташувчи кемалар қатновининг жадаллиги ҳамда кимёвий ифлосланиш бўйича дунёда ҳеч бир денгиз Шимолий денгизни ортда қолдира олмайди.

Йилига денгизга 50 млн. т. кимёвий чиқиндилар ташланади. Буёқ, тиш ва кир ювиш маҳсулотлари кукунлари тайёрлашда қўлланиладиган белил (титан оксиди) ишлаб чиқаришдан чиқадиган 750 минг т. ташландиқлар ҳам денгиз сувига қўшилади. Шимолий денгиз дунёда балиқларга энг бой денгизлардан бири эди. Эндиликда денгизда тутилган балиқларнинг катта қисми (40%га яқини) истеъмолга яроқсиз ҳолга келган. 1956 йилда денгиз тюленлари сони 3 мингдан ортиқ бўлган, ҳозирда бу жониворларнинг атиги 400 таси қолган.

Болтиқ, денгизи ҳам ифлосланган денгизлар қаторига киради. Бу денгиз атрофидаги 10 дан ортиқ ривожланган мамлакатларнинг бевосита таъсирини ўзида яққол намоён этмоқда. Денгиз сувининг океан суви билан алмашинуви жуда суст эканлиги маълум. Сувнинг юқори қатламида кислород режими анча қулай бўлсада, кейинги йилларда унинг чуқурроқ қисмларида кислород танқислиги сезилмоқда.

Шимолий Америкадаги Буюк Кўллар сувидан 250 дан ортиқ шаҳарлар кунига ўз эҳтиёжлари учун 15 млрд. литр сув олиб, унинг катта қисмини чиқинди сув сифатида яна кўлларга қайтариб ташлайдилар. Бу кўллар таркибидаги Эри, Онтарио ва Мичиган кўлларининг жанубий қисмлари жуда ифлосланган. Майдони 26 минг км^2 бўлган Ер шаридаги чучук сувли йирик кўллардан бири Эрига Детройт дарёси сутка давомида 7,5 млн.м^3 чиқинди — ташландиқ сув келтиради.

Кўлга йил мобайнида 46 млн. т. қаттиқ моддалар, 4 млн. т. хлоридлар, 27 минг т. фосфатлар, 160 минг т азот маҳсулотлари ташланмоқда. Ҳозирда кўлда кислород танқислиги сезилмоқда.

Онтарио кўлига Ниагара ва бошқа дарёлар йилига 4710 т. қаттиқ, моддалар, 6 млн. т хлоридлар, 12 минг т фосфатлар ва 146 минг т азотли маҳсулотлар келтиради. Бу кўл шунчалик ифлосланганки, олимларнинг таъкидлашларича, унинг ақволини қониқарли ҳолга келтириш учун жуда кўп йиллар керак бўлар экан.

13.8. Сув ва ер ресурсларининг инқирози билан боғлиқ глобал муаммолар

"Сув, сени ҳаёт учун керак
Дейишади. Сен ҳаётнинг ўзисан".
Антуан Экзюпери.

Сув ҳаёт манбаидир. Сайёрамиздаги мавжуд сувнинг асосий қисми океан ва денгизларда тўпланган. Аҳоли ва барча ишлаб чиқариш тармоқлари, асосан тоза чучук сувли истеъмол қилади. Чучук сув ресурслари гидросфера умумий сув ҳажмининг атига 2,5% ини ташкил этади. Бунинг устига чучук сувнинг асосий қисми ер шарининг чекка, фойдаланиш қийин бўлган Антарктида, Арктика, Гренландия ва дунёнинг баланд тоғлари бағридаги кўплаб қор ва музликларда тўпланган.

Ер юзасининг 70% майдони сув билан қопланган. Қуриқликнинг ҳам 3% майдони дарё ва кўллардан иборат. Антарктида ва Гренландиянинг 16 млн. км^2 майдони муз билан қопланган.

Академик А.А. Карпинский сўзи билан айтганда сув ҳаётни яратувчи тирик қон. Машҳур геохимик А.Е. Ферсман таъбирича сув ернинг энг муҳим минерали, бу минералсиз ерда ҳаёт йўқ.

Сув ресурсларига дарё, кўл, сув омбори, канал, ер ости, ботқоқлик, денгиз, океан, атмосферадаги сувлар, қор ва музликлар киради. Ердаги бутун сув ресурсларидан ҳамма эҳтиёжлар учун 4-5 минг км^3 сув, яъни гидросферадаги умумий сувнинг 0,31% и фойдаланишга яроқлидир.

Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳам сув билан боғланган. Ҳар кандай тирик организм танасида сув бор. Одам танасининг 60-80% и сувдан иборат,бўлиб бир кунлик сувга ўртача талаб 2- 2,5 литрдир.

Дунёда сув тенг миқдорда айланма ҳаракатга эга. Океанлардаги сув 2600 йилда тўлиқ айланиб чиқади (йиллик буғланиш 450 минг км^3 га тенг). Атмосферадаги 13-15 минг км^3 сув ўрта ҳисобда 9 кунда янгиланиб туради. Дарёлар суви 12-15кунда янгиланади.

Инсоният тараққиёти ривожланган сари сувни кўплаб сарфламоқда. Ўтган асрда ҳар бир шаҳарлик аҳолига 35-40 литр сув сарфланган эди. Ҳозирда замонавий шаҳарларда ҳар бир кишига 300литр сув сарфланмокда. Шунингдек, Москвада- 400, Стокгольмда - 300, Нью-Йоркда -400, Лондонда-170, Венада 170, Римда- 180, Парижда -160 ва Брюсселда- 100 литр сув сарфланмокда.

Гидросфера–ернинг сув қобиғи таркиби қуйидагича:

1. Атмосферадаги сувлар–0,001%
2. Ер ости сувлари–3,12%
3. Музликлар ва қорликлар сувлари–1,8%
4. Қуруқликдаги сувлар–6,0%
5. Океан сувлари–90%
6. Шўр сувлар–97,2%
7. Чучук сувлар–2,5%

Сув билан боғлиқ аянчли маълумотлар:

•*Жаҳонда ифлос сувдан истеъмол қилиш натижасида ҳар йили 5 млн. киши вафот этади, 500 минг киши оғир дардга чалинади;*

•*Ҳозиргача инсоният дунёга океанига жами 20 млрд.т. чиқинди ташлаган,бу эса дунё океанининг ҳар 1 км^2 майдонига 17 тонна чиқинди ташланди дейилганидир;*

•*Ҳозирда дунё океанига ҳар йили 1,2 млрд.тонна чиқинди ташланмоқда, шундан 10,0 минг тоннаси нефтдир;*

• *Дунё бўйича ҳар 6 кишидан бири сувга зор, жаҳонда ҳар 15 сонида 1 бола ифлосланган сувдан заҳарланиб вафот этади, 1,1 млрд. киши тоза сувга муҳтож, 2,4 млрд. киши тозаланмаган сувни истеъмол қилади;*

• *1т пахта етиштириш учун 10000 т, 1т. шоли олиш учун 4000 т. сув керак.*

Марказий Осиёда ер усти сувидан фойдаланиш ҳар бир мамлакат учун белгиланган лимит бўйича амалга оширилади. Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги сув ресурслари ҳар йили йил бошида 1988 йилда ташкил қилинган «Амударё» ва «Сирдарё» ҳавза сув хўжалиги бирлашмалари томонидан Марказий Осиё республикалари орасида қайта тақсимланади.

Марказий Осиё давлатларида сувнинг тақсимланиши

Давлатлар	Сирдарё ҳавзаси	Амударё ҳавзаси	Жами, км^3	%
Қозоғистон	15,3	00	15,3	13,8
Қирғизистон	4,9	0,4	5,3	4,8
Тожикистон	3,7	9,5	13,2	11,9
Туркманистон	00	22,0	22,0	19,8
Ўзбекистон	**25,5**	**29,6**	**55,1**	**49,7**

Ер ресурсларининг инқирози.

Баъзи чиқинди турларининг чириш муддати: Озиқ-овқат чиқиндиси – 4-6 ҳафта. Картон ва турли хилдаги қоғоз – 1 ойдан 2 йилгача. Сигарет қолдиғи – 10 йилдан 20 йилгача. Пластик пакет – 10 йилдан 20 йилгача. Пластик стакан – 50 йил. Батарея – 100 йил. Алюминий банка – 80 йилдан 200 йилгача. Пластик баклашка – 460 йил. Бир марталик таглик – 550 йил. Шиша – 1 миллион йил ёки умуман чиримайди[252].

Миллион йиллар давомида бунёд бўлган ва ҳосилдорлик хусусиятига эга бўлган тупроқ жуда катта бойликдир. Тупроқнинг ҳосилдорлик хусусият унда бутун ўсимликларнинг ўсишига шароит яратади. Бу ҳосилдорлик маҳсулидан инсон баҳраманд бўлади.

Ҳозирда сайёрамизда инсониятга етиштириладиган озуқа энергиясининг 80% ини ер беради. Ер инсониятга нафақат озуқа етказиб беради, балки инсон учун уй-жой, унинг фаолияти кечадиган бутун қурилиш ва ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам ўзида жойлаштиришни таъминлайди. Ер тикланадиган ресурслар

[252]Зиёхонов Ж. Глобал мавзуга онгли муносабат: Биз миллат сифатида янги босқичга қачон чиқамиз?- интернетдаги мақола.

гуруҳига киради. Фақат ундан оқилода фойдаланишни талаб қилинади. Бутун дунёда 15 млрд. га ер бор. Шундан 1,5 млрд.га ерда деҳқончилик килинади, қарийб 400 млн.га ер суғориладиган деҳқончилик билан банд.

Инсониятнинг нотўғри фаолияти туфайли сайёрамизда 9 млн. км^2 унумдор ерлар саҳрога айланди. Бу жаҳондаги унумдор ерларнинг 40% ини ташкил қилади. Ҳозиргача ер шарида 50 млн. га ер умуман фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга келган. Сайёрамиз қитьалардаги қуруқ иқлимли ерлардан инсоннинг нотўғри фойдаланиши натижасида чўлланишга учраган майдонларнинг тобора кенгайиб бораётганлиги ҳалокатли тус олмоқда.

Ер ресурслари турли сабабларга кўра муомаладан (ҳар йили қарийб 15 млн. га.) чиқиб боради, чунончи, саноат объектлари ва шаҳарлар қурилиши учун тахминан 8 млн. га, эрозия натижасида 3 млн. га, инсон томонидан заҳарланиши натижасида 2 млн.га ер, сув босиши, шўрланиш туфайли эса 2 млн. га атрофида ерлар ишлаб чиқариш муомаласидан чиқиб бормоқда. Бутун цивилизация даврида инсоният турли сабабларга кўра (эрозия, шўрланиш, шаҳарлар остида йўллар қурилиши, сув омборлари ва бошқалар) жами тахминан 2,5-3 млрд. га ер майдонидан ажралди.

Ер инсоннинг бебаҳо бойлиги, ер ўсимликлар дунёси билан биргаликда инсонни озиқ-овқат билан таъминлайди, кийинтиради, қурилиш материаллари ва тиббий ашёлар билан таъминлайди ва б. Шунинг учун она-ерни муҳофаза қилиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир.

13.9. Орол денгизининг ҳалокати билан боғлиқ экологик муаммолар

Орол денгизи – Марказий Осиёнинг Қорақум, Қизилқум, Устюрт, Катта ва Кичик Бўрсиқ ва Оролбўйи Қорақуми каби йирик чўллари бирлашган ҳудудидаги ноёб денгиз эди. Орол денгизи милоддан олдинги 1-минг йилликнинг биринчи ярмидан бери мавжуд. Катталиги жиҳатдан Каспий, Юқори кўл (Шимолий Америка) ва Викториядан (Африка) кейин тўртинчи ўринни эгаллаганди.

Ўтмишдаги аёвсиз урушлар, Амударёнинг чап қирғоғидаги дамбаларнинг бузилиб туриши натижасида Орол сатҳи то 10 метргача пасайиб турган. Амударё эски ўзани орқали Сариқамиш чўкмасига оққан. Лекин халқ ҳамиша Амударё сувини Оролга йўллаган.

Орол, орол қадимдан бизга келган бу сўзнинг маъноси –"Орол" – сув ҳавзалари ўртасидаги қуруқлик, Денгиз, денгиз тўсатдан-орол, ғайриоддий туюлади. Балким, денгизнинг номланишида, унинг тақдирида бора-бора тупроққа айланиши ёзилганмикин. Нима бўлса ҳам Оролнинг ҳолати ҳозирча шу томонга ривожланиб борди. Орол муаммоси XX аср бошларида юзага чиқа бошлади. Бу вақтда тадқиқотчилар суғориладиган ерларнинг тобора кенгаётганлиги, Оролни тўйинтирадиган сувларнинг олиб қўйилиши, натижада денгиз сатҳи пасайишини исботлаб бердилар.

Лекин улар бу пасайишининг экологик окибатларини кўрсатиб беролмади. Ўтган асрнинг 60-йилларида Қозоғистон ва Ўрта Осиёда суғориладиган ерларни кескин кенгайтириш режалари тузилаётган пайтда олимлар яна Оролни тадқиқ эта бошлади. Худди шу даврда таниқли мутахассислар гидрологлар, гидротехник олимларнинг башоратлари матбуотда эълон қилинганди (Балки улар шундай башоратлар ишлаб чиқишга мажбур қилингандир). Бу маълумотлар бўйича Амударё ва Сирдарё сувларини суғоришга олишда Оролнинг пасайиши табиий-муҳитга зарар келтирмайди.



Орол денгизидаги ҳолат

Улар ҳатто Оролнинг қуриши, унинг ўрнида суғорма деҳқончиликнинг ривожланишини тезлаштиради деган фикрларни ҳам

билдиришади. Ўта масъулиятсизик, хиёнат билан исботланган бундай илмий хулосалар Орол денгизининг тақдирини ҳал қила бошлаган эди, 70 йилларда Орол сатҳи ҳалокатли даражада пасая бошлади. Асримизнинг биринчи ўн йиллигида Орол денгизидан 20 дан зиёд майда кўллар қолди.

Орол муаммоси, унинг атрофидаги чўлланиш биргина бизда эмас бутун Марказий Осиёда жиддий экологик хавфни тобора кучайтирмоқда. Оролбўйини экологик фалокат ҳудуди деб халқаро миқёсларда эълон қилинган[253]. Экологик инқироз минтақасида 3 млн. аҳоли яшайди.

Оролнинг куриб қолган қисми тузли чанг бўронлари ўлкасига айланди. Суғориш ерларга минерал ўғитларни назоратсиз солиш оқибатида Орол ҳавзасида тўпланиб қолган заҳарли моддалар шамолда кўтарилиб бутун Оролбўйига сочилмоқда. Сувнинг йўқлигидан Қопақалпоғистон, Қизил Урда, Чимкент вилоятларининг аҳолиси ичишга яроқсиз сувдан фойдаланмоқда. Сув таркибида эса пестицидлар миқдори ошган. Кейинги 20 йилда аҳоли орасида ўлим табиийга нисбатан 2 марта ошди.



Орол денгизининг куриб бориши
(Коинотдан олинган расмлар)

[253].Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузаси.

Кейинги 15 йилда Қизил ўрда ва Чимкент вилоятларида 36 марта юкумли касалликлар тарқалди. Орол бўйида тиф, вирусли гепатит билан касалланиш кўпайди, сил, рак билан касалланиш сезиларли даражада ошди.

Ҳозирда денгизнинг майдони 66,5 минг км^2 дан 0,6 минг км^3 гача камайди, сувнинг шўрлиги 8-14 дан 25-50 г/л гача ошди. Оролни катта Орол ва кичик Оролга бўлувчи денгиз ости сув айирғичи юзага чиқди, денгиз 2 га бўлинди. Катта Оролга сув берувчи Сирдарё ҳозир кичик Оролга куйилмоқда. Бир йилда 40 минг тоннагача овланадиган баликлар шўр сувда яшайолмай бутунлай йўқолди. Сувнинг шўрлигидан Оролбўйи чорвасининг сув таъминоти тамоман издан чиқди.Сувдан бўшаган жойлар майдони-6 миллион гектар. Бу ерлар ҳаётсиз, оппоқ туз билан копланган, майдон каттармоқда. Орол бўйида шўр-чангли бўронлар кучаймокда.

Ўзбекистонлик мутахассисларнинг (Р.Раззоқов) таъкид-лашича, Мўйноқ, атрофида ҳар га майдонга 1242 кг туз ёғилса, Нукус атрофида 100-150 кг ва унда камроқни ташкил қилади. Қозоғистонлик мутахассислар (О.Е.Семенов)нинг асослашича, Орол туз манбаидан йилига ўртача 1,17 млн. т. тузли моддалар атроф-муҳитга шамол ёрдамида тўзимоқда[254].



Орол денгизини эслатиб турувчи кемалар

[254].Эргашев А.Э., ва бошқ…Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. Дарслик. Бақтрия пресс. Тошкент, 2016.-295 б.



Қайд қилинганларни таҳлил қилсак, келажакда бизни нималар кутаётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Оролнинг машҳур тадқиқотчиси бўлган академик А.С.Берг XX аср бошларида ёзган "Орол денгизи" китобида -Денгизнинг қуриши натижасида тузлар Помиргача боради, бу ҳалокатдир" деганди. Башорат тўғри чиқди. Ҳалокат бошланди.

Оролнинг ҳозирги сатҳи йиллик оқим суви 30-35 км^3 бўлгандагина сақланиб туради, бу Оролнинг ҳозирги юзасидан бир йилда буғланиб кетадиган сув миқдори. Оролга сув беришдаги энг оптимал ҳисоблар бўйича Оролга йилда 20-21 км^3 сув тушириш мумкин. Далалардан чиққан заҳарли сувларнинг шўрини пасайтириш учун камида 25 км^3 сув керак бўлади.

Баъзи бир олимларнинг тавсиясига кўра суғориш ва далаларни шўрдан ювишдаги сувларни Оролга оқизиш керак. Бу ҳолда 10 км^3 сувни тўплаш мумкин. Ҳозирда бу сувларнинг бир қисми коллектор каналлар билан Сариқамишга оқизилаяпти. Агар бу лойиҳа амалга ошса келажакда Оролнинг аҳволини тасаввур қилиш жуда қийин. Чунки Сариқамишда тузлар концентрацияси Оролга нисбатан 5 баравар кўп.

Иккинчидан, узоқдаги 5км^3 оқова суви Оролгача минглаб километр масофадан ўтиши керак. Бу сувнинг қанчаси сингиб кетади. Бу номаълум. Марказий Осиёдаги энг катта Қорақум канали сувининг 18-47% и тупроқга сингиб кетади. Канал ва Ашхабод атрофининг ботқоқларга айланишининг сабаби шу. Мутахассисларнинг ҳисобича Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида суғоришга 35-40 км^3 сув сарф бўлади.

Бу икки дарё сувининг ярми, чўлнинг ҳар хил сой ва пастликларига то 10 км^3 гача коллектор-дренаж сувлари оқизилаяпти, 5км^3 сув республикадаги сув омборларидан буғланиб кетади. Энди келтирилган таклифларнинг энг паст миқдорини олсак 45 км^3 сув қаёққадир оқмокда, лекин Оролга эмас. Орол денгизи суви ўз тарихида баъзида пасайган, кўтарилган, йўқолган.

Илмий жиҳатдан тасдиқланиши бўйича 100 асрда 9 маротаба бу цикллар қайтарилган. Лекин, афсуски, ҳозиргача Орол табиатининг бу қонуни ҳисобга олинмай келинмоқда. Ер қобиғи ҳаракатда.

Коинотдан олинган суратлар бўйича Оролнинг бутун ҳавзаси шу усулда "нафас"олмокда. Баъзи бир қисмлари йил давомида 7мм эгилса, бошқа қисмлари минимал тезликда кўтарилаяпти. Ҳосил бўлган ёриқлардан сув кетаяпти. Оққан сув ер ости намларини сувга айлантирмоқда. Фарғона водийси, Мирзачўл каби йирик ҳудудлар шундай сувлар таъсирида ботқоқликларга, сув ҳавзаларига айланиши мумкинлиги аллақачон исботланган.

Кейинги 40-50 йилда табиатнинг мувозанат қонунлари билан ҳисоблашмасдан, ўзбошимчалик билан иш тутиш натижасида барча сув омборлари ер қобиғининг асрий кўтарилаётган структуралари устига қурилди. Бу ҳолатда табиий нам оқими бузилиб, ҳосил бўлган сув ернинг эгилган, букилган ёриқларидан оқиб кетмоқда. Бу сувлар қачонлардир бир ерга тўпланиши керак, табиат қонуни шундай. Ҳозирдан бу сувларни қайта тақсимлаш чоралари кўрилмас экан, янги денгизлар ҳозирги шаҳарлар ўрнида ҳосил бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг олим ва мутахассислари Ўрта Осиё давлатлари ҳудудлари ери остида 15 та мустақил сув ҳавзаларини топди. Бу сувлар Орол ҳавзаси билан боғланган бўлиб ўша гидрогеологик, эндоген ва тектоник ёриқлардан оқиб кетган сувлардир. Уларнинг 9 тасида 68 минг км^3 сув бор (Оролга эса 100 км^3 керак). Бу сувлар табиий фильтрланиш натижасида ҳосил бўлган аъло даражадаги чучук сувлардир ва Орол бўйи аҳолисининг чучук сув муаммоларини ечади.

Таклиф килинаётган бирорта лойиҳада бундай имконият йўқ. Ер остидаги бу денгизлардаги сувни ё нуқтали (артезиан) ёки линияли (канал) усулда тўплаш мумкин. Бу ҳолда чўллардаги

ишламаётган 1200 та артезиан қудуқларидан фойдаланиш мумкин, 100 км^3 сувни йиғиш учун эса 50 мингта скважиналар керак бўлади.

Қайд қилинганларни таҳлил қилиб, Оролни қутқаришни қуйидаги йўналишларда олиб бориш мумкин:

- халқаро ҳамкорлик (қаранг: экология ва дунёвий башоратлаш моделлари, экология ва озиқ-овқат муаммолари, экологияда халқаро ҳамкорлик) маблағларини жалб қилиш;
- Оролбўйи регионида пахтачилик ўрнини аста-секинлик билан чорвачилик ва боғдорчилик, мўйначилик соҳаларига ўтказа бориш:
- Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги сув омборлари сувларини Оролга оқизишнинг гадроэкологик тадқиқотларини ўтказиш;
- Ҳайдаркўл, Тўдакўл, Шўркўл каби ясама сув ҳавзалар сувларини тўлиқ Оролга оқизишнинг экологик тадқиқотларини ўтказиш;
- Қорақум канали ўзанини сув ўтказмайдиган воситалар билан мустаҳкамлаш;
- Халқаро келишувга мувофиқ Каспийдан Оролга сув оқизиш;
- Барча оқова сувларни Оролга оқизиш;
- Аҳолининг экологик саводхонлигини, экологик маданиятини кўтариш. “Экология” фанини институт, университет, коллежларнинг барча йўналишларида ўқитилишини жорий қилиш;
- Марказиё Осиёдаги халқларнинг ҳаётига хавф солиб турган Тожикистондаги “Сарез” кўлидаги сувни Оролга оқизишнинг халқаро меъёрларини, лойиҳаларини тайёрлашни халқаро миқёсларда кўтариб чиқиш;
- Сув муаммолари ва табиатни муҳофаза қилиш махсус “Марказий Осиё гидрогеологик илмий тадқиқот институтини” ташкил қилиш[255].

Орол денгизи ҳавзасидаги экологик инқироз ҳолат. Собиқ денгиз тубида 45 минг км^2 дан ортиқ тузли чўл қолдирди. Доимо шамол эсадиган ва циклон тўфонлари бўладиган Оролнинг

[255].Ҳайитбоев Р., Ҳайитбоев К., Худайбердиев У.,Табиатдан фойдаланиш иқтисоди. Маърузалар матни, Самарқанд, 2004.106 б.

қуриган тубидан ҳар йили 75 млн. тонна қум, шунингдек, 65 млн. тонна юпқа дисперсион чанг ва туз кўтарилади, бу яйловлар маҳсулдорлиги ва экиладиган экинлар ҳосилдорлигини пасайишига олиб келди.

Амударё ва Сирдарё пастларидаги суғориладиган ерларга ҳар йили 100 млн. тонна туз ва қум тушади. Балиқчилик ва овчилик хўжаликларига улкан иқтисодий зарар етказилди. Ўсиб бораётган сув танқислиги ва унинг сифати ёмонлашиши тупроқ ва ўсимлик қоплами таназзулига учраши, флора ва фаунадаги кескин ўзгаришлар, ондатрачилик, балиқчилик, балиқни қайта ишлаш тармоғининг инқирозини келтириб чиқарди:23 турдаги ёввойи ўсадиган ўсимликлар йўқолди.

Баъзи жойларда ўтсимон ўсимликлар умуман йўқ бўлди, сизот тупроқлари шўрланганлигининг кескин ортгани туфайли дарахт-бутасимон турлар бир йиллик шўралар билан алмашди; кўллар сув қатлами 100 минг га дан 45-50 мингга гача; қамишзорлар 1200 минг га. дан 15-20 минг га. гача, тўқайлар 300 минг га. дан 30 минг га. гача; поймадаги табиий яйловлар 348 минг га. дан 125 минг га. гача қисқарди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 498 турдаги умуртқали ҳайвонлар: жумладан, сутэмизувчилар–68, қушлар–307 (шундан, ин, уя қурадиганлари–141, қишловчилари – 20, учиб ўтадиганлари- 46), судралиб юрувчилар–33, амфибиялар– 2, балиқлар– 49 тури рўйхатга олинган. Амударё ўзанида 2005-2006 йилларда 23 турдаги судралиб юрувчи, 186 турдаги қуш қайд қилинган, шундан судралиб юрувчиларнинг барча турлари ва қушларнинг 15 тури “Қизил китоб”га киритилган.

Орол инқирози оқибатлари Устюрт платоси биохилма-хиллигининг ўзгаришига ҳам олиб келди. Сўнгги йилларда минтақада атиги 35 турдаги сутэмизувчи рўйхатдан ўтди, шундан 4 тури: жайрон, манул, ҳинд асалхўри ва қорақулоқ “Қизил китоб”га киритилган. Сўнгги вақтгача Амударё ўзанида минглаб тўнғиз, ўн минглаб сайғоқ, юз минглаб ондатра ва ундан кўп сувда сузувчи қушлар яшарди. Бироқ денгиз тубининг қуриб бориши, кўллар йўқолиши ёввойи ҳайвонлар сони қисқаришига сабаб бўлди, ғозларнинг оммавий дам олишга тўхташ жойлари Бухоро вилояти ҳавзаларига кўчди.

Устюртда сайғоқлар популяцияси 10 баравардан ортиқ қисқарди.1979 йилга келиб, денгиз кемачилиги тўхтатилди,1984 йилда эса денгиз овчилик аҳамиятини тўлиқ йўқотди. Яқин ўтмишда йилига ўртача 25-27 минг тонна қимматли балиқ турлари овланар, 2 млн. донагача ондатра мўйнаси тайёрланар эди, балиқ консерваларини ишлаб чиқариш ўртача 18-20 млн. шартли банкани ташкил этган.

13.10. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши – глобал экологик муаммолардан бири

"Иккидан бири: ёки инсонлар ҳавода тутунни камайтиради, ёки тутун Ерда инсонларни камайтиради.
Л.Д. Баттан[256]

Сайёрамиздаги бутун тирик организмларга ҳаво керак. Инсон бир сутка давомида 1 кг овқат ва 2 литр сув истеъмол қилади. Ҳаво эса кўпроқ керак, 1 суткада 25 кг. Табиий тоза ҳаво таркибида: азот 78,09%, кислород 20,95%, аргон-0,93%, карбонат ангидрид - 0,13%, гелий, неон, ксенон, криптон, водород, озон, аммиак, йод ва бошқа газлар-0,01 %.

Ердаги кислороднинг меъёрдалигини, унинг нақадар буюк, инсон учун олий неъматлигини қуйидаги ҳисобдан ҳам билиш мумкин. Агар Ер атмосферасида 25% кислород бўлганда эди-ўрмонлар кучли ёмғир остида ҳам ёниб кетарди, агар атмосферада 10% кислород бўлганида - қуруқ ўтин ҳам ёнмаган бўларди.

Таркибидаги чангли аралашмалар океан устидаги ҳаводан 10 маротаба кўп, шаҳарлардаги ҳавода 35-40 маротаба, саноат марказларида 150 маротаба кўп. Англиялик шахтёрлар XVI асрда шахтага ўзлари билан канарейкани олиб тушушган, агар конда канарейка ўлиб қолса шахтёрлар ўша заҳотиёқ кондан чиқиб кетишган. Ҳозирда кўплаб шаҳарларимизда канарейка ернинг устида ҳам яшай олмайди.

Атмосферани ифлослайдиган асосий манбаларнинг 40%и ёқилғи энергетикага, 13,3% и автомабилларга тўғри келади.

---

[256].Баттан Л.Дж., Загразненное небо, Москва, «МИР» 1967.-124 с.: Баттан Л.Дж., Человек будет изменять погоду, Л.: «Гидрометеоиздат», 1965.-61 с.

Саноат манбалари 140 хилдан зиёд заҳарли газларни ҳавога чиқаради. Инсонда учраётган рак касаллигининг 60-90%и ифлосланган-ҳавода юз беради. Аниқланганки, рак касалидан ўлиш қишлоқларга нисбатан шаҳарларда 2% га кўп. Ҳавода ис гази 0,07% бўлса организмлар ҳалок бўлишади. Реактив самолёт Америкадан Европагача 8 соатда 50-75 т кислород ёқади. 50-75т кислородни 8 соатда 50 минг га ўрмон ишлаб чиқаради.

Атмосферани ифлослантирувчи манбаларни 3 га ажратиш мумкин:

1. Табиий манбалар – қаттиқ бўронлар, ўрмон, чўл ёнғинлари, вулқон ҳаракатлари, фазо чанглари.

2. Сунъий манбалар – саноат ва қишлоқ хўжалигидаги инсон фаолияти натижасида атмосферага газсимон моддаларнинг чиқарилиши, цемент заводлари, нефть, газ, дефиолиантлар.

3. Радиоактив манбалар – биринчи маротаба 1945 йили Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ташланган бомбалар натижасида ҳаво радиоактив газлар, элементлар билан заҳарланган ва ифлосланган эди. Кейинчалик Чернобил АЭСи ҳалокати натижасида жуда катта ер майдонлари ҳам радиоактив элементлар билан заҳарланди.

Ҳавони муҳофаза қилишни ҳар бир инсон ўз уйи, жойини мусаффо сақлаш деб билмоғи лозим. Зероки, тоза ҳаво – танга даво ҳикматининг маъноси ҳам шу.

Атмосфера – Ер куррасининг ташқи қобиғи, унинг барча табиий жараёнлардаги аҳамияти ниҳоятда катта. У аввало Ер сатҳининг умумий иссиқлик режимини бир маромда сақлайди, коинотдан келадиган турли зарарли осмон жисмлари таъсиридан асрайди. Атмосфера циркуляцияси маҳаллий иқлим шароитларига таъсир этади ва у орқали дарёларнинг сув режими, тупроқ, ўсимлик шароитларига, шунингдек, релъеф ҳосил бўлиш жараёнларига таъсир кўрсатади. Ҳаво-Ерда ҳаётнинг вужудга келишида зарурий омил.

Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Инсоннинг ифлос ҳавода нафас олиши кўпгина кўнгилсиз оқибатларга олиб келади, баъзан бу ҳол ўлим билан тугайди. Атмосфера ҳавоси таркибида қўрғошин, маргимуш, мис ва бошқа оғир металларнинг қаттиқ, бирикмалари, олтингугурт

гази, углерод оксиди, фтор бирикмаси, азот оксиди, аммиак, углеводородлар, бошқа газсимон ва суюқ, моддалар миқдори РЭМ даражасидан ошиб кетса, бундай ҳаво тирик организмга катта таъсир кўрсатади.



Табиатда кислороднинг айланиши

Чунончи, олтингугурт (II) оксиди ва унинг бошқа бирикмалари ҳар ҳавода 0,85 мг дан зиёд бўлганда кўзнинг шиллиқ пардасини ва нафас олиш йўлини яллиғлантиради; олтингугурт гази РЭМ 0,05 мг дан ошганда организмнинг оғир бронхит, гастрит, ларингит билан оғришига олиб келади, нафас олиш йўлида илгаридан мавжуд бўлган касалликларни қўзғайди, бош миянинг баъзи вазифаларини ўзгартиради, гипогликемия ва гиповитаминозлар пайдо бўла бошлайди, болаларнинг ўсишида орқада қолиш юз беради, ўпкада янги элементларнинг вужудга келиши кузатилади.

Углерод оксидининг РЭМ 0,5 мг дан ортиши гемоглобин ҳаракатини кучайтиради, тўқималарда кислороднинг етишмаслигига олиб келади, асаб ва юрак-қон томирлари тизимларининг бетартиб ҳаракатини келтириб чиқаради, атеросклерознинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Бош айланиш, бош оғриқ, кучли

яллиғланиш, юракнинг кучли уриши, уйқунинг бузилиши кузатилади.

Фтор, фторли водород бирикмалари миқдори РЭМ 0,005 мг дан зиёд бўлса, тери ва кўзнинг шиллиқ пардаси кескин яллиғланади, бурундан қон келади, тумов, йўталиш, атеросклероз кучаяди. Азот икки оксиди миқдори РЭМ 0,06 дан ортса организмда ўпка ва нафас йўлларини кучли яллиғлайди, уларда шамоллашнинг вужудга келишига кўмаклашади, қон босими камаяди.

Қўрғошин ва унинг бирикмалари РЭМ 0,0017 мг дан ортганда тўпланиш хусусиятига эга бўлади (организмда заҳарли моддаларнинг йиғилиши), ионнинг таркибини ўзгартиради ва мия суягига таъсир кўрсатади, мускулларнинг кучсизланишини оширади, асаб тизимини бузади, бош миянинг шамоллаши, буйрак ва жигарнинг зарарланиши кузатилади. Болалар учун хавфли, жисмоний ўсиши секинлашади.

Табиий қўрғошин таъсирида организмда модда алмашуви бузилади, болаларнинг ақлий жиҳатдан орқада қолиши ва миянинг сурункали касалланиши содир бўлади. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши нафақат нисон саломатлиги, шунингдек, чорва молларининг касалланишига фаол таъсир этади.

Турсунзода шаҳридаги алюминий корхонасининг 80-йиллар ва 90-йилларнинг бошида Ўзбекистондаги Сариосиё, Узун туманларининг ҳавосини кучли тарзда ифлослаган даврида кўплаб чорва молларининг, касалланиши, жойларда ўлимига ҳам олиб келди. Шунингдек, маданий экинзорларнинг қуриши, дарахтзорларнинг зарар кўриши содир бўлди. Айниқса, Сариосиё туманидаги боғлар фторидли водород газининг таъсирида жиддий зарар кўрди, довруғи достон бўлган Дашнобод анорлари, узум, ўрик, полиз экинзорлари тутзорлар қуриди ёки мевалар пишса ҳам ўз жойида қорайиб қолаверди.

Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши натижасида унинг салбий иқтисодий оқибатлари ҳам етарли даражада юз бермоқда. Олтингугурт икки оксиди маданий ўсимликлар учун заҳарли ҳисобланади. Нам ҳавода сульфат ишқор ҳосил қилади, ёғингарчилик вақтида унга қўшилиб “ишқорли ёмғир» бўлиб тушади.

Бу ҳодиса республика ҳудудида унчалик кенг тарқалмаган бўлса ҳам, лекин саноат шаҳарлари атрофида «ишқорли ёмғир» мевали дарахтларни баҳорда баргларини тешиб юборади, етилиб келаётган меваларнинг сифатини бузади, яъни турли хил бўртмалар вужудга келади.

Баъзан мевали дарахтларнинг барглари умуман қуриб қолади ва бунинг оқибатида дарахтзорларнинг меъёрида ўсиши учун қулай экологик шароитлар бузилади. Цемент ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг атроф-муҳитта таъсири ҳам асосан маданий ўсимликларнинг меъёрида ўсишига салбий таъсир этиши туфайли кутилган ҳосилни олишга тўсқинлик қилади, чунки чангни тўхтовсиз ёғилиб туриши сабабли ўсимлик барглари цемент билан қопланиб унинг физиологик ривожланиши учун қулай шароитлар йўқолади.

13.11. Биологик ресурсларнинг инқирози билан боғлиқ глобал экологик муаммолар

Ҳайвонот дунёсининг табиат ва инсон ҳаётидаги ўрни. Ер юзида яшовчи ҳайвонлар ўсимликлар турига қараганда 5 баравар кўп бўлиб, 1,5 млн. турдан ошади. Бутун жониворларнинг 75% и ҳашаротларга тўғри келади. Ҳашаротлардан кейин малюскалар туради, (8,8%) улардан, кейин ҳамма умуртқалилар туради (балиқлар, қушлар, курукда ва сувда яшовчилар, сутэмизувчилар). Умуртқалилар 35600 тур бўлиб, уларнинг ярми балиқлардир. Сут эмизувчилар умуртқалиларнинг 0,1 қисмини ташкил этади. Қуруқликда яшовчи ҳайвонлар жами турнинг 93% ини, сув ҳайвонлари эса 7% ини ташкил қилади.

Биологик ресурслар

- «Флора» лотинча -«Flora»–гуллар, баҳор ва ёшликнинг худоси (ўсимликлар дунёси)
- «Фауна» лотинча-«Fauna»-ўрмон ва далалар худоси, ҳайвонларнинг ҳимоячиси(ҳайвонот олами).

Ҳайвонот дунёсининг табиат ва инсон ҳаётидаги ўрнини қуйидагича тушунтириш мумкин:

• ҳайвонат дунёси табиатда моддалар алмашинувида иштирок этади. Органик моддаларнинг чириш жараёни бутунлай чиритувчи организмлар бактерияларнинг фаолияти билан боғлиқ;

• ҳайвонлар табиий ландшафтларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади;

• ҳайвонлар нураш жараёнига таъсир кўрсатади;

• ҳайвонларнинг тупроқ ҳосил бўлишидаги роли жуда катта;

• ҳайвонлар, ҳашаротлар ўсимликларни чанглантириб барча қишлоқ хўжалик маҳсулотига 35% ҳажмда ҳисса қўшади;

• ҳайвонлар инсон учун озиқ-овқат ва саноат учун хомашё манбаи;

• айрим тур ҳайвонлар, айникса ҳашаротлар инсониятга қарши туради;

• ҳайвонот олами инсонга эстетик завк бериш аҳамиятига эга.

Ҳайвонот дунёсидаги инқирозлар. Ҳайвонот дунёсининг турлари ва сони мезозой эрасининг бошидан то шу вақтгача иқлим шароитининг ўзгариши билан ўзгариб келган. Лекин инсон таъсирида ҳайвонот дунёсининг ўзгариш жуда тез борди. Инсон бундан 250 минг йил олдин, палеолит давридаёқ, олов ва ҳар хил асбоблар билан қуролланган вақтданоқ ҳайвонотга сезиларли таъсир кўрсата бошлаган. Дастлаб йирик ҳайвонлар фақат йирик бўлганлигидан овқат ва кийим учун доимий равишда овланган.

Европада инсон бундан 100 минг йил олдин ўрмон филлари, ўрмон сайёҳ каптари, мамонтларни қириб битиришган. Америкада бундан 3 минг йил олдин мастодонт, улкан лама, қора тишли мушук, оғирлиги 20 кг гача келадиган йиртқич қуш тераторн йўқ қилинган. Янги Зеландияда бундан 1000 йил олдин улкан мао (баландлиги-3,5м) кушларининг 20 хили қирилган[257].

“Табиатни ва табиий ресурсларни қўриқлаш халқаро иттифоқи”нинг маълумотлари бўйича 1600 йилдан ҳозиргача қушларнинг 94 тури (1,1, 09%) ва сутэмизувчиларнинг 63 тури (1,48%) қирилиб йўқ бўлиб кетган. Ёввойи ҳўкиз тур, купрей. ёввойи от тарпан, қушлардан сайёҳ каптар, қанотсиз гагарка,

[257].Флинт Б. Е., Мы должны их спасти. Издательство «Мысл», Москва, 1982.-174 с.

лабрадор гагаси, дашт қаркури, қирол тўтиқуши, дронт, денгиз сигири, турон йўлбарси шулар жумласидандир[258].

Д. Фишер маълумотлари бўйича йўқ қилинган қушларнинг 75% и ва сутэмизувчиларнинг 86% и бевосита инсоният айби билан қириб юборилган. Сайёрамизда бугунги кунга келиб, қушларнинг 600 хили сутэмизувчиларнинг 120 хили абадий йўқотилиш хавфи остида турибди. Умуман кейинги 100 йил ичида ҳар йилга ҳайвонларнинг 1тадан тури йўқолиб бормоқда[259].



Тарпан



Тур



Турон йўлбарси



Дронт



Сайёҳ каптарлар



Каролин тўтиқушлари

Абадий йўқотилган турлар

Инсоннинг ҳайвонот дунёсига таъсирини билвосита ва бевосита таъсир деб иккига бўлиш мумкин. Инсоннинг ҳайвонот

[258].Ҳайитбоев Р., Ҳайитбоев К.. Музейларда қолган ҳайвонот. Самарқанд, 2016.-72 б.
[259].Кланг Р. М., Кланг Р.М.Исчезающые животный мир Америки, Москва 1974.-178 с.

дунёсига билвосита таъсирига ов қилиш, иқлимлаштириш, чатиштириш билан янги зотларни яратиш. кўпайтириш, кириб ташлаш каби таъсирлар киради.

Инсоннинг ҳайвонот дунёсига бевосита таъсирига ботқоқликларнинг қуритилиши, қишлоқ хўжалигида, ўрмон хўжалигида заҳарли кимёвий моддаларнинг қўлланиши, атроф-муҳитнинг саноатдан, уй-рўзғордан чиққан зарарли чиқиндилар натижасида ҳайвонлар яшаш шароитининг ўзгариши киради. Масалан, заҳарланмаган 1га ерда 400 кг гача чувалчанг яшайди. Чувалчанг тупроқ ҳосил бўлишида жуда катта омилдир. Кўп вақтдан бери пахта экиб келинаётган жойда чувалчанг яшай олмайди. Чунки ҳайвонларнинг экологик шароитининг ўзгариши уларнинг турлари ва сонига таъсир кўрсатади.

Агар ҳайвон табиий шароитга ўта мослашиб туб жойлардаги ҳайвонларнинг экологик шароитига салбий таъсир қилса мақсадсиз бўлади. Кемалар қатнови ва ҳар хил юклар билан кўчиб ўтадиган келтирилган ҳайвонлар (сичқонлар, ҳашаротлар) мақсадсиз бўлади. Собиқ советлар табиатига бошқа табиий минтақаларидан 37 тур ҳайвонлар олиб келинган: шулардан 20 тури ҳашарот, 5 тури балиқ, 5 тури сутэмизувчи ҳайвонлардир.



Пестицидлар тасирида қушларнинг ҳалок бўлиши

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирлари. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишда энг зарур бўлган тадбир пестицидларга қарши курашишдир. Ҳозирга келиб нафақат ҳайвонот дунёси, балким бутун сайёрамизни абгор қилаётган бу заҳарларни ҳам инсоният ердан ўзига кўп ҳосил олиш учун кашф қилган. Инсоннинг соғлиғини емириб бараётган бу заҳарлар сонини санаш ҳам қийин.

Пестицидлар қўлланилиши жиҳатидан 3 гуруҳга бўлинади:

1. Инсектицидлар – ҳашаротларга қарши;
2. Гербициддар – зарарли ўсимликларга қарши;
3. Фунгицидлар – қўзиқоринсимонларга қарши.

БМТ маълумотлари бўйича зарарли ҳашаротлар жаҳоннинг қишлоқ хўжалигидаги бутун ҳосилининг 1/5ни хароб қилади. Қушларнинг заҳарли химикатлар таъсирида ҳалок бўлиши ҳашаротларнинг кўпайишини келтириб чиқаради.Биргина шоли етиштиришда ҳашаротлар 10 млн.т. ўсимлик ҳосилини ейишади. Чигирткалар ҳар йили 50 млн. аҳолининг йиллик озиқ-овқатини ейишади. Пестицидлар организмларда тўпланиб қолади ва биосферада қўлланилмагаи жойларга ҳам тарқалади. Масалан: ДДТ Антрактидаги пингвинлар жигарида ҳам топилган. Шунинг учун ҳам инсоният ҳозирги вақтда бу заҳарларни қўллашда жуда эҳтиёт бўлиши лозим.

Ўсимликлар оламидаги инқирозлар

“Дориворлик хусусияти бўлмаган ўсимлик йўқ. Ўсимлик билан даволанмайдиган касаллик ҳам йуқ”.
Абу Али ибн Сино

Ўсимликларнинг инсон ҳаётидаги ўрни. Ўсимликлар-Ердаги ҳаёт манбаи. Ҳақиқатан ҳам инсоннинг яшаши учун Ерни атмосфера кислороди билан таъминлайдиган ўсимликлар карбонат ангидрид ютиб атмосферани тозалаб туради. Фотосинтез жараёнида ўсимликлардаги яшил хлорофил пигменти қуёш нурларини ютиб оддий углевод-узум ишқорини синтез қилади. Бу жараёнда қуёш энергияси – кимёвий моддалар энергиясига айланади.

Ўсимлик инсоннинг озиқ-овқати ва кийими, доривор моддалар, кимёвий хомашё, қурилиш материаллари. Инсон учун ҳосилдор навлар яратиш манбаи. Ўсимликлар ҳавони фитонцидлар-зарарли вирус ва бактерияларни ўлдирувчи учувчан моддалар билан тўлдиради. Ўсимлик иқлим шароитларини ҳосил қилади. Ўсимлик ҳайвонат дунёсини озуқа билан таъминлайди. Умуман ўсимликларнинг муҳим аҳамиятларини санаш жуда қийин, фотосинтез жараёнида ўсимликлар ҳар йили 100 млрд.т. органик моддалар ва 150 млрд. т. эркин кислород чиқаради.

Ер юзида ҳаммаси бўлиб 265000 тур ўсимлик бор. Шулардан 92%и қуруқликда 8%и сувларда ўсувчи ўсимликлардир. Ўсимликлар турларининг 50%и гулли ўсимликлар, 27% и замбурғлар, қолганлари мох ва лишайниклар. Қуруқликдаги ўсимликлар тузилишига қараб 6 гуруҳга ажратилади. Дарахтлар, буталар, ярим буталар, ўт ўсимликлар, мохлар, лишайниклар.

Ҳозирги вақтда сайёрамиздаги маданийлаштирилган ўсимликлар инсониятнинг ёввойи ўсимликлардан фойдаланишидаги минглаб йиллардаги фаолияти натижасидир. Ўсимликларни маданийлаштиришда Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиё жуда катта ҳисса қўшди. Бу минтақада 7822 тур ўсимликлар маданийлаштирилди, Европада- 1312, Африкада-500, Америка қитъасида 2117 тур ўсимликлар маданийлаштирилган.

Инсоният ҳозирда 30 минг тур ўсимликдан фойдаланади, 2500 тур ўсимликдан хомашё олади. Бу ўсимликлар бутун дунёда экиладиган экин майдонларининг 82% ини ташкил қилади.

Ўсимликлар ҳақида айтиладиган, ёзиладиган ҳамма фикрлар ўрмонга, ўрмон бойликларига тааллуқлидир. Инсон фаолиятида ўрмон маҳсулотлари ишлатилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Биргина ёғочдан ҳозир 2 минг хил маҳсулот олинмокда.Ўрмон дарахтларининг дориворлиги ҳам беқиёс. Масалан, пихта дарахти дизинтерия, қарағай-сил, арча-нафас олувчи органларни заҳарловчи вирусларни ўлдиради. Ўрмонларда касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар шаҳар ҳавосига нисбатан 70-80 маротаба кам бўлади. Арчанинг карбонат ангидрид ютиш қобилияти-100%, кенг баргли ўсимликларнинг 120 %-450 %, теракники-700 % дир.

Бир гектардаги 60 ёшли қарағай ўрмонлари 1 йилда 10 т. кислород, 40 ёшли эман дарахти 14 т. кислород чиқаради. Бир

гектар ердаги терак дарахти вегетация давомида 340 кг чанг ютади. Бир га. арғувонзорлардан 900 кг, 1 га ўрмон малиназорларидан 270 кг асал олиш мумкин.

Ўсимликларнинг дориворлик хусусиятлари ҳақида буюк бобомиз Ибн Синонииг– "Дориворлик хусусияти бўлмаган ўсимлик йўқ, ўсимлик билан даволанмайдиган касаллик ҳам йўқ" деган сўзларни ёд олишимиз керак. Тиббиётнинг отаси бўлган Гиппократ-200 хилга яқин доривор ўсимликлар ҳақида маълумотлар қолдирган. Бобокалонимиз Ибн Сино-900 хил ўсимликлардан фойдаланиш йўллари ҳақида асарлар битган.

Ер юзида ўрмонларнинг умумий майдони 4100 млн.га атрофида, яъни қуруқликнинг-31% ини ташкил қилади. Ёғоч миқдори-140 млрд $м^3$. Ўрмонлар аҳоли жон бошига: Канадада-24га, Финляндияда-5га, Россияда-4,2га, Швецияда-3 га, Норвегияда-2,2 га, АҚШда-1,6 га, Европа давлатларида - 0,1-04га ва Ўзбекистонда- 0,04га тўғри келади.

Инсон илмий техника тараққиёти жадал ривожланаётган ҳозирги вақтда ўсимлик ресурсларини муҳофаза қилиши зарур. Биргина ўрмонларнинг 1-сувни меъёрлаштириш ва сув сақлаш; 2-тупроқни муҳофазаловчи ва 3-иқлим ҳосил қилувчи ролининг ўзигина яшаш фаолиятимизнинг мезонини ташкил қилади.

Ўсимликлар оламидаги инқирозлар. Кейинги 100 минг йил ичида 2/3 қисм ўрмонзорлар йўқ қилинган. Охирги 2000 йил ичида 0,5 млрд га ўрмонлар ўрнида чўллар ҳосил бўлган. Кейинги 100 йил ичида Америкада-540 минг га ўрмон кесилган, жаҳон бўйича 67 млн га ўрмон йўқ қилинган. АҚШнинг Въетнамдаги агрессияси натижасида 1,5 млн. гектар тропик ўрмонлар ҳайвонат дунёси бидан йўқ қилинган. Ҳозиргача въетнамликлар атига 280 минг гектарини асл ҳолига келтиришди.

Агар ўрмонлардан ҳозиргидек фойдаланилса 70-80 йилдан кейин тропик ўрмонлари батамом тугатилади. Олимларнинг ҳисобига кўра олий тур ўсимликлардан 3 минг тури йўқотилиш арафасида. Бутун дунё бўйича 40 минг тур ўсимликнинг бутунлай йўқолиб кетиши хавфи юзага келган.

Инсониятга кислород етишмаслиги бошланади. Бу ҳолат ҳар қандай оғир пандемиялардан ҳам оғир бўлади.

13.12. Экология ва озиқ-овқат муаммоларининг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар

Маълумотларнинг хабар беришича сайёрамизда 1 млрд киши сурункали равишда оч юради, яъни ҳар 24 соатда 35 минг киши очликдан ўлади, ҳар минутда 24 киши очлиқдан ўлаяпти, шулардан 18 таси 5 ёшдаги болалар. Кейинги икки йилда очликдан ўлган одамлар сони иккинчи жаҳон уришида халок бўлганлардан кўп. БМТ маълумотлари бўйича ҳозир сайёрамизда 0,5 млрд оч-яланғоч, 1,5 млрд таланчи бор, 3 млрд киши тоза ичимлик суви билан таъминланмаган ва ҳоказо.

Фан-техника тараққиёти юксак даражага кўтарилган, "коинот асри", "компьютер" асрида дунёда инсоннинг бир парча нонга зорлиги ўта ачинарли ва таажжубли ҳолдир. Чунки, В-52 бомба ташловчи самолётнинг бир учиб тушганига 41 минг доллар сарфланади, бу маблағга университетда 20 нафар талабани ўқитса бўлади. Ҳарбий мақсадларда 1 соатда сарфланадиган харажатга 3,5 млн. болани юқумли касалликларга қарши эмлаш мумкин. Битта замонавий қирувчи самолётга сарфланган пулга 40 мингта дорихона, битта ҳарбий кема қуриш харажатларига 9 млн. Кишилик шаҳарни электрлаштириш мумкин.

Дунё бўйича ҳар юз минг кишига 556 та солдат ва 85 та доктор тўғри келади ва ҳоказо. Келтирилган ҳарбий харажатлар бир томондан, экологик вазият иккинчи томондан инсониятни сиқувга олган даврда яшамоқдамиз. Ҳарбий қуролланишни тартибга солса бўлади. Лекин экологик хавфларнинг олдини олмасдан туриб дунё аҳолисига озиқ-овқат етказиб бериш муаммосини ечиш қийин.

Дунё аҳолиси сонининг тез суратлар билан ўсиши, кўплаб муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлаётганлиги ҳам озиқ-овқат муаммоси ва атроф-муҳитдаги танг ҳолат ҳам зудлик билан ўз ечимини кутаётган муаммоларнинг энг ташвишли эканлигини давр кўрсатмокда. Бу жумбоқни ечишда, балки туғилишни камайтириш керак деган ҳисоб-китобу таклифларга қараганда ечимнинг асоссиз эканлиги маълум бўлади.

Аҳоли сонининг тез ўсиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳар 30 йилда икки марта ошмокда. БМТ маълумотлари

бўйича ҳар йили аҳоли ўсиши 2% га дон етиштириш 1% га ўсаяпти. Қискаси, Томас Мальтуснинг (1798) "тез ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат билан ҳеч қачон тўлиқ таъминлаб бўлмаслиги назарияси" қуруқ сафсата эмас, балки янгича таҳлил қилишни талаб қилмокда. Чунки Малтус назарияси асоссиз эканлигини ўша даврлардаёқ қатор олимлар назарий жиҳатдан исботлаган бўлсада, бироқ амалда унинг рўёбга чиқиши жуда мураккаб тарзда қийин кечмокда. Аҳоли сонининг жадал кўпайиши, озиқ-овқат етишмаслиги муаммоларини келтириб чиқариши, касалликларнинг кўпайиши, атроф-муҳитнинг салбий таъсир этиши билан ўзаро алоқада эканлиги маълум бўлди.

Форрестер Ж. дунё статистикаси маълумотлари асосида дунё аҳолиси сони 2020 йилда, табиий муҳит ифлосланиши 2050 йилда энг юқори даражага етишини башорат қилади. Унинг фикрича тахминан 2030 йиллар атрофида тўлиқ экологик инқироз бошланади ва шундан сўнг аҳоли сони ҳам сезиларли даражада камаяди.

Г. Кан хулосаларига кўра 2000 йилда сунъий оқсил олиш ўзлаштирилади, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2 маротаба ортади, фаровонликнинг ортиши аҳоли туғилиши даражасини камайтиради ва ҳоказо. Бу каби назариялар, тахминлару ҳисобкитоблар жуда кўплаб яратилмокда. Балки келажакда бу тахминлар амалга ошар. Лекин муаммони бугун ечиш керак.

Бир қатор олимларнинг фикрига кўра ҳозирги вақтда озиқ-овқатни тўлиқ ва турғун ҳолатда таъминлашни оддий йўл билан-қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда экологик чегаралаш сиёсати қабул қилинса бўлди. Лекин, бу сиёсат бутун дунё миқёсида бўлиши лозим. Бунинг эса иложи йўқ. Чунки, ривожланган мамлакатлар бу сиёсатни қабул қилиши мумкин, иқтисодий камбағал давлатлар эса қабул қилаолмайди. Бундай давлатлар кўп, асосий аҳоли ҳам шу давлатларда яшайди. Иккинчи йўл-озиқ-овқат билан таъминлашда халқаро марказлар жаҳон бозорида озиқ-овкат баҳоларини сотиб олиш мумкин бўлган даражада меъёрлаштириб турмоғи лозим.

Бу хилдаги таклифлар ҳам кўп, лекин ривожланган давлатлар бу таклифларни қабул қилиши ҳақиқатан узоқ. Бу давлатлар ишлаб чиқарган маҳсулотларига ўзлари баҳо қўйишади. Чунки

уларнинг маҳсулотлари сотилишдан фойда олиниши лозим. Фойдадан воз кечиш эса жуда қийин.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўплаб олимларининг фикрича, муаммони ҳал қилишнинг ягона йўли-ер, ердан оқилона фойдаланиш, ер ислоҳоти, илғор, экологик муҳофазаланган технологияни қўллашдир. Олимлар қишлоқ хўжалигидаги ер майдонларини кўпайтирмай туриб, ўсимликларнинг янги нави ва ҳайвонларнинг янги зотларини яратиш, деҳқончилик маданиятини орттириш ҳисобига маҳсулдорликни 90% га кўпайтиришни исботладилар. Ҳозир тажриба далаларида гектарига 140 ц буғдой ва шоли, 240 ц маккажўхори дони берадиган навлар яратилган. Лекин амалда 23,40 ва 58ц ҳосил олинмоқда.

Келажакни ўйлаган, заҳматкаш поляк олими Ян Штоломен 1923 йилда зоопаркларда бори-йўғи 56 бош қолган ёввойи ҳўкиз-Зубрни тиклаш учун бутун умрини сарфлади. Вояга етган зубр то 750-800 килограмм гўшт қилади. Инсон сақлаб қолган бизонлар ҳам бундан кам эмас. Бу ҳайвонлар гўштдор зотлар яратиш манбаидир. Ўсимликлар оламидан ҳам шундайин кўп мисоллар келтириш мумкин. Лекин инсоният озиқ-овқат танқислигини билган ҳолда ўзининг тўкин яшашига қарши ҳолда исрофгарчиликка йўл қўймоқда. Дунё бўйича йилига қишлоқ хўжалик экинларининг турли касалликларга чалиниш оқибатида 10-20% и, бегона ўтлар ва зараркунандалар туфайли -5-20%и, ҳосилни йиғиш, ташиш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнида 5-25% и нобуд бўлмоқда. Ушбу кўрсаткичлар йилига -20-70% ни ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ҳосилдорликни кўпайтириш қатор мажмуали тадбирларни амалга оширишни талаб қилади:

- ер ислоҳотини ўтказиш;
- ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги маҳсулдор зотларини яратиш;
- ўсимлик ва ҳайвонларни турли касаллик ва зараркунандалардан асраш;
- чорвачиликда қўшимча кимёвий озука ва витаминларни қўллаш;

•ер мелиорацияси ва ирригация тармоқларини яхшилаш, суғоришни замонавий технология асосида такомиллаштириш, иссиқхоналарни кенгайтириш, табиий минтақа иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда йил давомида сабзавотлар етиштириш;

•тайёр маҳсулотларни сақлаш муддатини узайтириш;

•қишлоқ хўжалик экинларини табиий офатлардан саклаш;

•қишлоқ хўжалик техникасини такомиллаштириш ва бошқалар.

Шунингдек, океанларнинг йиллик маҳсулдорлиги -360 млн.т эканлиги, бу ресурсларни кўпайтириш имкониятлари кўплиги ҳам озиқ-овқат таъминотида кўп муаммоларни ечади. Хуллас инсоният олдида беқиёс имкониятлар бор.

Инсониятнинг табиатга таъсири билан боғлиқ фаолияти зарур ва муқаррар. Чунки, инсон ушбу фаолиятларисиз ўзининг моддий эҳтиёжини қондира олмайди. Шунинг учун ҳам табиатда маълум ўзгаришлар бўлиши аниқ. Лекин табиатни ўзгартиришда унинг ривожланиш қонуниятларини билмаслик, кейинчалик инсонга анча қимматга тушиши ҳам аниқ бўлди. Инсон ўз фаолиятида табиатнинг ўзи-ўзини тиклаш ва тозалаш қонунини бузмагандагина экологик озиқ-овқат хавфидан қутилади.

13.13. Экология ва дунёвий башоратлаш моделлари – дунёвий фалокатларнинг олдини олишга ҳаракатлар

Дунё тизимидаги кескин салбий ўзгаришлар (ҳарбий хавф, аҳоли кўпайиши, тиланчилик, очарчилик, давлатларнинг ҳар хил иқтисодий ривожланиши, урушлар, кўплаб давлатлардаги ишсизлик, табиий минтақалардаги чўлланиш, атроф-муҳит ифлосланиши, озиқ-овқат ва сув муаммолари, табиий офатлар ва ҳак..) жаҳон ҳамжамиятидаги илғор, эртани ўйлайдиган кишиларни безовта қила бошлади. Дунёнинг алоҳида мамлакатларида, табиий ҳудудларида юз бераётган иқтисодий қийинчиликлар аста-секинлик билан дунёнинг бошқа қисмларига ҳам тинчлик бермаслиги маълум бўлди. Дунёнинг бу муаммолари ўса бориб тўғриланмас

ҳолатга келиши ҳақида ҳам анча эрта, ўтган асрнинг 60 йилларига айтилган эди.

Жаҳоннинг ягона тизимни ҳосил қилишини англаган инсонлар ҳудудий муаммолар дунёвий муаммоларга айланиб кетишини олдиндан айтиб, башоратлар қилиш бошланди.

Дунёвий моделлаштиришда таниқли, мулоҳазали ишлар 1968 йилда италиялик иқтисодчи, жамоат арбоби ва бизнесмен А.Печчеи асос солган "Рим клуби"да яратилди. А. Печчеи ўз олдига жаҳон тараққиёти истиқболининг муаммоларини ечишни мақсад қилиб қўйган эди. Дунёвий моделлаштиришнинг замонавий асосларини Массеачуст технология институтининг профессори Д.Форрестер яратди.

У "Тизимлар динамикаси" усули билан яратган,"Дунё-1" ва "Дунё -2" моделларида асосан 5 манбаа: аҳоли, капитал, ресурслар, атроф-муҳит ифлосланиши ва озиқ-овқат ишлаб чиқаришини ўсувчан, ўзгарувчан ва талаб тизимида таҳлил қилади. Форрестер модели ЭҲМ га қўйилганда - агар олди олинмаса аҳоли ўсиши дунёни ҳалокатга олиб келишини кўрсатади.

Дастлабки дунёвий башорат табиий ресурслардан энг юқори даражаларда фойдаланишга чақирган эди. Ҳозирга келиб, бу башорат тўғри чиқди. Ресурслардан максимал фойдаланилди, атроф-муҳит ифлосланди, унумдор ерларнинг 47 млн. гектари яроқсиз ҳолга келди, атмосферадаги Озон қатлами тешилди, озиқ-овқат тобора етишмай бораяпти, чучук сув ҳам шундай, ўрмонларнинг ярми кесилди, тикланмайдиган табиий ресурсларнинг ҳам захираси оз қолди.

Навбатдаги башоратни Д. Форрестернинг шогирди Д.Медоуз ўз ҳам муаллифлари билан яратди. У инсоният тараққиётига тўсқинлик килувчи ва умуман инсоният яшаб қолишига қаршилик килувчи манбаа-табиий ресурсларнинг тугаши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиб боришини сабаб килиб кўрсатди.

Д.Медоуз башоратидан кейин экологик муаммолар дунёнинг келгуси тараққиёт босқичларини башоратлашнинг асосий мағзига айланди. Ҳозирга келиб ўндан зиёд дунёвий башоратлар яратилган бўлиб, бу башоратларнинг кўпчилигида дунёвий башоратлаш модели усули қўлланилган. Бу ишларнинг энг машҳурлари қуйидагилардир:

1. Дс. Форрестер -"Жаҳон динамикаси (1970 йил)

2. Д. Медоуз - "Ўсиш чегаралари (1972 йил)

3. А.О. Эррера - "Лотин Америкасииинг Барилочи модели (1974йил)

4. Я. Кай - "Дунёвий чегаралаш ва тараққиётга янгича караш" (1974 йил)

5. Х.Мьнилман - Дунёнинг икки карра кўп аҳолисини,-озиқлантириш модели (1975).

6. В. Леонътев - Келажакда дунё иқтисоди (1977)

7. 2000 йилда дунё - Президентга маъруза (1980)

8. Э. Пестель - Ўсиш чегараларидан кейин (1987)

9. Симмонс И.Г.- Ер юзининг ўзгариши (1989)

10.Кирас Д.Д.-Атроф-муҳит ҳақида фан. Барқарор ривожланиш учун ҳаракат (1994).

Форрестернинг шогирди Д. Медоуз ўзининг “Дунё"сини яратди. Медоуз Рим клубига "Ўсиш чегаралари" ҳакида биринчи маърузани топширди. Бу маъруза кенг жамоатчиликни анча ташвишга солиб қўйди. Маъруза (Дунё-3) натижалари қайғули, зимистон башоратларга асосланган эди, яъни 75 йилдан кейин ернинг хомашё ресурслари тугайди. озиқ-овкат етишмаслиги ҳалокатли тус олади. Чора-иқтисодиётнинг ўсиши қаттиқ назоратга олинмоғи керак. Маърузанинг хулосалари "нолинчи ўсиш" концепцияси номини олди. Медоуз фикрича, саноатнинг ўсиши атроф-муҳит ифлосланишини кучайтиради ва бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва аҳоли ўсиши кескин пасаяди.

1974 йили А.О. Эррера Барилочи фонди (Аргентина) ёрдамида "Лотин Америкаси модели"ни ишлаб чиқди. Моделда дунё 4 та регионга: Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва ривожланган мамлакатларга бўлинади. Тараққиёт 2 хил кўринишда тасвирланган.

Биринчи кўринишда ривожланган мамлакатлар ривожланаётган давлатларга ёрдам бермайди, натижада лотин Америкаси давлатлари меъёрий ҳаёт даражасига - 40 йилдан кейин эришади. Иккинчи кўринишда агар халқаро ёрдам 10 мартага ошса, Осиё меъёрий ҳаёт яшаш даражасига 57 йилда, Африка -65 йилда эришади. Бу модель табиий ресурслар ва атроф-муҳит ифлосланишини ҳисобга олинмаганлиги учун тезда муҳокамадан қайтди.

Я.Кай (1974), М. Месарович ва Э.Пестел(1987) моделлари ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатларга иктисодий ёрдам беришига бағишланган. Умуман дунёни кут-қариб қолишнинг башоратли йўлларини кўрсатиш тўхтагани йўқ. Иқтисодчилар, олимлар, катта тафаккур эгалари ҳамон изланишда. 2000 йилгача яратилган дунёвий моделларнинг ҳар ҳолда ишончлироғи В. Леонтъевнинг "Келажакда дунё иқтисоди" китобида келтирилган дунёвий моделдир (1977). Бу моделда бир-бирига қарама-қарши кутилаётган демографик, иктисодий, ресурслар тугаши ва дунёнинг экологик ҳолати каби 8та "Сценария"лар ишлаб чиқилган. Ҳисоб-китоблар дунёнинг 15та регионида олиб борилиб, башоратлар 1980, 1990, 2000 йилларга мўлжалланган эди.

Башоратнинг ривожланган ёки ҳарбий кучга эга давлатларнинг иқтисодий ночор ривожланаётган давлатларга ва уларнинг ресурсларига "кўз" тикиши ва тазйиқи ҳақидаги олдиндан айтиши тўғри чикди (Ироқ давлатига агрессия). Иккинчидан, Медоузнинг "пессимизм"ини бекор қилди. Чунки Леонтъев моделидаги муаммоларни инсоният ечса бўлади. Табиий ресурслардан тежамли, самарали фойдаланиш давомида инсоният уларнинг ўрнини босувчи ресурсларни ихтиро қилиб боради.

Учинчидан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши муаммосини-Жаҳон ҳамжамияти даромадининг 0,5-4% ини сарфлаш билан ечиш мумкин. Лекин асосий муаммо яна ўша ривожланган давлатларнинг маблағ ажратишига келиб тақалади.

Г.Кан ўзининг "Кейинги 2000 йил"' китобида куйидаги башоратни келтиради. 2076 йилга бориб энергиянинг асосий қисмини атом ва термоядро станциялари беради, қазилма ёқилғилар эса хомашё сифатида ишлатилади. Қуёш энергиясидан фойдаланиш юксалади. Шуларга боғлиқ ҳолда 2100 йилда сунъий оқсил олиш усуллари ўзлаштирилади, озиқ-овқат ишлаб чиқариш 2 маротаба ортади. Фаровонликнинг ортиши аҳоли туғилиши ва кўпайишини пасайтиради.

Дунёни сақлаб қолишга қаратилган дунёвий моделлар яратилганига ва яратилаётганига карийб 50 йил бўлаяпти. Дунёвий

моделлар тобора мукаммаллашиб бормоқда. Дунё жамоатчилигига катта ваҳималар келтирган, биринчи моделларнинг аҳамияти ҳам муҳим бўлганлигини энди эътироф қилишмоқда.

Дунёвий башоратлаш моделлари ўзининг янги босқичида инсоннинг ижтимоий баҳоларини, маданияти, билими, маълумоти муаммоларини олдинга сурмоқда. Аста-секинлик билан экологик муаммолар иктисод орқали кўрилмоқда, иқтисодий ўсишнинг алтернатив концепциялари яратилмоқда.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш концепцияси бўйича аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни мукаммаллаштириш модели.

I. Стратегик мақсадлар:

- пахта толасини етиштиришнинг барқарорлигини таъминлаш;
- дон ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва дон мустақиллигига эришиш;
- экологик ҳудудлаштириш орқали агросаноат мажмуаси корхоналарини жойлаштириш, ривожлантириш ва меҳнат бандлигини таъминлаш;
- ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экологик мувозанатни сақлаш;
- инсонни экологик жиҳатдан тоза озиқ-овкат ва соғликларига безарар бўлган маҳсулотлар билан таъминлаш.

II. Аграр сиёсатнинг асосий соҳалари: Озиқ-овқат соҳаси.

- Ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг физиологик ва тўлов имконияти чегараларини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик соҳаси-қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- АСМ соҳаси-қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатувчи тармоқларни, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси самарадорлигини ошириш;
- Ижтимоий инфратузилма соҳасида-қишлоқда бандлик турмуш тарзи, аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашни кучайтириш;
- Қишлоқ хўжалигини илмий жиҳатдан таъминлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш;

• ташқи савдо соҳаси-ички қишлок хўжалик бозорининг жаҳон бозори билан алоқасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Ҳозирги дунёнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги, унинг алоҳида компонентлари ҳар ҳолда жуда катта таъсирларга учрамоқда. Ана шу боғлиқлик ва ўзаро алоқа сақланса:"**Жамият-табиат**" тизими ривожланишидаги ҳар қандай муаммоларни ечса бўлади. Дунёвий башоратлаш моделлари "Жамият-табиат" тизимидаги ривожланиш қонуниятларини тадқиқ қилишга, ҳозирги ва келгуси муаммоларни ечиш йўлларини аниқлашга ёрдам бериб, инсониятнинг порлоқ истиқболига юриш йўлларини кўрсатади.

13.14. Экологик хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган тадбирлар

Экологик сиёсат ва экологик иқтисодий барқарор ривожланиш[260]. Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни оптималлаштириш туб маънода ҳар бир давлатнинг табиат муҳофазаси соҳасида тутаётган экологик сиёсатига боғлик. Аслида экологик сиёсат иқтисодий ривожланишни белгилайди, ишлаб чиқариш жараёнида табиий ресурслардан қанчалик оқилона фойдаланилса, тайёр моддий маҳсулот миқдор жиҳатдан мўл-кўл, сифат жиҳатдан олий навли ёки даражалиги билан ажралиб туради. Табиий бойликлардан экстенсив усулда фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш, атроф-муҳит ифлосланиши билан яқиндан шуғулланмаслик ҳудуд иқтисодиётини ҳам инқирозга юз тутишига олиб келади.

Бинобарин, мамлакатнинг барқарор ривожланиши экологик-иқтисодий омилларнинг, бир-бирлари билан узвий боғлиқлиги асосида содир бўлар экан табиат-жамият муносабатлари тизимида бу борадаги барча мавжуд тўсиқлар бартараф этилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, табиат-жамият тизимида фақат мақсадга мувофиқ йўналишдаги ижобий тараққиёт барқарор ривожланиши керак. Бу ҳол аксарият экологик сиёсатнинг мазмуни ижтимоий-иқтисодий йўналтирилганлиги ва ижронинг қатъиятлигига боғлиқ.

---

[260].Эргашев А. Э., ва бошқ… «Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари». Дарслик. «Бақтрия пресс», Тошкент, 2016.-295 б.; Эргашев А. Э., Умумий экология. Тошкент, «Ўзбекистон»-2003.-470 б.

Экологик сиёсат ва унинг мазмуни. Табиат-жамият-шахс тизимида ишлаб чиқаришни бошқариш ягона экологик сиёсатсиз тегишли самара бермаслиги барчага аён. Собиқ Совет Иттифоқи даврида табиий ресурслардан экстенсив фойдаланилган бир вақтда табиат муҳофазасига оид кўплаб турли ҳужжатлар қабул қилинган. Лекин уларга амал қилиш фақат қоғозда мавжуд бўлган эди. Шунинг учун ҳам табиат ўзгариши, атроф-муҳит ифлосланиши, ресурслардан фойдаланиш коэффициентининг пастлиги ҳукм сурган. Бу ҳақиқий экологик сиёсат эмас эди.

Фан ва техника тараққиёти жадаллашган ҳозирги вақтда унинг экологик оқибатлари бутун биосфера миқёсида сезилаётганлиги ҳар бир давлатни мақсадга мувофиқ ҳолда экологик сиёсат юргизишга даъват этади. Чунки, атмосфера ҳавосига, дунё океанига чиқарилаётган турли чиқиндилар оз-оздан кўпайиб боради. Даврнинг ўзи, мамлакатда табиат муҳофазаси учун ҳар бир фуқаро фаол кураш олиб боришини тақозо этмоқда. Чунки бу фалокат ҳамма учун келади. Фалокат ҳамма учун ягона, демак, ҳар бир фуқаро, жамият ўзаро келишган ҳолда табиат муҳофазаси учун фаол кураш олиб боришини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳар бир давлат ўз ҳудудида энг аввало, маълум миқдорда атмосфера ва сув ҳавзаларига чиқарилаётган чиқиндиларни имкони борича минимал миқдорда бўлиши учун ҳар доим кураш олиб бориши лозим. Улар қўшни давлатларнинг ҳавоси, суви, тупроғининг ифлосланишига таъсир этмасин. Бундай экологик сиёсат, яхши ва тотув қўшничиликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади, қолаверса бугун бир биосферанинг соғлом бўлишини таъминлайди.

Мамлакат ҳудудида таркиб топган саноат, автотранспорт чиқиндилари атмосфера ҳавосида сайёра миқёсидаги шамолларнинг умумий циркуляцияси жараёнлари таъсирида маълум йўналишда бошқа давлатларнинг ҳудудига ўтиб кетади. Чунончи, Франция, Германия ва Англия ҳудудларидан кўтарилган азот ва олтингугурт оксидлари Скандинавия ярим оролидаги Норвегия, Швеция ва Финляндия устида тропосферада сув буғлари билан аралашиб шу жойларда «ишқорли ёғин сифатида тушади.

АҚШ нинг шимоли-шарқий ҳудудларидан кўтарилган ишқор ҳосил қилувчи газлар Канада ҳудудига ўтиб, «ишқорли» ёғин

бўлиб тушади. Шунинг учун ҳам Канададаги 14 минг кўлда ҳаёт йўқ, Швециядаги 85 та кўл ва 100 минг км^2 масофадаги дарё ва дарё ирмоқларидаги сув ифлосланган.

Бундай фалокатли вазиятда чиқинди сифатида кўтарилаётган моддаларни ҳар бир давлат доирасида обдон тозаланишига эришиш борасида амалий ҳаракатлар қилиниши яхши самара беради. Акс ҳолда бир мамлакатдан кўтарилаётган чиқиндилар эвазига қўшни давлатлар зарар кўриши мумкин. Бундай қалтис эковазиятда зарар келтираётган мамлакатларнинг экологик сиёсати юз бераётган нохуш жараённинг олдини олувчи амалий тадбирларни қўллашга қаратилиши умум инсонийликдан, бир-бирларига яхши қўшничиликдан келиб чиқиши керак.

Экологик сиёсатнинг негизлари, тартиб-қоидалари, илмий асосланган концепциялари, тактика ва стратегияси олим ва мутахассислар, давлат ва жамоат ташкилотларининг йўл-йўриқлари асосида ишлаб чиқилади. Улар маълум тартибга келтирилган тарзда давлатнинг қонун чиқарувчи муассасаси томонидан тасдиқланади. Ўзбекистонда экологик сиёсат давлат сиёсати даражасигача кўтарилган. Республика Конституциясининг -47, 48, 50, 51 ва 55- моддаларида экологик қонунлар аниқ ва равшан тарзда ифодаланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Табиат муҳофазаси тўғрисида қонун (9 декабрь 1992 йил) ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлар мамлакатнинг экология сиёсатини ҳуқуқий қонунлар ва қарорлар асосида мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонда экологик сиёсатни амалга оширишда унинг юқори органлари (Президент, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси қўмитаси) ва жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлари фаол хизмат қилади.

Экологик сиёсат мамлакат миқёсида табиатни муҳофаза қилиш, мажмуали мониторинг, давлат ва жамоатчилик экспертизаларини ўтказиш, эковазиятни назорат қилиш, таркиб топаётган номақбул ҳодиса ва жараёнларни. олдини олиш, атроф-муҳит тозалигини барқарор сақлаб қолиш табиий муҳитнинг инсон учун қулай барча хусусиятларини табиий ҳолда бўлишига асосланади. Ушбу юмушлар билан шуғулланадиган барча муассасалар, илмий ташкилотлар, идоралар мажмуасини ташкил

қилишга ундайди. Экологик сиёсатнинг мазмуни ва услубиётлари мамлакат ҳудудида мавжуд бўлган табиат муҳофазаси тизимига кирувчи таянч муассаса ва ташкилотлар, бошқармаларга асосланади.

13.15. Экологик - иқтисодий барқарор ривожланиш

Экологик хавф ҳам худди ҳарбий, энергетик, демографик, озиқ-овқат муаммолари хавфлари каби ўз ривожланишига эга. Хавфдан ҳамиша ҳимоя тизими яралади ёки инсон уни яратишга мажбур бўлади. Инсон ўзининг меъёрий ҳаёт фаолияти ривожланиши учун кўплаб ҳимоя тизимларини (олов, уй, тўғонлар, курол-аслоҳа, ерни ўзлаштириш ва бошқалар) яратди.

Цивилизация ривожланишининг эрта босқичларида инсоният табиатнинг ноқулай шароитлари хавфидан ўзини ҳимоя қилишни уддалаган бўлса, ҳозирдаги илмий техника тараққиёти даврида ҳимоя соҳасида жуда қийналиб қолди. Чунки инсониятнинг ўзи шунчалик шиддатли тезликни танладики, натижада шу тезлик хавфидан қутилиши учун "ҳимоя тизимини қуриш, яратиш" жуда мураккаблашиб бормоқда.

Мутлақ ёки нолинчи хавфсизликни яратишга эришиш мумкин эмас. Чунки мутлақ ишончли технологик тизим, мутлақ зарарсиз озиқ-овқат ҳам бўлмайди. Бунда фақат зарарсизликни инсон учун хавфсизроқ даражага тушириш мумкин. Бу ҳолатда экологик хавфсизлик жараёнини **"Инсон-Табиат-Жамият"** тизимида белгилаб қўйиш ўзгарувчан хусусиятта эга бўлади.

Инсондаги ўйноқи ўзгарувчанлик хусусияти натижаларини яхши биламиз. Табиатдаги бу хусусият янада хавфлироқ, масалан ер қимирлаши, вулқон отилишдаги фожиалар. Бу ерда таваккал сўзи кенг маънода тадбирлар йиғиндиси-ҳали ҳам хавфнинг олдини олишга ишонч ёки умид қилса бўлади дегани.

Экологик муаммолар субъект (ўзининг яшаш фаолияти учун шароит ва маблағ ишлаб чиқариш) билан объект (табиатнинг ривожланиш қонуниятлари, ресурслари чегараланган, мавжуд технологиялар даражаси) ўртасидаги эҳтиёжлар қарама-қаршилиги кучайиб кетганда намоён бўлади. Экологик хавфни субъектнинг объект билан биргаликда ўзини ривожлантириши,

ўзгартириши натижасида йўқ қилиш мумкин. Бунинг маъноси, эҳтиёжларни танқидий таҳлил қилиш, субъект талабларини тафаккур нуқтаи назаридан қайта қўриш, ишлаб чиқаришдаги **"Инсон"-Табиат"-Жамият"** тизимини таҳрир қилиш лозим бўлади.

Экологик хавфга мисол – тупроқ эрозияси, шўрланиш натижасида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши. Бу ерда кечиктирилмайдиган талаб, дарҳол ерларни рекультивация қилиш, мелиорация тадбирларини амалга ошириш ва жарима тизимини тезликда ишга солишдир. Ёки қишлоқ хўжалигининг маҳсулдор ерларидаги кўмир конини ёпиб қўйиш ўша ердаги экологик хавфни бартараф қилади. Кейин корхона бузилган ерларни рекультивация қилишга бор маблағини сарфлайди. Бу эса корхонанинг эртанги куч фаолиятини тўхтатиб қўяди, натижада қишлок хўжалик билан кўмир ишлаб чиқарувчи корхона ўртасида қарама-қаршилик келиб чиқади. Бундай инқирозли қарши туришлар кўпайиб, жамланиб ҳалокатга айланади. Масалан:Орол фожиаси. Денгизнинг қуриши инсонга қанчалик ташвишлар олиб келганлигини кўриб турибмиз.

Ҳалокат ҳам инқироз каби ўзининг ҳудудийлиги ва вақтнинг муддатлилиги билан тавсифланади. Бундан ташқари, ҳалокатнинг фожиали оқибатлари бир неча аспектларга – сиёсий, ҳарбий, этник ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Ҳалокатнинг мисолларига – Чернобил АЭС и реакторидаги ҳодисани, Орол денгизи қуритилишини, Арманистондаги ер қимирлаш, ўрмонларнинг кесилиши натижасида ҳосил бўлаётган даҳшатли селларни, ўрмон ёнғинлари ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Экологик иқтисодий барқарор ривожланишни халқаро миқёсида амалга оширишни талаб қилади. Халқаро ҳамкорликдан алоҳида бу масалани ечиш мумкин эмас. Инсониятнинг яшаб қолиши учун шароитни инсоннинг ўзи яратиши керак. Улоф Пальманинг комиссияси халқаро хавфсизлик тизими (ХХТ) концепциясини яратди. Бу тизим инсоният олдидаги жамики хавфни ўз таркибига олган. ХХТ нинг энг муҳим тамойили –

"Хавфсизлик - Бўлинмасдир" Бу шиор ёки ҳамма учун тенг бўлади ёки умуман бўлмайди.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида 1992 йилнинг 3-14 июнида жаҳоннинг 178 давлатлари раҳбарлари иштирокида БМТнинг атроф-муҳит ривожланишига бағишланган конференциясида шундай якдил хулосага келинди: *инсоният истиқболда ўзининг тараққиёт характерини ўзгартмаса, уни албатта ҳалокат кутмоқда.* Ҳалокат хавфларини биз олдинги саволларда қайд қилдик.

Конференция дунёвий аҳамиятга эга бўлган "XXI аср учун кун тартиби" номли ҳужжат кабул қилди. Ҳужжатдаги асосий йўналишлар қуйидагилар:

1. Қашшоқлик билан курашиш.

2. Ҳозирги техносферада ресурслардан фойдаланишни камайтириш.

3. Биосфера барқарорлигини сақлаб қолиш.

4. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қарор қабул қилишда табиат қонуниятларини ҳисобга олиш.

Конференцияда қуйидаги сўзлар халқаро ҳамжамиятга мурожаат сифатида, халқаро ҳамкорликнинг зарурийлиги ва бу заруратнинг шиори сифатида янгради:

1.Атроф-муҳитга эътибор бермаган иқтисодий ривожланиш сайёрамизни чўлга айланишига олиб келади.

2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда иқтисодий тараққиётга эътибор бермаслик қашшоқликка олиб келади, шунинг учун ҳам экологик иқтисодий сиёсатга ўтиш зарур.

3.Ижтимоий адолатсиз дунёда экологик хавфсизликни таъминлаш мумкин эмас.

Бу шиорлар жамланиб “Барқарор ривожланиш" кенцепциясининг моҳиятини ташкил қилди. Конференция баркарор ривожланиш, инсоният тараққиёти ривожланиши экологик-иқтисодий негизда амалга оширилгандагина самарали бўлишини алоҳида таъкидлади. Бу негизда катта маъно бор, чунки, агар иқтисод ўз йўлида ривожланса, экологик муҳит бузилиши йўналиш тараққиёт босқичида олдинга қараб кетса, жамият албатта ҳалокатга учрайди. Иқтисодиёт ҳудуддаги табиий ресурслар, меҳнат бойлиги – инсонларга таянади.

Экологик-иқтисодий барқарор ривожланишга эришиш, учун олимлар қуйидаги йўналишларни амалга ошириш керак деб ҳисоблашишади:

1. Сайёра аҳолиси сонининг тез муддатларда барқарорлашуви.

2. Истеъмол соҳасида эҳтиёждан ортиқчасидан воз кечиш.

3. Ишлаб чиқариш соҳасида хомашё ва энергиянинг ўртача сарфини камайтириш.

4. Саноат ишлаб чиқариши, энергетика, қишлок хўжалиги, транспорт ва маиший тармоқларни экологиялаштириш.

5. Ишлаб чиқаришда қайта тикланмайдиган ресурсларни иложи борича тикланадиган бойликлар билан алмаштириш.

6. Атроф-муҳит ҳолатини доимий кузатиш;

7. Инсоният олдидаги экологик муаммоларни ечиш учун илм-фандан кенг миқёсда фойдаланиш.

8. Янги моделдаги тараққиёт талабларини барча мамлакатлар томонидан бажарилишини таъминлашни халқаро ва давлат йўли билан тартибга солиш ва рағбатлантириш.

Марказий Осиёда 1995 йил 10-20 сентябрь кунлари БМТнинг Орол денгизи ҳавзасининг барқарор ривожланиши номли конференциясида Марказий Осиёдаги давлатлар президентлари имзолаган "Нукус декларация"си бу давлатларнинг биологик-иқтисодий барқарор ривожланишда халқаро талаб меъёрларини бажараётганлигини билдиради.

Иқтисодиёт табиий муҳит деградацияга берилган, ресурслар қашшоқлашган, аҳоли саломатлигига путур етказилган, атроф-муҳит ифлосланган ва экологик вазият бузилган, табиий мувозанат жиддийлашаётган тарзда бўлса, тараққиёт бўлмайди.

Ҳудуд (мамлакат, ўлка) табиий ресурслари экологик жиҳатдан тоза, деградация ва қашшоқлашишга берилмаган, аҳоли, ишчи ва хизматчилар саломатлиги қаноатланарли, атроф-муҳит мусаффо бўлган тақдирда иқтисодиётни ривожлантириш учун қулай имкониятлар вужудга келади. Бинобарин, иқтисодиёт билан экологик шароит орасида жуда ҳам якинлик мавжуд бўлиб, улар бир-бирини тақозо этади.

Иқтисодиёт тараққиёти кўп жиҳатдан минерал ресурсларга боғлик. Маълумки, улар тикланмайдиган тоифага мансуб бўлганликлари сабабли ишлаб чиқариш муомаласига жалб қилинган сари

уларнинг миқдори камайиб боради. Экологик-иқтисодий барқарор ривожланиш тамойилига мувофиқ ҳозирда мавжуд бўлган минерал ресурсларнинг маълум қисми келажак авлодларга етказилиши лозим. Шу жиҳатдан қараганда ҳозирдаёқ ушбу минерал бойликларнинг ўрнини эгаллайдиган муқобил вариантли ресурсларни топиб, фойдаланишни бошлаш айни муддао.

Электр энергия ишлаб чиқаришда кўпроқ сув, шамол, қуёш нуридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистонда шамол кучли эсадиган ҳудудлар (Бекобод, Қўқон, Ховос ва б.) бисёр. Қуёш нури республика ҳудудида деярли йил бўйи сочиб туради. Бу борада Паркентда электр энергия ишлаб чиқарадиган катта махсус қурилма фаолият кўрсатиб турибди. Бундай ва ундан кўпроқ электр энергия ишлаб чиқарадиган корхоналар бунёд этиш учун барча имкониятлар мавжуд, фақат қатъият ва ҳаракат зарур. Тоғлардаги серсув дарё ва йирик сойлар гидроэнергия манбаидир. Уларга мос келадиган ГЭСларни қуриш билан арзон электр энергия ишлаб чиқариш имкониятлари етарли.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкин; барқарор иқтисодий ривожланишни амалга ошириш учун аввало қулай экологик вазият ва мувозанатни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни экологиялаштириш ҳамда табиат муҳофазасини мунтазам амалга ошириб бориш, ресурслардан омилкорлик билан фойдаланишни барча соҳаларда йўлга қўйиш, иқтисодий самарага эришиш устувор вазифа бўлиб қолиши ва у амалда бажарилиши лозим.

Атроф-муҳитни яхшилаш ва сақлаш тадбирларини кучайтиришдаги асосий ишлар миллий даражада бўлиши мақсадлидир. Экологиядаги миллий тадбирлар дунёдаги давлатларнинг жамоалик ҳамкорлигида бажарилиши лозимлиги аллақачон тасдиқланган. Бу соҳада мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг зарурати, дунёдаги барча давлатларнинг моддий ва интеллектуал ресурсларини сафарбар қилишни талаб этади. Ўзларининг экологик муаммолари билан шуғулланаётган давлатлар албатта ҳар хил сиёсий тузумда бўлса ҳам, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ўхшашлигидан уларнинг ягона мақсадга бирлашишларини ҳал қилишни тезлаштиради.

Инсониятнинг яшаб қолишида халкаро экологик тартиб-интизом дунёдаги давлатларни ҳам, халқларни ҳам яқинлаштиришни таъкидлашнинг ўзи кифоядир. Бу соҳада ҳозир халқаро ҳамкорлик, атроф-муҳит мониторингининг дунёвий ва халқаро бошқарилишини ишлаб чиқди, экологик хавфнинг кучайиб кетиши халқаро ҳамкорликнинг сиёсий томонларига хам путур етказиши, қарама-қаршиликлар келиб чиқиши кўпайишини илмий жиҳатдан исботлади.

Табиийки, Европа давлатлари дунёнинг энг саноатлашган ва қишлоқ хўжалиги жуда ривожланган материк. Аҳоли зичлиги баланд, транспорт тизими мукаммаллашган регионлардан биридир. Европадаги ҳар қандай давлатнинг миллий экологик муаммолари қўшни давлатларга таъсир этмасдан иложи йўқ. Бу ҳолат албатта умумЕвропа, муаммоларига айланишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам Европа қитъасида экология соҳасидаги ҳамкорликнинг тезлашуви ҳаёт талаби бўлиб борди. Европа табиатининг бир бутунлиги, экологик ҳамкорликни кучайтириши экологик бошқарувни, табиий ресурслардан ўзаро келишув билан фойдаланишни, экологик мониторингни ўзаро мувафиқлаштиришни кун тартибига қўйди.

Бу ҳаётий заруратни сезган БМТ нинг Европа иқтисодий комиссияси 1970 йилда–Атроф-муҳит муаммолари бўйича Европа иқтисодий комиссияси ҳукуматларининг катта маслаҳатчилари ташкилотини тузишди. Бу ташкилот фаолиятига кейинчалик БМТ нинг ВОЗ, ЮНЕП халқаро ҳамкорлик марказлари, 1971 йилда эса Европа қитъасидаги экологик дастурларни бажаришга АҚШ ва Канада давлатлари қўшилди. Европада экологик муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишда дунё миқёсидаги кучли марказ фаолият бошлади. Бу марказга 1989 йилда собиқ Советлар ва Финляндия давлати қўшилди. Чунки биосферада юзага келадиган экологик иохуш ҳолат давлатларнинг сиёсий тузумларига бўйсунмаслиги халқаро миқёсда маълум бўлиб колганди.

Атроф-муҳит ифлосланишидан келиб чиқадиган халқаро муаммоларни кўриб чиқиш учун БМТ 1968 йилда биосфера муаммолари конференциясини ташкил килди. Бу дунё давлатларининг экологиядаги биринчи ҳамкорлигининг бошланиши санаси бўлиб қолди. Конференцияда экологик тадқиқотларда ЮНЕСКО дастури

- "Инсон ва биосфера" халқаро дастури тузилди. Дастурнинг амалга оширилишидан четда турган давлатлар экологик муаммоларни регионал ҳудудларда ечиш мумкин эмаслигини билдилар.

Шунинг учун ҳам четдаги "томошабин давлатлар" нинг ташаббуси билан 1972 йилда БМТнинг Стокгольмда атроф-муҳит муаммоларига бағишланган халқаро конференцияси ўтказилди. Бу конференция, экологик муҳитни сақлаб қолишда дунё мамлакатларининг ягона мақсадга келганлиги билан оламшумул тарихий аҳамиятга эгадир. Конфераенцияда қабул килинган ҳужжатда, атроф-муҳитни сақлашда халқаро жамоатчиликнинг қудрати ўзаро, мустаҳкам иттифоқга бирлашганлигини эътироф этди.

Тадбир режаси ва Резолюцияда молиявий чора-тадбирларга халқаро ҳамкорликда маблағлар ажратиш белгиланди. Конференция Декларацияси эса ҳамкорликни халқаро даражада ҳам, регионал даражада ҳам таъминлайдиган асосий ҳужжат бўлиб қолди. Стокгольм декларацияси 26 тамойилдан ташкил топган бўлса ҳам ҳуқуҳий-мажбурий кучга эга эмасди. Лекин атроф-муҳитнинг ҳар хил томонларини бошқаришда халқаро ҳуқуқ меъёрлари мажмуасини яратишда биринчи қадам бўлди. Стокгольм конференциясининг атроф-муҳитни сақлаш ва яхшилашдаги тадбирлар режаси 119 та тавсияномалардан иборат бўлиб, атроф-муҳитни яхшилашнинг аниқ ишланган дастурларини қамраб олганлиги билан ҳам жуда муҳим аҳамиятта эга эди.

Стокгольм конференцияси очилган куни- 5-июнь "Халқаро атроф-муҳит куни" деб эълон қилинди. Стокгольм конференциясидаги келишувга мувофиқ БМТ атроф-муҳит Дастурини бажариш бўйича алоҳида халқаро ташкилот- ЮНЕПни ташкил қилди.

ЮНЕПнинг штаб-квартираси Кениянинг Найроби шаҳрида жойлаштирилди. ЮНЕПнинг бош вазифаси-атроф-муҳит муҳофазасида давлатларнинг ишларини мувофиқлаштириш бўлди. Бу халқаро ташкилотнинг муваффақиятли ишлаши натижасида Стокгольмнинг асосий тадбирлари бўйича ГИС (дунёвий ахборот тармоқлари), ГСМОС (атроф-муҳит мониторингининг дунёвий тизими, МТВ (Заҳарли кимёвий моддаларнинг халқаро регистри) ва ИНФОТЕРРА (Ер ҳақида ахборот) халқаро ташкилотлари тузилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳам экологиядаги халқаро ҳамжамият ишларига фаол қатнашмоқда. 1984 йилда Тошкентда ЮНЕСКО дастурининг 12-лойиҳаси бўйича "Инсон ва биосфера (МАБ) халқаро конференцияси, 1988 йилда МАБ нинг "Ўзбекистонда экологик вазиятнинг сув, ер ресурслари ҳолати ва улардан режали фойдаланишга боғлиқлиги мавзусида илмий ишлаб чиқариш йиғилиши ўтказилди.

2002 йилдан бошлаб ГИСнинг Марказий Осиё чўлларининг об-ҳавосини доимий ўзгаришини автомат компьютер кузатиши бошланди. ИНФОТЕРРАнинг глобал ахборот тизими (ГИС) аппаратлари Самарқанд вилоятининг Қарноб чўлларида ўрнатилган ва чўл экологиясини сақлашда Республикамизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан шуғулланадиган илмий тадқикот институтлари АҚШ қишлоқ хўжалиги Департаменти билан 100 дан ортиқ халқаро лойиҳаларини бажармоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёда экологик муҳитни яхшилаш масаласи бўйича халқаро ҳамкорликда фаоллик кўрсатмоқда. 1995 йилнинг 10-12 сентябрь кунлари БМТнинг Орол денгизи ҳавзасининг барқарор ривожланиши номли конференцияда Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикаларининг президентлари томонидан имзоланган Нукус декларацияси барқарор ривожланиш тамойилларига содиқ эканликларини ифодалайди.

2002 йилнинг октябрь ойида Тошкентда Сув захиралари танқис минтақаларда пахта ва буғдой етиштиришда тежамкор технологиялардан фойдаланиш мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилди. Анжуманда БМТ қошидаги ФАО (Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги), ЮНЕСКО (Фан, таълим ва маданият) ташкилотлари, ИКАРДА (Қурғоқчил ҳудудларда агротадқиқотлар ўтказиш халқаро маркази), ИВМИ (Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти), СИММИТ (Маккажўхорикорлик ва ғаллачиликни такомиллаштириш халқаро маркази), ИФАД (Қишлоқ хўжалиги равнақи халқаро маркази), ГТЗ (Германия халқаро илмий тадқиқот марказлари) қатнашди.

Қайд қилинган барча халқаро марказлар ИНФОТЕРРА тизимига бирлаштирилган. Ҳозирги вақтда ИНФОТЕРРАнинг маълумотлар рўйхатида атроф-муҳит бўйича 7000 манбаа мавжуд,

бу маълумотлар магнит тасмасига ёзилган бўлиб интернет орқали дунёнинг хоҳлаган нуқтасидан хоҳлаган ахборотни олиш мумкин. Дунёнинг олимлари, журналистлари ва тадқиқотчилари бу тизимдан муваффақият билан фойдаланилмоқда.

МСОП (табиий ресурсларни ва табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи) халқаро нодавлат ташкилоти бўлиб 1968 йилда тузилган. Унинг таркибига кўплаб халқаро ассоциациялар киради. Қушларни ҳимоя қилиш халқаро кенгаши, Ҳайвонларни ҳимоя қилиш халқаро Федерацияси, Тинч океанини қўриқлаш доимий Комитети шулар жумласидан. "Халқаро қизил" китобни ҳам 14 йиллик тинимсиз меҳнатдан кейин МСОП яратди ва ҳозирда 5 нашрини дунёга тарқатди.

Ҳозирги вақтда НИКА (Антрактидани тадқиқ қилиш бўйича илмий Комитет), КОСПАР (Коинотни тадқиқ қилшп Комитети), МСНС (Халқаро биологик дастурларни бажариш бўйича махсус Комитет), СКОПЕ (Атроф-муҳит муаммолари бўйича илмий комитет) каби халқаро марказлар инсоният учун, унинг яшаш макони -Ер сайёраси табиатини сақлаб қолиш ва яхшилашда глобал муаммоларни ҳал қилмоқда. Бу халқаро экологик ташкилотларининг барча ишларида Ўзбекистоннинг вакиллари қатнашмоқда. Мақсад-ягона экологик муаммоларнинг олдини олиш чораларини кўриш, ресурсларни тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг татбиқ қилишдан иборат.

13.16. Экологик туризмда экологик маданият ва экологик билимнинг шаклланиши

Табиатнинг тобора заифланиб бориши ҳам экотуризмда табиатни асраб қолиш ғояларининг кучини ошириб боради. Чунки қайд қилганимиздек, экотуризмнинг келиб чиқиши ҳам биринчи навбатда глобал экологик инқироз ҳолатларининг кучайиб бораётганлиги бўлди. Шу нуқтаи назардан экологик билим ва экологик маданиятнинг шаклланиши экотуризмнинг ривожланишини таъминлайди. Инсонда экологик билим ва экологик маданиятнинг шаклланишида табиат қонунларининг моҳиятини англаш, инсоннинг ўзи ҳам табиатнинг биологик тури эканлигини тушуниб олишидир. Табиат вайрон қилинганда ҳам яшайверади.

Масалан, ўрмонлар кесилиб кетса, ҳаво, сув захарланса, ифлосланса, ҳайвонат дунёси қирилиб кетса ва ҳ.к.лар, лекин инсон табиатсиз яшай олмайди.

Инсонда инсоний фаолиятларнинг камол топишида табиатнинг тарбиявий аҳамияти дейилганда, соф табиатнинг кишиларда олижаноблик, хушфеъллик, бағрикенглик, ватанпарварлик, улуғворлик, мулойимлик каби ахлоқий хислатларни уйғотиши ва шакллантириши хусусиятлари тушунилади. Табиат қўйнида тез-тез бўлиб туриш инсоний фазилатларнинг камол топишига ёрдам беради. Экотуризм мухлисларининг энг улуғ хислатлари ҳам, уларни табиат бағрига чорлаган хусусият ҳам, аслида ана шундан иборатдир. Инсон ўз уйи бўлган табиатга қанча кўп зарар етказар экан, унинг ўзи ҳам маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб боради.

Табиатни асраб қолишдек оғир муаммони ечишда инсонни экологик саводхон, экологик маданиятли қилиб тарбиялашда ҳам экотуризмнинг аҳамияти беқиёсдир. Экотуризмнинг таърифини келтиришда халқаро экологик ташкилотлар, Бутунжаҳон туризм ташкилоти қайд қилган муҳим омилни ҳисобга олади ва табиатни асраб қолишда экотуризмни ривожлантиришни энг муҳим омиллардан бири деб ҳисоблайди.

Экологик саводхонлик ва экологик маданиятнинг асоси экологик онг ҳисобланади. Экологик онг табиатни асраб-авайлашда, унга онгли муносабатда бўлишида, ресурсларидан меъёрида фойдаланишда, табиат инқирозининг олдини олишда энг зарури, атроф-муҳитни доимо тоза сақлашда намоён бўлади. Инсонда экологик билим ва экологик маданиятни шакллантиришда қуйидаги тамойиллар маъносини ўрганиш, тушуниш ва амалиётда қўллаш тушунилади:

1. Табиатни–“Она ер” деб ардоқлаш.
2. Бизга маълум бўлган “Оламда” бирорта ҳам Ер сайёрасининг табиатига ўхшаш табиат ва ҳаёт шаклининг мавжудлиги аниқланмаганлиги.
3. Табиатнинг иқтисодий аҳамияти дейилганда, ундаги ресурслардан моддий манба сифатида фойдаланишни тушуниш.
4. Табиатнинг илмий аҳамияти дейилганда инсоннинг барча билимлари негизида табиатнинг жараёнлари асос бўлиши.

5. Табиатнинг соғломлаштириш аҳамияти деганда соф табиат бойликларининг ва шифо берувчи табиий модда ва жараёнларининг инсон саломатлигига ижобий таъсир этиши.

6. Табиатнинг тарбиявий аҳамияти деганда соф, ҳақиқий табиатнинг кишиларда олижаноблик, хушфеъллик, ватанпарварлик, улуғворлик, мулойимлик каби ахлоқий хусусиятларини уйғотиш ва шакллантириш хусусиятлари тушунилади.

7. Табиатнинг эстетик аҳамияти дейилганда-инсондаги барча гўзаллик, мукаммаллик, мусиқа, тасвирий санъат, куй-наво хислари ва уларга бўлган эҳтиёжлар тушунилади.

8. Табиат-инсон-жамият яхлит,бир ягона тизимдир.

Қайд қилинган тамойиллардан экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш мақсадли бўлади ва муҳим аҳамият касб этади. Экологик тарбияланмаган киши табиатдан узоқлашиб, ҳиссиз бўлиб қолади. Бундай инсонлар гулларнинг чиройлилигини ҳис қилмасдан ўз уйига ясама гулларни келтиради, табиатдаги қушларнинг сайрашини ҳис қилмасдан ўз уйини қушларнинг портрети билан тўлдиришдан қаноатланишади. Шу тариқа у табиатдан узоқлашиб маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб боради. Энг муҳими, инсониятнинг экологик онги дунё табиатини муҳофаза қилишдаги чора-тадбирларини мунтазам амалга оширишда асосий ижрочи омил ҳисобланади.

Ҳаётда ҳам, ҳар қандай ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, экологик билим ва экологик маданиятнинг шаклланиши мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Экологик билим ва экологик маданиятни шакллантиришни қуйидаги тизимда амалга оширишда тавсия қилинади[261]:

1. Экологик таълим-сайёрамиз табиий бойликлари ва яқин фазога эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, инсониятнинг табиатдаги экологик жараёнлар билан узвий боғлиқлигини чуқур англаш руҳида тарбиялаш ва бошланғич ўқитиш.

2. Экологик маданият-ҳозирги ва келажак авлод ҳаётида экологик муаммолар жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаган давлатлар ва жаҳон маданиятининг ривожланиш босқичи ва таркибий қисми.

---

[261]. Нигматов А. Н., Экология ҳуқуқи схемалар ва тушунчаларда. Тошкент, 1999, 147 б.

3. Экологик тарғибот-табиий бойликларни максимал ҳолатда сақлаб қолишни таъминловчи фактлар, қарашлар ва ғояларни оммавий ахборот воситалари (газета, радио, тв, журнал, маърузалар, интернет) орқали йиғиш ва кенг чегараларда тарқатиш.

4. Экологик ўқув-кишиларда экологик дунёқарашни шакллантирадиган ва табиатда инсонларнинг тутган ўрни ҳақидаги билимлар билан қуроллантирадиган, табиий тизимларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ҳар бир инсоннинг бахти-саодатидаги аҳамиятини тушунтришга қаратилган экологик тарбия, таълим, маълумот ва тарғибот мажмуи.

5.Экологик ҳуқуқ, экологик саводхонлик ва экологик билим ҳар бир ишлаб чиқариш ёки таълим соҳасига мослаштирилмайди, балки инсоннинг комил инсон бўлиб етишига даъват қилади. Экотуризмнинг ўрнини белгилашда асосландики, инсоният олдидаги экологик инқирозни тўхтатиш ва бартараф қилишнинг энг самарали йўли умуминсониятда экологик ҳуқуқ, экологик тарбия ва экологик билимни шакллантиришдир.

6.Экологик таълим – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қарорларни қабул қилишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга, жамоат ташкилотларини жалб қилишга ундайди. Экологик таълим – барқарор ривожланишдаги муҳим омил ва самарали экологик сиёсатнинг асосидир».

Экотуризмда экологик тарбия, экологик билим ва маданиятни шакллантиришда биринчи навбатда экологик бошқарув тизимини ишлаб чиқиш зарур бўлади.Экологик бошқарув тизими туризмнинг соҳалари, тармоқлари бўйича ҳар хил йўналишларда бўлиши мумкин. Лекин “Экология” фанининг предмети бу фаннинг янги тармоқлари йўналишлари юзага келганида ҳам ўзгармасдан қолиши маълум, ўзгариш мумкин ҳам эмас.

Таъкидлаш лозимки, экологик тарбия, экологик билим ва экологик маданият ишлаб чиқариш соҳаларига қараб ўзгармайди, балки экологик билимли, экологик маданиятли киши ўз билимлари ёрдамида ўзи ишлаётган соҳани экологиялаштиради. *Шу ўринда ҳам мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантириш мақсадли, истиқболли йўналиш бўлиб қолиши инсонни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Экотуризмда ҳам ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ҳам инсон экологик билим,*

экологик маданиятни ўрганиш учун экологик ҳуқуқ асосларини мукаммал билиши лозим бўлади.

Экология ҳуқуқи эса-жамият(кишилар) ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсир доираси экологик ҳаракатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий тамойиллари ва меъёрларини ўрганувчи таълимот ёки фан соҳаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам экология ҳуқуқининг мақсади – ҳозирги ва келажак авлод учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доирасидаги жамиятнинг экологик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳисобланади.

Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида шундай деб ёзилган: «Албатта дунё ширин ва кўркам. Аллоҳ таоло ўша дунёга сизни эга қилиб қўйиб қанақа амал қилишингизни кузатади». Биргина ушбу ҳадисга амал қилишимиз, табиатдаги мувозанатни сақлаб боришимиз, табиатдаги ресурслар фарзандларимиз, авлодларимизга ҳам тегишли эканлигини қалбдан ҳис қилишимиз лозим.

Табиатни ҳар бир инсон ўз уйим деб билгандагина инсониятга оғир кулфатлару-касалликлар келтираётган сайёравий экологик инқирозларнинг олдини, дунёвий касалликлар ва фалокатларнинг олдини олиши мумкин.

Агар биз табиат билан «келишувда» яшашни, унинг неъматларидан фойдаланишни, гўзалликларидан завқланишни хоҳласак унинг шароитларини қабул қилишимиз, ўз эҳтиёжларимизни қондириш учун атроф-муҳитни ўзгартираётганда муайян чегаралардан чиқмаслигимиз зарур.

Ҳаётнинг тўкинлиги ва сифати фақатгина данғиллама уй жойли, шинам кийим, тилла зирак ёки машинагина бўлмасдан, балки тоза ҳаво, кўзни қамаштирадиган табиат гўзаллиги, гуллар чиройидан баҳраманд бўлиш, қушлар сайрашидан завқланиш ҳамда табиат инсонга инъом этган кўпдан-кўп табиий мўъжизалар билан бирга яшашдир. Эртанги, порлоқ келажакдан умидвор инсон булар ҳақида бугун ўйлаши керак. Ҳаётимиз билан боғлиқ экологик муаммолар кундалик ҳаёт ташвишларимизга қўшимча бўлиб кириб келиши табиат ҳақида кўпроқ фикрлашимиз, ижодий ўйлашларимизга туртки бўлмоғи керак. Акс ҳолда бу муаммолар кўпаяди.

Оддийгина фалсафий ибора – табиат инсонсиз яшайверади, аммо инсон табиатсиз яшайолмайди деган қоида доимо ёдимизда бўлмоғи лозим. Шундай экан, табиат занжиридаги бир бутунликни изчил кузатиб боришимиз ва бу бутунликни авлодлар учун сақлаб қолишимиз лозим.



Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида 1992 йилнинг 3-14 июнида жаҳоннинг 178 давлатлари раҳбарлари иштирокида БМТнинг атроф-муҳит ривожланишига бағишланган конференциясида шундай якдил хулосага келинди:-"инсоният истиқболда ўзининг тараққиёт характерини ўзгартирмаса, уни албатта ҳалокат кутмоқда". Конференция дунёвий аҳамиятга эга бўлган "XXI аср учун кун тартиби" қабул қилган ҳужжатларни ҳар давлатга ушбу рамз билан тарқатди.

Бугунги кунда бутунжаҳон халқаро экологик ташкилотларининг сайёрамизда ҳаётни сақлаб қолиш ҳақида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамдўстликка чақирувчи бир қанча давлатлар бирлашган. Уларнинг рамзлари қуйидаги расмда келтирилган (13.4-расм).



13.4-расм. Бутунжаҳон халқаро экологик ташкилотларининг сайёрамизда ҳаётни сақлаб қолиш ҳақида ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро ҳамдўстликка чақирувчи бирлашган рамзлари.

Дунё миқёсида сайёрамизда ҳаётни сақлаб қолиш ҳақида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамдўстликка чақирувчи уюшма ташкил қилинди. Булар миссияси бутун дунёда соф табиий муҳитни сақлаб қолишдан иборат. Шу туфайли БМТ Бош котиби бутун дунёга мурожаатнома қабул қилди. Ушбу мурожаатноманинг матнини келтирамиз:

“Инсоният сайёра захираларини табиат уларни тиклашга улгурмасидан тезроқ битирмоқда. Бунда биологик хилма-хиллик хавотирли ва мислсиз суръатларда қисқариб бормоқда.

Биз она табиатни ҳаддан ошиқ хўрладик. Биз биологик хилма-хилликни сақлаш борасида бирорта вазифани бажара олмадик”. Кўз ўнгимизда бутун бошли экотизимлар йўқ бўлиб бормоқда, наботот ва ҳайвонот олами йўқ бўлиш ёқасида турибди, сув-ботқоқлик майдонлари қуримоқда, чўл ҳудудлари эса тобора кенгаймоқда. Ҳар йили 10 млн. гектар ўрмон йўқотилмоқда, океанлар пластик чиқиндига тўлиб-тошмоқда ва инсоният атроф-

муҳитга чиқараётган карбонат ангидридни тобора кўпроқ ютиши оқибатида оксидланмоқда. Шу билан бирга, табиатни муҳофаза қилишга уни йўқ қилаётган соҳаларга қараганда камроқ пул сарфланмоқда.

Коронавирус пандемияси эса инсон ва атроф-муҳит ўртасида яқин боғлиқлик борлигини яққол кўрсатди: дунёда пайдо бўлаётган юқумли касалликларнинг тўртдан уч қисми ҳайвонлардан инсонларга юқмоқда”[262].

Боб бўйича хулоса

Саёрамиз табиатини ҳозирги инсоният ва келгуси авлодларимизга сақлаб қолишимиз учун халқаро экологик ва табиат муҳофазасидаги ташкилотлар давлатларнинг сиёсий ўринларини ҳисобга олмасдан уларнинг табиат муҳофазасидаги фаолиятларини бирлаштириши керак ва жаҳондаги барча экологик муаммоларни умумлаштириб жаҳон ҳамжамияти олдидаги биринчи даражали экологик муаммоларни кун тартибига қўйиши лозим. Чунки барча давлатлар албатта БМТ таркибига киради ва жаҳондаги биринчи даражали бу ташкилотдан мадад олиши ва унга ҳисоб бериши керак.

Жаҳонда катта обрў қозонган халқаро экологик ташкилотларнинг деярли барчаси БМТ таркибида ташкил қилинган ва табиат муҳофазаси, экологик муаммолар, инсониятнинг барқарор ривожланишига, инсоният соғлигини муҳофаза қилишга ва ҳоказо йўналишларга ихтисослашган.

Айниқса, давлатлар халқаро регионал ташкилотларнинг ҳам табиатни муҳофаза қилиш фаолиятларини, БМТ шиорлари, рамзлари ҳимоясида ва ишончида амалга оширишлари лозим.

Дунё табиатини муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича энг йирик ва обрўли халқаро ташкилот- МСОП ҳисобланади.. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро иттифоқи (инглиз тилида- IUCN International Union for the Conservation of Nature, -рус тилида Международный союз по охране природы-МСОП, Шунингдек, МСОП халқаро “Қизил

[262]. Интернетдан олинди.

китоб”нинг ҳам ташаббускори ҳисобланади. Бу ташкилотнинг халқаро грантларини олишнинг уддасидан чиқишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлиги йилдан-йилга фаоллашиб бормоқда. Ҳозирга келиб, Ўзбекистон Республикаси биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлимнинг сайёравий ўзгариб боришининг олдини олиш, озон қатлами бузилишининг олдини олиш, бетакрор табиий минтақаларнинг экологик мувозанатини сақлаб қолиш, табиат ресурсларидан замонавий технологиялар асосида фойдаланиш бўйича халқаро хамкорликда фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан бошлаб БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида МДҲнинг Халқаро Экологик Кенгаши аъзосидир. Мамлакатимиз 1992 йилда БМТнинг Бразилия шаҳрида қабул қилинган “Атроф-муҳит ва ривожланиш” декларациясини, Туризм ва саёҳатларнинг индустрияси учун XX1 аср Кун тартиби» дастурини қабул қилди ва халқаро миқёсда қувватлади.

Ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикаси табиат муҳофазаси ва табиатдан фойдаланишда 50 дан зиёд халқаро шартномаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Бизнинг давлатимиз атроф-муҳит ва табиат муҳофазасида тарихан муҳим бўлган қуйидаги халқаро ҳамкорликларнинг ташаббускори ҳисобланади:

- Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенцияси(1993 йил18 май;
- Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреал баённомаси(1993 йил 18 май);
- Озон қатламини бузувчи Монреал баённомасига Лондон тузатмаси (1993 йил 1 май);
- Табиий муҳитга зарар келтирувчи ҳар қандай ҳарбий ва душманлик қилувчи фойдаланишни таъқиқ қилувчи Конвеция(1993 йил 26 май);
- БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Конвенцияси(1993 йил 20 июн), Киота баённомаси(1999 йил);

• Қурғоқчилик ва қурғоқчилик давом этаётган давлатларда қурғоқчилик билан курашиш бўйича Конвенция(1995 йил 31 август);

• Биологик хилма-хиллик бўйича Конвенция(1996 йил 6 май);

• Халқаро маданий ва табиий меросларни сақлаш бўйича Конвенция (1995 йил 22 декбр);

• Бутунлай йўқотилиш хавфига тушган ёввойи флора ва фаунанинг халқаро савдосига қарши Конвенция(1997 йил 1 июль);

• Ёввойи қушлар миграцияси ва уларни муҳофаза қилиш бўйича Конвенция(1998 йил 1 май) ва бошқ.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бутлиги ва самарали бошқарувини давлат миқёсида таъминлаш муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқаришнинг биринчи даражали вазифаси ҳисобланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси томонидан Бонн Конвенцияси (CMS, Бонн, 1998), Рамсар конвенцияси (Ramsar,Convention on Wetland), Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи флора ва фауна турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (CITES, Вашингтон, 1997) яқин ва узоқ хориждаги давлатлар билан табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича халқаро битимлар имзолаган.

Тадқиқот натижасида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистонда табиат ва унинг ресурсларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишнинг йўлларини тадқиқ қилишни кучайтириш.

2. Оилада экологик маданиятни, экологик билимни ўқиш–ўргатиш мактабгача тарбия таълимига киритиш (европаликлар таълим тизими).

3. Олий ва ўрта махсус таълим тизимига "Экология" ва "Табиатни муҳофаза қилиш" фанларини киритиш (Европа давлатларининг барча таълим тизимида умумий юкламанинг 10% ини бу фанларни ўқитиш ташкил қилади).

4. Давлатимизнинг "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" дастури бўйича барча таълим тизимидаги ўқувчилар ва талабалар учун давлат ҳисобидан Ўзбекистон табиатини кўрсатиш экскурсияларини ташкил қилишнинг ҳуқуқий-молиявий-ташкилий-иқтисодий меъёрларини ишлаб чиқиш.

5. Ўзбекистон табиати ва табиий ресурсларини муҳофаза қилишда "Халқаро экологик ташкилотлар"нинг грантларини олиш тадбирларига "Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳит муҳофазаси қўмитаси, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жиддий раҳбарлик қилишлари лозим.

6. Ўзбекистоннинг табиати ва табиий ресурсларидан фойдаланишда дойимий "Экологик экспертиза" ва "Экологик мониторинг" тадбирлари кучайтирилиши керак.

7. Атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳолининг дам олиши тизимларини давлатимиз сиёсатидаги йўналишларнинг биринчи ўринларига қўйишнинг ҳуқуқий- ташкилий меъёрларини яратиш.

8. Ўзбекистоннинг табиати ва табиий ресурсларидан фойдаланишнинг экологик муҳофазаланган, чегараланган тизимларини ишлаб чиқиш ва қатъий давлат назоратини ўрнатиш.

9. Ҳукуматимиз томонидан оммавий ва жамоавий тадбирларни ҳар бир мавсумларда ўтказиш бўйича "Ўзбекистон табиатини муҳофаза қиламиз" мавзусида Давлат дастури ишлаб чиқилиши лозим.

10. "Экологик туризм" фанини олий таълимнинг барча йўналишларига киритиш аҳолида экологик билим ва экологик

маданиятни шакллантиришдаги умидли йўл эканлигини англаб олиш.

Боб бўйича адабиётлар рўйхати:

1.Араб-Огли. Демографические и экологические прогнозы. Москва, «Статистика», 1978, 318 с.

2. Баттан Л.Дж., Загразненное небо, Москва, «МИР» 1967, 124 с.

3. Баттан Л.Дж., Человек будет изменять погоду, Л.: «Гидрометеоиздат», 1965, 61 с.

4. Зиёхонов Ж. Глобал мавзуга онгли муносабат: Биз миллат сифатида янги босқичга қачон чиқамиз?-интернетдаги мақола.

5. Кланг Р. М., Кланг Р.М.Исчезающые животный мир Америки, Москва 1974, 178 с.

6.Крут И.В.,Забелин И.М., Очерки истории представлений о взаимоотношении природа и общества. Москва, 1988, 312 с.

7.Нигматов А. Н., Экология ҳуқуқи схемалар ва тушунчаларда. Тошкент, 1999, 147 б.

8. Небел Б., Наука об окружающей среде Т. I. Москва, 1993, 348 с.

9. Петров К. П., Общая экология, Учебник для вузов. Химиздат. Санк-Петербург, 2000, 350 с.

10. Рафиқов А. А., Геоэкологик муаммолар. «Ўқитувчи», Тошкент,1997, 111 б.

11. Ўзбекистон Республикаси қонунлар мажмуи, 2006, № 36, 358-саҳифа

12. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузаси.

13. Флинт Б. Е., Мы должны их спасти. Издательство «Мысл», Москва, 1982, 174 с.

14. Photo Library/ Photo Researchers.

15.Ҳайитбоев Р., Ҳайитбоев К.. Музейларда қолган ҳайвонот. Самарқанд, 2016, 72 б.

16. Ҳайитбоев Р., Ҳайитбоев К., Худайбердиев У.,Табиатдан фойдаланиш иқтисоди. Маърузалар матни, Самарқанд, 2004, 106 б.

17.Ҳайитбоев Р., Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ривожлантириш истиқболлари. Монография, «Наврўз полиграф» МЧЖ, Самарқанд, 2018-142 б.

18. Ҳайитбоев Р., Экологик туризм.Ўқув қўлланма, «Баркамол файз медиа», Тошкент, 2018, 248 б.

19. Эргашев А. Э., Умумий экология. Тошкент, «Ўзбекистон»2003, 470 б.

20.Эргашев А.Э., ва бошқ…Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. Дарслик. Бақтрия пресс. Тошкент, 2016, 295 б.

21.Электронная книга Путешествие на "Кон-Тики" | The Kon-Tiki Expedition: By Raft Across the South Seas | Kon-Tiki ekspedisjonen. Переводчики: Комаров А., Гловин Л.Л., Москва, 1957, 178 с.

22. Gehrels N., Claude M. Laird, Charles H. Jackman, John K.M. Cannizo, Barbara J. Mattson, Wan Chen (2003) Ozone Depletion from Nearby Supernovae. The Astrophysical Journal, 585 : 1169—1176. (Русча таржима).

23.Расмлар интернетдан олинди.

МУНДАРИЖА

	Барқарор тараққиётга тўсиқ – уни енгиб ўтиш объектив зарурият (Сўзбоши ўрнида)	3
1-боб.	**Пандемиянинг иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаларига салбий таъсири ва уни бартараф қилиш йўллари**.....	**11**
1.1.	Иқтисодий инқирозлар (кризислар), уларнинг умумий ва хусусий жиҳатлар.....	14
1.2.	Covid-19 пандемиясининг дунё иқтисодиётига таъсири.....	19
1.3.	Пандемиянинг дунё авиакомпаниялари фаолиятига таъсири.....	27
1.4.	Пандемиянинг туризм фаолиятига таъсирлари.....	36
	Боб бўйича хулоса	41
	Боб бўйича адабиётлар рўйхати	44
2-боб.	**Мамлакатимизда коронавирус пандемиясидан кейинги даврда хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш имкониятлари**	**48**
2.1.	Пандемиядан кейинги даврда туризм соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.....	49
2.2.	Пандемиядан кейинги даврда меҳмонхона ва меҳмон уйлари хизматларини ривожлантириш.....	58
2.3.	Пандемиядан кейинги вақтда умумий овқатланиш хизматларини ривожлантириш.....	60
2.4.	Тўй ва тантаналар ташкил этиш хизматларини диверсификация қилиш ва ривожлантириш.....	63
2.5.	Пандемиядан кейинги вақтда савдо хизматлари ривожлантириш.....	65

Боб бўйича хулоса 66
Боб бўйича адабиётлар рўйхати..... 67
3-боб. Пандемиянинг хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишига таъсири ва келажакда уни оптималлаштириш истиқболлари..... 69
3.1. Хизматлар соҳасига пандемиянинг кўп томонлама таъсири ва унинг салбий асоратлари..... 70
3.2. Хизматлар соҳасининг таркибий тузилишини такомиллаштириш асосида иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантириш истиқболлари..... 88
Боб бўйича хулоса..... 94
Боб бўйича адабиётлар рўйхати..... 95
4-боб. Пандемиядан кейинги даврда хизмат кўрсатиш соҳасининг камбағалликни қисқартириш борасидаги имкониятлари..... 97
4.1. Камбағаллик тушунчаси таърифи ва уни тадқиқ қилишнинг назарий масалалари..... 99
4.2. Мамлакатимизда камбағаллик даражаси ва уни пандемия шароитида камайтириш йўллари..... 103
4.3. Камбағалликни қисқартириш бўйича кўрилаётган чоралар ва уларнинг натижаси..... 110
4.4. Томорқадан самарали фойдаланиш орқали камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш йўллари..... 118
Боб бўйича хулоса 125
Боб бўйича адабиётлар рўйхати..... 127

5-боб. Пандемиядан кейинги даврда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсири..... 130
5.1. Хизмат кўрсатиш соҳасининг мазмун-моҳияти ва бугунги пандемия шароитида уни жадал ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти..... 131
5.2. Пандемиядан кейинги шароитда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг стратегик вазифалари..... 139
Боб бўйича хулоса..... 145
Боб бўйича адабиётлар рўйхати..... 147
6-боб. Пандемиянинг туризм соҳасига етказган салбий таъсири ва уни бартараф этиш йўллари..... **149**
6.1 Пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти, хусусан, туризм соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида..... 151
6.2 Туризмнинг ривожланишига пандемиянинг таъсири ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилишда Ўзбекистон тажрибаси..... 163
6.3. Пандемия шароитида Ўзбекистоннинг алоҳида ҳудудларида туризмни ривожлантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари..... 173
6.4. Пандемия шароитида рақамли туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари..... 181
6.5. Ўзбекистонда коронавирус пандемиясидан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режани ишлаб чиқишнинг зарурлиги ва ўзига хос хусусиятлари.. 193
Боб бўйича хулоса 202
Боб бўйича адабиётлар рўйхати 203

7-боб. Пандемиядан кейинги шароитларда миллий туризмнинг рақобатбардошлигин таъминлаш имкониятлари..... 206
7.1. Туризм соҳасида рақобатбардошлигининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг пандемия шароитида намоён бўлишининг назарий асослари..... 206
7.2. Мамлакатнинг туризм бозоридаги рақобатбардошлиги муаммосининг тизимлийлиги ва уни ҳал қилиш бўйича ёндашувлар..... 216
7.3. Пандемия таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий туризмнинг рақобатбардошлигини баҳолашнинг айрим жиҳатлари..... 219
7.4. Миллий туризмни тиклаш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш дастурларини амалга оширишдаги ёндашувлар..... 225
Боб бўйича хулоса..... 227
Боб бўйича адабиётлар рўйхати..... 228
8-боб. Оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасига пандемиянинг салбий таъсирини камайтириш йўллари..... 230
8.1. Инновацион иқтисодиёт шароитида оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасининг бугунги ҳолати ва унга пандемиянинг таъсири 232
8.2. Пандемия шароитида оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасига етказилган салбий таъсирлар ва уларнинг оқибатлари..... 242
8.3. Пандемия шароитида оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳасига етказилган салбий таъсирларни бартараф этиш йўллари..... 250

Боб бўйича хулоса..... 263
Боб бўйича адабиётлар рўйхати..... 264
9-боб. Пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни ривожлантириш масалалари..... 266
9.1. Маркетинг назариясини илмий мактаблар асосида ривожланиши ва рақамли маркетинг эволюциясининг пандемия шароитидаги ҳолати..... 267
9.2. Пандемиядан кейинги шароитда рақамли маркетингни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари..... 284
9.3. Пандемиядан кейинги шароитда хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига рақамли маркетинг технологияларини жорий қилишнинг истиқболли йўналишлари..... 299
Боб бўйича хулоса..... 318
Боб бўйича адабиётлар рўйхати..... 319
10-боб. Пандемиядан кейинги шароитда улгуржи савдони ривожлантиришнинг долзарб масалалари..... 321
10.1. Пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдонинг функционал хусусиятлари..... 322
10.2. Пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдони ривожланиши билан боғлиқ маркетинг масалалари..... 331
10.3 Пандемиядан кейинги даврда улгуржи савдони ривожлантиришда хориж тажрибаси ва ундан мамлакатимиз амалиётида фойдаланиш..... 348
Боб бўйича хулоса..... 359
Боб бўйича адабиётлар рўйхати..... 360

11-боб. Пандемиядан кейинги даврда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизматларни такомиллаштиришда синергетик самарадан фойдаланиш имкониятлари..... 362
11.1. Пандемиядан кейинги даврда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизматларнинг объектив зарурлиги..... 364
11.2. “Синергетика”, “Синергетик самара” ва “Синергетик самарадорлик” тушунчаларининг назарий масалалари ва уларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни..... 369
11.3. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликнинг асосий йўналишлари ва улардан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиш имкониятлари..... 376
11.4 Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликни аниқлаш йўллари ва ундан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиш имкониятлари..... 381
Боб бўйича хулоса..... 389
Боб бўйича адабиётлар рўйхати..... 390
12-боб. Пандемиядан кейинги даврда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластери ва ундан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари..... 393
12.1. Кластер тушунчасининг назарий масалалари ва ундан хизмат кўрсатиш соҳасида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари..... 396

12.2. Маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш хизматларини мувофиқлаштириш кластери ва пандемиядан кейинги шароитда қўлланилиши.. 402
12.3. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш кластерида коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг роли ва вазифалари..... 416
12.4 Маҳсулотларни сақлаб сотиш билан боғлиқ хизматларни ривожлантиришда рақобат ва ҳамкорлик (кластер) тамойилларидан фойдаланиш имкониятлари..... 422
Боб бўйича хулоса..... 426
Боб бўйича адабиётлар рўйхати..... 429
13-боб. Сайёрамизнинг глобад экологик муаммолари ва пандемия..... 432
13.1. Пандемия ва глобал экологик инқирозлар – эътиборни талаб қилади..... 435
13.2. Дунё «иссиқхонаси самараси» – энг хавфли фалокатлар манбаи..... 437
13.3. Озон туйнуги муаммоси – оммавий касалликлар манбаи..... 439
13.4. Чўлланиш муаммоси – глобал экономик муаммолардан бири..... 443
13.5. Нам тропик ўрмонлар майдонининг қисқариши билан боғлиқ глобал муаммолар..... 444
13.6. Дунё океанининг ифлосланиши билан боғлиқ глобал муаммолар..... 446
13.7. Ҳудудий геоэкологик инқирзларнинг вужудга келиши..... 448
13.8. Сув ва ер ресурсларининг инқирози билан боғлиқ глобат муаммолар..... 451

13.9. Орол денгизининг ҳалокати билан боғлиқ экологик муаммолар..... 454
13.10. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши – глобал экологик муаммолардан бири..... 462
13.11. Биологик ресурсларнинг инқирози билан боғлиқ глобал экологик муаммолар..... 466
13.12. Экология ва озиқ-овқат муаммоларининг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар..... 473
13.13. Экология ва дунёвий башоратлаш моделлари – дунёвий фалокатларнинг олдини олишга ҳаракатлар..... 476
13.14. Экологик хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган тадбирлар..... 481
13.15. Экологик - иқтисодий барқарор ривожланиш..... 484
13.16. Экологик туризмда экологик маданият ва экологик билимнинг шаклланиши..... 492
Боб бўйича хулоса..... 499
Боб бўйича адабиётлар..... 503

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

COVID-19 ПАНДЕМИЯНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тошкент – «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» – 2021

Муҳаррир: М.Ҳайитова
Мусаввир: Дж.Адилов
Дизайнер: У.Ортиқов
Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Миркосимова

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 97-450-11-14, 93-381-22-07.
Босишга рухсат этилди 29.12.2021.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 32,50. Нашр босма табоғи 32,25.
Тиражи 300. Буюртма № 177.

«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Фозилтепа кўчаси, 22-б уй.